

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН



ҲАМИД ЗИЁЕВ

**Туркистонда
Россия тажовузи ва
ҳукмронлигига
қарши кураш**

(XVIII—XX аср бошлари)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1998 ЙИЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси «Ўзбекистон янги тарихи» маркази томонидан нашрга тавсия этилган

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Б.АҲМЕДОВ, тарих фанлари доктори Н.АБДУРАҲИМОВА

Жамоатчи муҳаррир — МАҲМУД САЪДИЙ

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концернинини
Бош таҳририяти, 1998.

Подшо Россияси Туркистонни босиб олгач халқнинг қонини тукиб, улкани Россия империясининг мустамлакасига айлантирди, бутун турмуши, урф-одаглари, маданий негизлари зуравонлик билан барбод этилди.

Ислом КАРИМОВ

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон «бир томчи қонсиз» мустақиллик ва озодликка эришди. Тарихан олганда эса, ҳозирги мустақиллик Россиянинг қайта-қайта уюштирган тажовузларига ва ҳукмронлигига қарши халқимизнинг олиб борган озодлик курашларининг ҳам натижасидир. Зеро, уша суронлик замонлардаги жангларда тобланган озодлик гоёлари кўз унгимизда рўёбга чиқди. Шу тарзда, ўтмишда ота-боболаримизнинг Ватан ҳимояси учун тўккан беҳисоб қонлари ва мисли қурилмаган талафотлари беҳудага кетмай, ўз самарасини берди. Бинобарин, она-юрт мустақиллиги учун жонини ҳам, молини ҳам фидо қилиб курашган аждодларимизнинг қадр қимматини эъозлаш муқаддас бурчимиздир.

Бу борада халқимизнинг Рус давлатининг тажовузларига қарши олиб борган курашлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу сурункасига 25 йил давом этган даҳшатли даврда ун минглаб кишилар ўлдирилди, шаҳар ва қишлоқлар вайронага айлантирилди ҳамда бойликлар босқинчилар томонидан таланди.

Аммо, бундай мисли қурилмаган талафотлар ва фожеалар халқнинг жасоратини ва эркесварлигини бука олмади. Бироқ нодон ҳукмдорларнинг ва бир гуруҳ ватан хоинларининг айби билан пировардида душман кучлари голиб келиб, Туркистон заминида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Минг афеуслар бўлсинки, ота-боболаримизнинг Ватан мустақиллиги учун олиб борган курашларининг тарихи, ўтмиш шароити тақозосига кура, ҳануз яратилмади. Эндиликда мустақиллик шарофати ила озодлик ҳаракатларини ўрганиш ва оммалаштириш имкони туғилди.

Мазкур муҳим ва мураккаб масала чор ҳукумати давридаги муаллифларнинг асарларида ва мақолаларида муайян даражада ўз ифодасини топди. К.К. Абаза,

М.М. Терентьев, М.И. Венюков, А.Шепелов ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидандир. Булар асосан рус генераллари, офицерлари ва умуман расмий шахслар томонидан ёзилиб, асосий мақсад «Рус солдати» ва «Рус қуроли»нинг шон-шухратини оламга намойиш этишдан иборат эди. Уларда қимматли маълумотлар умумлаштирилган бўлиб, фойдадан холи эмас, албатта. Бироқ уларда йирик камчилик ва хатоликлар мавжуд.

Улар мустамлакачилик сиёсати руҳи билан сугорилган бўлиб, ҳарбий юришлар гуё туб халқни «ёввойиликдан», яъни «ўрта аср қоқоқлиги»дан қутқазиб, тараққиёт сари чорлашга шароит яратармиш. Улар Россия учун ҳам, улка учун ҳам «тарихий зарурият» эмиш. Шунингдек, уша асарларда Рус давлати Туркистон минтақасида ўзаро урушларни тугатиб, тинчликни, карвон йулларининг хавфсизлигини, савдо алоқаларининг самарадорлигини таъминловчи куч сифатида гавдалантирилди. Ваҳоланки, унинг бундай қилишидан асосий режаси улканинг моддий ва маънавий бойликларининг эгаси бўлишга қаратилган эди.

Муаллифлар узларининг ишларида рус солдатларининг жасорати, қаҳрамонликлари ва уз ватанига, «император олийлари»га ута содиқлигини намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Аммо улар узбекларни ва бошқа туб халқларнинг қаҳрамонона жангларини батафсил ёритишни онгли равишда лозим топмадилар. Шарҳланмаётган ишларда маҳаллий манбалардаги маълумотлар уз ифодасини топмади. Айни пайтда ватан ҳимоячиларига қарши қўлланилган ваҳшиёна жазолар, талон-тоғроқлар ва вайронагарчиликлар кўрсатилмади.

Умуман, русларнинг асарлари Рус давлатининг улутмиллатчилиги ва мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан ёзилиб, тарихий воқеаларнинг чинакам манзараси яратилмади. Бу ерда шуни алоҳида уқдириб ўтиш лозимки, асарларда улканинг урушиб олинганлиги очиқдан-очиқ тан олинди.

Совет даврининг 20—30-йилларида ҳам Россия томонидан Туркистоннинг урушиб олинishi ва унинг мустамлакачилик сиёсатига бағишланган қатор ишлар нашр этилганлиги маълумдир. Уларнинг аксариятини мақолалар ташкил этади. Алоҳида йирик асарлар эса, ёзилмади. Маълумки, тарих, биринчи навбатда, озодлик учун олиб борилган курашлар халқнинг сиёсий онги ва фаолиятини уйғотиб, Ватанга муҳаббатини алангалатиши ҳеч кимга сир эмас. Бу хусусда Оврупо дониш-

мандларидан бири Августин: «Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун унинг тарихини тарғибот қилиш керак», деб бежиз айтмаган эди.

Империяни бошқарган коммунистик партия раҳбарлари буни яхши англаганлари ҳолда Туркистон халқларининг бой ўтмиш тарихини атрофлича урганишга, холис тадқиқ этиб, тарғиб-ташвиқ қилишга йул қўймадилар. Улар айниқса рус босқинига қарши олиб борилган курашлар аҳамиятини камситишга ёки хас-пушлашга қаттиқ уриндилар. Бу ҳол айниқса XX асрнинг 50-йилларида яққол кузга ташланди.

Ўлканинг «урушиб олиними» иборасининг урнига «қушиб олиними» деган сузлар изчил ишлатилди. Уларда гуё Россия туфайли Туркистонда тинчлик урнатилган ва улкада ижобий ўзгаришлар юз берганлиги, акс ҳолда қаттиқ инқироз ва қолоқлик содир бўлиши мумкинлиги ҳақида жар солинди. Шу тариқа, Рус давлатининг аёвсиз мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмини эмас, балки «ижобий ўзгаришлар ва ютуқлар»ни тарғиб этиш асосий вазифага айлантирилди.

Бундай қарашлар Ўзбекистон тарихига бағишланган барча катта-кичик ишларда кузга ташланди. 1965 йили Москвада Н.А. Халфиннинг «Присоединение Средней Азии к России (60—80 годы XIX в.)» китоби чоп этилди. Мазкур китобда ўлкани босиб олиш жараёни ва ниҳоясига етказилиши кўрсатилиши билан бир қаторда унинг мустамлакачилик хусусиятига эгаллиги баён этилган булса-да, лекин маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши жанглари ёритилмади. Муаллиф гарчанд ўлканинг урушиб олиними инкор қилмаса-да, лекин унинг «объектив ижобий оқибатлари»ни ҳисобга олган ҳолда таърифлашга даъват этади. У асримизнинг 20—30-йилларидаги тарихчиларнинг чор ҳукуматининг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатини урганиш билан чегараланиб, «қушиб олиними»нинг, яъни урушиб олинимиининг ижобий оқибатларини ёритишга деярли аҳамият бермаганликларини танқид қилади. Ваҳоланки, «объектив ўзгаришлар» мустамлакачилик сиёсатининг маҳсули ҳисобланиб, улардан маҳаллий аҳоли эмас, балки Рус давлати ва россияликлар баҳраманд булган эдилар. Мазлум халқ эса, йуқчилик ва қашшоқликда ҳаёт кечирган эди.

Босқинчилик, зўравонлик, минглаб кишиларнинг ёстигини қуритиш, талон-торож ва вайронагарчиликлар ҳисобига содир булган «объектив ўзгаришлар»нинг

боридан кура йўғи минг маротаба афзал эди. Улканинг урушиб олиншининг том маънодаги оқибатлари шундан иборат булдики, мустақиллик ва озодлик барбод қилиниб, мустамлакачилик тизими ва миллий зулм урнатилди, холос. Шунинг учун унутмаслик керакки, фақат мустақил миллий давлат доирасидагина чинакам тараққиётга эришиш мумкин.

Н.А. Халфиннинг агар Туркистон Россияга «қушиб олинмаганда», яъни урушиб олинмаганда маҳаллий халқлар «октябрь инқилоби» ва «социализм тизими»дан четда қолиб «урта аср қоқоқлиги» гирдобиди яшарди деган фикри ҳам нотўғридир. Аксинча, туб аҳоли «октябрь инқилоби»нинг меваларидан — мисли қурилмаган даҳшатли фожеларни бошларидан кечирганлигининг гувоҳимиз. Шунинг учун «объектив узғаришлар»ни рукач қилиб урушиб олиншини «оқлаш»га ҳаракат қилиш тарихни сохталаштиришдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Н.А. Халфин баъзи ясама ҳужжатлар асосида Туркистонни фақат қурол кучи билан босиб олинди деган фикрга қарши чиқиб, «ихтиёрий» равишда итоат этиш истагини билдирган жойларни мамнуният билан тилга олади. Аслида эса, айрим жойларда «ихтиёрий буйсуниш» ҳақидаги суровлар халқнинг эмас, балки бир гуруҳ ватан хоинлари томонидан ташкил этилган ташаббус эди, холос.

Шу боис уларни халқнинг хоҳиш-иродаси сифатида талқин қилиш ҳақиқатдан узоқдир.

Хуллас, Н.А. Халфиннинг фикр-мулоҳазаларидан Рус давлатининг ҳарбий юришлари ва ҳукмронлиги улка учун гўё «тарихий зарурият» бўлиб чиқади. Бундай уйдирма гапга мутлақо қушилиб бўлмаслигига шак-шубҳа йўқ.

Шунинг айтиб утиш лозимки, Н.А. Халфин йул қуйган хатолар фақат унинг узига хос булмай, барча тарихчиларнинг ҳам умумий камчилиги эди. Бу ерда айрим нотўғри фикрларга камина ҳам йул қуйганлигини тан олишим айни муддаодир. Чунончи, мен 1966 йилда «Тошкентнинг Россияга қушиб олинishi» номидаги рисола ни чоп эттирдим. Гарчанд бу ишда биринчи маротаба тошкентликларнинг рус солдатларига қарши қаҳрамонона жанглари, шаҳар қонга беланган ва вайронага айлантилган ҳолда урушиб олинганлиги ошкора кўрсатилган булса-да, лекин «қушиб олинishi»

ибораси ишлатилди. Шунингдек, унинг «объектив ижобий оқибатлари» хусусида фикр изҳор этилди.

Ишнинг қўрилган сарлавҳаси мазмунига мос тушмай қолди. Бироқ цензуранинг руҳсатини олиш учун бундай қилмасликнинг иложи йўқ эди. Камина «қайта қуриш» йилларидаёқ мавзуни тубдан қайта урганишга киришиб, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Шарқ юлдузи» ва «Мулоқот» журналларида мақолалар чиқардим. Шунингдек, 1990 йилда каминанинг ташаббуси билан «Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинishi» мавзуи бўйича минтақавий илмий конференция ўтказилди. Бунда каминанинг маърузаси атрофида баҳс олиб борилиб, улкани Россияга «қушиб олинishi» иборасининг сохталиги ва уни бундан бўён ишлатмаслик ҳақида қарор қабул қилинди.

Коммунистик партия раҳбарлари миллий-озодлик ҳаракатларини ҳам қоралашга ҳаракат қилди. Улар ислом динини ашаддий душман куч урнида қуриб, жамиятдаги мавқеига зарба бериш учун ҳеч нарсадан тап тортмадилар. Ҳатто руҳонийларнинг ўтмиш замонлардаги фаолиятини ҳам ижобий баҳолаш тақиқланди. Бу борада иш шу даражага борган вақтлар бўлдики, масалан, 1952 йили Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг X пленумида Андижонда қўрилган 1898 йилги «Дукчи Эшон қўзғолони» муҳокама этилиб, махсус қарор қабул қилинди. Авваламбор, бундай илмий масаланинг ҳукуматнинг энг олий доирасида қўрилиши кулгили ҳол эди. Уша қарорда миллий-озодлик кураши дин пешвоси Дукчи Эшон бошчилик қилгани учун жамиятга зиён ва талофат келтирган, салбий ҳаракат дейилди, озодлик фидойилари юзига кейин ҳам қора бўёқ суркалди. Халқ қўзғолонини худди шу нуқтаи назардан таърифлаш ҳақида курсатма берилди. 60-йилларнинг охирларида бу хато муайян даражада тuzатилиб, қўзғолон бошқача баҳоланган бўлсада, лекин унда қатнашган руҳоний ва юқори табақа вакилларининг фаолияти қораланди.

Шунга ухшаш 1916 йилги халқ қўзғолонларига қўшилган руҳонийлар ва юқори табақа намоёндалари фаолиятига ҳам салбий баҳо берилди. Ваҳолашки, улар умуммиллий манфаатлар учун жонларини тиккан одамлар эдилар. Бундан ташқари совет даврида миллий-озодлик ҳаракатлари чор ҳукуматининг зулмига қарши қаратилган кураш ва рус революцион ҳаракатларининг таркибий қисми сифатида баҳоланди. Бу билан улар-

нинг асл моҳияти ва йуналишини ниқоблашга ҳаракат қилинди. Аслида эса, 1892, 1898 ва 1916 йилги қузғолонлар Туркистон мустақиллигини ва озодлигини тиклашни асосий вазифа қилиб қўйган эди. Қузғолонларда қатнашган мазлум халқ ва маҳаллий юқори табақаларнинг илғор вакиллари бир ёқадан бош чиқариб миллий давлатни тиклаш учун курашган эдилар.

Ушбу асарнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у яқин йилларгача биз таяниб келган қалбаки коммунистик гоёларни ва хатоларни улоқтириб ташлаган ҳолда ёзилди. Уни ёзишда тарихий ҳужжатларни, воқеаларни умумий ва ортиқча шарҳловчи қуруқ сўзлар билан кўмиб юбормасликка интилинди. Бошқача айтганда, манба маълумотларидан узоқлашмаслик ва имкони борича, ҳақиқий аҳволни ёритишни ўз олдимишга вазифа қилиб қўйдик.

Ниҳоят, яна шуни эътиборга олиш керакки, Россия давлатининг тажовузларининг бошланишидан то охиригача яхлит бир мавзу сифатида урганилмаган эди. Мазкур ишда бу камчилик бартараф қилинди. Бундан ташқари, 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги миллий-озодлик ҳаракатлари Россия тажовузига қарши курашлар жараёнида юзага келган мустақиллик ва озодлик курашларининг мантиқий давоми ва маҳсули сифатида гавдалантирилди.

Асарни ёзишда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, Аҳмад Дониш, Муҳаммад Юсуф Баенӣ, Аваз Муҳаммад Атор Хуқандий, Мулла Ниёзмуҳаммад, Мулло Олим Маҳдумҳожӣ, Аҳмад Заки Валидий, Мирза Муҳаммад Абдулазим Сомий сингари маҳаллий муаллифларнинг қўлёмаларидан кенг фойдаланилди. Унга архив, адабиёт ва ўша даврдаги рус матбуотидаги маълумотлар жалб этилди. Шубҳасиз, бир асар доирасида қўйилган куплаб масалаларни тула-тўкис ёритиб беришнинг имкони йўқ. Шу боис китобни камчиликлардан холи деб даъво қила олмаймиз. Бироқ, китобхонлар умумий қаноат ҳосил этсалар, ўзимни бахтиёр деб ҳисоблардим.

РОССИЯ БОСҚИНИ АРАФАСИДА ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

Рус давлати Туркистонни босиб олиш ҳаракатига қатъий киришганда ўзбек хонлиklarининг аҳволи қандай эди, деган савол туғилади. Шу сабабли бу уринда шуни қайд этиб утиш лозимки, XIX асрнинг 50—60-йилларида ўзбек хонлиklarида ҳукм сурган ачинарли аҳвол қисқа бир даврнинг эмас, балки 350 йиллик тарихий жараённинг маҳсули сифатида намоён булган эди. Зеро, теурийлар давлати емирилганидан кейин мамлакатда асрлар мобайнида давом этган нотинчлик ва парокандалик бамисоли занжир ҳалқалари сингари бир-бирига чамбарчас боғланиб, охир-оқибатда хонлиklar мустақиллигининг барбод булишига олиб келди.

БУХОРО ХОНЛИГИ

Сиёсий ҳаёт. XVI асрнинг бошларида дашти кипчоқлик Муҳаммад Шайбонийхон (1451—1510) теурийлар давлатига қарши ҳарбий юришлар қилиб, уни снганидан кейинги даврда Бухоро, Хива, сунгра Қуқон хонлиklари ташкил топди.

Минтақа ҳаётида салмоқли урин эгаллаган Бухоро хонлигида Муҳаммад Шайбонийхон асос солган сулола 100 йил ҳоқимият тепасида турди. 1510 йили Муҳаммад Шайбонийхон Эрон шоҳи Исмоил Сафавийдан мағлубиятга учраб, узи улдирилгандан кейин Кучкунжихон (1510—1530), Абусаъидхон (1530—1533) ва Убайдуллахон (1533—1539) сингари шайбонийлар хонадонига мансуб шахслар хонликни бошқардилар. Улар орасида айниқса Убайдуллахон пухта ва шижоатли сиёсатчилардан бири сифатида мамлакат бирлигини таъминлашда куп ҳаракатлар қилди. Ташқи сиёсатда Хуросон учун курашларда эронлик кучлар шахдини қайтариб турди. Аммо унинг Абдуллахон I (1539—1540), Абдулазизхон (1540—1549) ва Абдулатифхон (1540—1550) каби ворислари вақтида узаро урушлар қизиб, марказий ҳоқимият анча заифлашди.

Ниҳоят, Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида (1557—1598) минтақада марказлашган давлат ва қуд-

ратли қушин ташкил топиб, у моҳир лашкарбоши ва давлат арбоби сифатида шуҳрат қозонди. Қаттиққуллик ва шиддат билан сиёсат юритган Абдуллахон II мамлакатда узбошимчалик ва парокандаликни бартараф қилишга эришди. Натижада бутун Туркистон улқаси бир бутун давлатга бирлаштирилди ва тараққиётга замин ҳозирланди.

Абдуллахон II вақтида ҳам Эрон билан урушлар давом этиб, у Хуросонни буйсундирди; биргаликда Эронга қарши курашиш учун усмонийлар султони Мурад III (1574—1595) ва бобурийлар сулоласининг вакили Акбар (1556—1605) билан яқинлашди. Умуман, Абдуллахон Темур ва темурийлар давлатидан кейинги даврлар мобайнида утган хонлар орасида бутун улқани бирлаштириб, қудратли давлат бунёд этган ягона ҳукмдордир. Бироқ, Абдуллахон улимидан кейин мамлакатда тахт учун узаро курашлар авж олиб кетди. Унинг угли Абдулмумин тахтга утирганидан олти ой утгач муҳолифатдаги кучлар томонидан ўлдирилди. Тахтга сунгги шайбоний ҳукмдор Пир Муҳаммадхон (1599—1601) чиқади. 1601 йили эса ҳокимият асли Аштархон (Астрахан) хонлигидан булмиш Боқи Муҳаммад (1601—1605) қўлига утади.

Шу тариқа, Бухоро хонлигида шайбонийлар сулоласининг ҳукмронлиги тугатилиб, аштархонийлар хонадонининг вакиллари тахтни эгаллаган эдилар. 1605—1611 йилларда хонликни Вали Муҳаммадхон бошқарган. Бу сулоладан чиққан Имомқулихон (1611—1642) Эрон ва қозоқ бийлари билан булган жангларда ғалабага эришиб, уз мавқеини анча мустаҳкамлаб олди. Бу вақтларда тахт учун узаро курашлар давом этган булса-да, лекин мамлакатда нисбатан барқарорлик кузга ташланади. Имомқулихондан кейин тахтни эгаллаган уқаси Назр Муҳаммадхон (1642—1645) даврида ички сиёсий қарама-қаршилик янада авж олиб, у муҳолиф кучлар таъқиби остида тахтни ташлаб кетишга мажбур булди. Ҳокимият эса унинг угли Абдулазизхон (1645—1681) қўлига утади. Бу вақтда Эрон шоҳи Аббос Балхни эгаллаб, катта улжани қўлга киритади. Гарчанд Балх Эрондан қайтариб олинган булса-да, бироқ Абдулазизхон ва унинг уқаси Субҳонқулихон ўртасида ҳокимият учун кураш тухтамайди. Ички урушлар билан бир пайтда Хива хони Абулғозийхон ҳужумлари ҳам халқнинг ҳаётини ёмонлаштирди. Манбаларда курсатилишича, Абулғозийхон жами 18 мартаба Бухорога ҳужум қилиб,

шаҳар атрофидаги аҳоли ва жойлар талон-торож майдонига айлантирилган. Кейин Хива хони Анушахон ҳам Бухоро хонлигига ҳужум қилган.

Узаро урушлар Субҳонқулихон (1681—1702) даврида ҳам тўхтамади. У Балх ва Хуросонга ҳарбий юришлар уюштирди. Унинг ўгли Убайдуллахон (1702—1711) ҳукмронлиги даврида Балх, Термиз, Шаҳрисабз ҳокимлари мустақилликка интилдилар. Хон уларга қарши ҳарбий юришлар қилишга мажбур бўлди. Шунингдек, у Самарқанд ва Ҳисорда бош қутарган қабилаларга қарши қўшин юборди. Қонли жанглар хонликнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, хазина анча бўшаб қолди. Шу сабабли хон 1708—1709 йиллари оғирлиги одатдаги тангадан тўрт маротаба енгил бўлган қумуш танга зарб эттириб, пул ислоҳоти ўтказди. Бу тадбир аҳолининг барча табақалари манфаатларига зиён келтирганлиги учун ғалаён кўтарилди. Бироқ, қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилади. Шунда айрим нуфузли амирлар мамлакатдаги оғир аҳволдан фойдаланиб, фитна уюштирдилар ва хонни ўлдирдилар. Тахтга марҳум хоннинг укаси Абулфайзхон (1711—1747) ўтқазилди. Бу хон ўша нуфузли амирлар қўлидаги бамисоли қўғирчоқ бўлиб қолди.

Марказий ҳокимиятнинг заифлашиб кетиши ва алғовдалғов оқибатида 1711 йилдан бошлаб Балх хонлигининг таъсир доирасидан чиқиб кетди. Бу ҳам камдек, XVIII асрнинг 20-йилларида Тошкент кўчманчи қалмоқлар томонидан босиб олинди. 1723 йили қалмоқлар чўлларга бостириб кириб, қозоқларни Мовароуннаҳрга қочишга мажбур этдилар. Хусусан, қозоқлар чорва моллари билан Зарафшон водийсига кириб, бутун экин майдонларини топтаб ташладилар. Мамлакат мана шундай оғир аҳволга тушган пайтда Абулфайзхон ичкиликбозлик ва маишатбозлик билан шуғулланди. Пировардида, Эрон шоҳи Нодир (1736—1747) Бухоро хонлигини узига бўйсундириб, кўп ўлжаларни қўлга киритди. У мангитлардан бўлмиш Муҳаммад Ҳакимни ишончли вакил сифатида бу ерда қолдириб, ўзи жунаб кетди. 1747 йили эса унинг ўгли Муҳаммад Раҳим, Нодиршоҳ ўлдирилгач, хонлик измини ўз қўлига олади. Шу йили Абулфайзхонни ўлдиртириб, аввалига унинг ўгли Абдулмўминни, бир йил ўтгач уни ҳам ўлдиртириб укаси Убайдуллани хон деб эълон қилса-да, амалий ҳокимият Муҳаммад Раҳим ихтиёрида эди. Бироз ўтиб Убайдуллани ҳам йўқ қилгач, Бухоро ҳокимияти ҳам амалда, ҳам расман янги сулола — мангитларга ўтади.



Арк — Бухоро ҳукмдорларининг расмий қароргоҳи.
XX аср 10-йилларида олинган фото.

Муҳаммад Раҳим вақтида Бухоро хонлигига қарашли ерлар анча қисқарган эди. Унинг таркибига Бухоро, Самарқанд, Миёнкол, Кармана, Қарши, Ғузур, Қарки, Чоржуй, Шаҳрисабз кириб, Тошкент ва Фарғона ажралиб кетган эди. Дониёлбий даврида (1758—1785) ҳам узаро урушлар давом этиб, Кармана, Уратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва бошқа жойларда хон ҳокимиятига қарши қўзғолонлар кўтарилди. Улар қийинчилик билан бостирилди.

Мангитлар сулоласидан чиққан ҳукмдорлар орасида Дониёлбийнинг катта ўғли Шоҳмурод ўзининг ажойиб хислатлари ва турмуш тарзи билан кишини ҳайратга солади. У даставвал дарвиш кийимида бозорда ҳаммоллик қилган. Шоҳмурод камбағалларнинг дусти ва ҳимоячиси сифатида шуҳрат қозониб, мол-мулкни уларга улашган. У отаси томонидан Самарқандга ҳоким этиб тайинланган. У бу ерда иқтисодий ҳаётни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қўрган. Шоҳмурод тахтга ўтирганидан кейин (1785—1800) жуда камтарона ҳаёт кечириб, бир кунлик овқатининг харажати бир тангадан ошмаган. У барча гайриқонуний солиқларни, қимор ўйинларини, ҳар қандай томошаларни ва базмларни таъқиқлаган. У ташқи сиёсатда ҳам кўзга кўринарли ишларни амалга оширган. Умуман, Шоҳмурод даврида хонликда талай сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди.

Унинг фарзанди Амир Ҳайдар (1800—1826) даври ҳам узаро ички урушлардан холи бўлмади. Бундан ташқари, Қўқон хони Олимхон Жиззах, Зомин, Пешагир ва Урмитанга ҳужум қилди. Икки хонлик уртасида, айниқса, Уратепа учун курашлар қизгин тус олди. XIX асрнинг бошларида Хива хони Элтузар Бухоронинг атроф жойларини талон-торож этди. Тошкент, Туркистон ва улар атрофидаги жойлар Қўқон хонлиги томонидан эгалланди. 1825 йили эса Хива хонлиги Бухорога қарашли Марвни қўлга киритди.

Хонликнинг маъмурий вакиллари солиқларни тушлашда ва умуман уз фаолиятларида зуравонликка йўл қўйиб, халқнинг тинқасини қуритди. Оқибатда Бухоро ва Самарқанд оралигидаги жойларда яшовчи хитой-қипчоқ қабилалари бош қўтариб, Каттақўрғон, Челақ, Янгиқўрғон ва бошқа жойларни эгалладилар.

1821—1825 йиллар мобайнида давом этган уша қўзғолон зўрға бостирилди. Амир Ҳайдар вафотидан кейин уч фарзанди уртасида тахт учун кураш кетиб, у Насрулла ғалабаси билан тугайди (1826—1860). Бу хон барча тахт даъвогарларини қириб ташлади. У бутун фаолияти мобайнида мустақилликка интилган Шаҳрисабзга қарши 15 маротаба ҳарбий юриш қилди, лекин унинг бу ҳаракатлари уз самарасини бермади. Насруллахон 1839, 1841 ва 1858 йиллари Қўқонга қарши урушиб, қўп кишиларнинг ёстигини қуритди, бойликларини талади. Шунингдек, 1842—843 йиллари Бухоро ва Хива хонликлари уртасида қўнли тўқнашувлар юз берди.

Юқоридаги саҳифалардан аёнки, хонликнинг сиёсий ҳаётида қўпроқ узаро урушлар, тарқоқ ва парокандалик ҳукм суриб, марказий ҳокимият талон-торож майдонига айланган эди. Оқибатда давлат ниҳоятда заифлашиб, хонлик ерлари тобора қисқариб борди.

Давлат бошқаруви ва қўшин. Хонликда ҳокимият ҳуқуқи чегараланмаган хонлар ихтиёрида бўлиб, жамият ҳаёти шариат қонунларига асосланган ҳолда шакллантирилган эди.

XVI—XVII асрлар мобайнида оталиқ лавозимидаги шахс хоннинг ун қўли ҳисобланиб, бутун мамлакатни бошқариш тармоқлари унинг қўлига тупланган эди. Нақиб мансабидаги шахс ҳам хоннинг энг яқин одамларидан ҳисобланиб, у ҳарбий ишлар ва ташқи сиёсат билан шуғулланган.

Хонликда шайхулислом катта мавқега эга бўлган.

У энг йирик руҳоний ва суд ишларининг сардори ҳисобланиб, жамиятнинг маънавий ҳаётини бошқарган. Ундан кейинги уринда қозикалон (олий суд) турган. Вақф ерларини назорат қилиш садрларнинг зиммасига юклатилган. Шунингдек, қушин учун алоҳида қози тайинланган. Қонуншунослик ва умуман шариатга доир муҳим масалаларни ҳал этиш аълам лавозимидаги шахс зиммасида булган. Хонликда амалдорларнинг ахлоқ-одоби ва диний тартибларни бажаришларини назорат қилиб турувчи раис лавозими ҳам бор эди. Хусусан, у намоз ўқиш, руза тутиш ва бошқа дин асосларининг ҳар бир фуқаро томонидан бажарилишини кузатиб турган.

Оталиқ мансабидан сунг девонбеги муҳим урин эгаллаган. Бу мансабдаги киши уруш ва ярашиш, айрим вилоят бошлиқларини тайинлаш ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан шуғулланган. У мамлакат молиясини ҳам бошқарган.

Оталиқ ва девонбегидан кейин хоннинг амирлари ҳамда бошқа нуфузли кишиларга битилган ёрликларни топшириш, ҳарбий хизматга бошчилик қилиш сингари вазифаларни бажарувчи парвоначи турган. Хоннинг дўстлари, душманлари ва умуман мамлакатдаги сиёсий аҳволга тегишли маълумотларни тўплаш, хавфли вазиятларни бартараф этиш билан кукалдош шуғулланган. Унинг ихтиёрида айғоқчилар хизмат қилган. Бундан бошқа, хонликда яна эшикогабоши, мирохур, шиговул, лашкарбоши, тупчибоши, мирзабоши (бош котиб), хазиначи, меҳтар, мироб каби бошқа лавозимлар бор эди. Масалан, XVI—XVIII асрнинг биринчи ярмида қушбеги амали ҳам булиб, асосан хон томонидан ўтказиладиган овни ташкил этиш ва овчи қушларни етказиш билан шуғулланган. Бироқ, унга муҳим ҳарбий ва маъмурий масалалар топширилган вақтлар ҳам булган. Мангитлар сулоласи даврига келиб, қушбеги хондан кейинги иккинчи шахс булиб қолди. У амалда биринчи вазир ҳисобланиб, мамлакатдаги барча бошқарув тармоқлари унинг қулида эди. Уруш ва тинчлик сулҳини тузиш, қушинни таъминлаш, давлатнинг даромадлари, харажатлари (молия), юқори ва қуйи лавозимларга кишиларни тайинлаш, бошқа шуларга ўхшаш муҳим масалаларни ҳал этиш қушбегининг вазифаси эди. Аммо у хон билан бамаслаҳат иш юритган. Умуман айтганда, давлат бошқарувида муайян лавозимнинг вазифаси вазиятга қараб ўзгариб турган. Бу кўпроқ хоннинг хоҳиш-



Бухоро амири Музаффархон. XIX асрнинг 80-йиллари.

иродасига ва мансабдорнинг куч-қудратига боғлиқ булган.

Хонликдаги қушин тузилишига доир айрим маълумотларга кура, у асосан отличлардан ташкил топиб, марказ, унг ва чап қанотларга булинган. Бу қанотлар уз навбатида бир неча қисмларга булинган. Марказ ҳарбий қисмининг олдинги сафида байроқдор жангчи-

лар турган. Қўшин тузилиши шайбонийлар сулоласи даврида Чингизхон ва Амир Темур ҳарбий қисмлариникига ухшаб кетган. Шундай булса-да, кейинги вақтларда унинг жанговарлик фаолияти тобора заифлашиб борди. У уқ-ёй, найза, қилич, ханжар, ойболта ва бошқа оддий қуроллар билан шайланган. Пилтали милтиқ ҳам булганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Рус манбаларининг кўрсатишича, хонлик қўшинида мисдан қўйилган 13 та кичкина тўп, етарли даражада порох булган. XVIII асрнинг охириги чорагига доир маълумотларга қараганда, хон 10 минг киши атрофида қўшин тўплаш имконига эга эди. XIX асрнинг бошларида чуянган ясалган тўплардан фойдаланилган. Мазкур асрнинг 30-йилларида ёлланма аскарларнинг сони 19 минг кишига бориб, турли шаҳар ва ҳарбий истеҳкомларда ҳарбий хизматни утаганлар. XIX асрнинг урталарида эса, ҳарбий қисмларнинг сони анча ошиб, тўплардан ва милтиқлардан фойдаланиш нисбатан кучайиб борди. Қўшинда аскарларнинг сонига қараб юзбоши ва мингбоши сингари ҳарбий лавозимлар мавжуд эди. Умумий қўмондонликни лашкарбоши адо этган.

Иқтисодий ва маданий ҳаёт. Мамлакат ҳаётида деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо асосий уринни эгаллаган. «Сув бор жойда — ҳаёт бор», дейилганидек, сунъий суғориш яхши йўлга қўйилган даврларда деҳқончилик ва унга боғлиқ бошқа тармоқларнинг усиши кузга ташланган. Хонликда сув манбаи Зарафшон ва Амударё ҳисобланган. Сунъий суғориш ишларига айниқса Абдуллахон (XVI асрнинг иккинчи ярми) алоҳида эътибор бериб, катта ишларни амалга оширган. Чунончи, 1583 йили Нурота тоғларининг шимолий томонларидаги Оқжобда катта суғориш иншооти қурилиши орқасида куп ерлар сув билан таъминланди. Шунингдек, Зарафшон дарёсида Пули Кармана, Пули Меҳтар Қосим ва Пули Чаҳорминор ҳамда бошқа сувни тақсимловчи иншоотларнинг қурилиши катта аҳамият касб этди. Бу вақтда Зарафшондан Жиззах водийсига Туятортар канали қазилди. Бухоро шаҳрида ва Бухоро атрофидаги жойларда ҳам сунъий суғоришга алоҳида аҳамият берилиши орқасида деҳқончилик усди. Хонликнинг турли вилоятларида Амударё, Чирчиқ, Вахш ва Мурғоб сингари дарёлардан каналлар, ариқлар чиқарилди. Сунъий суғориш ишлари Шоҳмурод ва Амир Ҳайдар даврларида ҳам анча жонланиб, кўчманчиларнинг ўтроқлашиши

кучайди. Ерлар давлатнинг ва хусусий кишиларнинг қўлида эди. Бундан ташқари, анча катта ҳажмда вақф ерлари ҳам бўлган. Бу хилдаги ерлар мадрасалар, қабристонлар ва бошқа диний муассасаларни таъминлаш учун давлат ёки хусусий кишилар томонидан инъом қилинган.

Дехқончиликда 10 хилдан ортиқ ғалла турлари етиштирилиб, бугдой, гуруч, жужори ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Ғалла экинлари Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро атрафлари ва бошқа жойларда етиштирилган.

Дехқончиликда пахтачиликка катта эътибор берилган. Бу техник усимлик ҳунармандчиликнинг кўп тармоқларини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутган. Хонликда ипакчилик купроқ Зарафшон водийсида равнақ топганди. У Фарғона водийсини ҳам қамраб, кўп миқдорда пилла етиштирилган. Полизчилик ва боғдорчилик кенг қулоч ёйиб, узум, қовун, олма, нок, тарвуз, беҳи, шафтоли, урик, гилос, ёнғоқ, анжир каби турли-туман нозу неъматлар етиштирилган.

Чорвачиликда от, қўй, туя, қорамол сингари ҳайвонлар яйловлар, тоғ ёнбағирларида боқилган. Шаҳар аҳолиси молларини ўз ҳовлиларида боққанлар. Ҳунармандчиликнинг ўнлаб турлари, хусусан, тўқимачилик, бўёқчилик, тикувчилик, мисгарлик, заргарлик, кунчилик, этикдўзлик, маҳсидўзлик, каштачилик, дурадгорлик, бешикчилик, сандиқчилик, дўппидўзлик, темирчилик, тақачилик ва бошқа ҳунарлар кенг тарқалган. Шаҳарлар аҳолисининг анчагина қисмини ҳунармандлар ташкил этиб, улар мамлакат ҳаётида салмоқли урин эгаллаганлар. Улар йирик қишлоқларда ҳам фаолият курсатганлар. Дехқончилик билан ҳунармандчилик бир-бирлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, ҳаётни таъминлашда асосий омиллар ҳисобланган. Жамиятни тебратувчи бу икки йўналиш ички ва ташқи савдонинг тақдирини ҳам белгилаган. Зеро, ҳунармандлар деҳқончилик хомашёси асосида турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ички ва ташқи бозор талабларини қондириб турганлар. Бухоро хонлиги Хива ва Қўқон хонликлари билан қизгин савдо олиб борган. Бухороликлар моҳир савдо-ҳунар кишилари сифатида донг чиқариб, Эрон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Арабистон, Россия ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик олиб борганлар. Айниқса, Бухоро шаҳри Марказий Осиёнинг энг йирик савдо маркази сифати-

да шуҳрат қозониб, куплаб карвонсаройлар ва савдо расталарига эга эди.

Маданий ҳаётда ҳам анча ишлар қилинди. Авваламбор, хон саройида нодир асарларни уз ичига олган кутубхонанинг булиши диққатга сазовордир. Мисол тариқасида Абдулазизхон ва Абдуллахоннинг кутубхоналарини кўрсатиш мумкин. Бу илм-маърифат даргоҳида моҳир хаттотлар ва мусаввирлар ишлаб нодир асарларни тайёрлаш ва безашга алоҳида аҳамият берилган. Адабиёт, тарих ва бошқа фанлар соҳасида қимматли асарлар яратилганлиги маълум. XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода 350 фан ва маданият вакиллари ижод қилганликлари ҳақида далиллар бор.

Тарих фани соҳасида ҳам қимматли асарлар битилган. Бу хусусда Абдулла ибн Муҳаммаднинг «Зубдат ал-осор», Фазлуллоҳ ибн Рузбехон Исфажонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий», Мир Муҳаммад Амийн Бухорийнинг «Убайдуллонома», Абдурахмон Толъининг «Абулфайзхон тарихи», Муҳаммад Вафойи Карминагийннинг «Тухфайи хоний», Муҳаммад Мир Олим Бухорийнинг «Фатҳномаи султоний», Мирза Содиқ Муншийнинг «Манғит ҳукмдорларининг тарихи» ва бошқа асарларни кўрсатиш мумкин.

Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ажойиб меъморчилик иншоотлари бунёд этилди. Бу даврларда Бухорода куплаб мадраса ва масжидлар булиб, у ислом динининг марказларидан бири сифатида донг чиқарди. Бухоро айниқса Абдуллахон вақтида ривожланиб, ҳашаматли мадрасалар, масжидлар ва бошқа жамоат бинолари қурилди. Хусусан, Модари Хон, Кукалдош, Гавкушон, Жуйбор, Фатҳулла Қушбеги, Миракон, Хужа Порсо, Абдуллахон мадрасалари меъморчиликнинг ноёб намуналари сифатида намоён бўлди. Булардан ташқари, Жуйборий шайхлари, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқа дин пешволарининг қабрлари устига қурилган мақбаралар диққатни тортади. Умуман айтганда, хонликда янги масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, сардобалар ва бошқа иншоотлар қад кутариб, меъморликда узига хос силжишлар юзага келди.

XVI—XVII асрларда Бухорода миниатюрачилик, хаттотлик ва китоб безаш сингари санъатнинг энг нафис турлари кўзга ташланди. Бу борада Низомийнинг «Махзан ул-асрор», Жомийнинг «Тухфат ал-аҳрор», шунингдек, «Шоҳнома», «Хамса» ва бошқа асарларга ишланган миниатюраларини кўрсатиш мумкин.

Хонликда уймакорлик соҳасида ҳам ажойиб намуналар яратилди.

Гарчанд хонликда фан ва маданият буйича бирмунча янгиликлар қўлга киритилган булса-да, лекин узаро чиқишмовчиликлар ва узоқ давом этган қонли урушлар туфайли у изчил равишда, кенг қуламда ривожланиш имкониятига эга бўлмади. Бундан Абдуллахон даври мустаснодир, албатта. Куп ҳолларда илм-фан вакилларига зарур шароит яратилмади ва ғамхўрлик кўрсатилмади. Айниқса, аниқ фанлар инқирозга учраганлиги тараққиётга катта тусиқ бўлди.

ХИВА ХОНЛИГИ

Сийсий ҳаёт. 1505 йили Шайбонийхон Хоразмни узоқ муддат қамалдан кейин Бухорога буйсундиришга эришади. Аммо 1510 йили у Исмоилшоҳ билан жангда улдирилгандан кейин Хоразм Эронга буйсундирилди. Куп утмай — 1511 йили шайбонийларнинг Дашти Қипчоқдаги бошқа уруғи намояндalари туб аҳолининг ёрдами билан Хоразм мустақиллигини тикладилар. Уша кучманчиларнинг сардори Элбарс Хива хони деб эълон қилинди. Шу тариқа, мустақил Хива хонлигига асос солинди. Бу вақтда Шимолий Хуросоннинг анча қисми, Балхан ва Манғишлоқдаги туркманлар хонликка буйсундирилади.

1538 йили Элбарс улимидан кейин тахтга утирган Аванешхон вақтида Бухоро хони Убайдуллахон билан қаттиқ жанг бўлди. Бунда Аванешхон улдирилди. Шундан сўнг Хоразм Бухоро хонлиги қўлига утиб, Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон унинг ҳоқими этиб тайинланди. Аммо куп утмай, Хоразм ўз мустақиллигини тиклашга эришди. 1593 йили Абдуллахон Хоразмни яна бир бор Бухорога тобе этса-да, лекин 1598 йили унинг улимидан кейин Хива мустақиллиги қайта тикланади.

Ҳожимхон (1559—1602), сўнгра Араб Муҳаммад (1602—1623) даврларида хонликка қарши қалмоқлар ва қозоқлар ҳужум қилдилар. Шунингдек, атаман Нечай бошчилигидаги Ёйиқ казаклари Хоразмга бостириб киради, лекин уларга зарба берилади.

Хива хонлигида тахт учун курашлар қизгин тус олган вақтлар куп бўлган. Буларда туркман қабилаларининг бошлиқлари ҳам қатнашиб, тахтга узларига ён босадиган шаҳзодаларни утқазिशга ҳаракат қилганлар. Масалан, Исфандиёрхон (1623—1643) туркманларнинг

ердами билан рақибларини бартараф этади ва ҳокимиятни қулга олади. Бу хон туркманларга имтиёзлар берганлиги учун уйгур ва найман қабилалари норози бўлиб бош кутарадилар, лекин хон уларни жазолаб, мол-мулкни мусодара қилади.

Абулғозийхон даврида (1644—1663) туркманлар қаттиқ назорат ва таъқиб остига олиниб, туб аҳолининг мавқеи кутарилади. У қалмоқларга ва Бухорога қарши ҳарбий юришлар қилади.

Кейинги хон Ануша (1663—1687) отасининг сиёсатини давом эттириб Бухорога қарши ҳужум уюштириб, Самарқандни эгаллашга муваффақ бўлади, бироқ бухороликлар хиваликларни шаҳардан ҳайдаб чиқарадилар.

Бухоро хони Субҳонқулихон Хивадаги муҳолифатдаги кучларга таянган ҳолда Анушахоннинг кузини қур қилиб, Шоҳниёзни тахтга (1688—1702) утқазिशга эришади. Хивада Шоҳниёздан кейин ҳам тахт учун курашлар тўхтамаган.

Бухоро хони Абулфайзхон ороликларни Шергозига қарши қўзғатиб, тахтга шаҳзода Темур Султонни утқазिश чораларини курди. Натижада Хивада яна алғов-далғовлар ва урушлар қизиб, аҳвол оғирлашди. Ҳатто Хиванинг нуфузли кишилари тахтга қозоқ султонларидан бирини утқазिशга ва бу билан қозоқларни ўз тарафига тортишга жазм этдилар. Оқибатда қозоқ султони Элбарс тахтга (1728—1740) утқазилди. Бу хон маҳаллий юқори табақаларнинг қистови билан бир неча маротаба Хуросонга ҳарбий юришлар қилди.

Ўз навбатида Эрон шоҳи Нодир Хивага қарши уруш очиб, бирин-кетин галабаларга эриша борди. Элбарсхон жангда улдирилди, унинг ўрнига Кичик Жуз қозоқларининг султони Сари Айғир Хива тахтига утқазилди. Бироқ, у 5-6 кун утгач, Нодиршоҳга қарши туролмаслигини англаб, чулга қочиб кетди. Шундан кейин хонликда Эрон ҳукмронлиги ўрнатилиб, 1740 йили Нодиршоҳ Эронга қайтди. 1741 йили эса хиваликлар Кичик Жуз хони Абулхайрхоннинг ўгли Нурали ёрдамида қўзғолон кутариб, мустақилликни тикладилар. Бундан хабар топган Нодиршоҳ қўшин юборди, Нурали эса даштга қочди. Шунга қарамай, Нодиршоҳ хонликни буйсундира олмади.

Аммо маҳаллий юқори табақа вакиллари қозоқ султонларидан хон тайинлашни давом эттириб, улардан бири бўлмиш Ғоибни (1747—1757) хон деб эълон қилдилар. Ниҳоят, 1770 йилга келиб, қўнғирот қабиласи

вакилларининг ҳукмронлиги бошланиб, уларнинг на-
мояндаси Муҳаммад Али Иноқ (1770—1790) ҳокимият-
ни қўлга олади. Унинг даврида туркманлар ва бухоро-
ликларнинг ҳужуми қайтарилади.

Хива хонлиги Муҳаммад Раҳим (1806—1825) вақти-
да анча қаддини ростлаб, Орол аҳолиси ва қорақал-
поқлар буйсундирилди. У катта жанглardan сунг чав-
дор номли туркман қабилаларини хонлик таркибига
киритди. Оллоқулихон (1825—1842) ва Муҳаммад Амин
(1845—1855) вақтида Хива қўшинлари бир неча маро-
таба Хуросонга қарши ҳужум қилиб, уни талон-торож
майдонига айлантирдилар.

Сайид Муҳаммад (1856—1864) ҳукмронлиги пайтла-
рида туркманлар ва қисман қорақалпоқлар билан туқ-
нашишга тўғри келди. Хонлик тахтида энг куп утирган
хонлардан бири Сайид Муҳаммад Раҳим II (1865—1910)
булди.

Давлат бошқаруви ва қўшин. Хонликда давлат тузи-
лиши Бухороникидан деярли фарқ қилмаган. Хон ҳу-
қуқи чегараланмаган ҳолда давлатни бошқарган. Ун-
дан кейинги энг нуфузли лавозим вазир ёки қўшбеги
ҳисобланиб, солиқларни тўплаш ва умуман хоннинг
барча топшириқларини бажариш билан шуғулланган.
У купроқ хонликнинг жанубидаги утроқ аҳолини, меҳ-
тар мансабидаги амалдор эса ҳарбий ишларни бошқар-
иш билан машғул булган. Каналлар қазिश ва ариқ-
ларни тозалашни уюштириш ҳам улар зиммасига юк-
ланган. Шунингдек, қози, раис, ясовул ва бошқа ман-
саблар мавжуд эди. Шаҳарларни ҳокимлар ва уларнинг
ёрдамчилари булмиш юзбошилар ва оқсоқоллар идора
қилганлар. Хонлик ҳаётида шайхулислом (охун) ва муф-
ти салмоқли урин эгаллаган.

Хонликнинг қўшини асосан отликлардан иборат бу-
либ, унга лашкарбоши қўмондонлик қилган. Аскарлар
тинчлик пайтларида деҳқончилик ва бошқа касблар
билан шуғулланганлар. Бундай аскарликка ёзилган ки-
шилар сони XIX асрнинг 30-йилларида 40 минг киши-
га борган. Аскарлик хизматидагилар солиқлардан ва
жамоа ишларидан озод этилиб, ҳар бир киши юришда
қатнашганлиги учун 5 олтин танга олган. Хоннинг хо-
ҳишига кўра узини курсатган ҳарбий лавозимдагилар
10, 20, 50, 100 ва ундан купроқ миқдорда олтин танга
олишган. Хусусан, бийларга 50 тангадан 100 тангагача,
юзбошиларга 10 тангадан 20 тангагача маош тайинлан-
ган.



Қушдарвоза. Хива хонлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги ҳаётдан гравюра.

Хон саройида яхши қуролланган 1000 киши хизмат қилган. Қушиннинг асосий қисми қилич, уқ-ёй ва найза билан қуролланган. Шунингдек, оз миқдорда пилта милтиқ ва туپлар бор эди. Унда ўзбеклар билан бир қаторда туркманлар, қozoқлар ва қорақалпоқлар хизмат қилганлар. Умуман айтганда, Хива хонлигининг қушини ҳарбий техника жиҳатидан анча орқада қолиб кетган эди.

Иқтисодий ва маданий ҳаёт. Хонликда сунъий суғоришга алоҳида аҳамият берилган. XVI асрнинг уртала-рида Янгиариқ ва Тошли Ёрмиш номида икки канал қазилган. 1602 йили эса, Араб Муҳаммад канали бунёд этилган. Бу сув иншооти Тук қалъасининг юқори томонига урнашган бўлиб, тобора кенгайиб борган. У Куйгун деган жойга тарқалган ва бу ердан Орол денгизига қуйилган. XVII асрнинг 60—80-йилларида Шоҳобод ва Ёрмиш каби иккита канал қурилган. Ёрмишнинг узунлиги 92 км, уртача кенлиги 17,5 метрга борган. Шоҳобод каналининг узунлиги 143 км, уртача кенлиги 30 м ҳисобланиб, йирик сув иншооти бўлган. Шунингдек, Ғозиобод каналининг ҳам қурилганлиги маълум. Сунъий суғоришда 1815 йили Қилич Ниязбой каналининг қурилиши катта аҳамиятга эга бўлиб, ундан Бешуйли, Гурлан, Нукус, Уйгур, Полвонбек каналлари ажралиб чиққан. Ай-

рим маълумотларга кура, Қоракуз, Янгиёп, Шайх Аббос, Тошсоқа ва бошқа каналлар ишга туширилган.

Хонликда Амударёдан турли томонларга чиқарилган каналлар Хоразм воҳасида янги ерларни узлаштиришда, деҳқончиликни ривожлантиришда ва умуман ҳаётни таъминлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланган. Шунини айтиб утиш лозимки, сунъий сугориш тармоқлари ҳамма вақт бирдай турмай, Амударёнинг тошқинларидан куп талафот курган. Бундан ташқари, ҳар йили эрта баҳорда каналларни ва ариқларни ҳашар йули билан тозалаб турилган. Бу ниҳоятда куп куч ва маблағни талаб этувчи ишга минглаб кишилар жалб қилинган.

Ерлар давлат ва хусусий кишиларнинг қулида бўлиб, уларнинг муайян қисми вақфга берилган. Деҳқончилик ва богдорчиликда пахта, буғдой, арпа, жўхори, қовун, тарвуз, узум, олма, нок, шафтоли, урик, тут ва бошқа турли хил маҳсулотлар етиштирилган. Ипакчилик билан ҳам шуғулланилган. Манбаларда курсатилишича, хоразмликлар моҳир миришкор ва меҳнатсевар кишилар сифатида донг таратганлар.

Хонликда чорвачилик, айниқса, туркманлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар орасида зур ривожланган эди. Бу ерларда қуй, от, туя ва қорамоллар хонлиқнинг марказий туманларига минг-минглаб келтирилиб сотилган. Қушинда туркман отларининг урни катта булган.

Шаҳар ва қишлоқларда ҳунармандчиликнинг кенг тарқалганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Буларга кура, тўқимачилик ҳунари ўсиб, пахта ва ипакдан турли газламалар тайёрланган. Газламалар анвойи ранглар билан бўялиб, улар орасида нафис матоларнинг қадри баланд булган. Буюқчилик алоҳида касб сифатида қадрланган. Пахтадан ип йигириш ҳунари кенг қулоч ёйган. Бу иш билан хотин-қизлар шуғулланган. Калава ип хорижий мамлакатларга, хусусан Россияга юборилиб турилган.

Мамлакатда қулоччилик кенг тарқалиб, хум, товоқ-коса, пиёла, лаган ва бошқа уй-рўзғор буюмлари тайёрланган.

Ўлкада олтин, қумуш, қимматбаҳо тошлардан ва бошқа маъданлардан заргарлик буюмларини тайёрлаш купайганлиги ҳақида маълумотлар бор. Металлардан пичоқ, устара, теша, кетмон, бел, қайчи, тақа, болта, арра, уроқ, омовчи каби асбобларни ясайдиган усталар куп эди. Бу ўлкада кўнчилик ривожланиб, чарм пиши-

риш, маҳси, этик, кавуш тикиш, эгар-жабдуқ тайёрлашга алоҳида аҳамият берилган. Шолча, намат ва юнгдан ишланадиган бошқа буюмлар ишлаб чиқарилган.

Ҳунармандчиликда қилич, ойболта, найза, қалқон, уқ-ёй, пилтали милтиқ, тўп сингари ҳарбий қурол-аслаҳалар, порох тайёрланган. Аммо милтиқ ва тўпларнинг сифати анча паст бўлиб, замон талабига жавоб бера олмаган. Тўплардан кўпроқ ваҳимага солиш учун фойдаланилган.

Хонликда аравалар, сув чиғириқлари, тегирмон тошларини тайёрлайдиган моҳир усталар бор эди.

Хива хонлигида ички ва ташқи савдонинг тутган ўрни катта бўлган. Хива, Урганч, Ҳазорасп, Хонқа, Тошҳовуз, Хужайли, Гурлан, Чимбой ва бошқа жойлар савдо-ҳунармандчилик марказлари ҳисобланган. Бу ерлардаги катта-кичик бозорларда мамлакатнинг турли томонларидан келтирилган деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини кўриш мумкин эди. Хонлик минтақадаги кўп жойлар, айниқса, Бухоро хонлиги билан қизгин савдо алоқасида бўлган. Бундан ташқари, туркманлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар билан савдо алоқалари мунтазам равишда давом этган. Бу кучманчи халқлардан қорамол, қуй-эчки, жун, озиқ-овқат маҳсулотлари олиниб, эвазига газлама, кийим-кечак, уй-рузгор асбоблари ва ноз-неъматлар берилган. Утроқ ва кучманчи аҳоли ҳар жиҳатдан бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда ҳаёт кечирганлар.

Хива хонлиги Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Россия ва бошқа жойлар билан савдо алоқалари олиб борган. Узоқ вақтлар мобайнида хивалик савдогарлар Астрахан, Нижний Новгород, Оренбург сингари шаҳарларда савдо билан шуғулланганлар. У ерларга турли хил газламалар, пахта, ипак ва бошқа моллар олиб борилган. Россиядан эса темир, чўян, чарм, тунука, мовут, тўтиё, қанд каби моллар келтирилган. Булар орасида фабрикада тўқилган газламаларни ҳам кўриш мумкин эди. Айниқса Россиядан кейинги асрларда темир, пулат ва бошқа металлларнинг келтирилиши ғоят фойдали эди. Чунки улардан асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик учун зарур ишлаб чиқариш қуроллари тайёрланган.

Бу даврларда хонликда тарихга доир қимматли асарлар яратилди. Чунончи, хон Абулғозийнинг қаламига мансуб «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» асар-



Сайид Муҳаммад Раҳимхон II — Хива хони.

лари диққатни узига жалб этади. «Шажарайи турк» рус ва Оврупо тилларига таржима қилинган. Унда хонликнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир қимматли маълумотлар уз аксини топиб, асар туркий халқлар тарихини урганишда муҳим манба ҳисобланади. Абулғозийнинг «Шажарайи тарокима» асари ҳам гоят қимматлидир. Муниснинг «Фирдавс ал-иқбол» асари XVI—XVIII асрлардаги хонлик тарихига бағишланган бўлиб, узининг сермазмунлиги ва бой маълумотлари билан ажралиб туради. Мунис вафогидан кейин асарнинг давомини жияни Оғаҳий ёзган. Бунда хонликнинг тарихи 1872 йил билан тугалланган.

Мунис-Огаҳийнинг тарихий асарида хонликнинг сиёсий ҳаёти, Хуросон ва Бухорога қилинган ҳарбий юришлар, туркманлар ҳамда қорақалпоқлар ҳақида ноёб маълумотлар мавжуддир. «Фирдавс ал-иқбол» ҳақида таниқли шарқшунос В. В. Бартольд шундай дейди: «Адабий ва тарихий асарлар сифатида Мунис ва Огаҳий асарлари қанчалик камчиликларга эга булмасин, бу асарлар тасвирининг тулалиги ва фактик материалларининг муллиги жиҳатидан Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихи буйича ёзилган, бизгача етиб келган барча асарлардан анча устун туради».

Хивада тарихий асарлар таржимаси билан ҳам қизгин шуғулланганлар. Бу ерда Мирхонд, Хондамир, Восифий каби буюк зотларнинг асарлари ўзбек тилига таржима этилган эди.

Муҳаммад Раҳимхон вақтида табиб ва шоир Аҳмад томонидан 30 шоирнинг ижоди ва фаолиятига бағишланган тазкира яратилди. Хоразмда меъморлик ва қурилиш соҳасида катта ишлар қилинди. XVII асрдан бошлаб ҳашаматли бинолар қурила бошланди. Масалан, Араб Муҳаммад мадрасаси (1616), Шерғозихон мадрасаси (1718—1719) ва бошқа айрим масжидлар, ҳаммомлар шулар жумласидандир. Айниқса, қўнғиротлар сулоласи вақтида, хусусан XIX асрдан бошлаб пойтахт Хивани янги бинолар билан безашга ва ободонлаштиришга катта эътибор берилди. Зеро, Элтузар ва Оллоқулихон вақтида Қўҳна аркда қурилишхона битказилди. Ичонқалъада Паҳлавон Маҳмуд (1810—1825), Оллоқулихон саройи (1830—1833), қарвонсарой, тим (1832) ва бошқа ҳашаматли жамоат бинолари қад кўтарди. Оллоқулихон бино этган сарой Ташҳовли номида юритилиб, у ерда мамлакатнинг олий бошқарув идоралари жойлашган эди. Хонликда мадрасалар қуришга катта эътибор қаратилган. Натижада Хужамберди (1688), Қози Фозилбек (1799), Муҳаммад Амин Иноқ (1765), Арабхона (1810), Пўлвон ота (1835), Раҳимқулихон (1843), Раҳмонбердибой (1843), Қутлимурод Иноқ (1809), Муҳаммад Аминхон (1851) ва шунга ухшаш яна 14 мадраса бунёд этилган. Мингдан ортиқ масжидлар дин ва халқ хизматида эди. Мактабларда ҳам ҳаёт қайнаган.

Мадрасаларнинг кўплиги саводхонликнинг анча юқори даражада бўлганлигидан дарак беради. Хонликда санъат соҳасида ҳам олға силжишлар юз берганлиги ҳақида маълумотлар бор. Хуллас, бу даврда Хива хонлиги узоқ ва машаққатли йўлни босиб, сиёсий томон-

дан кўпроқ узаро чиқишмовчиликлар ва қонли урушлар гирдобиди ҳаёт кечирди. XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида хонликда бирмунча қулай шароит юзага келган бўлса-да, лекин фан ва маданиятнинг изчиллик билан ривожланишига узаро урушлар йўл бермади.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ

Сиёсий ҳаёт. Бухоро хонлигида марказий ҳокимиятнинг заифлашиши оқибатида вилоятларда мустақилликка интилиш кучайди. Жумладан, 1709 йили Фарғонада ҳокимиятни минг уругидан бўлмиш Шохрухбий (1709—1721) қулга олиб, мустақил сиёсат юргиза бошлаган. Унинг вафотидан кейин ўрнига ўгли Абдурахимбий (1721—1734) утирди. Бу ҳукмдор қўшинни анча мустақамлашга эришиб, 1725 йили Хужандни, 1726 йили Уратепани ва 1729 йили Самарқандни босиб олди. Аммо Самарқанд Бухоро хонлиги томонидан қайта эгалланди. Абдурахимбийнинг қароргоҳи Чилмаҳрам деган жойдан етти чақирим наридаги Дейкон* Туда деган қишлоқда эди. 1732 йили Абдурахимбий ҳозирги Қўқон шаҳрининг ўрнига пойтахтнинг пойдеворини қўйди. У Самарқандни қайта эгаллаш билан бирга, Каттақўрғонни ҳам эгаллади, Шаҳрисабзни ўз таъсир доирасига киритишга эришди. Шу тарзда Фарғона водийсида мустақил ҳокимият мустақамланиб бораверди.

Фарғона водийси Абдулкаримбий (1734—1751) даврида янада илғорлашди. Бу вақтда Қўқонда янги қароргоҳ, янги сарой, мадраса ва бошқа иншоотлар қурилди. Пойтахт девор билан уралиб, унинг Исфара, Қатағон, Марғилон, Тошкент ва Ҳайдарбек номларида дарвозалари бор эди. Айрим маълумотларга қараганда, 1740 йилдан Қўқон пойтахт сифатида тўла шаклланади ва расмийлаштирилади. Мана шу вақтлардан бошлаб, кейинчалик Қўқон хонлиги номини олган мустақил давлат анча куч-қувватга тулади ва мавқеи ошиб боради.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Эрдонабий ва Норбутабий ҳокимиятни бошқардилар. XVIII асрнинг учинчи чорагида Тошкентда мустақил давлат юзага келиб, у билан Қўқон ўртасида туқнашувлар юз берди. Шу

*Деҳқонтуда еки Деҳан Кон Туда булиши ҳам мумкин. Муаллиф архив хужжатида кура олган. — *Мух.*

муносабат билан Тошкентнинг аҳволига тухталиш зарурияти туғилади. XVIII асрнинг 80-йилларида бу шаҳарда ҳокимият учун курашларнинг фожеали оқибатлари яққол кўзга ташланади. Қонли урушлардан ва нотинчликдан ниҳоятда толиққан халқ кучли ҳокимиятга жуда муҳтож бўлиб қолган эди. Бу ҳол 1784 йили Шайхонтаҳур даҳаси собиқ ҳокимининг ўғли Юнусхўжага ҳокимиятни эгаллаш ва тўрт даҳани бирлаштириш имконини берди. У биринчи навбатда шаҳар мудофасини мустаҳкамлашга киришиб, унинг деворини таъмирлади ва атрофидаги зовурларни тузаттирди; қўшиннинг куч-қудратини оширди ва аскар сонини кўпайтирди. Юнусхўжа билимдонлик билан иш юритиб, Сайрам, Чимкент, Туркистон, Қурама ва уларнинг атрофидаги жойларни бўйсундирди. Натижада Катта Жуз қозоқлари ерларининг деярли ҳаммаси Тошкент қўли остига ўтди. Шу равишда мустақил Тошкент беқлиги юзага келиб, борган сари мавқеини мустаҳкамлаб борди. У биринчи навбатда кўтарилиб бораётган Қўқон хонлиги билан тўқнашди. Хусусан, 1794 йили Қўқон ҳукмдори Норбўтабий катта қўшин билан Тошкентга қарашли ерларга бостириб кирди. Бироқ мағлубиятга учради. 1799 йили Қўқон қўшини яна ҳужум қилганда ҳам ғалабага эришолмай чекинди. XIX асрнинг бошларида, Олимхон вақтида (1798—1810) хонликнинг ҳудуди анча кенгайиб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалди. Қўшиннинг ҳам жанговарлиги ошди. 1801 йили олдинги ғалабалардан руҳланган Юнусхўжа Қўқон хонлигини босиб олиш учун ҳарбий юриш уюштирди. Ҳар икки томон уртасида жанг Қўқонга яқин жойдаги Пунгонда бўлиб, тошкентликлар тор-мор этилди, Юнусхўжа эса қочишга зурга улгурди. Уша йили соғлиги ёмонлашган Юнусхўжа вафот этганидан кейин ўғли Муҳаммадхўжа, кўп утмай Султонхўжа ҳокимият тепасида турдилар. 1807 йили Олимхон укаси Умархон бошчилигида 12 минг кишилик аскарини Тошкентга қарши юборди. Жангда қўқонликлар устун келиб, Тошкент атрофидаги жойларни эгалладилар. Тошкент хонликка қарамликни тан олди. Аммо бу вақтда Тошкентда мустақиллик учун ҳаракатлар қўлоққа чалинди. Шу боисдан 1808 йили Олимхон ҳарбий юриш уюштириб, Тошкентни тамомила бўйсундирди. Бу шаҳарнинг қўлга киритилиши Қўқон хонлигининг куч-қудратини ва салоҳиятини ошириш учун катта имкониятлар яратди. Чунки у минтақанинг энг йирик шаҳари эди.

Олимхон хон унвонини жорий этган биринчи ҳукмдор бўлди. Ундан бошлаб тахт эгаларига одатдагидек «бий» эмас, балки «хон» унвони бериладиган бўлди. Айрим маҳаллий манбаларга кура, Олимхон ниҳоятда қаттиққул ва шафқатсиз киши ҳисобланган. «Бу Олимхоннинг лақаби, — дейилади манбада, — Золимхон эди. У уз амакиси Ҳожибекни қатл қилиб, куп зулмлар чиқарган эдики, буни газабиндан ва зулминдан Золимхон исми машҳур эди».¹

Оқибатда Олимхон душманлар томонидан ўлдирилади, ўрнига тахтга Умархон (1810—1822) утиради. У Туркистон, Чимкент, Сайрам ва Авлиёота сингари жойларни эгаллаб, хонликни анча кенгайтиришга эришди. Унинг даврида Уратепа ва бошқа жойлар учун Бухоро хонлиги билан куп маротаба урушлар бўлди. Умуман, Умархон ҳукмдорлиги вақти Қўқон хонлигининг энг кучайган даври бўлди. Бундай ҳол унинг ўғли Мадалихон (1823—1842) даврида ҳам кўзга ташланади. Чунончи, 1834 йили Қоратегин, Кулоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз ва Матчо бўйсундирилди. XIX асрнинг 20—30-йилларида ҳозирги Қирғизистон ерлари қўлга киритилиб, Пишпак, Тўқмоқ, Куртка ва бошқа бир қанча ҳарбий истехкомлар қурилди. Булар вақт ўтиши билан савдо-хунармандчилик учоқларига айланиб борди. Қозоғистон ерларида эса 1817 йили Оқмасжид ва 20-йиллари Авлиёота қурилди. Умуман олганда, ғарбда Орол денгизи ва шарқда Или дарёси ҳавзасида яшовчи Кичик ва Катта Жуз қозоқлари Қўқон хонлигининг табааси эдилар. Айтиб ўтиш лозимки, қозоқлар ва қирғизларни бошқариш Тошкент бекларбеги зиммасига юклатилган эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий манбада Тошкент ҳокимлигининг чегараси Ғулжагача бориб тақалганлиги ўқдириб утилади. Мадалихон даврида Хитой қўл остидаги Шарқий Туркистон билан иқтисодий ва сиёсий алоқалар кучайди. Қашқарда бир вақтлар ҳукмронлик қилган Офоқхўжа авлодлари мамлакатни Хитой босиб олганидан сўнг муҳожирлар сифатида Қўқон хонлигидан паноҳ топган эдилар. 1826 йили улардан бири Жаҳонгирхўжа Қашқарга бориб, қўзғолон кўтарди. У халққа суянган ҳолда Қашқарда Хитой ҳарбий истехкомини курсаб олди. Қўзғолончиларнинг бу муваффақияти Қўқон ҳукуматини ва савдо аҳлини руҳлантириб юборди. Қўқонда Жаҳонгирга ёрдам бериш ва Шарқий Туркис-

¹ *Ибрат. Фаргона тарихи. «Мерос» туркуми. Тошкент, 1991, 287-бет.*



Қуқон. Урда — хон саройи.

тонни Хитой босқинчиларидан тозалаш кайфияти ус-тун келиб, 1826 йили Мадалихон у ерга қушин тортди. Бироқ бирон натижага эришолмай орқага қайтишга мажбур бўлди. Қузғолон эса Хитой аскарлари томони-дан бостирилди. Мадалихон 1830 йили ҳам Қашқарни озод этиш ниятида у ерга бостириб кирган бўлса-да, лекин тагин мақсадга эришолмади.

Бу йилларда Хитойнинг ички ва ташқи аҳволи ни-ҳоятда оғирлашганлиги туфайли Қуқон хонлигига би-роз ён беришга мажбур бўлди. Чунончи, Қашқар бо-зорларидан олинадиган божлар Қуқон хонлигига тула-надиган бўлди. Уларни йиғиш учун хонликнинг махсус оқсоқоли тайинланди. Яна, Хитой маъмурияти Қуқон-га ҳар хил совғалар юбориб туришни ҳам ўз зиммасига олган. Қуқон хонлиги совғалар эвазига ўз ерларидаги Қашқар тахтига даъвогар Офоқхужа авлодларини назо-рат остида ушлаб турган. 1840—1841 йиллари Бухоро хони Насрулло Уратепа ва Хужандни эгаллаб, Қуқонга қаттиқ зарба берди. Бу ҳам камдек, 1842 йили Насрул-лохон Қуқонга ҳужум қилиб, Мадалихонни, Нодирани ва бошқа кўп одамларни ўлдирди, шаҳар талон-торож қилинди.

Аммо куп утмай, Қўқонда бухороликлар ҳукмронлиги ағдарилиб, Шералихон (1842—1844) ҳокимиятни бошқарди. Бу вақтда қўлдан чиқиб кетган Тошкент, Қурама, Хужанд ва ҳозирги Жанубий Қозоғистон ерлари хонлик таркибига қайта киритилди. 1844—1875 йиллар мобайнида хонликда тахт учун чидаб бўлмайдиган даражада курашлар авжига минди. Хонликда Худоёрхон уч маротаба (1852—1858, 1862—1863, 1865—1875) тахтга утирди. Шу орада Маллахон (1858—1862) ва Султон Саъидхон (1863—1865) ҳукмдорлик қилдилар. Бу вақтга келиб ўзаро урушларнинг тинимсиз давом этиши ва тахтга нобоп шахсларнинг утириши оқибатида хонлик ҳар жиҳатдан чуқур инқирозга учради. Оғир аҳволга қарши халқ галаёнлари кутарилди.

Давлат бошқаруви ва қўшин. Қўқон хонлигидаги ҳокимиятни бошқарув тартиблари Бухоро ва Хива хонликларидагидан деярли фарқ қилмаган. Бу ерда ҳам хон чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, узининг хоҳишироудасига кўра иш юритган. Хонлик вилоятларга тақсимланган бўлиб, уларни бек ёки ҳоким лавозимидаги амалдорлар бошқарган. Вазир хондан кейинги иккинчи шахс ҳисобланиб, муҳим масалалар бўйича ҳукмдор билан келишган ҳолда иш олиб борган. Олий, урта ва қўйи маъмурий бошқарувда қўйидаги мансаблар мавжуд эди: қўшбеги, оталиқ, девонбеги, мингбоши, шайхулислом, қозикалон, парвоначи, шиговул, сарқор, иноқ, дастурхончи, амин, ясовул, оқсоқол.. Мингбоши ёки оталиқ олий ҳарбий унвон ҳисобланган. Сарой қошида махсус кенгаш тузилган бўлиб, унга энг олий мансаб вакиллари киритилган. Хон кенгашнинг раиси ва фаолиятини белгиловчи шахс ҳисобланган. Қўшинда мингбоши, бешюзбоши, юзбоши ва унбоши лавозимлари булган. Унинг муайян қисми мунтазам хизматни утаб, купчилиги тинчлик пайтида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва бошқа ишлар билан шуғулланган. Ҳарбий хизматни утовчиларга бир от ва эгар-жабдуқ берилган. Юзбошига бир йилга — 147 сум, эликбошига — 98 сум, унбошига — 65 сум, оддий сарбозга — 48 сум ҳақ туланган. Вилоятлардаги қўшин ҳоким томонидан таъминланган, пойтахтдагиси ҳукумат зиммасида булган. Қўшин қилич, найза, пилтали милтиқ ва туپлар билан қуролланган бўлиб, ҳарбий маҳорат анча пастлашиб кетган эди. Ички ўзаро тўқнашувлар, айниқса, Бухоро хонлиги билан урушлар қўшиннинг тинкасани қуритганди.

Иқтисодий ва маданий ҳаст. Бошқа хонликлардаги- га ухшаш Фарғона водийсида ва қарам жойларда сунъий суғориш ҳал қилувчи ўринни эгаллаган. Шу боис суғоришга алоҳида аҳамият берилган. Водийда Олой ва Туркистон тизмасидан оқиб тушадиган Норин дарёси сувидан кенг фойдаланилган. Оқбура, Аравон, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх ва Исфара сингари дарёлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, Қорадарё ва унинг ирмоқлари бўлмиш Қуршоб, Қорағулжа, Тар, Ясси, Кугарт, Майлисой ҳамда Чотқол тоғларидан оқиб тушадиган Подшоота, Косонсой, Говасой дарёлари деҳқончиликнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Норин ва Қорадарё қушилишидан юзага келган Сирдарё энг катта сув манбаи эди. Фарғона водийсида сунъий суғоришга Шоҳрухбий ва Эрдонабий вақтида алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Эрдонабий Сух дарёсидан ариқ чиқариб, янги ерларни узлаштирган. Сух дарёсидан ариқлар Норбутабий вақтида ҳам қазилган. Олимхон эса олтига канал чиқарган ва Олтиариқ номли катта қишлоқнинг юзага келишига сабабчи бўлган. Муҳаммадалихон ҳам Сухдан ариқ қазитган. Худоёрхон томонидан Улугнаҳр каналининг қурилиши Асака атрофидаги бепоян ерларни узлаштириш имконини берди. Сунъий суғоришнинг ривожлантирилиши деҳқончиликнинг ва, умуман, водийда ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига олиб келди. Фарғона водийсида ернинг купгина қисми давлатнинг қулида бўлган, унинг муайян қисмига хусусий кишилар эгалик қилган. Булардан ташқари, вақф ерлари мавжуд эди. Хонлар ерларнинг бир қисмини солиқлардан озод этган ҳолда, хизмат кўрсатган кишиларга хусусий мулк тарзида берган. Деҳқончиликда пахта, ипак, тамаки етиштирилиши билан бирга сабзавотчилик ва боғдорчилик ривожлантирилган. Кишини ҳайратлантирадиган ва завқлантирадиган боғлар куп бўлган. Пахта ва ипак хонлик ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Деҳқончиликнинг ўсишига монанд равишда ҳунармандчилик ҳам кенг қулоч ёйди. Айниқса, тўқимачилик, кўнчилик, қуллолчилик, тикувчилик, бўёқчилик, мисгарлик, темирчилик, дурадгорлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари ривожланди. Улар фақат ички эҳтиёж учун эмас, балки ташқи бозор учун ҳам турли-туман нафис маҳсулотларни ишлаб чиқарганлар. Хонликда савдо-сотик қизғин тус олган. Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган ва Уш йирик савдо-ҳунармандчилик марказларига айланиб, Бу-



Худоёрхон — Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори.

хоро, Тошкент, Самарқанд, Хужанд, Хива, ҳозирги Қирғизистон ва Қозоғистон ерлари билан яқиндан савдо алоқаларини олиб борганлар. Уз навбатида, Қўқон хонлиги савдогарларини Туркистон улкасининг куп жойла-

рида учратиш мумкин эди. Улар айна бир пайтда Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Арабистон ва бошқа хорижий мамлакатлар билан савдо қилганлар. Қуқонликлар айниқса Қашқар билан қизгин савдо олиб борганлар. Бу ишда андижонликлар салмоқли урин эгаллаган. Уларнинг Қашқардаги фаолияти шу даражада салмоқли булганки, Марказий Осиёдан у ерга борган савдогарлар купинча «андижонликлар» деб юритилган. У вақтларда хонлик савдогарлари асосан тайёр маҳсулотлар билан савдо қилишлари водий ҳаётига ижобий таъсир курсатган. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдонинг усиши маънавий ҳаётнинг ҳам кутарилишига замин ҳозирлади. Чунончи, бутун XIX аср давомида қимматли тарихий асарлар яратилди. 1822 йили Мирза Қаландар Исфарагий томонидан «Шоҳнома» асари ниҳоясига етказилди. Бу манбада хонликнинг тарихига доир қизиқарли маълумотлар келтирилган. Муҳаммад Ҳакимхонтура Хуқандийнинг «Мунтахаб ат-таворих» асари узининг сермазмунлиги ва маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳакимхон купни қурган муаллиф ҳисобланиб, Россия, Туркия, Макка ва Мадинага саёҳат қилган. Бу асар хонликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини урганишда қимматли манбадир. Мулла Ниёз Муҳаммад Хуқандийнинг «Тарихи Шоҳрухи» асари ҳам қимматлидир. Аваз Муҳаммаднинг «Тарихи жаҳоннамои» ва Мулла Мирза Олимнинг «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» каби асарлари ёзилган. Хонликда адабиёт соҳасида ҳам ютуқларга эришилиб, куплаб машҳур шоирларнинг ижод қилганликлари маълумдир. Умуман, хонликда маданият анча ривожланди. Бунда меъморчиликнинг салмоғи анча булди. Ажойиб масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, жамоа бинолари қад кутарди. Масалан, Норбутабий мадрасаси (1799), Жомеъ масжиди (1815), Қуқон Урдаси (хон саройи, 1870) меъморликнинг ёрқин намуналари сифатида ҳамон савлат тукиб турибди. Хонликда мактаб-мадрасаларда савод чиқариш билан бирга диний ва қисман дунёвий фанлар бўйича машғулотлар утказилган. Уларда таълим ва тарбия олган кишилар орасидан машҳур шоирлар, олимлар етишиб чиққан. Бироқ, узро қонли урушлар ва қелишмовчиликлар ҳамда хонларнинг аксарияти маданиятга етарли даражада эътибор бермасликлари орқасида истеъдодлар макони — водийда фан ва маданият узвий ривожланиш имконига эга булмади.

Фаргона водийсида Қўқон хонлигининг ташкил топиши купгина кўчманчи қабилаларнинг утроқлашиб, илғорлашишига ижобий таъсир кўрсатди; дашту биёбонларда хонлик томонидан истехкомлар қурилиши ва улар заминида шаҳарларнинг шаклланиши ижобий воқеа булди. Хонлик даврида ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркманларнинг узаро алоқалари давом этаверди. Улар ҳар жиҳатдан бир-бирларининг маданиятини ва умуман ҳаётини бойитдилар. Лекин қонли урушлар узаро алоқаларнинг изчиллик билан ўсишига тўсқинлик қилди.

Умумий хулосалар шундан иборатки, гарчанд Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида ҳаёт уз йўлида давом этиб, муайян даражада олға силжишлар ва ютуқлар кузга ташланган булса-да, бироқ улар мавжуд табиий бойликларга ва кенг имкониятларга таққосланганда, «денгиздан бир чумич сув»га ухшаб кетади. Бунга тинимсиз давом этган тахт учун курашлар ва хонликларнинг узаро урушлари орқасида юзага келган оғир шароит сабаб булган эди. Унчалик катта булмаган минтақада бир-бирига душман учта мустақил хонликнинг мавжудлиги пировардида фожсали оқибатларни туғдирди. Хонларнинг купчилиги сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ута заифлиги, купроқ шахсий манфаатларини уйлаб иш юритишлари ҳамда қўшиннинг замонавий қўрол-аслаҳалар билан таъминланмаслиги мамлакат мудофаасига чидаб бўлмайдиган даражада салбий таъсир кўрсатди.

Туркистонда парокандалик ва оғир шароит ҳукм сураётган даврларда Россия империяси Оврупонинг қудратли давлатларидан бири сифатида майдонга чиқди. Унинг қўшини ҳар жиҳатдан яхши таъминланган ва қўролланган бўлиб, жанговарлик фаолияти анча баланд эди. Шундай шароитда икки томоннинг тенгсиз кучлари тўқнашди ва урушлар борган сари авжига миниб бораверди.

РОССИЯ ИСТИЛОСИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ВА РУСЛАР

Руслар билан туркий аҳоли уртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тарихи узоқ замонларга бориб тақалади. Улар яшаган жойлар қадимдан бир-бирларига чегарадош булган.

Маълумки, руслар славян қабилаларидан ҳисобланиб, миллудий IX асргача ибтидоий жамиятда яшаганлар. Тарихий манбаларда славянлар ҳақидаги маълумотлар I—II асрларга тўғри келиб, улар кейинги даврларда тилга олинмайди. Фақат VI асрдан бошлаб славянлар тўғрисидаги маълумотлар кўпроқ учрайди. Бу вақтларда славянлар Дунайдан то Вислагача булган ерларда яшаганлар.

Славянларнинг туркий қабилалар билан дастлабки тўқнашуви 375 йили содир булган. Бу вақтда Дунай ва Тисса дарёлари оралиғи ҳамда Қора денгиз қирғоқларида яшаган туркий Хун империясининг қўшинлари славянларга ҳужум қилиб қаттиқ зарба берганлар. VI—VII асрларда авар туркий қабилалари бир неча бор Дунайдаги славянларга қарши ҳарбий юриш уюштирганлар. Шундан кейин славянларнинг ант номли қабилалари қочиб Днепр атрофларига жойлашадилар. Бу вақтларда уша дарёнинг урта оқимида поляк ва бошқа славян қабилалари ҳам яшардилар. Днепр ирмоқларидан бири ҳисобланган Рос дарёси атрофида ҳам славянлар ҳаёт кечирганлар. Улар шу дарё номи билан «рос» ёки «Рус» қабилалари деб юритилган. Бу ном остида Днепрнинг урта оқимида яшовчи 14 славян қабиласининг иттифоқи тузилиб, бир неча князликлар ташкил топади. Шундан кейин бу минтақада Киев, Пряяславл ва Чернигов сингари шаҳарлар пайдо булади. Волхов дарёсининг қўйи оқимида юзага келган Новгородда ҳам славян князликлари вужудга келиб, тобора кучайиб боради. 882 йили Новгород қўшини Олег (882—915) бошчилигида Днепрнинг урта қисмидаги мулкларга ҳужум қилиб, «Киев руси» номида биринчи Рус давлатига асос солинади. Киев бу давлатнинг пойтахтига айлантирилади.

Вақт утиши билан Киев русининг чегаралари кенгайиб ва ўзи кучайиб борди. Бу даврларда Днепр ва Қора денгиз қирғоқларидан Итил (Волга) ва Ёйиқ (Урал) буйла-

ригача қўзилган бепоеън ерларда мажорлар, хазарлар, қипчоқлар, половецлар, уғузлар, печенеглар, булғорлар ва бошқа туркий халқлар яшардилар. Бу жойларда туркий давлатлар юзага келган эди. VI—VII асрларда мазкур минтақада Турк ҳоқонлиги ҳукм сурган. Туркий давлатлар билан славянлар, шу жумладан, руслар урта-сида қаттиқ жанглар булиб, бир-бирларини талаганлар, асир олганлар.

Киев руси давлати ҳамиша Қора денгизга ва Итил — Хазар йулига чиқишга қаттиқ интилган. Туркий давлатлар эса унинг йулини тусиб, бамисоли бир туғон булиб турганлар.

Итил ва Ёйиқ буйлари ҳамда Сибир Туркистон улкаси учун жуда талабчан бозор ҳисобланган. У ерларда улканинг газмоллари, кийим-кечаклари, уй-рузғор буюмлари ва бошқа молларга эҳтиёж катта бўлган. Ўз навбатида Итилбуйи ва Сибир молларига Туркистонда ҳам талаб зўр эди. Хазар — Итил йули Туркистон савдохунармандчилик доираларига катта фойда келтирарди. Шу боис Туркистон ҳукмдорлари қадимдан Итилбуйида ўз таъсирини урнатишга қаттиқ ҳаракат қилганлар. Чунончи, милоддан олдинги асрларда македониялик Александр улкага бостириб кирганда Хоразм давлатининг чегараси Итил буйларидан утиб, Қора денгиз қирғоқларигача қўзилган. Хоразмликлар VI асрнинг иккинчи ярмида Итилбуйининг қуйи оқимида вужудга келган Хазар подшоҳлигида ўз таъсирларини урнатишга муваффақ бўлганлар. Улар 712 ва 730 йиллар орасида Хазар қўшинларининг қўмондонлигини бошқариб, подшоҳликда муҳим ўринни эгаллаганлар.¹ Ҳатто Хазар подшоҳлиги хоразмликлар динини давлат дини сифатида қабул қилган. Хоразмликларнинг бу жойларда алоҳида маҳаллалари ҳам бор эди. VIII аср урталарига келиб хоразмликларнинг мавқеи шу даражада кучаядики, пировардида Хазар подшоҳлиги билан Хоразм сийсий жиҳатдан бирлашиб, Қирим ва Азоқ (Азов) буйидан Хоразмгача бўлган жойларни ўз ичига олган Хоразм-Хазар империяси ташкил топади. Хазар подшоҳлигининг вазири хоразмликлардан тайинланарди. Ҳатто подшоҳликнинг 12 минг кишилик гвардияси² хоразмликлардан ташкил топган. Хоразмликлар орасида

¹ Толстов С.П. По следам древней Хорезмской цивилизации. М.-Л., Изд-во АН СССР, 1948, стр. 226.

² Якубовский А. Феодальное общество в Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X—XV вв. (МИУТ СССР). М.-Л., 1932, стр. 13.

моҳир лашкарбошилар бор эди. Масалан, 764 йили хоразмлик Растархон бошчилигидаги Хазар аскарлари Тифлисни босиб олган. Хоразм давлатининг пойтахти Итилда (ҳозирги Астрахан ўрнида) яшовчи хоразмликларнинг сони 20 минг кишидан ошган.¹ Уша подшоҳликнинг иккинчи йирик шаҳри Хазаранда 10.000 мусулмон бўлиб, уларнинг аксариятини хоразмликлар ташкил этган. Хазаранда 30 масжид ишлаб турган.²

Хазар подшоҳлигида яшовчи хоразмликлар йирик ва урта амалдорлардан, дин пешволаридан, савдогарлардан, ҳунармандлар ва бошқа тоифадаги кишилардан иборат бўлган. Узоқ вақтлар давомида хоразмликларнинг Хазар давлатининг сиёсий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллашлари Хоразм давлатининг Итилбўйига катта эътибор берганлигидан далолат беради. Хоразмликларнинг таъсири Итил (Волга)нинг урта оқимидаги Булғор подшоҳлигида ҳам кучли эди. Бу ерда уларнинг маҳаллалари вужудга келиб, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва бошқа касблар билан шуғулланганлар. Итил буйларида Туркистоннинг бошқа шаҳарларидан ҳам кишилар келиб урнашганлар. Масалан, Булғор шаҳри харобаларидан топилган ва Петр I буйруғи билан таржима қилинган қабртошларда самарқандликларнинг номлари ҳам ёзилган.³

Туркистон улқасидан Итил буйларига савдо карвонлари турли-туман моллар билан қатнаб турганлар. Бу моллар славянлар, шу жумладан, руслар яшайдиган жойларгача олиб кетилган. Ўз навбатида руслар уз молларини Итил буйларига келтириб туркистонликлар билан савдо қилганлар.

Х асрга келиб Хоразм иқтисодий жиҳатдан тез уса бориб 30 дан ортиқ катта шаҳарлари бор эди. Хоразмнинг бундай юксалишига унинг Итил буйлари билан савдо алоқаси катта таъсир кўрсатди. Шу сабабли Хоразм ҳукмдорлари Итил буйларини ўз таъсир доирасида тутиб туришни муқаддас бурч деб билганлар. VIII аср ўрталарида Араб халифалигининг тажовузлири орқасида барбод бўлган Хоразм-Хазар империяси X асрга келибгина қайта тикланади.

¹ Уша жойда 12-бет.

² Уша жойда, 13-бет.

³ *Чулков М.* Исторические описания Российской коммерции при всех портах и границах от древних времен до настоящего и всех преимущественных узаконений по о ней государя императора Петра Великого и ныне благополучно царствующей государыни императрицы Екатерины. Т. I, кн. I., СПб., 1781, стр. 58.

Хоразмлик ва бошқа туркистонликлар Итилбуйида ислом динини тарқатишда жонбозлик кўрсатадилар. Улар, академик Бартольднинг текширишига кўра, Волга буйларида маданиятнинг ўсишига салмоқли ҳисса қўшганлар.¹

Хоразмнинг Итил буйлари билан савдо алоқаларига доир араб манбаларида қимматли маълумотлар мавжуд. Х асрнинг иккинчи ярмида яшаган аллома Мақдсийнинг курсатишича, Булғор подшоҳлигидан Хоразмга сувсар, тулки, қундуз, қуён ва эчки мўйналари, шамлар, уқ-ёйлар, оқ терак пўстлоғи, чўққайма телпак, балиқ елими, балиқ тишлари, канақунжут, мушк-анбар, от терисидан тайёрланган чарм, асал, лочинлар, қилич-қалқонлар, дубулғалар, қайин пўстлоғи, славян қўллари, қўй-сигирлар келтирилди.²

Хоразмдан ва, умуман, Туркистон улқасидан Итилбуйига ипли, ипакли ва жузли газламалар, гуруч, қуруқ мевалар, оқ думалоқ дирҳам (кумуш тангалар) ва бошқа моллар олиб борилган. Туркистонликлар Итил буйлари ва Қора денгиз қирғоқларида савдо-сотик ишлари билан шуғулланганлар. Бунда, айниқса, хоразмликлар салмоқли ўринни эгаллаган. Хоразм мавқеи шу даражада кучли бўлганки, Киев руси давлатининг князи Владимир Святославич (978—1015) ислом динини қабул қилиш ниятида узининг 4 кишидан иборат вакилини у ерга жўнатган. Бу ерда рус элчилари Хоразмшоҳ томонидан зўр мамнуният билан қарши олиниб жавоб тариқасида имомни улар билан бирга Рус давлатига юборган. Шундан кейин, манбада курсатилишича, руслар ислом динига киритилган.³ Бу ўринда руслар орасида айрим кишиларгина исломни қабул қилганлигини тушуниш мумкин. Чунки русларда христианлик устун келиб давлат динига айланиб кетган. Бунда Рус давлатининг Византия билан яқин алоқада бўлганлиги муҳим урин тутган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, гарчи Рус давлати ва қипчоқлар ўртасида қонли жанглар узоқ асрлар давом этган бўлса-да, лекин қариндошлик алоқалари ҳам бўлган. Чунончи, Киев руси давлати князларининг қипчоқ маликаларига мамнунлик билан уйланишлари кўп уч-

¹ Бартольд В. В. Сочинения, том II, ч. 2., М., 1963, стр. 680—681.

² Грсков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Урда ва унинг қўлаши. Тошкент, 1956, 21-бст.

³ Заходер Б.Н. Каспийский свод сведений о Восточной Европе. том 2, М., 1967, стр. 166—167.

райдиган воқеа ҳисобланган. Бундай зотида туркий қон булган кишилар рус тахтини ва бошқа олий мансабларни бошқарганлар. Айрим рус князлари ўзаро курашларда ёлланган қипчоқ ҳарбий қисмлари билан биргаликда жанг қилганлар. Қипчоқлар орасида христиан динига ўтиб руслашган кишилар ҳам булган. Шу боис рус тилида ҳануз кўп туркий сўзлар сақланмоқда. X—XI асрларда Киев руси давлатининг чегаралари кенгайиб, куч-қудрати ошган давлатга айланди. Аммо XII аср бошларидан ўзаро урушларнинг тобора қизиби бориши ора-сида Киевга бўйсунидан бош тортган князликлар сони кўпайди. Уша аср ўрталарига келиб 15 князлик булган бўлса, XIII аср бошларида уларнинг сони 50 га борди. Бу ҳол Киев руси давлати кучининг синишига олиб келди.

Хулоса шуки, тахминан икки минг йил мобайнида «Хитой девори»дан Сибир, Ёйиқ (Урол) ва Итил (Волга) бўйи ҳамда улар атрофидаги жойлар орқали Днепр ва Қора денгиз қирғоқларигача бориб тақаладиган ҳудудларда истиқомат қилувчи турли туркий қабилаларнинг славянлар, шу жумладан руслар билан сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий алоқалари борган сари кучайиб борди. Ҳар икки томон орасида содир булган рақобат эса, талон-торож, катта қурбонликлар ва талофатларга олиб келди. Уша жойлардаги туркий давлатлар Киев руси князликларининг Каспий-Волга ва Қора денгиз томони-га суқулиб киришига қарши тинимсиз курашдилар.

ОЛТИН ЎРДА, ТУРКИСТОН ВА РУС КНЯЗЛИКЛАРИ

XIII асрнинг бошларида Мўғулистонда Чингизхон бошчилигида кучли давлат юзага келди. Чингизхон қўшинлари Шимолий Хитойни эгаллади. Сунгра 1219 йили Туркистонга ҳужум уюштириб, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв ва бошқа шаҳарларни ваҳшиёна равишда урушиб олди. Улар бутун XIII аср мобайнида Сибир, Хитой, Марказий Осиё, Кавказ, Қирим, Итил-бўйи, рус князликлари, Польша, Венгрия, Хорватия, Булғория, Эрон ва Ироқ сингари мамлакатларни эгалладилар. Чингизхон империясининг пойтахти Мўғулистондаги Қорақурум шаҳри ҳисобланган. Чингизхон ва унинг авлодлари бошчилик қилган ҳарбий юришларда 100 минглаб кишилар қириб ташланиб, кўп шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Бундай қиргин-барот, талон-торож ва талофат инсоният тарихида ҳали бўлмаганди. Бу туғрида XIII аср алломаси Ибн ал-Асир

шундай ёзди: «Куну тунларда мисоли қурилмаган ва ҳаммаёқни, хусусан, мусулмонлар яратган бойликларни қамраб олган гоёят катта бир фалокат булди. Агар биров ҳамма нарсага қудрати стувчи ва ҳар нарсанинг устидан турувчи Оллоҳ одамни яратгандан буён дунё шу маҳалгача ҳеч бундай нарсани кўрмаган деса, ҳақ гапни айтган буларди. Дарҳақиқат, йилномаларда бунга ўхшаш ва унга тенг келадиган бундай зур фалокат булмаган. Уларда тасвирланган воқеалар ичида Навуходоносорнинг исроилийларни қалтаклаш ва Қуддусни вайрон қилиш бобидаги қилмиши энг даҳшатлисидир. Бироқ, бу лаънатилар вайрон-талқон қилиб ташлаган мамлакатлар олдида Қуддус нима бўлибди? Бу мамлакатлардаги ҳар бир шаҳар Қуддусга икки баробар келади! Татарлар қириб ташлаган одамларга қараганда исроилийлар нима бўлибди? Ахир, (айрим) битта шаҳарда татарлар қалтаклаган аҳоли (барча) исроилийлардан куп булган. Татарлар ҳеч кимни аяшмади; аёлларни, эркакларни, гудакларни дуппослай берди, ҳомиладорларнинг қорнини ёриб болаларини улдирди. Шундай бир ҳодиса булдики, унинг учқунлари (ҳар томонга) сочилиб кетди ва балоси ҳамманинг бошига тушди; у шамол қувган булутдек ҳаммаёқни босиб утди».¹

Дарҳақиқат, бу даҳшатли булутлар қипчоқлар ва атрофдаги бошқа халқларнинг осмонини ҳам омон қўймади. Днепрдан бошланиб Итилдан ўтиб, Шарққа томон чўзилиб кетган бепоён ерлар «Қипчоқ дашти» номида юритиларди. XI—XIII асрларда Дашти Қипчоқдан икки савдо йули утган бўлиб, бири — Итил орқали Булғордан Урта Осиё, Кавказ, Эрон ва Узоқ Шарққа, иккинчиси — Дашти Қипчоқдан Қиримга, ундан эса Кичик Осиёдаги Трапезунд, Константинополгача борган. Айни бир пайтда бу йул орқали рус князликларига ҳам борилган.²

Шу боис ҳам Дашти Қипчоқни эгаллашнинг сиёсий жиҳатдангина эмас, балки иқтисодий нуқтаи назардан ҳам фойдаси беқиёс катта эди. Бунини ҳисобга олган Чингизхоннинг невараси Ботунинг қўшинлари 1236—1239 ва 1239—1242 йиллари бутун Дашти Қипчоқни ва рус князликларини босиб олиб Олтин Урда номида давлат туздилар. Бу давлат таркибига шимолишарқда Булғор вилояти, шимолда рус князликлари, жа-

¹ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Урда ва унинг қулаши. Тошкент, 1956, 46-бет.

² Уша жойда, 20-бет.

нубда бир томондан, Қирим ва унинг денгизбуйи шаҳарлари, иккинчи томондан, Кавказ ва баъзи пайтлари Боку, Шимолий Хоразм, Урганч шаҳри, гарбда эса, Днепрдан бошланган даштликлар, шарқда — Ғарбий Сибир этакларигача ястанган ерлар кирган.¹

Итилнинг қуйи оқимида ҳозирги Астрахан яқинида Сарой шаҳри бунёд этилиб, Олтин Урда давлатининг пойтахтига айлантирилди. Ботунинг меросхури Беркахон (1257—1266) эса ҳозирги Царицин яқинида Берка Сарой шаҳрини қурдирди. Бу шаҳар Олтин Урда ҳукмдори Узбекхон даврида (1312—1340) пойтахтга айлантирилди. Олтин Урда давлатининг юзага келиши ва унга рус князликларининг бўйсундирилиши Дашти Қипчоқда қадимдан давом этиб келаётган туркистонликлар фаолиятига янада қулай шароит яратди. Шуниси диққатга сазоворки, муғул ҳукмдорлари давлатни мустаҳкамлашда ислом динини ва туркистонликларнинг муҳим мавқеини ҳисобга олган ҳолда уларга кенг йул очиб берди.

Олтин Урда давлатининг асосчиси Боту давридаёқ ислом динига эътибор берилиб масжид ва мадрасалар очилганлиги маълум. Дастлабки вақтларда муғул ҳукмдорлари ислом динига кирмаган булсаларда, лекин бир оз вақт утгач, улар ислом таъсирига тортиладилар. Ботунинг вориси булмиш Беркахон машҳур бухоролик шайх Сайфиддин ал-Боҳарзийнинг раҳнамолигида ислом динига утди. Айниқса, Узбекхон даврида Олтин Урдада ислом дини ривож топди. Бунда Бухоро ва Хоразм дин пешволари жонбозлик кўрсатдилар.

Муғуллар гарчи ҳукмрон доира ҳисоблансаларда, сон жиҳатидан қипчоқларга нисбатан озчиликни ташкил этганлар. Шу туфайли вақт утиши билан келгинди муғуллар ислом динини қабул қилиб, турклашиб, қипчоқларга сингиб кетди. Пировардида, турк тили Олтин Урданинг давлат тилига айланди.

Туркистонликлар Олтин Урданинг ички ва ташқи савдосида ҳам салмоқли уринни эгалладилар. Олтин Урдада ислом дини ва туркистонликлар савдо фаолиятининг кучайиши унинг маданий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди. Бунда Сарой Берка ва Сарой Ботудаги хоразмликлар яшайдиган маҳаллаларнинг ҳиссаси катта булди. Бу ерларда савдогарлар, ҳунармандлар, дин ва маданият намояндалари яшаб мамлакатнинг сиё-

¹ Уша жойда, 53-бет.

сий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол қатнашдилар.

Хоразмликларнинг қурилиш ва меъморчиликка таъсири салмоқли бўлди. Бу туғрида А.Ю. Якубовский шундай ёзади: «Бир томондан, Сарой Берка билан Сарой Ботунинг ва, иккинчи томондан, Урганчининг, гарчи кошинкорлик материаллари юзасидангина булса ҳам, архитектура ёдгорликларини таққослаб урганиш шуни кўрсатадики, хоразмлик усталар ўзларига хос булган ранг-баранг нақш безакларини жило бериб ишлаш хусусиятларини кошинкорлик мозаикаларида такрорлаганлар. Бу ранг-баранг нақшин безаклар Кўҳна Урганчдаги Тўрабекахоним мақбараси каби ажойиб бинони ҳозиргача безаб турибди. Шу билан бирга, хоразмлик усталар аввалги ишларини такрорлаб қолмай, балки бу янги жойда янги-янги усулларни ҳам яратганлар.

Сарой Беркада XIII—XIV асрларда қурилган турлитуман бинолардаги хилма-хил кошинлар коллекцияси бу ерда типик мусулмон феодал санъати булганлигини кўрсатади. Гулларнинг расмини тўр-тўр чизиклар ва безак ҳарфлардан ёзилган арабча хат билан бирга қушиб ишлаш кук, феруза, оқ, яшил, сариқ сирларни Урганч учун жуда ҳам характерли булган қизил ранг (анғоб буёқ) билан бирга қушиб тасвирлаш, буларнинг ҳаммаси Урта Осиё ва Эрон шаҳарларининг халқлари учун хос булган архитектура формалари билан биргаликда Волгабуйи шаҳарларига кучган».¹

Туркистонликлар тўқувчилик, кулолчилик ва бошқа ҳунарлар билан шуғулланганлар. Хуллас, улар Сарой Боту билан Сарой Берка сингари йирик шаҳарларнинг барпо этилишида ва гуркираб ривожланишида фаол қатнашдилар. Хоразмликларнинг Олтин Урдадаги мавқеи шу даражада кучли бўлдики, Миср Олтин Урда билан алоқада хоразмликлардан фойдаланган. Масалан, Миср султонининг Олтин Урдадаги Аловуддин Ойтуғди исмли элчиси хоразмлик эди. Ўзбекхон даврида Берка Саройдаги хоразмликлар маҳалласида яшовчи шайх Нуъмонуддин ал-Хоразмий катта обруга эга эди. Ўзбекхон бу киши билан тез-тез суҳбатлашиб турган. Бу шайх асли урганчлик бўлиб, мантиқ, фалсафа ва тил илмини яхши биларди. Хоразмликлар орасида Олтин Урдага қарашли жойларда йирик мансабдорлар ҳам булган. Жумладан, XIV асрнинг

¹ Уша жойда, 144—145-бетлар.

30-йилларида Муҳаммадхожа ал-Хоразмий Азоқ вилоятининг амири эди.

«Олтин Урданинг адабий тили ва адабиётини яратишда ҳам, — деб ёзган А.Ю.Якубовский, — Хоразм катта рол уйнаган. Олтин Урдада чиққан бир неча бадиий асарларнинг тили Хоразм ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳарлар, яъни Оқ Урда ерлари тил элементлари билан бевосита боғланиш булганини курсатади. Ҳар иккала улка (Хоразм ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳарлар) Олтин Урданинг сузлашув тилигагина эмас, балки майдонга келаётган Олтин Урда ёзувига, айниқса, унинг бадиий адабиётига ҳам доимо таъсир курсатиб келган. Волгабуйи шаҳарларида, хусусан, иккала Саройда бу соҳада анча иш олиб борилган».¹ Шубҳасиз, Хоразм маҳалласида хоразмликларгина эмас, балки бухороликлар, самарқандликлар, тошкентликлар ва фарғоналиклар ҳам булган. Бироқ, хоразмликлар купчиликни ташкил этганликлари туфайли маҳаллалар улар номида юритилган.

Олтин Урда даврида туркистонликлар билан рус князликлари уртасидаги алоқалар анча жонланган. XIV асрнинг биринчи ярмида Нижний Новгородда куп сонли Хоразм ва Бухоро савдогарлари яшаганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Шуни курсатиб ўтиш лозимки, Олтин Урда пойтахти — Саройда русларнинг ҳам турар-жойлари булган. Шу сабабли 1261 йили Саройда махсус православ епархияси ташкил қилинган бўлиб, бу епархияга Саройдан ташқари Переяславл Киевский шаҳри ҳам қараган.² Бундай ҳол Саройда яшовчи туркистонликлар билан руслар уртасида яқин алоқалар урнатилишига олиб келган. Туркистонликлар Олтин Урдада рус князликлари тулашлари зарур булган солиқларни ялписига узлари тулаб, амалда рус князликларини сотиб олганлар.³ Шубҳасиз, улар рус ерларида солиқларни ундириш билан бир қаторда савдо-сотиқ билан ҳам шуғулланганлар.

Айрим маълумотларга кўра, рус хунармандлари Урганчга келиб урнашган вақтлар булган.⁴ Куп рус князликлари «Ёрлиқ олиш учун фақат Олтин Урданинг пойтахти — Саройга эмас, балки Муғулистонга, буюк хон қароргоҳига Туркистон орқали борардилар».¹

¹ Уша жойда, 147-бет.

² Голубинский Е. История русской церкви. 1900, т. II, стр. 41-60.

³ Журнал МВД, 1839, № 100, стр. 357.

⁴ Первые русские научные исследования Уст-Юрта. М., 1963, стр. 6.

Олтин Урда ҳукмдорлари рус князликларида дастлабки вақтларда уз вакилларини (босқоқларни) тайинлаб иш юритган бўлсалар, кейинчалик солиқ ва улпонларни тушлаш ҳамда топшириш рус князликларининг зиммасига юкланади. Улар рус князликларининг ички ишларига деярли аралашмасдилар. Оқибатда рус князликлари уртасида яккаҳоқимлик учун курашлар давом этаверди. Айни бир пайтда, швед, немис рицарлари ва Литва князлари билан урушлар олиб борилаверди.

Рус князликларидан солиқ олиш билан чегараланиб, уларни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қаттиқ назорат остига олмаслик, пировардида, уларнинг қаддини ростлашлари ва кучайиб кетишларига замин ҳозирлади. Бунда Олтин Урда ҳукмдорларининг тахт учун олиб борган узаро даҳшатли урушлари ҳам русларга жуда қул келди. Бу борада Амир Темурнинг Олтин Урдага қарши ҳарбий юришлари рус князликларининг мустақилликка эришишида катта имкониятлар тугдирди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ОЛТИН ЎРДАГА БЕРГАН ЗАРБАСИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Амир Темур давлатининг кучига куч қушилиб жаҳон даврасидаги мавқеининг ошиши Олтин Урда манфаатларига путур етказадиган бўлиб қолди. Айниқса, унинг таркибидаги Шимолий Хоразмнинг Амир Темур томонидан эгалланиши Урдага катта зиён келтирди. Бундан ташқари, Амир Темурнинг узи Олтин Урданинг келажакда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан хавфлилигини яхши биларди. У Олтин Урдада уз таъсирини ўрнатиш учун у ердан қочиб келган тахт даъвогари Тўхтамишни ҳарбий куч билан таъминлаб, 1376 йили икки маротаба Урдага қушин жунатди. Тўхтамиш 1379 йилдагина Темур ёрдами билан Олтин Урданинг бир қисми бўлмиш Оқ Урда тахтини эгаллади. Кейин у Олтин Урда тахтини қўлга киритиш учун Мамайхонга қарши юриш қилиб мағлубиятга учратди. Шу равишда Тўхтамиш бутун Олтин Урда яккаҳоқимлигига эришди. Натижада у Амир Темурнинг барча яхшиликлари ва ёрдамини назар-писанд қилмай, Туркистонни эгаллаш ҳаракатига тушди. У 1377—1378 йилларда Амир Темур Эрондалигида Туркистонга ҳужум қилди. Бундан хабар

¹ Уша жойда, уша бст.

топган Амир Темур дарҳол Ватанига қайтишга мажбур бўлди. Аммо Тухтамиш қўриқиб қочди. Хоразм ҳукмдори Сулаймон Суфи Тухтамиш билан тил бириктириб Амир Темурга қарши бош кутарган эди. Шу сабабли Амир Темур 1388 йили Хоразмга ҳарбий юриш қилиб уни қайта бўйсундирди. Тухтамиш эса Амир Темурга қарши ҳаракатини давом эттирди. Оқибатда Амир Темур Олтин Урдага 1389, 1391 ва 1394—1395 йиллари катта ҳарбий юришлар уюштириб Олтин Урданинг тинқасини қуритди. Айниқса, 1391 йили ҳозирги Самара шаҳри ва Чистопол оралигида жойлашган Қундузча деган жойдаги урушда Тухтамиш қўшинларининг қаттиқ зарбага учраши муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1395 йилдаги Амир Темур ва Тухтамиш қўшинлари уртасидаги жанг Шимолий Кавказдаги Терек дарёсининг ёқасида содир бўлди. Бу жангда Тухтамиш кучлари шу даражада қаттиқ зарбага учрадики, у шундан кейин узини унглай олмади. Амир Темур бу ғалабадан сунг Олтин Урдани, Сарой Берка, Аштархон, Қирим ва Қора денгиз бўйларидаги шаҳарларни, Азоқ ва Шимолий Кавказни эгаллади. Шу тарзда Олтин Урда Амир Темур давлатига қўшиб олинди.

Идиқу, Темур Қутлуг ва Олтин Урданинг бошқа амирлари Амир Темур ҳузурига қочиб келиб Тухтамишга қарши урушларда фаол қатнашдилар. Амир Темур ғалабасидан кейин Идиқу Чингизхон хонадонидан бўлмаганлиги учун Олтин Урда тахтига Темур Қутлугни утқазди. Ҳокимиятни амалда Идиқу бошқариб (1379—1419) борди. Идиқу Олтин Урданинг қаддини бирмунча ростлашга эришди. Аммо Амир Темур Олтин Урда шаҳарларини остин-устин қилиб, қўшинларини шу даражада мажақлаб ташлаган эдики, бамисоли бели букчайтирилиб қўйилганди. Бу ҳол Амир Темур давлатига нисбатан кучли рақобат ва хавфнинг бартараф этилиши билан бир пайтда рус князликларининг мустақилликка эришишини таъминлаган муҳим омил бўлди. «1395 йилда, — деб ёзган эди А.Якубовский, — Темурнинг Тухтамиш устидан қозонган ғалабаси, Астрахан ва, айниқса, Олтин Урда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Урта Осиё ва уша вақтдаги Жануби-Шарқий Европа учунгина эмас, балки рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди... Тухтамишни енгил билан рус срига объектив суратда катта хизмат курсатган, лекин шундай бўлиб

чиқишини унинг узи мутлақо пайқаман».¹ Иккинчи бир таниқли рус тарихчиси Соловьев ҳам шунга ухшаш баҳони берган: «Темурланг Олтин Урдани тор-мор этганидан кейин Москва князи учун у узоқ вақт-гача хавф-хатарсиз бўлиб қолди».²

Дарҳақиқат, Амир Темур рус князликларининг олдини тусиб турган девор булмиш Олтин Урдага қақшатқич зарба бериб, келажакда қудратли Рус давлатининг юзага келишига узи уйламаган ҳолда беқиёс катта шароит яратди. Тухтамишнинг мағлубияти Олтин Урда тақдирини ҳал қилган асосий омил бўлди. Бизнинг фикримизча, Амир Темурнинг хатоси шунда бўлганки, Олтин Урдани эгаллашга эгаллади-ку, лекин унинг устидан қаттиқ назорат урнатмай ўз таъсир доирасидан анча узоқлаштириб қўйди. Оқибатда у ерда тахт учун узаро курашлар авжига миниб Олтин Урда давлатини янада заифлаштирди.

XV асрнинг биринчи ярмида Олтин Урдадан энг бой ва обод улкалар ажралиб Қирим ва Қозон, кейинчалик Аштархон ва Сибир хонликлари пайдо бўлди. 1480 йили эса рус князликлари ҳам Олтин Урда қарамлигидан қутулди. 1502 йили Қирим хони Олтин Урданинг охириги ҳукмдорини тор-мор этиб, уни тамомила тугатди. Уша вақтларда Оқ Урданинг³ ҳукмдори Шайбонийхон Туркистонга бостириб кириб темурийлар давлатини ағдариб, ўз ҳокимиятини урнатди. Шайбонийхон билан Туркистонга кучиб келган ўзбек қабилалари тили ва дини бир туб, утроқ туркий аҳолига аралашиб кетди. Шундан кейин туб туркий халқ ҳам ўзбек номида юритиладиган бўлди. Эслатиб утиш лозимки, Амир Темур Тухтамишни тор-мор этиб, Олтин Урда давлатининг тақдирини ҳал қилган бўлса, вақти келиб Олтин Урда ҳукмдорларининг авлодлари, хусусан, Шайбонийхон темурийлар давлатини ағдариб ҳисобни тенглаштирдилар. Аммо улар ўртасидаги фарқ шундаки, шайбонийлар ва у билан кучиб келган қабилалар Туркистондаги туб аҳоли билан аралашиб кетдилар, уларнинг ҳукмронлик вақтида темурийлар даврида не-не машаққатлар ва қурбонлар эвазига қўлга киритилган

¹ Грсков Б.Д., Якубовский А.Ю. Уша асар, 717—718-бетлар.

² Уша жойда.

³ XV аср бошларидан Олтин Урда Кук Урда ва Оқ Урдага булиниб, Оқ Урда Кук Урдага қарам эди. Оқ Урданинг таркибига Сирдарё ҳавзаси, Қоғистон ва Фарбий Сибир шаҳарлари, бошқа аҳоли тураржойлари ҳамда дашту урмонлар кирган.

марказлашган давлат, тараққиёт совурилиб улкада Бу-хоро, Хива ва Қуқон хонликлари ҳукм сурди.

XVI асрнинг урталарида Рус давлати Қозон (1552) ва Астрахан (1556) хонликларини босиб олди. Сунгра Сибир хонлиги ҳам босиб олинди. Шу равишда Итил буйларида, Ёйиқда, Қора денгиз қирғоқлари ва Сибирда икки минг йилдан ортиқ давр мобайнида славянларга, шу жумладан, русларга қалқон бўлиб турган туркий давлатлар ўрнини Рус давлати эгаллаб, олтин, кумуш, темир, кўмир маъданларини, ўрмонларни, унумли ерлар ва бошқа табиий бойликларни ҳамда оламшумул аҳамиятга молик карвон йуллари сингари битмас-туганмас хазинани қўлга киритди. Бу билан Рус давлати «ғичча мойга ботди» ва тобора кучайиб бориш учун барча имкониятларга эга бўлди.

Олтин Урданинг парчаланиши ва қулаши у ерда кўп асрлар мобайнида уз мавқеини сақлаб келаётган Туркистон улкасининг манфаатларига катта зиён етказди. Чунки у жойлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқалар Туркистонда, айниқса, Хоразм воҳасида ишлаб чиқариш кучларининг усишида муҳим урин эгаллар эди. Шу боис Олтин Урда ерларидан айрилиш Туркистон учун катта йўқотиш бўлди. Бинобарин, Амир Темурнинг Олтин Урдага зарба бериб, уни ҳалокатга олиб келиши кўпроқ Россияга фойда келтирди. Агар у Олтин Урданинг белини синдирмаганда, рус князликларини бурчакка сиқиб турган тўгон бузилмаган булур эди. Шундагина рус князликлари қудратли империяга айланмай ҳозирги Польша, Венгрия, Руминия ва бошқа славян мамлакатларига ўхшаб қолиши ҳеч гап эмас эди. Рус князликларининг Олтин Урда сиртмоғидан қутулишини фақат Амир Темурнинг ҳарбий юришларига боғланилса тўғри булмайди, албатта. Негаки, руслар ҳам уз мустақиллиги учун тинимсиз курашдилар. Айниқса, 1380 йили княз Дмитрий бошчилигида рус қўшинларининг Дон водийсидаги Куликово майдонида Олтин Урда қўшинларига берган қақшатқич зарбаси катта аҳамиятга эга бўлди. Мустақилликка эришишда Дмитрий Донской (1359—1389), Иван III (1462—1505) ва бошқа рус князлари жонбозлик курсатдилар.

XIV аср охирилари — XVI асрлар мобайнида рус князликларининг бирлаштирилиши асосида марказлашган Рус давлати ташкил топди. Вақтлар утиши билан собиқ Олтин Урда ерларида рус шаҳарлари, ҳарбий истеҳкомлари, конлари ва заводлари кўпайгандан кў-

пайиб борди. Рус давлати уз мавқеини мустаҳкамлаб олгандан кейин Туркистонни ҳам буйсундириш ҳаракатига тушиб қолди...

ХИВА ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАР

Русларнинг бу хонликка бостириб киришга уринишлари XVII асрнинг бошларига тўғри келади. Уша даврда Ёйиқ дарёси атрофларида жойлашган рус казаклари Урганч шаҳри томон йўлга чиқадилар.¹ Хоразмда улар куп бойликларни қулга киритадилар. Бу хусусда Абулғозий шундай ёзади: «Ёйиқ теганда юруган уруснинг қозоқиндин минг киши саратоннинг аввали куни гофил келиб, Урганчнинг қалъасина кирди. Шаҳарда раъиятдин узга киши йуқ эрди. Хоннинг урдуси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабинда эрдилар. Хевақда хонга киши чобтурдилар. Етти кунда хон келди.

(Казаклар) Урганчда раъиятдин минг кишини ўлтурди ва минг қиз бирлан жувонни олди. Минг арабаға яхши моллардин юклади. Бўз ва бўғғли ва палос ва тун ва тушак-ястук мундағ нимарсаларнинг барчасини утга ёқди. Буларни саранжом қилгунча етти кун булди. Андин сўнг (казаклар) Урганчдин чиқиб дарё лабига юрди. Араб Муҳаммадхон олдиға бориб ўр қазди ва жанг қилди. Икки кун уруштилар, учунчи куни жибни зур қилиб олиб, тақи босиб утди. Урус пиеда, бизнинг халқ отли илғаб икки фарсанг ер юзунда яна ўр қазиб жанг қилдилар. Бизнинг халқнинг гарази бу ким, иссиқ кунда чулда ола курали; сувга боргандин тўғайда ўрус бир кунда қалъа солур. Андин сўнг урусға киши юборур. Андин кўмак келур. Ушбу ерда барчамиз қирилали теб, зур қилдилар.

Урус юклаган сувини тамом қилди. Уруштилар, урус қон ича бошлади.² Бешланчи куни қонни ҳам товсутти. Узбек ҳар ердин тўп-тўп булуб чобти. Урусни ўлтуруб-ўлтуруб қайтди. Ул арабадин чиқиб урушар эрди. Ахир арабанинг ичиндан чиқа билмади. Ожиз бўлди. Еттиланчи куни барча иттифоқ бирлан чобтилар. Арабаға келгандин сўнг отдин тушуб кўран ичига кириб қилични қўя бердилар. Халқ улжаға бўлганда юз урус қочиб дарё лабига бориб Тук қалъасининг қуйисида яғочдин қалъа солиб балиқ олиб еди-да ўлтурди. Араб

¹ Центральный государственный военно-исторический архив (ЦГВИА), ф. ВУА, д. 1825, л.9.

² Бу ерда яралор казакларнинг қонини ичиш назарда тутилган.

Муҳаммадхон бориб қабади. Тақи ун беш кунда олди».¹

Абулғозийнинг мазкур ноёб маълумоти шу ҳақда гувоҳлик берадики, рус казаклари Урганчда қароқчилик билан шуғулланиб аҳолига қаттиқ азоб берган. Улар яхши қуролланганларки, тамомила қириб ташлаш учун 15 кун вақт кетган. Кейинги вақтларда ҳам рус казакларининг атаман Нечаев бошчилигида Урганчга бостириб кирганликлари маълум. Улар бу ерда кўп бойликларни талаб олиб кетаётганларида хон аскарлари томонидан қириб ташланган. Бу маълумот ҳам Абулғозий асаридан олинган. Бу воқеа унда шундай таърифланган: «Биз дунёга келган йилининг аввал баҳоринда ун етти киши урусга савдога кетар. Қуш Ёйиқ теганда минг қозоқ урус бор эканди. Йулда анга учрай қолур. Иккисини ултурур, сақлаган кишилардин Урганчнинг хабарин сурар. Анинг бириси туркистонлик экандур. Ул айтур, Урганчнинг шаҳринда сипоҳдин бир киши йуқ. Сипоҳнинг яқин ултургани отлига бир кунлук йул. Шаҳарда танҳо раъият турур. Бир тарафи чул. Агар чул йулиндин юз минг лашкар борса, шаҳрга кирганда курар. Андин илгари кўрмас. Ёт юртли киши анча қулиндин ва тилиндин келган саъй бирлан хушомадни қилди. Урус мунинг сузина фирифта бўлиб туркистонлини бошчи қилиб, минг киши келиб Урганчнинг мирзо дарвозасиндин кириб...

Отамиз (Араб Муҳаммадхон) урусдин бир киши қўймай қириб эркандур. Бу воқеотдин қирқ кун уткандин сунг биз дунёга келибмиз. Отамиз айтибди: «Бизга бир газот муяссар бўлди. Мунинг йули ва қадами муборак бўлди ва тақи мунинг онасининг жамоатини гозийлар дерлар, ул нисбати ҳам бор теб, отимни Абулғозий қўюб турурлар».² Бинобарин, мазкур сатрлардан биз руслар босқинига қарши кураш ва галаба шарафига унинг исмига «ғозий» сўзи қўшилганлигини биламиз.

Рус казаклари икки маротаба қириб ташланганларига қарамай, яна бир бор Урганч томон отланганлар. Аммо улар йулда қаттиқ совуқ ва буронга учраб очликка, касалликка чалинадилар. Ҳатто улган шерикларининг гуштларини ейишга мажбур буладилар.³ Шу тариқа улар йулларда қирилиб кетганлар.

Петр I замонида Рус давлати фақат Овруподагина

¹ *Абулғозий*. Шажарайн турк. Тошкент, 1992, 158—159-бетлар.

² Уша асар, 167-бет.

³ ЦГВИА, ф. ВУА, д. 1825, л.9.

эмас, балки узбек хонликларининг куз унгида ҳам қудратли мамлакат сифатида гавдаланиб турарди. Шунинг учун ҳам хонликлардаги айрим юқори табақа вакиллари тахт учун курашларда ватанига хоинлик қилиб Рус давлатига таянишга уринганлар. Масалан, рақиблари ва душманлари дастидан юрагини ҳовучлаб тахтда утирган Хива хони Исҳоқ Оға Шоҳниёз (1694—1701) 1700 йили Дустбек Баҳодирни Россияга юбориб савдо-сотиқни ривожлантириш таклифи билан бирга хонликни Рус давлати тобелигига олишни Петр I дан сурайди. Шунга биноан Петр I бу таклифни бажонудил қабул қилиб, уша йилнинг 30 июнида Хива хонлигини Россия тобелигига олиш ҳақида фармон чиқаради. Бу туғрида Дустбек Баҳодир орқали махсус ёрлиқ юборди. Ёрлиқда Хива хонлигининг Рус давлати тобелигига утганлиги уқтирилган. Шу билан бирга, Исҳоқ Оға Шоҳниёзнинг Рус давлатига содиқ булиши кўрсатиб утилган. Аммо Хива хонлигининг Россия тобелигига олиниши ҳақидаги таклиф бир гуруҳ ватан хоинларининг истагини ифода этганлиги учун қозғоғдагина қолди, холос. Бунинг устига, йулнинг узоқлиги ва азоб-уқубатлари Россияга хонлик устидан назорат ўрнатиш имкони ни бермади. Ундан ташқари, уша пайтлари Петр I купроқ Швеция ва Туркия уруши билан банд эди.

1703 йили Хива хони Араб Муҳаммад II (1702—1714) номидан юқорида исми тилга олинган Дустбек Баҳодир яна Астрахан орқали Москвага элчи сифатида борди. У бу гал ҳам савдони ривожлантириш ва Хива хонлигини Рус давлати тобелигига олишни қайта сурайди.¹ Натижада Петр I Хива хонлигини Рус давлати тобелигига олиш ҳақида иккинчи мартаба фармон чиқаради.² Бу ҳақдаги, шунингдек, узаро элчилик ва савдо алоқаларини самарали давом эттириш сингари масалаларни ўз ичига олган Петр I нинг ёрлиғи элчи орқали Хива хони Араб Муҳаммад Иккинчига юборилади.³

Юқорида курсатилган сабабларга кура, Хива хонлигини Рус давлати тобелигига олиш туғрисида Петр I фармони бу гал ҳам амалга ошмайди. Петр I томонидан урушларнинг узлуксиз давом эттирилиши давлат хазинасига сезиларли путур етказмоқда эди. На-

¹ Полное собрание Российских законов. СПб., 1830, стр. 216.

² Московские ведомости, 1703, апрел.

³ Центральный государственный архив Древних актов (ЦГАДА). Ф. 109, «Бухарские дела», Кн. I, ч. I, Л. 109.

тижада олтинга булган муҳтожлик кучайиб борди. Шунинг учун Петр I уруш харажатларини қоплаш ва армияни таъминлаш мақсадида сенатга «Олтин давлатнинг қон томиридир», деб хат ёзиб, олтин-кумуш конларини қидириб топиш зарурлигини уқдириб утди. Худди шу вақтда, яъни 1713 йили Нафасхўжа исмли туркман Астраханга бориб, Амударёдан олтин қум олиниши ва утмиш замонларда унинг Каспий денгизига қуйилганлиги ҳақида рус ҳукуматига маълумот беради. Шу билан бирга, Амударёни Каспийга буриш мумкинлигини ва бу ишга туркманлар ёрдам беражакларини айтган. Айни замонда, Сибир генерал-губернатори Гагарин Шарқий Туркистоннинг Ёркент шаҳридан утадиган дарёда ҳам олтин қуми борлиги ҳақида Петр I га маълумот беради. Бундай хабарлар Петр I ни шошилтириб қўйди. У 1714 йили Сибир орқали Ёркентга ҳарбий юриш уюштириш ҳақида Сибир генерал-губернаторига фармон беради. Шунга биноан 1715 йили Бухгольц бошчилигида 1500 кишилиқ қўшин Ямишев қулига бориб қалъа қуради. У бу ердан Ёркентга юриши лозим эди. Бироқ, Шарқий Туркистонда ва атроф жойларда ҳукмронлик қилаётган қалмоқлар Ямишевда қалъа қурилишига қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Узоқ қамалдан сунг Бухгольц қалъани ташлаб Ум дарёси қирғоғига қайтади. Бу ерда у Сибир генерал-губернатори Гагариннинг буйруғи билан Омск қалъасини барпо этади. Шу тарзда Петр I нинг барча ҳаракатлари беҳуда кетади. Аммо у Хива хонлигини босиб олишга қаттиқ киришган эди. 1714 йилнинг 19 майида Петр I Хива хонлигини забт этиш ҳақидаги фармонни сенатга юборади.¹ 1716 йилнинг 14 февралда Петр I ҳарбий юришнинг бошлиғи қилиб тайинланган Бекович-Черкасский билан шахсан суҳбатлашиб, амалга оширилажак вазифаларни белгилаб беради. У бу ҳақда ҳукумат сенатига хабар бериб, диққат ва пухталиқ билан тайёргарлик куришни буюради.² Уша курсатилган куни давлат канцлери Г.Головкин ҳам Петр I фармонининг йўналишини сенатга махсус хат орқали тушунтирди. Бунда подшоҳ олий ҳазратлари Бекович-Черкасский бошчилигида Хива хонлигига қарши қўшин жунатишга қарор қилганлиги эслатилиб, Хива, Бухоро ва Ҳиндистон ҳукмдор

¹ ШГВИА, ф. ВУА. Д.35, л. 37.

² Уша жойда, уша бет.

лари номига Рус давлатининг расмий ёрлиқлари юборилажаги ҳамда у томонларга савдогарларнинг ҳам жунатилиши лозимлиги баён этилган.¹ Шахсан Петр I нинг қули билан ёзилган курсатмада Бекович-Черкасский зиммасига юклатилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Бир вақтлари Амударё Каспий денгизига қуйилган жойда 1000 кишилик ҳарбий истеҳком қурилсин. Амударё оқимини ва тўғонларини синчковлик билан урганиб, имкони бўлса, эски йўлига буриб юборилсин. Орол денгизига сувни йўналтирадиган тўғонлар бузилсин. Бу ишларни бажаришга қанча киши керак бўлиши аниқлансин.

2. Хива хонлигининг Рус давлати тобелигига ўгишига эришилсин ҳамда бизнинг манфаатларимизга хизмат қилиш шарти билан ҳарбий қисм қолдирилсин. Агар хон рози бўлса ва шароити кўтарса, ҳарбий қисмни узи таъминласин. Бордию бунга қила олмаса, ҳарбий қисмни бир йил давомида таъминлаш кафолати олинсин, кейинги йиллардаги харажатлар эса унинг зиммасига юклатилсин.

3. Агар Хива хони розилик билдирса, у вақтда ундан уз кишиларига икки русни қўшиб Сирдарё суви бўйлаб олтин борлигини аниқлаш учун Ёркентга жунатилсин. Шунингдек, савдогарларимизнинг Амударё бўйлаб Ҳиндистонга боришлари учун кемалар берилиши хондан сўралсин. Савдогарлар кетаётганларида қуруқлик ва сув йўлларини, дарё ва қўлларни, айниқса, Ҳиндистонга борадиган йўлни яхши ургансинлар ва маълумотлар туғласинлар. Агар савдогарлар Ҳиндистонда Каспий денгизига борадиган йўл борлигини эшитсалар, у вақтда шу йўл билан орқага қайтсинлар ва кўрганларини қоғозга туширсинлар.

4. Хива хонлигидан Бухоро хонлигининг Рус давлати тобелигига ўтишга хоҳиши бор-йўқлиги билинсин. Бордию бундай истак бўлмаса, дўстлик муносабатлари ўрнатишга эришилсин.

5. Курсатилган топшириқларни амалга ошириш учун 4000 кишидан иборат мунтазам қўшин ва кераклигича кемалар ажратилсин. Бундан ташқари, Ёйиқ казакларидан 1500, эшкакчилардан 500 ва отлиқлардан 100 киши берилсин. Улар савдо карвонларини муҳофаза қилиш ниқоби остида Астрахандан ҳарбий қалъа ва

¹ Уша жойда, 57-бет.

шаҳар қуриладиган жойга, яъни Каспийнинг шарқий қиргоғига юборилсин. Қўшин командирлари барча жойлардаги туб аҳолига нисбатан хушмуомалала бўлсинлар. Шаҳарни қуриш учун зарур бўлган бел ва чуқичлар берилсин.

6. Денгиз офицерларидан поручик Кожин ва навигаторлардан 5 еки купроқ киши ҳарбий қисмга қўшилсин. Кожин савдогар ниқобида иш юритиши, навигаторлар эса Ёркентга юборилиши лозим. Кулюмов ўқув юрти талабаларидан икки инженер олинсин. Кожин зиммасига борган жойидаги молларнинг турларини ва, умуман, савдо-сотиқни яхши урганиш юклатилсин. Унга савдогарлардан икки киши биркитилсин. Булар кекса бўлмасинлар.¹

Қурииб турибдики, Петр I Каспий денгизининг шарқий қирғоқларини ва Хива хонлигини ҳамда, иложи топилса, Бухоро хонлигини ҳам ўз таъсир доирасига тортишга киришган. Бу ҳол Рус давлати чегараларининг кенгайиши ва манфаатларини таъминлаши турган гап эди. Петр I кучли ҳарбий флотга эга бўлганлигини ҳисобга олиб Амударёни Каспийга буриб, сув йўли орқали Хива ва Бухоро хонликларига ҳамда Ҳиндистонгача боришни уйлаган. Аммо у Амударёнинг йўлини узгартириш ута қийинлигини ҳисобга олмай хомхаёл билан иш юритган.

1717 йилнинг 14 мартида Бекович-Черкасский Петр I фармонини амалга оширишга қаратилган талабларни ҳукумат сенатига қўйидаги тарзда маълум қилади:

1. Мунтазам қўшиндан 4000, драгунлардан (отлиқлардан) 1500, пиёда аскарлардан, офицерлари билан биргаликда, 2500, казаклардан 2000 кишини кийим-кечаклари, озиқ-овқатлари ва маошлари билан биргаликда берилсин.

2. Каспийнинг шарқий қиргоғига қуруқлик билан бориш учун белгиланган 2000 кишидан иборат аскарларга камида бир йилга етадиган озиқ-овқат, аравалар ва бошқа ашёлар ажратилсин. Шунингдек, Каспий денгизи қирғоғида ҳарбий қалъа қуриш учун жунатиладиган аскарларга тегишли озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни олиб боришга кемалар берилсин.

3. Савдогарлар ниқобида Сирдарё бўйлаб Ёркентга олтин қидиришга ва Амударё бўйлаб Ҳиндистонга борувчи кишиларга маблағ ажратилсин. Улар шу даража-

¹ Уша жойда, 58-бет.

да кўп ва яхши моллар билан таъминлансинларки, у жойларда ҳеч қандай шубҳа уйғотмасин.

4. Агар Хива хони 500 кишилиқ гвардияни сўраб қолса, у вақтда уларни бир йил муддат билан таъминлашга старли маош ажратилсин.

5. Хива, Бухоро ва Ҳиндистон ҳукмдорларига давлат ёрлиқлари тайёрлансин.

6. 24 тўпчи, 2 инженер, 3 шифокор ва кўп миқдорда дори-дармон берилсин.¹

Демак, Хива хонлигида қолдириладиган рус аскарларининг сони 500 киши ҳисобида белгиланган. Ҳиндистон ва Ёркентга борувчи кишилар аслида савдогарлар булмай, айғоқчилар эдилар. Уларга сиёсий ва иқтисодий маълумотларни қўлга киритиш топширилган. 1717 йилнинг 14 мартада ҳукумат сенати Бекович-Черкасскийнинг талабларини тула қондириш ҳақида қарор қабул қилади. Жумладан, Ҳиндистонга борувчи «савдогарлар»га Москва ва Астраханда турли моллар сотиб олишлари учун уша вақт учун салмоқли ҳисобланган 5000 сўм ажратилади. Ёркент шаҳрига 5 киши юбориш ва уларни маблағ билан таъминлаш ҳақида кўрсатма берилади.²

Ҳарбий қисми Қозон, Астрахан, Саратов, Дмитриев, Царицин, Красний Яр, Черний Яр, Самара ва Азов губернияларидан жамлаш буюрилди. Унинг умумий сони бир ҳужжатда 6344³, иккинчисида эса 6100⁴ киши кўрсатилган. Икки ҳолда ҳам у 6000 кишидан кам булмаган. Қўшин билан олиб кетиладиган тўплар учун 481 пуд порох, 1230 пуд қўроғошин ва бошқа нарсалар ажратилди⁵. Аскарлар ва офицерларнинг ичишлари учун 4000 челақ вино ва 597 челақ пиво бериладиган булди. Хуллас, ҳарбий қисм ипдан-нинагача тула таъминланиши, қанчадан-қанча яроғ-аслаҳалар ажратиши назарда тутилди.

Астрахан ва бошқа жойларда олиб борилаётган тайёргарликлар ҳақидаги овозалар Туркистон улкасига ҳам етиб келган эди. Чунончи, 1716 йили Астрахан орқали Россияга борган Хива хонлигининг элчиси уни ўз кўзи билан кўрган ва эшитган эди. У ватанига қайтгач, бу ҳақда хонга маълумот берган. Шундан кейин Шерғози-

¹ Уша жойда, 61-бет.

² Уша жойда, 64-бет.

³ Уша жойда, 177-бет.

⁴ Уша жойда, 99-бет.

⁵ Уша жойда, 177-бет.

хон уз қули остидаги ерларга ҳарбий тайёргарликни куриб, тахт булиб туришни буюрган.¹ Бскович-Черкасский бундан жуда ташвишланган, албатта. Шунинг учун у гуё Хива хонлигига дўстлик ва тинчлик элчиси сифатида бораётганлигини ишонтириш учун Иван Воронин ва Максим Святой деган уз кишиларини махсус хат билан Шерғозихон ҳузурига юборган. Бу рус элчилари Хивада даставвал қаттиқ назорат остида яшаган булсалар ҳам, лекин қасққадир кетган Шерғозихоннинг келиши билан уларга бир оз эркинлик берилган. Улар хонликда ҳарбий тайёргарлик курилаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, буни махфий хат орқали Бекович-Черкасскийга етказганлар.²

Хива хонлигида рус қушинларининг булажак тажовузига қарши тайёргарлик курилаётганлигини қалмоқ хони Аюқхон ҳам хабар қилган. У 1717 йилнинг 16 майида рус маъмуриятига ёзган хатида шундай деган: Менинг Хива хонлигига бориб келган одамим гувоҳлигига кўра, 2000 кишидан иборат хиваликлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар бирлашиб чегара жойларда туришибдилар. Улар йуллардаги қудуқларни кумганлар ҳамда жанг қилиш ниятидалар. Йулларда жазирама оқибатида утлар йуқ, тагин рус аскарлари оғир аҳволга тушиб қолмасинлар. Вазиятни батафсил тушунтириш учун Цухли Здеижин бошчилигида 7 кишини юбормоқдаман.³

Хуллас, ҳар икки тарафда ҳам келажакда кутилаётган узаро туқнашувга тайёргарлик олиб борилган. Манбаларга кўра, Бскович-Черкасский, биринчи навбатда, Амударёни Каспий денгизига буришга доир маълумотларни қўлга киритишга ҳаракат қилган. У 1715 йили Астрахандан Каспий бўйлаб туркманлар яшайдиган жойларга бориб Саидмамад, Салмон, Бегенч, Пулат Бахши, Манглай, Қашқа (манбада баъзи исмлар бузиб ёзилган) ва бошқа нуфузли кишилар билан Амударё хусусида суҳбатлашган.⁴ Туркман вакиллари утмишда Амударёнинг Каспийга қуйилганлигини тасдиқлаб, 20 чақирим масофадаги ер қазилса, уни эски йулига оқишиш мумкинлигини айтганлар. Бекович-Черкасский бу масалани аниқлаш учун биладиган одамни беришни сўраганида улар Нафасхужа деган туркманни тавсия этганлар.¹ У бу кишига Астрахан дворяни Иван Звонс-

¹ Уша жойда, 138-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 131—132-бетлар.

⁴ Уша жойда, 356-бет.

кий ва Николай Фёдоров деган кишиларни қушиб Амударёнинг эски узанини аниқлашни буюрган. Улар Нафасхужа бошчилигида йўлга чиқиб Хива хонлигига 17 кунлик масофадаги Қарағоч деган жойга келганлар. Бунинг атрофида баландлиги бир метру чорак, узунлиги беш чақирим, эни уч метр келадиган тепалик кузга ташланган. Нафасхужа мана шу тепалик олиниб, ариқ қазиб борилса, Амударёни Каспийга бурса булади деган фикрни айтган.²

Бекович-Черкасский қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир, Амударё ҳақида старли маълумот ололмади. У Петр I нинг ҳарбий истеҳкомлар қуриш ва шу йўл билан Каспий денгизининг шарқий қирғоқларида Рус давлатининг таъсирини урнатиш ҳақидаги курсатмасини адо этишга киришди. 1716 йилнинг 15 сентябрида 69 кемада Каспий денгизи бўйлаб Астрахандан 290 чақирим масофада жойлашган Тюккараган деган жойдан Манқишлоққа келади.³ Бекович-Черкасский бу ерда қушин билан ўрнашиб Святой Петр I номида ҳарбий истеҳком қурдиради. У бу ердан Кожин исмли киши бошчилигида Бухоро хонлигига элчи этиб тайинланган Петр Давидовни Астрободга жўнатади. Чунки бу ер орқали Бухорога бориш режалаштирилган эди.

1716 йилнинг 23 октябрида Бекович-Черкасский иккинчи ҳарбий қалъани қуриш учун икки полкдан иборат қушин билан Красноводскка йўл олади. Куп утмай бу ерга Эрон маъмурияти рухсат бермаганлиги учун Бухорога юборилган Кожин ва Петр Давидов қайтиб келадилар.⁴ Манбада Петр Давидов «Морской подпоручик» дейилган.⁵ Афтидан, бу элчига сув йўлларини ўрганиш ва шу ҳақда маълумотлар туплаш топширилган.

1717 йил 20 февралда Бекович-Черкасский Красноводскда қалъа қуришни йўлга қўйгандан кейин қуруқлик билан Астраханга қайтади. Бу ерда у Хивага қарши ҳарбий юришнинг охириги тайёргарликлари билан шуғулланади. Шу вақтда Хива хонлигининг кучқудрати анча ошиб Марвдан то Астрободгача булган ерлар (тоғ этаклари) бўйлаб Атрек, Гургон соҳилларида яшовчи форс ва туркманлар буйсундирилган эди.

1717 йилнинг баҳор кезларида Бекович-Черкасский

¹ Уша жойда, 356-бет

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 342-бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

⁵ Уша жойда, 347-бет.

қушиннинг бир қисмини қуруқ йўл бўйига, узи эса аскарлари билан кемада Каспий денгизи билан Гурьевга келади. Гурьевда 60 рус аскарлари балиқ ови билан шуғулланаётганларида қорақалпоқлар қўққисдан ҳужум қилиб, уларни асир олиб, отларини ҳайдаб кетганлар. Бекович-Черкасский дарҳол уларнинг орқасидан қувиб асирларни ва отларни қутқарган.¹

Бекович-Черкасскийнинг сўровига мувофиқ, қалмоқ хони Аюқхон Манғлай узига тегишли билимдон 10 кишини йўл курсатувчи сифатида юборган. Уларга юқорида номлари айтилган Нафасхужа ҳам кузатувчи тарзида қўйилган.

Бекович-Черкасский 3000 дан ортиқ қушин ва хизматчилар билан 1717 йил майнинг охири ёки июннинг бошларида Гурьевдан чиқиб, Хива томон юради. У билан бирга Астрахан татарларининг (70 кишилик) савдо қарвони ҳам йўлга отланади. Бекович-Черкасский Ёмба ирмоғини кечиб утиб, юқори қисми томон юриб икки кундан кейин Бағачат деган жойга қунади. Шундан кейин қушин Дучкон, Мансулмас, Чилдоп, Сан Дурали ва Янгисув сингари қудуқларни босиб утган. Бу вақтларда жазирама иссиқ барча утларни қовжиратиб юборганлиги туфайли қушиндаги от ва туяларни боқиш анча қийинлашган. Бекович-Черкасский узининг босқинчилик юришини ниқоблаш мақсадида Янгисувга келганда Михаил Коретовни тинчлик ва дўстлик элчиси сифатида бораётганлигини маълум қилиш учун Шерғозихон ҳузурига жўнатган.² Шундан кейин қушин йўлни давом эттириб Шершик қудуғи ва Қорақумобод ариғи орқали Оққўл ариғига келган. Қўп ўтмай Хива хони Шерғози номидан икки киши ва юқорида қайд этилган Коретовнинг бир одами Бекович-Черкасский ҳузурига келганлар.³ Хива элчилари хон номидан от, тўн ва моллардан иборат совғаларни Бекович-Черкасскийга топширган.⁴ Шу тарзда Шерғозихон душманнинг ёвуз ниятини яхши билса-да, лекин сир бой бермай иш юритади.

Бекович-Черкасский Хива элчиларига ўзининг элчи сифатида келаётганини тақрорлайди. Рус қушини Оқ-

¹ Уша жойда, 317-бет.

² Уша жойда, 306-бет.

³ Уша жойда, 304-бет.

⁴ Отлари толиқиб қолганлиги туфайли Янгисувда 100 кишилик рус аскарлари қолдирилганди. Оққўлда туялар топилиб уларга юборилади. Шундан кейин улар ҳам Оққўлга келганлар. Афғидан, туялар туркманлар ёки қозоқлардан сотиб олинган.



Княз Бекович-Черкасскийнинг саҳродаги ҳарбий қуналгаси.

қулдан чиқиб Қораогоч деган ариқ буйига қунади. Бу манзилдан Хивагача 4 кунлик йул қолган эди. Бундан хабар топган Хива қушинлари рус аскарларига ҳужум қиладилар. Воқеа гувоҳларининг сўзига қура, ватан ҳимоячилари олов ёқиб отиладиган оддий милтиқ, яъни пилтали милтиқ, қилич, найза, ойболта, ўқ-ёй ва бошқа оддий қурол-аслаҳалар билан қуролланган эдилар. Русларда эса туп, милтиқ ва бошқа такомиллашган қуроллар бор эди. Манбаларда Хива қушинининг сони турлича, яъни 100 минг ёки 60 минг киши деб курсатилган.¹ Жанг уч кун давом этгач, туртинчи кун Хива хони Шерғозихон Эшонхужа исмли элчисини юбориб яраш таклиф этди. Элчи Бекович-Черкасскийга шундай деди: Хиваликлар узбошимчалик билан рус аскарларига ҳужум қилганлар, хон билмай қолган. Хоннинг сурови шундан иборатки, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келган бўлса, у бунга бизни ишонтирсин.²

Шунда Бекович-Черкасский: Мен рус императори Петр I номидан ёрлиқ ва оғзаки топшириқлар билан элчи сифатида келдим, деган. У астраханлик татар Олтин Ҳусайнов деган кишисини Эшонхужа билан бирга Шерғозихон ҳузурига юқоридаги гапларни етказиш учун юборди. Олтин Ҳусайновни Шерғози эмас, балки лаш-

¹ ЦГВИА, ф.ВУА, Д.35, л. 307.

² Уша жойда, уша бст.

карбоши Қулунбой қабул қилиб унга айтганки, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келган бўлса, у вақтда хон ҳузурига узи келсин. У бу сузларни Эшонхужа билан орқага қайтиб Бекович-Черкасскийга етказган.¹

Хиваликлар агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келган бўлса, у вақтда буни узи уртага чиқиб айтсин ёки урушадиган бўлса жангга тушсин, деб бақаришган.² Бунга жавобан Бекович-Черкасский хиваликлар узоқроқ жойга тислансалар ва Шерғозихоннинг узи келса, уртага чиқиши мумкинлигини билдирган. Яна у олдинги жангга руслардан 6 киши улдирилганлигини айтиб ишончсизлик билдирган.³ Бошқа ҳужжатда улганларнинг сони 10 киши дейилган.⁴ Бекович-Черкасскийнинг буйруғи билан икки кун давомида ватан ҳимоячиларига қарши тўп ва милтиқлардан уқлар узилади. Шундан кейингина хиваликлар бир чақирим орқага чекинадилар.

Шу тахлитда, ватан ҳимоячилари билан рус қўшинлари ўртасида икки маротаба қонли тўқнашув содир булади. Афсуски, бу жанглар ҳақида ҳозирча маҳаллий манбаларда маълумотлар топилганича йўқ. Улар кўпроқ рус архивларида сақланган. Булар асосан Бекович-Черкасскийнинг ҳарбий юришида бевосита қатнашган туркман Нафасхужа, Олтин Ҳусайнов, Ёйиқ казаги Федор Емельянов, Михаил Спиридонов, Уразмат Аҳметов сингари кишиларнинг хотираларидан иборат. Уларнинг курсатишича, айтилган жангдан кейин уша хивалик Эшонхужа яна келиб оролликлар ва туркманлар хоннинг рухсатисиз ўзларича ҳужум қилганликларини баён этиб, ҳеч нарсадан хавфсирамай хон олдига боришга чорлаган.⁵

Бекович-Черкасский бунга жавобан астраханлик татар Исмоил Мирза ва Худойқул Мирзани Шерғозигон ҳузурига юбориб, Рус давлатининг элчиси эканлигини ва қорақалпоқлар ҳужумларидан сақланиш учун қўшин билан келганлигини билдирган.⁶

Бир оз вақтдан кейин рус элчилари хоннинг лашкарбошиси Қулунбек ва Назархожа исмли киши билан

¹ Уша жойда, 308-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 310-бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

⁵ Уша жойда, 311-бет.

⁶ Уша жойда, уша бет.

бирга келган. Шундан сунг ҳар икки томон бир-бирларига ҳужум қилмасликка ваъда бердилар. Шерғозихон Эшонхужани юбориб Бекович-Черкасскийни уз ҳузурига таклиф этди. Бекович-Черкасский бунга розилик билдириб княз Михаил Замонов, бригада комиссари Григорий Волков, 700 аскар ва бошқа бир неча кишилар билан хон ҳузурига йўл олди. Қўшинга унинг орқасидан юриш буюрилди.¹ Кейин воқеа қай тарзда борганлигини жонли гувоҳ Олтин Ҳусаинов шундай таърифлайди: «Бекович-Черкасский ва Михаил Замонов Шерғозихон урнашган чодирга киритилди. У Петр I олий ҳазратларининг ёрлигини, ясантирилган от, мовут, 5 газдан газламалар, калақанд, кумуш идишлардан иборат совғаларни хонга топширди. Улар чодирда икки соат суҳбатлашдилар. Уз навбатида хон ҳам Бекович-Черкасскийга безатилган энг яхши от ҳадя қилди. Сунгра Бекович-Черкасский унинг учун белгиланган чодирга кириб урнашди. Куп утмай хон олган совғаларни, хусусан газламаларни чириганлиги учун Бекович-Черкасскийга қайтариб юборган. Бу Бекович-Черкасскийни шу даражада хижолатга ва ҳаяжонга солганки, кузларида ёш билан «Нима учун шундай қилдинг?» — деб Михаил Замоновни қоралаган. Бунга Замонов: «Мабодо орқага қайтишимизга тўғри келса, бир кунимизга ярар, деб қилдим», деб жавоб берган. Кейинги кун Шерғозихон ва Бекович-Черкасский биргаликда Хива томонга йўл олдилар. Кечқурун улар 4 соат мобайнида суҳбатлашдилар ва овқатландилар. Сунгра йўл давом эттирилиб, Хива қўшини Бекович-Черкасский орқасидан келаётган рус аскарларини унга яқинлаштирамади. Хивага икки кунлик йўл қолганда Порсунгул деган дарёга келдилар. Рус аскарлари бу ердан икки чақирим нарида тухтадилар. Эрталаб Шерғозихон Бекович-Черкасский ҳузурига тўрт узбекни юбориб рус қўшинларининг барчасини Хивага жойлаштириш ва таъминлашнинг имкони йўқлигини ва уларни беш булакка тақсимлаб, турли шаҳарларга урнаштиришни таклиф қилди. Бекович-Черкасскийга эса, уз ёнидаги 700 кишини ҳам тарқатиб, 200 одам билан қолишни таклиф этди. Бу суровлар қабул қилиниб беш қисмга ажратилган рус аскарлари хон амалдорларининг кузатувида беш тарафга олиб кетилди. Шундан кейин, — деб сўзини давом эттиради Олтин Ҳусаинов, — Шерғози-

¹ Уша жойда, 339-бет.

хон буйруғи билан княз Михаил Замонов, астраханлик дворян Кирьяк Экономов, сунгра Бекович-Черкасский ечинтирилиб, бошлари қиличдан утказилди. Бу воқеа 1717 йил 29 августда содир булди. Рус аскарлари ҳам йулларда қириб ташланди, бир қисмигина асирликка олиниб қулга айланттирилди. Юқоридаги уч кишининг бошлари Хивадаги бозорда осиб қуйилиб халққа намойиш этилди.

Шу тарзда, Шерғозихоннинг (1714—1728) ута эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан юритган сиёсати бир неча баробар куп кучга ва яроғ-аслаҳага эга булган уч минг кишилик рус қушинини мағлубиятга учратди.¹ Ватан ҳимоячилари туп, милтик, қилич ва бошқа яроғ-аслаҳаларни улжа олдилар. Шерғозихон уз ғалабасини намойиш этиш учун Бекович-Черкасский калласининг терисини шилиб ва ичига сомон тиқиб Бухоро хонига жунатди. Аммо бу ерда хон Россия билан алоқасининг ёмонлашишидан қурқиб «совға»ни нафрат билан қарши олди ва дарҳол қайтариб юборди.² Шунингдек, Шерғозихон рус асирларидан 6 кишини Бухоро хонига ва 10 кишини қалмоқ хонига «совға» сифатида жунатган.

Бекович-Черкасскийнинг тор-мор этилиши бутун Россияни ларзага солган, десак муболаға булмайди. Чунки бу нохуш хабарни биринчи навбатда Пётр I қаттиқ ҳаяжон ва алам билан қарши олди. Овруподаги энг йирик ва қудратли Россия империясининг кичик бир хонликдан снгилиши жаҳон даврасида Пётр I ни ноқулай аҳволга солиб қуйган эди.

Гарчанд, Шерғозихон катта зафарни қулга киритган булса-да, лекин Рус давлатининг уч олишини уйлаб хавотирликда юрди. У Рус давлати билан дипломатик ва савдо алоқаларини тиклаш йулларини қидирди. Чунончи, 1720 йили Увайс Муҳаммадни элчи сифатида Россияга юборди. Бу элчи олиб борган ёрликда хонликнинг Эрон билан уруш олиб бораётганлиги хабар қилиниб, Бекович-Черкасский муносабати билан узилиб қолган алоқаларни тиклаш зарурлиги Пётр I га маълум қилинган. Шу билан бирга, Бекович-Черкасский куп сонли қушин билан келиб хонликни босиб олмоқчи булганлиги учун унинг қушинларига зарба бе-

¹ Бу вақтларда Хива хонлигининг Эрон билан алоқаси кескин тус олган. Шунинг учун ҳам Эрон шоҳи Бекович-Черкасскийга ердан бериш учун Астро-бодда 60 минг аскар тайёрлаган. Аммо Бекович-Черкасскийдан ҳеч қандай суров булмаганлигидан унинг нияти амалга ошмаган.

² ЦГВИА. ф. ВУА, д. 18250, л. 1.

рилганлиги уқтириб утилган.¹ Гарчи, Шергозихон уз ватанига бостириб кирган босқинчини тор-мор этиб, халқ олдидаги муқаддас бурчини бажарган ҳамда яхши ният билан Россияга элчи юборган булса-да, Петр I нинг алами ва нафрати шу даражада кучли булганки, у дипломатиянинг оддий қонун-қоидаларини онгли равишда бузади. Чунончи, уша Хива элчисини 5 ҳамроҳи билан Астрахандан соқчиларнинг қаттиқ назорати остида Петербургда келтириб Петропавловск қамоқхонасига ташлайди.²

Бундай шармандали иш дипломатия тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Кейин Увайс Муҳаммад ташқи ишлар коллегиясига чақирилиб суҳбат утказилган. Элчи суҳбатда Хива хони савдони тиклашни сураганлигини маълум қилган. Коллегия бошлиқлари Тюкқараган қалъасини қуриш учун юборилган Бекович-Черкасскийнинг улдирилишини қоралаганлар. Коллегида Бекович-Черкасскийнинг хуни учун элчини улдириш лозим, дейилганда, элчи «Бу сизнинг ишингиз», — деб мардонавор жавоб берган.³ Элчи Увайс Муҳаммад 1721 йилнинг 10 мартада қамоқхонада вафот этган. Шубҳасиз, у қасос олиш мақсадида ҳукумат томонидан улдирилган. Унинг ҳамроҳларидан бири Кучак номли кишигина рус ҳукуматининг рус асирларини озод қилиш ҳақидаги хатини Хивага жунатган.⁴ Қолган уч хивалик 1724 йили қамоқхонада уч йил этгандан кейин каторгага ҳукм этилган.

Шергозихон Рус давлатининг элчига нисбатан ғайриқонуний муносабатига қарамай алоқани тиклашдан воз кечмайди. У 1721 йилнинг бошида Бухорога рус элчиси Ф.Беневени келганлигини эшитиб, уни Хивага таклиф қилади ва бу ерда зур ҳурмат билан қабул этилажagini билдиради. Ҳақиқатан ҳам Ф. Беневени Хивада ҳурмат билан кутиб олинди. Қабул маросимида Шергозихон Россия билан савдо алоқаларини тиклашни ва душманликдан фойда йўқлигини Ф. Беневенига айтган. Бекович-Черкасский воқеасига тўхталиб, у элчи тарзида эмас, балки кўп аскарлар билан Хива хонлигини босиб олиш учун келганини баён этди. Шергозихон

¹ Архив внешней политики России, ф. Сношения России с Хивой, д. 1, л. 85.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 86-бет.

⁴ Уша жойда, 88-бет.

рус элчиси билан бирга Субҳонқули номли кишисини элчи сифатида Россияга юборган. Аммо Хива элчиси 1725 йили Петр I улгандан кейин Петербургга етиб борди.¹ Бу ерда у Шерғозихоннинг савдо алоқаларини тиклаш ҳақидаги ёрлигини рус ҳукуматига топширди. Натижада Хива хонлиги билан Рус давлати уртасида савдо алоқаларини тиклаш туғрисида қарор қабул қилинди.² Қарорда хонлик билан алоқанинг узилиши оқибатида Каспий — Волга йулидаги савдога путур етганлиги ва бож йиғишнинг камайиб кетганлиги курсатилиб, савдони қайта йулга қуйиш зарурлиги уқтирилган.³ рус подшоҳи икки давлат уртасида савдо алоқасининг тикланиши муносабати билан Туркистон улкасига махсус савдо карвонларини юбориш туғрисида фармон чиқарди. Карвонбоши лавозимида Астраханда яшовчи самарқандлик узбек савдогари Ёдгор Олимов тайинланди.

Олдинги саҳифаларда Бухоро хони Абулфайзхоннинг Бекович-Черкасскийнинг улдирилишига қарши қаратилган нафрати ёзилган эди. У бу билан чегараланмай Ф. Беневени орқали Петр I номига хат юбориб узаро элчилик ва савдо алоқаларини кучайтириш таклифи билан бирга Шерғозихоннинг Бекович-Черкасскийга нисбатан шафқатсиз муносабатини қоралаган. Ҳатто у Хива хонлигига қарши қушин юборганлигини билдирган.⁴ Хуллас, Абулфайзхон Рус давлатининг Хива хонлиги билан алоқасини ёмонлаштиришга уриниб, узининг унга дустлигини курсатишга ҳаракат қилган. Устига-устак, Абулфайзхон тобора кучайиб бораётган Хива хонлигининг ички ишларига аралашиб, ороликларни Шерғозихонга қарши бош кутартиради. Ороликлар унинг урнига Бухорода яшовчи шаҳзода Темур Султонни тахтга ўтқазиш учун интилдилар.

Бекович-Черкасскийнинг мағлубияти Петр I нинг Каспий денгизининг шарқий қирғоқларини эгаллашга қаратилган ҳаракатларига ҳам зарба берди. Архив ҳужжатларига кўра, Тюрқараган ва Красноводскдаги ҳарбий истехкомларда шароитнинг огирлиги сабабли Бекович-Черкасский қолдирган аскарларнинг кўпчилиги дардга чалинган ёки ўлган.⁵ Туркман қабилалари қалъаларга ҳужум қилиб, ўнлаб рус аскарларини асирликка

¹ Уша жойда, 3-бет.

² Уша жойда, 26-бет.

³ Уша жойда, 98-бет.

⁴ Уша жойда, 18250-иш, 1-бет.

⁵ Уша жойда, 35-иш, 141-бет.

олганлар. Улар орасида улдирилганлар ҳам булган. Ҳатто Хива хони бу ерга ҳужум қилармиш, деган овозалар тарқалган. Петр I улимидан кейин қалъаларга эътибор пасайиб кетган. 1717 йил охирида қолган оз сонли рус аскарлари қалъаларни ташлаб Астраханга қайтишга мажбур бўдилар. Туркистон улкасини Рус давлатининг таркибига киритишга қаттиқ бел боғлаган Петр I Бекович-Черкасскийнинг тор-мор этилишидан шу даражада аламга тўлганки, ҳатто ўлим тушагида ётганида ҳам Хива хонлигидан «қонга — қон» тарзида хун олинишини васият қилган.¹ рус шоири А.С. Пушкин сўзича, «Петр I икки армон билан кетди: бири — Прут соҳилидаги мағлубият учун Туркиядан, иккинчиси — Бековичнинг қатли учун Хивадан уч ололмагани эди».

Петр I Каспий қирғоқларини Эрондан урушиб олгандан кейин «улуғдавлатчилик» туйғулари янада жўш уриб, шундай деган экан: «Астрободдан Балхга ва Бадахшонга фақат 12 кунлик йўлдир. Бухоро барча Шарқ савдосининг марказидир. У томонларга борадиган йўлларга ҳеч ким тусиқ була олмайди». Бинобарин, у Эрон орқали ҳам Туркистонни уз таъсир доирасига олишни режалаштирган. Петр I нинг энг яқин одамларидан бири Волинскийнинг эсдалигига кура, Петр I фақат Эронни эмас, балки то Ҳиндистон ва Хитойгача булган ерларни ҳам уз қулига киритиш ниятида булган. Унинг таъкидлашича, Петр I тирик булганда бу ишларнинг амалга оширилиши турган гап эди.

Хуллас, Хива хонлиги томонидан Бекович-Черкасскийнинг тор-мор этилиши Рус давлатининг босқинчилик сиёсатига қаттиқ зарба бўлди. Ана шу улуғ воқеадан кейин рус ҳукумати узоқ вақтларгача Туркистон улкасига ҳарбий юриш уюштиришни лозим кўрмади. Бироқ унга зимдан ва аста-сскин тайёргарлик ишларини амалга ошириб борди.

ҚОЗОҒИСТОНДА РУС ҲУКМРОНЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

Афтидан, Петр I Каспий денгизи ва Устюрт орқали Хива хонлиги ва, умуман, ўзбек хонлиқларини эгаллашнинг мушкуллигини англаган бўлса керакки, Россиянинг биринчи навбатда Қозоғистон ерларида эгаллигини таъминлашга даъват этган. «Шарқ билан алоқада,

¹ Уша жойда, 18250-нчи, 1-бет.

— деган у, — Қозоғистон тасарруфи калит ва дарвозадир. Шунинг учун миллионлаб пул сарфланса ҳам Қозоғистонни буйсундириш еки, ҳеч булмаса, у ерда Россия таъсирини урнатиш зарур». Петр I нинг бу орзуси улимидан куп утмай, замон тақозосига кура, жуда осонликча амалга ошиб борди. Чунончи, XVIII асрнинг биринчи чорагида ва кейинги йилларда қозоқ султонларининг узаро урушлари, айниқса, қалмоқларнинг тажовузлари аҳволнинг гоятда ёмонлашишига олиб келди. Шу боис қозоқларнинг айрим юқори табақа вакиллари Рус давлати тобелигига утишга ва бу билан узларининг ҳокимияти хавфсизлигини таъминлашга қаттиқ интилдилар.

1730 йилнинг 30 сентябрида Абулхайрхоннинг Саидкул Қайдагулов ва Қутлумбет Қашқаев бошчилигидаги элчилари Уфага келиб рус маъмуриятига Урта ва Кичик Жуз қозоқларини Рус давлати тобелигига олиш ҳақидаги суровини топширди. Рус ҳукумати буни бажонидил қабул қилиб, шуни таъкидлаб ўтдики, қозоқларнинг тобеликка олиниши Хива хонлиги ва бошқа жойларнинг буйсундирилишини осонлаштириш ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланишида муҳим урин эгаллаши уқдириб утилди.¹

1731 йилнинг 19 феввалида император Анна Ивановна Кичик Жуз қозоқларининг ихтиёрий равишда Рус давлати тобелигига утказилиши ҳақидаги ерликка имзо чекди. 1739—1740 йилларда Урта Жуз қозоқлари ҳам Рус давлати тобелигига утди. Бу пайтларда Хива хонлигида тахт учун курашлар шу даражада қизиб фожели оқибатларга олиб келдики, пировардида, ўзбеклардан хонликка номзод топилмай қозоқ султонларидан бири булмиш Элбарс (1728—1740) тахтга утқазилди. Абулхайрхон бундан фойдаланмоқчи булиб Хива хонлигини ҳам Рус давлати тобелигига утказишга киришди. Бунга эришмоқ учун уз ўгли Нуралихонни Элбарс ҳузурига юборди. Аммо хонликдаги Россияга қарши кучлар бунга йул қуймадилар. Хива қушинлари Элбарс бошчилигида Хуросонга қилган тажовузига жавобан Эрон шоҳи Хивага қарши отланди. Хонқада Эрон аскарлари қамалга олинган Элбарсни улдириб ғалабага эришдилар. Бу ерда уруш кетаётганда юқори табақа вакиллари Абулхайрхон ўгли Нуралини келтиришиб хон-

¹ Книга Азиатского департамента, № 21. л. 76. — «Красный Архив», 1938. т. 2 (87), стр. 134.

лик тахтига утқаздилар. Шубҳасиз, Нуралихон Эрон шоҳи Нодир бостириб кирмаганда хонликни Рус давлати тобелигига утказишга яна ҳаракат қилиши турган гап эди. У Нодиршоҳнинг келаётганлигини эшитиб Хивадан қочишга улгурди.

Шу тариқа, Рус давлати қозоқ жузларининг орасида салмоқли уринни эгаллаган Абулхайрхоннинг ташаббуси ва ҳаракатлари натижасида Кичик ва Урта Жузларда ўз ҳукмронлигини урнатишга муваффақ бўлди. Бу ҳол Рус давлатига нодир табиий бойликлар, бепоеън ерлар, карвон йуллари ва бошқа кўп даромад манбаларини қўлга киритиш имконини берди. У жойларда рус шаҳарлари ва бошқа тураржойлар, саноат корхоналари қад кўтарди, турли конлар очилди. Булар Рус давлатининг ҳар жиҳатдан қудратининг ошиб боришини таъминлади.

Шу жиҳатдан Оренбург шахрининг барпо этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

XVIII асрнинг 30-йилларида Қозоғистон ерларини узлаштириш ва савдони ривожлантириш учун Ёйиқ дарёсига қўйиладиган Ор дарёси бўйида ҳарбий қалъа қуришга киришилди. 1734 йилнинг баҳорида ҳукуматнинг К. Криллов бошчилигида Оренбург экспедицияси ташкил топди. Крилловга ҳарбий қалъа қуриш билан бирга ўзбек хонликлари билан алоқаларни ривожлантириш ҳамда ўзбек савдогарларига имтиёзлар бериш сингари вазифалар юклатилди. Хуллас, рус ҳукумати Оренбург шахрини Туркистон ўлкаси билан сиёсий ҳамда иқтисодий алоқалар кўприги сифатида бунёд этди. Ҳукумат курсатмасида Тошкент, Туркистон, Хужанд, Хива ва Бухоро билан алоқани юксак даражага кўтаришга алоҳида аҳамият берилган эди.¹

Биринчи навбатда, у ердан Бухорога савдо карвони юбориш режалаштирилди.² Ҳатто узбекларга Оренбургда доимий яшаш учун рухсат ҳам берилди.³

1735 йилнинг 15 августида Оренбургга пойдевор қўйилди. Бу воқеада тошкентлик савдогарлар ҳам қатнашгани маълум.⁴

Оренбургнинг табиий шароити ноқулайлиги туфайли уни Красная Гора деган жойга кучиришга қарор қилинди. Бу иш 1739—1741 йиллари амалга оширилди.

¹ ЦГАДА. ф. 19. Финансы, д. 5, л. 4.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда. 77-бет.

Шунингдек, Оренбург атофларида Губерлин, Озер, Бузулук, Барс, Красно-Самарск, Тобин, Чебаркул, Красно-Уфим, Қалмоқ борди, Среднати, Берд, Крилов, Қоровул, Верхний, Сорочий, Троицкий, Воздвиженский, Илецк, Ёйиқ ва Троицк каби қалғалар пайдо бўлди.

1744 йилга келиб Оренбург губернияси ташкил топиб Кама дарёси, Каспий денгизи, Ғарбий Сибир ва қозоқ даштлари уртасидаги бепоён ерларни қамради. Бу жойларда қурилган шаҳарлар ва ҳарбий истеҳкомлар кейинчалик Туркистоннинг босиб олинишида муҳим таянч бўлди. Айни бир пайтда Оренбург Россиянинг Туркистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий алоқаларининг ривожланишида муҳим марказлардан бири ҳисобланди. Рус давлати фақат Ёйиқ эмас, балки Сибир томонидан ҳам Қозогистонда уз мавқеини мустаҳкамлайдиган ва ҳарбий юришларни уюштиришни таъминлайдиган таянч нуқталари бунёд этди. Масалан, Омск (1715), Железинск, Петропавловск, Семипалатинск (1718), Устькаменогорск (1720) ва бошқа қалғалар, шаҳарлар қурилди. Жами 60 дан ортиқ катта-кичик ҳарбий истеҳкомлар юзага келди. Хуллас, Рус давлати вақт утиши билан Қозогистонда уз мавқеини тобора мустаҳкамлаб, ўзбек хонликлариға хавф тугдириб турди.

1839 ЙИЛ. ХИВА ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ТАЖОВУЗ

Бу даврга келиб Рус давлатининг ҳукмрон доиралари орасида ўзбек хонликларини босиб олиш ҳаракатлари кучайган эди. Чунончи, 1835 йили Оренбург генерал-губернатори В.А. Перовский император Николай I га махсус хат билан мурожаат этиб, унда Хива хонлигиға қарши нафрат уйғотишға қаттиқ уринди. У Хива хонлари узоқ вақтлардан буён Рус давлатиға душманчилик қилиб келаётганлигини, гуё улар савдо қарвонларини талаётганликлари, рус асирларига шафқатсиз, ёввойиларча муносабатда булинаётганлигини кўпиртириб таърифлади; хиваликларни маданиятсизлик, қоқоқлик, ҳатто ваҳшийликда айблади. Ҳатто у Бекович-Черкасскийнинг қийнаб улдирилганлигини ҳам эслатиб ўтди. Шу тарзда генерал Перовский қандай бўлмасин, императордан Хива хонлигиға қарши ҳарбий юришға рухсат олиш учун ҳеч нарсадан қайтмади. У уз хатини қуйидагича тугаллаган: «Франция Жазоирни урушиб олиш учун миллионлаб пул сарфлади, лекин харажат-

ларини доимий равишда бир неча марта купайтириб қоплаб турадиган мамлакатга эга бўлди. Россиянинг Хива хонлигини босиб олиши эса уша харажатларнинг ундан бирига ҳам етмайди. Аммо урушиб олинса, Урта Осиё бизнинг маданиятимиз, савдо ва саноатимиз, бошқарув тизимимиз киришидан тараққиётга эришиб, асрлар мобайнида давом этиб келаётган зулм ва азоб-уқубатлардан халос бўлади».¹ Бинобарин, рус ҳарбий саркардаси Хива хонлигини эгаллаш катта бойлик келтиришига эътиборни қаратаркан, Россия гуё тараққийпарварлик вазифасини бажаражагини писанда қилади. Бу босқинчиликни ниқоблаш учун ёзилган гап эди, албатта.

1837 йили рус императори Николай I (1825—1855) Хива хонлигини босиб олиш ҳақида В.А. Перовскийга фармон берди. Шунга мувофиқ бу генерал рус императорига 4000 кишилик аскар ва 12 туп ажратишни тавсия этди. Юришга сарфланадиган маблағ ҳажми 1.698 минг қоғоз пул ва 575 минг кумуш сўм миқдоридан бўлиши кўрсатилди. 1839 йили 4250 аскар, 18 туп, 2090 кишидан иборат қўшин жамланди. Сўнгра, уша йилнинг 14 ноябрида Хивага қарши йўлга чиқилди. Генерал Перовский бошчилигидаги қўшин 19 декабрда Эмба қалъасига урнашди. Шу орада қаттиқ совуқ ва бўрон туриши рус аскарларини оғир аҳволга солиб қўйди. Ҳатто улар орасида улганлар бўлди. Туя ва отларни боқиб қийинлашиб, бирин-кетин ула бошладилар. Рус қўшинларининг келаётганлигидан хабар топган Хива хони Оллоқулихон уларга қарши аскарларини юборди. Булар йўлда Бухорога элчи сифатида кетаётган русларни, хусусан капитан Ковалевский ва штабс-капитан Григрасни асир олдилар. Аммо асирлар қочиб қутулишга эришдилар. Бу вақтларда генерал Перовский қўшинининг бир гуруҳи олдинроқ келиб Чучқақул деган жойга урнашиб олган эди. Бу воқеа маҳаллий манбада шундай таърифланган: русларнинг Чучқақулга келиб қалъа қуришдан мақсади Хива хонлигини босиб олишга тайёргарлик кўриш эди. Оллоқулихон бундан хабар топиб Отамурод қўшбегини 18 сардор ва 8 минг киши билан уша жойга жўнатди. Хива қўшини пойтахтдан чиқиб Урганч, Қизилгунбад деган жойлар орқали қозоқ йўлларига ўтдилар. Сўнгра, улар «Ёмон минг йилқи» деган жойга келишганда сардорлардан бири — Му-

¹ ЦГВИА, ф. ВУА, д. 18250, л. 8.



Рус аскари қишки юриш кийимида.

ҳаммад ясовулбоши вафот этди. Унинг мурдаси Хивага юборилди. Шундан кейин Хива қушинлари бир неча манзил йул юриб Чучқакулга келишди. Сунгра, душманга ҳужум қилинди. Асирликка олинган бир рус кишиси куп сонли рус қушинларининг эрта-индин бу ерга етиб келишини, қалъада яроғ-аслаҳа куплиги ҳақида маълумот берган. Шунга қарамай ватан ҳимоячи-

лари русларга қарши ҳужум бошладилар. Аммо об-ҳаво айниб, қаттиқ совуқ ва бұрон кўтарилиши ҳамда қалин қор ёғиши жангни давом эттиришга йўл бермади. Жангда ватан ҳимоячиларидан 4 киши ҳалок бўлиб, 5 киши жароҳатланди. Об-ҳавонинг ёмонлиги урушни давом эттиришга йўл қўймади, аскарлар Хивага қайтдилар.¹

Бу воқеадан кейин Чучқакулга етиб келган генерал Перовский қўшини ҳам қаттиқ совуқ ва бұрон остида қолиб одамлар бирин-кетин ўла бошлади. От ва туяларни боқиш жуда қийинлашди. Қўшин орасида турли касалликлар кўпайди. Об-ҳавонинг ўта ноқулайлиги ва оғир шароит йўлни давом эттиришга йўл қўймади. Шу боис генерал Перовский 1840 йил февраль ойининг бошларида қўшинни Оренбургга қайтаришга мажбур бўлди. Бу муваффақиятсизлик катта талофат ва йўқотишларга олиб келди. Чунончи, 1054 киши ҳалок бўлди, 10000 туя ва 8000 от йўқотилди. Юзлаб одамлар ҳалок бўлди, жароҳатланди ёки оғир дардга чалинди. Кўп руслар йўлларда адашиб ёки толиқишдан юра олмай хиваликлар томонидан асир олинди.

1839 йилги ҳарбий юришда давлат хазинасидан 1.700 минг сўм беҳудуга кетди. Бундан ташқари, унда 23 минг от қўшилган 7500 арава бор эди. Уларнинг таннари 2 млн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, туя сотиб олиш учун 1 млн. сўм сарфланган.² Бу ерда кўп аскарлар ва бошқа кишиларнинг ҳалок бўлганлигини ҳамда озиқ-овқат, кийим-кечак сарфланганлигини ҳисобга олсак, кўрилган зиён ниҳоятда катта бўлгани маълум бўлади. Шу сабабли ҳам рус императори Николай I генерал Перовскийнинг қўшиннинг орқага қайтарилиши ҳақидаги рапортига: «Афсус, жуда афсус, лекин, начора, худо-таолонинг хоҳишига бўйсунмасликнинг ҳеч иложи йўқ», — деб имзо чеккан.³

Хива тарихчиси Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг кўрсатишича, ўша 1840 йили Ҳиндистондан Ҳайбат Соҳибий отлик деган кимса Англия ҳукумати номидан элчи сифатида келиб қўйидаги мазмундаги номани хонга берган: «Кўп замонлардан бери руслар сиз тарафга ҳаракат этиб вилоятингизни эгалламоқ ниятидир. Уларнинг мақсади Мовароуннаҳрни, Хоразмни;

¹ Муҳаммад Юсуф Баёний. «Шажарайи хоразмшоҳий». УзФА Шарқшунослик институтининг қўлзмаляр фонди, инв. № 9596, 301-бет.

² ЦГВИА, ф. ВУА, д. 1174, л. 130.

³ Уша жойда, ўша бет.

Хуросонни эгаллаб Сеистон усти билан Ҳиндистонга утишдир. Русия бир улуғ ҳукумат ва подшоҳликдирки, унинг лашкари саноқсиз ва яроғ-аслаҳаси жуда кучдир. Унинг озгина лашкарига ҳам қарши турарлик кучингиз йўқдир. Гап шуки, яна 50 йилдан кейин (руслар) сизларнинг ерларингизга эга булар. Агар вилоятингизнинг мудом қўлингизда туришини ва ҳеч кимнинг унга тажовуз этмаслигини хоҳласангиз, уни бизга беринг. Хоразм Англия қўл остида деган сўз сизларни хавф-хатардан холи этади. Бизнинг мақсадимиз нафсониятдан бўлмай, дўстликдандир ҳамда русларнинг Ҳиндистонгача йўлини тўсишдир. Биздан сизга фойда етар, асло зарар етмас. Хоҳиш-истагингизни ёздириб, шартнома тузинглар, бизлар эса қабул қиламиз». Бунга жавобан хон шундай деган: «Ҳозир руслар устимизга бостириб келганича йўқ. 50 йилгача ким бору, ким йўқ, биз 50 йилдан кейин келадиган ишни деб юртимизни қўлимиздан ҳеч кимга бермаймиз. Биздан кейинги авлодлар нимани хоҳласалар, шуни қилсинлар».¹ Бу жавоб элчини қониқтирмай шундай деган: «Таклифимизни қабул қилганларингизда куп фойда берарди, вақти келиб пушаймон булишнинг фойдаси йўқдир».² Шундан кейин элчи уз мақсадига эриша олмай юртига қайтган.

Менинг фикримча, Оллоқулихон узоқни кўра олмайдиган давлат арбоби булган. У фавқулодда воқеаларда бир-бирига ҳарбий ва маънавий ёрдам бериш хусусида Англия вакили билан шартнома тузганда яхши булиши турган гап эди. Бундан Рус давлати бир оз бўлса-да, ҳайиқиши мумкин эди. Оллоқулихон эса бунинг аҳамиятини тушунишга ожизлик қилди.

Бу вақтда Англиянинг Ҳиротдаги элчихонаси аъзоларидан бири капитан Шекспир ҳам Ҳирот ҳокими номидан Оллоқулихонга хат олиб келган. Бунда Россия билан алоқани яхшилаш ва рус аскарларини озод этиш сўралган. Афтидан, Ҳирот ҳокими Рус давлатининг бостириб кириши Афғонистон учун ҳам хавф тугдиришини ўйлаган бўлса керак. Шунингдек, Хивага англиялик капитан Аббатнинг келганлиги ҳам таъкидланади.³

¹ Шажарайи хоразмшоҳий. 302-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ ЦГВИА., ф. ВУА, д. № 1172, л. 1.

ХИВА ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ҚАЙТА ҲАРБИЙ ЮРИШ УЮШТИРИШ ҲАРАКАТИ

Рус императори Николай I 1839 йилги муваффақиятсизликни эшитиши биланоқ хонликни босиб олиш учун қайта ҳарбий тайёргарликни дарҳол бошлаш ҳақида фармон берди. Бу хусусда ҳарбий вазир генерал-адъютант граф Чернишев узининг генерал Перовскийга юборган кўрсатмасида 1840 йил 30 январда император ҳарбий юришнинг зудлик билан амалга оширилишини буюрганлигини баён этган. Унда ҳарбий юришни утказиб рус ҳукуматининг ўз мақсадини амалга оширишга қаратилган ҳаракатини ҳамда давлатнинг куч-қудрати букилмаслигини намойиш этиш зарур, дейилган.¹ Ҳарбий вазир кўрсатмасида императорнинг ҳарбий юришни ёзда ёки кузда Каспий денгизи ёхуд қуруқлик орқали уюштиришни яхшилик урганиш ҳақидаги фикрлари ҳам қайд этилган. Кўрсатмада қўшинни ҳар жиҳатдан яхши қўроллантириш ва пухта тайёргарлик кўриш уқтирилган.²

Ҳарбий вазирнинг 1840 йил 17 мартда ҳукуматга ёзган ахборотида Хива хонлигига қарши юбориладиган қўшин бир генерал, 140 офицер, 6668 аскар ва хизматчиларни ўз ичига олиши керак эди. Шунингдек, 300 кишилик касалхона ташкил этиш режалаштирилди.³

Генерал Перовскийнинг таъкидлашича, навбатдаги ҳарбий юриш қулами 1839 йилдагига нисбатан 3-4 мартаба ошиқ бўлади.⁴ Масалан, 17000 туя, 6000 от ва бошқа куп нарсалар олиниши керак эди. Шу сабабли ҳам генерал Перовский узининг ҳукуматга юборган рапортларида ҳарбий юришни тезлик билан уюштиришнинг иложи йўқлигини тушунтиришга уринди. Биринчи ҳарбий юриш Оренбург губерниясининг хазинасига катта футур етказганлиги, кийим-бош, озиқ-овқатнинг стишмаслиги таъкидланди. Айниқса, туялар топиш мушкуллиги кўрсатиб утилган. Умуман, генерал Перовский янги ҳарбий юриш тарафдори бўлса-да, лекин юзага келган оғир шароит юришни тез орада амалга ошириш имконини бермаслигини ҳукумат вакилларига ишонтиришга ҳаракат қилди. Дуппи тор келганлиги императорга ҳам равшан бўлган бўлса керакки, у ҳарбий ва-

¹ Уша жойда, 14-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 75-бет.

⁴ Уша жойда, 130-бет.



Граф В. А. Перовский —
Хивага қарши ҳарбий юриш
қумондони.

ва зовурлар мавжуд. Жануби кум-тупроқли ерлар ва каналлар билан қопланган. Хонликда ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, асирликка олинган руслар ва эронликлар яшайдилар. 30-40 минг атрофида қўшин жамлаш мумкин. Хонликда 16 тўп булган. Аҳолининг сони ярим миллионга борган. Шаҳарларда том маънодаги ҳарбий истеҳкомлар булмай, улар паҳса деворлар ва зовурлар билан уралган. Халқ устидаги солиқлар жуда огир, аммо амалдорларнинг очқузлиги орқасида хон хазинасига кўп маблағ тушмайди. Хива хони Оллоқули ожизтабиатли киши ҳисобланиб, атрофдаги кишилар таъсирига берилган, укаси билан чиқишмайди. Унинг Бухоро ва Эрон билан алоқаси ёмон, негаки, уларга ҳужумлар уюштирган. Шунини айтиб утиш лозимки, рус ҳукумати узининг ҳарбий юришларини уюштиришда ва ҳарбий истеҳкомлар барпо этишда қарвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлашни, ўзбек хонликларидаги рус асирларини озод этишни ҳамisha рўқач қилиб келган. Бу масалалар 1717 ва 1839 йилларда Хива хонлигига қарши ҳарбий юришлар уюштирилганда ҳам уртага чиққан эди. У вақтларда туркманлар, қалмоқлар ва қорақалпоқларнинг қароқчи гуруҳлари

зирнинг 1840 йил 19 майдаги ахборотига кўра, ҳарбий юришни муайян муддатгача кечиктириш тўғрисида фармон берган.¹

Шу тариқа, Хива хонлигини босиб олишга қилинган иккинчи ҳаракат рўёбга чиқмади.

Ҳарбий юриш муносабати билан Оренбургда Хива хонлиги ҳақида маълумотлар тўпланди. Буларга кўра, хонлик ерлари Амударё, Оролнинг жанубий қирғоқларидаги ва Устюртнинг жануби-шарқий қисмидаги жойларни ўз ичига олади. Унинг шимоли Амударёнинг ҳар йилги тошиши орқасида кўп жабр кўради. Бу ерда кўлар

¹ Уша жойда, 148-бет.

Россия чегараларида русларни асирликка олиб Хива ва Бухоро хонликларига келтириб сотар эдилар. Руслар турли хужалик ишларида ишлатилган. Улар орасидан лашкарбошиллар, жангчилар, элчилар ва бошқа масъулиятли ишларни бажарувчи кишилар чиққанлиги маълум. Аммо кўпчиликнинг ихтиёри ўзида бўлмай, қул каби ишлатилган.

Гарчанд, 1839 йилги генерал Перовский бошчилигидаги ҳарбий юриш муваффақиятсизлик билан тугаган бўлса-да, лекин Оллоқулихон унинг яна қайтарилиши мумкинлиги ҳамда савдони ривожлантириш ута зарурлигини англаб, рус ҳукуматининг рус асирлари бўйича даъвосини инобатга олиш ва алоқани яхшилаш мақсадида 1840 йили махсус фармон эълон қилди. Бунда шундай дейилган: «Биз Хоразм шоҳи жанговар аскарларни ва зафарларнинг бош бугини барча ёвмут ва човдур қабилаларига, қозоқ ва қирғиз ботирлари ва бошлиқларига, умуман бизга содиқ барча фуқароларимизга шуни маълум қиламизки, шу 1840 йилдан бошлаб УмумРоссия императори олий ҳазратлари билан тинчлик ва дўстликда яшашга қарор этдик. Шу боис биз мазкур олий фармонимиз бўйича ўзимизнинг содиқ фуқароларимизга билдирамизки, улар бундан буён Россия чегараларига ҳужум қилмасинлар, рус асирларини сотиб олмасинлар, бунга бўйсунмовчилар жазога тортилади».¹ Шуниси диққатга сазоворки, Оллоқулихон рус ҳукуматининг рус асирлари ҳақидаги даъвоси «хонликни босиб олиш учун бир баҳона эканлигини» яхши англаган.

Шу мазмундаги хатни Хива шаҳрининг ҳокими Мулла Муҳаммад Шариф ҳам Оренбург генерал-губернатори Перовский номига йўллаган.² Бунда озод қилинган руслар Отаниёзхужа Раис бошчилигида ўз ватанига қайтарилаётгани билдирилган.

1840 йил 18 октябрда Хива элчиси 418 кишидан иборат асирликдаги русларни Оренбургга олиб келади. Шундан кейин у Петербургга боради, узаро тинчлик ва савдо алоқаларини тиклаш хусусида аҳднома тузилади.³ Бу алоқалар 1839 йилдаги ҳарбий юриш вақтида рус ҳукумати томонидан Оренбургда ва Астраханда хивалик ўзбек савдогарларни ушлаб қолиши орқасида из-

¹ Уша жойда, 7-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Государственный архив Астраханской области. ф. 2, оп. 2, л. № 91, л.

дан чиққан эди. Петербургда Оллоқулихон томонидан рус асирларининг уз ватанига қайтарилиши узаро савдо алоқаларининг йулга қуйилишида ижобий хизмат қилди. 1841 йилнинг 13 январида Хива хонлиги элчиси Эшбой Бобоев ҳам 5 рус асири билан Оренбургга борган.¹

Архив маълумотларининг курсатишича, уз ватанига қайтган русларнинг 317 нафари Каспий денгизи қирғоқларида, 55 нафари Оренбург чизигида, 27 нафари Царицинда асирликка олинган.²

¹ ЦГВИА, ф. ВУА, д. № 1172, л. 15.

² рус асирлари қуйидаги йилларда асирликка олинган: 1770 йили — 1 киши, 1784 йили — 2 киши, 1787 йили — 1 киши, 1790 йили — 1 киши, 1794 йили — 1 киши, 1795 йили — 1 киши, 1800 йили — 3 киши, 1801 йили — 1 киши, 1804 йили — 1 киши, 1809 йили — 1 киши, 1810 йили — 2 киши, 1812 йили — 2 киши, 1813 йили — 2 киши, 1814 йили — 1 киши, 1815 йили — 1 киши, 1816 йили — 1 киши, 1817 йили — 2 киши, 1818 йили — 5 киши, 1819 йили — 3 киши, 1820 йили — 12 киши, 1821 йили — 3 киши, 1822 йили — 19 киши, 1823 йили — 5 киши, 1824 йили — 5 киши, 1825 йили — 9 киши, 1826 йили — 8 киши, 1827 йили — 26 киши, 1828 йили — 8 киши, 1829 йили — 18 киши, 1830 йили — 43 киши, 1831 йили — 30 киши, 1832 йили — 13 киши, 1833 йили — 19 киши, 1837 йили — 2 киши, 1838 йили — 15 киши, 1839 йили — 67 киши.

Курииб турибдики, рус асирлари купроқ XIX асрнинг 20—30-йилларида асирликка олинган. Хива хонлигида руслардан 15 киши ватанига қайтишни истамаганликлари учун қолдирилган (ЦГВИА, ф. ВУА, д. № 1172, л. 13—14).

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА РУС ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ УРУШЛАР

ҚОЗОҒИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ЖАНГЛАР

Бу жойларнинг талай қисми Қўқон хонлиги қул остида эди. 1813—1815 йиллари Сирдарё қирғоғида Оқ-масжид (Қизил Урда), 1814 йили Қоратоғнинг шимолий чуққиларида Чулоққурғон, Олойдаги Ғулча ва Мурдош дарёларининг қуйилиш жойида Қизилқурғон, 1821 йили Талас дарёси буйида Авлиёота (Жамбул), Улуғқурғон, Чунголойдаги Дараутқурғон, Чу дарёсининг буйида Марки, Пишпак, Туқмоқ ва Отбоши сингари Қўқон ҳарбий истеҳкомлари қурилди. Уш ва Қашқар оралигидаги йулда Суфиқурғон, Марказий Тиёншондаги Сунгкул атрофида Жумагул ва Туққиз Тура, Норинда Куртка, Помирда Тошқурғон, Еттисувда Чолдевор, Шиштепа, Иткичу, Оқсув, Қоракул, Барскаун, Конурлан, Қизилўнгур (Иссиқкулда), Фаргона тоғи ёнбағрида Исфара, Янгиқурғон, Чортоқ ва бошқа қалъаларнинг бунёд этилганлиги маълум.¹

Қирғизистонлик таниқли тарихчи олим В. М. Плоских текширишларига кура, Қўқон ҳарбий истеҳкомларини аҳамияти ва катта-кичиклигига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, бир неча районнинг маъмурий маркази ҳисобланган қалъалар; иккинчиси — маҳаллий вилоятларни бошқарувчи ўрта даражали қалъалар; учинчиси — йирик истеҳкомларни бир-бири билан боғловчи кичик қалъалардир. Йирик қалъалар баҳайбат деворлар билан ўралиб, дарвозалар ва минораларга эга бўлган. Уларда куп замбараклар урнатилиб, аскарлар сони бир неча минг кишига борган.² Масалан, Пишпак қалъаси шулардан бири ҳисобланган. Унинг деворининг баландлиги 7 метр, остки қисмининг кенлиги 6 метр, устининг кенлиги эса 3 метрга борган. Девор атрофи 4 метрлик кенликдаги чуқур зовур билан уралган эди. Пишпак қалъасининг ичида 1000 ўзбек хонадони жойлашган.³ Қалъалар атрофида яшовчи қирғизларнинг барчаси ва Катта Жуз қозоқла-

¹ Плоских В.М. Киргизы и Кокандское ханство. Фрунзе, 1977, стр. 140—142.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша асар, 140—142-бетлар.

рининг бир неча қабилалари Қуқон хонлигига солиқ тулаб турганлар.

Хуллас, Фарғона водийсидан ташқари Тошкентдан то Оқмасжидгача, Тангритоғ (Тиёншон), Помир ва Хитой чегараларигача ёйилган бепоён ерлар Қуқон ҳарбий истехкомлари билан қамраб олинган эди. Булар Қозоғистонда уз мавқеини тобора мустақамлаб бораётган ва Туркистон ичкарасига интилаётган Рус давлатининг йўлини тусиб турган қалқонлар эди. Шу боис рус ҳукуматининг Қуқон хонлиги билан туқнашиши табиий ҳол бўлиб қолди. Эндиликда Рус давлати аввалгидек, биринчи навбатда, четда жойлашган Хивани эмас, балки улканинг марказий қисмини, обод ва бой жойларини уз ичига олган Қуқон хонлигини эгаллашни асосий вазифа қилиб қўйди.

Қуқон ҳукумати Тошкентдан бошлаб Чимкент, Сайрам, Туркистон, Авлиёота, Оқмасжид, Пишпак, Тўқмоқ ва бошқа жойлардаги Урта Жуз қозоқлари ҳамда қирғизларни бошқаришни Тошкент ҳокими (қушбеги) зиммасига юклаган эди. Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошкент» асарида курсатилишича, Тошкентга то Ғулжагача булган ерлар қараган.

XVIII аср охири — XIX асрнинг бошларида рус ҳукуматининг Қозоғистондаги мустамлакачилик сиёсати янада кучайди. Чунончи, у қозоқ хонларини тайинлашга ва уларни сиртмоқда тутиб туришга қаттиқ киришди. 1822 йилга келиб Урта Жузда хон ҳокимияти тугатилиб, округ маҳкамаси бошчилигида 8 ташқи округ ташкил этилди. Округ маҳкамаси қозоқларни идора қилувчи маъмурият ҳисобланиб, унинг раиси (катта султон) рус ҳукумати томонидан тайинланган. Округ маҳкама раисининг тўртта маслаҳатчиси бўлиб, уларнинг иккитаси губернатор томонидан тайинланган рус мансабдорлари, иккитаси эса, бийлар ва оқсоқоллар томонидан сайланадиган «фахрий» қозоқлар бўлган.¹

Округ маҳкамасига ёки булис (волость) бошқармасыга кирмаган султонлар ўзларининг олдинги ҳуқуқларидан маҳрум этилган. Муҳим жинойий ишлар округ маҳкама судида куриладиган бўлиб, бий судларининг аҳамияти анча пасайтирилган. Рус ҳукумати қозоқлардан 100 бош қорамолдан ва 100 туядан битта қорамол ёки бир туя солиқ олиш тартибини жорий этган. Юқо-

¹ История Казахской ССР. Алма-Ата, 1957, стр. 303—304.

рида курсатилган янги тартиблар Кичик Жузда ҳам амалга оширилган¹.

Шундай қилиб, Қозоғистонда хон ҳокимияти тугатилиб, рус мансабдорларининг бевосита иштирокида округ маҳкамалари тузилди. Жумладан, 1824 йили Қўқатов ва Қарқарали, 1831 йили Аячусь (Сергиполь) ва бошқа округ маҳкамалари, ҳарбий истеҳкомлар пайдо бўлди. Россия мавқеининг Қозоғистонда кучайиб бориши ва хон ҳокимиятининг тугатилиши, бир томондан, айрим қозоқ қабилаларини, иккинчидан эса, Қўқон хонлигининг норозилигини туғдирди. Чунончи, Султон Қоратой Нуралиев биринчи бўлиб бош кутарди. Лекин у муваффақият қозона олмай, охирида чор ҳукумати хизматиға утишға мажбур бўлди. Сирдарёнинг жанубий районларидаги Кичик Жуз қозоқларидан Султон Арингаз Абулғозиев узини хон деб эълон қилди. Султон Арингаз ислом ва шариатни узининг таянчи деб ҳисобларди. У купроқ Бухоро амирлигига таянишға интилди. Аммо у 1821 йили Петербургга чақириб олиниб, сўнгра Калугага сургун қилинди ва куп утмай уша ерда вафот этди².

Урта Жузда Султон Габайдулла Валихонов ва Аблайхоннинг невараси Саржон Қосимов бош кутардилар. Саржон Қосимов 1825 йили Қарқаралиға хужум қилди, бироқ рус қўшини томонидан енгилди. Шундан кейин 1831 йили у Тошкентға келиб, бу ерда хизматға кирди³.

Айтиш лозимки, Рус давлатининг Қозоғистондаги босқинчилик сиёсатининг ута хавфлилигини англаган Қўқон хони Олимхон (1798—1810): «Руслардан булак хасмимиз ва дин душманларимиз қолмади, кофирлар билан газот ва жиҳод учун белимизни маҳкам боғлашимиз керак», — деб нуфузли кишиларнинг йиғинини утказди ҳамда улардан фикрларини суради⁴. Йиғинда хоннинг таклифи тула қувватланиб, қўшин тулпашға киришилди. Қўқон аскарлари қишда йулға чиқиб Тошкент орқали Чимкент ва Туркистон томонға юрдилар. Аммо қиш шундай қаттиқ совуқ билан келган эдики, куп кишиларнинг қўл-оёқларини совуқ

¹ Уша жойда, 305-бет.

² Уша жойда, 319-бет.

³ Центральный государственный исторический архив (СГИА) в Петербурге. Ф. 1264, оп. 1. д. 28, л. 145.

⁴ Мулла Нисмұхаммад. «Тарихи Шоҳрухи». УлФА Шарқшунослик институтининг қўл-қўмақлар фонди, инв. рақами 3474, 76-бет.

уриб кетди. Аҳвол чидаб булмайдиган даражага келиб қолганди. Шу сабабли аскарларни Чимкент ва Туркистондан қайтаришга тўғри келди. Шу вақтда тахт учун курашда Олимхон ўлдирилди ва режа амалга ошмай қолди¹.

1825 йили Тошкент қушбегиси Мадалихон номидан Соатбек Султонбековни элчи қилиб Сибирга жунатган. У элчи орқали Сибир генерал-губернатори номига махсус хат ва совғалар юборди. Элчи Омскда қабул этилди. Хатда Рус давлатининг қозоқ ерларида ҳарбий қалъалар қуришига ва айрим кучманчиларни узига буйсундириб олишига қарши норозилик билдирилган. Бу вақтларда, юқорида кўрсатилганидек, рус ҳукумати Қарқарали ва Кукчатов каби жойларда қозоқларни идора қилиб туриш учун бошқармалар ташкил этиб, кучманчилар ерларининг ичкарасига тобора сукулиб кириб бормоқда эди. Бунга қарши қушбеги хатида шундай дейилган: «Қадим замонлардан бери Иртиш даресининг бу томонини биз, нариги томонини Россия назорат қилар эди, лекин ҳозир биз олган маълумотларга қараганда, руслар Иртишдан бу ёққа утиб, бизнинг диндошларимиз ерида қурилишлар олиб бормоқда, шу муносабат билан бизнинг хонимиз Сиз жаноб олийларига ушбу хатни ёзишни ва бу қурилишларнинг сабабини сўрашни буюрдилар: Сиз буни ўз ихтиёрингиз билан қилаётирсизми ёки олий ҳазрат буйруғига мувофиқ бажараяпсизми? Ўз ҳукмдоримга (Мадалихонга) батафсил ахборот беришим учун мени шу тўғрида хабардор қилишингизни сўрайман...».²

Бу хатда рус ҳукуматининг кучманчиларни қайси тартибда узига қаратаётганлиги ва бу ишнинг адолатсизлик эканлиги ўқдириб утилган: «Ундан ташқари маълум қиламанки, руслар бизнинг давлатимизда савдо ишлари билан баъзан икки йиллаб қолиб кетади, лекин биз уларни динимизга киришга мажбур қилмаймиз, шундай экан, сизлар нега бизнинг диндошларимизни ўз фуқаролигингизни қабул этишга мажбурлайсиз. Олдингизга бирор кимса илтимос билан келса, фуқаролигингизга киришни шарт қилиб қўясиз, бирор кимса кучиб боришга жой сураса, яна шу шартни қўясиз. Шу сабабли сиздан бунинг сабабини менга маълум қили-

¹ Уша жойда, 78-бет.

² Центральный государственный исторический архив Казахской республики. Ф. 338, оп. 1, д. 612, св. 96, л. 9.

шингизни сурайман, токи биз ҳам буларга қарши керакли чора курайлик»¹.

Элчи Султонбеков Соатбекнинг айтишича, Рус давлатининг кучманчилар ерларидаги босқинчилик сиёсатига норозилик билдириб султонлардан – Малай Кучков, Абласв, Жарқинов Довулбой ва бошқа кишилар Тошкентга келиб, қушбегига руслар қалъалар қураётганлиги, аҳолини буйсундираётганликлари ва қозоқлардан солдатликка одам олаётганликлари ҳақида гапириб, ундан ёрдам сураганлар². Бинобарин, кучманчиларнинг айрим султонлари Рус давлатининг тобелигидан бош тортиб, рус маъмуриятининг сиёсатига қарши бош кутарганлар.

Элчи узаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва тусиқларни бартараф этишга доир масалаларни ҳам муҳокамага қуйган. Элчи тақдим қилган хатлар ва унинг талабларига жавобан Омск област бошлиғи подполковник Броневский Сибир генерал-губернаторининг топшириғи ва кўрсатмасига мувофиқ Тошкент қушбегиси номига хат ёзиб, Соатбек Султонбековга топширади. Ушбу хат мазмунига кўра, Сибир маҳаллий ҳокимияти Қуқон хонлигининг қозоқлар ҳақидаги даъвосини нотўғри деб исботлашга ҳаракат қилган. Чунончи, кучманчилар масаласи бўйича шундай жавоб айтилган: «Куп асрлардан бери улуг Россия империяси қирғиз қозоқ халқларига ва Шимол денгизидан то Қора денгизгача бўлган катта-кичик қабилаларга ҳомийлик қилиб келади, лекин қозоқ чули савдо божидан ташқари Қуқон ҳукмдорларига солиқ тўлагани, унга буйсунганини ҳеч ким билмайди ва бу ҳақда маълумот йўқ»³. Бу жавоб хатида қозоқлар мажбурий йўл билан эмас, балки улар ихтиёрий равишда рус ҳукуматининг тобелигига утганлиги, бу ҳақда Катта ва Кичик Жузда, Иртиш дарёсидан то Қуқон чегарасигача бўлган ерларда яшайдиган қозоқларнинг ҳаммаси гувоҳлик бериши мумкинлиги айтилган⁴. Унда қозоқларнинг узлари ёрдам сураб мурожаат қилганликлари туфайли рус ҳукумати томонидан уларнинг ерларидаги жанжаллар, урушларни бартараф этиш ва Урта Осиё савдо қарвонларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшин юборил-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Государственный исторический архив Омской области, ф. 3, д. 425, стр. 13; ЦГИА Казахстана, ф. 338, оп. 1, д. 621 св. 96, л. 31.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ ЦГИА Казахстана, ф. 338, оп. 1, д. 621, св. 96, л. 17.

ганлиги, Қарқарали, Кукчатов бошқармалар тизимининг ташкил қилинганлиги баён этилган¹. Бироқ рус ҳукумати узининг Қозогистондаги босқинчилик сиёсатини оқлашга қанчалик уринмасин, барибир, Қўқон хонлигининг даъвосини бартараф қила олмади.

1828 йили Мадалихон Турсунхўжа ва Мирқурбон бошчилигида 14 кишидан иборат ўз элчисини Сибирга жўнатди. Бу ердан элчилар Петербургга юборилди. Мадалихон узининг рус ҳукумати номига ёзган хатларида савдо алоқаларини ривожлантиришга қаратилган таклифларни баён этиш билан бирга, хонликка бўйсундирилган Қарқарали округидаги Қарқарали, Кент, Ку, Идрей ва Қизилрей деган жойларда рус ҳукумати томонидан қалъалар қурилишини нотўғри деб топди ва бундай қилмасликни таклиф этди². Мадалихоннинг бу даъвосига жавобан, рус ҳукуматининг вице-канцлери Нессельрод ўз нотасида: «Бизнинг давлатимиз Қўқон савдогарларини Каспий денгизи билан Хитой ерлари уртасида кучиб юрадиган қозоқлар томонидан ҳимоя қилиш учун ғамхўрлик қилмоқда... У ерларда тартиб ва тинчлик урнатиш мақсадида улуг подшоҳимиз кўрсатмаси билан жуда қатъий чоралар қурилмоқда»³, деган.

Қурилиб турибдики, Қозогистонда гуё рус ҳукумати яхши ният билан ҳарбий қалъалар бунёд этилганлигига ишонтиришга уринади. Омск област бошқармасига тегишли ҳужжатларда ҳам Мадалихоннинг Қарқарали округидаги қалъа қурилишига доир сўроғига «тушунтириш» берилган. Бунда бу ердаги қозоқлар гуё ҳеч вақт Тошкентга бўйсунмаганлиги, аксинча, улар бир вақтлар Тошкентга ҳужум қилиб турганлиги баён этилган. Бу ҳақда Қўқон элчисига гапирилганда, у Мадалихондан уша қозоқларнинг Тошкентга бўйсундирилганлиги ҳақидаги сўзини эшитганлигини, бу нотўғри бўлса, рус ҳукумати ёзма равишда маълум қилишини талаб этган⁴.

1831 йилга доир архив манбаларига қўра, Тошкент қўшбегиси қозоқ султонларига Россиядан ажралиб, хонликка қўшилишга даъват этувчи варақаларни тарқатган:

«Султонлар: Канойга ва Тубатга; бийлар: Базойга,

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, об. 1, д. 662, с. 100, л. 11.

³ Уша жойда, 14-бет.

⁴ Уша жойда, об. 1, д. 407, с. 70, л. 134.

Кенесга, Қулжабойга, Букега, Тулактемирга ва Уринбойга!

Олийҳиммат ва саховатлилар ҳамда халқ ичида ҳурматга сазовор бошқа бийлар, сизларни шу ҳақда хабардор қиламизки, бир неча йил аввал рус ғайридинлари ерингизга келиб, қалъа қуриб, сизларни ташвишга солаётгани ҳақида сизлардан хабар келган эди. Биз Уратепа ва Хитой улкаларига (Қашқарга) бориб, худога минг қатла шукурким, енгдик. Эндиликда биз 40 минг одам ва олти ойга етарли озиқ-овқат билан Олачахона деган жойга тухтаб, сизларга хат ёздик. Сизлар бизнинг олдимизга келинг, чунки мусулмон уз динини маҳкам ушлаши лозим.

Бундан бир неча йил аввал Россия ҳукумати бизнинг Қуқон хонлигимиз билан тинчлик ҳолатида булса ҳам, лекин руслар буни узлари бузди, қалъаларимизни вайрон қилди, қозоқлар ерларини уз давлатига қушиб олди. Биз бундай ҳолга йул қуймаймиз, айтганимизни албатта қиламиз»¹.

Бинобарин, Тошкент қушбегиси Рус давлатининг босқинчилик сиёсатини қаттиқ қоралаган. Дарҳақиқат, рус ҳукумати очикдан-очик Қозоғистонда Қуқон манфаатларига катта путур етказмоқда эди. Қушбегининг 40 минглик қушин ҳақидаги сўзларига келганда, айтиб ўтиш лозимки, у муболағадан холи эмас. Чунки жуда кўпсонли қушинга зарурат йуқ эди. Қушбеги, биринчи навбатда. Рус давлати билан урушиш учун эмас, балки қозоқларни уз тарафига оғдириб русларни қучитишни кўзлаган эди. Рус ҳарбий бошлиқларининг курсатишича, қушбегининг аскарлари 7000 кишидан ошмаган².

Қушбегининг қақариқ варақасига кура, Рус давлати кул остидаги айрим қозоқ юқори табақа вакиллари Тошкентга ёрдам сўраб муурожаат қилганлар. Бу ҳақда қушбегининг қуйидаги қақариқ варақаси гувоҳлик беради:

«Давлатманд Сапокга; бийлар: Куланга, Котрочга ва Болтага!

Азизлар, олийҳимматлилар, сизлар ва бошқа бийларга шу ҳақда маълум қиламанки, бундан бир неча йиллар илгари Тошкент қушини билан келганимизда рус анжабийлари сизларнинг жойларингизда шаҳарлар барпо этиб, Рус давлати тобелигига ўтишга мажбур этаёт-

¹ ЦГИА в Петербурге, ф. 1264, оп. 1, д. 281, л. 136.

² Уша жойда, уша бет.

ганлигини маълум қилган эдингиз. Ушанда сизлар бизнинг тарафимизга утишларингизни билдириб, катта қушин билан келишимни ва ёрдам беришимни сураган эдингиз. Шу ваъдага биноан 40 минглик қушин ва 6 ойга етадиган озиқ-овқат билан келдим. Сизлардан кимки уз ваъдасида турган булса, менинг ҳузуримга келсин. Агар руслар қозоқлар билан бизнинг ишимиз йўқ дейишса ва уларни ихтиёримизга қўйиб беришса, яхши, акс ҳолда, улар билан бошқача гаплашамиз»¹.

Фарбий Сибир генерал-губернатори Қўқон хонлигининг Қозоғистондаги ҳаракатлари туғрисида уз ҳукуматига ахборот берди. Бу масала 1831 йил декабрининг охири — 1832 йилнинг бошларида Петербургда Сибир ва Осиё комитетларининг йиғилишида муҳокама этилди. Бунда Қўқон хонлиги одамлари қозоқлар орасида Рус давлатига қарши варақалар тарқатаётганлиги ҳамда Тошкент қушбегиси 2-3 минг қушин билан чегарага яқинлашиб бузғунчилик қилаётганлиги қораланди².

Ҳар икки комитетнинг қарорида Қўқон хонлиги тарафида туриб русларга қарши иш юритаётган Санжар Қосимовни ушлаш ва ҳибсга олиш ҳамда хонлик хуружига қарши чоралар кўриш Фарбий Сибир маъмуриятига топширилди³.

1834 йилнинг май ойида Тошкент қушбегиси ва Санжар Қосимов 6 минг кишилик аскар билан Қўқатов округининг чегарасига яқинлашдилар. Улар Улутовга бориб анча мустаҳкам ҳарбий истеҳком қурдилар. Бу ердан Рус давлатига қарши курашга чорловчи салкам 200 варақа қозоқ султонлари ва бийларига тарқатилди. Айни бир пайтда, Тошкент қушбегиси Фарбий Сибир генерал-губернатори номига ҳам хат жунатди. Бунда шундай дейилган: «Қадим замонларда оқ подшо (рус императори — Ҳ. 3.) билан олиб борилган музокаралар натижасида Урта Жуз мусулмонлари учун чегара белгиланган булиб, улар Иртиш дарёси орқали биз томонга ҳам, сиз томонга ҳам бемалол утаверарди. Бундан ташқари, урушмасликка келишилган эди. Ҳозирда бу Жуз халқи буйсундирилиб, бир қанча жойларда девонлар (бошқармалар) ташкил қилинган, мусулмонларнинг тинчлиги бузилган, улар энди уз эркини йўқотган...

Мадалихон олий ҳазратлари қозоқларни ва Или

¹ Уша жойда, 139-бет.

² Уша жойда, 19-бет.

³ Уша жойда, уша бет.

дарёси буйлаб яшайдиган қирғизларни бошқаришни менинг зиммамга юклаган. У Ғратепа, Қоратегин, Кулоб, Дарвоз ва бошқа жойлардаги халқларни буйсундириб, узини бутун мусулмон аҳлининг ҳукмдори деб ҳисобламоқда. Катта Жузнинг бир неча қозоқ қабилалари бизга тобеликни қабул қилди. Шундан кейин Урта Жузнинг бир неча кишилари хонимиз олий ҳазратлари ҳузурларига келиб, руслар улардан 100 қўйдан битта қўй ва 100 отдан битта от ҳамда аскарликка одам олаётганлиги ҳақида шикоят қилдилар. Шу боис хон ҳазратлари менга уша жойларга бориб, ҳақиқий аҳволни билишни буурди. Шу туфайли мен турли булисларни айланиб ва ҳатто Ишим дарёсигача бориб қозоқларнинг шикоятлари тўғри эканига узим ишондим. Бундай ишлар ҳукмдорингизнинг буйруғи билан қилинаётирми ёки шаҳсан сизнингми?

Бошқармаларни тугатишни, русларни мусулмонлар орасидан чиқариш ва уларни уз ҳолига қўйиш ҳақида фармон беринг»¹.

Мазкур хатда Рус давлати шу даражада камбағаллашиб пулга, қўй ва отга муҳтож бўлиб қолдимики, қозоқлардан солиқ олмоқда, унда Туркия билан урушда аскарлари қирилиб битганлигидан қозоқлардан солдатликка чақирмоқда деган кинояли гаплар мавжуд.² Қушбеги рус ҳарбий қисмлари томонидан икки Қўқон қалъасининг бузилганлигини, Чапрачлин булими бийи Буянбойнинг ўлдирилганлиги ҳамда Ғозибой, Кучук Мирза, Довудбой сингари бийларнинг ҳужаликлари таланганлигини қатъий қоралаган. Биз, — деб давом этади қушбеги, — шуларга қарамай, 3 йил чидадик, дўстликни бузмасликнинг ҳаракатини қилдик, аммо сиз мусулмонларга қўл кутардингиз. Хатнинг охирида қушбеги дустона ёки душманларча жавоб беришни генерал-губернатордан сураган. У хатта қандай жавоб булишига қараб иш юритишини маълум қилган³.

1834 йилнинг июнида генерал-майор Броневский уз қўшинлари билан Тошкент қушбегисига қарши отланиб Улутовдаги Қўқон қалъасига яқинлашди. Қалъанинг тошдан ясалган туртта минораси бўлиб, у 8 метр баландликда чимдан ишланган девор билан уралган

¹ Уша жойда, 142-бет.

² Тошкент қушбегиси уз хатида Хитой ҳукумати айрим қозоқ қабилаларини буйсундирганда мусулмонлигини ҳурмат қилиб бошқарма тузмай уз ҳолича яшашга имкон берганлигини ибрат сифатида курсатган.

³ ЦГИА в Петербурге, ф. 1264, оп. 1, д. 281, л. 144.

эди. Рус қўшинлари 2 соатдан ортиқ қалъани артиллерия уқига тутган. Бунда генерал-майор Броневскийнинг айтишича, қалъа мудофаачилари дастлаб бардош берган булсалар-да, кейин таслим булишга мажбур булганлар¹. Оқибатда икки бек, 18 оддий аскар асир олинган ва иккита туп, қилич, порох, анча миқдорда озиқ-овқат улжа тушган². Қалъадаги бошқа кишилар қочишга улгурганлар. Қалъа батамом бузиб ташланган. Асирликка олинган тошкентликлар уз ватанларига қайтарилган. Икки бек эса Тошкент қушбегиси асир олган рус савдогарлари бушатиулгунича гаровга қолдирилган³.

Генерал Броневский уз ватанига қайтарилган тошкентликлар орқали қушбегига 1834 йилнинг 30 июнида қуйидаги мазмунда хат юборган:⁴ «Умумроссия императори олий ҳазратлари Урта Жуз қозоқларининг илтимосларини инобатга олиб, Рус давлати тобелигига қабул қилган. Шундан кейин улар яшайдиган жойларда округ бошқармалари ташкил этилди. Сиз, ҳурматли қушбеги, буларни била туриб ва бизга сотқинлик қилган айрим султонларнинг сўзига кириб, қозоқлар орасида Рус давлатига қарши даъватнома — чақириқ варақаларини тарқатдингиз. Аммо содиқ қозоқлар бу варақаларни бизга топширдилар.

Сиз нима учун 1832 йили биз бузиб ташлаган Сарисув дарёси лабидаги ҳарбий қалъани қайта тикладингиз».

Сиз шу йилнинг баҳорида округ бошқармаларимизнинг чегарасига келиб, Тўрткул булисидаги қозоқларни таладингиз⁵ ва Улутовдаги қалъани яна тикладингиз.

Хатнинг охирида дустлик ва савдо алоқаларини давом эттириб, ҳарбий қалъалар қурмаслик ва қозоқларни Россияга қарши бош кутаришга чақирмаслик қушбегидан суралган. Акс ҳолда, қушбеги «император олий

¹ Уша жойда, 157—158-бетлар.

² Уша жойда, уша бет.

³ Гарчанд икки томон уртасида туқнашувлар булган булса-да, лекин узаро савдо алоқалари уз йулида давом этди. Аммо Россия қўл остидаги қозоқ қароқчилари Петропавловск ва Семипалатинскдан Тошкентга кетаётган савдо қарвонини талаганлар. Шу сабабли булса керак, қушбеги уч рус савдогарини моллари билан Тўрткул булисида асир қилиб Тошкентга олиб кетган эди.

⁴ ЦГИА в Петербурге, ф. 1264, оп. 1, д. 281, л. 154.

⁵ Тошкент қушбегиси ва Саржон Қосимов томонидан таланган қозоқларнинг аксарияти мустақил ҳисобланганлар. Афтидан, улар Тошкент қушбегисининг чақирғига қушилмай, Россия тарафдори булганки, таланганлар. Натижада қозоқлардан 40 киши улдирилган ва бир неча юз киши жароҳатланган. Улардан 135 минг қўй ва кўп утов тортиб олинган.

ҳазратларининг нафратига учраб, бунинг оқибати ёмон булиши ва кейинги пушаймондан асло фойда йўқлиги» айтилган.¹

Мазкур сатрлардан аёнки, хат дуқ-луписа руҳида ёзилиб, қушбегига қарши қаттиқ чоралар кўрилиши билдирилган. 1835 йили Тошкент қушбегиси Қозоғистонга ҳарбий юриш қилмаган бўлса-да, лекин Фарбий Сибир генерал-губернатори эҳтиёт чораларини кўриш лозимлигини таъкидлаб, қуйидаги таклифларнинг амалга оширилишини ҳукуматдан суради:

а) рус ҳукумати номидан Қўқонга элчи юбориб, хондан Қозоғистондаги Чу дарёсидан нарига утмасликни, қозоқларни жосуслар орқали қўзғолонга ташвиқ қилмасликни ва уларнинг ерларида қалъалар қурмасликни таклиф этиш;

б) бу талаб қабул қилинмаган тақдирда, баҳорда Тошкентга ҳарбий экспедиция юбориб, қурол кучи билан Қўқон хони ва Тошкент қушбегисининг Қозоғистондаги ҳаракатларини тўхтатиш;

в) Қозоғистонни Тошкент хавфидан муҳофаа қилиш учун Оқтов ва Улутовда кичик қалъалар қуриш ва буларнинг ҳар бирида 500 кишилик ҳарбий қисмлар сақлаш.²

Рус императори генерал-губернатор таклифларини қараб чиқишни ва чора кўришда Қўқон хонлиги билан муносабатни кескинлаштирмасдан бир қарорга келишни Сибир комитетига топширди. Сибир комитети генерал-губернатор таклифларини муҳокама этиб, қушбегининг келажақда ҳужум қилиши ҳақидаги хабарни бурттирилган, деб топди. Шунинг учун Қозоғистон округларидаги ҳарбий қисмларни кучайтириш билангина чекланиш кераклиги, янги ҳарбий қалъалар қуришга эҳтиёж йўқлиги уқтириб утилди. Тошкентга ҳарбий экспедиция юбориш таклифи ҳам қабул қилинмади³. Қўқон хонлигига элчи юбориш ўринсиз, деб топилди. Чунки 1831 йили Тобольскка келган Қўқон элчиси Тошкент қушбегиси Саржон Қосимов билан биргаликда ҳаракат этаётганлиги учун орқасига қайтарилган эди. Эндиликда эса Қўқон хонлигининг элчиси Россияда қабул қилиниши мумкинлигини билдириш лозимлиги уқтирилди.⁴ Хуллас, Сибир маъмуриятига Қўқон хон-

¹ ЦГИА в Петербурге, ф. 1264, оп. 1, д. 281, л. 177.

² Уша жойда, 218—219-бетлар.

³ Уша жойда, 222—223-бетлар.

⁴ Уша жойда, уша бет.

лиги билан дустана алоқаларни йулга қўйиш курсатилди.

Ушбу курсатма асосида Фарбий Сибир генерал-губернатори Қозоғистонда Тошкент савдо карвонларини ушламаслик, уларга ҳеч қандай зиён етказмаслик ва фақат Тошкент қушбегиси ҳужум қилгандагина тошкентлик савдогарларни Сибир линиясига жунатиш ҳақида маҳаллий ҳокимият вакиллариغا буйруқ берди.¹ Лекин генерал-губернатор Тошкент қушбегисининг қўшин билан келатганлиги ҳақидаги огзаки маълумотларга ишониб, Оқтов, Улутов ва Қораоғочга қўшин юборишга рухсат олишга эришди. Бу ерларга 1835 йилнинг май ойида ҳарбий қисмлар келди. Аммо қушбеги аскарларининг дарағи йуқ эди. Шунга қарамай, генерал-губернатор рус ҳукуматидан ҳарбий қисмнинг бутун ёз буйи мазкур жойларда туришини сўради. Шунингдек, у ҳарбий қалъалар қуришни яна талаб этди.² Сибир комитетининг қарорида кўрсатилишича, ҳарбий қисмларни қолдиришга розилик берилган. Қалъа қуриш эса, ҳужум хавфи тугилса, вазиятга қараб ҳал қилиниши ўқтирилган.³ Бутун ёз буйи Тошкент қушбегиси келмайди. Шундай қилиб генерал-губернаторнинг қушбегининг қайта ҳужум уюштириши ҳақида олган маълумоти ва унинг ҳарбий тайёргарликлари узини оқламади. Фарбий Сибир генерал-губернатори узининг ҳарбий вазирга юборган рапортида: Оқтов, Улутов ва Қораоғочга ҳарбий қисм юборилганлиги Тошкент қушбегисининг ҳаракатларини тўхтатишга сабаб бўлди, деб ишонтиришга уринди.⁴ Шунингдек, унинг рапортида Тошкент қушбегиси ҳужумидан сақлашни рус маъмуриятидан сўраган Оқмулла қозоқларидан бир гуруҳи ҳарбий қисмга ҳужум қилганлиги билдирилди.⁵ Афтидан, улар рус қўшинларининг кўрсатилган жойларда туришидан норози бўлганлар.

Тошкент қушбегисининг Қозоғистонга яна юриш уюштиришига ҳарбий кучнинг заифлигидан ташқари, хоннинг розилик бермаганлиги ҳам сабаб бўлган. Тошкентда бўлган татар савдогарларининг сўзига қараганда, Мадалихон фақат Тошкент атрофидаги қозоқларнинг қароқчи гуруҳларининг «адаби»ни бериш учун

¹ Уша жойда, 242-бет.

² Уша жойда, 246—247-бетлар.

³ Уша жойда, уша бетлар.

⁴ Уша жойда, уша бетлар.

⁵ Уша жойда, 250-бет.

рухсат этиб, Рус давлати билан алоқани кескинлаштирмасликни буюрган.¹

Маълумки, Россия билан Қўқон хонлигининг савдо алоқалари Қозоғистон ва Сибир орқали кенг қулоч ёйиб, ҳар икки томон ҳар жиҳатдан катта фойда кўрмоқда эди. Шу боис узаро кескинлик ва душманлигининг узоқ давом этишидан иқтисодий жиҳатдан зиён кўрилиши турган гап эди. Бундан ташқари, Рус давлати, гарчанд босқинчилик сиёсатини узининг асосий вазифаси ҳисобласа-да, лекин уни дарҳол амалга ошириш учун шароит ҳали етилмаган эди. Айниқса, қушимча ҳарбий харажатлар давлат хазинасига путур етказиши аён эди. Шу боис шахсан рус императори, қандай булмасин, Қўқон хонлиги билан алоқани кескинлаштирмаслик ҳақида ҳокимият вакилларига буюрган эди.

Рус ҳукумати жуда эҳтиёткорлик ва усталик билан ўзбек хонликлари томон суқулиб кириш, уларнинг Қозоғистон ҳамда Қирғизистонда таъсир доирасини қирқиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошира борди. У бу ишни карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш, савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда Қозоғистонда тинчлик ва осойишталик вазиятини юзага келтириш ниқоби остида олиб борди. Ўзбек хонлари бу ёвуз ниятларни яхши тушунсалар-да, лекин ҳарбий кучнинг заифлиги орқасида Рус давлати тажовузларининг олдини ололмадилар.

1836 йили Мадалихон Сибирга яна Соатбек Султонбеков бошчилигида 5 кишидан иборат элчи жунатади. Маълумки, Соатбек Султонбеков 1825 йили ҳам элчи сифатида Россияга юборилган эди.

Қўқон элчилари Оқмулла, Петропавловск орқали Омскка бориб Ғарбий Сибир генерал-губернатори ва Омск област бошлиғига Тошкент бекларбегининг бир хил мазмундаги хатларини топширдилар. Бу хатларда савдо алоқаларини ривожлантириш таклифи билан бирга, Қозоғистон ҳақида ҳам фикр юритилган. Тошкент қушбегиси бу масалага тўхталиб Қозоғистонга қушин тортиб боришини қозоқларнинг илтимосларига кура қилганлигини баён этган.² Унинг курсатишича, қозоқларнинг бир-бирини талаши каби ҳолларга барҳам бериш учун Сарисувда иккита қалъа қурилган. Аммо улар

¹ Уша жойи, 251—252-бетлар.

² ЦГИА Қазақстана, ф. 338, оп. 1, д. 269, с. 58, л. 30.

генерал-губернатор фармонига мувофиқ бузиб ташланган. Қалъаларнинг бирида 300 киши, иккинчисида эса, 400 киши булган.¹ Тошкент қушбегиси Улутовдаги қалъанинг қурилиши сабаби ва унинг рус қушинлари томонидан қайси йусинда тор-мор этилгани ҳақида тушунча берган. Бунга кура, Улутовда қозоқлардан солиқ туплаш учун қалъа қурилган ва у ерда 600 киши қолдирилган. Қушбегининг сўзича, рус қушинлари қалъани замбаракдан ўққа тутиб ололмагач, алдов йулига утганлар.² Шунингдек, 1834 йили асир олинган рус савдогарининг иккитаси ўз ватанига қайтарилганлигини, уларнинг учинчиси эса, мусулмон динини қабул қилиб, ихтиёрий равишда Тошкентда қолганлигини билдирган.³

Сибир маъмурияти Омскда Қуқон элчилари билан утказган музокаралар якуни Омск област бошлигининг Тошкент қушбегиси номига ёзган хатида ўз аксини топган.

Хат мазмунига кура, Тошкент қушбегисининг Қозогистондаги ҳаракати ҳамон маҳаллий ҳокимият вакиллари диққат марказида турган. Қушбегининг бу туғридаги тушунтиришлари ошкора рад этилмаган булса ҳам, унинг ҳаракатлари яна қайтарилган тақдирда, ёмон оқибатларга олиб келиши эслатиб утилган. Унинг дустона алоқани давом эттириш ҳақидаги сўзлари қувватланиши билан бирга, рус императорининг осойишталикни бузувчиларни ёмон куришини, уларга қарши жуда қаттиқ чоралар қўлашини эслатиб утилган.⁴

Хатда Султон Саржон, унинг угли ва Қуқондаги рус асирларини Россияга қайтарилиши дўстлик алоқаларини исботловчи далил булиши мумкинлиги айтилган.

XIX асрнинг 40-йилларидан бошлаб, бир томондан, Қуқон хонлигида тахт учун курашлар тобора авжига чиқди, иккинчидан эса, унинг Бухоро хонлиги билан алоқаси кескинлашиб, қонли урушлар қизиб борарди. Оқибатда Қуқон хонлиги ички ва ташқи ташвишлар ботқоғига ботиб борарди. Бу Рус давлатига жуда қўл келди.

1843 йили Қозогистонда Россия ҳукмронлигига қарши қаҳрамонона курашаётган Султон, Кенесари пол-

¹ Уша жойда, 34-бет.

² Уша жойда, 37-бет.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда, 76—77-бетлар.

ковник Бозанов бошчилигидаги ҳарбий қисм томонидан мағлубиятга учратилди ва улдирилди. Бу Қозоғистонда Рус давлати ҳукмронлигини янада мустаҳкамлади. 1845 йили Турғай дарёси бўйида Оренбург, Иргиз дарёси бўйида эса Ёйиқ ҳарбий истеҳкомлари қурилди. 1847 йили Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойида генерал Обручев бошчилигида 4839 солдат Райим қалъасини барпо этди¹. Бу қалъа кейинчалик Орол номи билан аталди, 1855 йили эса, у Казалинга кўчирилди.² 1847 йили Еттисувдаги Улутов яқинида иккита ҳарбий истеҳком қурилди. 1848 йили Қорабутоқ қалъаси қурилди.

1846—1847 йиллари Катта Жуз қозоқларининг қолган қисмининг ҳам Рус давлати тобелигини қабул қилиши Петербург таъсир доирасини янада кенгайтди.

Қозоғистонда Рус давлати ҳарбий мавқеининг ошиб бориши Қуқон хонлигини айрим чоралар кўришга мажбур этди. Чунончи, 1848 йилнинг июл ойида Катта Жуз қозоқларининг чегара жойларига Тошкент қушбегиси Нурмуҳаммад бошчилигида 15 минг кишилик қушин келади.³ Бу ердан қушбеги қозоқ султони Қамбар, бийлардан Бейбут ва Тленчига чақириқ варақасини юбориб, унда биз бир неча минг кишилик аскар билан Туфман қалъасига келдик. Бу ерда атроф жойлардаги бузғунчилар ва безориларнинг таъзирини бериб, осойишталик ва тартиб урнатдик. Сизлардан суровимиз шуки, кофирлардан (руслардан) бош тортиб ва Или дарёсининг бу тарафига утиб, юзларингизни ислом динига қаратинглар. Шунда биз сизларни уз ҳимоямиз остига олиб меҳрибонлик ва гамхурлик курсатамиз ҳамда узларинг хоҳлаган тартиб ва шароитда яшайверасизлар. Нодонлик қилмасдан биз тарафга утинглар, дейилган⁴. Мазкур варақа Катта Жуз таркибидаги жалойир уруғи бошлиқларига юборилган.

Тошкент қушбегиси Или дарёсидан 35 чақирим масофадаги Туйчибек қалъасида 75 аскар қолдириб қайт-

¹ Донесение Оренбургского Военного губернатора Военному министру, 3 июля 1847 г., № 537.

² Уша жойда, уша бет.

³ Донесение генерал-губернатора Западной Сибири Вице-канцлеру, 16 августа 1848 г., № 246.

⁴ Донесение генерал-губернатора Западной Сибири Вице-канцлеру, 5 февраля 1850 г., № 30.

ган.¹ 1850 йили бу қалъани янада мустаҳкамлашга киришилган.²

1850 йил 19 апрелда рус ҳарбий қисми Туйчибекни олишга уринган булса-да, лекин ололмаган. Шундан сўнг 1851 йили полковник Карабашев бошчилигидаги бир батальон пиеда ва 500 казак отлиқлари икки замбарак билан Туйчибек томон юриш қиладилар. Бу ердаги Қўқон аскарлари кучларнинг тенг эмаслигини инобатга олиб, қалъани ташлаб кетадилар. Рус қўшинлари қалъани остин-устин қилиб, бузиб ташлайдилар. 1850 йил 8 сентябрда Орол қалъасининг бошлиғи майор Дамис 150 кишилик пиеда, 100 нафар казак ва 2 замбарак билан Қўқон хонлигининг Қораузак буйидаги Қўшқурғон истеҳкомига яқинлашиб, уни тупдан уққа тутади. Мудофаачилар «охирги имкон қолгунча жанг қилганлар».³ Улар бор-йўғи ўн кишидан иборат булишларига қарамай, ярим кечга қадар ўзларидан бир неча баробар ортиқ ва яхши қуролланган душманга қарши курашганлар. Ватан ҳимоячиларидан 5 киши ҳалок бўлган, қолганлари эса, 11 аёл ва болалар билан асирликка олиниб, Орол қалъасига ҳайдаб кетилган ва бу ерда узоқ муддат ушлаб турилган.⁴ Асирлар орасида қалъа бошлиғи Райим Олимов ҳам бор эди.

Уша йилнинг 3 ноябрида Қўқон аскарлари Каттақурғонга қайтадан жойлашиб олдилар. Шундан кейин куп утмай майор Энгман раҳбарлигида 1 рота, 100 нафар казак ва 1 замбаракдан иборат рус қўшини Каттақурғонга ҳужум уюштириб, уни бузиб ташлаган.

1850 йили Орол истеҳкомидан чиққан рус солдатлари Қўқоннинг Чимқурғон қалъасини босиб олиб 16 кишини асир оладилар.

Рус давлатининг тажовузига қарши Оқмасжид бошлиғи Ёқуббек Кумушқурғон, Жулак, Чимқурғон, Тошқурғон сингари истеҳкомлардан 1700 нафар аскар туплади. Улар орасида Хива хонлигининг Хужаниёз қалъасидан 130 нафар аскар ҳам бор эди. Бундан хабар топган Орол истеҳкомидан майор Энгман Ёйиқ отлиқ казакларидан 74 киши, 22 пиеда аскар ва замбарак билан йўлга отланади. 1850 йил мартада Орол қалъаси-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Донесение командира Сибирского корпуса Азиатскому департаменту МИД, 26 июня 1850 г., № 216.

³ История 4-Туркестанского Линейного батальона за период 1771 по 1882 год. Ташкент, 1882, стр. 179—180.

⁴ Уша жойда, уша бет.

дан 55 чақирим масофада жойлашган Оқчабулоқ деган жойда ҳар икки томон уртасида жанг бўлган. «Даставвал, — дейилади манбада, — қўқонликлар ҳамжихатлик билан рус аскарларини анча сиқиб қўйдилар. Аммо қаттиқ уқ ёмғири остида уларнинг пиёда аскарлари тарқалишга мажбур бўлди. Фақат қўқонликларнинг отлиқларигина русларга қарши ҳужумни давом эттириб, найзабозлик қилдилар. Узаро отишмалар то қоронғи тушгунча давом этди».¹

5 март эрта тонгда қўқонликлар чекинишга мажбур булганлар. Улардан 70 киши ҳалок булган ва жароҳатланган, руслардан эса 4 киши яраланган.² Қўшқурғон қалъасининг қўмондони ҳам ҳалок булган.

1852 йили Оренбург генерал-губернатори Перовский 400 кишидан иборат аскарга полковник Бларамбергни бошлиқ қилиб қўйидаги топшириқни унинг зиммасига юклайди:

1. Орол истехкоми билан Қўқон қалъаси Оқмасжид орасидаги Сирдарё воҳаси текширилсин ва маълумотлар туплансин;

2. Агар Қўқон ҳарбий кучлари билан тўқнашилса ёки уринсиз даъволар қилинса, у вақтда қурол ишлатилсин;

3. Биринчи навбатда, Орол истехкоми яқинидаги Қўқон қалъаларига тегмай тўғри Оқмасжид томон юрилсин. Сўнгра бу истехком бизга тегишли ерда жойлашган бўлса, дарҳол бузиб ташлансин, борди-ю, бунинг иложи бўлмаса, уни бу ердан йўқ қилишни қўқонликлардан талаб этилсин.³

Полковник Бларамберг ўз қўл остидаги қўшин билан Орол истехкомидан йўлга чиқиб ўша йилнинг 18 июлида Оқмасжид атрофига жойлашади.⁴ Оқмасжид қалъаси бошлиқлигига янги тайинланган Ботирбоши номидан Мулла Шокир ва бухоролик савдогар Қозонбек деган кишилар элчи сифатида русларнинг келиш сабабини аниқлаш учун Бларамбергнинг ҳузурига бордилар.⁵ Бларамберг Мулла Шокирни олиб қолиб, савдогар Қозонбекни рус қўшини Россияга тегишли Сир-

¹ Донсесение командира Оренбургского корпуса Военному Министру, 8 апреля 1852 г., № 484.

² Уша жойда, уша бст.

³ Донсесение командира Оренбургского корпуса Военному Министру, 16 августа 1852 г., № 1208.

⁴ Уша жойда, уша бст.

⁵ Уша жойда, уша бст.

дарё қирғоғига келганлигини ва бу ерда Қуқон қалъаси булмаслигини етказишни сураб Ботирбоши хузурига жунатади. Аини бир пайтда, рус аскарлари Оқмасжиднинг шарқий томонига урнаша бошлайдилар. Бу ерда шу аниқландики, Оқмасжиднинг сиртқи деворининг баландлиги икки метрдан ошиб бир ярим чақирим узунликдан купроқ доирада қалъани ураган. Қалъа уртасида қалин ва баланд девор билан уралган қурғон ҳам булган.¹ рус аскарлари поручик Ремишевский ва ясовул Буренин қумондонлигида икки гуруҳга булинб, жанг қилдилар. Қалъа ичидаги мудофаачилар қаттиқ туриб шу даражада қаҳрамонона курашдиларки, душман қанчалик уринмасин, мақсадга эриша олмади. Гарчанд душман аскарлари биринчи девордан ошиб тушган булсалар-да, лекин қурғонни эгаллай олмадилар. 4 метр баландликдаги девор билан уралган қурғонга замбарак уқлари ёғдирилишига қарамай уни олишнинг иложи булмади.²

Хуллас, Оқмасжид мудофаачиларининг жасорати ва қаҳрамонона кураши орқасида рус қўшинлари бесапар орқага қайтишга мажбур булдилар. Бир маълумотга қура, жангда руслардан 15 киши улдирилган ва 57 киши ярадор қилинган.³ Иккинчи манбада улганларнинг сони 72 киши эканлиги курсатилган.⁴

1852 йил 20 июлда Оренбург генерал-губернатори Перовский Оқмасжид учун олиб борилган жанг тафсилоти ҳақида императорга йўллаган ахборотида шундай ёзган: «Қуқонликлар Қораузақ ва Сирдарё оралиғидаги ерларда алоҳида округ ташкил этган. Улар ҳарбий истеҳкомлар билан муҳофаза қилинмоқда. Уларнинг орасида Оқмасжид округни бошқарадиган марказ ҳисобланади. Бу ерда туркманлар ва тошкентликлардан ташқари, 5 мингча қозоқ овуллари мавжуд. Бундан ташқари, бизнинг тобелигимиздаги 3 мингдан иборат қозоқ овуллари у ерга қишлашга келадилар».⁵ Шу сабабли ҳам ахборотда Сирдарёнинг унғ қирғоғидаги Қуқон қалъаларини, хусусан, Оқмасжидни «тамомила йуқ қилиб ташлаш лозимлиги» уқтириб утилган.⁶

¹ Уша жойда, уша бет.

² Донесение командира Оренбургского корпуса Воснному Министру, 16 августа 1852 г., № 1208.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Туркестанский сборник, том 93, стр. 15.

⁵ Донесение командира Оренбургского корпуса Воснному Министру, 16 августа 1852 г., № 1208.

⁶ Уша жойда, уша бет.

Рус императори ахборот варақасининг четига «Оқмасжиддаги муваффақиятсизлик қўқонликлар хуружини янада зурайтирмаса, деб хавотирланаман. Янги ҳарбий экспедиция уюштиришдан олдин ғалабани таъминлайдиган чораларни куриш мақсадга мувофиқдир»¹, — деб имзо чеккан.

Полковник Бларамберг Оқмасжиддаги муваффақиятсизликдан кейин Бешариқ орқали Қораўзак дарёсининг унғ оқими бўйлаб юриб, 1852 йилнинг 30 июлида Қўқоннинг Қўшқўрғон истехкоми рупарасида тўхтади. Аммо бу қалъада ҳеч ким йўқлиги ҳақида маълумот олгандан кейин бир гуруҳ рус аскарлари уни миналар билан портлатиб ташлаганлар. Шундан кейин у истехкомдан 70 чақирим нарида жойлашган Қўқоннинг Чимқўрғон қалъасига ҳужум уюштиради. Тўртбурчак шаклидаги бу қалъа баландлиги 3 метрлик қалин девор билан уралган бўлиб, атрофи икки зовур билан қуршалган. эди. Рус қўшинлари билан қўқонликлар уртасида қаттиқ жанглار бўлиб, пировардида, душман голиб келади. Бу ҳақда манбада, жумладан, шундай дейилган: «Чимқўрғон бошлиги Мирза Ҳасан ва унинг сафдошларидан 12 киши ҳалок этилди, уч киши қалъа деворидан қочиш учун ўзларини сувга ташлаганда отиб ўлдирилди. Руслар томонидан талафот кўрилмади. Қалъадаги аёллар ва болалар асирликка ва қуроласлаҳалар ўлжага олинди. Дарҳол қалъани портлатишга ва деворларини бузишга киришилди. Бу иш деворнинг ниҳоятда мустаҳкамлиги ва қалинлиги туфайли 3 кун давом этди».²

Рус аскарлари қўқонликлар ташлаб кетган Кумушқўрғон қалъасини ҳам ёндириб ташладилар. Умумлаштирилганда, полковник Бларамберг бошчилигидаги қўшин 6 ҳафта давомида бир минг чақиримдан ортиқ йўл босиб Оқмасжиднинг сиртқи деворини шикастлантирди ва учта Қўқон қалъасини ер билан яксон қилиб, 22 августда Орол истехкомига қайтди.

Шу тарзда Рус давлати Сирдарёнинг унғ қирғоғида уз мавқеини анча мустаҳкамлашга эришди. Шунинг учун ҳам ҳукумат ҳарбий юришга катта баҳо бериб, унинг қатнашчиларини тақдирлади. Жумладан, полковник Бларамбергга генерал-майор унвони берилди. Бош-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Донсенне командира Оренбургского корпуса Военному Министру, сентябрь 1852 г., № 1782.

қаларнинг ҳам унвонлари оширилди ёки пул мукофоти берилди. Рус давлати Оқмасжидни эгаллашни навбатдаги биринчи вазифа қилиб қўйди. Буни амалга оширмай туриб Қўқон хонлигининг Қозоғистондаги мавқеига зарба беришнинг ҳеч иложи йўқ эди. Шунинг учун ҳам янги ҳарбий юриш уюштиришга қаттиқ киришилди. Шу мақсадда Орол, Оренбург ва Ёйиқ қалъаларида жойлашган ҳарбий қисмлардан пиёда ва отлик аскарлар жамланди. 36 та катта-кичик замбараклар ҳам ажратилди. Шунингдек, Санкт-Петербургдан прапоршик Иогансон бошчилигида ракета командаси ва штабс-капитан Орловск раҳбарлигида саперлар бўлими етиб келган. Ҳарбий юриш чоғида 1852 йили Сирдарёга келтирилиб, 1853 йили ишга туширилган 4 кучли темир кема ва катта қайиқлардан фойдаланишга қарор қилинди. Флотга капитан-лейтенант Бутаков ва лейтенант Эрдели бошлиқ этиб тайинланган. Сирдарёда астрономия буйича текширув утказиш мақсадида денгиз бошқармасидан капитан-лейтенант Иван Илинцев келди.

Ҳарбий қисмлар Оренбургнинг Верхнеозер станцияси ва Орскдан йулга чиқиб, Қорабулоқ портида бирлашиши лозим эди. Шундан кейин генерал-майор Падуров¹ кўмондонлигида Сирдарёга, сунгра Оқмасжид томонга юриш режалаштирилди. Бу режа буйича турт ярим рота, 1250 нафар казак ва 36 замбаракдан иборат қўшин, улардан кейин генерал Перовский бир гуруҳ офицер ва аскарлар билан йулга чиқди. Унга ҳарбий бўлмаган амалдорлардан В. В. Григорьев ва Вельяминов-Зернов Петербургдан келган генерал-майор Хрулев ҳам қўшилган.

Генерал Перовский собиқ Қўқон қалъаси бўлмиш Қўшқўрғон ёнида, яъни Қораузак ва Ёмон дарёлари қўшилиш жойида Қарамоқчи, Орол ва Оқмасжид уртасида иккинчи қалъани барпо этиб, ҳарбий қисмларни жойлаштиради. Қарамоқчи 1-сонли, 1848 йил охирида Орол истеҳкомидан 45 чақирим нарида ташкил топган Казали эса, 2-сонли форт деб номланган эди.

Рус қўшинлари 1853 йил 2-4 июль кунлари Оқмасжидга етиб келди. «Перовский» кемаси ҳам ундан икки чақирим нарида тўхтади. Қўшиннинг умумий сони 2840 кишидан иборат бўлиб, орасида 400 кишилик бош-

¹ Падуров ешлигида асирга олиниб қозоқлар орасида яшаган. Кейинчалик асирликдан қутулиб чулдаги урушларда қатнашган. У чул ҳастини яхши билган.

қирд командаси бор эди. Офицерлар сони 100 кишига борган. Қушинда 2600 от, 1350 туя ва 500 кишидан иборат қозоқ хизматчилари булгани маълум. Оқмасжид қалъаси Сирдарёдан чорак чақирим масофада қурилган булиб, қалин девор билан уралган эди. Деворнинг түрт бурчагида миноралар булиб, атрофи сув тулдирилган зовур билан уралган. У ерда 300 киши 3 мис замбарак билан мудофаада турарди.

Оқмасжид қамалини бошқаришни генерал-майор Хрулев олиб борди. Қалъа атрофига замбараклар урна-тилгач, икки томондан отишма бошланиб кетди. Биринчи отишув 3 соат давом этиб, руслардан 7 киши контузияга учради. Қалъадан ойна ёки металл қириндилари билан қорамой аралаштирилиб, чарм уралган порохли шар отилганлиги диққатга сазовордир. Унинг ичида граната трубкеси ҳам бор экан. Рус офицерларининг тан олишича, қалъадагилар «милтиқлардан мерганлик билан отганлар».

Рус аскарлари замбарак ва милтиқларни обдон ишга солиб ўқни ёмғирдай ёгдиришларига қарамай, ватан ҳимоячиларининг иродасини бука олмадилар. 13 июлда генерал Перовский Оқмасжид қалъаси бошлигига бир қозоқ орқали хат юборади. «Мен, — дейилганди унда, — Умумроссия императори фармонида биноан бизнинг сримизда қурилган Оқмасжидни олиш учун келдим. Гарчанд уни сиз эгаллаб турган булсангиз-да, Оқмасжид олинди, деб ҳисоблайверинг. Куриб туриб-сизки, мен одамларимни йўқотганим йўқ, ҳаммаларингизни қириб ташлашим ҳеч гап эмас. Бекорга қалъа деворларини тузатаётирсизлар. Мен Оқмасжидга дарвоза орқали қираман, негаки ўз қалъасига ҳеч ким девор орқали ўтмайди. Агар бу деворлар меники булмаганда уни аямай бузардим, бунинг учун менда куч етарлидир. Бу ерга руслар бир кунга ёки бир йилга эмас, балки абадул-абадга келганлар.

Агар яшашни истасангизлар, раҳм-шафқат суранглар. Агар Оқмасжидда улишни истасангизлар, бу сизнинг ихтиёрингиздадир. Мен бу ерга урушиш учун келганим йўқ, аммо қалъани олмасдан кетмайман».¹

Куришиб турибдики, генерал Перовский Оқмасжиднинг гўё «Рус ери»да қурилганлигига эътиборни жалб қилиб, ҳарбий босқинчиликни оқлашга уринган. Ҳатто у тинчлик ниятида келганлигига ишонтирмоқчи була-

¹ Донесение генерала Перовского, 31 июля 1853 г., № 62.

ди. У гуё қозоқларни Қуқон хонлиги зулмидан қутқармоқчи экан. Ватан ҳимоячилари генерал Перовскийнинг хатига: «Бизлар бир сиқим порох ва кучада бир кесак қолгунча, ҳамма қурооларимиз тамоман синиб битгунча жанг қиламиз», — деб жавоб қайтарган.

Сунгра икки томон ўртасида даҳшатли жанг бошланиб кетади. Руслар замбараклардан Оқмасжидни тинимсиз уққа тутиб турсалар-да, ватан ҳимоячилари асло бўш келмай мудофаада қаттиқ турадилар.

18 июлда генерал Перовский Тошкентдан Оқмасжидга ёрдамга қушин келаётганлиги ҳақида хабар олади. Шу кунёқ у генерал-майор Падуров ва штабс-капитан Мақашев бошчилигидаги ҳарбий қисмни тошкентликлар йулини тўсиш учун жунатади. Улар биринчи навбатда Қуқон қалъаларидан булмиш Жулакни босиб олишни мақсад қилиб қўйгандилар. Бу ердаги оз сонли Қуқон аскарлари рус қушини келаётганини эшитиб, кучлар тенг эмаслиги ва душман ҳужумига бардош беролмасликлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб қалъани тарк этадилар. Рус қушини келиб Жулак қалъасини портлатиш йули билан бузиб ташлади. 27 июлда улар жанглр ҳамон давом этаётган Оқмасжидга қайтадилар.¹

Хуш, юқорида курсатилган хавфли ва масъулиятли вақтларда нима учун Қуқон ҳукмдорлари Оқмасжид ва бошқа истехкомларга ёрдам қулини чузмади?

Жавобни уларнинг узоқни кўра олмайдиган кишилар булганликлари, тахт учун курашиб шахсий манфаатларига уралашиб қолганликларидан қидириш лозим. Ваҳоланки, душман яқин келажакда хонлик ичкарисига ҳам бостириб кириши бу вақтда сир эмас эди. Шунга қарамай, узаро адоват ва мансаб учун кураш тобора қизиби борарди. «Тарихи жадидаи Тошканд» муаллифи Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг ёзишича, Худоёрхон акаси Маллабекни Тошкент вилоятига ҳокимлик лавозимига тайинлайди. Лекин куп ўтмай Маллабек хонлик тахтини эгаллаш ҳаракатига тушади. «Шу вазият ва жанжалдан фойдаланиб, — дейди муаллиф, — руслар Оқмасжид қалъаси атрофини ўраб олдилар. Гарчанд, Маллахон жиҳод, ғазот ва уруш тараддудини кўришга киришган булса-да, лекин баъзи амалдорларнинг, биринчи навбатда, бутун ҳукумат тахтини олиб ва кучга куч қўшиб, сунгра ғазотни бошлаш керак, — деган

¹ Уша жойда, уша бет.

сўзларига қуниб, аскарни Тошкентдан Қўқон томонга жунатди ва узи ҳам орқасидан йўлга чиқди».¹

Қўқон аскарлари Бешариққа келганларида Маллабекнинг «ақли кириб» тинчлик сулҳи тузиш ва биргаликда Оқмасжидга ёрдам бериш таклифи билан Қўлдош деган кишини элчи сифатида Худоёрхон хузурига жунатади. Аммо «элчи Худоёрхон олдига борган ҳамон ҳеч савол-жавоб қилмасдан унинг қўл-оёқлари ва бўйнига оғир тош боғлаб Сирдарёга чуқтирилди».²

Шундан кейин Маллабек Тошкентга қайтиб газотга тайёргарлик куради. Уни халқнинг барча тоифалари қўллаб-қувватлади.³ Бироқ айрим «қўрқоқ, шум ниятли, номуссиз ва мансабпараст кишилар айтдиларки, Оқмасжидда галабага эришилса яхши, лекин маглубиятга учралса, у вақтда обруйимиз тукилиб, халқ қузига ёмон қуриниб ва айбдор бўлиб қоламиз, иккинчи томондан эса, Тошкент вилоятини ҳокимсиз ташлаб кетиш яхши эмас, негаки, душман фурсатни ганимат билиб уни босиб олиши мумкин».⁴ Маллабек бошлиқ аскарларни Оқмасжидга бормасликка даъват этиб, Тошкент мудофаа деворининг бузилган жойларини тузатиш ва Оқмасжидга яроғ-аслаҳа, қўшин юбориш билан чегараланишни тавсия этдилар.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг курсатишича, Маллабек уларнинг гапларини маъқул қуриб, «Тошкентда акобир, фузало, уламо, умаролари билан маслаҳатлашмай газотга отланган сардорларни Тошкент қалъасини тузатишга жалб қилди. Газот тарафдорлари умидсизланиб истар-истамас кеча-кундуз тер тукиб, тупроқ ташиш билан овора бўдилар».⁵ Шу пайтда Худоёрхон қўшин билан Тошкентга бостириб кирди, Маллабек эса Бухорога қочишга мажбур бўлди. Худоёрхон эса Шодмонхужани Тошкент ҳокимлигига тайинлаб Қўқонга қайтди.

Қўқон ва Тошкентда узаро курашлар қизиб турган пайтда Оқмасжидда ватан ҳимоячиларининг аҳволи жуда оғирлашган эди. Салкам бир ой давом этган қамал,

¹ *Муҳаммад Солиҳ Тошкандий*. «Тарихи жадидаи Тошканд». УзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинаси, рақами 11072, 324-бет. Қўлезма манбалардан маълумотларни олишда марҳум Амин Пулатов бевосита ёрдам берган эди. (Асар шартли икки жилдга ажратилган. — *Мўҳ*.)

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 327-бет.

⁴ Уша жойда, 329-бет.

⁵ Уша жойда, 332-бет.

замбарак ва милтиқлардан муттасил равишда уқ ёғдириб турилиши оқибатда ватан ҳимоячиларининг тинкасини қуритиши турган гап эди. 28 июлга утар кечаси рус қўшини ҳал қилувчи ҳужумга утиб, жанг соат 4 гача давом этган. Бу орада юз берган воқеалар тафсилотини Мулла Ниез Муҳаммад шундай тасвирлаган: «Оқмасжид қумондони Муҳаммадали уч кеча-ю уч кундуз қаттиқ урушгач, пировардида, порох ва қургошин етмай қолди. Буни билган душман қалъа деворини портлатиб бузиб, ичкарига бостириб кирди. Қамалдаги эркак ва аёллар қуролларини ташлаб, ханжар ва қиличлар билан қўл жангига утиб, шундай даҳшатли қирғин-барот бўлдики, бунақасини фалак ҳали ҳеч қачон эшитмаган ва кўрмаган эди. Охир-оқибатда кўп эркак ва аёллар мисли қўрилмаган азоб-уқубатда шаҳид бўлдилар».¹

Ватан ҳимоячиларининг матонат билан жанг қилганликлари кишини ҳайратга солади. Айниқса, ўзбек аёлларининг қаҳрамонона жанглари таҳсинга сазовордир. Улар охириги ҳал этувчи жангда ўртага отилиб чиқиб, душман аскарлари билан юзма-юз қиличбозлик қилганлар.

Ватан ҳимоячиларининг жасорати ва жанговарлиги рус ҳарбий бошлиқларини ҳам ҳайратга солган эди. Жумладан, воқеанинг жонли гувоҳи генерал Перовский юқоридаги бошлиқларига ёзган ахборотида «Қумондон Муҳаммад Алининг ҳалок булишига қарамай, Оқмасжид деворларида ва ичкарисидида юзбоши Лафас бошчилигидаги ҳимоячилар ниҳоятда катта жасорат ва матонат билан жанг қилдилар ҳамда узлари қасам ичганларидек, охириги дақиқагача имкони борида курашдилар», деган эди.²

Қалъадаги эркак ва аёллар асир тушишни номус деб билиб узларини ўлимга маҳкум этганликларини кўриб турган руслар жуда ҳайратландилар. Шу тариқа, 1853 йил 28 июлда Оқмасжид қалъаси рус қўшинлари томонидан забт этилди.

Рус манбаларида кўрсатилишича, қалъа учун жангларда ватан ҳимоячиларидан 206 эркак-аёл ва болалар ҳалок бўлган. Эркаклардан 35 киши, аёллардан 7 киши ва болалардан 10 киши жароҳатланган. Асирликка, ярадорлардан ташқари, эркаклардан 39 киши, аёллардан 73 киши ва болалардан 53 киши олинган. Шу тариқа

¹ Тарихи Шоҳруҳи, 305-бет.

² Донесение генерала Перовского об осаде Акмечети, 31 июля 1853, № 625.

умумлаштирганда, Оқмасжид душман томонидан қамал қилинганда 280 эркак, 83 аёл ва 66 бола, жами 429 киши булганлиги маълум бўлади.

Асир олинганлар муайян вақтдан сунг уз ватанига қуйиб юборилган. Руслар Оқмасжиддан улжа сифатида 2 мис замбарак, 66 пилгали милтиқ, 1600 дона замбарак ўқи, 120 қилич, 120 от ва бошқа нарсаларни қўлга киритганликлари маълум.

Рус қўшинидан 37 киши ҳалок булган, 77 киши жароҳатланиб, 456 бош от нобуд булган.

Рус ҳарбийлари ашаддий душман бўлишларига қарамай, Оқмасжид ҳимоячилари жасоратига ва жанговарлигига тан бериш билан бирга, Қўқон хонлиги томонидан ҳеч қандай ёрдам берилмай қалъанинг ўз ҳолига ташлаб қўйилишидан таажжубланганлар. Оқмасжидни эгаллаган русларнинг шу хусусда деганларини Мулла Ниёз Муҳаммад шундай келтиради: «Ахир дунё шундай бошқариладими? Мовароуннаҳрнинг мусулмон вилоятида дастлабки дарвоза булмиш бу жозибадор ҳамда табиатнинг барча ноз-неъматлари билан тула қалъани шундайгина қўлдан бериб қўйсалар-а! Улар (яъни Қўқон хонлиги — Ҳ. З.) шундай вилоятнинг ва хотинқизлари билан асирга тушиб нафсониятларини ерга уришини хоҳламаган ва улимни афзал билган мардларнинг қадрига етмадилар. Оқмасжид барча мусулмон ерларининг дарвозаси ва Дашти Қипчоқнинг киндигидир. Айтиш мумкинки, кимки мазкур қалъани забт этса, тамоми Дашти Қипчоққа эгалик қилади. Улар бизга мана шу қалъада зарба беришлари керак эди. Агар бухороликлар, хиваликлар, қўқонликлар узаро қарама-қаршилиқларни четга суриб, келишган ҳолда бирлашиб уч томондан бу ёққа келганларида, бизни барта-раф этиш уларга жуда осон кечган буларди. Чунки қўшинга керак нарсалардан бизда на озиқ-овқат, на кийим-бош бор эди».¹

Дарҳақиқат, уч хонлик умуммиллат манфаатларини уйлаб ва бир ёқадан бош чиқариб шиддат билан ҳаракат қилганларида, рус аскарларининг мағлубиятга учраши турган гап эди. Зеро, жангга яроқли 300 га яқин ватан ҳимоячиларини енгиш учун икки мингдан ортиқ рус аскарлари салкам бир ой вақт сарфлагани фикримизнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди.

Рус ҳукумати Оқмасжиднинг қўлга киритилишининг

¹ Тарихи Шоҳруҳи, 199—200-бетлар.

катта аҳамиятини англаб, уруш қатнашчиларининг ун-вонларини ошириб, орден-медаллар ва пул мукофотлари билан тақдирлади. Оқмасжид ўрнига қурилган рус қалъасига генерал Перовский номи берилиб, «Перовский форти» деб аталадиган бўлди.

Генерал Перовский Оқмасжид олиншидан мағрурланиб ва гердайиб очикдан-очик зўравонлик йулига утиб, Тошкент қушбегисига қуйидаги мазмунда хат юборди. «Рус ҳукумати, — дейилганди унда, — Оқмасжиддан нарига утиб Сирдарёнинг юқори оқими буйлаб ҳарбий истехкомлар қуриш ниятида эмас. Шу боис Қўқон ҳукумати ҳам қудратли Россия билан тинч-тотувликни истаса, у вақтда Оқмасжид ва Туркистон шаҳри оралигидаги узининг барча қалъаларини бузиб ташлаши лозим. Хусусан, менинг буйруғимга биноан Жулак қалъаси қандай яксон этилган бўлса, Туркистон шаҳрига яқин жойлашган Янгиқўрғон қалъангизни ҳам шу тарзда бузиб ташлашга мажбурсиз. Агар биз томонимиздан бузилган қалъаларни тикласангиз ёки курсатилган жойларда янги истехкомлар қурадиган бўлсангиз, у вақтда сиз бизни уларни қурол кучи билан босиб олишга ва у ерларда ҳам Оқмасжиддагига ухшаб доимий қолишимизга мажбур этган буласиз.

Сиз Россиянинг нақадар кучлилигини кўриб турибсиз. Шунинг учун менинг сизга маслаҳатим шуки, таклифларимни диққат билан ўрганинг. Агар қудратли ва адолатли қушнингиз (Россия) билан ўжарлик ва душманлик қилсангиз, яхшиликка олиб келмайди. Борди-ю, бизнинг адолатли талабларимиз инобатга олинса, у вақтда тотувлик ва дустликда яшаймиз. Бунинг гарови сифатида Оқмасжидда рус қушинларига қарши қурашган ва асирликка олинган кишиларни бушатдик. Агар биз қўйган шартларни бажариш сизга боғлиқ бўлмаса, уларни дарҳол хонга етказинг. Жавоб тез ва ижобий бўлишини кутаман».¹ Мазкур сатрларда баён этилган талаблар Қўқон хонлигида қандай қабул қилинганлиги бизга қоронғу, аммо унга жавоб олинмаганлиги ҳақида маълумотлар бор.²

Оқмасжидда олинган асирларнинг озод этилишига келганда, шунини айтиб утиш лозимки, ҳақиқатан ҳам рус ҳарбий бошлиқлари «аҳли ислом захмдор, мажруҳ, кучсиз ва заиф кишиларни ҳарбий истехкомдан чиқа-

¹ «Русский Вестник», 1867, № 5.

² Ушш жойда.

риб, солдатлар қўшиб ҳайдаб, у ердан бир неча чақирим масофадаги (бошқалар куриб ибрат олсин учун) Туркистон шаҳри яқинига қўйиб кетдилар». ¹ Бу билан кимки Рус давлатига қарши урушса шундай фожеага учраши мумкинлигини намойиш этиш назарда тутилган, албатта.

Фурсат қўлдан берилган бўлса-да, Тошкент қўшбегиси Худоёрхон курсатмасига мувофиқ қўшин ва халқ оммаси билан биргаликда Оқмасжидни қўлга киритиш учун йўлга отланди. Улар Чимкент ва Туркистонда тайёргарликни янада кучайтириб «Ким улдирса, гозий ва ким улса, шаҳид» дея ислом байроқларини кўтариб, олиму фозиллардан ва жамоа аҳлидан фотиҳа олиб, Шодмонхужа бошчилигида Оқмасжидга қараб юрдилар. ² Тошкентдаги «Шоҳнишон» маҳалласидаги Холназарбий лашкарбоши лавозимига тайинланган эди.

Бу вақтда старшина Бородин бошчилигидаги рус аскарлари ватан ҳимоячилари йўлини тўсиш учун Оқмасжиддан чиқиб, Берқозон деган жойга урнашдилар. 1853 йил 24 августда старшина Бородин Қўқон аскарларининг 15 чақирим наридаги Қумсуат деган жойга келганлиги ҳақидаги хабарни олгандан сўнг уларга қарши юборган солдатлари Сирдарёнинг бўйида 200 кишидан иборат қўқонликларга дуч келиб жангга киришдилар. Старшина Бородин ҳам қўшин билан кетма-кет келиб, Сирдарё бўйига урнашиб олади. 7 минг кишидан, шу жумладан 300 совут кийган кишилардан иборат қўқонликлар ҳужумни бошлаб бердилар. Рус манбасида курсатилишича, ватан ҳимоячилари 3 замбаракни ишга солиб, ҳар томондан ҳужум қилаверганлар. Совутли ҳимоячилар эса рус солдатлари билан юзмаюз тўқнашиб, қўл жанги олиб борганлар. Уруш эрта-лаб соат 11 дан қоронгигача давом этган. Афтидан, рус қўшини оғир аҳолга тушиб қолган бўлса керакки, старшина Бородин қўшимча куч сўраб ўз кишисини Оқмасжид («Форт Перовский»)га юборган. 25 августнинг эрта тонгида ҳимоячилар урушни тўхтатиб орқага қайтганлар. Старшина Бородин Оқмасжиддан етиб келган қўшимча аскарлар билан 26 августда Оқмасжиддан 70 ва Жулақдан 55 чақирим масофада жойлашган Чори-чиғаноққа келганда йўлда қўқонликлар томонидан қолдирилган 233 ҳимоячининг мурдасини кўрган. Бундан

¹ Тарихи жадиддин Тошканд, 348-бет.

² Уша жойда, 349-бет.

ташқари, у шаҳидлар 96 туяда олиб кетилганлиги ҳақида маълумот олган. Руслардан урушда 5 киши улдирилган ва 21 киши жароҳатланган.¹ Аммо маҳаллий манбаларга кўра, рус солдатларидан кўп киши ҳалок булган. Лекин одатдагидек руслар талофатларини атайдан озайтириб курсатиб келганлар. Шодмонхужа ва Холназар бошлиқ ватан ҳимоячиларининг Қумсуатдаги олиб борган жанглари Муҳаммад Солиҳ Тошкандий асарида шундай тасвирланган: «Мужоҳидлар матонат ва жасорат билан душманни ҳар томондан уққа тутдилар. Жанг ва улдириш қуёш чиққандан то кун ботгунча давом этди. Ҳар икки тарафдан кўп кишилар улдирилиб, уликлардан тепачалар ҳосил булди. Урушда Холназар кўп қаҳрамонлик кўрсатиб, таҳсинларга сазовор булди. Уруш майдонида улганлар ва ярадорларнинг, яроғ-аслаҳалар ва чодирларнинг ҳеч бирини қолдирмай олингандан сунг Шодмонхужа раҳбарлигида Туркистон шаҳрига қайтилди, уруш эса дуранг билан тугалланди».²

Туркистон шаҳрида мужоҳидлар зўр ҳурмат ва иззат билан қарши олиниб, жамоа аҳли аскарлар, ярадорлар ва касалларни ўз уйларига олиб кетиб меҳрибонлик ва гамхўрлик қилдилар.³

Муҳаммад Тошкандийнинг сузича, Шодмонхужа Тошкентга келиши биланоқ дарҳол Қўқонга чақирилган. Бу ерда Худоёрхон унинг хизматларини инobatга олиш урнига жазога тартади. У айрим маслаҳатчиларининг «кофирлардан шаҳар ва қалъани олиш биринчи газо саналадур» деган сузларига қулоқ солиб, душманни мағлубиятга учратмаганлигини рукач қилиб, «бечора Шодмонбеги қушбегини туяга мингизиб, Хуқанд шаҳрининг раста ва бозор жойларида айлантириб, масхарасини чиқартириб ва сазо бериб ҳукумат ишларидан маҳрум қилди».⁴

«Ансоб ас-салотин» асарининг муаллифи Мулла Мирзаолим эса воқеани бошқачароқ таърифлайди. Унинг ёзишича, Худоёрхон «Оқмасжид устига сонсиз қушин билан Шодмонхужа додхоҳ ва Муҳаммад Каримшайх ва Саримсоқ додхоҳни юборган. Улар русларга юзмаюз була олмай туқайларда жонларини сақлаб қочиб

¹ Рус императори фармониға биноан старшина Бородинға подполковник унвони берилган. Шунингдек, қўқонликларға қарши урушганларнинг бир қанчаси ҳам тақдирланган.

² Тарихи жадидайн Тошканд, 351-бет.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда, 349—359-бетлар.

келдилар. Ғазаби қузиган Худоёрхон уларга хотинларнинг кийимини кийдириб, Ўрда шийпони олдида чарх қуйиб ип йигиртирди».¹

Аммо бу сатрлардаги Шодмонхужа бошлиқ мужоҳидларнинг рус аскарлари билан туқнашмаганлиги ҳақидаги сўзлар ҳақиқатни акс эттирмайди. Жанг булганлигини рус манбалари ва Муҳаммад Солиҳ Тошкандий тасдиқлайдилар.

Худоёрхон Оқмасжидга (Перовский фортига) иккинчи маротаба ҳарбий юриш уюштиришга қарор қилиб, Эрназар иноқ ва Муҳаммад Қосим мингбоши раҳбарлигида қушин жамлайди. Бу вақтда «қиш мавсуми эрди, — деб ёзади, Мулла Мирзаолим, — баъзи ёшу қари сипоҳийларга бу унча маъқул тушмайди».² У об-ҳавонинг ниҳоятда ноқулайлигига қарамай ватан ҳимояси учун курашиш тарафдорларининг куплигини таъкидлаб ёзади: «Қиш мавсуми эдиким, совуқдан ердан осмонгача ҳамма нарса музлаган эди, ер усти мрамар тошдек силлиқ ва оёқ қуйиб булмайдиган даражада яхлаган. Худоёрхон Марғилон ҳокими, қипчоқ жамоасининг сардори ва баҳодири Утаббой қушбеги жангчиларига, бошқа шаҳарлар ва элатлардан келган мужоҳидларга инъом-эҳсонлар бериб, тўнлар кийгизиб Қосим мингбошини амирлашқар қилиб жўнатдилар».³ Мужоҳидлар Қуқондан чиқиб Сирдарёдан утиб Қурамадаги Кировчи қалъасига келганда унинг бошлиғи Мирза Аҳмад парвоначи ўз аскарлари билан қушилиб ҳаммалари Тошкентга етиб келганлар. Улар бу ердаги Келмастепа мавзеида «ҳар куни туп-туфанг машқини куздан кечириб тайёргарлик кўрдилар. Сунгра уларга тошкентлик жангчилар ва газот талабгорлари қушилишди».⁴

Сунгра ҳар кимга тўнлар кийгизилди, маошлари берилди, инъому эҳсонлар қилинди, Тошкент болалари таъғилга чиқарилди. Шайхларга ва гадоларга назр-ниёз берилди, улардан дуо олиниб газот қилиш учун Тошкентдан чиқишиб Туркистон шаҳрига бориб етдилар».⁴ Сунгра аскарлар ва оломон Оқмасжид томон юриб 1853 йил 14 декабрда унинг атрофига жойлашадилар. Уларнинг сони 12-13 минг кишига бориб, 17 замбараклари бор эди. Уруш бошланиб даставвал икки томон бир-

¹ *Мулла Мирзаолим*. «Ансоб ас-салотин». УзФА Шарқшунослик институтининг қўл-эмазар фонди, рақами 3753, 219-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Тарихи жадидаи Тошканд, 353-бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

бирларига замбараклардан уқ отишдилар. Қалъа кумондони Огарев мужоҳидларнинг сон жиҳатидан куплигини ҳисобга олиб, мудофаада эмас, балки ҳужум билан ҳаракатни лойиқ топиб, 500 дан ортиқ солдат билан тўсатдан ҳужум қилишни майор Шкупага буюради. Бу жанг учун 4 замбарак ва 2 ракета станогини ажратилган. 19 декабрнинг эрта тонгида руслар қалъа дарвозасидан кўққисдан чиқиб мужоҳидларга ҳужум қиладилар. Аввал мужоҳидлар бироз саросимага тушган булсаларда, кейин уларини унглаб олиб рус ҳарбий қисмини ураб олишга эришадилар. Шу пайтда подполковник Огарев инженер-прапорщик Алексеев ва штабс-капитан Погурский бошчилигидаги ҳарбий қисмни солдатларга ёрдам учун жунатади. Шундан кейин қаттиқ жанг булиб, мужоҳидлар 2000 кишини йўқотиб, чекинишга мажбур буладилар, душман томонидан 17 замбарак, порох, озиқ-овқат ва яроғ-аслаҳалар улжага олинади. Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг ёзишича, Оқмасжидда «пешиндан аср намозигача қаттиқ ва даҳшатли уруш булиб, куп мусулмонлар шаҳид ва захмдору-мажруҳ булди. Утаббой қушбеги билан (Тошкент ҳоқими) Суфибек куп гайрат ва жасорат курсатиб, уруш майдонидаги улган ва ярадор булган мусулмон аскарлари жасадларини, яроғ-аслаҳаларини русларга бермасдан олиб қароргоҳга келсалар оғзи катталар, мансабпарастлар, тили узунлар, фитначилар жон талвасасида чодирларни, яроғ-аслаҳаларни, от ва туяларни, 18 узоққа отадиган тупларни ташлабдилар ҳамда душманга қарши бирон уқ узмай отда ёки пиёда қочишибдилар».¹

Совуқнинг тобора авж олиши орқасида ватан ҳимоячиларининг қўл-оёқларини совуқ уриб, не-не азоб-уқубатлар билан Туркистонга қайтадилар. Айниқса, қароргоҳдан қочганларнинг купчилиги совуқ уриши орқасида оёқсиз ва қўлсиз қолиб азоб-уқубатлар билан ўлиб кетганлар.

Рус ҳукумати 1854 йили Перовский форти, 1-форт, 2-форт, 3-форт (Кумушқурғон ўрнида) ва атроф жойларини ўз ичига олган Сирдарё чизигини ташкил этди. Бу линия Россия ва Қўқон хонлиги ўртасидаги чегара ҳисобланарди.

Шу тариқа, Рус давлати Сирдарё қирғоғида мустаҳкамланиб олиб, келажакдаги ҳарбий юришлар учун муҳим таянчга эга бўлди. Бу борада 1854 йили Олмаота

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 359-бет.

овули ёнида Верний ҳарбий истеҳкомининг бунёд этилиши ҳам муҳим урин тутди. Айрим маълумотларга қараганда, 1855 йили Туркистон шаҳридан 1500 кишидан иборат ватан ҳимоячилари Жулак томонга юриш қилганлар. Аммо рус ҳарбий қисми келаётганини эшитиб орқага қайтганлар.¹

Уша йили Рус давлати Или водийсини эгаллаб, Илиорти булимини ташкил этди. Рус давлати Қозоғистонда тобора кучайиб бораётган бир пайтда душманга қарши билимдонлик ва изчиллик билан чора-тадбирлар куриш, мамлакат тақдирини уйлаш урнига Худоёрхон ва атрофидаги узига ухшаш нодон кишилар уз ҳузур-ҳаловатлари гамини едилар. Бу ҳол уша давр кишиларининг асарларида ачиниш ва нафрат билан баён этилган. Масалан, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Рус давлати хонликдаги чиқишмовчилик ва тахт учун курашлардан фойдаланганини бир неча бор уқдириб утади. Оқибатда мамлакатни бошқариш ниҳоятда мураккаблашиб, ҳокимият нобоп одамлар қулига тушиб қолганлиги алоҳида уқдирилади: «Қўқонда Оқмасжид воқеасини эсдан чиқариб айш-ишрат, кайфу сафо, ўйинкулги ва парвосизликка берилиб мамлакат ишидан кўз юмиб, Қозоғистондаги хирож, бож ва закотни ғайридин миллатларга топшириб, ҳукмронликни ганимат билиб, ёмон одамларни, ўғриларни ва ҳаром кишиларни туплаб амалдор қилиб ва волий белгилаб, ҳар бир шаҳарга юбора бошладилар. Айрим жоҳил муллалар ва нодон уламолар сузига ишониб, аҳоли шариатдан узоқлашиб, илмсиз жоҳилларни мансабдорлик қилиб қози, раис, ҳоким, волий лавозимларига утқаздилар. Порахурлик ва ҳаромлик ривожланди, ишни текширмай айтувчилар сузига амал қилиниб, порохурлар, хушомадгўйлар ва умуман нобоп одамлар ҳоким ва мансабдор булдилар. Аксинча, доню, ақлли, фозил ва билимдон кишилар хўрланди ва оёқости қилинди. Кенгаш ва маслаҳат билан иш юритишга йўл берилмади».²

Мазкур сатрлардаги ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи лавҳалар Худоёрхоннинг ниҳоятда масъулиятсизлигининг маҳсулидир. Хон Рус давлати тажовузларига етарли даражада эътибор бермай, кўп вақтини ҳузур-ҳаловатда ўтказган. Бу хусусда Мулла Мирзаолим шундай баён этган: «Саъид Насриддинбек Худоёрхон қатнашу-

¹ «Русский Туркестан», Сборник изданий по поводу политехнической выставки. СПб., 1872, стр. 17.

² Тарихи жадидаи Тошканд, 363-бет.

вида Марғилонда туй қилиб, қиш бошидан баҳоргача халойиққа ошу нон тортиб, инъому эҳсонлар билан томошалар курсатдилар. Хоннинг укаси (Андижон ҳокими) Суфибек ҳам акахонларини туйга таклиф қилди. Худоёрхон жаноби олийлари бир қанча аркони давлат амалдорлари билан Андижонга меҳмонга меҳмон булиб бордилар. У куп вақтлар мобайнида Андижон саҳроларида умаролар билан тамошо қилиб ва улоқ чоптириб, айшу ишрат, кайфу сафо билан яшаб, инъому эҳсонлар, сарполар улашиб ва туйни утказиб Қўқонга қайтган. Бу ерда у давлат ишлари билан шуғулланган бўлса-да, лекин вақтини купроқ ов қилиш билан утказган».¹

Тахтга даъвогарларнинг узаро қонли курашлари ҳам давом этар, бу камдек айрим амалдорлар хонлик қўл остидаги қозоқларга нисбатан адолатсизлик ва зулмни кучайтириб аҳволни янада оғирлаштирардилар.

«1858 йилнинг март ойида, — дейилади рус манба-сида, — Тошкент ҳокими Мирза Аҳмад 3000 аскар билан Авлиёота истеҳкомига келиб, қозоқ бийларини чақириб, фақат қўйлардан эмас, балки туялар, отлар ва қорамоллардан ҳам солиқ тўлашни талаб этди. Бунгача фақат қўйлардан солиқ солинарди. Бийлар уз овулларига бориб талабни маълум қилганларида жамоа аҳли уни бажаришдан бош тортди. Уларга қарши 100 ва 200 кишидан иборат алоҳида икки ҳарбий қисм юборилди. Улар эса зулмни янада кучайтириб турмушга чиқадиган ҳар бир келиндан бир тиллодан солиқ олишни жорий этдилар. Айни бир пайтда улар одоб-ахлоқсизликка ҳам йўл қўйдилар. Зулм ва адолатсизликдан сабр косаси тўлиб-тошган қозоқлар қўзғолон кўтариб Тошкент ҳокимининг укаси Мирзабий ва бошқа амалдорларни улдирдилар. Шундан кейин Олмаотадаги қозоқлар, жумладан, қанжигаликлар, қуклинлар, кутенчинлар, дуғлатлар, бистамчаликлар бош кўтариб қўқонликларни уз истеҳкомларига чекинишга мажбур этдилар».²

Қозоқлар қўзғолони ҳақидаги бу маълумотлар Муҳаммад Тошкандий асарида ҳам уз аксини топган. Чунончи, Худоёрхон Маллабек ва Шодмонхўжа бошчи-

¹ Ансоб ас-салотин, 225-бет.

² Записка управляющего присырдарьинскими казахами командующему Сырдарьинской линией, 31 мая 1858, ЦГА Казахстана, ф. 383, оп. 1, д. 81, л. 25.

лигида қушин юбориб қозоқларни бирмунча тинчитган.¹

Огир вазиятга қарамай хонликда ҳамон тахт учун курашлар давом этиб, охири Маллабек уни эгаллайди. Худоёрхон эса, Бухорога қочади. Рус давлатининг тажовузи Маллахон даврида (1858—1862) ҳам давом этди. 1858 йили полковник Перемилский бошлиқ бир рота, 200 нафар казак ва артиллерия айрим Катта Жуз қабилаларини буйсундиргач, Қуқон аскарлари Чу дарёси водийсига чекинадилар. 1859 йили руслар қозоқларнинг Катта Жузи ва Қирғизистон чегарасидаги Кастэк деган жойда ҳарбий истехком қуриб, Чу водийси орқали Авлиёота, Чимкент ва бошқа жойларга бостириб киришда муҳим таянчга эга бўлиб олди. Шу тариқа, Қуқон хонлигининг шарқий сарҳадларига нисбатан ҳам очикдан-очик катта хавф юзага келганди. Айниқса, Пишпак ва Тўқмоқ сингари Қуқон қалъаларининг мағлубиятга учратилиши хонликка катта зарба бўлди.

1860 йилнинг 26 августида полковник Циммерман икки қатор девор ва зовур билан уралган Тўқмоқ истехкомига ҳужум қилади. Рус солдатларига офицерлардан Криштановский, Таккел ва Каменоградский бошчилик қилганлар. Қалъа мудофаасини эса Хонқули бошқарарди. Уруш бир соат давом этиб, солдатлар 50 марта тўпларни ишга солганлар.² Сунгра истехком таслим бўлишга мажбур бўлган. Мудофаачилар орасида бўлган қозоқлар ва бир гуруҳ қуқонликлар қочиб кетганларидан кейин қалъада 70 киши қолган, холос, Улардан ташқари 50 га яқин хотин ва болалар бўлиб, аёллардан бири жароҳатланган эди.³

Босқинчилар қалъадан иккита байроқ, чуян тўп, 11 пилта милтиқ, 50 оддий пичоқ, 35 қилич, 7 найза, 32 пуд порох, қўргошин, ўқлар ва бошқа нарсалар ўлжа олиб, истехкомни бузиб ташладилар. Лашкарбоши Хонқули мағлубият учун хондан жазо олишидан қурқиб, рус маъмуриятидан бошпана сўраган.⁴

1860 йилнинг 29 августида полковник Циммерман йўлга чиқиб 30 августда Пишпак қалъасига келади. Бу истехком Тўқмоққа нисбатан анча катта ва мустаҳкам эди. Шунинг учун ҳам уни эгаллаш учун 31 августдан 4 сентябр кечқурунгача тайёргарлик ва отишма олиб

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 438-бет.

² Донссенис полковника Циммермана, 28 августа 1860 г.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

борилган. Душман тупларидан отилган 400 снаряд истехкомга анча шикаст етказса-да, ватан химоячилари урушни давом эттириб, душман тарафга туплардан снаряд еғдириб турганлар. Бироқ, руслар устун келиб қалъадагилар таслим буладилар.¹ Бу воқеа 1860 йил 5 сентябрда содир булди. Қалъанинг енгилишида ватан химоячиларида снаряд тугаб қолганлиги сабаб булган.² 627 киши асир олинган. Улар орасида 84 савдогар ва хизматкор, 63 аёл, 38 бола бор эди. Улжа сифатида 5 мис туп, 11 чуян туп, 367 пилта милтиқ, 6 туппонча, 366 қилич, 200 найза, 16 кумуш ва битта олтин билан безатилган қалқон, 114 пуд порох ва бошқа ашёлар қўлга киритилган.³ Истехкомда 2 киши ҳалок булган ва 50 киши ярадор булган. Руслар қалъани олиш учун 954 снаряд, 12869 патрон ва бир неча ракета ишлатганлар.⁴ руслар Тўқмоқ ва Пишпак жангида 6 рота, 600 нафар казак, 200 қозоқ кунгиллилари, 12 оғир замбарак, 4 ракета мосламасидан ташкил топган ҳарбий кучни ишга солгандилар.

Пишпак қалъаси ҳам бузиб ташланади. Пишпак қалъасининг асирликка олинган лашкарбошилари Отабек ва Алишернинг тақдири хусусида машҳур қозоқ олими Ч. Валихонов уз фикрини шундай баён этганди: «Алишер ва унинг ҳамроҳларининг ҳеч нарсага эътибор бермай озод қилиниши катта тарбиявий аҳамиятга моликдир. Қўқонликлар унинг тез орада Пишпакка юборилишига қаттиқ ишонмоқдалар. Чунки Оқмасжидда олинган асирлар тезликда қўйиб юборилган эди. Русларда Алишер ёки бошқа бир осиеликни ушлаб туришга эҳтиёж йўқ. Қўқонликларга Алишернинг улими ҳеч нарса турмай, катта йўқотиш ҳисобланмайди. Аммо Алишерни йўқотишга нисбатан (русларнинг) олийжаноблиги ва юксак инсонпарварлиги қўқонликларга ва қозоқларга кўпроқ самарали таъсир этади».⁵

Мазкур сатрлар шундан гувоҳлик берадики, Ч. Валихонов, қандай булмасин, узбек асирларини озод қилишга даъват этган.⁶

¹ Донесение полковника Циммермана, 5 сентября 1869 г.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

⁵ Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах, том 5, 1985, стр. 144—145.

⁶ Айрим маълумотларга қура, Алишер Семипалатинска доимий яшашга юборилган. У бу срга 1860 йил 20 сентябрда етиб борган.

Туқмоқ ва Пишпак қалъаларининг қўлдан кетиши Қўқон хонлигида катта шов-шув ва қаттиқ норозилик уйғотади. Қўқонда дарҳол ҳарбий тайёргарликка киришилган бўлса-да, лекин у ниҳоятда ўқувсизлик ва адолатсизлик билан олиб борилди. Бу ҳақда Мулла Мирзаолим шундай ёзганди: «Бу вақтда руслар Пишпакка ҳужум қилганликлари тўғрисида хабар олингандан кейин бир масжид тарафига бориб яроғ-аслаҳаларнинг барча турлари буйича машқ ўтказилди. Бир куни Маллахон тупчиларга, сарбозларга қаҳр-ғазаб билан машқ буюриб, тўпдан нишонга оттирди. Тупчилар ҳарчанд жонжаҳди билан отсалар-да, нишонга уролмадилар. Шу онда Қовус додхоҳ тупчининг бошини қилич билан танасидан жудо қилди. Бундан барча халойиқнинг ҳуши кетиб жонларидан умид уздилар. Ҳамма қўрқув ва ваҳимага тушди. Маллахон қаҳр-ғазаби пасайгандан кейин уз қароргоҳига кетди ва эртаси Марғилонга жунди».¹

Шубҳасиз, хоннинг аскарларга бундай ёмон муносабати уларнинг руҳи ва жанговарлигига салбий таъсир курсатиши турган гап эди. Шунга қарамай, Ватан ишқи уларни жангларга чорлайверди. 1860 йили Тошкент қўшбегиси Қаноатшоҳ Туқмоқ ва Пишпак қалъасининг руслар томонидан босиб олингани ҳақидаги хабарни Маллахонга маълум қилди. Шундан кейин хон турли жойлардан, жумладан, Андижон ҳоқими Олимбекка Қурама мавзидан ва Тошкентдан қўшин тўплаб, русларга қарши отланишни буюради.² Мулла Олим Махдумҳожининг сўзича, Рус давлатининг тажовузига қарши тайёргарлик жуда оғир ва қалтис сиёсий вазиятда олиб борилган: «Вақтиги, Маллахон хонлик тахтига ултиргандан бошлаб, ёввойи ва саҳройи қирғиз, қипчоқларга хос урдадан жой бериб, доимо оларни ўзига ҳамсар ва ҳамнишин қилиб, ҳукмронлик ва вазирлик ишларини оларга тафвиз айлаб ва қадимий вазир ва надимларни қўздан ташлаб, ҳукуматдорлик ишларидан билкулли бепарво бўлиб, мамлакатдорлик ишларининг ҳаммасини беилм ва бедониш саҳройи қирғиз ва қипчоқларга топширубдир. Олар уз ихтиёрларича иш қилиб, мамлакатдорлик ишидан мутлақо ғофил ва беҳабар бўлиб, фуқароларга хоҳлаганларича жабр ва зулм кўргузуб, атроф-жониб ва сарҳадлардин хабардор бўл-

¹ Ансоб ас-салотин, 244-бет.

² Бартольд В.В. Соч., т. 2, часть 2, стр. 334; Бейсембиев Т.К. «Тарихи Шахрухи» как исторический источник», 1987, стр. 121.

май, жулиснинг иккинчи йилида Русиялар Олмоти шаҳри ила атроф элатини истило қилибдир. Бу хабарни эшитган Маллахон Андижон ҳокими Олимбек қирғизни Куранка ва Кетмонтепа тарафи билан ва етти нафар понсодбошини Тошкент ҳокими Қаноатшоҳ ва Шодмонхужани буюриб беҳаду ҳисоб қушун билан Олмотига юборди».¹

Мана шундай адолатсизлик, бепарволик ва жабр-зулм муҳитида жамланган купнинг кишилиқ қушин ва халқ оломони Тошкент орқали Чимкент, Авлиёота ҳамда Пишпаққа келадилар. Бу ердан Шодмонхужа бошчилигидаги 7000 киши Чу дарёси қирғоғига келиб, Аштак ва Уч Олмоти ораллигида жойлашган рус аскарларига қарши юради. Шундан кейин тоғ бағрига келинганда Олимбек бошчилигидаги 12000 киши билан бирлашадилар. Улар орасида Куртка ва Кетмонтепада яшовчи қирғизлар ҳам бор эди. Аштак (Кастак) ва Уч Олмоти ораллигидаги Бикат деган жойда рус аскарлари билан туқнашув юз беради. Шуниси диққатга сазоворки, бу жангда «Тарихи Шоҳруҳи» асарининг муаллифи Мулла Ниёз Муҳаммад ҳам бевосита қатнашган. У жангни қуйидагича таърифлайди: «Мусулмонлар кофирларни ураб олиб жангга шайландилар. Бу вақтда Олимбек ва Қаноатшоҳ қушинлари уртасида ким сардорлик қилиши масаласи буйича келишмовчилик юзага келиб, Олимбек рақибига зарба бериш учун қушини билан узини четга тортди. Бу билан у ор-номуси ва жасоратини йўқотди. Тошкентликлар қурамалиқлар билан биргаликда «тақдир» деган сузни баралла жаранглатиб узларини душман ўқларига урдилар. Мазкур сатрларнинг муаллифи камини фақир эса «купхудоликларни улди-ринглар», «эй худо, дин ҳимоячиларини сақла» деган хитоб сузлари билан мусулмонларни руҳлантириб турдим. Мусулмонлар узларини кофирларнинг ўқлар денгизига ташлаганда душман замбаракларидан ва милтиқларидан шундай бир ўқлар отилдики, бамисоли осмону фалақдан чақмоқ ва яшин еққандек булди. Ҳатто қиёмат-қойим кун келгандай булиб, туғлар ва милтиқлардан отилган ўқларнинг овози фаришталарнинг карнайлари товушига ухшаб кетди. Куп жасоратли ва қаҳрамон йигитлар мисли курилмаган азоб-уқубатлар шарбатини ичиб, узларини олов бағрига отдилар. Айрим қаҳрамонлар қилич билан кофирларнинг калласи-

¹ *Мулла Олим Махдумхожи. Туркистон тарихи. 1992, 74—75-бетлар.*

ни кесиб ташладилар. Жанг шу тарзда бир соат давом этди. Пировардида, тинимсиз давом этган уқ ёмғирларининг дастидан қозоқлар ва тиланчи-кучманчилар қочиб тоғнинг ичкари томонига бекиндиладар. Аммо қушинимиз кофирлардан юзларини утирмай эрталабдан пешингача урушдилар. Ниҳоят, кофирлар мусулмон уқларидан заифлашиб тепаликлар орқасига кетдилар. Мусулмон қушинининг кўп қисми Қаноатшоҳ бошчилигида жанг майдонидан 9 чақирим нарига жойлашдилар. Қушиннинг бошқа қисми кечқурунгача душманга уқ узиб Кастаккача чекинишга мажбур этди. Сунгра улар ҳам Қаноатшоҳ қушинига қушилдилар».¹ Сунгра Қаноатшоҳ Уч Олмоти ва Кастак атрофида қозоқларни Пишпак, Марки ва Авлиёота мавзеига кучирди. Шундан кейин Қаноатшоҳ аскарлари билан руслар томонидан бузиб ташланган Пишпак қалъасини қайта тиклади. У бу ерда икки ой туриб Тошкентга қайтди. Рус манбаларида ҳам юқорида шарҳланганидек, қаттиқ жанглр содир булганлиги уқдириб утилган. Чунончи, 1860 йилнинг кузида ватан ҳимоячилари Пишпак атрофига ва сунгра Илиорти томонга борган. Бу ердан уларнинг авангард қисми Вернийдан 27 чақирим масофадаги Узуноғоч деган жойга келганлар. 20 октябрда подполковник Колпаковский 3 пиеда рота, 400 нафар казак, 6 замбарак ва 2 ракета станого билан Вернийдан чиқиб, Кастакка келганда ватан ҳимоячилари билан тўқнашган. Умуман, ватан ҳимоячилари уч қисмга бўлиниб Кастак тепаликларида, Узуноғоч атрофида ва Қоракастакда душман билан жанг қилганлар.²

«Хуллас, — деб ёзган ўзининг ҳукуматга берган ахборотида Колпаковский, — қарши томон мутлақо кутилмаган ҳолда қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Уларнинг ҳужуми ниҳоятда шиддатли бўлиб, бир неча бор қўл жангига айланиб кетди».³ Шунингдек, у қўқонликларнинг замбараклари илгариги вақтлардагига нисбатан анча такомиллашиб, мўлжалга урадиган бўлиб қолганлигини алоҳида таъкидлаб утган.⁴

Ватан ҳимоячиларининг умумий сони 20 минг киши ҳисобланиб, 10 та замбараги булган.⁵ Улардан жангда 1500 киши ҳалок бўлиб, кўп одамлар жароҳатланган.

¹ Туркистон тарихи, 74—75-бетлар.

² Донсенение генерала Госфорда, 10 ноябрия 1860 г., № 1719.

³ Уша жойда, уша бст.

⁴ Уша жойда, уша бст.

⁵ Уша жойда, уша бст.

Руслар эса бир киши йўқотиб, 32 нафари ярадор бўлган.¹ Афтидан, рус аскарларидан улганларнинг сони камайтирилиб берилган. Негаки, Мулла Ниез Муҳаммад ва подполковник Колпаковскийнинг ҳар иккаласи ҳам қаттиқ жанг бўлганлигини баён этганлар. Айниқса, биринчи муаллифнинг уз кузи билан куриб руслардан ҳам куп кишилар ҳалок этилганлиги ҳақидаги сўзлари фикримизнинг далилидир.

1861 йили Сирдарё чизигининг бошлиги генерал-лейтенант Дебу Жулакда урнашиб олгандан кейин 20 сентябрда 39 офицер, 719 солдат ва подполковник Султон Илакей бошчилигидаги қозоқ кунгиллилари ҳамда замбараклар билан Қўқон қалъаси Янгиқўрғонга йул олади. Бу қалъа 3 метр баландлик ва қалинликдаги девор билан, эни 3 ва чуқурлиги 1 метрлик зовур билан қуршалган эди. Қалъа ҳимоячилари русларнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифини рад этгандан кейин ҳар икки томон уртасида отишмалар бошланиб, қалъани ут-аланга қоплайди. Айни бир пайтда унга тинимсиз душман уқи ёғиб турди. Урушни давом эттиришнинг иложи қолмагандан кейин ҳимоячилар 23 сентябрда таслим бўладилар.² Асирликка тушганлар сони 160 киши бўлиб, улардан 40 таси аёллар ва болалар эди. Қалъа бошлиги Қосимбекхужа эса Қўқонга қайтса мағлубият учун жазоланишини билиб, Перовский фортига (Оқмасжидга) юборилишини сураган. Бу илтимос инобатга олинган.³ Урушда ҳимоячилардан 4 киши улдирилган ва 3 киши яраланган, руслардан бир киши ҳалок этилиб, икки киши жароҳатланган. Қозоқлардан эса бир киши ярадор бўлган.⁴ Генерал Дебу 1862 йилнинг бошида Сирдарёнинг унг қирғоғидаги Динқўрғон Қўқон ҳарбий истехкомини қайта эгаллайди. Уша йилнинг апрели охирларида эса полковник Колпаковский Оқсув ва Чолвари сингари Қўқон қалъалари атрофидан утиб Марки томон юради.

«Урус кофирлари, — деб ёзганди Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий, — беодоблик ила Олмаота мавзесидан ҳаёсизликнинг тошлоқ биёбонига бемуродлик қадамларини қўйиб, Марки қалъасига яқинлашдилар. Бу қалъа Тошкент вилояти тасарруфида эди. Қалъа аҳолиси бу ҳолдан огоҳ бўлиб, ҳаммалари бирлашиб, Сад-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Донссение генерал-адъютанта Бсјака, 4 ноября 1861 г., № 4099.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

ди Искандардек ҳимояга турдилар. Улар ичларида қора кофирлар дафъига фурсат пойлаб мунтазир булдилар. Аҳли кофирлар мусулмонлар журъатини яхшироқ куриб билдиларким, қалъани забт этиш улар учун жуда ҳам мушкулдир, ҳатто қалъага яқинлашишнинг иложи йўқдир. Шунда уруслар пасткаш ва дағал кишиларга хос бўлган макру ҳийладан фойдаландилар. Уларга ер тагини кавлаш осонроқ ва гуё дардларига малҳамдек кўринди. Тез фурсатда улар қалъа дарвозаси тагидан чуқур қазиб, ичини ҳар хил дорилар ила тулдириб, кечаси одамни ёндириб кул қилувчи оташ билан ёқиб юбордилар. Хиёнаткор кишилар доимо шундай қиладилар. Олов шуъласи тез фурсатда манзилига етиб шундай портладики, қалъа дарвозасини уз жойидан девор ила кўтариб ташлади ва уни ер билан яксон этди. Қалъа аҳолиси буни кўриб баъзилари омонат жонини ғанимат билиб тун қоронғусидан фойдаланиб қочиб кетдилар. Баъзилари эса жангга кириб зolimлар қулига тушдилар. Шу даҳшатли воқеадан сунг қалъа иморатларини ер билан яксон қилдилар».¹

Шу тариқа, рус қушини уз мақсадларини руёбга чиқаришда ҳеч нарсадан тоймай шафқатсизлик ва зуравонлик билан иш юритди. Рус ҳукумати Қўқон ва Бухоро хонликлари уртасидаги душманлик ва урушларни ҳисобга олиб, уларнинг узаро муносабатини янада кескинлаштиришга ҳаракат қилган. Муҳаммад Тошкандийнинг курсатишича, Бухорога Петербургдан элчи келиб, Насруллохоннинг Қўқон билан урушдаги ютугини табриклаган ва ҳукумат ёрлигини топширган. Унда, жумладан, шундай ёзилган: «Агар Насруллохонга маъқул тушса, Перовский фортидаги аскарларимизга қипчоқ, қозоқ ва бошқа узбошимчаларни тинчитиб, Қўқондаги тахт учун курашларни бартараф қилиш зарурдир. Шундан кейин Туркистон ва Тошкент билан Сирдарё буйигача булган ерлар, Жиззахдан бошлаб Уратепа, Хужанд, Қўқон, Марғилон, Андижон ва Қашқар чегарасигача чўзилган ерлар Сиз ҳазрати олийларининг қулида бўлиб, ҳукмронлик қилишингизни истаймиз».² Бу таклифдан ниҳоятда мамнун ва хурсанд булган Бухоро амири рус элчиларига розилигини изҳор этган. Шундан кейин, — деб ёзади муаррих, — рус ҳукумати рус

¹ *Аназ Муҳаммад Аттор Хўқандий «Тарихи жаҳоннамои»*. «Шарқ юлдузи», 1991, 8-сон, 119-бет.

² Тарихи жадидаи Тошканд, 442-бет.

ҳарбий бошлиқларига Туркистон шаҳрини босиб олишни буюрган.¹

Қаноатшоҳ Тошкент шаҳрига қайтгандан кейин рус қушини томонидан Янгиқургон истеҳкомининг олинганлиги ҳақида хабар келади. Бу хусусда Мулла Олимхожи сузларини келтириш уринлидир: «Маллахон тахтага утирганининг учинчи йилида (1861) Русиялар Оқмасжид ила Туркистон миёнасидаги Янгиқургонни олиб, ичидаги Хуқанд тарафидин илғор булиб, қургон пойлаб ётган аскарларнинг яроғ-аслаҳаларини ва от-уловларини олиб, узларини пиёда ҳайдаб юборибдир»². Янгиқургонни руслар олгани хусусида хуқандлик Мирзо шоир назм тариқасида бул тариқа ёзган экан:

Баски, қургон бориб нозул этди,
Курди қургонни ҳуши кетди.
Ут куйиб кетган эди руслар...

Қаноатшоҳ катта қушин билан Тошкентдан йулга чиқиб Туркистон шаҳрига ва бу ердан Янгиқургонга келиб, унинг харобасини кўриб қаттиқ ҳаяжон ва ғазабга тушган эди. Қушинни икки қисмга тақсимлаб бирига ўзи бош бўлиб Сирдарёдан кечиб ўтди, иккинчисига эса, Жулакка ҳужум қилишни буюрди. Қаноатшоҳ Оқмасжид атрофидаги айрим қозоқ қабилаларини босиб олиб бийларни ўз тарафига жалб қилишга мажбур этди. Иккинчи ҳарбий қисм Жулакка ҳужум қилиб, иккинчи кун қайтади. Ҳар икки қисм Тувак деган жойда бир-бирлари билан қушилиб бу ерда ҳарбий истеҳком қуришди. Аммо шу пайтда Маллахоннинг аскарларни орқага қайтариш ҳақидаги фармони келди. Шунга биноан улар Тошкент ва Қуқонга қайтдилар³.

Вазиятнинг бу тарзда ўзгаришига тахт учун курашнинг қизиби, хоннинг хавф остида қолиши сабаб бўлган эди. Кўп ўтмай Маллахон ўлдирилиб, тахтга Шоҳмуродхон ўтқазилади.

Шундай қилиб, бу ғал ҳам тахт таллашиш Рус давлатининг тажовузига қарши курашиш ишига катта зарар етказди. Оқибатда қанчадан-қанча маблағ сарфлаб ва машаққатли йўл босиб борган қушин душман билан тўқнашмай беҳудага қайтиб келди. Бу ҳол ватан ҳимоя-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Туркистон тарихи, 75—76-бетлар.

³ Бартольд В.В. Соч., т. 2, часть 2, стр. 341.

чилари руҳини ва жанговарлигини анча пасайтириши турган гап эди. 1862 йилнинг 13 октябрида рус қўшинлари (8 рота, 200 нафар казак, артиллерия ва ракета станоклари) Пишпак қалъасини қамал қилишни бошлаб, икки кун давомида замбарак ва милтиқлардан узлуксиз уққа тутади, уз навбатида, ватан ҳимоячилари ҳам душманга жавоб бериб турган булсалар-да, аммо қаршилиқни давом эттиришга умидини йўқотган ҳимоячилар 24 октябрда таслим бўлишдан бошқа илож тополмайдилар.¹ Душман уларга қарши 2051 снаряд, 63 ракета ва 31879 уқ ишлатган. Улардан 13 киши ҳалок бўлиб, 43 киши жароҳат олди. Ҳимоячилардан анча кишилар улдирилди ва 25 киши жароҳатланди.

Қалъадан 22 қўқонлик лашкарбоши, 554 сарбоз, 82 савдогар ва хизматчи, 92 аёллар ва болалар, 6 қочоқ руслар, жами 756 киши асирликка олинди. 5 мис замбарак, 4 кичик чўян тўп, 600 пилтали милтиқ, бир неча тўппонча, 10 қилич, 7000 замбарак уқи ва бошқа яроғ-аслаҳалар душман қўлига тушган.²

Шу равишда уз ҳолига ташлаб қўйилган энг муҳим истеҳкомлардан бири Пишпак душман томонидан иккинчи маротаба эгалланади. 1863 йили Колпаковский Чу водийсининг Авлиёотагача чўзилган ерларини текшириб янги ҳарбий юришларга тайёргарлик курди. Бу вақтда Сирдарё чизигининг бошлиғи этиб тайинланган полковник Черняев ҳам Жулакдан Туркистонга, Қоратоғдан Қўқон истеҳкоми Чулоққурғонгача булган ерларни текшириб чиқиб маълумотлар тўплади. Черняев Чулоқ ва Сузоқ сингари Қўқон қалъаларини босиб ҳам олди.

Айни вақтда Вернийдаги рус ҳарбий истеҳкомидан то Илиортигача булган жойлар ҳарбий юриш нуқтаи назаридан текширилди. Подполковник Колпаковский ҳарбий қисм билан Пишпакка, подполковник Лерх аскарлар билан Марки ва Авлиёотага, штабс-капитан Працинка эса, Норин томонга юборилди. У бу ерда Жунгал ва Куртка номли Қўқон қалъаларини эгаллаб, бузиб ташлади.

1863 йили Иссиққулга ҳам рус ҳарбий қисми ўрнашди. Амалда бу ҳозирги Қирғизистон шимолида Россия давлати ҳукмронлиғи ўрнатилишининг дастлабки босқичи эди.

¹ Донесение генерала Госфорда, 10 ноября 1860 г., № 1719; Донесение подполковника Колпаковского, 26 октября 1862, № 93.

² Уша жойда, уша бет.

1862 йили Маллахон улдирилиб, урнига ўспирин шаҳзодалардан бири Шоҳмурод тахтга утқазилгач, бу тунтаришга бошчилик қилган лашкарбоши Олимқул ҳокимиятни ўз қулига олган эди. Шундан кейин узаро курашлар қизиб кетиб, Бухородан чақирилган Худоёрхон Тошкентдаги ва бошқа бир гуруҳ нуфузли кишилар ёрдамида тахт учун жанглари бошлаб юборди. Шоҳмурод Худоёрхоннинг таянч кучи ҳисобланмиш Тошкентга зарба бериш мақсадида уни қуршаб олади. Шоҳмуродни қувватлаб Туркистон, Авлиёота ва бошқа жойлардан ҳарбий қисмлар келади. Бу вақтда Бухоро амири оғир вазиятдан фойдаланиб қолиш учун Уратепа ҳокими Абдугаффорбекни ишга солиб Ём, Зомин, Уратепани ўз таъсир доирасига киритишга эришади. Пировардида, Худоёрхон Бухоро амирлиги ёрдамида ўз душманларини енгиб, Хужанд ва Қўқонни эгаллаб, тахтга утиради. Аммо Худоёрхон ҳукмронлиги (1862—1863) узоққа бормади Олимқул бошчилигидаги кучлар уни тахтдан тушириб, Султон Саъидхонни хон қилиб кўтардилар. Худоёрхон эса яна Бухорога қочади. Шундан кейин ҳокимиятнинг ҳақиқий эгаси лашкарбоши Олимқул бўлиб қолди.

Султон Саъидхон (1863—1865) даврида Олимқул «мамлакатдорликни тамомила ўз қулига олиб, жаҳолат ва қаттиқ сиёсат, тартибсизлик, низомсизлик ва узбошимчилик билан ҳукмронлик қилди».¹ У Тошкент ҳокими Шодмонхўжани ҳам улдириб урнига Нурмухаммадни, Туркистонга эса Мирза Давлатни тайинлади.²

Хонликдаги тахт учун олиб борилган тинимсиз курашлар билан бирга, айрим амалдорларнинг қозоқларга нисбатан золимлиги ва талон-торожи аҳволни янада ёмонлаштириб борарди. Масалан, «Мирза Давлат кибр ва гурур билан сарҳадга қараб ва пойлаб турган Русия давлатини кўзга илмай ва атрофдаги қозоқларнинг гариб, бечоралик ва давлатхоҳликларини андиша ва мулоҳаза қилмай, беш кунлик ҳукуматга мағрур бўлиб, бир неча қароқчиларни Туркистонга йигиб, элатларни талон-торож ва бетинч қила бошлабдур. Мирза Давлатнинг бу тариқа ёмон феъли ва зулмидан элатия халқи ва бийлари танг бўлиб қочар ва ноиложликдан онинг итоатидан чиқиб Русия ҳукуматига тобеъ бўлмоқни ихтиёр қилибдур».³

¹ Уша жойда, 287-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Туркистон тарихи, 92-бет.

Мазкур сатрлар муаллифи Мулла Олим Маҳдумҳожининг кўрсатишича, Қўқон амалдорларининг зулмидан азоб чеккан ва сабр косаси тулиб-тошган қозоқ бийлари «Русларга бориб айтибдиларки, Мовароуннаҳр хонлари, чунончи, Бухоро ва Қўқон хонлари орасида адоват ва хусумат пайдо бўлиб, амири Бухоро Фаргона мамлакатини тахти тасарруфига олмоқ муддаосидадур. Агар Бухоро ва Фаргона бир мамлакат булиб қолса, у ҳолда Бухоро маҳкуми икки пойтахтни ихота қилиб, то Тибат, Қандаҳор тоғларидан тортиб лашкар жам қилгудек булса, иш оғир буладур. Алҳол, аларнинг ароларида низо ва беиттифоқлик пайдо булиб турган ҳолда ишни тезлик ва осонлик билан саранжом қиладурсиз»¹.

Бинобарин, хонликлардаги узаро қонли курашлар узоқ жойларгача маълум булиб, норози қозоқ бийлари рус маъмуриятини фурсатни бой бермай ундан фойдаланишга ундаганлар. Қозоқларнинг бундай норози гуруҳларининг рус маъмурияти вакилларига ёрдам сўраб мурожаат этганликлари ҳақидаги маълумотлар Мулла Ниёз Муҳаммад асарида ва рус манбаларида ҳам мавжуд².

Афтидан, Султон Саъидхон ва Олимқул қозоқларга ва қирғизларга нисбатан олиб борилган зўравонликни бартараф қилишга киришган булсалар керакки, Тошкент ҳокими Нурмуҳаммад 1863 йилнинг охирларида Чулоққургон, Сузоқ, Авлиёота ва бошқа жойларда булиб, муайян чораларни амалга оширди. Чунончи, у қозоқ ва қирғиз бийларига варақалар ва қўғонлар юбориб, ўз тарафига оғдиршига ҳаракат қилди. Масалан, Султон Саъидхон ўз номидан сарибағши ва Қўқоннинг бийи Жонтой ботир ва бошқа нуфузли қўғонлар номига ёзилган варақада шундай дейилган: Худойи таолога шукрлар булсинки, шариат қонунлари асосида тинч-фаровон ҳаётга эришдик. Эндиликда 92 қабилалар бирлашиб бир ҳалқани ташкил этди. Шу равишда бизнинг содиқ фуқароларимиз тинчланди, тарафдорларимиз узоқ-яқин жойлардан келишиб бизнинг хурсандчилигимиз ва марҳаматимиздан баҳраманд булмоқдалар. Сизлар ҳам динимиз ва она-юрт ҳурмати юзасидан ҳузури-мизга ташриф буюришингизни ҳамда олий илтифоти-

¹ Туркистон тарихи, 92-бет.

² Донесение командира Оренбургского корпуса Военному Министру, 17 февраля 1864, № 568.

³ Донесение начальника Олатауского окружного командира командирю Сибирского корпуса Калпаковскому, 24 февраля 1864, № 494.

мизни куришингизни сураймиз.³ Шу мазмундаги варақалар Олимқул ва Тошкент кушбегиси Нурмухаммад номларидан ҳам тарқатилган¹.

Нурмухаммад кушбеги Авлиёотага келганда Талас дарёсининг юқори оқимида истиқомат қилувчи қирғиз манопларидан, яъни бийларидан Жангарни, Маймулни ва Тиналини уз ҳузурига таклиф қилади. Кушбеги улар билан суҳбатлашиб, умумдушман Рус давлатига қарши биргаликда курашиш ҳамда Катта Жуз қозоқларига таъсир этиб бу томонга оғдириш хусусида келишиб олади.² Бундан хабар топган ва безовталанган рус ҳарбий бошлиқлари старшина Бутаков бошчилигида 200 казакни Туқмоққа юборади. У ерда Султи, Байтика, Қорчи, Макташ, Шайдилда ва бошқа энг нуфузли қирғиз уруғларининг вакиллари чақирилиб, Қуқон хонлиги тарафига кучиб ўтмаслик ва рус ҳарбий қисмининг юришларига тўсқинлик қилмасликка кўндирилди.³

Нурмухаммад кушбеги бир вақтлар руслар томонидан бузиб ташланган Марки қалъасини биров булса-да тиклади ва 600 кишилиқ аскарни урнаштирди. Қалъага Содик Назар деган киши бошлиқ этиб тайинланди.⁴

1864 йили рус ҳарбий қисмларининг тажовузлари янада авж олган. Чунончи, полковник Черняев Олатоғ округидан 8 рота, 300 нафар казак, 10 замбарак, 7 мортира, 2 ракета станогии ва 2671 аскар билан йулга отланади. Шунингдек, Сирдарё чизигидан полковник Верёвкин бошчилигида 5 рота, 200 нафар казак, 10 тул, 6 мортира ва 2 ҳарбий станокка эга булган 1593 солдат ва артиллерия қисми ҳам йулга чиқадиар. 1864 йилнинг 2 декабрында полковник Черняев Талас дарёсининг чап қирғоғидан Қуқон хонлигига тегишли Авлиёота истехкомига келгач, у ердаги Тиктурмас тепалигида Қуқон аскарлари турганлигидан хабар топади. Черняев 100 нафар казак, қозоқ милицияси, тоғчилар взводи ва уқчи ротасини 2 та ракета станогии билан уларга қарши юборади. Қуқон қушини тепаликдан чекиниб Туркистон шаҳри бағрига жойлашади. Бу ердаги ватан ҳимоячиларининг сони 1500 кишидан иборат эди. Душман кучлари уларни сиқиб Талас дарёнинг чап қирғоғига

¹ Уша жойда, уша бет.

² Донесение командира Сибирского корпуса Военному министру, 4 мая 1864, № 762.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Донесение командира Сибирского корпуса Военному министру, 4 января 1864 г., № 17.

утишга мажбур қилади. Бу ерга шаҳар қалъасидан 500 сарбоз ва 300 отлиқ кузатувида 4 замбарак урнаштирилган экан. Шу пайтда Черняев Авлиёота шаҳар ҳокими Ниёзали додхоҳ номига таслим булишни сураб хат юборади. «Бизнинг сўзимиз, — дейилган эди хатда, — шундан иборатки, мен император олий ҳазратлари фармониغا қўра Авлиёотани эгаллаш учун келдим. Уртада қон тўкилмаслиги учун оқ подшо аскарларига сузсиз таслим булишни таклиф этишни ўзимнинг бурчим, деб ҳисоблайман. Сизлар, барибир, қалъани бизлардан ҳимоя қилолмайсизлар. Қўшқургон, Кумушқургон, Оқмасжид, Янгиқургон, Динқургон ҳамда Қўқон хонлигининг энг муҳим истеҳкомларидан бири Пишпақнинг тор-мор этилиши ва талофати бизнинг галаба қилишимизни курсатиб турибди. Агар бизга уқ ҳам отмай таслим бўлсаларингиз, ҳаётингизни, мол-мулкингизни ва эркинлигингизни сақлашга қудратли ҳукмдорим номидан ваъда бераман. Таклифимни рад этсангиз, у вақтда Авлиёотани ҳалокатга учратасиз. Борди-ю сўзимизга кирсангиз, ички ва ташқи душманларга қарши курашиш учун жуда керакли жасур аскарларингиз жонини сақлаб қоласизлар. Агар қалъани ҳимоя қилмоқчи бўлсаларингиз, бу — сизларнинг ишингиз, албатта. Лекин бунинг даҳшатли оқибатлари учун айбдор булиб қоласизлар. Жавоб учун уч соат муҳлат бераман».¹

Бу вақт ичида жавоб олинмаганидан кейин рус аскарлари 8 замбаракдан шаҳар ва қалъани уққа тутадилар. Эртасига эрта тонгда соат олтида Черняевнинг юборган одами Авлиёотанинг бир савдогари билан келиб хатта жавоб қайтариш учун 14 кун муҳлат берилишини маълум қилди. Шу пайтда Черняев хизматида бўлган штабс-ротмистр Чўқон Валихоновга берилган муддат қатъийлигини вакилга тушунтиришни сўради. Айни бир пайтда шаҳарга 10 замбаракдан уқ ёлдиришни буюради. 1864 йил 2 июнда Черняев 5 рота, 100 нафар казак ва 8 замбарак билан ёмғир остида Талас дарёсини кечиб шаҳар бағрига урнашди. Шундан кейин жанглар авжига миниб борди. Бу уруш маҳаллий манбада шундай тасвирланган: руслар «ҳазрати Авлиёота қалъасига келдилар. Ниёзали бу вилоятни ҳимоясида турган эди. У вазият танглигини баҳона қилиб, ҳамма одамларни олиб, Туркистон томон

¹ Донессенс начальника Зачуйского отряда командирю Сибирского корпуса. 6 июня 1864 г., № 222.

га Мирза Давлат хизматига кетди. Шаҳар уз ҳокимидан айрилди. Фаранги кофирлар (уруслар) қурқмасдан қалъа қамалини бошладилар. Улар тўрт томондан шаҳар ичини тупга тутдилар. Вилоят фуқароси ҳар бир куча ва бозорларда ғайрат ва журъатни узларига қалқон этиб, шаҳар дарвозасидан чиқиб ул лаъин кофирлар ила қаттиқ уруш қилдилар. Бу ҳам натижа бермади ва улар чекиниб қалъа ичига яшириндилар. Душманнинг журъати ошиб, қалъа деворларини тупга тутган ҳолда дарвозага яқин келдилар. Алдаб, тутун босишидан фойдаланиб, тезда бир замбаракни ичкарига олиб киришди. Фуқаро уз аҳлу аёлини ғайрат ила мудофаа қилди, уч кеча-кундуз бозорларда туриб, хотин ва болалари билан оғир жанг олиб бордилар. Бундай уруш бирор подшоҳликда булмаган эди. Авлиёталиқлар Чимкент йулига интизорлик билан куз тикиб, Тошкент ҳокими Нурмуҳаммад қушбеғидан мадад ва ёрдам кутардилар. Бу номард (Нурмуҳаммад қушбеғи) икки ойдан бери Чимкентда макон тутган эди ва ҳамма воқеаларни билиб туриб бечораларга ёрдам бермади. Ниҳоят, аҳолининг аҳволи танг булиб омонлик беришни сўрадилар. Кофирлар бундан хабар топиб, қатлини тухтатдилар, ярашиш режасини тузиб, сулҳга рози бўлдилар. Икки томон ҳам уз уликларини жанг майдонидан чиқариб уз ойин ва динларига кура дафн қилдилар. Мусулмон аҳолисидан шул урушда минг олти юз эркак ва аёл, катта-кичик шаҳидлик даражасига лойиқ бўлди. Кофур мақтуллар қурбонининг сони бу ҳисобга кирмайди».¹

Демак, Авлиёотадаги эркак ва аёллар, ҳатто болалар ҳам душманга қарши бир ёқадан бош чиқариб жанг қилганлар. Бу Ватан ва дин учун курашнинг ёрқин намунасидир. Аммо бу қаҳрамонлик билан олиб борилган кураш Черняевнинг ҳукумат вакилларига йўллаган маълумотларида кўрсатилмади. Ҳатто унда жангда ҳалок бўлганларнинг сони, маҳаллий манбада кўрсатилганидек 1600 киши эмас, балки 307 киши, деб берилган.

Айрим маълумотларга кура, Черняев ва унинг аскарлари шу даражада шафқатсизлик билан ҳаракат қилганларки, Ч. Валихонов бунга қарши чиққан. Ҳатто бу масала бўйича Черняев билан уришиб қолган. У «Авлиётанинг босиб олинishiда рус қўшинларининг му-

¹ Тарихи жаҳоннамои, 119—120-бетлар.

сулмонлар устидан олиб борган ваҳшийлигини (зверст-вони) куриб Черняев билан ҳарбий юришларда қатнашишдан воз кечиб, Верныйга кетган»¹.

Рус қўшини Авлиётани босиб олгандан кейин 5 туп, 400 дан ортиқ оддий милтиқ, 513 қилич, 450 найза, 82 пуд порох, 700 пуд қўргошин ва ядрони улжага олди. Шунингдек, 341 киши асирликка олинди².

Черняев Авлиётани олганлиги учун генерал унвони ва орден билан тақдирланди. Бошқа жанг қатнашчилари ҳам унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Шундай қилиб, Қўқон хонлигининг энг бой, муҳим шаҳри ва истехкоми бўлмиш Авлиёта ҳам душман томонидан ваҳшийларча жанг йули билан эгалланди. Черняевнинг туپлаган маълумотларига қараганда, Авлиётада бундан 45 йил аввал Мадалихон вақтида Одилбек деган ҳоким бошчилигида ҳарбий истехком қурилган. Бу срга Наманганнинг Учқўргонидан ҳам кишилар урнашган³. 13 йил илгари Авлиётага ўзбек Ниезали деган киши ҳокимликка тайинланган. Унинг унта катта-кичик кўчаларида 517 хонадон бўлиб, аҳолининг асосий қисмини савдо-хунарманд аҳллари ташкил этган. Шаҳарда 15 кўнчилик устахонаси, чўян эритиш корхонаси, 8 темирчилик устахонаси бўлиб, хунармандлардан рағбатлантириш мақсадида солиқлар олинмаган. Масжидлар қошида мактаблар бўлган. Асосий даромад манбаи савдо-сотикдан ва кўчманчилардан олинадиган солиқлардан иборат бўлган. Масалан, 100 бош қўйдан 3 таси солиқ ўрнида олинган ҳамда ҳар йили фавқулодда олинадиган солиқлар ҳам бор эди. Савдогарлар ўз молларининг 40 дан бири, деҳқонлар ҳосилнинг ундан бири ҳажмида солиқ тулаганлар. Мана шундай ривожланиш йулига кирган Авлиёта 1864 йилнинг 4 июнида Рус давлатининг қанғалига тушиб қолди.

Хуллас, 1847—1864 йилларда Рус давлати Қўқон хонлигининг ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ерларидаги мавқеига қаттиқ зарба бериб, кўп жойларни қўлга киритди. Бу вақтда Қўқон хонлиги тахт учун қўнли курашлар, Бухоро амирлиги ва Рус давлати тажовузлари орақасида қўнға беланиб, чуқур инқирозга ва катта

¹ *Валихонов Ч.* Собрание соч., т. 5, стр. 364; У Черняев ўз аскарларига ғалабадан кейин Пишпақни бир кўн давомида талашга рухсат берганида ҳам қарши турган эди. (Уша жойда, 379-бет.)

² Донсенсис полковника Черняева, 6 июня 1864 г., № 222.

³ Шунинг учун бўлса керак, Авлиёта «Наманганча» деб ҳам аталган.

талофатга учраганди. Сибир корпусининг командири Дюмагел хонлик аҳволини шундай изоҳлаганди: «Қуқон хонлигида ҳарбий бошқарув ниҳоятда паст, қушин жуда оз ҳамда жуда ёмон кийинган ва қуроолланган, озиқ-овқат умуман жамгарилмаган. Бозорда сотувда нон йуқ, муомалада пул жуда кам, хазина жуда қашшоқлашган бўлиб, уни қоплайдиган даромад манбаи деярли йуқ. Гарчанд хонликда барқарорлик юзага келган бўлса-да, лекин узаро курашлар ва узбошимчаликлар оқибатида халқ ниҳоятда қашшоқлашган. Шунингдек, савдо пасайган, от ва қорамоллар сони камайиб кетган. Қуқонликлар бухороликлар билан душманчиликдадилар. Улар рус қушинлари Авлиёотага яқинлашганда Бухородан ёрдам сурадилар. Аммо Бухоро амири Худоёрни Қуқон тахтига қайта ўтқозиш шарти билан ёрдам беришини маълум қилди. Аммо қуқонликлар бу шартга юрмадилар. Шундан кейин Бухоро амири ҳарбий юриш уюштириб Хужандни, сунгра эса Қуқонни босиб олиш ҳаракатига тушди. Қуқон хонлигидаги гуруҳлар уртасида кураш кузга ташланмоқда. Туркистон ҳокими Мирза Давлат эса янги хонни (Саъидхонни) тан олгани йуқ».¹

Хонликдаги ҳақиқий вазиятни акс эттирувчи бу сўзлардан аёнки, Қуқон ва Бухоро ҳукмдорлари ута ақлидроксиз ва нодон кишилар бўлганлар, холос. Аммо халқ оммаси оғир аҳвол асирига айланмай, рус босқинчиларига қарши мардонавор курашни тухтатмади.

ТУРКИСТОН ВА ЧИМКЕНТНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ

Рус аскарлари генерал Черняев бошчилигида Авлиёота томонидан ҳаракат қилаётган вақтда полковник Верёвкин 1864 йил 22 майда Перовский фортидан (Оқмасжиддан) чиқиб, 8 июнда Қорачиқ ва 9 июнда Туркистон шаҳри атрофидаги боғларга урнашади. Шаҳар баланд девор билан уралган бўлиб, шимоли-шарқий томонида ҳарбий истехком бор эди. Рус манбасига кўра, қалъада 1500 аскар ва қуроолланган оломон мудофаада турган. Уша 9 июн куниёқ ватан ҳимоячилари душманга қарши тўп ва милтиқлардан ўқ ёғдирганлар. Бу вақтда руслар 4-5 рота, 200 казак, 20 замбарак, 6

¹ Донесение командира Сибирского корпуса Военному министру, 4 мая 1864 г., за № 762.

мортира, 2 ракета станогии билан жанг қилмоқда эдилар. Аммо ватан ҳимоячилари мардонавор туриб душманга қарши жангни давом эттирдилар. 10 июн кечасига утар вақтда душман 8 батареяни шайлаб, тонг отганидан сунг қалъани тинимсиз уққа тутади. Оқибатда қалъа ичида ёнгин чиқиб, аҳволни огирлаштиради. 11 июн кечаси душман қалъага янада яқинлашиб, қўшимча батареяни урнатадилар. Соат ўн бирларда ватан ҳимоячилари уч маротаба ҳужумга ўтиб, душманни анча гангитиб қўядилар, босқинчилардан уч киши ўлдирилиб, 25 киши жароҳатланади.

12 июнга ўтар кечаси қалъага ҳужум давом этади. Лекин ватан ҳимоячилари ўнг ва чап томондан ҳужум қилаверганлар. Натижада штабс-капитан Каховский ҳалок бўлади, 8 киши жароҳатланади. Айни бир пайтда ватан ҳимоячиларидан жуда кўп кишилар шахид бўлдилар¹. Шунда руслар тўпларни Аҳмад Ясавий мақбарасига тугрилаб, таслим бўлмасалар, уни ер билан яксон этишларини шаҳар аҳлига маълум қилдилар. Туркистон аҳолисининг қаҳрамонона кураши, оз бўлса-да, маҳаллий манбаларда ҳам битиб қолдирилган: «Туркистон шаҳрининг ҳокими Мирза Давлат додхоҳ, — деб ёзади Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, — Туркистондаги Тошкент ва Дашти Қипчоқ жангчилари билан урушга тайёргарлик куриб, шаҳар қалъасидан ташқарига чиқиб, руслар билан урушиб, иккинчи томондан, Тошкент ва Қўқонга ахборот юбориб, ёрдам беришни илтимос қилиб, интизорлик чекиб урушни давом эттирдилар»².


Уша муаллиф ўз асарининг бошқа саҳифасида жанглар тафсилотини янада аниқроқ ёзиб, ватан ҳимоячиларидан кўп кишилар ўлдирилганлиги ва тирик қолганлар шаҳардан қочиб кетганликларини уқдириб ўтади: «Туркистонни руслар қаттиқ қамал қилиб, эрта тонгдан бошлаб руслар шаҳар қалъасига ҳужум қилиб, шаҳар ичига бостириб кириб, маҳаллаларда кўп фуқароларни, навкарларни ва гозийларни ўлдирдилар. Тирик қолган гозийлар захмдор ва мажруҳларни узлари билан олиб Туркистондан Чимкентга ва бу ердан Тошкентга келдилар»³.

Аммо Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий воқеани би-

¹ Донесение полковника Веревкина, 19 июля 1864 г., № 66.

² Тарихи жадидаи Тошканд, 443-бет.

³ Уша жойда, уша бет.



Чимкент шаҳри қалъасининг умумий куриниши.

роз бошқачароқ таърифлайди: «Бир неча минг урус ва купгина казак сарбозлари Оқмасжиддан сунг Ясси, яъни Туркистон шаҳрини мухосара (қамал) қила бошладилар. Бу ернинг ҳокими Мирза Давлат шижоат ва мардлик намунасини курсатди, уз лашкари билан кофирлар урдусига қарши чиқиб, оғир жанг қила бошлади ва шаҳарга қайтмоқчи бўлди. Аммо Мирза Давлат келиб курса, вилоятнинг қаллоб, касофат ва бузгунчи кишилари олдиндан урусларга сотилиб, уларнинг хизматларида юрган эканлар. Улар вилоятни кофирларга тақдим қилиб, шаҳар дарвозасини мусулмонларга очмадилар. Улар қалъа деворларини тешиб, кофирларни шаҳарга қўйган эканлар. (Мирза Давлат уз сарбозлари билан) бу хиёнат хабарини эшитиб, афсус-надомат қилиб уз жойига қайтди. Улар кечани бирнав утказиб, эрта тонг билан Тошкент вилоятига йул олдилар. Йул-йулакай Чимкентга кириб, мазкур Нормухаммадни курмасдан, Қорақамиш мавзеига етиб келдилар ва ҳазрат Миён Халил Соҳиб боғига тушдилар».¹

Рус манбаларида Туркистон атрофида Қўқон аскарлари билан отишма бўлганлиги қайд этилган.

1864 йил 12 июнда рус аскарлари Туркистон шаҳрини босиб олиб 4 замбарак, 117 милтик, 200 пуд порох, 100 пуд қўрғошин ва бошқа нарсаларни ўлжа олган-

¹ Тарихи жаҳоннамои, 120-бет.

лар. Урушда руслардан 5 киши ўлдирилиб, 33 киши жароҳатланган. Руслар Туркистон шаҳрига 1495 снаряд, 43208 уқ отганлар¹. Бу — жанг даҳшатли бўлганлигидан, кўп кишилар ҳалок этилганлигидан далолат беради.

Аммо шаҳар катталари, хусусан шайхулислом Насрулло Исоқов, нақиб эшон Алиакбархужа Хонхужаев, азизлар — Шарифхужа Бекбетов, қозикалон Отахужа Бухоров, Қози Эшонхужа Мазлумхужаев, Қози Ботирхужа Хужабеков, аълам Абдушукур Қурмонбеков, раис Ғарибхужа Афзалхужаев, Асқархужа Судурхонхужаев ва бошқа кишилар генерал Веревкин номига қўйидаги мазмунда хат ёздилар: «Биз узимиз Қўқон хонлиги даврида Мирза Давлатнинг ғайриқонуний сиқувлари ва зулмидан холи бўлиш учун шаҳар дарвозасини очдик ва ихтиёрий равишда император олий ҳазратларига буйсундик. Биз қўқонликларнинг зулмидан ва зуравонликларидан ҳамда юз бераётган қимматчиликдан жуда қашшоқлашдик, эҳтиёжимизнинг қондирилишига ниҳоятда муҳтожмиз. Шу боис янги ҳукмдоримизга бахтсаодат тилаб қўйидаги сўровларимизнинг инобатга олинишини илтижо қиламиз:

1. Ҳозиргача сақланиб келаётган барча ҳуқуқларимиз ва эҳтиёжларимиз ўз кучида қолдирилиб, ҳамма ишлар ислом дини доирасида амалга оширилсин, суд ҳам шариат асосида олиб борилсин.

2. Отамерос сифатида фойдаланилаётган ерлар, боғлар ва тегирмонлар ҳамда шаҳар ичида ва ташқарисидаги пулга сотиб олинган ерлар шахсий мулк ҳисобида сақлансин.

3. Эндиликда Рус давлати тобелигига утганлигимизни ва камбағаллигимизни назарда тутиб, бизларни закот, хирож (бугдойдан), хонадонлардан ва жон бошидан олинадиган барча солиқлардан озод этилсин.

4. Ҳарбий хизмат бизга татбиқ этилмасин, бошқа барча давлат ишлари эса бажонидил бажарилади.

5. Биз хужалар — Ҳазрат Султоннинг авлодлари қадим вақтлардан буён ва хонликлар даврида ҳам барча давлат солиқларидан озод этилган ҳолда узимизнинг еримизга, боғларимизга, тегирмонларимизга тула эгалик қилиб келганмиз. Бундан буён ҳам мазкур имтиёзлар қолдирилсин. Шунингдек, Уртоқ ва Суяр син-

¹ Донесение полковника Веревкина, 19 июня 1864 г., № 66.

гари икки ариқ сувидан фойдаланишимизга ҳеч ким тўсқинлик қилмасин».¹

Куриниб турибдики, бир гуруҳ дин пешволари, биринчи навбатда, уз имтиёзларини сақлашга купроқ эътибор берганлар. Улар шу даражада нодонлик қилганларки, ислом динида була туриб «кофирлар» қул остида яшашни афзал қурганлар. Улар учун имтиёзлар сақланса, бас. Амалда эса, улар «ёмгирдан қутулиб қорга тутилган» кишилар эди.

Бу вақтларда Туркистон шаҳрида 958 хонадон бўлиб, 10000 киши яшарди. Улардан 68 хонадон юқорида қайд этилган хужа авлодларидан ва 22 хонадон татарлардан иборат эди. Шу боис хужаларнинг генерал Веревкинга ёзган хати халқ номидан эмас, балки бир гуруҳ дин пешволарининг қаламига мансуб эди. Туркистон музофотига Иқон (200 хонадон), Чилич (150 хонадон), Бобой (20 хонадон), Қарноқ (160 хонадон) сингари қишлоқлар кириб, шимолда Чу дарёси, гарбда Янгиқурғон, жанубда Сирдарё ва шарқда Арис билан чегараланган эди. Туркистон атроф жойларида қозоқ қабилалари истиқомат қилганлар.² Хуллас, Туркистон Қуқон хонлиги ҳаётида ҳар жиҳатдан муҳим урин эгаллаб, тобора қад ростлаб бораётган шаҳар эди. Афсуслар булсинки, бу азиз жой ҳам қўлдан бой берилди.

Авлиёта ва Туркистоннинг руслар томонидан босиб олинганлиги ҳақидаги хабар бутун хонлик халқини оёққа турғизди. Султон Саъидхон Қуқондан «ҳамма қасаба, вилоятларга фармон ва иноятномалар жунатиб, ислом дини орқали таъкид ва таҳдид курсатиб, қушин йиғишга киришди. Хон фармони эшитиб ҳар томондан жасур аскарлар ва ботир сарбозлар тупланишиб келдилар... Неча-неча манзиллардан утиб, жаноби хон (лашқари ила) Тошкентга келиб истиқомат режасини тузди. Бир неча муддатдан кейин қолган қушин ҳам етиб келди. Сафар анжомларини камчилигини тулдириб аста-секин раҳшсифат саман жиловини мақсад томон тортдилар».³ Душманга қарши зур тайёргарлик қурилганлигини Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳам таъкидлаб ўтган. Унинг сўзича, Султон Саъид Тошкентнинг Мингурик деган жойига қушин билан урнашган. Бу

¹ Донсесние командующего Сырдарьинской линии командиру Оренбургского корпуса, 27 июня 1864 г., № 93.

² Донсесние командующего Сырдарьинской линии командиру Оренбургского корпуса, 2 июля 1864 г., № 113.

³ Тарихи жаҳоннамои, 121—122-бетлар.

ерда тўп ва милтиқлардан отиш буйича ҳар куни машқ утказилган. «Шундан кейин, — деб ёзади муаллиф, — уруш жиҳозларини отларга, араваларга ва туяларга юклаб, тонготар чоғда саф тортган жангчилар ҳукумат саройи олдидан утиб, Чимкент томон юрдилар. Уларнинг орқасидан тушлар билан бирга Султон Саъидхон ва амири лашкар Мулла Олимқул бошлиқ саркардалар ва сардорлар ҳар бир маҳалла ва масжид олдида тухтаб, халқдан ва дин пешволаридан дуо ва фотиҳа олиб, бутун халқ қўлларини дуога кутариб йиглаб, муллалар ваъзу насихат қилиб, ҳаммани йиғлатиб газога, урушга даъват этиб ташвиқот юргиздилар».¹

Мазкур сатрлар шу ҳақда гувоҳлик берадики, Рус давлатининг тажовузига қарши кураш умумхалқ ишига айланиб, уз сафига аҳолининг барча тоифаларини тортди. Султон Саъидхон ва Олимқул бошчилигидаги қўшин ва халқ оломони Чимкент яқинидаги Шарафхона деган жойга урнашадилар. Бу вақтга келиб руслар Чимкентга яқинлашган эдилар. Черняев 6 пиёда рота, 100 нафар казак, 10 замбарак, 2 ракета станогии ва умуман 1300 аскар билан йўлга чиқиб, 1864 йил 10 июлда Арис дарёси ёқасидаги Ёқчисув деган жойга урнашади. Бу вақтда штабс-капитан Мейер 1,5 пиёда рота, 100 нафар казак, 2 тўп ва 2 ракета станогии ва ҳаммаси бўлиб 400 аскар билан ўша Арис дарёсининг буйидаги Қораспаз номли ерга келади. 15 июлда эса, бу ҳарбий қисм Чимкентдан 12 чақирим наридаги Оқбулоққа келиб жойлашади. Черняев старшина Катанаев бошчилигида 75 отлиқ ўқчи, 50 нафар казак ва 2 замбаракни хавф остида қолган Мейерга ёрдам учун жунатади. Аммо Катанаев аскарлари йўлда ватан ҳимоячилари томонидан қуршаб олиниб, жанг 5 соат давом этади. Унинг икки аскари ҳалок бўлиб, учтаси жароҳатланади.

Бу вақтда Олимқул бошчилигидаги аскарлар ва халқ кўнгиллилари Чимкент атрофига жойлашиб олган эди. Уларнинг бир қисми Катанаев қўшинига ҳужум қиладди. Черняев дарҳол йўлга чиқиб оғир аҳволга тушиб қолган старшина Катанаев билан қўшилишга уринади. Бунга эришгач, у Чимкентдан 8 чақирим масофада жойлашган Олтинтепа қўрғонига бориб жойлашади. Шунда қарши томонда 6-9 минг атрофида ватан ҳимоячилари турганлиги ҳақида маълумот олади. Бошқа маълумотларга кўра, улар сони 10-12 минг кишини таш-

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 448-бет.

кил этган. Маълум вақтдан кейин Лерх ва Мейер уз қушинлари билан Олтинтепада Черняевга қушиладилар. 1864 йилнинг 13 июлида капитан Мейер аскарлари Арис дарёсидан кечиб Оқбулоққа урнашгандан бир кун утиб, 14 июлнинг эрта тонгида ватан ҳимоячилари рус аскарларини қуршаб олиб, жангни бошлаб юбордилар. Икки томондан туп ва милтиқлардан уқлар ёғдирилиб, жанг 16 июлнинг эрталабигача давом этади. Унга Олимқул бошчилик қилди. Солиҳ Тошкандийнинг ёзишича, олдиндан белгилаб қуйилган тартибга кўра, Мингбой Қипчоқ баҳодир бошчилигидаги аскарлар жангни бошлаб берган. Ундан кейин Мирза Давлат қўмондонлигида тошкентликлар, сўнгра Хужанд ҳокими Мирза Аҳмад қушбеги йигитлари майдонга отилиб чиққанлар. Сўнгра бирин-кетин Маргилон, Қўқон, Андижон, Уш, Наманган навкарлари жангга киришганлар.¹ Ҳарбий сардорлар орасида эшони Калонхужа судур, Муминхужа судур, Мирбобо понсодбоши, Аваз Муҳаммадбий ва бошқа жасур кишилар бор эди². Жанг майдонида дин пешволари, олиму фозиллар ва бошқа нуфузли кишилар Ватан олдидаги уз бурчларини адо этиб, кишиларни руҳлантириб турганлар. Бу хусусда ва, умуман, жанг ҳақида Муҳаммад Солиҳ Тошкандий шундай ёзади: «Урусларни пастқам ерда чашма ёнида мужоҳидлар турт тарафдан қамал қилдилар. Бир кечакундуз тўплардан ва милтиқлардан отишма бўлди. Шундан кейин уламолар ва фозиллар навкарлар, жангчилар ва йигитлар орасида юриб, пайгамбар ҳадисларидан гапиришиб жиҳод ва газотга чақирдилар, зафар ва муваффақиятлар тиладилар.

Лашкарбоши Мулла Олимқул мужоҳидларнинг ҳар бирининг кўнглини кўтариб, ҳаммани отдан тушиб ҳужумга утишга фармон берди. Шу равишда карнайлар садоси остида турт томондан урусларга қарши ҳужум қилинди. Уша онда ҳозир бўлган кишиларнинг сўзларига кўра, мужоҳидлар 2-3 минг қадамгача олға чопдилар, аммо икки томон ўртасида бир ярим минг қадам жой қолганда уруслар замбарак ва милтиқлардан шундай қаттиқ уқ ёғдирдиларки, бирданига 12 минг киши жанг майдонида ўлдирилди ва жароҳатлантирилди».³ Шундан кейин рус қушини бошлиғи Мейер урушни тўхтатишни ва ўликларни ҳамда ярадорларни майдон-

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 449—450-бетлар.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 452-бет.

дан олишни таклиф этди¹. Бундан мақсад Мейернинг ўзи бошлиқларига берган рапортига кўра, камайган ўқдориларни тежашдан ва вақтни ютишдан иборат бўлган². Унинг таклифи мағзини чақмаган Олимқул дарҳол рози бўлиб, майдондан уликлар ҳамда ярадорлар олинган. Шу фурсатдан фойдаланиб капитан Мейер аскарлари билан жуфтакни ростлаб қолган. Ваҳоланки, Олимқул жангни тўхтовсиз давом эттираверганда душманни тамомила тор-мор этиб, анча қурол-аслаҳани қўлга киритган бўлур эди.

Капитан Мейер орқага чекинаётганда йўлда подполковник Лерх қушинини учратиб унга қўшилади.

Жангларда 10-12 минг кишилик ватан ҳимоячиларидан, бир маълумотга кўра, 2000, иккинчиси буйича 3000 киши улдирилган³. Аммо Солиҳ Тошкандий айтганидек, улганлар сонини бир неча минг ошиқ қилиб курсатган. Ҳар ҳолда улганларнинг сони куп бўлган. Руслардан эса 13 киши улдирилган ва 67 киши жароҳатланган. Рус қушини жангда 210 ядро, 19 жанговар ракета ва 25.319 дона милтиқ ўқи ишлатди.⁴ Хуллас, Ватан ҳимоячилари душман устидан ғалабага эришадилар. Аммо рус ҳарбий бошлиқлари бу мағлубиятни очиқ-ойдин ёзмай, солдатлар Авлиёота ва Туркистонга қайтдилар, деб силлиққина равишда таъкидлаганлар, холос. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий Чимкент остонасидаги жангни ва ғалабани шундай тасвирлайди: Ватан ҳимоячилари «бор куч-қудратлари билан динимиз душманларига қарши урушайлик ва зарба берайлик, шояд-ки, кофирларга кимлигимизни курсатсак, деган қарорга келишди... Мулла Олимқул эшикоғаси қўлига зафар жilовини олиб, иқбол остонасига қадам қўйди, шарафи эса осмон авжига етиб, фатҳу зафар учун аскарларга ишорат қилди... Икки томондан ҳам ҳарб ноғораси ва уруш найи чалинди. Мусулмонлар тантанаси фазода акс-садо берарди. Довул садоси, ёшу қари фарёди аршдаги малак қўлогини ҳам кар қилди. Ғазабнок суворийлар ва шиддаткор йигитлар душман томон ҳамла қилдилар. Омонлик товуси оромини йўқотиб зотга ухшаб бир чеккада турарди. Ажал лочини уруш майдонида парвоз қилиб, руҳ қушини сайд этарди. Қатл олови шундай ёниб кетдики, осмон тоқига етарди, уруш шуъла-

¹ Тарихи жадилайи Тошканд, уша бет.

² Донесение капитана Мейера, 17 июля 1864 г., № 60.

³ Донесение Черняева, 8 августа 1864 г., № 577.

⁴ Донесение капитана Мейера, 17 июля 1864 г., № 60.

сининг таъсири шундай эдики, унинг нури фалакни ёритарди. Диловар аскарлар уз жонларидан кечиб, ширин ҳаётни унутиб баҳордаги чақмоқ қамишзорга ургандек, курашга ташландилар. Хусусан, аҳли ислом кофирларни қаттиқ жазоладилар, уларни жило тиги билан уриб, шижоат уқини отиб, бошларини танидан жудо қилиб ташладилар. Куп кушойишлардан сунг зафар насими Оллоҳ инояти ила мусулмонлар томонига эсди, кофирлар бошига бадбахтлик тупроғини ҳовучлаб сепди ва уларни шарманда қилди. Уруслар тез орада омонлик сураб мусулмонлар олдида тиз чукиб бош куйдилар».¹

Манбаларда курсатилишича, ватан ҳимоячилари ажойиб галабани қулга киритгандан сунг душман томонидан Олимқул ҳузурига Северцев деган киши элчи сифатида келган. Афсуски, бу элчининг фаолияти рус манбаларида уз аксини топмаган. Генерал Черняевнинг сўзича, аввал гуё Олимқул элчи юборган, бунга жавобан эса Северцев жунатилган. Менингча, голиб томон ҳар қандай шароитда душман ҳузурига элчи юбориб сулҳ тузишни сўраб бошини эгмайди. Буни Олимқулнинг Северцевдан Авлиёота ва Туркистоннинг Қўқон хонлигига қайтарилиши ҳақидаги талаби ҳам тасдиқлайди². Рус элчиси ҳақида бирмунча тўлароқ маълумот Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий асарида мавжуд. «Куп урус кофирлар, — дейилади унда, — бошьяланг, кулоҳларини қулга олиб, кўрқиб узр сўраш учун Мулла Олимқул сардор ҳузурига келдилар. Совга-саломларини тортиқ этиб, душманлик ва адоват руҳидаги калималарни унутиб, улар уз мақсадларини баён қилишди. Мусулмонлар сулҳ васиқасига имзо қуюб, уруслардан икки лак миқдорида Россия тиллосида пул талаб қилишди, бу эса Хўқанди латифнинг 225 минг бир мисқолли ашрафийсига тенг эди. Улар Туркистон вилоятини ҳам қайтариб беришга рози булишди. (Уруслар) рухсат олиб уз қўшинларига қайтиб кетишди».³

Рус элчисининг келганлигини Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳам уз асарида курсатиб утган. Чунончи, «уруслар томонидан, — дейди у, — бир элчи ҳайъати келиб аҳду паймонлар қилиб, Султон Саъидхон олдида уз шартларини изҳор қилиш мақсадида амири лашкар Мул-

¹ Тарихи жаҳоннамои, 122-бет.

² Донесение Черняева, 8 августа 1864 г., № 577.

³ Тарихи жаҳоннамои, 122-бет; 1 лак — 100.000.

ла Олимқулга совға сифатида тун келтирдилар ва жавобга мунтазир булиб турдилар».¹

Олимқул тошкентлик Юнусхон шиғовулга сардорлар, қабила бошлиқлари ва бошқа нуфузли кишиларни туғлашни буюрган. Шундан кейин рус элчиси билан тинчлик сулҳини тузиш масаласи бўйича муҳокама ўтказилиб, бир гуруҳ кишилар сулҳ тузишни ёқлаб, бошқалар, хусусан, тошкентликлар уни кўзбўямачилик ва алдаш учун қилинаётганлигини айтиб, рус аскарларининг орқага дарҳол қайтишини талаб этишни сўрадилар. Бу фикр қувватланди ва элчилар Туркистонга қайтдилар.²

Умуман айтганда, рус элчиси Северцевнинг фаолиятига доир қўлимиздаги маълумотлар етарли булмай, бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Бу масала келажакда қўшимча маълумотлар асосида урганилиши лозим. Шунга қарамай, айтиш мумкинки, рус ҳарбий саркардалари мағлубиятга учраб танг аҳволга тушганликлари учун элчи юбориб, голиблар нима талаб қўйсалар шуни қабул қилганлар ва фурсатдан фойдаланиб тамомила тормор этилишдан сақланиб қолганлар. Айниқса, рус аскарларида ўқ-дори жуда оз қолиши катта хавф туғдирган эди.

Чимкент остонасидаги ғалаба тезда хонликнинг кўп жойларига маълум булиб, у том маънодаги байрамга айланди. Бу хусусда Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий шундай ёзади: «Мулла Олимқул сардор бу фарахбахш хабарларни (ғалабаларни) вилоят ва музофотларга тарқатиб чиқди. Сагиру кабир ва ганию шариф ҳамма жойда бир ҳафта хурсандчилик қилиб, бир-бирларига суюнчи берардилар».³

Аммо ғалаба байрами узоққа чўзилмади. Черняев, Мейер ва Лерх бошчилигидаги қўшинлар бирлашиб, 1864 йилни 22 июлида Оқбулоққа урнашдилар. Сунгра улар Чимкент шаҳри томон юриш бошлайдилар. Уларни 15-18 минг атрофидаги ватан ҳимоячилари қўраб олади. Бу воқеа Чимкент қалъасининг ташқари томонидаги Жинон қабристонида содир булган. Аммо бу ердаги жанглар рус ҳарбийлари ахборотида гуё ҳеч нарса булмагандек тарзда ёзилган. Шубҳасиз, мағлубиятни яшириш мақсадида шундай қилинган, албатта. Аслида ватан ҳимоячилари бу галги урушда ҳам жасорат ва

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 452—453-бетлар.

² Уша жойда, 452—453-бетлар.

³ Тарихи жаҳоннамои, 122-бет.

мардлик намуналарини курсатиб, ажойиб ғалабага эришдилар. Бу жангнинг тафсилоти Муҳаммад Солиҳ Тошкандий асарида ҳам ўз ўрнини топган: «Мингбой Баҳодир биринчи фотиҳани олиб қипчоқ қабиласи йигитлари билан уруслар йулини тусиб, урушга ҳозирланди. Иккинчи тарафдан тошкентлик жангчилар уруш майдонида пайдо булдилар. Шу ҳолда Мирза Аҳмадбек қушбеги бошчилигидаги Хужанд навкарлари урушга киришдилар. Хуқандлик, марғилонлик, андижонлик ва наманганлик сарбозлар амири лашкар Мулла Олимқул қумондонлигида Жинон қабристонининг бир томонида жанг қилдилар. Бу ерда қилич ва найзабозлик билан ёқама-ёқа ушлашиб шундай киргин булдики, уликлардан тепалар ҳосил булди. Жангда Мингбой Қипчоқ от устида қилич билан у ёқдан бу ёққа чопиб душманлар калласини танасидан жудо қилди. Аммо унинг ўзи ҳам душман ўқидан ҳалок булди. Хуллас, кун ботгунча тўхтовсиз уруш бўлиб, ўруслар охири чидай олмай орқага қайтиб Авлиёотага чекиндилар».¹

Ватан ҳимоячилари бу иккинчи даҳшатли урушда ҳам қаҳрамонона равишда курашиб таҳсинларга сазовор бўлганлар. Ҳатто улар чекинаётган душман орқасидан қувлаб борганлар. Бу ҳақда Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандийнинг маълумоти диққатга сазовордир: «Сафар ойининг чоршанба, йигирма иккинчи кунда (28 июлда) бир неча минг кофир ўз «гурхона»ларидан тусатдан чиқиб, ислом лашкарини писанд қилмасдан, уларга тупу туфангдан ўқ отиб, Чимкент қалъаси томон йулга тушдилар. Камози талигача етиб келиб, шу ердан шаҳар қалъасини тупга тутиб, шундай уруш қилдиларки, (курған) одамнинг журъати ваҳимага тушиб, ҳайратдан гунг ва лол булди. Мулла Олимқул сардор жаноблари ҳар бир паҳлавон гуруҳини ҳар жойга тайинлаб, Мингбой қушбегини ўзини орқасига жойлаштирди. Мулла Олимқул эшикоғасининг ўзи бир неча душман билан урушарди...

Алқисса, икки томон ҳам шу хатарли ҳамда хавфли жойда матонат ва сабот ила бир-бирлари билан қаттиқ олишди. Фарғона қушини эртадан кечгача муҳораба қилди...

Охирда зафар шамоли Фарғона томон эсди ва кофирлар тор-мор бўлиб, қочишга ихтиёр қилдилар».²

¹ Тарихи ҳадидайн Тошканд, 455-бет.

² Тарихи жаҳоннамоён, 123-бет.

Мазкур сатрлар муаллифи уруш майдонида Мингбой қушбегининг ўқдан ўлганлигини ва ватан ҳимоячиларининг «шеру йулбарсдек ҳамла қилиб» рус солдатларининг орқасидан таъқиб этганликларини ва улар билан жангга кирганликларини ҳам баён этган.¹

Рус ҳарбий бошлиқларининг тан олишича, туп ва милтиқлардан мулжалга уришда ватан ҳимоячилари анча юқори даражага кутарилган ҳамда Қўқон қушинида бир хил чиройли ҳарбий кийимдаги 500 кишилиқ гвардия қисми ташкил топган. Бу гвардиячилар ўзларининг жанговар маҳорати ва кийими билан рус солдатларида яхши таассурот қолдирган.² Ҳатто генерал Черняев Қўқон артиллериясининг тобора такомиллашиб бораётганидан безовталаниб, агар тез орада хонлик тормор этилмаса, кейин унга бас келишнинг иложи бўлмаслигини ҳукумат вакилларига маълум қилган.³ Гарчанд Қўқон хонлигида ҳарбий соҳада силжиш кўзга ташланиб, галабага эришилган бўлса-да, лекин йул қуйилган катта хатолар ёмон оқибатларга олиб келди. Аввало Олимқул ҳаддан ташқари қуполик ва зуравонлик билан иш юритиб бир баҳона билан тажрибали саркардаларни ўлдирган. Масалан, у Ниёзали понсодбошини Авлиёотани руслардан сақлаб қололмаганлиги учун тупнинг огзига бойлаб оттирган. Ваҳоланки, Авлиёота уруши вақтида унга ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаган эди. Шунингдек, турли айблар қуйилиб, Султон Маҳмудтура, Улуғжонтўра, Нормухаммад қушбеги, Мухаммад Назарбек парвоначи ва бошқалар улимга маҳкум қилинган.⁴

Олимқулнинг, айниқса, қозоқларга нисбатан юргизган сиёсати вазиятни янада кескинлаштирганди. У энг обрули қозоқ бийларидан ҳисобланган Бойзоқбийга кўпчилик ҳузурида «Бойзоқ, сен аввалдан ислом аскарига закот берар эдинг, нега энди бизга бермай, Русияга бердинг?» деганда, Бойзоқбий амири лашқарга: «Тақсир, мен бир юз йигирма бийнинг отасиман, буларга яйлов керак, деб, «Русиядан 25 чақирим ерни ижарага олганман, унинг ижарасини бераман, сизга эса закот бераман», деганда, амири лашқар: «Сен икки марта аҳд қилдинг, яна буздинг» деб, «Шуни замбаракка со-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Донесение капитана Мейера, 17 июля 1864 г., № 60.

³ Донесение Черняева, 26 сентября 1864 г., № 53.

⁴ Тарихи жаҳоннамоин, 123-бет.

либ отқил», дея тупчига фармон берибди. Шунда Бойзоқ чол қари киши бўлиб ёши юздан утган экан, дебди: «Ҳой, амири лашкар, мени бундай қилма, кўзимни кўр қилиб, Ҳуқандга жубор, мен Русияга даф бўламан, мени хабарим болаларим ва бийларимга етса, сенга ёв булурлар, Русияни сенга бошлаб келурлар, ҳар қалай, мени улдирма» деса, амири лашкар қулоқ солмай, «Кафил хат берайин» деса ҳам қабул қилмай, охири куп порохни замбаракка солиб, кичкина одам экан, ёнига икки бог қуруқ беда тиқиб оттирибди. Уни танаси осмонда парчаланиб «на улуги ва на суяги ҳам қуринмабди».¹

Бу даҳшатли фожеа бутун қозоқ элининг Қуқон хонлигига нисбатан қаҳр-газабини уйғотиб, Бойзоқ-бийнинг икки уғли отаси қасдини олишга аҳд қилиб ҳамда туда-туда бўлиб русларнинг ҳарбий юришларига қулларидан келганча мадад ва ёрдам берганлар. Шунинг учун ҳам Мулла Олим Махдумҳожидан бу қилмишни қоралаб: «Мулла Олимқул бир неча кун Чимкентда туриб, қозоқиянинг энг улуг ва эътиборли одамларидин Бойзоқ додхоҳни тупга бойлаб, отиб улдуриб, бир неча сартия ва элатия саркардаларини отиб улдириб, узига ёмон ном олиб, душман устига душманни кўпайтирди», деб ёзганди.²

Вазият нозик ва хатарли бўлиб турган бир пайтда ички ва ташқи тарафда душманнинг кўпайтирилиши, мейёридан ортиқ зўравонлик Рус давлатига жуда қўл келганди. Шунингдек, Султон Саъидхон ва Олимқулнинг энг катта хатоси шундан иборат бўлдики, улар барча ҳарбий кучларни Чимкентга жалб қилиш ва шу ерда бош-қош бўлиб туриш урнига Тошкентга ва бу ердан Қуқонга кетиб қолишди. Гарчанд улар қўшиннинг муайян қисми ҳамда 40 тупни қолдириб, Чимкент қалъасини мустаҳкамлашни ҳоким Мирза Аҳмад қўшбегига топширган булсаларда, лекин иш ниҳоясига етмасданоқ рус аскарлари келаётганлиги ҳақида хабар олинади. Бу вақтга келиб рус ҳукумати Туркистон, Авлиёота, Марки ва Тўқмоқни уз ичига олган Қуқон чизигини ташкил қилиб, унга генерал Черняев қумондон этиб тайинланган эди. Бу линия Фарбий Сибир генерал-губернаторлигига бўйсундирилди.

Ута шуҳратпарастлик ва манманликка берилган ге-

¹ Фарғона тарихи, 307-бет.

² Ансоб ас-салотин, 95—94-бетлар.

нерал Черняев узбек хонликларини шиддат билан эгаллаш тарафдори бўлган. У куп ҳолларда, бошлиқлари билан келишмасдан ҳам узбошимчалик билан ҳарбий юришлар уюштирган. Масалан, у Чимкентни дарҳол босиб олиш лозим, деб бошлиқлари рухсатисиз ҳарбий юришни бошлаб юборади. У 10 пиеда рота, 200 нафар казак, 12 туп, 5 мортира, 1000 кишилик қозоқ милиционерлари қисмлари билан Туркистондан чиқиб, 1864 йил 18 сентябрда Чимкентга яқинлашади. Бу ҳарбий қисмда подполковник Лерх бошчилигидаги аскарлар ва ҳарбий техника ҳам бор эди. 1864 йил 19 сентябрда рус аскарлари Чимкент атрофида жойлашиб, тайёргарлик ишларини олиб борди. 20 сентябр эрталабдан бошлаб душман шаҳар қалъасини уққа тутиши билан жанг бошланиб кетади. Бутун 21 сентябр куни давомида икки томон уртасида уруш давом этган. 22 сентябр эрталаб душман кучлари шаҳарга бостириб кирадилар ва қалъани эгаллайдилар.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг ёзишича, Чимкентдаги ватан ҳимоячилари ва рус аскарлари уртасидаги олишув аёвсиз кечган.¹ Аммо Мирза Аҳмад кушбегининг бир гуруҳ кишилар билан Тошкентга қочиб кетиши мудофаанинг сусайишига олиб келган. Руслар шаҳар ичига бостириб киргандан кейин қўлга тушган одамларни ўлдираверганлари орқасида «мурдалар тўптуп бўлиб» ётган.² Бунга шаҳар аҳолининг душманга қарши қаттиқ жанг қилганлиги ҳам сабаб бўлган. «Икки томон ҳам саъй-ҳаракат ила камоли қаҳрамонлик курсатиб, сабту қарор қадамини босиб, бир-бирлари билан жанг қилдилар... Пиеда ислом лашкарлари имкон қадар кофирларга қарши курашиб, муродсизликдан тушкунликка тушган ҳолда нобакорлар уқидан ҳалок булавердилар...»³

Рус аскарлари қари-ёшга қарамай хонадонларга бостириб кириб, шафқатсизларча кишилар калласини танашидан жудо қилганлар. Шу равишда шаҳар қонга беланган ва бойликлар таланган. Бу туғрида рус муаллифи шундай ёзганди: «Чимкент генерал Черняевнинг ҳужуми орқасида Рус давлати қўлига утди. Қиргинбарот ниҳоятда шафқатсизларча олиб борилиб, солдатлар бозорни таладилар ҳамда хонадонларга кириб ки-

¹ Тарихи жадидайи Тошканд, 458-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Тарихи жаҳоннамойи, 124-бет.

шиларни бугдилар. Шунингдек, куп аёллар ва болалар қаттиқ азоб чекдилар. Жамоа аҳли уша вақтдаги қиргин-баротлар йиллигини катта мотам ва дод-фарёд билан нишонлайдилар. Бунинг учун улар кофирларни жазолашга, яъни уч олишга тайёрдирлар. Лекин бунга имконлари йўқ. Чунки улардан қурол-аслаҳалар тортиб олинган».¹

Босқинчилардан ҳужум вақтида 2 киши ҳалок бўлиб, 36 киши жароҳатланган. Улар куплаб қурол-аслаҳа ва турли-туман бойликларни улжага олдилар. Чимкент ҳам қонли жанглар ва қурбонлар эвазига Рус давлати томонидан босиб олинди. Рус ҳарбий маъмурияти Сидиқ Назар додхоҳни Чимкент шаҳри мингбошиси қилиб тайинлайди.²

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Рус давлати тажовузига қарши курашларда айрим қозоқ ботирлари ўзбекларга ёрдам қўлини чузганликлари маълум. Масалан, машҳур қозоқ ватанпарвари Кенесари Қосимовнинг ўғли Содиқ 120 кишилиқ йигитлари билан ёрдамга келиб, Туркистонда рус аскарларига қарши жанг қилган. У даставвал Рус давлати тобелигида бўлиб, қариндош-уруғлари билан Оқмасжидда яшаган. Сунгра Рус давлатининг ҳукмронлигидан ва тажовузларидан норози бўлиб, Қўқон хонлиги тарафига ўтди.

Содиқ Кенесари ўғли Чимкент атрофларида генерал Черняев бошчилигидаги тажовузга қарши ўзбеклар билан қўлни-қўлга бериб жанг қилиб, бу ерда қўлга киритилган ғалабага салмоқли ҳисса қўшган. У жангда ҳалок бўлган моҳир лашкарбоши ва Олимқулнинг ўнг қўли Мингбой ўрнига тайинланган эди.³ Душман Чимкент қалъасини қуршаб, ҳужум қилган вақтда Содиқ Қўқон отлиқларига бошчилик қилган. У кейинги озодлик курашларида ҳам ўзбеклар билан биргаликда фаол қатнашди. Бу тўғрида сўз ўз ўрнида айтилади.

Туркистон ва Чимкентнинг босиб олинishi рус ҳарбий саркардалари ва солдатларининг босқинчилик иш-таҳасини янада очиб юборганди. Эндиликда минтақанинг энг катта ва бой шаҳарларидан бўлмиш Тошкентни босиб олишга кенг йўл очилганди.

¹ Туркестанский край в 1866 г. Путевые заметки П. Пашино, 1868, стр. 82.

² Тарихи жадидаи Тошканд, 459-бет.

³ «Голос», 1867 г., № 169.

ГЕНЕРАЛ ЧЕРНЯЕВНИНГ ТОШКЕНТГА БОСҚИНИ

Қўқон хонлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан ҳисобланган Тошкент шаҳри ҳозирги Қозоғистон ва Қирғизистон ерларида рус қўшинларига қарши олиб борилган жангларда муҳим урин тутган. Натижада Тошкент узининг қўлаб ватанпарвар фарзандларидан айрилди, катта моддий талафот курди. Эндиликда Рус давлати туғридан-туғри Тошкентни ҳам босиб олишга киришди. Бу вақтда Тошкент шаҳри 25 чақирим узунликдаги қалин мудофаа деворлари билан уралиб, деворининг баландлиги 5-7 метр, остининг эни эса 2-3 метрга етган. Тепасининг кенлиги 2 метрдан кам бўлмай, ички тарафдан очик, сиртидан оралатиб пахсадан ишланган мудофаа минорачалари қурилган. Сарбозлар мазкур минорачалар орқасидан душманга уқ узардилар. Шаҳар Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кукча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч ва Қаймас сингари 12 асосий дарвозага эга бўлган. Бундан ташқари, Тешик-қопқа, Янги Махма, Сарбоз (Урдада) каби кичик дарвозалари ҳам бор эди. Девор устида навбати билан доимо соқчилар алмашиб туриб душман шарпаси қуриниши биланок «ёв келди», деб бақариқ-чақариқ остида шаҳар аҳолиси мудофаага чақирилган. Шаҳар деворининг атрофи сув тўлдирилган чуқур зовур билан уралган. Душман деворга яқинлашиши учун зовурларни кечиби утиши керак эди. Аммо бу осон иш бўлмай, қўп ҳолларда душман аскарлари катта талофат курган. Чунки зовурдан утаётганда сарбозлар уларнинг устига ташланиб, сувга чуқтирганлар ёки пичоқлаб ўлдирганлар. Тошкент Қўқон хонлиги томонидан 1809 йили босиб олингандан кейин ҳозирги Урда купригининг ўнг томонидан Анҳор бўйлаб Мустақиллик майдонигача қўзилган жойдан бошланиб, Навоий кўчаси ва Хадича Сулаймонова кўчалари ўртасидаги ерларни қамраб олган ҳудудда 10 минг аскар сигадиган қалъа қурилган эди. Унинг ўртасидаги ҳукумат саройида ҳоким яшаган. У Қўқон Урдаси ҳам дейилган. Ҳозирги «Урда» сузи шу туфайли юзага келган.

Шаҳар Шайхонтахур (аслида Шайх Хованд Тахур), Себзор, Бешоғоч ва Кукча номларида турт даҳага бўлинган. 1871 йилги маълумотга кўра, Шайхонтахур даҳасидаги 48 маҳаллада кўпроқ темирчилар, туқувчилар, эгар-жабдуқ усталари ва ёғ тайёрловчилар, Себзордаги



Генерал М.Г. Черняев
Тошкент ва бошқа
шаҳарларни босиб олишга
қумдонлик қилган.

диққат марказида турар, шунинг учун ҳам 1861 йилдаёқ ҳарбий саркардалардан бири Безак Оренбург ва Сибир қўшинлари билан Тошкентни дарҳол босиб олишни ҳарбий вазирликка таклиф қилган эди. У бу режа амалга оширилганда, Рус давлатининг чегараси анча кенгайишига, армияни озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлашга, тоғ жинсларига эга булишга ва, умуман, Рус давлатининг таъсир доирасининг кенгайишига эришиш мумкинлигини уқтириб утган.¹

«Тошкент масаласи» 1863 йилнинг 9 мартада рус императори қатнашувида махсус комитетда муҳокама этилиб, Ғарбий Сибир генерал-губернатори Дюгаммелнинг мазкур мавзу буйича фикрини билиш ва 1863 йил баҳорида Сирдарёнинг юқори оқимини ҳарбий юриш нуқтаи назаридан урганиш ва маълумот туپлаш ҳақида қарор қабул қилинади.² Дюгаммел эса, 1862 йилнинг 26 майида ёзган хатида биринчи навбатда Чуй ортига ҳарбий қисм юбориш ва сунгра Авлиёотани қўлга киритишни таклиф этди.³ Шунингдек, у Тошкентни уру-

¹ Туркестанский сборник, т. 54, стр. 16-17.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, уша бет.

шиб олиш анча маблағ талаб этишини таъкидлаб, Рус давлати ихтиёрида мустақил Тошкент хонлигини бунёд этиш мақсадга мувофиқлигини маълум қилди. Генерал Дюгаммел таклифлари 1863 йилнинг 23 февралда тилга олинган махсус комитетда муҳокама қилиниб, «иқтисодий мулоҳазаларга» кура, Авлиётани босиб олиш ва бошқа ҳарбий юришларни тухтаиб туриш тавсия этилди.¹ Шу боис ҳарбий юришларни уюштириш асосан 1864 йилга қолдирилган бўлса-да, лекин қандай бўлмасин Тошкентни эгаллаш нияти рус ҳарбий саркардаларини, хусусан генерал Черняевнинг миясига қатиқ урнашиб қолганди. У Чимкентни урушиб олганидан унчалик кўп утмай, яъни 1864 йилнинг 27 сентябрида, 8 рота, 100 нафар казак, 12 замбарак, 1500 аскар ва 400 қозоқ милицияси (кўнгилчилари) билан Тошкент томон йўл олади.

Бу тўғрида Муҳаммад Солиҳ Тошкандий шундай ёзган: «Уруслар Тошкент сафари учун тайёргарликни бошлаб, асбобу анжомларни тахт қилиб, ҳарбий тайёргарликни кўриб, аскарларини яроғ-аслаҳа билан таъминлаб, ўлдирилган Бойзоқнинг ўғли Оқмуллани юклар ортилган туяларни бошқариб боришга бошлиқ этиб тайинлади. Унинг бошқа ўғиллари эса йўл бошловчи сифатида хизмат қилдилар».² 1864 йилнинг 1 октябрида Черняев Тошкент шаҳрининг шарқий томонидаги Дарвишак қопқа деган жойга етиб келади. Рус ҳарбийлари бу ердан Анҳор сувидан утиб, Чинобод ва Хожа Аҳрор вақф ерлари, яъни Оққургон орқали шаҳарга яқинлашиб Қўқон йулига жойлашадилар. Душман келаётганидан бохабар шаҳар аҳолиси девор устида жангга тайёр турган эди. Қўшфармончи Қипчоқ бошчилигидаги аскарлар Қўқон дарвозаси, Мирза Аҳмад қўшбеги сарбозлари Қашқар дарвозаси ҳимоясига отланганлар. Тўпчилар эса, бу икки дарвоза орасидаги девор устига ўрнашдилар. Мудофаага барча шаҳар аҳолиси отланиб «ғариблар, фуқаролар, қариялар, ҳатто ибодату намоздан кўра қўлимиздан келганча хизмат қилиш яхши ва савоб, дейишиб мужоҳидларга ва ғозийларга сув ҳамда озиқ-овқат етказиб турдилар».³

1864 йилнинг 2 октябрида эрталабдан бошлаб ҳар икки томон ўртасида тўплардан ўқлар узилди. Бу вақтда Эшонқули додхоҳ мадрасаси муллаваччалари (тала-

¹ Туркестанский сборник, т. 54, стр. 16-17.

² Тарихи жадидаи Тошкент, 459-бет.

³ Уша жойда, 462-бет.

балари), хусусан эшон Шарифхужа Офоқхужа угли, эшон Ҳожихон Солиҳхожи юзбоши угли, Саъид Аҳ-
рорхужа Сотиболдихужа угли, пичоқчи уста Содиқ На-
зар, уратепалик Хидирназар заргарнинг укаси ва бош-
қа зиёли вакиллари «ғазони ва бу шарафли урушни
Қуръон, тафсир ва ҳадислардан олинган сўзлар билан
исботлаб, ҳаммани ғазотга ва урушга чорлади. Улар-
нинг узлари ҳам Қўқон дарвозасига бориб тупчиларга
қўшилиб ўқ жойлашда ва отишда қатнашдилар».¹

Генерал Черняев бошчилигида шаҳар девори туп-
лардан ўққа тутилгандан кейин подполковник Обух 2
рота аскарлари ва 4 тупи билан ҳужумга утиб деворнинг
бир қисмини тешишга эришади. Шундан кейин рус
аскарлари подполковниклар — Обух ва Лерх қумон-
донлигида шу жойдан шаҳарга бостириб кириш учун
зовурни кечиб утишга ҳаракат қилганлар. Муҳаммад
Солиҳ Тошкандийнинг гувоҳлигига қура, «уруслар олға
чөпиб зовурга узларини урдилар; уларнинг иккинчи
гурӯҳи ёрдамга келмоқда эди. Шу онда девор устидаги
шертабиат ва довюраклар узларини пастга ташлаб, зо-
вур ичида уруслар билан ёқама-ёқа ушлашиб бир-бир-
ларини ханжар билан ўлдирди бошладилар. Ҳатто баъзи
кишилар қочиб кетаётган душман орқасидан қувиб ва
ушлаб, ханжар ва қилич билан жанг қилдилар. Зовур
ичидаги уруслардан уруш ва талаш билан 72 кишининг
боши танасидан кесилиб, яроғ-аслаҳалари улжа олиниб
ғозийларга булиб берилди».²

Генерал Черняев 2 рота аскар билан шаҳар девори-
га яқинлашса-да, лекин ғалаба қилишига ишонмай, 12
замбаракдан шаҳарни ўққа тутди. Шу пайтда зовурдаги
айрим руслар фурсатдан фойдаланиб уларга қўшилиш
имконига эга бўладилар. Хуллас, генерал Черняев шар-
мандаларча мағлубиятга учраб, 4 октябрда Чимкентга
қайтиб кетишга мажбур бўлди. Тошкентликларнинг жа-
сорат ва мардлик билан жанг қилганликларини рус
муаллифларидан бири ҳам ўқдириб ўтган: «Шаҳар де-
ворига 2 рота ва 4 замбаракдан иборат ҳарбий қисм
подполковник Обух қумондонлигида ҳужум қилди. Куп
ўтмай улар деворни тешишга эришдилар. Шундан ке-
йин Обух подполковник Лерх билан ҳал қилувчи ҳу-
жумни бошлаб юборди. Аммо қўқонликлар (тошкент-
ликлар) шу даражада қаттиқ ўққа тутдиларки, солдатлар

¹ Тарихи жалидаи Тошканд, 462-бет.

² Уша жойда, 463—464-бетлар.

деворга етгунча барча бошлиқларидан айрилдилар. Обух улар ҳолатда жароҳатланди. Черняев ёрдамга келган булса-да, лекин вақт утган эди, йулда уликлар ётарди, ярадорлар жон бермоқда эди. Тириклари эса, зовурда қалашиб мадорсиз ётишарди. 80 га яқин киши ўз бошлиқларининг жасорати учун ҳалок булдилар. Черняев аскарлари ашуласиз ва хурсандчиликсиз гам-ғусса билан Чимкентга қайтдилар. Аммо уларнинг ҳар бири қўқонликлар ғалабадан қувонаётганликларини яхши тушунардилар»¹.

Шаҳар аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб қахрамонна курашганлари туфайли катта ғалабани қўлга киритиш имкони туғилганди. Ғолибларни шаҳарликлар катта тантана билан қарши олдилар. Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандийнинг ёзишича, Тошкентда «жаноби соҳибқироннинг (Султон Саъидхоннинг) келиши хабари маълум булди. Кофирлар ўз жойларига қайтиб кетишди. Тошкентликлар бу фатҳу зафарни эшитиб, жаноби соҳибқиронга беҳисоб лашкар билан бир неча кофирнинг бошини ҳада ва совға сифатида жунатдилар. 19 жумадул-аввал, чаҳоршанба кунда (1864 йил 21 октябрда) бу башоратли хабар ул хосиятсиз бошлар билан бирга Хуқанди латифга келди. Кабиру сағир, фуқаролар бир неча кун хурсандчилик қилдилар».² Шундай қилиб, генерал Черняев аскарлари Тошкент учун жангда катта талофат кўрдилар. Ҳалок булган руслар сони 70-80 кишига борган. Аммо генерал Черняев уларнинг сони 18 киши деб нотўғри маълумот берган, ярадорлар сонини эса, 60 киши ҳисоблаган.

Тошкент ҳимоячиларидан неча киши ўлганлиги ёки жароҳатланганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо улардан ҳам кўпчилик ҳалок ёки ярадор булганлиги ҳақида айтилган умумий сўзлар бор. Тошкентдаги ғалаба Қўқонга маълум булгандан кейин Султон Саъидхон, Олимқул русларга қарши ҳарбий тайёргарлик кўришга жадаллик билан киришадилар. Сунгра улар Тошкент томон йўлга чиқиб, бу ерга келганларида (1864 йил 25 ноябрда) халқ уларни шоду хуррамлик билан кутиб олади. «Султон Саъидхон ва Мулла Олимқул амири лашкар, — деб ёзади Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, — кўп аскарлар билан Чирчиқдан утганда шаҳар аҳли, акобирлари, уламолари, фозиллари, сардорлар ва

¹ *Абаза К. К.* Завоевания Туркестана. СПб., 1902, стр. 85.

² *Тарихи жаҳоннамои,* 124-бет.

шайхлар уларнинг қаршисига чиқиб зиёрат этиб, йиғисиги билан куришиб ва дуога қул кутариб, уларни шаҳардаги ҳукумат саройига олиб келдилар. Уларга мужоҳидлар, гозийлар ва шаҳар аҳолиси қатнашувида зиёфат берилди».¹ Бу душман устидан қозонилган ғалабанинг тантанаси эди, албатта.

Султон Саъидхон ва Олимқул ғалабадан руҳланиб Туркистон шаҳрини озод қилиш учун ҳарбий юришга тайёргарлик кўрдилар. Айрим маълумотларга қура, Қуқондан Тошкентга ҳарбий тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун юборилган Мулла Юнусхон шиговул хон номидан Ҳофиз Куҳакий маҳалласилик Муҳаммад Саъид савдогарни тинчлик сулҳи тузиш мақсадида генерал Черняев ҳузурига юборган.² Афтидан, бундан мақсад келажақдаги жангларга тайёргарлик учун вақтдан ютишдан иборат булган. Буни яхши англаган генерал Черняев сулҳ тузишдан бош тортган ва элчи Чимкентдан ҳеч нарсага эриша олмай қайтган.³

Бу ўртада Қуқондаги ҳиндларнинг бир нечаси Султон Саъидхон ва Олимқул ҳузурига сарбозлик кийимини кийган ҳолда келишиб узоққа отувчи тўплар ва 100 нафар аскарга бошлиқ бўлиш истакларини изҳор қиладилар.⁴ Бу ҳамдардлик ва дўстликни акс эттирувчи таклиф инobatга олинган. Шунингдек, Қуқон, Тошкент ва бошқа жойлардан куп кишилар Ватан ҳимояси учун курашга тайёрликларини билдириб мужоҳидлар қаторига қушилганлар.⁵ Аммо шаҳарда сотқин ва хоинлар ҳам йуқ эмас эди. Масалан, энг йирик бойлардан ва Россия билан савдо қилиб келаётганлардан бири Саъидазимбой Муҳаммад угли (асли қоратегинлик) Туркистонга бориб Янгиқўрғон урушида асирликка олинган рус солдатларини Мирза Давлат додхоҳдан 250 Қуқон тилла пулига сотиб олган. У бу асирларни «ўз манфаатларини уйлаб ва урусларга яхши кўриниш учун» Оқмасжидга олиб бориб, рус ҳарбий бошлиқларига топширган. Бунинг эвазига Саъидазимбой рус ҳукуматидан унвон ва медаллар олиб, уларнинг энг ишончли кишисига айланган. «Саъидазимбойнинг бу ножуя ва номуносиб ҳаракатидан, — деб ёзганди муаррих, — баъзи замон жоҳиллари ва бузуқбошилари, хусусан дуг-

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 464—465-бстлар.

² Уша жойда, 470-бст.

³ Уша жойда, уша бст.

⁴ Уша жойда, 472-бст.

⁵ Уша жойда, уша бст.

лат, аргун ва барлос қабилалари ҳам бу ишга мойил бўлиб халқ орасига муҳолифат ва ишончсизлик уруғини сепдилар!».¹

Дарҳақиқат, Саъидазимбой ва бошқа айрим савдогарлар қулларидан келганча рус ҳарбий саркардаларига ёрдам бердилар. Ҳатто Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Тошкентдаги бир гуруҳ нодон фитначи ва дили бузуқ савдогарлар молларини олиб, руслар босиб олган Чимкент, Сайрам ва Туркистонга кучиб кетганликларини нафрат билан ёзган.² Сотқин гуруҳлар купчиликни ташкил этмаса-да, лекин уларнинг ички сирларни душманга маълум қилиб туришлари руслар ғалабасини таъминлаган энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

ИҚОН ЖАНГИ

1864 йилнинг ноябр ойида Тошкентда Султон Саъидхондан фотиҳа олингандан кейин Олимқул сарбозлар ва ғозийлар билан Шайхонтаҳурнинг катта кучаси бўйлаб Сағбон кучаси ва Сағбон дарвозаси орқали Сарпоғоч йўлига чиқадилар. Улар бу ергача «ҳар бир маҳаллада ва масжидлар олдида тўхтаб жамоа аҳлидан дуо ва фотиҳа олиб» келдилар.³

Қўшинда Олимқулдан ташқари Мирза Давлат қушбеги, қушфармончи Қипчоқ, Юсуфбой додхоҳ, Утабий қушбеги Қипчоқ ўғли ва бошқа нуфузли кишилар бор эди. Ватан ҳимоячилари йўлга отланганда ниҳоятда қаттиқ совуқ тушиб, куп азоб-уқубатларни юзага келтирди. Бу ута оғир шароитни қўйидаги сатрлардан ҳам англаш мумкин: «Шундай қилиб, қиш ҳам кирди. Кундан-кунга ҳаво совуб, қору ёмғир ёғиб, ер яхлаб, қорнинг баландлиги оту туя кукрагига тегадиган бўлди. «Туф», десангиз музлайдиган ҳавода соҳибқироннинг ғайрати тушиб, лашкар сафидан 12 минг ёш йигитни танлаб, уларга Мулла Олимқулни сардор қилди ва Туркистондаги кофирларга қарши жангга боришларини буюрди. Шу вақт ҳавонинг совуқлигидан ҳис ва ҳаракат руҳи бадандан соқиг бўлиб, нафас танадан худди пуст ташлайдиган илонга ўхшаб зўрға чиқарди. Айниқса, Тошкентдан чиқиб Қайрағоч мавзеига етиб келган кун тунда шундай шамол кўтарилдики, Од қавмини⁴

¹ Тарихи ҳақидаги Тошканд, 472-бет.

² Уша жойда, 473-бет.

³ Уша жойда, 476-бет.

⁴ Од қавминининг ҳалокати ҳақида Қуръонда эслатилади.

йуқ қиладиган туфонга ухшарди. (Мусулмонларнинг) бир неча нафарининг оёқ-қулини совуқ урди, баъзиларининг юзлари, кузлари музлади, баъзи кишилар эса ақлдан озиб, сафдан чиқдилар. Бир гаройиб аҳвол юз берди. Лашкар тез суръатлар билан ҳаракат қилиб Чулак мавзеига келди. Одамлар манзил қилган шу жойда кофирлар ҳам кичик қургон бино этиб, бир даста сарбозларни ҳимоя учун қолдирган эканлар. Шу қавмдан қарийб 50 кишини улдириб, хотирларини тоза ва мусаффо қилиб Иқон қалъаси олдида қуш урдилар».¹

Шу равишда мужоҳидлар барча об-ҳаво ва йул азобларини матонат билан енгиб, ғалабани қулга киритдилар. Рус манбаларининг маълумотига кўра, мағлубиятга учратилган уша рус ҳарбий қисми Серов бошчилигида Иқон қишлоғига тўрт чақирим қолган жойда Олимқул кўмондонлигидаги ватан ҳимоячилари томонидан қуршаб олинган экан. Оғир аҳволга тушиб қолган Серовга ёрдам бериш учун Туркистон шаҳридан 170 киши ва икки замбаракдан иборат рус қушини юборилган. Аммо улар ватан ҳимоячиларига дуч келиб орқага қайтишга мажбур булганлар.

Олимқул Серов аскарларини қуршаб олгандан кейин таслим булиш ва мусулмон динини қабул қилса, эркинлик берилишини маълум қилган. Серов бу таклифни рад этгандан кейин Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг ёзишича, ватан ҳимоячилари «Тошкент акобирларининг маслаҳатига кўра, хашак, қамиш ва тиканли наматга ураб ва деҳқонларнинг «қора буйра»сини ясаб орқасидан отлиқлар ҳужумга утдилар. Натижада душман аскарлари яроғ-аслаҳаларини ва бошқа нарсаларини ташлаб ҳамда кўп кишисини йуқотиб Туркистонга қочишга улгурди».²

Иқон жангига тегишли маълумот Аваз Муҳаммад Агтор Хуқандий асарида ҳам мавжуд: «Намози аср ва шом вақти орасида кетма-кет шундай хабар келдиким, бир неча юз урус кофирлари дабдаба билан яқинлашиб келмоқдалар. Бу хабарни эшитиб соҳибқироннинг гафлат уйқуси бошидан учди. Мардлик гайрати унинг ҳамма паю суякларида ҳаракатга келиб, аҳли лашкарини қуроллантириб, кофирлар йўлини тўсиш учун жўнади. Сарбозлар душман йўлини ҳамма томонлама босиб олдилар. Қору муз отларнинг кўкрагига тегар, ҳаво со-

¹ Тарихи жаҳоннамои, 124-бст.

² Тарихи жадидаи Тошканд, 477-бст.

вуқлиги эса ифрот қаддига старди. Шу кечани сарбозлар от устида утказдилар, уларнинг кўпчилигини совуқ урди. Кофирлар эса узлари кавлаган ҳандакларга кириб, юз минг ранжу азоб ила кечани кундуз қилдилар... Ислом лашкарининг ғозийлари тўрт томондаги кофирларга қарата уқ ёмғирини ёғдирдилар. Еш паҳлавон йигитлар отларига миниб, ҳар тарафга чоғиб кетдилар, кофирлар эса ваҳимага тушиб, уларни узларига йулатмасдилар. Шундай қилиб, кечгача жанг қилсаларда, ҳеч бир натижага эриша олмадилар. Кофирлар тоғдек мустаҳкам эдилар. Ақлли одамлар ўз расму ойинларига қараб, маслаҳат қилиб, ҳийла йулини тутдилар. Улар бир кеча-кундуздан кейин ҳар хил нарсалар — намаз, дарахт шоҳлари, қору муздан қорабўйра ясаб, уни олдиларига қўйиб юмалатиб кофирлар мавзеига яқинлашдилар. Уларнинг орқасидан паналаб келган навкарлар тўсатдан душманга ҳужум қилиб, кофирларни паришон ҳолда нобуд этдилар.

Баттоллардан ўттиз-қирқ киши от ва туяларни миниб, Туркистон сари қочишга тушди. Мард сарбозлар бундан хабардор бўлиб, уларга етиб олиб, ақлсиз кофирларни милтиқ билан отиб ўлдиришди. Минг хил ҳийла ва найранг билан шу қавмдан 3-4 нафари қутулиб, Туркистон қалъасига етиб бордилар».¹

Иқон жангида 114 кишилиқ рус аскарлари ва офицерларидан 57 нафари ҳалок бўлиб, 48 нафари жароҳатланди. Фақат 9 кишигина саломат қолди, холос. Ватан ҳимоячилари кўп яроғ-аслаҳаларни, шу жумладан, тўпларни қўлга туширдилар.² Улардан ҳам кўп баҳодирлар ўлдирилган, лекин аниқ маълумотлар сақланмаган.

Султон Саъидхон ва Олимқул русларга сотилган айрим иқонлик нуфузли кишиларни улимга маҳкум этиб, унинг аҳолисини узлари билан Тошкентга кучиртириб олиб кетганлар.³ Шундай қилиб, ватан ҳимоячилари навбатдаги ғалабани қўлга киритиб, шоду хуррамлик билан Султон Саъидхон ва Олимқул бошчилигида Тошкентга, сўнгра Қўқонга қайтадилар. 1864 йили ватан ҳимоячилари Чимкент остонасида, Тошкент ва Иқонда душман устидан ғалабага эришган бўлсалар ҳам, лекин Авлиёота, Туркистон ва Чимкентнинг қўлдан бой берилиши катта йўқотиш ҳисобланди. Рус ҳарбий

¹ Тарихи жаҳоннамои, 125-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Тарихи жадидаи Тошканд, 478—479-бетлар.

саркардалари, хусусан генерал Черняев Тошкент шаҳрини эгаллашни асосий мақсад қилиб қўйди. Буни яхши англаган Султон Саъидхон ва Олимқул Қўқонда ҳарбий тайёргарлик ишларини қизитиб юборадилар. Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий гувоҳлик беришича, «қарийб олти ой пойтахтда туриб, вилоятнинг ҳар чеккасидан нодир ҳунарманд усталарни чақириб, кечасию кундуз найзаю тиг ва бошқа уруш аслаҳалари ясалди. Тез орада 70-80 тупи жангий муҳайё қилинди, бир неча минг саккиз-ун қарич келадиган султоний милтиқ ҳам ясалди. Қурол-яроғларнинг адади аҳли ҳисобга ҳам маълум бўлмади».¹

Ўз навбатида рус ҳукумати босиб олинган жойларда ўз ҳарбий кучлари мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган чораларни амалга ошириб борди. 1865 йилнинг феврал ойида Сирдарё ва Янги Қўқон чизиқлари бирлаштирилиб, Туркистон вилояти ташкил этилди. Оренбург генерал-губернаторлигига бўйсундирилган мазкур вилоятга генерал Черняев ҳарбий губернатор қилиб тайинланди. Шу равишда босиб олинган жойларга Россия империясининг таркибий қисми сифатида қараладиган бўлди. Оренбург, Сибир ва Каспий томондан қўшимча ҳарбий баталонлар ва яроғ-аслаҳалар келтирилди. Шунингдек, артиллерия янада кучайтирилиб, такомиллаштирилди. Баталонларни 11 тага, казаклар сони 1700 га етказилиб, махсус артиллерия бригадалари ва сапер роталари ташкил қилинди.

ТОШКЕНТНИНГ УРУШИБ ОЛИНИШИ

Рус давлати халқаро муносабатларни, хусусан Англия билан алоқани кескинлаштирмаслик учун ўзбек хонлиқларини босиб олишга эҳтиётлик билан қарарди. Иккинчи томондан, эндиликда Рус давлатининг чегараси ҳарбий ва моддий манбалар ҳисобланган Оренбург ва Ғарбий Сибирдан 2000 км ва ундан ортиқ масофага узоқлашиб кетганди. Янги ҳарбий юришларни бирданига таъминлашнинг иложи қолмаганди. Шунинг учун рус ҳукумати вакиллари ҳарбий юришлар уюштиришда шошқалоқлик ва дангалчиликка йўл қўймасликка қўшин сардорларининг диққатини қаратди. Аммо шўхратпараст ва ўзбошимча генерал Черняев зудлик билан Тошкентни босиб олиш зарурлиги ҳақида бош-

¹ Тарихи жаҳоннамойи, 125-бет.

лиқларга хат ёзди. Бунга жавобни кутмасдан ҳам Тошкентга қарши ҳарбий юришни бошлаб юборди.

1865 йилнинг 28 апрелида генерал Черняев 9 рота аскар ва 12 туп билан Тошкентга 25 чақирим масофадаги Чирчиқ дарёсининг чап қиргогига жойлашган Ниезбек қалъасига яқинлашди. Бу истехком турт томондан 3 метр баландликдаги қалин девор ва сув тулдирилган зовур билан уралган эди. Деворнинг турт бурчагида минораси булган. Черняев хоин Абдураҳмонбек бошчилигида элчи юбориб, қалъа бошлигидан таслим булишни талаб этди. Рад жавоби олингандан кейин 29 апрелда эрталаб генерал Качалов бошчилигидаги солдатлар қалъани туплардан уққа тутди. Аммо ватан ҳимоячилари буш келмади. Уша куни соат 3 да Тошкент томонидан 3 минг кишилиқ ватан ҳимоячилари 2 замбарак билан келиб генерал Черняев аскарлари билан тўқнашди. Душман эса, уларнинг ҳужумини қайтаришга муваффақ булди. Шундан кейин Ниезбек қалъасига ҳужум давом эттирилиб, босиб олинди. 370 сарбоз асир олинди, 6 туп ва 315 қурол ўлжа сифатида душман қулига ўтди. Бу ерда Черняев хоин, асли шахрисабзлик Абдураҳмонбек Шодмон ўғлининг маслаҳати билан Бузсув тўғонини бузиб, уни Чирчиқ сувига буриб, Тошкент шахрини сувдан маҳрум қилди. Абдураҳмонбек Тошкент шахрининг Чувалачи (Қумлоқ ёнида) маҳалласида яшаб Черняевга муҳим маълумотларни етказиб турган. Султон Саъидхон ва Олимқул Иқон жангидан кейин Тошкентга қайтган вақтда Абдураҳмонбек томонидан ёзилган хатни Чимкентга олиб кетаётган киши ушланган. Хатнинг мазмунидан унинг «Руслар билан тили бирлиги» маълум булади.¹

Абдураҳмонбек нуфузли хонадонга мансуб булиб, мансабдан четлатилган булса керак. У аламзада ушланган одами билан Тешикқопқа дарвозасидан қочиб Чимкентга борган ва генерал Черняев хизматига кирган.² Бундан хабар топган Олимқул Абдураҳмонбек «молмулкини, асбоб-анжомларини мусодара қилиб ва соттириб ғозийларга бериш ҳамда бу ишни бажаришни Муҳаммадбий Бекмуҳаммад ўғлининг зиммасига юклаш» ҳақида фармон берди.³ Ҳатто унинг уй-жойи ёндирилиб, остин-устин қилиб ташланган.

Душманга сотилган хоинлар орасида шаҳарнинг энг

¹ Тарихи жадилайи Тошканд, 479-бет.

² Уша жойда, 480-бет.

³ Уша жойда, уша бет

катта бойларидан бири Муҳаммад Соатбой деган киши ҳам бор эди. Бу киши Петропавловск, Троицк ва Россиянинг бошқа шаҳарлари билан савдо олиб бориб, Москва ва Нижний-Новгород савдо доиралари билан алоқа урнатган эди. У рус тилини яхши билган. Муҳаммад Соатбой шаҳардаги бир гуруҳ хоинларнинг сардори сифатида генерал Черняевга муҳим маълумотларни етказиб турган. Шунингдек, Синжиқлик¹ деган жойда туғилган Мулла Саъид исмли киши ҳам руслар тарафига утган. Бу борада юқорида қайд этилган Саъидзимбой Муҳаммад уғли ҳам душман фойдасига иш юрилади. Рус манбаларининг курсатишича, у халқ орасида узининг бойлиги билан ажралиб турган. Хонлик даврида маҳкамада маслаҳатчи бўлиб, кейин игво ва макр йули билан ҳокимиятни қулга олиш ва обру орттиришга интилганлиги учун маҳкамадан четлатилган. Шунга ухшаш ватан хоинларининг барчаси шахсий манфаатлари йулида ҳеч нарсадан тоймайдиган ва хийла-найраннинг пири бўлган кишилар эди, холос. Муаррих сузи билан айтганда, улар «ўз дини ва ватанидан» юз утирган пасткаш одамлар ҳисобланганлар.

Тошкент шаҳри осмонида даҳшатли хавф-хатар ҳукм сураётган пайтда бир гуруҳ юқори табақа вакиллари Бухоро хонлигига таянишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг ташаббуси билан Бухорога ёрдам сураб элчи юборилади. Аҳмад Донишнинг берган маълумотларига кура, бу муҳим масала Бухорода муҳокама қилинаётганда, айрим кишилар Тошкентга ёрдам беришни таклиф этган булсалар-да, лекин, биринчи навбатда, Султон Саъидхоннинг Бухорога келиши ва бу билан буйсунганлигини изҳор этиши лозимлиги уқдириб утилган. Бунинг устига Бухоро амири Музаффар «Мен бир рус лашкарбошиси билан жанг қилишни ор-номус деб биламан, хоҳласам, туппа-туғри Масков ёки Петербургга бориб, Рус давлати билан урушаман», деб катта кетган. Бу ҳам камдек амир Музаффар Қўқон хонлигига қарши ҳарбий юришга тайёргарлик куради.

Тошкентликлар Қўқон хонлиги тарафини олиб Ватан ҳимояси учун тайёр турдилар. Шунинг учун ҳам улар Оқмасжид маҳалласида истиқомат қилувчи Эшон Бобоҳужа Амин деган кишини душман тажовузи ҳақида ахборот бериш учун Қўқонга юборадилар. Бу ерга

¹ Архив манбасига кура уқилган. Эҳтимол, «Санжоқлик» бўлиши мумкин.— *Мух.*



Саъидазимбой — Тошкентнинг забт этилишида душманга ёрдам берган нуфузли шахслардан бири.

дарҳол хонликнинг барча жойларидан сарбозлар ва гозийлар тупланишиб, Сулгон Саъидхон ва Олимқул бошчилигида Тошкентга йул олганлар. Улар Хужанд орқали Туйтепага етиб келадилар. Бу ерда бир кеча дам олгандан кейин Чирчиқ дарёсидан утганлар. Буни эшитган «Тошкент амалдорлари, сардорлари, уламолар, фозиллар, шайхлар, ғариблар, гадолар, эркак ва хотинлар аралаш шодликларидан уларнинг истиқболларига чиқиб гозийлар, мужоҳидларнинг юзларидаги чангу ғуборларни ювдилар»¹. Шундан кейин улар Мингурикка келадилар. Бу ерда шаҳар аҳлининг қатнашувида Сул-

¹ Тарихи жадидийи Тошканд, 486-бет. Бу воқеада Муҳаммад Солиҳ Тошканднинг узи ҳам «беллида камар ва қилч боғлаган ҳолда» қатнашган эди.

тон Саъидхон, Олимқул ва сарбозлар шарафига зиёфат берилди. Шу ерда Олимқул нутқ сўзлаб, Тошкент аҳлининг душманга қарши кўрсатган жасорати ва қаҳрамонликларига миннатдорчилигини билдириб, бу билан фахрланишини уқдириб утади. Шунингдек, у «бир томчи қони қолгунча» курашажагини ҳамда Бухоро амирининг умумдушманга қарши ҳаракатга катта зиён келтираётганлигини гапирган. Агар, деган у, амир Музаффарнинг бунчалик душманлигини аввалроқ билганимда биринчи навбатда «уни Амир Темурнинг баланд мақомидан ва давлатидан маҳрум қилиб», сунгра русларга қарши урушган булардим.¹ У ислом динини мустаҳкамлаш, мамлакат куч-қуввати ва тараққиётини таъминлаш ҳамда авлодларга «фил мисоли ёдгорлик» қолдириш ва хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш лозимлиги ҳақида ҳам гапирган.²

Олимқул кимники оти, туяси ёки эшаги бўлса, ҳарбий аслаҳалар, озиқ-овқат ва чодирларни Чирчиқ дарёсидан утказишга дарҳол ёрдам беришларини шаҳар катталаридан ва аҳлидан илтимос қилади.³ Бу суров бажонидил қабул қилиниб, амалга оширилган. Тошкентга келган сарбозлар ва ғозийлар орасида қўқонликлар, андижонликлар, наманганликлар, маргилонликлар, уратепаликлар ва хонликнинг бошқа жойларининг аҳли бор эди.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий гувоҳлигига кура, сарбозлар ва ғозийлар эрта тонгда уринларидан туришиб, мусиқа ва мунгли мақомларни тинглашиб, қиблага қараб жойнамозда утирдилар. Бу пайтда «ҳар бир чодирдан бомдод азонининг овози эшитилиб турди, сўфилар овозининг акс-садоси бутун осмону фалакка таралди. Бомдод намози адо этилгандан кейин одамлар руҳланиб ва дадиллашиб камарлар билан белларини боғлаб, қиличлар тақишиб, найза ва туфангларни олишиб, темир қалқонларни кийишиб, шух, уйноқи ва келишган отларни минишиб жангга шайландилар».⁴ Сунгра уларга фуқаролар, муллаваҷчалар (мадраса талабалари) ва бошқа ғозийлар қушилишиб, Афросиёб тепалигига боришиб, Султон Саъидхонга салом ва куриниш бердилар. Бунда муаллимиз Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳам жангчи сифатида ҳозир булган эди. Юқорида қайд

¹ Тарихи жадидайи Тошканд, 489-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда, 492-бет.

этилган қозоқ халқининг қаҳрамони Содик Кенесари угли Олимқулнинг унг қули сифатида лашкарбошилиқ қилган. У бир гуруҳ сарбозлари билан душман турган жойга вазиятни билиш учун (разведкага) юборилади.¹

«Содик тура, — дейилади Муҳаммад Тошкандий аса-рида, — навкарлари билан чопиб келиб хабар бердики, икки фирқа рус аскарлари икки томондан — Шуртепа-дан чиқиб Олтинтепага ва бу ердан Назар қурбоши қургончасига келишди ва бир-бирлари билан қушилиш-ди. Сўнгра, улар йўлни давом эттирдилар. Уларнинг бир қисми отлиқ, қолгани эса пиёда аскарлар ҳисобла-ниб, икки тўплари бордир. Улар куп ўтмай Салор ари-гига етиб келадилар».²

Дарҳақиқат, душман Салор атрофига урнашади. Олимқул уларга қарши биринчи навбатда қора кийим-ли сарбозларни, кейин нимча кийимлиларни ва ор-қасидан темир совут кийган 2000 навкарни, 2000 ку-лоқпуш (шлем) кийганларни, сўнгра милтиқ билан қу-ролланган отлиқларни ҳамда ҳар бир минг киши ора-сида икки замбаракни жангга отлантиради. Уларнинг кетидан яна отлиқлардан ва газот талабгорлардан ибор-рат кучлар борди. Олимқул сарбозлар ва ғозийлар ор-қасидан «чопқир отга миниб тезлик билан Афросиёб тепасидан тушиб шаҳарнинг Қуқон дарвозасига бориб тупчилар, оташхона ва замбаракларни шундай тарти-би билан урнаштирдик, ҳар бир сафни бошидан охи-ригача қараганда худди бир одам тургандек куринар-ди. Сафлар орасида 36 замбарак қон ичувчи уқлари билан оғизларини очган ҳолда фармонни кутиб турар-дилар. У бу ердан Тархонсаъид ариги бўйида турган мужоҳидларни ҳам куздан кечираётганда, уруслар Са-лор аригидан утиб туп отдилар ва солдатлар олға юра бошладилар».³ Бу воқеада бевосита қатнашган Муҳам-мад Солиҳ Тошкандийнинг ёзишича, урус аскарлари-га қарши туп ва милтиқлардан уқлар отилган. Шун-дан кейин жанг майдони туп ва милтиқлар тутунидан, чанг-тузондан киши бир-бирини кўра олмайдиган даражага етди. Шунга қарамай ватан ҳимоячилари шиддат билан ҳужумга утиб, рус аскарларини чеки-нишга мажбур қилганлар. Шу онда Олимқул ҳар бир шахс олдига бориб, хусусан баҳодирларга, сардорлар-га ва сарбозларга ширин сўзлар билан мурожаат этиб,

¹ Тарихи жадидаин Тошканд, 494-бет.

² Уша жойда, 495-бет.

³ Уша жойда, 498-бет.

дин ва Ватан учун жангга руҳлантириб турган. Отлиқлар уч тарафдан ҳужум қилиб, душман орқасидан қувлаб Олчоқ ва Олтинтепа мавзелари орқали Шуртепагача қувлаб борганлар. Душман бу ердаги тепаликка чиқиб жон сақлаб қолган. Шундан кейин ватан ҳимоячилари турган жойларида зовурлар қазиб ўрнашиб оладилар. Ватан ҳимоячиларининг бир қисми шаҳарга қайтиб дам олишга ва янги жангларга тайёргарлик куриш тараддудига киришади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қулга киритилган катта ғалаба карнай-сурнай садолари ва ашула-қуйлар садоси остида зўр шоду хуррамлик ва тантана билан қарши олинди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ғалабани қулга киритишда шаҳардаги аҳолининг катта-кичик барча тоифалари ва аёллар фаол қатнашдилар. Бу хусусда воқеалар қатнашчиси Муҳаммад Солиҳ Тошкандий шундай ёзди: «Шаҳар аҳлининг 7 ёшидан 70 ёшгача эркак-хотин, ёш-қариси хизмат камарини белларига боғлаб, пишган таомларни бошларига кутариб қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар ва ширин меваларни саватларга солиб, ғозийлар ва мужоҳидлар турган жойларга олиб бориб, илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кузларидан ҳасрат ёшларини оқизиб, куз ёшлари билан ғозийлар ва мужоҳидлар юзларидаги чангу губорларни ювиб, артиб кузгудек тозалаб, (келтирган нарсаларини) еб битиришларини илтижо қилдилар».¹

Киши қалбини ҳаяжонга солувчи мазкур сатрлар шундан гувоҳлик берадики, тошкентликлар Ватани ва дини учун жонини ҳам, молини ҳам фидо этиб чинакам эрксеварликларини, киндик қони тўкилган ерга содиқликларини яққол намоёйиш қилдилар. Ғалаба том маънодаги халқ шодиёнасига айланиб, довруғи хонликиннинг барча жойларига тарқалди. Эндиликда Султон Саъидхон ва Мулла Олимқул навбатдаги жангни қайси тарзда утказиш хусусида маслаҳатлашиб олиш учун кенгаш чақирдилар. Бунда тошкентликлар бир тарафга ва қўқонликлар иккинчи томонга алоҳида утқазилиб, фикр алмашилди².

Тошкент вакиллари катта жасорат ва гайрат билан ғалабага эришилганлигини эслатишиб, Содиқ Тура ва унинг укаси Арслон Кенесари ўғиллари бошчилигида навқарларни ва ғозийларни Туркистон, Оқмасжид, Тўқ-

¹ Уша жойда, 501-бет.

² Уша жойда, 502-бет.

моқ, Олмаота ва, умуман Гулжагача булган хонликка тегишли ерларни қайта эгаллашга чақирдилар. Бошқачароқ айтганда, улар ҳужумкорлик ва шиддат билан босқинчилар устига бостириб бориш зарурлигини таъкидладилар. Аммо қўқонлик амалдор Отабек шарбатдор деган киши Мулла Олимқулга пичирлаб: «Агар уларнинг бу режалари руёбга чиқиб қолса, у вақтда бириси хон, бириси вазирликни хоҳлаб биздан юз утириши турган гап» деган. Мулла Олимқулга бу гап маъқул тушиб, аввало мамлакатдаги ички ишларни ҳал этиб, сунгра жаҳонгирлик қилиш уринлидир, деб жавоб берган. Аслида душман мағлубиятга учраб турган кезларда шиддатли ҳужум воситасида уни тамомила тор-мор этиш ҳарбий нуқтаи назардан энг тўғри йул эди. Аммо Мулла Олимқул бундан олдинги ғалабаларда ҳам душманни охиригача мағлубиятга учратиш сиёсатини қўлламай дастлабки ғалаба билан қаноатланиб қолгани рус ҳарбий сардорларига жуда қул келганди. Улар ҳар гал бундан фойдаланиб, нафас ростлаб ва тайёргарлик қуриб ҳал қилувчи жангларда баланд кела бошладилар. Тошкентда ҳам худди шундай ҳол юз берди.

Рус манбаларига кура, юқорида шарҳланган жанг 9 май эрталаб соат 7 да бошланиб, ватан ҳимоячилари 12 замбаракдан уқ узиб, ҳужум қилганлар. Шундан кейин гуё ватан ҳимоячилари чекинган эмиш. Лекин, дейилади рус манбасида, душманнинг (яъни ватан ҳимоячиларининг — Х. З.) уқ ёмғирлари остида рус аскарлари тепаликка чиқиб олган эдилар. Бу маълумот муаррихнинг руслар Ниезбек қалъасидаги тепаликка чекиндилар, деган сўзларини тасдиқлайди. Аммо рус манбаларида Черняевнинг мағлубиятини сир тутиш мақсадида ватан ҳимоячиларининг ғалабаси тилга олинмайди.

Ғалабадан кейинги воқеаларни муаррих қуйидагича таърифлайди. У мадрасадаги ўз сафдошлари билан қуролланган ҳолда Қўқон дарвозасидан чиқиб, Салор ариғи орқали Назар қўрбоши қўрғончасига келган. Бу ердан улар жанг майдонига отланишиб, Олчоқ ва Дурмонча деган жойга бориб, мудофаада турган ватан ҳимоячиларига қўшилганлар. Бу ерларнинг уч жойида 12 тадан, яъни 36 туп ўрнатилган бўлиб, уларнинг орасида сарбозлар ва ғозийлар ўрнаштирилган эди. Айни вақтда Шуртепа қалъасининг нариги томонида уч булинмадан иборат рус аскарлари турган. Ҳар икки томон ўртасида тўплардан уқ ёмғирдек ёғилиб, ҳам-

ма ёқни чанг-тузон қоплаган. Бу даҳшатли жангни уз кузи билан курган Муҳаммад Тошкандий шундай ёзганди: «Туплар ва милтиқлар огзидан думалоқ ут-оловлар чиқиб, ҳавога парвоз этиб, душман устига ёғар эди. Жасур ва фидойи сарбозлар ҳамда мужоҳидлар уруш майдонида душманни ёқасидан ушлаб ва муштлашиб, қулларидаги тиг, қилич ва найзалар билан жанг қилдилар. Майдонда улаётганлар ва жароҳатланганларнинг оҳ-воҳлари ва фарёдлари садолари ҳар томондан эшитилиб турарди».¹ Шу пайтда Мулла Олимқул хужумни янада жадаллаштириш ҳақида фармон бериб, Абдуллабек билан от чоптириб жангга кириб кетдилар. Абдуллабек бир кузидан жароҳатланади, лекин у буш келмай қаршисидаги рус солдатини қиличи билан икки булак қилиб ташлайди. Мулла Олимқулнинг узи ҳам бир солдатни чопиб ташлайди. Жанг авжига миниб турган пайтда бир уқ Мулла Олимқулнинг қорнини тешиб, киндигидан чиқиб кетади. Шу онда Мулла Олимқул «от устидан йиқилаётганда уни буйнидан маҳкам ушлаб, узини яна от устига олди ва шу ҳолда тупхона олдига бориб фармон бердиким: «Тошкент фуқаролари аста-секин орқага қайтиб узларини шаҳар ичига олсинлар, бошқа сарбозлар ва мужоҳидлар эса урушни давом эттирсинлар».²

Мулла Олимқулнинг қаттиқ жароҳатлангани ва тошкентликларнинг шаҳар ичига қайтиши ҳақидаги кўрсатма ватан ҳимоячиларини саросима ва ваҳимага солиб қуйди. Шунга қарамай ватан ҳимоячилари жангни давом эттирдилар.

Юқорида шарҳланган жангнинг тафсилоти ва айрим сардорларнинг хоинлиги Мулла Олим Маҳмудхожи асарида ҳам уз ифодасини топган. Унга кўра, қипчоқ ва қирғизларнинг баъзи бошлиқлари ниҳоятда хавфхатарли ва тақдирни ҳал этувчи дамларда очиқдан-очиқ жанг қилишдан бош тортган. Бу масала хусусида уша муаллиф шундай ёзган: «Тошкентдан тахминан ун икки чақиримлик Олчоқ мавзеига яқинлашганда Мулла Олимқул курибдурларким, Русия қушини бир жойга жам булиб турубдур. Оларнинг муқобилига Мулла Олимқул отлиқ мерганларни пиёда қилиб, тупчи сарбозларни ёнига қуйиб, тупларни рубару айлаб, икки тараф отишма бошлабдир. Ҳар икки тарафнинг туп-туфонг

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 510-бет.

² Уша жойда, 512-бет.

отишидан ва чангу губоридин уруш маъракаси қоронгу бўлиб, бир-бирларини курмайдургон даражага етуб, бу урушда Мулла Олимқул ўзи қўшинга бош бўлиб, гоҳ бул тараф, гоҳ ул тарафдаги аскарларнинг тепасига бориб кўнгил сўраб турган. Аксар қипчоқ-қирғизия саркардалари қўшинлар билан урушга аралашмай Мулла Олимқулга кўриниш айлаб тепа устидин урушни назорат қилиб турубдурлар. Мулла Олимқул Юнусжон шиговулни юбориб айтибдурларким: «Бу қандай аҳвол... хусумат ва адоватни вақти эмас, уруш тамом булгандан кейин ҳар нима кўнгилларингизда булса, муддоан таъб жойига етказурман. Ҳаммамиз иттифоқлашиб обру олайлук, булмаса мулку мамлакат, давлат қўлдан кетадур». Бу сузларни Юнусжон шиговул еткурғон ҳолда оларнинг ичидан Пулод қирғиз деган дағал одам қаттиқ ва дуруст жавоб бериб, Юнусжонни қайтарди. Шул уруш асносида Мулла Олимқул савора ҳар қайси қўшин дастасида гоҳ тўпчилар, гоҳ пиёда мерган ва отлуғ аскарлар олдида бориб, ҳар қайсиларига ўзи амр бериб турган ҳолда биқинидан ўқ тегиб отдин йиқилди. Дарҳол уни от узасига олиб, қўшиннинг назарига соғ одамдек кўрсатиб қўшинга дарҳол тўп ва тўпхоналар илан аскар Тошкент рафига қайтсин деб амр берилди».¹

Шу равишда ватан ҳимоячилари сардорсиз қолиб ўз ҳолига ташланди ва парокандалик кучайиб борди. Шунга қарамай улар ўз куч ва иродаларига таянган ҳолда уруш майдонини ташлаб кетмадилар. Улар 36 замбаракдан душманга қарши ўқ отиб турдилар.² Сунгра карнай садолари остида ватан ҳимоячилари бирданига ҳужумга утиб, душманлар билан юзма-юз жанг қилдилар. Шу тарзда улар аста-секин Салор ариғига чекиндилар. Бу вақтда Мулла Олимқул ниҳоятда оғир аҳволига қарамай жангчилар билан бирга булди.

Аммо баъзи хоин гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари душманга қарши курашга анча зарар етказди. Биринчилар қатори Ҳақимхужа Калон бошчилигидаги себзорликлар душман ҳужумига бардош беролмай қочдилар. Қипчоқ, қирғиз ва андижонликлар ҳам қўлга туш-

¹ Туркистон тарихи, 96-бет.

² Олчоқда ватан ҳимоячиларининг тўпдан отган бир ўқи русларнинг проҳ ва яроғ-аслаҳа сақланадиган омборига тушган, лекин портламаган, шу онда бир солдат уни осги билан пастга тепиб юборган. Ўқ бу ерда портлаб бир неча одамларни ва отларни нобуд қилган. Агар замбарак ўқи ўз жойида портлаганда, русларнинг снгилиши аниқ эди, дуб гувоҳлик берган уни ўз кузи билан кўрган қашқарлик Мулла Муҳаммад деган киши.

ган нарсаларни олиб Фаргона томонга йул олдилар. Муаррихнинг гувоҳлик беришича, бундай сотқин гуруҳлар ҳатто Қўқон дарвозаси рўпарасида турган 12 тупни шаҳар ичига олиб кириш ҳақида тўпчиларнинг илтимосига қулоқ солмай кетаверганлар. У узининг ҳамроҳлари билан икки тупни шаҳар ичига жойлаштиришга ердан берган. Худди шу вақтда белига олтин камар боғлаган, кумуш қинда қиличи ва олтин сопли ойболтаси бор сардорлардан бири ҳам қочиб кетаётганда Муҳаммад Тошкандий уни хоинликда айблаб темир таёқ билан елкасига уриб йиқитган. «Бироз муддатдан кейин, — деб ёзганди муаррих, — Абдуллабек табиб Мулла Олимқулни узига суянтириб келаётир, уларни ёнида эса ҳиндистонлик тўпчибоши даструмолчаси билан куз ёшларини артиб турган эди. Шунда Мулла Олимқулнинг ўғли келиб дадасини кўргани ҳамон «Вой, отам», деб йиглаб юборди. Жамидор (уша ҳинд) тўпчибоши дарҳол унга «товуш чиқарма», деб ишорат қилди. Ўғлини кўриб Мулла Олимқул олдига келишини ишорат қилди. Ўғли дарров келиб қулоғини отасини оғзига тутди. Мулла Олимқул нималарнидир пичирлади ҳамда қўйнига қўлини тиқиб пайғамбарнинг муборак сочларини ўғлига берди. Шу билан ўғли билан хайрлашди ва кетишига руҳсат берди. Шундан кейин Мулла Олимқулни аста-секин Қўқон дарвозасидан ичкарига олиб киришиб чап томонига шайх Шиблий купригига юришиб ва ундан утиб унг қўлдаги соя-салқин дарахтзорга ётқизишди».¹

Шу пайтда русларнинг тупдан отган уқларининг бири қалъани шикастлантирди, иккинчиси баъзи тўпчиларни ўлдирди ва баъзиларини жароҳатлантирди. Натижада тўп отувчи киши қолмаганидан Муҳаммад Тошкандий ҳамроҳлари билан ўқни тупга жойлаётганида бир ёш йигит келиб, исми Тошмуҳаммад эканлигини ва Оққўрғонданлигини билдириб тупни отишга киришган. Бу йигитнинг отган уқлари хато кетмасдан мўлжалга тегиши орқасида рус замбаракларининг овози учган. Бундан хурсанд бўлган Муҳаммад Тошкандий дебди: «Эй, жон ўғлим, сени хизматингни шарофатидан мусулмонлар катта фойда кўрдилар, қалъа кунгирасидан қарайлик-чи, уқлар бекорга кетмаганмикан. Тездан қарасак, руслар Ниёзбекни катта йули буйлаб тупларини пастлик ерга қўйиб, сўнгра аста-секин Шурте-

¹ Тарихи жалилайн Тошканд, 517-бет.

па томонга юрдилар. Буларни куриб мен: «Охиратинг обод булсин, зоту зурриётингга раҳмат», — деб Тошмуҳаммадни дуо қилдим».¹

Ватан ҳимоячилари душманга қарши туплардан ук узишни тухтатмай, пировардида ҳаммаси шаҳар ичига қайтишиб дарвозаларни маҳкамлашди. Шаҳарда узбошимчалик ва парокандалик ҳукм суриши орқасида вазият янада оғирлашган. Ҳамон Қуқон навкарларидан бир гуруҳ кишиларнинг Хужанд ва Қуқон томонга кетаётганлигини кўриш мумкин эди. Шу пайтда Асадулла табиб ва Абдулла либосдор шайх Шиблий куприги томонидан ярадор Мулла Олимқулни замбилда ҳукумат саройига олиб келдилар. У замбилда ётган ҳолда «Тошкент фуқаролари хафа булмасдан уй-жойларига қайтсинлар», деган сўзларни такрорлай берган. Афтидан, у уларни шаҳар мудофааси билан машғул булишга чақирган. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ҳамроҳи Эшонхонхожи билан шовқин-суронни эшитиб кўрол билан масжиддан кучага чиқишса, Чуст ҳокими Муҳаммад Аюб отлиғ яроғ-аслаҳалар ва байроқлар ҳамда минг кишилиқ отлиқ аскарлар билан кетаётган экан. Уларга «Қаёққа кетаётирсизлар?», деб савол берилганда, «Уруслар Кукча дарвозаси томон келмоқчи, амири лашкар Мулла Олимқул уша ёққа боришни буюрдилар», деб жавоб берганлар. Шу пайтда бир киши амири лашкар улдилар, улар қочиб кетаётир, деб муаррихга гапирган. Шунда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Чуст ҳокимига «Ҳукумат берган тузини» инобатга олиб, душманга қарши урушни давом эттириш лозимлигини айтганда, ҳоким: «Бу муллавачча нималарни гапираяпти», — деб қиличи билан унинг бошига урмоқчи булган. Муҳаммад Тошкандий эса чаққонлик қилиб милтигининг қундоги билан ҳоким отининг тумшугига ва орқа томонига урганда гандираклаб, орқага кетаётган отларга урилган. Улар ваҳимага тушиб қочиб қолганлар.

Муаррих яна бир воқеанинг гувоҳи булган. У кучада кетаётганда чопони ичида қиличи бор икки кишининг юк ортилган икки отни етаклаб кетаётганликларини кўриб, сураганда «Бизлар савдогарлармиз, ҳукумат саройига бораётирмиз», — деб жавоб беришган. Аммо Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг шогирдларидан бири отлиқлар Қуқондан қори Шамсиддин томо-

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 520-бет.

нидан Мулла Олимқулга уруш харажатлари учун юборилган маблағларни олиб кетаётган Ҳакимхужа ва Еқуббойвачча исмли кишилар эканлигини маълум қилади. Бу давлат хазинасига тегишли маблағлигини англаган Муҳаммад Солиҳ Тошкандий хазинани Муса Муҳаммадбий деган кишининг уйига қўйдирган ва ўғирланишдан сақлаган. Шундан кейин Муҳаммад Солиҳ Тошкандий бу ҳақда маълумот бериш учун Султон Саъидхон ҳузурига кетади. У ҳамроҳи Эшонхужа билан шайх Шиблий ариғи кўпригидан ўтганда «подшоҳлик анжомларини ва ҳар хил нарсаларни» тепа-сида турган Турақул деган кишига дуч келган. У киши бу хазинага тегишли нафис ва қимматли буюмларни шаҳар ичига олишда ёрдам беришни муаррихдан илтимос қилган. Бу суров сарбозлар ёрдами билан амалга оширилган. Кейин маълум бўлишича, хазина моллари қаергадир олиб кетишга тайёрлаб қўйилган экан. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Султон Саъидхон дарвозанинг шимолидаги Давлатбой деган кишининг урикзоридан турганини аниқлаб олади. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий Султон Саъидхоннинг: «Қаердан келаётгирсизлар?», — деган саволига шундай жавоб беради: «Мужоҳидлар ва ғозийлар жамоасига Қўқон дарвозасини беркитдириб, паришонҳол ва ҳар томонга қочаётган кишиларни ўз жойларига қайтариб ва яхши сўзлар билан кўнгилларини кўтариб, юракларидаги ҳар турли ваҳима ва хавфни чиқариб, подшоҳликка тегишли турли молларни ва маблағларни талон-тарож этишдан холи этиб, маълумот бериш учун ҳузурингизга келдик».¹ Шунингдек, у сўзининг охирида Тошкент шаҳрининг «қўршовдаги қўл-оёқсиз (сардорсиз) ва ташналиқда (сувсизликда) қолган халқини озод этишнинг охири бахайр бўлишлиги»ни таъминлаб, «яхши ном қолдириш ва буни авлодлар қалбида абадул-абад сақланишини» таъкидлаб ўтади.²

Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг бу оташин ватанпарварлик сўзлари Султон Саъидхон ва юқорида айтилган хазинани Қўқонга олиб қочишга ҳаракат қилаётган Муфсид Отабек шарбатдорнинг ғазабини қўзғатиб юборди. У ўзини тута олмай навкарларга Муҳаммад Солиҳ Тошкандийни отиб ташлашни буюрди. «Бизлар ҳам, — деб ёзади муаррих, — кучани ўртасига тушиб

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 572-бет.

² Уша жойда, уша бет.

улардан олдин милтиқларимиз билан уларни пешона-сини нишонга олдик. Бу ҳолни куриб турган вилоят катталаридан бири булмиш Эшон Мансурхужа: «Отабек, ҳозир шундай вақтки, фитна-фасодни ва халқни паришонлигини даф этиб ва орқага қайтиб мамлакатдорлик ишлари билан машғул булиш даркордир. Айни бир вақтда подшоҳлик асбобу анжомларини бир ерга туплаш лозимдир», — деб гапирган.¹

Шундан кейин йўлга чиқишга отланиб турган Султон Саъидхон «дарҳол отининг жиловини орқага буриб ва қайтиб» Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва бошқа кишиларнинг олдига келиб ўзининг кетмаслигини аңлатди. Шундай қилиб курдикки, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий оташин ватанпарвар, жасоратли ва мард жангчи сифатида ўз она юрти ҳимояси учун ҳеч нарсадан қайтмаган. Унинг Султон Саъидхонни қора кучлар панжасидан ажратиб олиши ва хазина молларини сақлаб қолиши душман қамалидаги шаҳар аҳли учун ҳар жиҳатдан катта аҳамиятга эга булди. Султон Саъидхондан юз ўгириб қочиб кетган қипчоқлар, қирғизлар, айрим Қўқон сардорлари ва навкарлари Қўқонга боришиб тахтга янги хонни тайинлаш ҳаракатига тушиб кетдилар. Бу вақтда Тошкент шаҳри амалда Қўқон хонлигидан ажралган ҳолда яшамоқда эди. Аммо Тошкент аҳли Султон Саъидхоннинг, юқорида кўрсатилганидек, Мулла Олимқул амири лашкар билан душманга қарши курашларда бевосита қатнашганлигини қадрлаб ва ўз содиқлигини изҳор қилиб, уни қайта хонлик тахтига ўтқаздилар. «Мамлакат аъёнлари, ашрафлар ва мугасаддилар, хусусан Содиқ Тура ва укаси Арслон Тура, Мулла Солиҳ додхоҳ, Бобожон понсодбоши, Мулла Содиқ ва Отақули Маҳрам ясовул ва бошқа сардорлар ҳозир булишиб, таъзим ила салом беришиб, пешоналарини мазаллати тупроғига суртиб, амал даражалари мақомига яраша ўтиришиб яқдиллик билан Султон Саъидхонни турт бурчакли оқ кийгизни устига ўтқазиб, юзини қибла томонга қаратиб қўйдилар. Турт жамоа ва қабила бошлиқлари кийгизни бир бурчагидан, уламо ва фозиллар иккинчи бурчагидан, Содиқ Тура ва Арслон Тура ва бошқа элат бошлиқлари учинчи бурчагидан, Қўқон сардорлари туртинчи бурчагидан, Тошкент аъёнлари, ашрафлари ва саркардалари, жумладан Шер Алибий, ҳаммалари бирданига тақриб айтиб, саловот

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 529-бет.

уқиб, йиғлашиб подшоҳликка кутаришди ҳамда подшоҳлик тожини бошига кийгизишди. Шу онда улар «Муборак булсин» дейишиб, табриклашдилар. Султон Саъидхон шарафига зиёфат берилди».¹

Султон Саъидхон Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг хизматларини тақдирлаб, шойи тун кийгизиб шундай деган: «Эшони домумла! Энди давлатга шерик булдингиз, хабар олиб турсунлар».² Шу равишда Тошкент уз хонига эга бўлиб, амалда мустақиллигини намойиш этди.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг ёзишича, мазкур воқеа арафасида унинг амакиваччаси эшон Юсуфхужа Иногомхужа читфурушнинг уғли хонадонидан Мулла Олимқулни ўлиги чиқарилиб, Шайхонтахур қабристонига қўйилган. У ҳам тобутни кутаришиб борган. Мулла Олимқулнинг жон бериши ва дафн этилишини Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий шундай баён этган: «Қирғиз ва қипчоқлар вафосизлик қилиб, Хуқанди латифга кетган кунларида сартия аҳолиси замон хонига вафодорлик курсатиб, амири лашкар билан қолдилар. (Қипчоқ ва қирғизлар) хиёнати амири лашкарга ҳам маълум бўлди. Бундан дард чекиб (Олимқулнинг) касаллиги яна оғирлашди ва пешиндан кейин унинг руҳ қушчаси тананинг тор қафасидан халос бўлиб, жаннат оламининг фазосига учиб кетди, жонни жон ато қилганга бериб, шаҳодат даражасига етди. Амири лашкарнинг фарзандлари, хотинлари ва тобелари бу аҳволни мушоҳада қилиб, мажруҳ қалблари яна маҳзун бўлди. Сабру қарор жабрини қўлдан бериб, ғам ва қайғу тариқасига утдилар. Аркони давлат, аъёни шавкат, сартия мамлакатининг ақобиру ашрафлари, Тошкентнинг каттаю-кичиги ҳамма қайғуга тушиб йиғладилар. Уларни кўзларидаги ёшлар дурга ухшаб оқарди.

Алқисса, ул жамоатнинг нолаю фарёди фойда қилмади ва бу дарди бедавога илож ҳам топилмади. Ниҳоят, фоҳира дунёнинг орият либосини амири лашкар танидан ечиб, охират либосини кийинтирдилар. Аркони давлат ва аъёни мамлакат қайси маконга Мулла Олимқулнинг жасадини қўяйлик, деб машварат қилиб бир қарорга келолмадилар. Шу маҳал амири лашкарнинг бир неча ишончли кишиси ўзаро маслаҳат

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 529-бст.

² Уша жойда, уша бст.

қилиб иттифоқликда жасадни фозиллар қуеши ҳазрати Шайх Хованд Таҳур мазориди дафн қилдилар».¹

Бинобарин, Мулла Олимқул қайғу-алам ва ҳурмат-иззат билан жамоа аҳлининг барча тоифалари иштирокида кумилди. Ҳақиқатан ҳам у уз халқининг содиқ фарзанди ва жонкуяри эди. У Маллахон вақтидаёқ унлаб янги ва анча такомиллашган тушларни, яроғ-аслаҳаларни тайёрлашга катта эътибор билан қаради. У Рус давлатининг тажовузига қарши олиб борилган жангларга бевосита бошчилик қилди. Уларда қулга киририлган ажойиб ғалабалар унинг номи билан боғлиқдир. Пировардида унинг ўзи ҳам жанг майдонида оғир жароҳатланди ва ҳалок бўлди.

Тўғри, айрим манбаларда Мулла Олимқул фаолиятига доир салбий қарашлар ҳам мавжуд. Аммо уша даврдаги жуда мушкул сиёсий ва иқтисодий шароитда унинг қилган ишлари ҳар кимнинг ҳам қулидан келавермас эди. Бунинг учун Мулла Олимқулга ухшаган ватанпарварлик, тadbиркорлик ва жасорат сингари олий фазилатларга эга бўлиш лозим эди.²

Султон Саъидхон қайта тахтга утқазилганидан куп утмай саркардалар, уламо ва фозиллар, умуман, шаҳарнинг нуфузли кишилари қатнашувида Рус давлатига қарши курашда қандай чоралар куриш масаласи бўйича кенгаш утқазилди. Қизгин баҳслардан сунг ёрдам сўраб Қўқонга, Бухоро ва Хива хонликларига элчилар юборишга келишилди. Султон Саъидхоннинг кўрсатмасига биноан, хон саройидаги Мулла Мирза шиговул ва Мулла Юнусхон мунший деган кишиларга юқорида қайд этилган жойларнинг ҳукмдорлари номига хат тайёрлаш топширилди. Қўқонга юборилган элчилар жанг майдонидан қочиб бораётган Қўш парвоначи қипчоқ

¹ Тарихи жаҳоннамои, 126—127-бетлар.

² Айрим маълумотларга кура, Мулла Олимқул (бошқа манбаларда — Олимқули, Алимқули, Алимқул. Биз замонавий тил қоидаларига кура олдик. — Муҳ.) Андижондаги қипчоқ қабиласидан бўлиб, Хусайнбой отарчи деган кишининг фарзанди эди. Отаси уни Андижон шаҳридаги мактабга берган. Кейинчалик Мулла Олимқул Худосрхоннинг акаси Маллахон хизматига киради. Маллахон Худоёр билан душманлик йўлига утгандан кейин у Мулла Олимқулнинг ёрдамида қирғиларнинг савсамир қабиласининг бошлиги Пулатбий хузурига қочиб, Қорасув деган жойда бошпана топади. Бу ёрда Маллахон Мулла Олимқулни атроф-жойларга юбориб, куп кишиларни уз тарафига оғдиради. Маллахон тахтни қулга олганда хизматларини инобатга олиб, Мулла Олимқулга эшик оғаси ва мири понсод унвонини беради. Шундан кейин у Чимен ноҳиясининг ҳокимлигига тайинланади. У Уратспадаги жангларда ҳам узини кўрсатади. Охирида у Марғилон ҳокими бўлади. Олимқул Султон Саъидхоннинг тахта чиқишидаги катта хизматлари эвазига амири лашкар мансабини эгаллайди ва амалда ҳокимиятни бошқаради. (Қаранг: Тарихи жаҳоннамои, 125-бет).

(собиқ Тошкент ҳокими) ва Мирза Аҳмад қушбеги бошчилигидаги навкарларни Пискент ва Қурамада учратиб, ёрдам бериш туғрисидаги хатни топширганлар. Аммо улар орқага қайтишга кунмай Султон Саъид ва Муфсид Отабек шарбатдор номларига хат ёзиб, қандай булмасин Султон Саъидни Қуқонга олиб келишни, акс ҳолда тахт бегоналарга утиб кетишини маълум қилганлар. Шу билан элчилар орқаларига қайтишган. Бухорога себзорлик эшон Ҳакимхужа қозикалон бошчилигида ҳар даҳадан тўрт оқсоқол юборилган эди. Тошкентликларнинг сурови хон саройида муҳокама этилганда бир гуруҳ кишилар баланд овоз билан: «Энди бизларга ҳам жиҳод ва газот қилиш фарздир», дейишган.¹ Амир Музаффар ҳам Тошкентга ҳамдардлик изҳор этиб, мактублар билан элчиларнинг қайтишларига рухсат берган. Аммо амир Музаффар элчиларга Жиззах орқали кетишни буюриб, унинг ҳокими эронлик Ёқуб номига ҳам хат ёзиб юборган. Элчилар бу ерга келишганда суҳбат вақтида ҳоким дебди: «Султон Саъидхон Тошкентда қамалда турган эканлар, сизлар соғ-саломат этиб борганларингиздан кейин айтинглarki, у амир Музаффари олийларига куриниш берсинлар ва зийратни бажо келтирсинлар. Шундай қилинса, ҳукмдорлик қодаларига рия қилиниб иттифоқлик, ҳамкорлик ва дустликни юзага келишига баҳона бўлади».²

Музаффархоннинг жавоб хати ҳам худди шу мазмунда эди. Хуллас, Бухоро амири биринчи гада Султон Саъидхоннинг буйсуниши ва шундан кейингина ёрдам бериши мумкинлигини билдирди. Бу аслида Тошкентнинг Бухоро амирлиги таркибига кириши деган сўз эди. Шу боис мазкур масала шаҳарнинг нуфузли кишилари, жумладан, «Тарихи жадидаи Тошканд» асари муаллифи қатнашувида муҳокамага қўйилди. «Бу кенгашда, — деб ёзади Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, — Қуқоннинг баъзи бетамиз ақобирлари ҳамда шайтон, маккор кишилари Отабек шарбатдорнинг Султон Саъидхонни Бухоро амири ҳузурига юбориш ҳақидаги сўзини қувватладилар».³

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий сўзламоқчи бўлиб турганда Муҳаммад Солиҳ додхоҳ унга, кўнглингизга келган гапни ошқора гапираверинг, деган. «Шундан кейин, — деб ёзади Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, —

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 553-бет.

² Уша жойда, 554-бет.

³ Уша жойда, 559-бет.

Султон Саъидхонга савол бердим: «Шаҳзода, сиз кимнинг фарзандисиз?» — Жавоб бердиларким: «Шаҳид Маллахоннинг арзанда ва азиз углиман». Мен дедим: «Отасига ҳам, углига ҳам раҳмат, бириси адолат ногорасини чалди, иккинчиси эса, газот ва жиҳод йулида хизмат курсатиб ва яхши ном чиқариб ўзга ҳукмдорларни ҳайратга солди. Шаҳзода бамисоли хонлик хазинасидаги жавҳардир, уни бекордан-бекорга қулдан бой бермаслик лозим. Аксинча, бу кишини этагидан ушлаш бурчимиздир. Ҳали қўлга кирмаган насияга ишониб қўлдаги нақдни бериш ярамайди. Давлатнинг тузини ичган ҳар бир амалдор ва саркарда унинг ғамини емай, хизмат қилмай ва ўз вазифасини адо этмай ҳар томонга қараб қочса, фуқаролар душманнинг асирига айланиши турган гапдир».¹

Бу сўзларнинг тагида, агар Султон Саъидхон Бухорога кетса, у вақтда халқ олдидаги масъулиятини ва бурчини бажармай катта хатога йўл қўяди ҳамда фуқароларни Рус давлати тобесига айлантиради, деган даъво этибди, албатта.

Кенгашда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий фикрини қувватловчилар ҳам бўлиб, улар шундай дейишган: қўлдаги нарсани ҳавойи гапга ишониб бериш ва йўқ нарсага умид боғлаш ақлсизликдан, нодонликдан ва кейинги пушаймонликдан иборатдир. Биз ҳар томонга элчилар юбориб ёрдам сўрадик, энди ёрдам берсинлар ёки бермасинлар, барибир, уруш харажатларини Тошкент аҳли ўз буйнига олиб, нимаики зарур бўлса, етказиб берилади. Шу онда Отабек шарбатдор шайхонтаҳурлик Мулла Миржалил Гулмирза оқсоқол углини Бухорога элчи сифатида юборишни таклиф қилди. Бунга қарши ўлароқ Муҳаммад Солиҳ Тошкандий: — Яхшиси, биздан ярим чақирим масофадаги генерал Черняев ҳузурига ақлли ва тадбиркор элчини юбориб, урушнинг тўхтатилишини ва унинг Чимкентга қайтишини таклиф этайлик, деган. У бу режа амалга ошса, ҳарбий тайёргарлик куриш учун вақтдан ютиш мумкин бўлишини баён қилган. Кенгашдагиларга бу таклиф маъқул бўлиб турганда бир гуруҳ «худбин ва жоҳиллар: — Бизлар русларга бош эгиб ҳеч вақт элчи юбормаймиз, — деб уринларидан туриб кетишган. Шунда Султон Саъидхон Муҳаммад Солиҳ Тошкандийга шойи тўн кийгизиб: «Эшон домламиз ҳозиржавоб ва ҳамма бобдурлар», — деб мақтаган.

¹ Уша жойда, 559-бет.

Куп утмай Бухородан Искандар отлиқ бир амалдор олти нафар киши билан келиб Султон Саъидхонга амир Музаффар мактубини топширган. Бу мактуб мазмуни Султон Саъидхон ва шаҳарнинг нуфузли кишилари қатнашган кенгашда муҳокама этилади. Унда Султон Саъидхонни Бухорога таклиф қилишдан мақсад қамалдаги тошкентликларга ва атроф-жойлардагиларга дустона ёрдам бериш эканлиги ёзилган экан.

Султон Саъидхон мактубни қўлга олиб йигин қатнашчиларига дебди: «Эй, қамалдаги фуқаролар, дин йулида девор остида ётган кишилар, душман ўқига кукрагини тутиб турганлар, чанг-гузонда қолганлар, жонларини аямай душман найзаси ва ўқига қалқон булганлар, қандай маслаҳат берасизлар?» Кенгашдагилар якдиллик билан: «Бизга ҳозир ниҳоятда оғир дамларда ёрдам бериш урнига сардорларимизни олиб кетишадиларми, ахир. Биз раҳбарсиз қоламиз-ку, бошимизни олса олсинларки, лекин ҳукмдоримизни бермаймиз», — деб жаҳл ва норозилик билан тарқаб кетганлар. Шундан кейин нуфузли кишилардан бир гуруҳи келиб Султон Саъидхонни Бухорога жунатишга қарор қилдилар. Бундан хабар топган Муҳаммад Солиҳ Тошкандий дарҳол келиб норозилик билдирганда, Бухоро амирининг тарафдорлари «Султон Саъидхон Бухорога бормагунча ёрдам бўлмайди, амир ҳазратлари эса бу ерга қадам босмайдилар», — деб жавоб берганлар. Шунда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий кўнглида ёрдам қўлини чўзиш ниятидаги одам шарт қўймай келаверади, амирнинг эса Рус давлати билан тили бир, деб гапирган. Сўнгра у очикдан-очик: «Давлат тузини ичган амалдорлар ва сардорлар қочсалар, қалъани тупрогини ялаб ётган фуқаролар, ғариблар, бева-бечораларнинг қўллари қиёматгача уларни ёқасига ёпишиб, маломат ва таъна остида қоладилар», деб чиқиб кетган.

Хуллас, Султон Саъидхон 1865 йил 9 июнда, эрта тонгда Мирҳамид Мирҳалим ўғли бошчилигида 500 аскар ва бир тўп билан Бухорога йўл олди. Бу вақтда душман тўпларининг овози эшитилиб турмоқда эди. Султон Саъидхон кетмасдан бир неча кун илгари рус ҳарбий саркардалари булажак ҳал қилувчи жангга пухта тайёргарлик кўрдилар. Улар «Туркистон заминига, хусусан, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларга жосуслар юбориб, маълумот тўпладилар ва куп нарсаларни билиб олдилар».¹

¹ Уша жойда, 565-бет.

Айни замонда Тошкентдан Бухорога элчилар юборилганидан хабар топган Черняев амирнинг ҳарбий юриш қилиши эҳтимолдан холи эмас, деб унинг йулини тусиш учун 1865 йил 17 майда Зангиота орқали бориб, Сирдарё қирғоғидаги Чиноз қалъасини эгаллади. Бу ерда 4 чуян замбарак ва бошқа яроғ-аслаҳаларни улжа олди. Шундан кейин у уз аскарлари билан Тошкент остонасида қолдирилган подполковник Краевский бошлиқ ҳарбий қисмга келиб қушилди. Руслар вақти-вақти билан шаҳарни туллардан уққа тутиб турдилар. Чунончи, бир қисм солдатлар шайх Шиблий ариғи атрофидаги Азизберди оқсоқолга тегишли жойга ўрнашиб, туллардан қалъани уқ ёмғирлари остига олди. Буларга қарши шаҳар дарвозалари тепасига урнатилган туллардан жавоб уқлари отилди. Улар шу даражада мулжалга аниқ отилдики, душман чекинишга мажбур бўлди. Бу муваффақият учун Султон Саъидхон ўзини кўрсатган ҳар бир тулчинини 100 тангадан пул, битгадан тўн ва қўй билан тақдирлаган эди. Аммо ҳали қаттиқ жанглар ва талофатлар олдинда эди. Мана шундай хавф-хатарда Мулла Олимқулнинг ўлими ва Султон Саъидхоннинг шаҳарни ташлаб кетиши ватан ҳимоячиларини сардорсиз ҳамда лашкарбошисиз қолдирди. Бунинг устига Бухоро, Қўқон ва Хивадан ҳеч қандай ёрдам келмади. Айниқса, Бухоро хонлигининг тутган сийсати душманга қарши курашга беқийс катта зиён келтирди. «Тошкентдан, — деб ёзади Мулла Олим Махдумхожи, — одам ва ариза юбордилар. Амири Бухоро буларга гуёки ёрдам ва иноят тариқасида Искандарбек саркардани беш-ўн узун чопон одам ила Тошкентга юборгандан бошқа фойдалари булмади. Лекин ёрдам бермоқ умидида Тошкент шаҳрида Хўқанд ҳокими бўлиб турган хонзодани (Султон Саъидни) бир неча саркардалар илан Бухорога олдириб кетмоқ бўлдилар. Муддаолари ёрдам бермоқ ўрнига Хўқанд тахтини тасарруфига олиб, ўзларига тобе одамни хон қилмоқ эканлар. Бу муддаони жойига келтурмоқ учун тошкентликларга қанча ваъда вайдлар айлаб, Фарғона ўлкасига мустақил хон маснадида барқарор бўлиб турган ёш хонзода Султон Саъидхонни бир неча улуғлар илан Бухорога олдуриб кетдилар».¹

Бухоро хони Музаффархоннинг ута калтафаҳмлиги ва нодонлиги орқасида «Тошкент мамлакати беҳоким

¹ Тарихи Туркистон, 97-бет.

ва эгасиз қолди. Алқисса, мусулмонлар бесаранжом бўлиб бошсиз қолдилар. Ҳар бир фирқа уз ҳолича эди. Бунга қушимча, Тошкент фуқароси қолдирилган бир неча минг ҳуқандлик сарбозларни навбат билан боқардилар».¹

Қамалда ва ҳаёти қил устида турган Тошкентга Қуқон хонлиги томонидан ҳар жиҳатдан ёрдамнинг тобора кучайтириб берилиши ҳам фарз, ҳам қарз эди. Аммо у ерда юзага келган вазият бунга йул бермади. Хонликнинг юқори табақа вакиллари тахт учун курашга мукасидан тушиб узлари билан узлари уралашиб қолдилар. Аваз Муҳаммад Агтор Хуқандийнинг берган маълумотига кура, 1865 йилнинг 31 майида қипчоқ ва қирғизларнинг сардорлари Сирдарё бўйидаги Сарой деган қишлоқда шаҳзода Шодибекни хон тахтига утқазишга қарор қилишиб Қуқонга боришади. У ерда улар Бекмуҳаммад қипчоқни мингбоши лавозимига утқазиб, ҳокимиятни қулга оладилар. Аммо Бухоро амири Музаффар узининг вассали сифатида Худоёрхонни Қуқон тахтига утқазиш учун ҳарбий юришга тайёргарлик куради. Шу боис Қуқон хонлигида узаро зиддият ва урушлар қизиб, вазият ниҳоятда оғирлашди.

Оқибатда қамалдаги Тошкентнинг тақдири Бухорода ҳам, Қуқонда ҳам ҳукмдорларни ташвишга солмади. Тошкент аҳли уз ҳолига ташлаб қуйилган булса-да, лекин душманга қарши жангга шайланиб турди. Рус манбаларининг курсатишича, бевосита шаҳар мудофаасида турганларнинг сони 30 минг кишига борган. Аммо шаҳарда айрим кишилар ва гуруҳлар умидсизланиб қочаётганлигини ҳам куриш мумкин эди. Масалан, Усмон Али ва Ниёз Али понсодбоши қочаётганларида Муҳаммад Солиҳ Тошкандий уларга милтиқ уқталиб тухтатган.

Черняев шаҳарни қай тарзда босиб олиш хусусида сафдошлари билан ҳарбий кенгаш утказди. Бунда подполковник Абрамов шаҳар деворини тешиб, шу ердан ҳужум қилишни таклиф этди. Черняев агар бундай қилинса, у вақтда душман барча кучини бир ерга тўплаб ҳужумни қайтариши мумкинлигини айтди. Унинг фикрича, душман уйламаган жойдан тусатдан шаҳарга бостириб кириш ғалабани таъминлайди. Куп ўтмай бундай имконият топилди. Чунончи, поручик Макаровнинг бир ўзи девор ташқарисидаги боғлар ва чакалакзорлар орасидан бориб Камолон дарвозасининг

¹ Тарихи жаҳоннамои, 127-бст.

деворини ва унинг агрофидаги зовурни текширди. Хатто у ердаги деворда осонлик билан утиш мумкин бўлган тор жой борлигини аниқлади. Шундан кейин генерал Черняев шаҳарга Камолон дарвозаси тарафидан бостириб киришни режалаштирди. Дарҳол деворга чиқиш учун нарвонлар ясашга киришилди, нарвонлардан фойдаланиш буйича машқлар утказилди. Черняев ҳарбий кучларни Қўқон дарвозаси томонида у ёқдан-бу ёққа кучириб ва шаҳарни туплардан уққа тутиб, ватан ҳимоячиларини чалғитиб турди. Сунгра полковник Краевский бошчилигидаги ҳарбий қисмни (3 рота ва 4 туп билан) Қўқон дарвозаси томонида қолдирди ва шаҳарни туплардан уққа тутиб туришни буюрди. Айти бир вақтда — 14 июндан 15 июнга утар кечаси полковник Абрамов, подполковник Жемчужниковлар қўмондонлигидаги 7 рота ва 8 замбаракдан ташкил топган аскарлар аста-секин боғлар орасидан Камолон дарвозаси томонига юрди. Овоз чиқармаслик учун замбаракларнинг гилдиракларига шолчалар уралди. Бу дамларда Қўқон дарвозаси тарафидан Краевский ватан ҳимоячилари диққатини чалғитиб турди. Бу ҳийла ўз натижасини берди.

15 июн эрта тонгда рус аскарлари тўсатдан Камолон дарвозаси деворидан ичкарига бостириб киришлари биланоқ ғафлатда қолган соқчилар қочиб қолдилар. Муҳаммад Тошкандийнинг кўрсатишича, Қиёт маҳаллалик Қорабадал ва Жонтой деган кимсалар биринчи бўлиб қочганлар. Саросимага тушган тўп бошлиғи ҳиндубачча, қоратегинлик мерганлар ва бошқалар ҳам қочганлар¹. Шу онда пайдо бўлган муаррихнинг сўзига қараганда, руслар даставвал деворнинг бир киши утадиган тор жойидан кириб олишган. Сунгра Камолон дарвозаси ва деворининг устига чиқишиб, у ердаги тўпни ерга улоқтириб ташлаганлар ҳамда Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва унинг агрофидаги кишиларга қарата милтиқлардан уқ отганлар². Шу пайтда Мулла Исмаилла деган бир киши қўлтигидан тўрт булак тошни чиқариб: «Биз ҳам чимкентликларга ухшаб гуноҳкор бўлиб, ҳаром ўлайликми? Яхшиси, бу заминда ғозий ёки шаҳид сифатида улганимиз афзал», — деб бақирган³. Бу оддий халқнинг ўз Ватанига содиқлигини ифодаловчи далиллардан биридир, албатта.

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 576-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, уша бет.

Камолон дарвозасидан рус аскарлари кириши биланоқ Абрамов 250 аскар билан девор ёнидан унги томонга кетган куча бўйлаб боради. Йулда унга қарши 200 сарбоз 4 замбарак билан ҳужум қилади. Аммо душман голиб келиб замбараклар жарга ташланади¹. Бундан кейин ҳам Абрамов аскарлари уч жойда ватан ҳимоячиларининг қаршилигини бартараф қилиб, бир неча тупни ўз жойларидан ағдариб ташлайдилар. Афтидан, Черняев шаҳарни ички тарафидан заифлаштиришни ва саросимага солишни мулжаллаган. Абрамов ўз аскарлари билан туғри Қорасарой дарвозасига қараб юрган. У бу ердан бозор (Эски Жува) томонга йўлни давом эттириб, дуч келган баррикадалардаги ватан ҳимоячиларини тор-мор келтирган. Абрамов бозорга яқинлашганда унга қирадиган икки кучадаги сарбозлар ногора чалиб ва «Ё, Оллоҳ», дейишиб уларга ҳужум қилганлар. Душман устун келиб, куп одамларни улдириб, Қўқон дарвозаси томон йўл олган. Бу воқеалар рўй бераётганда Черняев бутун шаҳарни ўққа тутиб туради. У Абрамов орқасидан майор Делакрани 2 рота ва бир туп, подполковник Жемчужниковни 2 рота аскар ва 2 замбарак билан жунатган. Мазкур ҳарбий қисмлар ўз йўлида аравалардан, ходалардан ва бошқа нарсалардан ташкил этилган баррикадалардаги ватан ҳимоячилари билан жанг қиладилар. Улар тарқоқ ҳолдаги шаҳар ҳимоячиларига бирин-кетин зарба бериб, кўчаларни тўсиқлардан тозалайдилар. Шаҳар ичида юз бераётган жанглар вақтида Қўқон дарвозаси томонида ҳам уруш кетаётган эди. Бу ерда девор ташқарисида полковник Краевскийнинг 3 рота ва 4 замбаракдан иборат аскарларига қарши 5 минг кишилик ватан ҳимоячилари ҳужум қиладилар. Қаттиқ жанглардан кейин ватан ҳимоячилари шаҳар ичига чекинаётганда улардан анча одамлар ва отлар Анҳор сувига чуқиб ҳалок бўлади. Подполковник Абрамов, майор Делакра ва подполковник Жемчужников аскарлари шаҳардан келиб қалъани босиб олиб, Қўқон дарвозасини очадилар. Шундан кейин Краевскийнинг ҳарбий қисми шаҳар ичига қиради. Гарчанд Қўқон дарвозасини Жемчужников ҳарбий қисми эгаллаган бўлса-да, ватан ҳимоячилари унга ўт қўйиб юборганлиги орқасида чиқиб кетишга мажбур бўладилар. Кейинги жанглар Анҳор (Урда куприги) атрофида

¹ рус аскарларининг ўлкага бостириб киришига тааллуқли маълумотлар 4-Туркистон баталенининг тарихига бағишланган асардан ҳам олинди.

давом этди. Муаррихнинг гувоҳлик беришича, рус аскарлари баланд товуш билан «ур-ра», деб тўрт томонга милтиқ отишиб, йўлларида учраган одамни олдидан ва орқадан отиб кетаверганлар. Мулла Муҳаммад Юсуф деган кишининг таклифи билан катта кучанинг олд томонини аравалар билан тўсишга киришилади. Бу пайтда Муҳаммад Тошкандийнинг дўстлари — Абдулраззоқнинг оғзига, эшон Хожихоннинг томоғига душман уқи тегиб ҳалок буладилар. Муаррих ғозийлар ва сарбозлар билан Анҳор купригининг ғарб томонини аравалар билан тўсиб баррикадалар бунёд этишга бошчилик қилади. Бу вақтда куприкнинг ҳар икки томонида дўконлар бор эди. Бир вақт «уруслар икки томондан қичқиришиб ва «ур-ра» дейишиб, бирданига милтиқлардан отавердилар. Юракли, дадил ғозийлар қўрқмасдан Домулла Фозил охунга қарашли дўконларнинг иккинчи томонига ва масжидга ўрнашиб, милтиқ отиш учун дўконларнинг деворларини тешиб, жангга тайёр турдилар. Уруслар то тўпларини жойлаштиргунга қадар дўкон ичидан уларга қарши ўқлар отавердилар. Натижада уруслар тўпларини отолмай йиқилавердилар. Пировардида, тўплардан шунчалик кўп ўқлар отилдики, дўконларнинг деворлари илма-тешик бўлиб кетди. Бир ярим соатлик жангдан кейин уруслар ўзларини Урда дарвозаси тарафига тортдилар»¹.

Шу пайтда дин пешволарининг вакиллари ғозийларни жангга отлантиришда жонбозлик қилдилар. Масалан, шайх Абу Ҳалим Урда тугонининг устига чиқиб кўлидаги таёгини ерга уриб ва уруслар томонига ўқталиб, «Кофирларни ўлдиришлар», деб қичқириб, Қўқон дарвозаси томонига югурган. Душмanning унга милтиқ ўқталишига қарамай тикка туриб олган ва қаттиқ жароҳатланган. Шу ҳолда у киши «икки кўзларидан ёш оқизиб ва кулимсираб ҳамда такбир, саловат ўқиб, ғозийлар ва мужоҳидларга: «Мени қўйиб, душманларни ўлдиришлар», деган.

Ватан ҳимоячиларининг қаттиқ қаршилиги туфайли душман Қўқон дарвозасини ташлаб чиқиб, шайх Шиблий ариғидан ўтган. Сўнгра улар Султон Саъидхоннинг Давлатбой ўрикзоридаги чодирларидан асбоб-анжомлар олганлар. Бу чоғда ватан ҳимоячилари Қўқон дарвозасини ва унинг атрофидаги дўконлар ичидаги қолган нарсаларни олишган ва Шайхонтахурга келтир-

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, 590-бет.

ганлар. Шундай қилиб, душман Қўқон дарвозасидан суриб чиқарилди. Бу вақтда рус ҳарбий қисмлари шаҳарнинг икки жойида, хусусан Камолон дарвозасида ва Давлатбой урикзорида тупланган эди.

Шаҳарнинг ички ва ташқи томонларида олиб борилган жанглار орқасида қурилган катта талофатлар ҳамда ҳеч қаердан ёрдам келмаслиги, оғир иқтисодий аҳвол, сувсизлик ватан ҳимоячиларининг тинқасини қуришиб борди. Айниқса, айрим сардорларнинг уз аскарлари билан кетиб қолганликлари умидсизликни кучайтириб юборди. Хусусан, Солиҳ Тура ва Арслон Тура Бухорога кетишга аҳд қилдилар, қўқонлик сардорлар ва сарбозлар эса уз юртларига отландилар. Бу ҳам камдек, шаҳардаги бир гуруҳ «қўрқоқ, мунофиқ ва фитначи» нуфузли кишилар ҳам бола-чақалари билан шаҳар дарвозаларидан чиқиб кетдилар.

Рус аскарлари Қўқон дарвозасидан чиқиб катта куча билан Имом Ҳасанхон ва Саъид Маҳмудхон ўғли Юсуфхон масжидлари ичига урнашди. Улар бу ердан тушлардан ҳар томонга ўқ отиб турдилар. Оқибатда маҳаллаларда ёнгин чиқиб, одамлар бошқа жойларга кетишга мажбур бўлди. Анҳор суви атрофидаги дуконлар ҳам душман томонидан ўт қўйилган эди. Бу ердаги ёнгин учирилгандан кейин олтита рус ва татар уликлари топилган.

Маҳаллий ва рус манбаларида шаҳар мудофаасини бевосита ким бошқарганлиги ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг сузича, бу ишда купроқ мударрис Муҳаммад Солиҳ додхоҳ катта урин тугган. Бу табаррук зот хонлик вақтларида ҳам Тошкентнинг сиёсий ҳаётида етакчилик қилган.

Муҳаммад Солиҳ додхоҳ Чуқуркуприкда себзорлик қози эшон Маҳдумхужа, Синчиқли маҳаллалик эшон Валининг ўғли Сиддиқ Маҳдум, Кукча дарвозасидан Ражаб Муҳаммад аълам, Самарқанд дарвозасидан Қозоқбий авлоди ва Бадал Муҳаммад, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва бошқа нуфузли кишилар қатнашувида кенгаш ўтказиб, муҳим чоралар амалга оширилди. Хусусан кучаларнинг оғзи аравалар, ходалар ва бошқа нарсалар билан тўсилиб, баррикадалар қурилди ҳамда ватан ҳимоячилари масжидлар ичига урнашиб олган рус аскарларига қарши бирданига ҳужум қилдилар. Улардан куп кишилар душман ўқидан ҳалок бўлди. Аммо ғалабага эришилиб, қурол-аслаҳалар улжа олинди. Шу онда Қўқон дарвозаси томондан, деворнинг пастқам

жойидан рус аскарларининг келаётганлиги ҳақида хабар олинди. «Уларга қарши, — деб ёзганди муаррих, — Тошкентда истиқомат қилувчи қўқонлик Абдурахим ясовулбоши дарҳол ўспирин йигитларни ҳамда шаҳарнинг юракли, дадил ғозийларини ва мужоҳидларини бир ерга туплашни буюрди. Уларнинг орасида Мир Юсуф Мирсултон боғбон ўғли, Умархон Турахон ўғли, Нормухаммад ва Мулла Алишер Муҳаммад Ҳусайн мерган ўғиллари, Муллажон Мусо Муҳаммад Алибобо подачи ўғли, Мусо Муҳаммад понсодбоши Серкабой ўғли, Розикбой ва бошқа қиётликлар бор эди. Улар моҳир мерганлар сифатида ном чиқарган кишилар ҳисобланиб, Жарбошидаги ҳовлиларга урнашиб олиб девор тешикларидан душманга қарши уқ отдилар». Натижада рус аскарлари деворнинг пастқам жойидан шаҳарга кира олмасдан туплардан шу даражада уқ ёғдирдиларки, ҳамма ёқни тутун ва чанг-тузон босиб кетди. Улар бу ҳолдан фойдаланиб, аравалари ва туялари билан мудофаани ёриб утмоқчи булдилар, лекин мерганлар бунга йул бермадилар. Ёмғир ёғишига қарамай уша ердаги жанг икки кун давом этиб, охири душман уз мақсадига эриша олмай Камолон дарвозасига қараб кетиб, Хожа Аламбардор атрофида турган рус аскарларига бориб қўшилдилар.

Бир рус манбасида шаҳар ичидаги урушларнинг бири шундай изоҳланган: «Баррикадалар барча кучаларда ва чорраҳаларда юзага келди. Ёнг қаттиқ қаршилик Урдан бозорга бориладиган кучада курсатилди. Артиллерия бошлиғи Иванов бошчилигидаги 50 аскар уша кучада замбараклардан уққа тутилди. У биринчи учраган баррикадага найза билан ҳужум қилиб тупни қўлга киритди. Аммо Иванов баррикадани олиб ташлаётганда унга қарши иккинчи баррикададан туплардан ва хонадонлардан уқлар отилди. Шундан кейин баррикадани иккинчи маротаба ишғол этишга тўғри келди. Қўқон дарвозасидан уша кучага бир чақирим масофага келтирилган замбараклардан кечаси билан уқлар отилди».

Шундан кейин ватан ҳимоячилари Камолон дарвозасида ва атроф-жойларда, Урдада жангларда ҳалок бўлиб, кучаларда ётган шаҳарликлар жасадини кўмиш билан шуғулландилар. Улар орасида Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг шоғирдлари ҳам бор эди. Раҳмат ариғи бўйидаги пастликда «икки наманганлик навқарнинг икки рус аскарига ёпишиб, тўрт ўлик гўёки икки ўлик

булиб ётганлиги» яккама-якка жанг булганидан далолат берарди. Султон Саъидхоннинг собиқ қароргоҳида ҳам ғозийларнинг жасадлари қалашиб ётарди.

Хуллас, рус аскарлари шаҳар ичига бостириб кирганларида Ўрдада ва унинг ташқи томонларида жуда кўп одамлар шаҳид булдилар, лекин уларнинг аниқ сони ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз.

Гарчанд шаҳарда ниҳоятда мушкул ва оғир вазият вужудга келиб, саросима ва ваҳимага тушиш кўзга ташланган булса-да, душманга қарши курашни давом эттириш тарафдорлари оз эмас эди. Ҳатто айрим юқори табақа вакиллари Ватан мустақиллиги учун ҳеч нарса сени аямагандилар. Масалан, яккабозорлик Қосимбой деган киши бир хуржун кумуш танга келтириб, халойиққа: «Кимки уруш ва ғазотни давом эттирса, бир ҳовучдан танга бераман», — деб ташвиқот юргизган. Одамлар бу тангаларни олиб Ўрдадаги рус аскарларига қарши жангга киришганлар.

Шу пайтда бирин-кетин бир гуруҳ рус аскарлари «Урушни тўхтатинглар, себзорликлар, бешоғочликлар ярашиш сулҳини туздилар», — дейишиб, ватан ҳимоячиларини тинчликка чақирганлар. Аммо Ўрда атрофидаги ғозийлар бу ҳийла-найранг булса керак, дейишиб, уларни уққа тутганлар.

Бир вақт рус аскарларининг бир қисми Камолон дарвозаси томонидан келиб Бешоғоч дарвозаси орқали шаҳарга кирганлиги ҳақида хабар олинади. Ўрдадаги ғозийлар дарҳол у томонга боришиб, душман билан жанг қилиб, кейин икки томон ҳам уз жойларига қайтган. Шундан кейин ҳам қалъа деворининг пастқам жойларидан руслар себзорликлар билан бешоғочликлар урушни тўхтатганликлари ва сулҳ тузганлиги тўғрисида бақириб гапирганлар. Бу вақтда урушни давом эттириш тарафдорлари Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ва бошқалар бошчилигида жангга шайланиб турардилар. Аммо русларнинг сулҳ тузилганлиги ҳақидаги хабарини аниқлаш учун Қосимбойваччани Муҳаммад Солиҳ додхоҳ ҳузурига жўнатадилар. Дарҳақиқат, шаҳарнинг юқори табақалари орасида тинчлик сулҳи тузиш ва буйсуниш тарафдорлари купаймоқда эди. Аммо Муҳаммад Солиҳ додхоҳ кенгаш чақириб, жангни бир томчи қон қолгунча давом эттиришга даъват қилди. У жамоа аҳли ҳузурда шундай деган: «Дин учун жонбозлик кўрсатиб курашаётганлар ҳаром билан пок улимнинг фарқини яхши англайдилар. Кофирлар қанчалик

хийла-найранглар қилиб ярашиш хусусида ваъдалар бермасинлар, барибир, ғозийлар жанг қилишга тайёрдилар. Буни халойиққа тушунтириш чинакам уламоларнинг бурчидир». Муҳаммад Солиҳ додхоҳнинг бу сузлари ватан ҳимоячиларини руҳлантирди. Улар йигиндан чиқишлари биланоқ душманга қарши ҳужум қилдилар. Натижада «бир қанча кишилар ҳалок бўлдилар ёки жароҳатландилар».

Гапнинг сирасини айтганда, Тошкент аҳли қулидан келганича ва имкони борича мустақилликни сақлаш учун курашди. Рус аскарлари бостириб кирганда ҳам «Тошкент фуқароси икки кечаю кундуз кофирлар билан урушиб, уларни Масжиди баланд хонақосига қамадилар. Бир кеча-кундуз аҳли ислом уларни муҳосара қилиб, хонақоҳ атрофини ёқмоқчи бўлдилар. Кофирлар бундан хабар топиб, Эски Ҳурдага утдилар ва шу йўлда бир неча маҳалларни ёндириб юбордилар. Шаҳарга шуришу ғавго тушди...»¹

Черняев эса ярашиш сулҳини тузиш ва урушни тухтатиш йўллари тинимсиз излади. Чунки унинг ҳарбий кучи шу даражада катта талофатга учраб заифлашган эдики, агар четдан ҳарбий ёрдам келганда уларнинг тор-мор қилиниши аниқ эди. Шунинг учун ҳам шаҳарнинг илғор ва билимдон кишилари ташқи ёрдамга кўз тиккан ҳолда урушни давом эттиришга қаттиқ бел боғлаган эдилар. «Улар, — деб таъкидлайди муаррих, — урушни ҳозиргидек давом эттирсак, шоедим, Хоразм, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятига тегишли атроф-жойлардан ёрдам келиб қолса», — дейишиб, умидларини узмадилар.

Шаҳардаги уруш тарафдорлари Муҳаммад Солиҳ додхоҳдан маслаҳат олиб иш юритишга қарор қилдилар. Бу табаррук зот йигинда шундай деган: «Тошкентликлар очликка, сувсизликка, ташналикка ҳамда ҳалокатга ва талофатларга қарамай урушни давом эттириб, шаҳарни уз қулларида сақлаб турибдилар. Ҳозирда ғозийлар, етим-есирлар, очлар ва ташналар номидан ёрдам сўраб Кировчи қалъасидан тортиб Қурама, Чиноз, Хужанд, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва Фарғона ерларига хатлар юбориш зарур»². Бу таклиф дарҳол маъқулланиб курсатилган жойларнинг ҳукмдорлари номига хат тайёрлаш мунший Мирза Юнусхон Мулла

¹ Тарихи жаҳоннамои, 127-бет.

² Тарихи жаҳоннамои Тошканд, 611-бет.

Бобожон ўглига топширилди. Шу равишда 50 дан ортиқ хатлар тайёрланган эди¹. Уларда ёрдам сўрашдан булак нималар дейилгани номаълум. Аммо уша йиғинда шундай бир оғир вазиятда кофирларга қарши курашга ёрдам бермаслик айбдорлар шаънига қиёматгача таъна, нафрат ва лаънатлар айтилиши ҳамда тарихларга ёзилиб, авлодлар томонидан қаттиқ қораланиши ҳақида фикрлар баён этилган².

Куп утмай ватан ҳимоячиларининг умидини пучга чиқарадиган воқеа юз берди. Руслар Урда ичидаги порох ва қурол-аслаҳа сақланадиган махфий омборни айрим хоинлар ёрдамида аниқлаб, 50 га яқин катта замбарак уқи ва бошқа портловчи моддалар воситасида остин-устин қилиб ташлаганлар. Портлаш шу даражада даҳшатли ва ваҳимали бўлганки, «бамисоли қиёматқойим» юз берган. Шу тариқа, ватан ҳимоячилари яроғ-аслаҳадан ҳам маҳрум бўлдилар. Бунинг устига Камолон дарвозасидан бостириб кирган душман кучлари тупларини Шайхонтаҳур, Бешоғоч ва бошқа даҳаларга қўйиб, таслим бўлинмаса, шаҳарни остин-устин қилиб ташлашларини маълум қилган.

Хуллас, четдан ёрдам келмаслиги, яроғ-аслаҳа омборининг портлатилиши, очлик, сувсизлик, бош сардорсизлик ҳамда қўрилган катта талофатлар ва бир гуруҳ кишиларнинг хоинлиги — ҳаммаси бир бўлиб, пировардида, душманнинг ғалаба қилишига олиб келди. Аммо курсатилган сабабларга қарамай, шаҳар халқи ўз она юртининг мустақиллигини сақлаш учун нимаики зарур бўлса, шуни бажонидил бажарди. Жангларда шаҳар қонга беланди, ут ичида ёнди.

Рус аскарлари 16 байроқ, 48 мис ва 16 чўян замбараклар ва бошқа яроғ-аслаҳаларни ўлжа олдилар. Улар-

¹ Шу муносабат билан Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ўз асаида руслар томонидан Оқмасжиднинг босиб олинганлиги ҳақида хабар топган Афғонистон подшоҳи Дустмуҳаммадхон Бухоро амири ҳузурига элчи юборганлиги тўғрисида маълумот беради. Унга қўра, подшоҳ хатида Оқмасжиднинг қўлдан кетишига қарамай, Туркистон заминининг ҳукмдорлари пинагини бузмай юрганликлари таъна қилинган. Унда Рус давлати бамисоли «аждарҳога ухшаб» Қипчоқ даштига қўйруғини кирғизиб олгандан кейин Фарғона, Бухоро ва, умуман, бутун Туркистон ўлкасини босиб олиши ҳеч гап эмас, дейилган. Шунинг учун катта хавфнинг олдини олиш Бухоро амири Насруллога таклиф этилган. Насрулло эса, Дашти Қипчоқ ва Туркистон заминининг Қўқон хонлигига тегишлилигини ва унга дахли йўқлигини ўз ичига олган хатни элчи Мирза Фахр деган кишиси орқали юборган. Дустмуҳаммад бундай бемаъни жавобдан газабланиб, Бухоро элчисини ўз ватанига ҳайдаб юборган экан (уша асар, 510—511-бетлар).

² Уша жойда, уша бетлар.

дан жангларда 25 киши улдирилди, 118 киши жароҳатланди. Шубҳасиз, бу ерда ҳалок бўлганлар сони камайтирилиб кўрсатилган, чунки олдинги саҳифаларда шарҳланган жангларда душман тарафида ҳам кўп кишиларнинг ҳалок бўлганлари турган гап. Буни маҳаллий манбалардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

АҲДНОМА ТУЗИЛИШИ ВА «ТОШКЕНТ ХОНЛИГИ» ХУСУСИДА

Икки томондан отишмалар тухтатилгандан кейин шаҳар катталари Муҳаммад Солиҳ додхоҳ бошчилигида генерал Черняев ва аскарлари жойлашган Камолон дарвозаси томонидаги Хожа Аламбардор деган жойга тупланишди. Улар орасида Эшони бузург Хужа Қозининг угли Аҳмадхўжа муфти ва бошқа нуфузли одамлар ҳам бор эди. Бу кишилар Муҳаммад додхоҳга: «Ноитифоқлик бизни бу аҳволга солиб қўйди», — деб гапирганлар. Кўп утмай келган генерал Черняев «аввало Ҳакимхўжа қозикалондан бошлаб Абулқосимхон эшон, Муҳаммад Солиҳ додхоҳ ва бошқа уламо, фузало, акобир, савдогарлар ва сардорлар билан бирма-бир, алоҳида қўл бериб қуришиб, ҳол-аҳвол сурашиб, бир-бирларининг исмларини айтиб, сунгра ваъда-аҳду паймонни ва ярашишни уртага қўйди»¹.

Бу йиғинда қатнашган Муҳаммад Солиҳ Тошкандий воқеанинг жонли гувоҳи сифатида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Буларга кўра, аҳднома беш нусxada тузилиб, бири генерал Черняевга топширилган, қолган турттаси Шайхонтахур, Бешоғоч, Кукча ва Себзор даҳалари вакилларига топширилган. Аҳднома нусхаларига шаҳарнинг атоқли кишиларининг муҳрлари босилиб, имзо чекидилар. Шунингдек, генерал Черняев ҳам уз имзосини қўйди. Шу аснода Муҳаммад Солиҳ додхоҳ Черняевнинг имзоси муҳрсиз қўйилганлигига эътиборни жалб қилиб: «Муҳр босилмаган аҳднома ҳақиқий ҳисобланмайди», — деган². Аммо генерал Черняев муҳрсиз имзо чекиш Россияда расм бўлиб, қонуний ҳисобланишини айтган. Муҳаммад Солиҳ Тошкандий урнидан туриб ўтган замонларда ҳам васиқалар ва аҳдномалар муҳрсиз имзо чекилганлигини маълум қилган. Шундан кейин Муҳаммад Солиҳ

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, иккинчи жилд, 3-бст.

² Уша жойда, 4-бст.

додхоҳ индамай адаши Муҳаммад Солиҳ Тошкандийни уз ҳузурига чақириб: «Бу аҳдномани бошдан-оёқ ўқиб беринг», — деган. У бунини эшитгандан кейин: «Аҳдномани зеҳн ва диққат билан ўқиб хотирангизда сақлангким, биз дунёдан ўтгандан кейин балким сизларга керак бўлиб қолиши мумкин», — деб гапирган¹.

Аҳднома мазмуни қуйидагилардан иборат бўлган: «Оқ подшо ва унинг вакили генерал Искандар² Черняевнинг фармони буйича Тошкент аҳолисига шуни маълум қиламизки, улар Оллоҳ таолонинг хоҳиш-иродасига мувофиқ Муҳаммад пайгамбар динини қаттиқ ушлаб, шариат қонунларидан бир қарич ҳам орқага чекинмасинлар. Уларнинг барчаси шу улканинг фойдаси ва манфаатлари учун ҳаракат қилсинлар. Беш вақт намозни ўз вақтида адо этсинлар, муллалар доимо мактабларга боришиб, Муҳаммад пайгамбар динини тарғибот қилсинлар. Уқувчиларнинг бирор соати ҳам бекорга кетмасин, муллалар болаларни мактабларга жалб қилиб бекорчиликка йўл қўймасинлар. Керак бўлса, қаттиқ чоралар қўриб болаларни мактабларда ўқишга мажбур этилсин. Борди-ю, ота-оналар болаларнинг ўқишларига аҳамият бермасалар, у вақтда раис ёки қозикалон ҳузурига чақиртирилиб шариат асосида қаттиқ жазолансинлар. Бу диннинг аҳолиси вақтларини беҳудага ўтказмай ўз ишлари билан шуғуллансинлар, савдогарлар эса савдо-сотикни давом эттирсинлар.

Исломи дини бўзани ва ароқни ичишни, бемаъни уйинлар билан шуғулланишни ёки ахлоқсиз бўлишликни ман этади. Шу боис шариатга зид ҳар қандай янгиликлардан сақланиш лозим.

Тошкентдаги барча бой ва камбағал табақалар юқорида шарҳланганларни сузсиз бажаришлари шартдир. Шаҳардаги уйлар, боғлар, яйловлар, сув тегирмонлари ўз эгалари ихтиёрида қолдирилади.

Рус солдатлари аҳолидан ҳеч нарса олмайдилар. Туб аҳолидан аскарлик хизматига кишилар олинмайди. Ҳарбий кишилар бирорта хонадонга қўйилмайди, борди-ю бундай ҳол юз берса, дарҳол хабар берилсин, айбдорлар жазоланади. Оқ подшоҳ бизга катта ғамхўрлик курсатди, шунинг учун биз унинг соғлигини худодан сўраб дуо қилишимиз керак.

Агар бирор кимса бир кишини ўлдирса ёки савдо-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Черняевнинг исми — Александр.

гарлар молини таласа, у вақтда айбдорлар рус қонунлари асосида жавобгарликка тортилади. Агар бир одам узини узи улдирса, у вақтда унинг мол-мулки меросхурига берилади ва ҳеч нарса олинмайди. Мен, губернатор Искандар Черняев, сизларни бу йилги солиқлардан озод қиламан, кейингиси Буюк Оқ подшоҳимиз хоҳишлари бўйича белгиланади. Уйлайманки, сизларга бундан ҳам зиёд гамхурлик қилинади»¹.

1865 йил 1 июлдан бошлаб кучга кирган мазкур аҳдномадаги шартлардан кўриниб турибдики, биринчи навбатда, ислом динини қаттиқ ушлашга, шариат қоидаларига сузсиз риоя қилишга ва мактаблар фаолиятини сусайтирмасликка алоҳида аҳамият берилган. Шунингдек, халқнинг мол-мулки ва дини дахлсизлигини сақлаш муҳим урин эгаллаган. Умуман айтганда, аҳдномада миллий анъаналар ва урф-одатлар ҳимоя этилиб, маҳаллий турмуш тарзининг софлиги муҳофаза қилинганлиги диққатга сазовордир. Фикримча, генерал Черняев аҳдномани тузишда шаҳар катталарининг талабларига ён босган. У қандай бўлмасин урушни тўхтатишни ва ғалабани қўлдан бой бермасликни кўпроқ уйлаб иш юритган. Шунинг учун ҳам у шаҳарни бир йил давомида солиқлардан озод этган. Бундан ташқари, у бир қанча чораларни ҳам кўрди. Чунончи, у аҳдномага имзо чекилгандан кейин Ҳакимхўжа қозикалонга, Абулқосимхўжага, Муҳаммад Солиҳ додхўжа, тўрт даҳанинг оқсоқолларига зар ёқали чакмонлар кийгизди. 1865 йил 12 июлда, жума намозидан кейин генерал Черняев «Ҳакимхўжа қозикалоннинг уйига бориб, унга сон-саноксиз ҳадялар бериб хурсанд қилди. Сунгра Регистон растасига бориб, одамларга ва гадойларга тангалар сочди, мажруҳларга ва жароҳатланганларга тиббий ёрдам берди»². Шундан кейин генерал Черняев уз аскарлари билан Хожа Аламбардордан кўчиб Чиҳил духтаронга (ҳозирги Шимолий вокзал атрофи) ўрнашди.

Икки кундан кейин генерал Черняев халқ қулидаги қуролларни топширишни буюрди. У Эшонқули додхўж мадрасасига кириб муллаваччаларга ўқишни давом эттиришларини буюрди. Сунгра амири лашқар Мулла Олимқул қабрини зиёрат қилди. Черняев Кукалош,

¹ Аҳднома Муҳаммад Солиҳ Тошкандий асарига ва рус тилида чоп этилган маълумотлар асосида берилди.

² Тарихи жадилайи Тошканд, иккинчи жилд, 9-бет.

Бекларбеги ва бошқа мадрасаларни ҳам айланиб чиқди. У урушда шикастланган ёки ўт тушган масжидларни, ҳовлилар ва дуконларни тузатиш учун Ҳакимхужа қозикалонга кумуш тангалар берди. Аммо бу киши тангаларнинг бир қисмини бир неча одамларга бериб, кўпини ўзига олиб қолган. Буни кўрган Черняев яна маблаг ажратган ва сарфлашни бошқа ишончли кишиларга топширган. Маълумки, Тошкентда ва ўлканинг бошқа шаҳарларида урушларда асирликка олинган ёки кучманчилар томонидан олиб келинган бегона миллат вакиллари қўл сифатида ишлатилган. Генерал Черняев шу хилдаги кишиларни озод қилиш ҳақида фармон берди. Бу масалани ҳал этиш учун шаҳарнинг катталари кенгаш ўтказишиб, сарфланган пулни қайтариш шарти билан қўлларни озод қилишга рози эканликларини айтдилар. Аммо Саъидазимбой суз олиб, савдогарлар ва шаҳсан ўзи қўлларни озод этиш тарафдори эканлигини изҳор қилди. Шундан кейин кенгаш қатнашчилари Саъидазимбойни бир бурчакка олиб, дейишибди: «Бу вилоятнинг харобалиги каммидики, сен уни яна вайрона бўлишига сабаб бўлсанг. Биласанки, Тошкент барча шаҳарларнинг устуни ва шон-шўхрати эди, лекин унинг ҳозирги ҳолга тушишига сен сабаб бўлдинг. Бунинг учун халқнинг лаънати, ҳақорати ва таънаси қийматгача сенинг ва авлодларинг бўйнида қолади»¹.

Кенгаш қатнашчилари кўнгиллари хира ва ранжиган ҳолда тарқаган. Қўлларни озод қилишда биринчи бўлиб отилиб чиққан Саъидазимбойнинг генерал Черняев номига ёзган хатида шундай дейилган: «Мен кўп йиллар мобайнида савдо билан Россияга қатнаб, оқ подшоҳ марҳаматининг гувоҳи бўлиб билдимки, менга ўхшаган Россия фуқаролари ўз қўлларидаги қўлларни озод қилганлар². Ҳозир мен ҳам биринчидан худо йўлига, иккинчидан оқ подшоҳга итоаткорликни намойиш қилиш ва сизга ҳурматимни изҳор этиш учун ўз қўларимни (5 кишини) озод қилдим»³. Шунингдек, Саъидазимбойнинг таъсири ва ташвиқоти остида унинг қариндошлари Оллоҳнурбой Муҳаммадбеков, Мир Солиҳбой Бахтибоев, Бекназар Улуғбеков, Эшонбек Содиқбеков ва бошқа кишилар ҳам қўлларини озодликка

¹ Тарихи жадидаи Тошканд, иккинчи жилд, 36-бет.

² Бу ерда Россияда крепостнойликнинг бекор этилиши назарда тутилмоқда.

³ Рапорт командующего войсками Оренбургского округа Военному министру 24 февраля 1866 г., № 399.

чиқарганлар. Бу йўлдан бошқа савдогарлар ҳам борганлар¹.

Генерал Черняев яҳудийларни ажратиш учун жорий этилган махсус бош кийимини кийиш ва белини ип билан боғлаб юриш тартибини ҳам йўқ қилди. Рус ҳарбий маъмурияти Саъидазимбой Муҳаммадиевнинг хоинлик хизматини инобатга олиб, мукофотга тавсия этди. Шаҳар буйича 40га яқин қўллар озод қилинди.

Генерал Черняевнинг Тошкент аҳлига кўрсатган меҳрибонлиги, ғамхўрлиги ва инсонпарварлиги кузбуямачилик ҳамда найрангбозликдан иборат эди, холос. У бу ишларни шаҳарда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва халқни чалғитиш учун қилган эди. Аслида Черняев ута шафқатсиз, золим ва миллатчи киши эди. У айтар эдики, узбекларни ва бошқа маҳаллий халқни «тўн кийиб юрганликларининг ўзи учун ҳам уриш керак»². У зўнинг бу шиорига амал қилиб босиб олинган жойларни, жумладан Тошкентни қонга белади ва вайронага айлантирди. Гарчанд Черняев Тошкентни ўз ҳукуматининг ижозатисиз эгаллаган бўлса-да, лекин бу иш мамнуният билан қарши олинди. Шахсан император Александр генерал Черняевни бриллиантлар қадалган қилич билан мукофотлади. Тошкент урушида узини кўрсатган майор Вулферт, юзбоши Иванов ва бошқалар ҳам мукофотга тавсия этилди.

Тошкентнинг босиб олинishi жаҳонда, айниқса, Англия ва Туркияда норозилик ҳамда шов-шув кутарилишига олиб келди. Матбуотда Рус давлатининг пиروvardида Ҳиндистонга бостириб кириши мумкинлиги ҳақида турли хабарлар босилди. Натижада бу ҳол рус ҳукумати ташқи сиёсатини анча мураккаблашишга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас эди. Шу сабабли ҳам генерал Черняев уйламай қилиб қўйган қалтис ишини оқлаш ва жаҳон шов-шувини юмшатиш мақсадида гуё Тошкент ихтиёрий равишда рус қўшинларига бўйсунганлиги борасида ҳужжат уюштиришга киришди. У шаҳар катталарини тўплаб аҳоли номидан қўйидаги мазмунда хат тайёрлашни буюрди: «Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистон заминида Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб фуқароларга кўп жабр-зулм ўтказган... Улар закот, хирожни шариат асосида олмасдан ортиқча олганлар ва ҳеч қачон марҳамат қилмаганлар, қа-

¹ Уша жойда, уша бет.

² *Терентьев М.* История завоевания Средней Азии. СПб., 1906, т. 3, стр. 3.

димги урф-одат таомилидан воз кечиб, куп йиллар мансаб учун катта кишиларни улдириб, фитначи ва игвогарлар сўзига амал қилганлар. Уртада ноҳақ қонлар тукилиб, улар шариатга ва уламолар сўзларига амал қилишдан бош тортдилар. Фаргона ва Туркистон замида куп вақтлар ва купинча қипчоқ, қирғиз ва қозоқ бебошлари ҳукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун ихтиёримиз ва рағбатимиз билан рус сардорлари ва аскарларини олиб келиб уларга шаҳарни топширдик»¹.

Куриниб турибдики, тошкентликлар бўлиб утган барча жанглар ва талофатларни инкор этиб, ихтиёрий равишда рус аскарларига бўйсунганликларини тан олишлари лозим эди. Мазкур хатнинг мазмуни билдирилгандан кейин шаҳар катталари ҳайрон бўлиб турган пайтда Муҳаммад Солиҳ додхоҳ шундай жавоб берган: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни беркитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмасжидгача ва бу ердан Фулжагача булган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлга киритдилар. Уруш купинча кечаси ва тўсатдан олиб борилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12-сигача, яъни 42 кун давомида сувсиз, озик-овқатсиз қолдирилди. Мулла Олимқул шаҳид булгандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва фаргоналиклар ердам бермадилар. Тошкент фуқароси дини, миллати ва Ватани учун қаттиқ туриб, уруш ва талашни давом эттириб, сешанба куни ярим кеча утгандан кейин шаҳарга яқин рус аскарлари Хиебон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан фуқаро уйқудалиги чоғда шаҳарга кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб, пайшанба кунигача икки кеча-кундуз урушиб турдилар. Бу уртада куп иморатлар, дуконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч, ташна, сувсиз ҳолда якка-ма-якка уруш бўлиб, охирида яраш сулҳи тузилди»².

Ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи бундай жавоб генерал Черняевнинг газабини қўзғатди. У Муҳаммад Солиҳ додхоҳнинг сўзига қўшилувчи кишиларнинг бир тарафга утишларини буюрди. Шундан кейин шаҳар катталаридан олти киши, жумладан Ҳалимбой Мирза, Бердибой саркор, Мулла Мирза Охун, Мулла Музаффар хўжа, Мулла Азим Файзбойвачча, Мулла Қўш исмли кишилар Муҳаммад Солиҳ додхоҳни қувватлаб кўрса-

¹ Тарихи жадидаий Тошканд, иккинчи жилд, 12—13- бстлар.

² Уша жойда, 16—17- бстлар.

тилган томонга утдилар. Бу кишилар ва Муҳаммад Солиҳ додхоҳ дарҳол рус аскарлари томонидан ураб олиниб, қамоққа жунатилган. Бу ҳол йигиндаги шаҳар катталарига таъсир этган бўлса керак, улар генерал Черняев тавсия этган аҳдноmani тузишни Абусаттор Қорабош ўглига топширдилар. Бу киши «Черняев тавсия этган сўзларни бошидан охиригача кучириб бўлгандан кейин шаҳарнинг нодон, ақлсиз катталари ва савдогарлари муҳрларини босиб, имзоларини чекиб, унга топширдилар. Черняев аҳдноmani олгандан кейин савдогарлар Абдусаъид ва Ҳодихужага бериб Петербургга олиб бориб топширишни буюрди». Бу ердан улар аҳднома нусхаларини Истанбулга ва сунгра Маккага олиб боришлари лозим эди¹. Шу равишда генерал Черняев уз ҳукуматининг курсатмасига биноан гуё Тошкентнинг ихтиёрий равишда Рус давлатига буйсунганлигини намойиш этиб, узининг босқинчилик ва талончилик урушларини ниқобламоқчи бўлди.

Туркиядаги рус элчихонаси аҳднома нусхаларини купайтириб Истанбулдаги кучаларга, бозорларга, дуконларга ва, умуман, кузга ташланадиган жойларга ёпиштириб қуйган. Бу вақтда Султон Саъидхон ва Мулла Олимкул вақтида юборилган Ёқубхужа қози ва наманганлик Мирзажон деган кишилардан иборат элчилар Истанбулда экан. Улар Тошкентда қаттиқ жанглр кетаётгани ва ёрдам бериш ҳақидаги мактубни Туркия султони Абдулазизга топширганлар. Бу султон юқорида қайд этилган қалбаки аҳдномага ишониб, Ёқубхужа қозини ва Мирзажон афандини уз ҳузурига чақириб «Сизлар воқеани бошқачароқ таърифлаган экансизлар», — деб ўзининг шубҳаланаётганини билдирган. Шунда Тошкент элчилари ҳайрон бўлишиб, нима дейишларини билмай, тилларини тишлаб қолган экан².

Бинобарин, рус ҳукумати ўзининг жирканч ва қабиҳ ишларини ниқоблашда ҳар қандай қаллобликдан тоймаган. Энди рус ҳукуматининг босқинчилигига ва қонунсиз ҳаракатларига қарши кукрагини қалқон қилиб турган Муҳаммад Солиҳ додхоҳ тўғрисидаги айрим маълумотларга диққатни жалб этайлик. У зот олим ва машҳур мударрис булиши билан бирга, ватан учун жонини тиккан ва Тошкентдаги жангларга бошчилик қилган улуғ шахслардан биридир. Яқинда

¹ Тарихий жадидаи Тошканд, иккинчи жилд, 27- бет.

² Уша жойда, уша бет.

менга унинг авлодларидан бири мухтарам Нуруллабек Муҳаммад Солиҳ додхоҳга тегишли архив маълумотларини берди. Уларда курсатилишича, Муҳаммад Солиҳ додхоҳ халқ озодлиги ва эркинлиги учун курашган киши сифатида жуда қадрланган. Шунинг учун ҳам 1867 йили бир гуруҳ нуфузли кишилар халқ номидан Муҳаммад Солиҳ додхоҳни сургундан озод этишни сураб рус императорига хат йўллайдилар. «Муҳаммад Солиҳ додхоҳ, — дейилади хатда, — Тошкентнинг босиб олинишига ва шаҳарни қамал қилган рус аскарларига қаршилик курсатгани учун бадарга қилинган эди. У бизларнинг фарзандларимизни ва оилаларимизни муҳофаза қилиш учун курашган»¹. Яна хатда унинг мадрасада таълим-тарбия бергани ва ёшларнинг устози сифатида қадрланиши ҳам таъкидланган.

1867 йил 24 мартда мазкур хат бўйича генерал-губернатор ва Оренбург ҳарбий округининг бошлиғи Крижановскийнинг ҳарбий вазирга ёзган рапортида шундай дейилган: «Муҳаммад Солиҳ додхоҳ генерал Черняевнинг сузига кура, нотик, софдил, ута эътиқодли киши ҳисобланиб, рус аскарлари Тошкентга ҳужум қилган вақтда халқни жангларга отлантирган ва бунинг учун узининг бойлигини сарфлаган. Умуман олганда, у ниҳоятда катта обрўга эгадир»². Крижановский Муҳаммад Солиҳ додхоҳ озод этиш ҳақидаги илтимоснинг қондирилишини ҳарбий вазирдан сураган.

1867 йил 16 декабрда Туркистон генерал-губернатори Кауфманнинг ҳарбий вазирга юборган рапортида эса, Муҳаммад Солиҳ додхоҳ «энг обрули ва бой» киши сифатида изоҳланиб, генерал Черняев томонидан 7 ҳамроҳи билан Томск губерниясига жўнатилганлиги маълум қилинган. Улардан икки киши вафот этганлиги ва ҳозирда 5 киши, хусусан Муҳаммад Солиҳ додхоҳ, Мулла Мирза Аъзам охун, Мулла Музаффархужа, Ҳалимбой Мирза ва Мулла Азим Файзбойваччаларнинг тириклиги айтилган³.

Генерал-губернатор уларни ўз ватанларига қайтаришни сураган. Рус императорининг рухсати билан ички ишлар вазирлиги Муҳаммад Солиҳ додхоҳ ва ҳамроҳларини озод этиш ҳақида Ғарбий Сибир генерал-губерна-

¹ ЦГВИА, ф. 400, оп. 1, д. 104, л. 4.

² Уша жойда, 6- бст.

³ Уша жойда, уша бст.

тори Хрушчевга курсатма берган¹. Бу кишининг 1869 йил 10 январда ёзган рапортига кура, 1865 йили Томск губерниясига сургун қилинган 9 узбекдан 3 таси Томскда вафот этган, 2 таси уша вақтларда (кафилга — Ҳ. 3.) бушатишган. Тирик қолган 4 киши эса 1868 йил 18 июнда уз ватанларига қайтишлари учун Семипалатинскка жўнатишган². Демак, сургундаги ватанпарварларни озод қилиш масаласини ҳал этиш жараёнида даставвал икки киши улганлиги ҳақида маълумот берилган бўлса, уларнинг сони уч кишига етган. Афсуски, архив ҳужжатларида улганларнинг исми шарифи курсатилмаган. Менинчача, учинчи шахс Муҳаммад Солиҳ додхоҳ бўлса керак. Чунки унинг ҳозирги авлодларининг хотирасида унинг Томскда улганлиги ҳақидаги фикр сақланмоқда. Юқорида қайд этилган Нуруллабекнинг сузига қараганда, шаҳарда сотқинлик қилган кишилар Муҳаммад Солиҳ додхоҳнинг ватанига қайтишига тиш-тирноқлари билан қарши турганлар. Ҳатто улар уз одамани Томскка юборишиб, Муҳаммад Солиҳ додхоҳ заҳарлаб ўлдирганлари ҳақидаги маълумот ҳам уша вақтда Тошкентга етиб келган экан. Шунингдек, унинг угли Томскка кетаётганда йулда Чуй дарёси атрофида орқасидан махсус юборилган қотил томонидан ўлдирилган.

Уйлайманки, кейинги изланишлар уз ватани учун жонини ҳам, молини ҳам аямаган Муҳаммад Солиҳ додхоҳнинг фаолияти ва тақдирини тулароқ ёритиш имконини беради.

Даставвал, Рус давлати тобелигида мустақил Тошкент хонлигини тузиш бўйича ҳукумат вакиллари уртасида фикр алмашилди ва қувватланди. Лекин бошда шундай фикр тарафдори бўлган Черняев Тошкентни босиб олгандан кейин айниб, Тошкентни ва Намангангача бўлган ерларни Рус давлати таркибига киритиш масаласини кутаради. Унинг сузича, у илгари Тошкентда ҳарбий қисмини таъминлашнинг иложи йўқ деб ўйлаган экан. Бироқ у шаҳар эгаллангандан кейин солиқлар ва бож ҳисобига маблағ тупланишига ишонч ҳосил қилганмиш.

Бундан ташқари, шаҳарда Саъидазимбой, Муҳаммад Мирсоатбой ва бошқа сотқинлардан иборат бир гуруҳ бойлар зўр бериб Тошкентнинг Россия империя-

¹ Уша жойда, 12-бет.

² Уша жойда, 13-бет.

си таркибига киритилиши тарафдорлари сифатида Черняевни руҳлангириб турдилар. Бу билан улар узларининг шахсий манфаатлари ва мавқеини сақлашни мақсад қилиб қуйгандилар, холос. Борди-ю, «мустақил» Тошкент хонлиги ташкил топса, у вақтда улар қилмишларига яраша четга сурилиши ва манфаатларига путур етказилиши турган гап эди. Шу боис улар генерал Черняевнинг орқа этагини маҳкам ушлагандилар. Оренбург генерал-губернатори Крижановский эса ҳарбий вазир номига йўллаган хатида «мустақил» Тошкент хонлигини тузиш ҳамда Россия чегарасини Чимкент, Авлиёота, Марки, Тўқмоқ ва Норингача қўзилган ерлар билан белгилашини таклиф этди. Бу жойлар билан Сирдарё оралигидаги ерлар эса, Тошкент хонлиги таркибига киритилиши кўрсатилди. Бу хонликни назорат остида тутиб туриш учун Ниезбек, Чиноз ва шаҳар бағридаги бирор жойда рус ҳарбий истеҳкоми бўлиши лозим эди. Бу ишлар тошкентликларнинг илтимосига биноан амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Крижановский Бухоро амирининг Тошкентга тажовузининг олдини олишга қаратилган фикрини ҳам маълум қилди. Бунга кура, агар амир бу ишга қул урса, у вақтда Бухоронинг рус аскарлари томонидан босиб олиниши ва катта ҳажмда товон солиниши лозим эди.

«Мустақил» Тошкент хонлигини тузиш хусусида бир-бирларига зид фикрлар юритилган бўлса-да, лекин уларнинг моҳияти ва йуналиши қандай бўлмасин Рус давлатининг мавқеини мустаҳкамлашдан иборат эди, холос.

Тошкент босиб олингандан кейин генерал Черняевнинг Оренбург генерал-губернатори Крижановский билан муносабати кескинлашиб борди. Бунга купроқ Черняевнинг унга ва, умуман, ҳукумат вакилларига нисбатан узбошимчалиги сабаб бўлди. Ҳатто Петербургда Черняевнинг душманлари Тошкент шаҳри ҳали олинмаганлиги ҳақида гаплар тарқатишган. Шу боис Черняев узининг яқин кишиси полковник Полторацкийга юборган хатида қуйидагиларни ёзган: «Тошкент нафақат эгалланган, ва мутлақо тинчлантирилган, балки Россияга шу даражада боғланганки, энди уни ажратиб бўлмайди. Шаҳар аҳолиси узининг бугунги аҳволига рози бўлиб, на Бухоро ва на Қўқон тарафига утишни истайди. Улар жонларига теккан узаро урушларнинг яна бошланишини англаб, мустақиллик берилишига хурсанд бўлмас-

ликлари турган гап. Айниқса, юқори табақа вакиллари рози булмайдилар»¹.

Черняев уз хатида узбошимчалигини оқлашга уришиб, Тошкентда ва бошқа жойларда Россия ҳукмронлигини урнатишда жонбозлик кўрсатганлиги, лекин шунга қарамай унинг қадр-қиммати ўрнига қўйилмаётганлигидан нолиган. У узининг бошлиқларига берган маълумотларида Қўқон ҳарбий кучларини ҳамма вақт онгли равишда камайтириб ёзганлигини тан олган. Масалан, Чимкентдаги жангларда ватан ҳимоячиларининг сони 15-18 минг киши деб кўрсатилган. Аслида улар 40 минг кишидан ташкил топганлиги қайд этилган. Шунга ухшаш бошқа жанглардаги Қўқон аскарларининг сони ҳам озайтирилган ҳолда маълум қилинган². Умуман олганда, Черняев ва бошқа рус ҳарбий бошлиқлари куп ҳолларда ватан ҳимоячиларининг қаршилигини камситиб кўрсатишга уринганлар.

1865 йилнинг сентябрида генерал Крижановский Тошкентга келиб шаҳар ва атроф жойларда булиб аҳвол билан танишди. Айни бир пайтда қўшинни руҳлантириш мақсадида қўйидаги мурожаатни ҳарбий қисмлар диққатига ҳавола этди: «Мен кейинги икки йил мобайнида сизларнинг қилган ишларингизни куриб хурсанд бўлдим. Сизлар император фармонини сидқидиллик билан бажариб, Жулақдан Вернийгача бўлган 800 чақиримлик масофани найза тиғи билан эгаллаб, ҳарбий чизик ташкил этдингиз. Ҳозирда рус подшоҳига қарам кучманчилар Қўқон хонлиги зулмидан озод ҳолда ҳаёт кечирмоқдалар, сизлар уларга таянч ва қалқон булиб турибсизлар.

Сизлар қисқа вақт ичида бизларга номаълум бўлган янги ерлар буйлаб олға юрдингиз. Бу жойларни 2000 йилдан ортиқ муқаддам македониялик Александр урушиб олган эди. Уша вақтлардан буён бу бой мамлакат осиеликлар қўлида булиб қашшоқлашди, чулу биёбонга айланди. Рус подшоҳи Александр Иккинчининг аскарлари зиммасига улкага жон киритиш вазифаси тушди. Бизнинг подшоҳимиз македониялик Александрга ухшаб босқинчилик урушларини олиб боришни хоҳламайди. Бизнинг ҳукмдоримиз узининг жасоратли қўшинининг найзалари билан маърифат учун кенг йул очишни истайди.

¹ Письмо Черняева полковнику Полторацкому, 15 августа 1865 г.

² Уша жойда, уша бет.

Осиеликлар 2000 йилдан кейин македониялик Александр ва унинг галабаларини унутганлар, лекин эзилган халқларни талон-торож ва ваҳшиёна равишда қириш учун эмас, балки зулмдан озод этиб, тинчликни, барқарорликни ва фаровон турмушни таъминлаш учун ўз қушинини юборган рус подшоҳини ҳеч қачон унутмайдилар.

Сизларнинг мақсадингиз олий ва ҳавас қиладиган ишдир. Мен катта хурсандлик билан ишонч ҳосил қилдимки, сизлар бундай мақсадга тўлиқ лойиқдирсизлар. Сизлар фақатгина найза билан ҳаракат этмасдан, бу ерда ўзларингизга уйлар қурдингиз, экинлар экдингиз ҳамда ўз хужаликларингизни туздингиз. Йигитлар шу тарзда ишни давом қилдириб, осиеликларга худонинг нозу неъматларидан қандай фойдаланишни намуна сифатида намоиш этинглар»¹.

Бинобарин, онги улуғмиллатчилик руҳи билан суғорилган Крижановский гуё Рус давлати озодлик, эркинлик ва тараққиёт тарғиботчиси сифатида Туркистонга келганлигига ишонтиришга уринган. Унинг фикрича, туб аҳоли шу даражада «ёввойилашиб» кетганки, ҳатто табиат нозу неъматларидан фойдаланишни ва, умуман, маданиятни руслардан урганиш лозим экан. Бундай бемаъни гаплар ҳеч қандай қолипга сиғмай, фақат қонли урушларни ва қиргин-баротларни ниқоблаш учун айтилган сохта бир ҳаракатдан булак ҳеч нарса эмас, албатта.

Генерал Крижановскийнинг улуғмиллатчилик мафкурасини қуйидаги сўзлари ҳам яққол исботлайди: «Мен, — деб ёзади у, — Бухоро амирининг элчисига шуни маълум қилдимки, бундан буён Урта Осиенинг ҳукмдорлари билан фақат рус тилида сўзлашаман. Агар амирликда рус тилини яхши биладиган киши йўқ бўлса, у вақтда уни топиб бераман. Менингча, заиф қушнларимизнинг тилига, урф-одатлари ва тартибларига риоя этган ҳолда муомала қилишни тўхтатиш керак. Ҳозирча уларни бизнинг одатларимизга аста-секин мослаштириш ва тилимизда гапиришга мажбур этишнинг вақти келди. Бизлар Урта Осиёда яқка ҳукмронлик қилиб бу ерга ўз қулимиз билан маданият киритишимиз ва инсон зотининг энг эзилган, бахтсиз кишилари-нинг ҳаётини яхшилашимиз даркор»².

¹ Приказ по войскам Оренбургского округа, расположенным в Туркестанской области, 24 сентября 1866 г., № 72.

² Рапорт Оренбургского губернатора Директору Азиатского департамента, 24 сентября 1865 г.

Демак, Крижановский Туркистон аҳолисини руслаштириш гоясини кутарган эди. У Тошкентдан Оренбургга қайтгач, ўз таассуротлари ва таклифларини вице-канцлер Горчаковга маълум қилди. Бунда у узбеклар бутун улкада ҳокимият тепасида туриб барча хонлар, амирлар, вазирлар ва лашкарбошилар улардан тайинлангани қайд этилган. Шу боис Рус давлати Урта Осиёда уларга қарши курашиши лозимлиги уқдириб утилган. Крижановский Тошкент шаҳри бутун минтақада муҳим савдо маркази ҳисобланиб, 80-100 минг аҳолига, 13 қарвонсаройга эгаллигини кўрсатиб, хорижий мамлакатлар билан савдо олиб бораётганлигини ёзган. Яна, Тошкент «Россия моллари учун ниҳоятда катта аҳамиятга» эгаллиги маълум қилинган¹.

Крижановский Тошкентга қандай муносабатда бўлиш масаласига тўхталиб ёзади: «Агар Тошкентни мустақил шаҳар сифатида эълон қилинса ва қўшинимиз чиқарилса, у вақтда узбеклар бош кутариб Бухоро амири тарафдорларини ўз атрофига уюштиради. Амирнинг кириб келиши билан улдириш ва талон-торожлар бошланиб кетади. Шу муносабат билан биз қўшинни келтириб яна уруш қилишга мажбур бўламиз»². Шунинг учун у Тошкент атрофидаги айрим жойларда рус ҳарбий кучларини сақлаш зарур, деб ҳисоблайди. Шу шарт билан Тошкентга мустақиллик беришни таклиф этади. Бу фикрни Крижановский Тошкентда шаҳар катталарига маълум қилганда, улар «Россия тобелигида қолиш афзаллигини изҳор этганлар»³. Бу сўзлар халққа эмас, балки Россияга сотилган бир гуруҳ кишиларга тегишлидир. Бу ишда Саъидазимбой, Муҳаммад Соатбой ва уларнинг ҳамтовоқлари ташаббускорлик қилганлар.⁴

Генерал Черняев шаҳарни эгаллагач, ҳукмронлигини мустаҳкамлашга интилиб, ҳарбий қалъа ва қўшин учун турар-жойлар қуришга қаттиқ киришади. Чунончи, у 1865 йилнинг 28 сентябрида Крижановскийга юборган ахборотида шундай ёзган: «Ишчи кучлари етишмаслиги ва маблағнинг жуда озлигига қарамай, икки ярим ой мобайнида жуда катта ишлар амалга

¹ Рапорт генерал-губернатора вице-канцлеру, 25 октября 1865 г., № 6795.

² Уша жойда, уша бет.

³ Рапорт командующего войсками Оренбургского края Военному Министру, 23 октября 1865 г., № 6795.

⁴ Рапорт Оренбургского губернатора Министру Иностранных дел, 24 февраля 1866 г., № 1400.

оширилиши лозим эди. Аммо мен бу — барча сон-саноксиз қийинчиликларни узлуксиз ҳарбий юришлардан чарчаган ва толиққан қушинга таяниб бартараф этишга эришдим. Қушин уз зиммасига юклатилган ва-зифани одатдан ташқари хоҳиш-ирода билан бажариб, кутилганидан ҳам зиёда уринлатди. Ҳозирда қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Қалъани қуришда ер ишларида бир кеча-кундузга 30 тийин ҳақ тулаш шарти билан узбеклар ишлатилди. Узбек усталари ҳам ишга жалб қилинди. Ҳозирда Тошкентда ҳарбий қалъада 6 пиёда аскарлар ротасига 150 киши сиғадиган касалхона ва яроғ-аслаҳа омбори учун бино битказилди. Собиқ Қуқон қалъасида эса ҳарбий штаб ва ҳарбий губернатор жойлаштирилди»¹.

Шундай қилиб курдикки, бир томондан Тошкент хонлигини ташкил этиш ҳақида фикрлар изҳор қилинган булса, иккинчи томондан эса, шаҳарда ҳарбий истеҳком қуришга ва қушинни жойлаштиришга қаратилган чоралар зудлик билан амалга оширилиб борилган.

Тошкентни Россия таркибига киритиш тарафдори Черняев уз бошлиғи Крижановский Тошкентда булганида «Мустақил Тошкент хонлигини» ташкил этиш ҳақидаги кўрсатмасига очикдан-очик қаршилик кўрсатди. У Крижановскийнинг қуйидаги мурожаатини эълон қилишдан бош тортди: «Тошкент халқи! Сизга маълумки, Қуқон қушини ва фуқаролари Россия тобелигидаги қозоқларга кўп йиллардан буён ҳужум қилиб, карвонларни таладилар, одамларга савдо ва деҳқончилик билан осойишта шуғулланишга йул қўймадилар. Менинг ҳукмдорим Қуқон талончилигини тўхтатишни буюрди ва жасоратли рус қушини ҳукмдорнинг хоҳишини бажарди. Рус қуроли олдида бирин-кетин Туркистон, Авлиёота, Чимкент, Ниёзбек, Чиноз ва Тошкент истеҳкомлари тиз чўкди. Шунга ухшаш бизнинг душманларимизнинг қаршилиги давом этаверса, бошқа қалъалар ва шаҳарлар ҳам буйсундирилади.

Аммо рус подшоҳи бу жойларнинг камбағалларини хонавайронликдан ва ваҳший Қуқон ҳокимиятидан қутқазиб, янги урушлар қилмоқчи ва янги ерларни эгалламоқчи эмас. Шу маънода олий ҳазратлари менга Тошкент хусусида фармон бердилар. Бу фармонни бажариш юзасидан ва Тошкентдаги узим кўрган аҳволни назарда тутиб, қуйидагиларни маълум қиламан:

¹ Рапорт Военного губернатора Туркестанской области командующему войскам Оренбургского края, 28 сентября 1865 г., № 3973.

— Тошкент шаҳри Сирдарё қиргоқларигача чузилган ерларни ўз ичига олган мустақил давлат ҳисоблансин. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори Черняевга мен томонимдан берилган кўрсатма асосида Тошкент давлатининг бошқарув тартибларини тузиш топширилсин. Биринчи навбатда, сиз эътиқод қилаётган дин сўзсиз ўз урнида қолиши лозим. Ҳарбий губернаторнинг фикри мен орқали император олий ҳазратларига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Аммо у губернатор лойиқ топган вақтда амалга оширилади. Тошкент аҳли, агар сизлар ҳарбий губернаторнинг буйруғини осойишталик ва мамнуният билан қабул қилсангизлар, у вақтда императорнинг марҳаматига арзийдиган кишилар ҳисобланасизлар ва мустақиллик гаштини сура-сизлар. Кимки император марҳаматини душманлик билан қарши олса ва абадул-абад рус қуроли ҳимояси остига олинган Тошкент давлатига ҳужум қилса, шури қуриши турган гап. Мен сизларни олижаноб императорнинг марҳаматидан фойдаланиб мустаҳкам бахтга ва доимий тинч ҳаётга эришишларингизни худодан илтижо этаман»¹.

Мазкур сатрларда ҳам Рус давлати гуё озодлик, тараққиёт ва бахт-саодат яратувчи сифатида талқин қилиниб, кукларга кутарилган ҳамда Россияга ҳамisha содиқ бўлишга даъват этилган. Аслида эса, Тошкентга мустақил давлат мақомини беришдан мақсад, вақтинча булса-да, минтақадаги оғир сиёсий тангликни юмшатиш эди. Айниқса, рус ҳукуматини Бухоро, Қўқон ва Тошкентда Россияга қарши кучларнинг бирлашиб кетиш хавфи ташвишлантирди. Аммо учига чиққан ўзбошимча Черняев рус ҳукуматининг кўрсатмаларига риоя қилмай, Крижановский мурожаатини расмий суратда Тошкент аҳлига билдирмай, беркитди. Шу билан бирга, узининг ёзган ахборотларида «мустақил» Тошкент хонлигини тузишга ҳали шароит етилмаганлигини, Бухоро ва Қўқон хонликлари Россия олдида тиз чўктирилгандагина масалани ҳал этиш мумкинлигини билдирди. Унинг фикрича, «Мустақил Тошкент хонлиги»нинг ташкил қилиниши минтақада узаро уруш ва туполонларни юзага келтиради. У «тошкентликларда ватанпарварлик йўқ, улар осойишталикка ва савдодан олинадиган фойдага эга булса, бас» деган ибораларни

¹ Объявление жителям Ташкента от главного начальника Оренбургского края Крижановского, 29 октября 1865 г., № 13.

ёзиб, ўзбеклар мустақилликнинг қадр-қимматини билмайдилар, дейишгача борди. Бу кузбуямачилик эди, албатта. Амалда эса генерал Черняев Тошкентга мустақиллик берилса, Рус давлати ўз мавқеини заифлаштириш билан бир қаторда катта даромаддан ҳам маҳрум бўлиб қолишини назарда тутган эди. Унинг ҳисоб-киتابига қараганда, 1866 йили Тошкент ва атроф-жойлардан 400 минг сўм даромад олинishi керак эди. Масалан, 40 минг ботмон ғалла ва гуруч, бозордан ва тарози ҳақи сифатида олинадиган 304 минг сўм, Чирчиқ ортидан 12 минг сўм, 15 минг сўм хонадон солиги ва бошқа йигинлар шулар жумласидандир.

Хуллас, генерал Черняев, қандай бўлмасин, Тошкентнинг бевосита Россия қул остида бўлишини талаб қилди. Унинг уjarлиги олий ҳукумат вакилларининг ҳам норозилигига сабаб бўлиши турган гап эди. Уни ҳатто вазифасидан четлатиш масаласи кутарилади. Аммо у, чорасини қилиб, Тошкентда уз лавозимида қолиш учун қулидан келганча ҳаракат қилади. У бунга эришмоқ ниятида шаҳардаги бир гуруҳ сотқин юқори табақа вакиллари номидан узини улугловчи қуйидаги мазмундаги хатлар уюштиради: «Мана, беш ойдирки, сиз (генерал Черняев) улуг оқ подшоҳнинг курсатмасига биноан бизни шундай бошқараяпсизки, бунақаси ҳеч ким томонидан қилинмаган. Сиз босқинчи эмасиз, балки бизларни зolimлардан халос этган киши-сиз. Сиз қисқа вақтда ўзингизнинг оталарча бошқаришингиз билан Россия подшоҳи тобелигида яшаш бахт эканлигини курсатдингиз. Мазкур сўзлар хушомадгуйлик эмас, балки чин ҳақиқат бўлиб, у сизнинг моҳир раҳбарлигингизда роҳатда яшаётган 100 минглик тошкентликлар вакилларининг дил сўзларидир. Сиз жуда қисқа вақт ичида маслаҳатингиз ёки моддий ёрдамнингиз ҳамда узлуксиз гамхўрлигингиз билан турмушимизни анча яхшилашга эришдингиз. Сиз ҳамма вақт диққат ва сабр-қаноат билан бизни эшитишингиз туфайли ҳамиша мамнун бўлганмиз. Сизнинг доно раҳбарлигингизни, тошкентликларнинг юракдан чиқадиган муҳаббатини қоғозда баён этишга қалам ожизлик қилади. Хуш, биз узимизнинг чинакам ҳурматимиз ва муҳаббатимизни нима билан изҳор эта оламиз. Чунки сизнинг хизматларингиз ҳар қандай совгадан баланддир. Аммо шунга қарамай оталар фарзандларидан совга олганидек, туғилган кунингиз муносабати билан миннатдор Тошкентдан совга сифатида қилич олишингиз

ни сўраймиз. Бу қилич Россия ва шахсан узингизнинг душманларингизга қарши қурол булсин. Албатта, бу совға унчалик қимматли эмас. Аммо унинг қиммати ва аҳамияти 100 минглаб тошкентликларнинг сизни чин кўнгилдан севишида ҳамда сизга узоқ умр ва сиҳат-саломатликни худодан тилашларидадир»¹.

Генерал Черняев бундай хатларни уюштириш ва бошқа йўллар билан Тошкентда қолишга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир, 1865 йил ноябр ойининг охирида император кўрсатмасига биноан вазифасидан озод этилди. Маълум вақтда у Оренбургга борди². Бундан олдин эса у шундай деган: «Ўлкадан кетиш мен учун катта ғам-ғуссадир, лекин номимнинг халқ хотирасида узоқ сақланиши мени анча юпатади. Уйлайманки, Россияда ҳам менга тош отмайдилар». Генерал Черняев узини маҳаллий халқ орасида гўё яхши ном қолдирган деб уйлаган. Ваҳоланки, амалда у қўллари қонга беланган шахс сифатида ҳануз унутилган эмас.

ТОШКЕНТДА БОШҚАРУВ ТАРТИБИ

Шаҳар руслар томонидан босиб олинишидан аввал Қўқон хони тайинлаган бекларбеги ёки фармончи унвонидаги ҳоким томонидан идора қилинган. Шаҳар маҳкамаси туртга катта оқсоқол ва 12 кичик оқсоқолдан иборат бўлган. Уша вақтларда оқсоқоллар тепасида турувчи амалдорлар «бийлар» деб номланган. Оқсоқоллар миршабларни бошқариш, солиқлар ҳажмини белгилаш ва йиғиш билан шуғулланганлар. Солиқлар жон бошига эмас, балки хонадонлар бўйича олинган. Бундай хонадонлар 4000 ҳисобланган.

Суд ишлари билан қозикалон ва унинг уч ёрдамчиси шуғулланган. Оқсоқоллар маош олмаганлар. Улар иш жараёнида даромадга эга бўлганлар. Жамиятда руҳонийларнинг мавқеи баланд бўлган.

Черняев бостириб кириб, ярашиш аҳдномаси тузил-

¹ Письмо военного губернатора Туркестанской области полковнику Полтарскому, ноябрь 1865 г.

² М.Г. Черняев 1828 йили Могилёв губерниясидаги Тубишгин деган жойда уртаҳол дворян оиласида туғилган. Ҳарбий таълим олганидан кейин Қирим урушида қатнашган. Сўнгра Оренбург ва Кавказда хизмат қилган, Оренбургда штаб бошлиғи лавозимида ишлаган. Кейинги йилларда эса Қўқон хонлиги билан урушларда қатнашди. У Тошкентдан кетганидан то 1876 йилгача кузга қуринарли ишларда ишламади. Уша йили Сербия ва Черногорияга бориб урушда иштирок этди. У 1882—1884 йилларда Туркистон генерал-губернатори лавозимида ишлади. Сўнгра умрининг охиригача (1889) Давлат Кенгашининг аъзоси сифатида хизматда бўлди.

гандан кейин — 1865 йил 6 июлда шаҳарнинг 58 кишидан иборат нуфузли кишилари имзо чеккан хат Н. Крижановский номига юборилади. Унда гарчи Тошкент Рус давлатига буйсундирилган булса-да, лекин шаҳарни бошқаришнинг ўз ихтиёрларида булиши ва ўз ораларидан бошлиқ сайланиши хусусида фикр юритилган. Аммо Рус давлатининг хизмати учун маҳаллий аҳоли орасидан бошлиқ сайлаш уринсизлиги ва нокамтарлик ҳисоблангани туфайли, дейилади хатда, раҳбарликни генерал Черняевга топшириш мақсадга мувофиқдир. Барча диний ишларни бошқариш қозикалон ихтиёрида булиши ҳамда унга уламолар, муфтилар раислар, мутаваллилар ва имомлар буйсуниши қайд этилган. Номзод сайлов йули билан қозикалонлик лавозимига ўтқазилиши ва Черняев тасдиқидан ўтиши сўралган.

Вақф ерларидан ҳеч қандай солиқлар олинмаслиги ва ундан тушадиган даромадлар белгиланган жойларга сарфланиши билдирилди. Хат муаллифлари Тошкентнинг олдинги чегарасини тиклаб, унинг таркибига шарқдан Иссиққул, Ила, Учқурғон ва Сирдарё купригигача булган ерлар, шимолдан ҳам Ила, Оқмасжид ва Райим қалъасигача чузилган жойлар, ғарбдан Сирдарёнинг бошидан охиригача кетган ерлар ва Чордара қалъаси киритилиб, бир бошқарув тизимини ташкил этиш ва унга Черняевнинг бошчилиқ қилиши курсатилди. Хуллас, хатда генерал Черняев бошлиқ Тошкент вилоятини олдинги чегара доирасида тиклаш масаласи олдинга сўрилди.

Шундан кейин эски бошқарув системаси — маҳкама сақланган булса-да, лекин унинг раҳбарлигига рус старшинаси Серов тайинланди. Серовнинг биринчи уринбо сарлигига Саъидазимбой тайинланди. Маҳкама аъзолари — оқсоқолларга маош тайинланди. Масалан, Саъидазимбойнинг йиллик маоши 2400 сум, аъзолариники эса 900 сум миқдорда белгиланди. Аммо, юқорида хатда сўралганидек, Тошкентнинг олдинги чегараси тикланмаган булса-да, лекин қозикалон ва дин пешволари узларининг одатдаги фаолиятларини давом эттирдилар.

Тошкент учун жанглarda қурилган катта талофат ҳисобга олиниб, халқ шу йилги солиқлардан озод этилди. Аммо бозор ва савдо карвонларидан келадиган даромадлар олиниб, бири миршабларни таъминлашга, иккинчиси эса рус хазинасига тушган. Шаҳар маҳкамаси генерал Черняевнинг назорати ва курсатмаси асосида иш юритган.

Шуни айтиш лозимки, мустақил Тошкент хонлигини ташкил этиш учун имкони борича уринаётган Н. Крижановский генерал Черняев кетгач, бошқачароқ сиёсат юргиза бошлади. Чунончи, у 1866 йил декабр ойининг охирида ҳарбий вазирга йўллаган рапортида ҳозирда Тошкент шаҳрига уз-уздини идора қилиш бошқармаси ёки яккаҳокимлик ҳуқуқи берилса, у вақтда шаҳар Россия назоратидан узоқлашиб кетиши мумкинлиги билдирилган. У, айниқса, шаҳар ҳокимиятининг руҳонийлар қулига утиб кетиши хавфи хусусида қайғуриб ёзади. Агар бундай ҳол юз берса, у вақтда «мусулмон фанатизми» — мутаассиблик авжига миниб, ғалаёнлар юз беражагини уқтиради.

Крижановский буларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги чораларни кўришни таклиф этди:

1. Номаълум вақтгача Тошкентда Туркистон ҳарбий губернаторининг яккаҳокимлиги сақлансин. Шу боис мен мурожаатномада янги бошқарув тизимини жорий этишни ҳарбий губернатор белгилайди, деб курсатган эдим.

2. Ҳозирда аста-секин ва эҳтиётлик билан Тошкентда янги бошқарувни ташкил этишга киришилсин.

3. Тошкентда қандай булмасин савдогарлар табақасининг мавқеини кутаришга ҳаракат қилиб, сиёсий ва руҳоний доираларга зарба берилсин. Тошкентни Осие Гамбургига ёки Франкфуртига айлантириш учун барча асослар мавжуд.

4. Ҳалқ орасида диний мутаассибликни қўзгатмай туриб руҳонийлар таъсирини ва мавқеини пасайтиришга қаратилган барча чораларни куриш даркор. Ҳар қандай тўғридан-тўғри зўравонлик билан руҳонийларга ва шариятга қарши чораларни кўриш фойдадан кўра зиёни кўпроқ бўлади. Биринчи навбатда, фанатизм қўзғалишига йўл қўймай бизнинг диннинг дахлсизлиги ҳақидаги сиёсатимизга қаттиқ ишонч тўғдиришга эришилсин. Олий руҳоний лавозимларига кишиларни тайинлашда ниҳоятда эҳтиётлик билан қараб, улар қулидан дунёвий ишларни аста-секин олиш лозим. Маҳаллий аҳолига рус судларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилсин ва бу билан қози судларининг таъсири заифлаштирилиб борилсин.

Кўриниб турибдики, Крижановский Рус давлатининг ҳукмронлигига қарши кучларнинг, биринчи навбатда, руҳонийларнинг зимдан пайини қирқишни таклиф этади. Умуман олганда, юқори доираларда мустақил «Тош-

кент хонлиги»ни ташкил этиш ҳақидаги фикрлар купроқ маълум вақтга мулжалланган қуруқ сиёсий уйиндан иборатлиги тобора юзага чиқиб борди. Бу, аввало, унинг узоқ вақт мобайнида амалга оширилмаганида узифодасини топди. Иккинчидан, бу фикрни 1866 йили февралнинг биринчи ярмида Тошкентга келиб, генерал Черняев урнига тайинланган Романовскийнинг «Эндиликда Тошкент хонлигини тузиш ҳақидаги таклифларни ҳеч ким қўллаб-қувватламайди», дейиши ҳам исботлайди.

Ҳарбий вазирликнинг маълумотига қура, 1866 йил февралнинг дастлабки кунларида император Тошкентнинг Россия империяси таркибига киритилишига розилик билдирган. Бунини расмийлаштириш кейинчалик амалга оширилиши маълум қилинган¹.

Шаҳсан императорнинг курсатмасига қура, Тошкент ва, умуман, Туркистон улқасига доир маълумотлар туплаш учун ҳукумат саройидан полковник Волков-Дашков деган киши Тошкентга жунатилган. Бу одамга Туркистондаги қўшиннинг хизматларини тақдирлаш, урушда ярадор бўлган ва ўлганларнинг оилаларига ёрдам бериш, Рус давлатининг босқинчилик ҳаракатига қумаклашган маҳаллий сотқинлар учун маблағ ажратилган. 40 минг сўм миқдоридagi бу маблағ эгаларига ҳады сифатида топширилди.

1866 йилнинг июн ойи урталарига келиб вице-канцлер Горчаков Н. Крижановскийга йўллаган курсатмасида эндиликда Тошкент масаласини ҳал этишга киришишни ва тошкентликлардан қайта илтимоснома олишни сўрайди².

Шу йўналишда Романовский иш юритиб, Тошкент аҳолисидан шаҳарни Россия таркибига киритиш хусусидаги ясама мактубни олади. Шубҳасиз, бу бир гуруҳ сотқинлар томонидан уюштирилган эди. Н. Крижановский Оренбургдан Тошкентга келади ва икки ҳафтадан сунг умумхалқ йиғинида Тошкент Россия империяси таркибига киритилганлигини эълон қилади. У бу тугрида ҳарбий вазирга йўллаган ахборотида шундай ёзган: «Шуни сиз жанобларига маълум қиламанки, 17 августда Тошкентга келганимда халқ томонидан хурсандчилик билан кутиб олиндим. Мени рус одати буйича

¹ Военный министр командующему войсками Оренбургского округа, 8 февраля, 1866 г., № 25.

² Вице-канцлер Оренбургскому генерал-губернатору, 23 июня 1866 г., № 2262.

кумуш патнисда нон ва туз билан кутиб олишди. Шаҳар аҳолиси Тошкентнинг руссия империяси таркибига киритилишини суровчи мактубни бердилар. Мен император олий ҳазратларининг топшириқларига биноан Тошкент шаҳри номига битилган ҳужжатни эълон қилиб, 29 августда Тошкентни Рус давлати тобелигига тантанали равишда қабул қилдим.

Шаҳарнинг марказий майдонида халойиқ ҳузурида Тошкент Россия таркибига олинганлиги ҳақидаги ҳужжат икки маротаба ўқиб эшиттирилди»¹.

Мазкур сатрлардан сўнг Н. Крижановский гуё халқ оммаси императорнинг марҳаматидан ниҳоятда миннатдор булганини ўқдириб, маҳкамада нутқ сўзлаганлигини баён этган. Н. Крижановский ўзининг ўша ахборотида Тошкентнинг Россия таркибига киритилишини гуё фақат халқнинг хоҳиш-иродаси билан амалга оширилгандек курсатишга уриниб, ҳақиқий аҳволни ниқоблашда ҳеч нарсадан тоймаган. Худди шу тарзда Тошкент халқи номидан қуйидаги сохта мактуб тайёрланган: «Умумроссия императори олий ҳазратларининг генерал-адъютанти, Оренбург генерал-губернатори Крижановскийга. Биз биламизки, сиз жаноби олийлари бахт-саодатнинг яратувчиси, уз фуқароларига нисбатан муҳаббатли ва мурувватли император олий ҳазратларининг вакили сифатида ташриф буюргансиз... Гарчанд оқ подшонинг паноҳида бир йилдан ортиқроқ яшаётган булсак-да, лекин мана шу қисқа вақт ичида бизга катта бахт берилганини англадик. Чунончи, дин дахлсизлиги сақланиб, мадрасаларимиз ишлаб турибди ва гуллаб-яшнамоқда. Ўз ишини адолат ва ҳалоллик билан бажараётган маҳкама ишлаб турибди. У шариат ва урф-одатларимиз асосида фаолият курсатмоқда. Бизлар гайриқонуний солиқлардан ва сиқувлардан холимиз. Бухоро амирининг қўшинига иккинчи маротаба зарба берилгандан кейин бизнинг шаҳримизда ва бошқа жойларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда.

Шуларнинг ҳаммасига қарамай, биз мабодо бирор сабаб билан рус қўшини Тошкент вилоятидан чиқиб кетса, у вақтда руслар келгунгача булган илгариги зулмлар, зўравонликлар ва фожиалар қайтарилса аҳволимиз не кечади, деб беихтиёр хавотирланмоқдамиз. Биз-

¹ Рапорт командующего войсками Оренбургского округа Военному министру, 31 августа, 1866 г., № 475.

ни мана шундай қурқувдан ва фожиадан абадул-абад холи этишни сиздан илтижо қиламиз: бизга қудратли ва меҳрибон подшоҳ ҳазратлари узининг фарзандилек қарашига кафолат беринг.

Бир денгиз бағрида икки денгиз булмаганидек, бир давлатда ҳам икки давлат бўлиши мумкин эмас. Шу боис бизнинг империяга қушилиш ҳақидаги илтимосимизни қабул этишингизни сўраймиз»¹.

Мактубдаги дин дахлсизлиги ва мадрасалар ҳақидаги мақтовлар ҳеч қандай қолипга сиғмайди. Чунки хонликлар даврида руҳонийларнинг ҳукумат фаолиятида ўрни салмоқли ҳисобланиб дин, мактаб ва мадрасалар кенг ривожланган эди. Аксинча, Рус давлати босиб олгандан кейин мустақиллик ва миллий давлатнинг йуқотилиши ҳамда уруш орқасида шаҳару қишлоқларнинг вайронага айланиши, ун минглаб кишиларнинг ҳалок бўлиши улка халқларининг бошига катта фалокатлар солди. Буни халқ оммаси жуда яхши билган. Шу боис мактубдаги «бахтли ҳаёт» ҳақидаги сузларнинг барчаси ясамадир, холос.

Шунга ухшаш Тошкентнинг империяга қушиб олиниши муносабати билан шаҳар аҳлининг миннатдорлик номаси ҳам ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди. «Бизнинг, — дейилган унда, — қудратли оқ подшоҳ тобелигига қабул қилинишимизни жону дилимиз билан қарши олдик. Биз бундай бебаҳо бахт билан бошқа мусулмонлар олдида фахрланамиз. Биз — каттадан-кичик, барча кишилар, сиздан бизга курсатилган бебаҳо ва катта меҳрибонлик учун чуқур миннатдорлигимизни император олий ҳазратларининг оёқ остиларига ташлашингизни илтижо қиламиз. Биз ва барча авлодларимизга фақат содиқ фуқароларгина булиш эмас, балки оқ подшоҳнинг ҳамиша соғ-саломатлигини худодан сўраш ҳам муқаддас бурчдир. Сизлар бизга бахтга эришишга ёрдам бериб, атрофимиздаги душманлардан абадул-абад озод қилдингиз»².

Хуллас, Тошкентнинг Россия таркибига киритилиши ҳар жиҳатдан ясама равишда ҳужжатлаштирилди. Шу тариқа, минтақадаги энг йирик шаҳарлардан бири булмиш Тошкент ҳийла-найранг билан Россия империясининг чангалига топширилди. Бу шаҳар рус ҳуку-

¹ Рапорт командующего войсками Оренбургского округа Восному министру, 31 августа 1866 г., № 475.

² Уша жойда, уша бет.

матининг босқинчилик ва талончилик урушларини давом эттиришида муҳим ҳарбий таянчга айлантирилди.

ҚУҚОН ХОНЛИГИ БИЛАН ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ ҲАРБИЙ ГУБЕРНАТОРЛИГИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Генерал Черняевнинг Тошкентга ҳужуми вақтида лашкарбоши Олимқул оғир жароҳатлангач, қипчоқ ва қирғизлардан иборат Қуқон аскарлари уруш майдонини ташлаб кетдилар. Улар Сирдарё қирғоғидаги Сарой деган жойда Шодибекнинг успирин ўғли Худойқулни тахтга ўтқозиш ва ўз манфаатларини таъминлаш режасини кўрдилар. Қул ўтмай бу 12 ёшли йигитча Саройга олиб келинди ва Қуқонга йул олинди. Бу ерда қипчоқ ва қирғизлар ҳокимиятни эгаллаб, Худойқулни тахтга ўтқоздилар. Шундан сунг улар халққа зулм қилиб, қул тартибсизлик ва адолатсизликлар содир бўлди. Хусусан, қипчоқ ва қирғиз бошлиқлари «кофирларга қарши газовот» учун деб фуқарога солиқ солиб, юз минг тилло пул йиғиб олдилар¹. Шаҳар аҳолисининг нафратидан чўчиган қипчоқ ва қирғизлар икки ҳафтадан сунг шаҳар биқинидаги Гамаил қишлоғига бориб, урнашдилар. Бундан хабар топган «бебошу авбошлар кечаси бориб урда ичини талон-торож қилдилар»².

Қуқондаги мана шундай оғир вазиятдан фойдаланган Бухоро амири Музаффар 1865 йилнинг 15 июлида Қуқонга ҳарбий юриш қилиб, ўз паноҳида яшаётган Худоёрхонни хонлик тахтига ўтқазди ва қипчоқларга зарба берди. Шундан кейин у Қуқон хазинасидаги қимматли молларни, 400 га яқин қиз ва аёлларни улжа сифатида Бухорога олиб кетди. Оқибатда Қуқон хонлиги мисли кўрилмаган катта талофатга ва инқирозга учради. Шу боисдан Худоёрхон Рус давлатига қарши ҳарбий тайёргарлик ва бошқа чораларни куриш урнига кўпроқ халқ устидан зулмни кучайтиришга ва бойлик орттиришга қаттиқ интилди. У ҳукмдор сифатида ватан мустақиллигини сақлашдек муқаддас бурчини бажармай, Рус давлатига нисбатан итоаткорлик сиёсатини қўлади.

Хусусан, 1866 йил 7 майда Худоёрхон Туркистон област ҳарбий губернаторига узининг дустона муноса-

¹ Тарихи жаҳоннамои, 128-бет.

² Уша жойда, уша бет.

батини билдириб хат ёзади: «Худонинг ўзи асрасин! Қудратли ҳукмдор, дусларни қадрловчи жаноб Романовскийга.

Сизга маълум булсинки, Худойи таолонинг марҳамати ва ғамхўрлиги орқасида бизлар хурсандчилик ва мамнуният билан яшамоқдамиз. Жамоа аҳли ҳам тинч ва фароғатда ҳаёт кечирмоқда, савдогарлар эса, ҳеч қандай тўсқинликсиз хоҳлаган жойларига бориб келмоқдалар... Агар кимдир бизнинг дўстлигимизни бузишга қаратилган бирор сўзни айтса, асло ишонманг. Чунки биз сизга узимизнинг чин дўстлигимизни изҳор этдик»¹.

Хатда Романовскийга дўстлик нишонаси сифатида 6 куйлаклик газлама, 4 хитой кўзаси, 9 хитой чинни асбоблари ва 9 хитой пиеласини мирохўр Муҳаммад Карим орқали юборилаётганлиги маълум қилинган. Бинобарин, Худоёрхон бир оддий рус лашкарбошиси билан муносабатда бир давлатнинг ҳукмдори сифатида эмас, балки тиз чуққан бир ожиз, нотавон кимса тарзида узини курсатган. Ваҳоланки, Рус давлати энг муҳим шаҳарларни босиб олиб, хонликни ҳалокат ёқасига олиб келган душман эди. Шундай вазиятда душманга нисбатан дўстлик изҳор этиш ҳеч бир ақлга сиймайди. Ҳукмдор шунчалик ўз гурури ва қадр-қиммати ни йўқотадими, ахир! Бу хусусда Худоёрхоннинг ўша йилнинг 24 майида Романовский номига юборган иккинчи хати кишини газаблантиради. «Сизга маълумки, — дейилган хатда, — бу томондаги ерлар менинг ота-боболаримга тегишли бўлиб, улар менга мерос сифатида теккан эди. Мен тахтга ўтирганимда оқ подшоҳнинг ерларига ҳеч қандай даъвогарлик қилмай у билан дўстона муносабатда бўлганман. Аммо тақдир тақозоси билан тахтдан маҳрум бўлиб Бухорога бордим. Урнимни эгаллаган Маллахон қипчоқ ва қирғизлар билан биргаликда оқ подшоҳни ҳурмат қилмай қаршилик курсатган. Ниҳоят, вақт ўтиши билан хонлик тахтини қайта эгалладим. Шундан сўнг оқ подшоҳ билан дўстлик алоқаларини давом эттириш мақсадида сизнинг ҳузурингизга ўз одамимни хат билан юбормоқчи эдим, лекин Бухоро амиридан хавфсираб шундай қилолмадим. Шу орада Бухоро амири қушин тўплаб Жиззахга борди. У барча мусулмонлар шариат қонунларига қура кофирларга қарши урушиши лозим, деб сизга қар-

¹ Письмо Кокандского хана Воснному губернатору Туркестанской области Романовскому, 7 мая 1866 г., № 1.

ши курашишга чақирди. Аммо мен оқ подшоҳ билан дўстликни бузмай, турли баҳоналар билан Қўқондан чиқмадим ва унинг таклифини бажармадим. Лекин 35 минг аскар тўплаб чегараларимни қўриқлаш учун Ёрмасжидда турдим. Шундан кейин Хужандда турган Бухоро амири уз қўшини ва беклари билан у ерни ҳимоясиз қолдириб кетган. Буни билиб мен қўшин ва тўплар билан Қўқонга қайтдим. Агар мен оқ подшоҳ билан дўст булишни хоҳламаганимда Хужандга бориб ва Бухоро амири билан қўшилиб (Россиянинг) кучли душманига айланган бўлардим. Худонинг хоҳиши билан сизни ғалабангиз ва Хужандни эгаллашингиз билан табриклайман. Шу муносабат билан Муҳаммад Мулла Латиф деган одамимни дўстлигимизни мустаҳкамлаш учун хузурингизга юбораётирман. Бу киши орқали дўстликни давом эттириш ёки эттирмаслик ҳақидаги фикрингизни менга маълум қилинг. Шунга қараб мен иш юритаман. Қўқондан то Қашқаргача булган ерлардаги барча мусулмонлар тинч ва осойишта яшамоқдалар. Маллахон вақтида (Россия) билан душманчиликда булган халқ эндиликда тинчланди. Сиз билан бизнинг динимиз бошқача булса-да, лекин дўстмиз»¹.

Худоёрхон қандай бўлмасин русларга ўзининг содиқлиги ва дўстлигини кўрсатиш мақсадида уни яқиндагина тахтга ўтқазган Бухоро амирига ҳам хоинлик қилди. Ҳатто Хужанднинг руслар томонидан босиб олинишини табриклашгача бориб, Ватанни ва виждонини сотди. Худоёрхоннинг ўзини бундай тутиши Романовский томонидан мамнуният билан қабул этилди. У жавоб хатида «Рус қуролининг янги ғалабаси» билан табриклагани учун Худоёрхонга миннатдорлик билдирди ҳамда унга Тошкент атрофида русларга қарши курашган рустамбекка, Эшбўтага ва бошқа ватанпарварларга бошпана бермаганлиги учун ташаккурини изҳор қилди. Ҳатда рус қўшинларининг Хужанддан нарига ўтмаслиги ва Худоёрхоннинг дўстона муносабати императорга билдирилишини маълум қилди. Айни бир пайтда императорнинг гўё «уруш қидирмаслиги», тинчлик ва осойишталикка интилаётганлиги таъкидланди.

Худоёрхон 1866 йил 4 июнда Романовскийга хат билан мурожаат этиб, узаро савдо алоқаларига доир тартибларни белгилаш масаласини кутарди. Бу да Қу-

¹ Письмо Худоярхана Военному губернатору Туркестанской области Романовскому, 24 мая 1866 г., № 7.

қон хонлигида савдода молларнинг қирқдан бир қисми ҳажмида бож олиниши маълум қилиниб, Россия қайси тарзда бу ишни амалга ошириши хусусидаги ахборотни элчи орқали маълум этиши суралди.

Романовский хоннинг хатига жавобан шуни билдирдики, савдо алоқаларига доир масалалар император томонидан ҳал қилинади. Аммо унғача Қўқон савдогарларига Тошкент ва Хўжандда молларнинг қирқдан бир қисми миқдорида бож тулашлари жорий этилганлиги билдирилди. Романовский қўқонликларга Россияга қарашли ерларда, русларга Қўқонда савдо консулликларининг очилишини ҳамда уларга Оренбург, Нижний Новгород, Москва ва Петербургда бемалол савдо қилиш имкони берилишини сураб императорга мурожаат этажагини ҳам айтган¹.

Худоёрхон рус ҳукуматига шу даражада сажда қилдики, Романовский унинг ихтиёридаги жойларни урушсиз қўлга киритиш мумкинлигини бошлиғига билдиради. Чунончи, у 1866 йил 26 июнда Крижановскийга йўллаган хатида шундай ёзган: «Худоёрхонга келганда шуни ишонч билан айтиш мумкинки, агар у тахтда утирса, у вақтда Сирдарёнинг унғ қирғоғининг ҳаммасини ва Наманганни тинчлик йули билан Рус давлатига қўшиб олишга ишончимиз комил».

Умуман айтганда, Худоёрхон Рус давлати томонидан Оқмасжид, Авлиеота, Марки, Пишпак, Тўқмоқ, Туркистон, Чимкент, Тошкент ва бошқа муҳим жойларнинг босиб олинишига қарамай унинг паноҳида жон сақлашни ўйлади.

Хулоса шуки, Рус давлати Қўқон хонлигидаги ўзаро тахт учун курашлар ва чиқишмовчиликлардан фойдаланиб бирин-кетин бир неча шаҳар ва қишлоқларни босиб олиб, вайронага айлантирди. Қўқон хонлиги ва аксарият лашкарбошиларининг билимдонлик ҳамда жасорат билан уруш олиб боришга қодир эмасликлари яққол кузга ташланди. Шунга қарамай, халқ Ватан мустақиллиги учун жонини ҳам, молини ҳам аямай курашди. Ҳатто ўзбек аёллари ватанпарварлик ва қаҳрамонлик намуналарини намоиш этдилар.

Рус давлати томонидан кўп жойларнинг босиб олиниши ички ўзаро чиқишмовчиликлар ва урушлар орқасида Қўқон хонлигининг чегараси шу даражада қисқардики, унинг ҳукмронлиги Фарғона водийсидагина

¹ Письмо Военного губернатора Туркестанской области Кокандскому хану Худаярхану, 4 июня 1866 г., № 7

қолди, холос. Айниқса, Тошкентдек азим шаҳарнинг¹ душман томонидан урушиб олиниши Қўқон хонлигига қақшатқич зарба бўлиб тушди. Оқибатда бу хонлик Рус давлатининг куз унгида ниҳоятда заифлашган ва ожиз давлат сифатида гавдаланди. Шу туфайли у Рус давлати учун ҳеч қандай хавф туғдирмай, узи билан узи овора бўлиб қолди. Аммо шунга қарамасдан айрим вақтларда Қўқон қўшинлари билан рус ҳарбий отряди ўртасида тўқнашувлар юз берганлиги ҳақида маълумотлар бор. Чунончи, 1866 йил сентябрининг бошларида Кировчи йўлида бир гуруҳ қўқонликлар Қушработ деган жойдаги Мулла Мир қишлоғида юзбоши Волжинцев бошчилигидаги отряд томонидан қочишга мажбур этилган ва руслар 4 замбаракни улжага олганлар.

Уша жойда руслар билан қўқонликлар ўртасида иккинчи маротаба жанг бўлган ва душман устун чиққан. Шундан кейин Романовский Худоёрхонга ҳарбий юришларни тўхтатишни ва тинчлик сулҳини тузишни таклиф этиб хат юборган.

Н. Крижановский мазкур воқеани рўкач қилиб ҳарбий вазираликдан Қўқон хонлигини босиб олишга руҳсат сураган. У режасини амалга ошириш учун икки баталён аскар ажратилишини ҳам илтимос қилган. Бунга жавобан ҳарбий вазир айрим Қўқон «шайкаларининг» ҳужуми хонлик Рус давлатига хавф туғдиради, дейишга асос бўла олмайди, — деб ёзган. Чунки унинг туғри кўрсатишича, узоқ йиллар мобайнида олиб борилган урушлар келтирган талофат ва кўп ерлардан маҳрум этилиши орқасида Қўқон хонлигининг тинкаси қуритилган. Шу боис ундан хавфсирашнинг ҳожати йўқ. Айни пайтда ҳарбий вазир императорнинг Овруподаги вазият Рус давлатининг Шарқда жуда эҳтиётлик билан иш юритиши ва арзимаган нотўғри хатти-ҳаракат ҳам Оврупода Россияни босқинчиликда айблашда янги баҳоналарни туғдириши мумкинлиги ҳақидаги фикрларини билдириб, Қўқон хонлигига ҳужум қилмасликни тавсия этган. У Туркистонда рус ҳарбий кучларининг

¹ Шунини айтиш лозимки, 1865 йил 24 ноябрда Шимолий Ҳиндистондаги Кашмир вилоятининг ҳокими маҳарожа Рамбир Сингхоннинг элчилари — Абдурахмон ибн Саъид Рамазонхон ва Сарафхон ибн Искандархон Тошкентга келдилар. Улар дўстлик ва савдо алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда галаба билан табриклаш учун Тошкентга келганликларини генерал Черняевга маълум қилганлар. Элчилар йўлдаги хавф-хатар туфайли Тошкентда 7 ой туриб қолганлар. Сунгра улар Қўқонга ва у ердан уз ватанларига қайтганлар. Афтидан, элчилар Рус давлатининг тажовузи муносабати билан хонликлар аҳоли ҳақида маълумотлар туплаш мақсадида келган булсалар керак.

заифлиги, босиб олинган жойларда, жумладан Тошкентда¹ Россияга қарши кучлар мавжудлигини ҳам билдирган².

Н. Крижановский 1866 йил 10 октябрдаги йуриқномасида Романовскийга Рус давлатини Қўқон хонлигининг ҳимоячиси сифатида кўрсатишни топширади. Унга Қўқон томонидан душманчилик ҳаракатлари содир қилинган тақдирда Сирдарёнинг унг қиргогини эгаллаш билан чегараланиш, лекин олдин бунга рухсат олиниши зарурлиги ҳам таъкидланади. Имкони борича Қўқон билан савдо-сотикни ривожлантириш ва Худоёрхоннинг ишончли вакилининг савдога доир масалаларни ҳал этиш учун Оренбургда юборилишига эришиш ҳам топширилади.

Шу асосда иш юритилиб, 1868 йилнинг январ ойида Рус давлати билан Қўқон хонлиги уртасида қуйидаги савдо битими тузилди:

1. Қўқон хонлигининг барча шаҳар ва қишлоқларида Россия савдогарлари учун бемалол савдо-сотик билан шуғулланиш имкони берилади. Шунга ухшаш Қўқон савдо аҳлига ҳам Россияга қарашли ерларда иш юритиш ҳуқуқи тавсия этилади.

2. Россия савдогарларига хонлик шаҳарларида, хоҳласалар, ўз карвонсаройларига эга бўлишга рухсат берилади. Ўз навбатида, Қўқон хонлиги савдогарларига бундай имкон Россия шаҳарларида яратилади.

3. Савдонинг боришини ва божларнинг қонун асосида олинишини назорат қилиб туриш учун рус савдогарлари хонликнинг барча шаҳарларида ўзларининг савдо агентларини тайинлайдилар. Бундай ҳуқуқ Россия қўл остидаги шаҳарларда Қўқон савдогарларига ҳам берилади.

4. Россиядан Қўқон хонлигига ва бу ердан у жойга олиб кетиладиган моллардан Туркистон ўлкасида олинadиган миқдорда, яъни молларнинг таннархидан 2,5 фоиз бож олинади.

5. Рус савдогарлари карвонларининг хонлик ерлари орқали қўшни хонликларга бемалол ва хавф-хатарсиз қатнашлари таъминланади. Бундай шароит қўқонликларга Россия ерларида ҳам яратилади.

¹ Тошкент мудофаасини мустаҳкамлаш учун 1866 йил 6 июнда Чирчиқнинг Сирдарёга қўйилиш жойида Янги Чиноз номида 15 пиеда рота ва 400 казак аскарлари ҳамда 24 замбарак ва ракета командасини ўз ичига оладиган истеҳком бунед этилди.

² Военный министр командующему войсками Оренбургского округа, 5 октября 1866 г., № 105.

Мазкур битим 1868 йил 29 январда Туркистон генерал-губернатори Кауфман, 13 февралда эса, Худоёрхон томонидан тасдиқланди. Бундан бир неча йиллар илгари Россия билан тенгҳуқуқли давлат сифатида элчилик ва савдо алоқаларини олиб борган Қўқон хонлиги энди, вақти келиб, империянинг атиги кичик бир қисми бўлмиш Туркистон генерал-губернаторлиги билан алоқа қилиш даражасига тушиб қолди ҳамда у амалда бу губернаторликнинг таъсир ва назорати доирасига тортилди.

Гарчанд мазкур битимда асосан савдога доир масалалар назарда тутилган бўлса-да, лекин унинг қабул этилиши Қўқон хонлигининг сиёсий жиҳатдан ҳам Рус давлатига қарамлигини таъминлади.

РУС ДАВЛАТИ ВА БУХОРО ХОНЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

ХОНЛИҚДАГИ ВАЗИЯТ

Тошкент босиб олиниб, бутун ўлканинг тақдири хавф остида қолган вақтда ҳам Қўқон ва Бухоро ҳукмдорларининг кузи очилмади. Айниқса, Бухоро амири Музаффар фаолияти босқинчиларга қарши олиб борилаётган курашларга катта зиён келтириб, рус аскарларининг галабасини анча енгиллаштирди. У табиатан калтафаҳм, қурқоқ ва тadbирсиз шахс сифатида намoён бўлиб, минтақадаги узаро келишмовчиликлар ва қонли урушларнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. «Йигирма етти йил мобайнида, — деб ёзади Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий, — йил сайин, ой сайин, кун сайин қотиллик, биродаркушлик жанжаллари авжга чиқди, ҳатто душманга қарши чиқадиган бир киши топилмади. Ун уч йилдирки, урис кофирлари бостириб кириб Оқмасжид, Қозонлидан то Авлиеота, Марки, Бишкек, Олмаота, Чулоққургонгача ерларни забт этдилар. Куп одамлар кофирлар билан булган жанглarda талофат курди ва вилоятнинг шундай харобага айланиши олам аҳлига маълум ва равшандир. Бундан ташқари, қаҳатчиликдан одамларнинг тоқати тоқ булди»¹.

Дарҳақиқат, ўлкада ҳукм сураётган уч хонлик ҳукмдорлари орасидан умумий душманга қарши биргаликда курашиш масаласини кутарган бирор киши топилмади. Хива хони эса, гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек, бир бурчакда «бошини кўрпага буркаб» тураверди. Ҳатто Тошкентнинг ҳаёт-мамоти қил устида турган ниҳоятда қалтис ва оғир вазиятда ҳам узаро қонли урушлар давом эттирилди. Бу хусусда Мулла Олим Махдумхожи шундай ёзади: «Хулосаи калом, руслар Тошкентни мухосара қилиб турган вақтда икки ҳамсоя мусулмония мамлакатлари (Бухоро ва Қўқон хонликлари) подшоҳлари русияларнинг туп овози етадурғон яқин масофада мамлакатларини истило қилиб ва уруш қилиб турғон ҳолда, анга аҳамият бермай, бир-бирлари билан уруш-талаш қилиб, вилоятни барбод бердилар,

¹ Тарихи жаҳоннамои, 130—131-бетлар.

яъни русиялар ҳимоясиз қолган Тошканд шахрини бир неча кун қамаб, охир забт қилдилар»¹.

Қўқон хонлиги бирин-кетин мағлубиятга учраётган бир шароитда Туркистон аҳли купроқ Бухорога умид ва ишонч боғлаган эдилар. Аммо амир Музаффар ҳукмдорлик лавозимини эгаллашга ҳар жиҳатдан номуносиб бўлганлиги орқасида тўғрилаб бўлмайдиган хатоликларга йўл қўйди. «Узбилармонлик ила кеча-кундуз айш-ишратга берилиб, хотинбозлик қилиб, оламдан гофил ва ҳатто узидан кетиб қолиб, узини Фиръавну Намруд деб биларди. Дустни душмандан фарқ этмасди. Шундай аҳвол бир неча вақт давом қилди»². Булар камдек, амир қўшин қудратини ошириш ўрнига заифлаштирадиган чораларни кўрди. Аҳмад Донишнинг сўзига кўра, амир аскарларга берилаётган маошни 60 тийиндан 20 тийинга туширди. Шунга ўхшаш ҳарбий бошлиқлар маошини ҳам камайтирди. Амир «умрида милтиқ ва тўп товушини эшитмаган кишиларни ҳарбий лавозимларга тайинлаган»³.

Музаффар шу даражада қобилиятсиз ва ожиз бўлганки, рақобатдан кўрқиб уз атрофига билимдон ва кучли кишиларни эмас, аксинча, нопок одамларни тўплаган. У бундай кишиларга таяниб «Зулм-жабрни зурайтириб, хазинани тўлдириш пайига тушди. Ишбилармон ва тажрибали ҳукумат кишиларини, жумладан ҳокимларни ишдан олиб, уй-жойлари ва мулкларини мусодара қилиб, узларини бадаргага жунатди. Шу тарзда 200 дан ортиқ уй-жойлар давлат ихтиёрига олинди. Хотинбозлик, болабозлик ва айш-ишратга берилиб, мамлакат ишларига аралашмай ҳукумат бошқарувини саводсиз, жоҳил ва золим беклар, сипоҳлар ва хушомадгўй муллоларга топширди. Бухоро мамлакати таназзулига сабаб бўлди. Фуқаронинг ихлоси амирдан қайтди»⁴.

Амир Музаффарнинг калтафаҳмлиги шу даражага бордики, Рус давлати Қўқон хонлигига қанчалик қаттиқ зарба берса, шунчалик куп мамнун бўлди. У душман қўли билан Қўқонни парчалаб минтақада ўз мавқеини урнатиш ва яккаҳокимликни уйлади, холос. Ваҳоланки, Рус давлати Қўқон хонлигини тиз чўктирган-

¹ Тарихи Туркистон, 98-бет.

² Тарихи жаҳоннамои, 130-бет.

³ Аҳмад Дониш. Рисола ё Мухтасари аз тарихи салтанати хонадони манғития. Душанба, 1960, 38-бет.

⁴ Рисола ё Мухтасар..., 40-бет.

дан кейин Бухорога ҳам ҳужум қилиши сир эмас эди. Аммо амир бунинг фаҳмига бормаи Қуқонга ҳужум қилиб, «бечора мусулмонларни улдириб ва асирликка олиб уз ерига қайтган». Амирнинг бундай ярамас ишлари Бухоро аҳлининг қаттиқ норозилиги ва газабини қузғатди. Оломон амир саройини қуршаб, тошбурон қилди¹. Амир ҳайит байрами муносабати билан Баҳовуддин Нақшбанд қабрини зиёратга кетаётганда одамлар уни «мусулмонларга хоинлик қилишда айблаб, Рус давлатига қарши курашиш учун тупланган маблағларни уша мақсадга сарфламаётганлигини» қаттиқ қоралаганлар².

Халқнинг амирга қарши нафрати кучайиб кетганлиги сабабли қушбеги «амир ҳаётига хавф тугилганлигини ва шаҳарга келмасликни унга билдирган»³. Шундан кейин қаёқдандир шаҳарга келаётган Музаффар йўлни узгартириб, Гиждувонга юрган. «Йўлда қишлоқлардан келган одамлар амир тўхтаган ҳар бир хонадонга хат ташлаб, агар у улкадан рус аскарларини ҳайдамаса, у вақтда ўлимга маҳкум этилишини маълум қилганлар»⁴. Генерал Черняев Тошкент остонасида жанг қилаётган вақтида бу ердан Бухорога элчи юборилиб ҳарбий ёрдам сўралганлигини билиб амир Музаффарни уз тарафига оғдириш ва у билан тил бириктириш ниятида қуйидаги мазмунда хат ёзган: «Қуқон хонлигидаги доимий тартибсизликлар менинг олий ҳукмдорим диққат-эътиборини жалб этди. У мени эзилган халқлар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда уларни уз мустаҳкам муҳофазаси ва гамхурлигига олиш учун юборди. Сиз олий ҳазратга маълумки, мен утган йили хонлик ерларининг ярмисини эгалладим. Шундан кейин ҳарбий юришни давом эттиришим мумкин эди. Аммо бу ишни қўлга киритилган жойларни тартибга солиш ва бошқариш билан бандлигим ҳамда Қуқон ҳукумати ақл-ҳушини йиғиштириб, кузи очилишига умид қилганлигим учун қилмадим. Бироқ, Мулла Олимқулнинг Иқон ва Челаққа ҳужумлари умидимни пучга чиқарди. Ҳозир Тошкент девори остида турибман, шаҳардан 7 км наридаги жойда қуқонликлар билан жанг қилдим. Қуқон аскарларининг маглубиятга учратилиши орқасида бир неча туплар улжа олинди ва

¹ Рисола е Мухтасар..., 37-бет.

² «Москва», 1868, № 5.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

Мулла Олимкул улдирилди. Унинг вафоти тартибсизликлар ва ўзаро урушларни кучайтириб, мамлакатни хонавайрон қилиши турган гап.

Гарчанд мен ўз ҳукмдоримнинг Сирдарёни кечиб утмаслик ҳақидаги фармонига эга бўлсам-да, лекин олий ҳазратлари хонликнинг бошқа жойларида ҳам тартиб ва тинчлик булишини хоҳлайдилар. Бухоро амирлари менинг қудратли олий ҳукмдорим билан дустлик алоқаларини ўрнатиш шарафига муяссар булишга ҳаракат қилганликларини ҳисобга олиб, сиз ҳазрат олийлари учун Қўқон тахтига Худоёрхонни ўтқазиш вақти келди, деб ҳисоблайман. Борди-ю, сизга рус қўшинининг ёрдами зарур бўлса, у вақтда рухсат берилишини сураб императорга мурожаат этаман. Ҳазрати олийлари! Қандай қарор қабул қилишингизни билдиринг. Жавобингизни Тошкент ёнида кутаман. Айти бир пайтда шуни маълум қиламанки, Орол денгизидан то Верний (Олмаота) истехқомигача булган ерларни ўз ичига олган Туркистон вилояти ташкил этилиб, мен унинг ҳарбий губернатори ва бошлиғи қилиб тайинландим»¹.

Шу тарзда, генерал Черняев ўз хатида Қўқон хонлигининг ярми, яъни шимолий қисми қўлга киритилганлигини билдириб, амирга Қўқон тахтига Бухорода яшаётган Худоёрхонни ўтқазиш билан унга жанубий қисмини эгаллашни таклиф этди. Бу вақтдан ютиш йўлидаги сиёсий ўйин эди, холос! Чунки Рус давлати Бухоронинг кучайишидан манфаатдор эмасди. Черняев ҳали Тошкентни босиб олмаган бир вақтда амир диққатини бу шаҳардан четлатиб туриш катта аҳамиятга эга эди. Бироқ, юқорида курсатилганидек, амир Қўқонга ҳужум қилиб тахтни Худоёрхонга топширганди. Черняев хатини олиб кетаётган кишиларнинг Чордарада таланиши орқасида ўз эгасига бориб етмади. Шу пайтда амир Қўқон хонлиги зарбага учраганлигидан фойдаланиб Хужандни эгаллади. У бу ердан ўз элчисини — йирик амалдорлардан бири Мухаммаджон тўқсабо номидан ёзилган хат билан Черняев ҳузурига юборди. «Ҳозирги пайтда, — дейилади унда, — амир Бухородан чиқиб яна Қўқонни олди. Сиз эса Тошкент ёнида туриб, ўз ҳукмдорингизни Тошкентдами, Чимкентдами, Авлиёотадами ва Туркистондами булишингизга оид фармонини кутмоқдасиз. Бухоро амири эса, ол-

¹ Донссение Военного губернатора Туркестанской области командующему войска Оренбургского края. 28 сентября, 1865 г., № 3973.

динги дустлик шартномалари кучда қолиши ёки қандайдир янги битимлар тузишни аниқлаш учун оқ подшоҳ ҳузурига элчисини юборди. Агар бизнинг эски шартномаларимиз ўз кучида қолган бўлса, у вақтда уртадаги тинчлик ва осойишталик сақланади. Борди-ю оқ подшоҳ менинг таклифларимни инобатга олмаса, нима қилишни узимиз биламиз. Агар оқ подшоҳ олдинги битимларни бузса, мусулмонлар кучлари етганча жанг қиладилар. Тузилган битимлар сақланса, Қўқон хонлиги меники бўлади.

Сен Чимкентни олганингни менга маълум қилишинг керак эди. Шундагина дустлигимиз давом этаётганлиги намоён бўларди. Мен буюк ҳукмдорим фармонини адо этиш учун Қўқонда турибман»¹. Муҳаммад Юсуф ва рус савдогари Михаил орқали юборилган хатдаги қатъий равишда айтилган фикр-мулоҳазалар ва амирнинг Тошкентнинг бушатилиб қўйилиши ҳақидаги оғзаки топшириги Черняев газабини қўзғатди. У амирнинг бундай муносабатига қарши улароқ ўз қўл остидаги ерларда савдо қилаётган бухороликларни қамоққа олиш ҳақида буйруқ берди. Яна, унинг таклифи билан Оренбургдаги Бухоро савдогарлари ҳам қамалди ва моллари рўйхатга олинди. Айтилган бир пайтда у Муҳаммаджон тўқсабога жавоб хатини жўнатди. Бунда Черняевнинг ҳарбий юришлари, жумладан, Тошкентдаги жанглар тафсилоти баён этилади. У Тошкент ҳақида шундай деган: «Шаҳарни икки томондан қамал қилиб масалани тинч йўл билан ҳал этишни уйлаган эдим. Бироқ Қўқон ҳукумати ва қўшини шаҳарнинг урушсиз таслим бўлишини истамаганлиги учун куч ишлатишга мажбур бўлдим.

15 июнда Тошкентга ҳужум қилиб, уч соат мобайнида ҳарбий истехком ва шаҳарни эгалладим. Деярли барча Қўқон аскарлари қочди, бир қисми жангни давом эттирди. Кейинги кун кечқурунга бориб улар қириб ташланди, Тошкент оқ подшоҳ тобелигига утказилди. Дарҳол шаҳарнинг ҳамма жойларида тартиб ўрнатилиб, жаҳондаги энг қудратли оқ подшоҳ ҳимоясида тинч осойишта яшаш бахтига муяссар бўлинди. Сизнинг амирингизнинг Тошкентга доир масаласига келганда маълум қиламанки, Тошкентни императорнинг кўрсатмасига биноан қўлга киритганлигим сабабли унинг руҳсатисиз ташлаб кета олмайман. Агар амир олий ҳазратла-

¹ Уша жойда, уша бет.

ри менинг ҳукмдорим ҳузурига элчи юборган бўлса, тез орада ундан жавобини олади. Императордан жавоб келгунга қадар тўқнашув бўлмаслиги учун амир олий ҳазратларининг Сирдарёдан утмаслик ҳақида фармон беришини суранг. Ўз навбатида мен ҳам бу ишга жазм этмасликни ваъда бераман. Шуни билингки, руслар ҳеч қачон ўз сўзига хиёнат қилмайдилар»¹.

Мазкур хатда қайд этилган Бухоро элчиси хусусига келганда шуни айтиб утиш лозимки, амир 1865 йил август ойининг охирларида Садр Нажмиддинхожа бошлиқ 20 нафар бек ва 10 хизматкорини элчи сифатида император ҳузурига юборган эди. (Бу тўғрида кейинги саҳифаларда сўз юритилади.)

Амир Музаффар Черняевнинг юқоридаги хатини олгандан кейин ўзининг сиёсатда нақадар нодонлигини яна бир бор намоиш этди. У Черняевнинг Тошкент масаласини императордан жавоб олингандан кейин ҳал қилиш мумкинлиги ҳақидаги сўзларига лаққа ишониб, Эшонхожа ва Саъидхожани элчи сифатида Черняевга жўнатди. У ўз хатида Черняевга Кашмир шоли ва тўнини совга тарзида юборганлигини ҳам билдирди. «Сиз, — дейилган эди амирнинг хатида, — менга Тошкентни эгаллаганингиз ва бу ҳақда императорга ахборот берганлигингизни ёзибсиз. Оқ подшоҳдан жавоб ҳамда фармон келмагунча Тошкентда туришингизни ва Чирчиқдан утмаслигингизни баён этгансиз. Мен Чирчиқнинг бу томонидаги ерлардаги халқларни буйсундирдим, сизни жавобингиз ёки хатингизга қараб иш юритаман.

Менким, мусулмонлар ҳукмдори, руҳонийларнинг маслаҳати билан қонун асосида масалаларни ҳал этаман. Агар керак бўлса, сизга узимнинг мулламни жўнатаман. Сиздан хат келмагунча, мен ҳеч нарса қилмай тураман... Мен Чирчиқнинг бу тарафини, сиз у томонини эгаллаб турибмиз. Шу боис сиз мен, мен сиз томонлардаги одамларга зиён етказмайлик»².

Черняев амирнинг хатини император номига юборганлиги ва олдинги хатларга қўшимча янги сўзларни айтишга урин йўқлигини унга хат орқали билдирди ҳамда амирга юборилмай қолган ўзининг биринчи хатини жўнатаётганлигини ёзди. Кўп утмай Черняев Оренбург генерал-губернатори Крижановскийнинг Тошкентга

¹ Уша жойда, уша бст.

² Уша жойда, уша бст.

келганлигини маълум қилади. Крижановский Тошкентга келаётганда юқорида номи тилга олинган Бухоро элчиси Садр Нажмиддинхожа билан суҳбатлашган. У элчининг пойтахт Петербургга бориш ҳақидаги таклифини турли сабабларни рукач қилиб, рад этади. Чунки Бухоро хонлиги билан алоқаларга доир масалалар билан шуғулланиш Оренбург генерал-губернатори зиммасига юклатилган эди¹. Бу хусусда Осие департаментининг директори П. Стремауховский Крижановскийга йўлланган хатида шундай ёзган: «Худо ҳақи, имкони борича бизларни Бухоро элчиларидан холи қилинг, тажриба шуни курсатдики, элчиларга катта харажатлар қилинади, лекин ҳеч қандай нафи йўқ. Княз бу элчилар ҳақида эшиттиси ҳам келмайди, айниқса совға деб келтириладиган филга тоқати йўқ. Ишончим комилки, сиз уз жойингизда масалаларни анча самарали ва ижобий ҳал эта оласиз»².

Шубҳасиз, бу ерга гап элчиларни қабул қилишга боғлиқ харажатлар ва бошқа ташвишларда эмас, албатта. Эндиликда юзага келган вазиятга кура, Бухоро хонлиги узининг собиқ мавқеини йўқотиб Рус давлатининг улжасига айланиш арафасида турган эди. Айниқса, амир Музаффар уз қилмишлари билан хонлик обрўсини тўккан эди. Шу боис, Рус давлати илгариги вақтлардагидек, Бухоро элчиларини халқаро дипломатия қоидалари бўйича қабул қилиш ва музокара юриштишни лозим топмади. Аксинча, у хонликни босиб олишни мақсад этиб қўйди ва шу нуқтаи назардан сиёсат юргизди. Буни яхши англамаган амир Музаффар элчилар воситасида хонликни сақлаб қолишга қаттиқ ҳаракат қилаверган. Бунга эришмоқ учун у шахсан император билан музокара юритмоқчи бўлиб Садр Нажмиддинхожани элчиликка юборган эди. Элчи неча вақт Қозолида тургандан кейин амирнинг талабига мувофиқ Черняев унинг Оренбургга боришига рухсат берди. Бундай узбошимчалик Крижановский ва бошқа ҳарбий маъмурият вакиллари норозилигини уйғотди. Барибир: элчи Петербургга қўйилмай ушлаб турилаверди. Аммо элчининг топшириги билан Мулла Фахриддин деган киши амирнинг шахсан императорга ёзган хатини олиб махфий равишда Петербургга борди. Бироқ бу

¹ Уша жойда, уша бет.

² Письмо Азиатского департамента Оренбургскому генерал-губернатору, 30 сентября 1865 г.

ерда Мулла Фахриддин қабул қилинмай, масала Оренбургда ҳал этилиши билдирилди¹.

Элчи Садр Нажмиддинхожа билан бирга келган нуфузли беклардан Муҳаммад Раҳимов Крижановскийга хат орқали мурожаат қилиб, унга совға сифатида кашмир шоли, ноёб газламалар келтирганини, амирнинг дўстлик алоқаларни тиклаш ҳақидаги таклифларини шахсан императорга етказмоқчиликларини яна бир бор баён этди.²

Амир Музаффарни Черняевнинг 1865 йил сентябр ойида Тошкент атрофларига ҳарбий юришлари ҳам ташвишлантирган. Бу жойларда даставвал Қўқон, сунгра Бухорога буйсунган Рустамбек Ҳаким фаолият курсатарди. У куч тўплаб, яқин орада Бухоро амири русларга қарши ҳарбий юриш уюштириши ҳақида овозлар тарқатган. Черняев буни баҳона қилиб Пистолкарс бошчилигида 4 рота, 100 нафар казак ва 4 тупдан иборат қўшин юбориб Рустамбекни сиқиб чиқарган, сунгра Пискент, Туйтепа, Кировчи ва атрофдаги жойлар руслар томонидан эгалланган. Шу тариқа, Тошкент вилояти ҳам душман томонидан босиб олинган эди.

Маълумки, рус ҳукумати савдо карвонларининг хавфсизлигини ва «мазлум халқлар» озодлигини таъминлаш сингари қалбаки шиорлар остида ҳарбий юришлар қилмоқда эди. Тошкент босиб олингандан кейин ҳам рус ҳукумати бу шиорни дастак этиб олди. Чунончи, 1865 йил 29 сентябрда Крижановский Черняевга юборган курсатмасида рус савдогарларидан олинадиган божлар миқдорини бухороликларникига тенглаштириш, Бухоро шаҳрида рус савдо аҳли манфаатларини ҳимоя этувчи Россия консулхонасини очиш ҳамда Бухоро ва Сирдарё оралигидаги карвон йулларининг хавфсизлигини таъминлашни амир зиммасига юклашни топширди³.

Черняев сиёсий ва савдо алоқаларини йулга қўйиш ҳамда хонлик ҳақида ҳарбий маълумотлар тўплаш мақсадида 1865 йил 19 октябрда маслаҳатчи Струве, штабс-ротмейстр Глуховский, подполковник Татариновни 32 аскар билан элчилар сифатида Бухорога жунатди. Бу ерда элчилар яхши қабул қилинган бўлсалар-

¹ Всеподданнейший доклад вице-канцлера, 14 января 1865 г.

² Донесение командующего войсками Оренбургского округа Военному министру, 4 сентября 1865 г., № 28.

³ Донесение командующими войсками Оренбургского военного округа Военному губернатору Туркестанской области, 29 сентября 1865, № 117.

да, лекин уларга Тошкент ва, умуман, бошқа жойларга бориш тақиқланди. Бунга Бухоро элчиси Оренбургдан Петербургга юборилмаганлиги ва 700 нафар Бухоро савдогарлари фаолиятининг Россия қул остидаги ерларда тақиқланиши сабаб сифатида курсатилди. Черняев элчиларни уз бошлиқлари рухсатини олмай уз бошимчалик билан юборган эди. Уларнинг амир томонидан ушланиб қолиши ҳукумат доираларида нозилик чиқарди ва Черняевга айб қўйилди. Амир рус элчиларини ушлаб турар экан, юқорида айтилган шартларининг бажарилишини талаб этди. Шунингдек, Сирдарёни хонлик билан Россия уртасидаги чегара сифатида белгилашни суради. Орадан бир ярим ой утгач, Черняев махсус хат билан мурожаат қилиб рус элчиларининг қўйиб юборилишини талаб этди. «Бухоро билан Россия уртасидаги 500 йиллик дўстона алоқалардан кейин, — дейилганди хатда, — биз томонимиздан қўлга киритилган Тошкентга сиз — олий ҳазрат номларидан даъвогарлик қилиниши англашилмоқчиликка олиб келиб, оқ подшоҳнинг курсатмасига биноан Бухоро карвонлари ва фортга келган элчингиз ушланди»¹.

Черняев Рус ҳукуматининг дўстона алоқалар ва савдони ривожлантириш тарафдори эканлигини баён этиб, амирни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Амир бу хатга жавобан Черняевга шундай ахборот ёзган: «Сиз уз элчиларингиз ҳақида қайғурмоқдасиз, улар эса соғсаломатдирлар. Биз томонимиздан ҳам оқ подшоҳга элчи юборилган эди. Бироқ, элчимиз қасрдадир ушланибди. Шу боис мен ҳам элчингизни назорат остига олдим. Элчиларга ҳеч қандай хафагарчилик етказилаётганлиги йўқ. Қачонки бизнинг элчимиз оқ подшоҳ ҳузурига қўйилса, дарҳол элчингиз қўйиб юборилади»².

Бухоро амири томонидан рус элчилари ва савдогарларининг ушланиши биринчи навбатда генерал Черняевни қаттиқ ранжитиб, тинчсизлантирди. Чунки бу икки воқеа бевосита унинг ташаббуси билан содир бўлганди. Шу боис у куч ишлатиш йўли билан масалани ҳал этишга киришиб, янги ҳарбий юришни бошлаб юборди.

¹ Донссение Военного губернатора Туркестанской области командующему войсками Оренбургского округа, 12 января 1866, № 11.

² Уша жойда, 20 января 1866 г., № 368.

ЖИЗЗАХ ВА ОҚЖАРДАГИ ЖАНГЛАР

1865 йил 21 январда Черняев Чинозда катта ҳарбий куч тўплаб, Жиззах томонга юриш қилиш чораларини кўрди. Бу ердан подполковник Пистолкорс бошчилигидаги 14 рота, 600 нафар казак ва 16 тупдан иборат қушин Сирдарёнинг чап томонига утди¹. 30 январда қушин Черняев бошчилигида Сирдарёдан 13 чақирим масофадаги Учтепа кулига етиб, Жиззахга олиб борадиган йулга чиқди. Бу ҳодиса маҳаллий манбаларда ҳам ўз аксини топган: «Ўрус кофирлари Тошканд вилоятидан Жиззахни забт этиш учун лашкар йигиб қишининг уртасида ҳаракат қила бошладилар. Сайхун дарёсининг бўйига келиб, ундан кемада сузиб утиб, бир муддат лашкар камчилигини тузатиб, Жиззах сари йул олдилар»².

Бу вақтда амир Музаффар жамоа аҳлининг талаби ва сиқуви остида айрим чораларни куриб, Жиззах мудофаасини мустаҳкамлашга 100 минг танга ажратган. Бу ерда ҳарбий истехком баландлиги 11 газ ва эни 8 газ келадиган иккинчи девор ҳамда сув тулдирилган зовур билан қуршалди³. У ерга турли томонлардан ёрдамга қушин кела бошлади. Масалан, Уратепадан Оллоёр девонбеги ва Зоминдан Жиянхожа тўқсабо бошчилигидаги аскарлар келган. Муҳаммад Ёқуббек қушин қўмондони этиб тайинланган⁴. 1865 йил 20 январда Черняев ҳарбий юришни ниқоблаш учун амирга хат юборди: «Мен босқинчилик ниятида эмас, балки рус элчиларининг Бухорода ушлаб турилиши шахсан оқ подшоҳ ва унинг 75 миллионлик фуқароларини оёқ ости қилинишига тенг бўлганлиги учун бу ишни қилишга мажбур бўлдим»⁵. Бу вақтда амир Музаффар Самарқандда эди. У Черняев ҳарбий юришидан қўрқиб кетиб, рус элчиларининг дарҳол буюртилиши ва Самарқандга келтирилишини буюрганини хат орқали билдирди⁶. Аммо Черняев 1865 йилнинг 1 февралда Мирзачул бўйлаб Жиззахга йул ол-

¹ Донесение Военного губернатора Туркестанской области командующему войсками Оренбургского округа, 20 января 1866 г., № 368.

² Тарихи жаҳоннамои, 130-бет.

³ Мирза Муҳаммад Абдулалим Сомий Бустоний. «Тухфайн шоҳий». УЗР ФА Шарқшунослик институти, Кўл ёзмалар хазинаси, инв. № 2091, 200-бет.

⁴ Рисола с Мухтасар..., 44-бет.

⁵ Донесение Военного губернатора Туркестанской области командующему войсками Оренбургского округа, 20 января 1865. № 368.

⁶ Уша жойда, 19 февралда 1865 г., № 72.



Бухоро амирининг Ержардаги мағлубиятдан кейин русларга улжа тушган ҳарбий қароргоҳи.

ди. Каттиқ совуқ туфайли утин ва хашак танқислиги ниҳоятда сезилиб солдатлар ва отлар оғир аҳволга тушиб қолди. Шунинг учун зўравонликка одатланган Черняев Жиззах бегидан утин ва хашак сотишни талаб қилди. Бироқ бек буни амир руҳсатисиз қила олмаслигини билдирганда, Черняев ҳарбий куч ишлатиш билан бекни мажбур этишини билдириб, 7 февралда подполковник Пистолкарс қўмондонлигида иккита пиеда рота, 400 нафар казакни 2 замбарак билан жунатди. Рус солдатлари шаҳарга яқинлашганларида уларга қарши ватан ҳимоячилари ўқ узадилар. Аҳвол танглигини англаган Черняев қўшимча равишда 2 рота ва 2 замбарак юбориб, қуршовда қолган солдатларни қутқаришга ва уларни лагерга қайтаришга муваффақ бўлган¹. Бу жангда руслардан 8 киши улдирилди ва 19 киши жароҳатланди, Жиззах ҳимоячиларидан 100 дан ортиқ кишилар ҳалок бўлди².

Жиззах воқеаси маҳаллий манбаларнинг бирида шундай таърифланган: «Рамазон ойининг охирларида кофирлар Жиззах яқинида жойлашган Учтепа мавзеига келиб нузул қилдилар. Жиззах қалъасининг ҳокими Ёқуббек деган бир гулом қалъа ҳимоясига тушиб, кутиб турди. Подшоҳ (амир Музаффар) Самарқандга ке-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, уша бет.

либ, шу ердан кетма-кет илғор дасталарни жунатиб Жиззахни беҳисоб лашкар ила тулдириб юборди. Шунга қарамасдан, кофирлар бу лашкарни гафлатда қолдириб, шаввол ойининг бешинчилигида, душанба куни 20-80 кишидан иборат гуруҳлар билан қалъа олдидан бозорга келиб, ҳийлаю-найранг қўлаб, шаҳарга кирмоқчи бўлдилар. Шу пайт одамлар бетаҳорат наҳс босган маълунларни таниб қолиб, шовқин солиб, уларни турт томондан ихота қилдилар. Кофирлар мангитларнинг журъатсизлиги, ҳимматсиз эканликларини билиб, тупу-туфанглардан уқ уздилар, кейин халос бўлиб орқага чекиниб, уз қўшинларига (лагерга) қайтдилар»¹. Шундан кейин ватан ҳимоячилари Жиззахдан бошлаб, рус солдатларининг орқасидан ҳужум қилиб улар урнашган лагерни уққа тутганлар. Уларнинг қули баланд келиши орқасида душман зудлик билан Чордарага чекинган. Улар бир неча солдатларни асирга тушириб галаба билан орқага қайтганлар. Айниқса, Жиянхожа тўқсабо қумондонлигидаги ҳарбий қисм қалъадан чиқиб душманга қарши қаҳрамонона жанг қилган. Натижада ҳар икки томондан кўп кишилар нобуд бўлган, яраланган. Гапнинг сирасини айтганда, Черняев ватан ҳимоячиларининг зарбаси орқасида мағлубиятга учраган эди. У урушни давом эттириш имкони йўқлигини яхши англаб 11 февралда Сирдарё томонга чекинишга мажбур бўлди². Шу пайтда 8-10 минг чоғлик ватан ҳимоячилари рус солдатларини қўршаб олишга ҳаракат қилдилар. Натижада икки уртада жанг бўлиб бир неча киши ҳалок бўлган³. Муҳаммад Ёқуббек Жиззах уруши ҳақида амирга юборган ахборотида шундай деб ёзади: «Рус ҳарбий қисми тор-мор этилди, улар шармандаларча ва қошлари қирилган ҳолда кетдилар. Эндиликда рус элчиларининг бушатилиши учун Тошкентнигина эмас, балки Чимкент ва Туркистонни ҳам талаб қилиш мумкин»⁴. Жиззах воқеаси пайтида Черняев билан амир Музаффар уртасида уч маротаба ёзишма бўлди⁵. Бу хатларда Черняев ҳарбий юришини «оқлашга» ва рус элчиларининг бушатилишига доир масала баён этилган эди. Амир томонидан учта жавоб хати ёзилиб, уларда

¹ Тарихи жаҳоннамои, 130-бет.

² Тухфайи шоҳий, 201-бет.

³ Уша жойда, 200-бет.

⁴ «Русский вестник», 1868, № 2.

⁵ Донесение Военного губернатора Туркестанской области командующему Оренбургского округа, 20 января, 1886 г., № 368.

рус элчиларининг озод этилиши ва ҳарбий юришни тухтатиш лозимлиги баён этилган. Масалан, уларнинг бирида Черняев ўз ваъдасида турмай қўшин билан Жиззах томонга утганлиги қораланиб, дарҳол орқага қайтиши лозимлиги ўқдириб утилган.

1865 йил 13 февралда Струве, Глуховский ва бошқа рус элчилари Бухородан Самарқандга келтирилди. Бу ерда улар амирнинг курсатмаси билан Крижановский номига хат ёздилар: «Амир олий ҳазратлари Жиззах воқеасидан кейин генерал Черняев билан алоқа қилишни лозим топмайди. У сизнинг воситачилигингизда император билан музокара юритишни хоҳлайди. Амир Сирдарё Россия билан Бухоро хонлиги ўртасидаги чегара деб белгиланмагунча орқага қайтмаймиз, деди. У императорнинг муҳри босилган ҳужжат олинмагунча ҳақиқий деб ҳисобга олинмаслигини гапирди. Биз (элчилар) бундай ҳужжатни телеграф орқали олишнинг иложи йўқлиги ва фақат амирнинг элчисига топширилиши мумкинлигини айтганимизда, амир вақтинчалик булса-да, сиз император номидан таклифга розилик билдирганлигингиз ҳақида хат юборишингизга рози бўлди. Бухоро ҳукумати ўз элчиларининг император ҳузурига қўйилишини, Бухоро савдогарларининг озод этилишини сўрамоқда»¹.

Черняев билан амир Музаффар бир-бирларига ёзган хатлар мазмуни асосан дўстликни тиклаш, элчилар ва савдогарларни озод этиш ҳамда Сирдарёни чегара сифатида белгилашдан иборат эди. Аммо пировардида Черняев ўз ниқобини йиртиб ташлаб, Жиззахни босиб олиш, яна бир бор ҳарбий шўҳратга эга бўлиш ниятида урушни бошлаб юборди. Бироқ, у шармандаларча орқага чекинишга мажбур бўлди. Бу гал ҳам амир Музаффар нодонлик қилиб қулай фурсатдан фойдаланмади. Агар у Жиззахдан чекинаётган рус солдатларини таъқиб қилиб борганида уларга катта талофат етказиши турган гап эди. Чунки душман кучлари жуда оғир аҳволга тушиб қолганди.

Крижановский Черняевнинг ўзбошимчалик билан ҳарбий юриш уюштириши «бизга қимматга тушиб, катта зиён келтириши мумкин»², деб ёзганлиги тўғри бўлиб чиққанди. Зеро, Жиззах мағлубияти туб аҳоли ру-

¹ Надворный советник и подполковник Глуховский Оренбургскому генерал-губернатору, 15 февраля 1866.

² Донссение командующему войсками Оренбургского округа Военному министру, 14 февраля 1866 г., № 122.

ҳини кутариш билан бирга, Черняев тақдирини ҳам узил-кесил ҳал қилди. У лавозимидан бушатилиб, Петербургга чақириб олинди, урнига Д. Романовский тайинланди. 1865 йил март ойи бошларида янги ҳарбий губернатор Д. Романовский номига Жиззах беги Муҳаммад Ёқуббекдан Содик деган киши орқали хат келди. «Ўтган йили, — дейилган хатда, — бизнинг амиримиз Қўқонни эгаллаганда Михаил Черняев Чирчиқдан ҳам, Сирдарёдан ҳам утмасликни шарт қилиб қўйган эди. Биз ҳам бундай қилмасликка рози бўлган эдик. Шу боис бизнинг ҳукмдоримиз у жойлардан қўшинни Бухорога қайтарган эди. Бизда Бухорога бирор элчи келса у вақтда 5-6 ой мобайнида ҳурмат ва иззат билан муносабатда бўлиш одати бор. Черняев бўлса, ҳали рус элчиларига жавоб берилмасдан шартномани бузиб қўшин ва туғлар билан Сирдарёдан утиб Жиззахга ҳужум қилди ва мағлубиятга учради. Бундан хабар топган амиримиз барча мусулмон аскарлари билан аста-секин ғазоватга, яъни уруш ҳолатига ўта бошлади. Аммо бу ҳаракат оқ подшоҳдан ёки элчимиздан бирор жавоб келгунга қадар тўхтатиб турилди. Шу аснода биз Черняевнинг лавозимидан четлатилганлиги ва урнига сени тайинлашганини эшитдик. Аммо бизга шу нарса номаълумки, сен дўст сифатида келдингми ёки душман? Бу хусусда аниқ жавоб бергинким, биз шунга қўра иш юритамиз»¹.

Хатда ростгўйлик билан муносабатда бўлиш ва шундагина рус элчиларининг қайтишига рухсат берилиши ҳам таъкидланган. Романовский мазкур хатга ўзи жавоб беришни лойиқ кўрмай, Воронцов-Дашковга ўз номидан бекка хат ёзишни буюрди. Хатда Муҳаммад Ёқуббекнинг дўстлик алоқаларини ўрнатиш ҳақидаги таклифлари маъқулланди. Бироқ бунга эришмоқ учун «иккиюзламачилик ва ёлғончилик қилмаслик алоҳида ўқтириб ўтилди»². Ваҳоланки, рус ҳарбий маъмуриятининг ўзи бошдан оқ иккиюзламачилик билан иш юришиб Жиззахга ҳужум қилган эди. Умуман олганда эса, Романовский Муҳаммад Ёқуббек хатини назар-писанд қилмаган.

1865 йил феврал-март ойларида Чордара, Кировчи ва Тошкент атрофидаги бошқа жойларда ватан ҳимоя-

¹ Донесение Военного губернатора Туркестанской области командующему войсками Оренбургского округа, 11 марта 1866 г., № 425.

² Уша жойда, уша бет.

чиларининг айрим гуруҳлари билан рус солдатлари уртасида тўқнашувлар содир булди. Чордара атрофида қозоқ халқининг қаҳрамони Содиқ Кенесари угли «Перовск» ва «Сирдарё» сингари рус кемаларига ҳужум қилиб йиғиб қўйилган саксовулларни йўқ қилиб ташлади. Тошкентлик Рустамбек Қурамадаги Тиловга, Ботирбек қурама Бука қалъасига, Фармон додхоҳнинг угли эса Облиққа ўз аскарлари билан урнашдилар. Аммо улар душман ҳужумига бардош беролмадилар. 1866 йил 24 мартда капитан Абрамов қўмондонлигидаги 3 пиеда рота, 100 нафар казак 2 батарея ва 2 тўп билан Чордарадаги Бухоро амирлиги қалъасига ҳужум қилиб, қалъани бузиб ташлайди. Яна, солдатлар қозоқлардан 2000 қўй, 150 қорамол ва туяни улжа олди. Қалъадаги жангда солдатлардан 4 киши жароҳатланди, ватан ҳимоячиларидан 10 киши ҳалок булди.

1866 йил 5 апрелда Романовский 200 дан ортиқ казак ва 2 тўп билан Мирзаработда 2-3 минглик Бухоро отлиқ аскарларини тор-мор этиб, 14000 минг қўйни улжага олган эди¹. Амирнинг душманга нисбатан олиб бораётган ноаниқ ва суст сиёсати Жиззах уруши арафасидаёқ халқ нафратини кучайтириб юборган эди. «Бухоро шаҳрида, — деб ёзганди Аҳмад Дониш, — муллалар, муллаваччалар, мударрислар бош кутариб, бизларга газот ва жиҳод фарздир, дейишиб, халқ орасида ташвиқот юргиздилар. Улар мусулмон бўлсанг чик, деб ҳамма хонадон эшикларини қоқдилар ва ҳатто сағир-кабирларни ҳам газотга чақирдилар. Шунингдек, улар амир саройини қуршаб тошбўрон қилдилар. Амир бу тўс-тўполонлар ва нафратдан қўрқиб уруш чораларини куришга киришди»².

Амирнинг ҳарбий тайёргарлик қўра бошлаганини Мирзаолим Мушриф ҳам ўз асарида қайд этган. Унинг курсатишича, тўпларни бошқариш Дарвишали деган киши зиммасига юкланган³. Шу равишда Бухорода умумий сафарбарлик эълон қилиниб, аскарлар ва оломоннинг сони бир маълумотга қўра 60.000⁴, иккинчисига биноан 100.000⁵ кишига етган. Аммо халқ оломони, умуман, ҳимоячилар орасида «учига темир урнатилган оддий таёқ билан қуролланганлар» оз эмас эди. Тўғри,

¹ Приказ Оренбургскому военному округу, 20 мая 1866 г., № 189.

² Рисола ё Мухтасар..., 44-бет.

³ Ансоби ас-салотин, 303-бет.

⁴ «Голос», 1867, № 3.

⁵ Рисола ё Мухтасар..., 45-бет.

аскарларда пилта милтиқлар бўлган, бироқ уларни ёндириш ва отиш учун бир хокандоз чуғ бўлиши шарт эди. Бу ҳол душманга жуда қул келарди. Уларда 36 оғир тўп ҳам бўлган. Бухорода умумий сафарбарлик уюштирилишини ўз кузи билан курган Аҳмад Дониш шундай фикр қилганди: «Бир ажойиб замон бўлдимки, уламолар жиҳод ва газот фарздир, деб шовқин-сурон қилдилар. Улар билмас эдиларким, бу газот нима учун фарз ҳисобланади ва унинг вожиблиги сабаби нимада? Қайси бир аслаҳа-қурол билан урушиш мумкин? Ҳатто сўрамас эдиларким, душманни куч-қудрати қандай? Аскарлар халқ ҳисобидан маош олиб юрардилар, шу боис улар биринчи навбатда урушда қатнашишлари шартдир. Борди-ю, улар мағлубиятга учраб, қирилган тақдирдагина жанг қилиш навбати фуқароларга келади. Наҳотки, тинчлик вақтида аскарлар ўз қонлари пулини олдиндан олган бўлсалар-у, уруш вақтида фуқаролар олдинги сафда турса. Бундай тартиб ҳеч бир мамлакат ва миллатда йўқ. Аксинча, уламоларга урушдан олдин фуқарога ҳарбий машқ, хусусан тўп, милтиқ, тўфанг отишни ҳамда қиличбозликни ургатишлари лозим эди. Буни қўяйлик, аскарларнинг узи ҳарбий машқни яхши узлаштирмаган ва уруш майдонини кўрмаган безори ва саёқ кишилардан ташкил топгандиларким, бечора фуқаро нима қилсин?»¹

Бинобарин, ватан ҳимоячиларининг сони ниҳоятда кўп бўлгани билан жанговарлиги жиҳатидан анча паст эди. Ҳатто озиқ-овқат билан таъминлашга эътибор берилмаганлигидан ватан ҳимоячилари оғир аҳволга тушиб қолган. Ҳатто тиланчилик қилишга борганлари бўлган. Амир эса ватан ҳимоячиларининг сон-саноксизлигидан ва уларнинг ватан учун жонларини фидо этишга тайёрлигини кўриб «узига жазм қилдиким, улар билан наинки Тошкентни, балким император пойтахти Петербург шаҳрини ҳам олинса бўлади»². Рус ҳарбий маъмурияти хонликда олиб борилаётган тайёргарликка доир маълумотларни тўплаб борди. Буларга кўра, амир 10.000 қўшин ва 20 тўп билан Сирдарё томонга йўл олган. Унинг орқасидан катта оломон Уратепадан юриши лозим эди³. Бошқа маълумот буйича эса, амирнинг 100 минг кишидан ва 100 тўпдан иборат қўшини бўлган.

¹ Рисола е Мухтасар..., 46- бет.

² Уша жойда, 47- бет.

³ Журнал военных действий и происшествя на Среднеазиатских границах с 14 февраля по 10 апреля 1866 г.

Романовский ҳам улар сонини 100.000 киши деб ҳисоблаган. Унинг курсатишича, рус қушинининг тайёргарлиги унчалик яхши бўлмаган. Унинг асосий қисми — 14 рота, 500 казак ва 18 туп Чинозда жойлашган. Кировчи истеҳкомида эса 5 рота, 100 казак ва 4 туп мавжуд эди. Улар жамланганда 2500 кишига борган. Гарчанд Романовский бу қушин Бухорога қарши жанг қилишга етарли эканлигини таъкидлаган бўлса-да, лекин Туркистон ва Чимкентда ҳар бирида 100 тадан солдат қолган эди, холос. Ҳарбий қисмлар молиявий жиҳатдан анча ночор аҳволга тушиб қолган. Ҳатто Романовский айрим хусусий кишилардан 5000 сўм қарз олишга мажбур бўлган. Шу боисдан Романовский Оренбургдан қушимча ҳарбий қисм ва маблағ юборилишини Крижановскийдан сураган¹. У тайёргарликнинг етарли эмаслигини англаб, иложи борича Бухоро амири билан туқнашмаслик ҳаракатини қилишини ҳам баён этди². Иш шу даражага борган эдики, қозоқлар ва бошқа кўнгилдилардан иборат милиция қисмларини ташкил қилишга киришилди. «Тошкентда узоқ вақтлар мобайнида яшаш ва Жиззахга уюштирилган машаққатли юриш — дейилган рус манбасида, — аскарлар тинкасини қуритди, тиф ва бошқа касалликларни юзага келтирди. Айрим кунлари ҳарбий қисмларда беморларнинг сони 25 кишига етди. Хусусан, 14 ротадаги 500 нафар казак ва 18 тупдан иборат асосий ҳарбий қисмдаги жангга яроқли кишиларнинг сони 2000 га яқиндир. Тошкентдаги штабда одамлар кўп бўлганлиги учун у ердан ҳам бир рота олинди»³. Айтилган пайтда, Тошкент шаҳрида Серов бошчилигида ташкил қилинган милиция қисми Сирдарё томонга қушимча куч сифатида жўнатилди.

1866 йил 26 апрелда бош штаб раҳбарининг ахбороти га кура, Ҳарбий Сибир округидан 2 рота, 100 нафар казак ва 2 туп Романовский ихтиёрига жўнатилган⁴. Шу равишда ҳарбий қисмлар кучайтирилиб борилган. Булажак урушга ҳар икки томонда тайёргарлик қўрилаётган бўлса-да, лекин ўзаро хат орқали алоқалар давом этди. 1866 йил апрел ойининг 20-кунларида амир Музаффар ўз элчисини хат билан Романовский ҳузури-

¹ Военный губернатор Туркестанской области командующему войсками Оренбургского округа, 30 марта 1866 г., № 278.

² Уша жойда, уша бет.

³ Журнал военных действий и происшествий на Среднеазиатских границах с 14 февраля по 10 апреля 1866 г.

⁴ Начальник Главного штаба армии командующему войсками Оренбургского округа, 26 апреля 1866 г., № 246.

га юборди. Мазкур хатда узаро тинчлик ва дустлик алоқаларини урнатиш изҳор этилган. Афтидан, бу билан амир узининг ҳарбий юришини ниқобламоқчи бўлган. Романовский эса, элчиларни айғоқчиликда гумонсираб, уларга яшаш учун Сирдарёда кемадан жой ажратди. Романовский амирга йўллаган жавоб хатида узаро дустлик алоқаларига доир унинг сўзларини қувватлаш билан баробар амирни амалда бошқача сиёсат юргизаётганликда айблашга уринди. Хусусан, амирга 1865 йили Тошкент босиб олинганда, бу ердан рус аскарларининг чиқиб кетиши, акс ҳолда, урушга тайёрлиги ҳақидаги талаблари эслатиб утилди. Бундай йўл тутиш қўшни давлатнинг ички ишларига аралашуш ва дустликка зид ҳаракат эканлиги уқтириб утилди. Генерал Крижановскийга хонлик билан алоқа қилиш ваколатининг берилгани, амирнинг эса бу имкониятдан фойдаланмаётгани таъкидланди. Хатда рус элчилари ва савдогарлари бушатилмагунча амир билан алоқа қилинмаслиги айтилди¹.

Амирнинг бу галги хати ва унга ёзилган жавобнинг мазмун жиҳатидан олдингиларидан деярли фарқи йўқ эди. Мазкур хатдан икки кун олдин, яъни 25 апрелда Кировчидаги полковник Кралский ҳарбий қисмига 90 кишидан иборат Бухоро отлиқ аскарлари ҳужум қилган. Қаттиқ жанглардан кейин ватан ҳимоячиларидан 60 дан ортиқ киши ҳалок бўлди ва кўп одамлар жароҳатландилар².

Амир Музаффар кўпсонли қўшин ва оломон билан Уратепага келиб Худоёрхондан русларга қарши ҳарбий юриш қилишни талаб этди³. «Амир Музаффар, — деб ёзади Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий, — маҳрами хосларини ва ясовулларини номалар ила дўқ-пўписа билан кетма-кет Худоёрхон олдига жўнатарди. Худоёрхон амирнинг ношуд муддаосини фаросат ила тушуниб, замонасозлик қилиб, бир неча минг сарбоз, маҳраму ясовул ва бир нечта тупларни олиб, шаҳардан ярим фарсанг узоқроқдаги Ёрмасжид қишлоғига келди. Ун беш кунча шу жойда истиқомат қилиб турганда яна амир ясовуллари келиб уларни ҳол-жонига қўймасдан Қайрағоч қишлоғига олиб келдилар». Аммо Худоёрхон узини тахтга ўтқазган амир Музаффар сўзини қайта-

¹ Донесение Военного губернатора Туркестанской области Бухарскому миру, 27 апреля 1866 г.

² Приказ по войскам Туркестанской области, 6 мая 1866 г., № 102.

³ Ансоби ас-салотин, 303- бет.



Ғолиб рус аскари Ватан шаҳидлари мурдалари тепасида.

ри" ғрат эта олмай, «хужа кўрсинга» ҳарбий юриш-
ган эди. Аслида эса, у урус давлатига қарши
хоҳламаган. Буни англаган амирнинг қаҳр-
таб кетган¹. Шунга қарамай, Худоёрхон ас-
ан Қўқонга қайтган.

¹намоиш, 131- бет.

Ниҳоят, амир Музаффар 1866 йил май ойининг бошларида катта қўшин ва халқ оломони билан Сирдарё томонга юриб Оқжар деган жойга урнашади. Бу ердан у яширин равишда бир одамни хат билан Тошкентга юбориб русларга қарши бош кўтаришга даъват этди. Амир ўз хатида: «Барча нуфузли саййидлар, оқсоқоллар, мансабдорлар, ҳарбийлар ва Тошкент шаҳрининг турт даҳаси бошлиқларига маълум булсинким, мен уз лашкарбошиларим: Абулғаффорбек девонбегига, Ҳамидулла Назарбий, Муҳаммад Ҳусайнбий, Абдуҳалимхон, Худойберди эшикоғаси, Абдулваҳоббек, Эшикоғобоши, Умарбек, Мирбобобек, Тўқсабо Муллагадой, Тўқсабо Мулла Абдулла ва Тўқсабо Қурбонга галаба йулидан боришни буюрдим. Сизлар, динимизга эътиқодли ва биз билан бир дилли кишилар, кофирларга содиқ кишиларни дорга осинглар ва шаҳарга менинг лашкарбошиларимни киритиб, бир тан ва бир жон булинглар. Ишонч ва умидни ҳамда фурсатни бой бермай уларни қабул қилинглар, бордию бирор тўққинлик булса, у вақтда менга хабар беринглар»¹.

Бундан хабар топган Эски шаҳар бошлиғи Серов юқорида тилга олинган Саъидазимбой ва укаси Саъидқосим, татар Шарифга қандай булмасин уша хатни қулга туширишни буюрган. «Бизга ута содиқ уша кишилар, — деб ёзади Серов, — топшириқни шу даражада билимдонлик ва чаққонлик билан адо этдиларки, амирнинг хати тайинланган кишилар томонидан тортиб олинди ва менга топширилди». Шу тарзда бу гал ҳам Саъидазимбой ҳамда унинг сафдошлари хоинлик ва сотқинлик қилишиб, душманга хизмат курсатдилар. Бунинг учун улар мукофотга тавсия этилди. Рус манбаларига кура, амир Музаффар Оқжарда туплаган қўшини сарбозлардан (пиедалардан), отлиқлардан ва замбараклардан иборат бўлиб, улар Бухоро, Самарқанд, Уратепа ва бошқа жойлардан йиғилгандилар. Қўшинда яхши қуроолланган аскарлар сони 5000 кишига бориб, 21 туп булган.

1866 йил 7 майда Чиноздаги 14-пиеда ротаси ва 500 нафар казак 20 туп ва 8 ракета қурилмаси билан Оқжарга йул олди. Олдинги сафда Пистолкарс бошчилигидаги ҳарбий қисмлар бориб умумий қумондонлик капитан Абрамов зиммасида эди. Улар орқасидаги қўшинга подполковник Фавинский раҳбарлик қилди. Бун-

¹ Донссенис Военного губернатора Туркестанской области Военному министру, 27 мая 1866 г., № 111.

дан ташқари, Кировчидан полковник Краевский бошчилигидаги аскарлар Оқжар томон юрдилар. Уша йилнинг 8 майида ватан ҳимоячилари ва душман кучлари бир-бирларидан унча узоқ бўлмаган масофада юзма-юз турдилар. Бундай ута масъулиятли ва хавfli вазиятда амир булажак жанг майдонидан ярим чақирим масофа узоқликдаги жойда ўрнаштирилган чодирда маишат билан шуғулланди. «У, — деб таърифлайди Аҳмад Дониш, — чодир ичида утириб шахмат уйнарди. Унинг ҳузурида бир гуруҳ кишилар мусиқа чалар ва ашула айтардилар. Шунингдек, бесоқол болалар ҳам бор эди. Амир эса, шахмат уйнаб туриб бармоқларини мусиқа оҳангига соларди. Шу орада маҳрамларидан бирига: «Тез бориб тўпхона бошлиғи Салимбек ва аскария кўмондонни Шерали иноққа айтинглarki, рус хазинаси талон-торож қилинмасин, русларни куп улдирилмай купроқ асирликка олсинлар. Булар қушинимизда хизмат қилишга ва тартиб ўрнатишга жалб қилинади», дейди»¹.

Демак, ватан ҳимоячилари ўз ҳолига ташлаб қўйилиб ҳар бир ҳарбий қисмнинг режасиз ва уюшмаган ҳолда ҳаракат этишдан бошқа иложи қолмаган. Ватан ҳимоячилари тобора яқинлашиб келаётган солдатларга қарши тўплардан уқ ёғдирдилар ҳамда уларни қуршаб олдилар. Шу пайтда «душман, — деб ёзади Романовский, — бизнинг ҳарбий қисмларимизни мулжалга оладиган жойга тўпларни келтириб ҳаддан ташқари тезкорлик ва қатъиятлик билан ҳаракат қилди. Улар тўпдан отишда мулжални жуда тўғри олган булсалар-да, лекин масофани аниқ ҳисобга олмаганликлари оқибатида уқларнинг купи солдатларнинг устидан утиб кетаверди. Солдатларнинг юкларнинг орқасига бекиниши уларни улимдан сақлашда бекиёс катта аҳамиятга эга бўлди»².

Ватан ҳимоячилари салкам бир соат давомида уқ ёғдиргандан кейин душман тўплари ва милтиқларидан жавоб уқлари отилди, отлиқ аскарлар ҳужум қилиб турдилар. Аҳмад Донишнинг ёзишича, лашкарбошилардан бири ва охун мансабини олган Яхъёхожа от устида салласининг печини орқага ташлаб, бир варақ қоғозда ёзилган жиҳод хосиятларини жангчиларга қарата баланд товуш билан гапириб турди. У «урушдан қайтманглар ва қаттиқ туринглар», деб ташвиқот юргизди³.

¹ Рисола ё Мухтасар..., 49-бет.

² Донссение Восного губернатора командующему Оренбургского округа, 11 мая 1866 г., № 622.

³ Иржарская победа. Туркестанский сборник, т. 70, с. 185.

Рус тувларидан купдан-куп одамлар ҳалок бўлиб, жанг майдони улган одамларга тулиб кетган эди¹.

Самарқанд аскарлари бошлиғи Шералибек эса ҳалок бўлган.

Оқжардаги уруш хусусида Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандай ёзади: «Ислом аскарлари ҳаракатга келиб, уруш майдонига жасорат билан кирдилар ва тупу туфанглари маҳкам қилиб..., кофирларни кутдилар. Якшанба кофирлар учун ибодат куни эди. Пешиндан сунг ибодатдан фориғ бўлган урислар келиб, ислом лашкарига қарши бирдан ҳужумга утдилар. Икки томон бир-бирлари билан учрашиб кўрган ва эшитган кишининг ақли ҳайратда қоладиган урушни бошлаб юбордилар. Мангитлар эса, куп йилдан буён халқ нонини туя қилиб еб, на ўзлари ва на ота-боболари уруш кўрган эдилар. Ҳаммалари олди-орқаларига қарамасдан қочиш йулини қидирдилар. Нима булсанг ҳам, фақат ҳез булма, деганидек, Бухоро подшоҳи бир фарсаҳ масофада туриб дурбин орқали урушни томоша қиларди. Кофирлар ҳушсиз мангитларни тупу-туфанглардан отардилар. Лашкари ислом паришон ва пароканда бўлиб, чулу биёбонга қочиб кетдилар. Ҳезалак подшоҳ (амир Музаффар) дурбинда бу аҳволни кўрди ва шундай ҳез кишида ҳам тоқат қолмади ва кийиниб улгурмасдан минг ҳасрат ила отга миниб, намози аср вақтида Жиззах томон йул олди. Унинг лашкарига путур етди ва паришон бўлиб, жанг майдонидан қочиб қолдилар. Ҳеч ким бундай бесаранжомлик ва номардликни мундоқ тункабадан кишидан, амири ҳездан ҳозиргача кутмаган эди. Аждолларидан мерос қолган шундай салтанатни, бухоролик баъзи-бир мағрур кишилар учун ифтихор бўлган муфохиротни, қурол-яроқ, подшоҳлик анжомларини, хусусан, бир неча дилбанд маъшуқаларни бегоналарга ташлаб кетди.

Бу воқеа 1283 йил якшанба куни, муҳаррам ал-ҳаром ойининг 7-сида (22 май)² юз берганди. Катта ҳез жаноблари (амир Музаффар) шу қочишда жони ҳалқу-

¹ Татарииков. Семимесячный плен в Бухаре. с. 98.

² Аслида майнинг 22-сида эмас, 8-кунида бўлган эди.

³ Тарихи жаҳоннамои, 132-бет. Бу асарда «зилишича, амирнинг мағлубияти натижасида мулк «бесоҳиб ва беҳоким қолди». Унинг обрўи ва мавқеи пасайиб, айрим беқлар мустақилликка эришдилар. Масалан, Абдул Гаффорбек Уратспани эгаллаб, ҳокимиятни қўлга киритди ва амирга бўйсунушдан бош тортиди. Хужанд аҳолиси ихтиерий равишда Қўқон хонлигининг қарамлигига ўтди. Худоберхон кирғиз Туйчи додхоҳни бу срга тайинлади. Қўштегирмон, Гўлхокандоз, Оқтепа, Далварзин, Қароқчиқум, Конибодом, Хужандга қарашли жойлар ҳам Қўқонга ўтди.

мига гиқилиб кечқурун Жиззахга етиб келди»¹. Мазкур сатрлардаги маълумотлар Аҳмад Донишнинг фикрлари билан ҳамоҳангдир. Зеро, бу муаллиф ҳам амирнинг кийим-кечаксиз от миниб қочганини, ҳатто жуда қўрқиб кетганидан иштонини булғаганлигини қайд этади. Амирнинг биринчилар қатори қочиши ватан ҳимоячилари руҳини тушириб, ишончини йўқотмаслиги мумкин эмас эди. Ҳатто номи аввал айтилган «ғазот» жарчиси Яҳъёхожа охун ҳам салласини отиб қочган. Аскарлар ва оломон ваҳимага тушиб дуч келган томонга қочдилар. Улар йўлларда очлик, сувсизлик ва кучсизликдан мисли қурилмаган азоб-уқубатлар ва хўрланишларни бошдан кечирдилар. Айниқса, ярадорлар ва беморларнинг аҳволи ниҳоятда ачинарли бўлди. Улар «ҳеч нарсага қарамасдан барча нарсаларини ташлаб ҳар ким ҳар ёққа қочаверди, қайси томонга кетаётганларини эса билмас эдилар. Баъзилар адашиб рус қўшинига бориб қолдилар. Шундай булса ҳам руслар сув ва озиқ-овқат бериб уларни қайтарганлар. Бир қанчалари дарёга чўкдилар, бошқалари тоғ ва чўлларда йиртқич ҳайвонларга ем бўлдилар. Уларнинг тамом асбоб-анжомлари, аслаҳалари, озиқ-овқатлари, ҳатто пиширилиб сузилган овқатлари ва дамланган чойлари жанг майдонида қолиб кетди»¹.

Шубҳасиз, бу ерда суз купроқ ҳарбий машқни утамаган ва уруш қурмаган оддий кишилар ҳақида кетаётир. Маълумки, улар найза ва бошқа оддий қуроолар билан жанг майдонига кирган эдилар. Гарчанд бу тоифадаги кишилар қўлларидан келганча ватанни ҳимоя қилиш учун интилган бўлсалар-да, лекин қудратли душман ҳужумига бардош бериш жуда қийин эди. Ватан ҳимоячиларидан 5000 киши ҳалок бўлган, купдан-куп одамлар жароҳатланган². Оқжардаги жанг рус манбаларида ҳам муайян даражада ўз аксини топган. Уларга кўра, рус солдатлари Бухоро отлиқ аскарларини жанг билан чекинтириб борган ва қаршилиқ кўрсатганлар ўлдирилган. «Шуни айтиш лозимки, — дейди Романовский, — бизнинг туўларимиздан отилган бирорта снаряд беҳудага кетмади. Душман тарафи бизнинг ўқларимиздан ўлдирилганлар билан тулиб-тошди ва фожиали манзара юзага келди»³.

¹ Рисола с Мухтасар..., 51- бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Донссенис Военного губернатора Туркестанской области командующему войсками Оренбургского округа, 11 мая 1866 г., № 622.

Жанг майдонида яроғ-аслаҳа, кийим-кечак ва озиқ-овқатдан ташқари, 6 замбарак, 670 пуд порох, 22.000 дона патрон, кўплаб граната ўлжа олинди. Амирнинг чодирини ва ичидаги қимматли буюмлар қўлга киритилди.

9 майда ватан ҳимоячиларидан бир неча минг киши Кировчида рус истехкомига ҳужум қилиб Қишлик қишлоғини эгалладилар. Аммо куп утмай душман ҳужуми остида чекинишга мажбур бўлдилар. Оқжардаги мағлубият амир Музаффар ва, умуман, Бухоро мавқеига қаттиқ зарба берган булса, рус ҳукуматини янада руҳлантирди ва янги ҳарбий юришларга чорлади. Айниқса, рус ҳарбий бошлиқлари ва аскарлари узида йўқ хурсанд булиб кетгандилар. Генерал Романовский эришилган галабани, аслида эса босқинчиликнинг ёрқин намунасини рус қуролининг қудрати сифатида баҳолади: «Рус қуролининг, — деган у ўз ахборотида, — Урта Осиёдаги муҳим ва янги галабасидан хабардор қилишни бахт деб ҳисоблайман. Офицерлардан рус солдатигача, барча кишилар рус жангчисига хос мардлигини намойиш этди. Уларнинг ҳаммаси бир танадек жанг қилдилар. Улар император олийларининг эътиборига ва марҳаматига сазовордирлар. Айниқса, капитан Абрамов, подполковник Пистолкарс ва подполковник Равицкий сингари лашкарбошилар топшириқларни ҳар жиҳатдан мукамал адо этдилар. Шунингдек, артиллерия штабининг бошлиғи Иванов ҳам ўз вазифасини дундириб бажарди»¹.

Оқжардаги галаба ҳақидаги телеграммага император «Чин юракдан хурсандман ва сабрсизлик билан батафсил маълумотни кутаман» деб имзо чеккан². Романовский ҳукуматдан курсатилган ҳарбий бошлиқларни ва бошқа жанг қатнашчиларини тақдирлашни сурайди. Натижада бир қанча ҳарбийларнинг унвонлари оширилди, бошқалари пул билан мукофотландилар.

ХҲЖАНДНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ

Оқжар жангига бошчилик қилган Романовский узининг «дустлик ва биродарлик» қўшнилариининг ички ишларига аралашмаслик ва бошқа шунга ўхшаш ниқобларини йиртиб, Хужандга қараб юрди. У Хужанд

¹ Военный Министр команд. войсками Оренбургского округа, 30 мая 1866 г.


² Уша жойда, уша бет.

халқи номига хат йуллади: «Хужанднинг барча ақл-идрокли ва ҳалол аҳлига. Хужанд шаҳрида турли хил одамлар булиши мумкин. Албатта, бу ерда уз шахсий манфаатларини кузлаб Бухоро билан дустона муносабатни истовчи бемаъни одамлар йуқ эмас. Улар бошқаларни ҳам уз тарафига огдириши мумкин. Мен бу тоифадаги кишиларга эмас, балки уз шахрининг манфаатини англайдиганларга ва бунинг учун хизмат қилувчиларга мурожаат этмоқдаман. Руслар бу ерга босқинчилик учун келган эмаслар. Қудратли оқ подшоҳнинг ерлари дунёдаги куп давлатларнинг ерларига нисбатан каттадир. Шу боис бизнинг бошқа ерларни урушиб олишимизга зарурият йуқ. Биз бу ерга Россия фуқаролигини қабул қилган аҳолини Бухоро зулмидан муҳофаза этиш учун келганмиз. Мен мана шуни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан Хужандни эгаллашим керак. Хужандга рус солдатлари киргандагина Тошкент атрофларида тинчлик ва осойишталик булиши мумкин.

Уз мақсадимни билдира туриб, ақл-идрокли ва ҳалол кишиларни огоҳлантираманки, агар улар истехкомни эгаллашимга қаршилиқ кўрсатмасалар, у вақтда уларнинг фақат тинчлиги ва мол-мулки эмас, балки бахтли ҳаётини таъминлашга ваъда бераман. Шундагина сизлар хонни амирга ёки амирни хонга алмаштиришдан холи буласизлар. Динингизнинг дахлсизлиги сақланади, руслар ҳатто душманларининг динларини ҳам ҳамма вақт ҳурматлаган ва ҳеч қандай зиён келтирмаган. Хужанднинг, Тошкент билан биргаликда, йирик савдо ва бой шаҳарга айланишига ишончим комил. Аммо менинг хоҳиш-иродамга қарши улароқ Хужанд шаҳри қаршилиқ кўрсатса, ҳеч кимни ва ҳеч бир нарсани аямайман»¹. Романовский ўзини Рус давлатининг «озодлик жарчиси» сифатида гавдалантиришга беҳуда уринган эди. Наҳотки, яқиндагина Оқжарда 5000 кишининг улдирилиши ва куп кишиларнинг жароҳатланиши Романовский ва бошқа рус ҳукумати вакиллари-нинг виждонини қийнамаган булса. Ҳа, қийнамади, чунки улар онгли равишда қўлини қонга белаган ва бегоналар бойликларини талашни мақсад қилиб қўйган эдилар. Буни яхши англаган Хужанд аҳолиси Романовский мурожаатини рад этди. 1866 йилнинг 18—19 май кунлари руслар Хужанд шаҳри атроф жойларини

¹ Рапорт командующими войсками Туркестанской команд. Оренбургского округа, 30 мая 1866 г., № 682.

ҳарбий нуқтаи назардан текшириб, ҳужум режасини тузадилар. Бу вақтда Хужанднинг Сирдарёга тақалган шимолий ва ғарбий қисми бир қатор девор, жануби ва шарқи эса, қалин ва баланд икки қатор девор билан қуршалган эди. Деворларнинг мустаҳкам миноралари ва шаҳар ўртасидаги тепаликда истехком бор эди. Хужандликлар шаҳар мудофаасини анча мустаҳкамлаб олгандилар. Душман 19-20 май кунлари дарёнинг унг ва чап қирғоқларига 18 тўп жойлаштириб, шаҳарни куни билан тинимсиз ўққа тутди. Бу ерда ёнгинлар ҳам чиқади. 20 май кечаси соат 3 да рус солдатлари ҳужумга ўтиш тараддудини кўраётганда шаҳардан Азаматхужа деган нуфузли киши бошчилигида вакиллар чиқиб таслим бўлиш истагини изҳор этадилар. Шундан кейин душман кучлари узларини бир оз орқага, Қўқон дарвозаси томонга олдилар. Афтидан, Азаматхужа бошчилигидаги бир гуруҳ кишилар сотқинлик қилиб шаҳарни урушсиз душман қулига топширишга уринганлар. Шу боис улар шаҳарга кираётганларида ватандошлари томонидан хоин сифатида ўққа тутилди. Романовский сотқин кишилар орқали Хужанд аҳлига иккинчи мурожаатини жунатган: «Сирдарёнинг унг қирғоғининг хавфсизлигини таъминлаш учун Хужандни сузсиз эгаллаш зарурияти туғилди. Аммо қон тўкилиши ва вайронага йўл қўймаслик мақсадида сизларга хат юбориб, ҳеч қандай ёмон ният йўқлигини ва менга ишонч билдирсангизлар бахт бахш этишимни изҳор этган эдим. Бироқ сизлар менга қаршилик курсатиб ўқ уздингизлар, шунга қарамай, 3 кун мобайнида айрим ёнгил чораларни кўрдим ва куч-қудратимиз устунлигига ишонтаришга ҳаракат қилдим. Аммо бундай ён босишнинг фойдаси бўлмай, қаршилик курсатдингизлар. Шу боис мен ҳарбий юриш қилиб, курсатган қайсарлигингиз учун сизларни найза билан жазоламоқчи бўлдим. Бироқ таслим бўлиш нияти билан келаётган Азаматхужа оқсоқолга дуч келиб қўшинни орқага олдим ҳамда уни сизлар билан маслаҳатлашишга юбордим. Лекин уни ўқ билан қарши олдингизлар. Сизларнинг ҳаракатларингиз қаттиқ жазога лойиқ бўлса-да, лекин тинч аҳоли қонининг тўкилиши ва хонавайрон булишининг гуноҳини буйнимга олмаслик, Азаматхужанинг сузларига ишонганлигим учун яна сизларга ён босишга тайёрман. Агар сизлар чинакамига таслим бўлсангизлар, у вақтда қилмишларингизни унутишга ва ҳеч кимдан уч олмасликка ваъда берман. Бордию бу гал ҳам қарши



Хужанд қалъаси.

булсангизлар, тукилган қонлар ва хонавайронлик жавобгарлиги сизларни йулдан урган кишилар зиммасига тушади. Сизларга уйлаш учун эртага эрталабгача муҳлат бераман»¹.

Бу хат Хужандда қаҳр-ғазаб ва нафрат билан қарши олиниб, қозикалон ва Азаматхужа қамалди. Шаҳар аҳли бой ва кекса оқсоқоллардан бири Аминхужа бошчилигида душманга қарши курашишга аҳд қилди. 22 май соат 12 да жавоб муҳлати тутагандан 2 соат утиши билан руслар шаҳарни тушлардан уққа тутишни бошлаб юбордилар ва бу ҳол уч кун давом этди. Агар 20 майда ҳам шаҳар уққа тутилгани кўшилса, у вақтда бомбардировка 4 кун давом этган. Шаҳарнинг даҳшатли равишда уққа тутилганлигини рус матбуоти ҳам таъкидлаган эди². Бироқ ватан ҳимоячилари буш келмай қадам-бақадам жанг қилдилар. Рус солдатлари тўп ва милтиқлардан уқ ёғдириб, шаҳар деворига ҳужумни бошлаб юбордилар. Ватан ҳимоячилари ҳам уларга қарши уқ узиб турдилар. Натижада ҳар икки томон уртасида жанг тобора қизиб борди. Пировардида, душман кучлари Қўқон ва Келенаус дарвозалари орқали шаҳарга бостириб кирди. Бу ерда жанг тўхтамай кўп кишилар ҳалок булди, яраланди. «Ҳарбий қисмлар, — деб ёзади Романовский, — шаҳарга кираётганларида

¹ Уша жойда, уша бет.

² «Современное обозрение», 1867. № 5.

ниҳоятда қаттиқ қаршиликка дуч келдилар. Ҳимоячилар ҳар бир қадам ер учун жанг қилдилар, баррикадалар қурдилар ва уларнинг орқа тарафига тупларини урнаштирдилар ҳамда улар кучалар оғзига аскарларини жойлаштирдилар»¹. Аммо ҳар жиҳатдан яхши қуролланган Рус солдатлари одамларни шафқатсиз қириш ҳисобига ғалабага эришадилар. Айрим маълумотларга қура, Худоёрхон Баҳодурхожа понсодни қушин билан Хужандга юборган. Унинг юз кишидан купроқ аскардан иборат қушини кофирлар сафини ёриб утиб шаҳарга киради. Шунга қарамасдан, кофирлар Хужанд дарвозасига яқинлашиб жанг қилдилар².

Афтидан, бу қушинни Худоёрхон жунатган эмас, балки аскарларнинг узлари ватанпарварлик ҳисси билан жанг қилишга келганлар. Негаки, Худоёрхон Рус давлатига қарши боришдан жуда қурққан. Хужандликларнинг қаҳрамонона курашларини Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий шундай тасвирлайди: «Хужандликлар ғайрат камарини белларига боғлаб, уларни орқага қайтардилар... Шу пайт хиёнаткорлар дарвозани очиб бердилар. Шунинг учун Хужанд қалъасини кофирларга олиш осон тушди. Хужанд фуқароси кофирларнинг шаҳарга киришларини куриб ғайрат ва шижоат ила урусларнинг йулини тусиб, қатъий ҳаракатлар билан жангга кирдиларки, сру осмон, доно ва нодон кишилар афсус бармоқларини ҳайрат тишлари ила тишлаб таҳсин ва офаринлар айтдилар. Ҳар икки тараф тупу туфанг, чупу таёқ ила бир-бирларини уриб (улим ила) яксон қилардилар. Хусусан, мусулмонлар купроқ тупу туфанг қурбони бўлиб орқага қайтиб ҳар бири куча, маҳалла ва боғлар ичидан қочиб қолдилар. Кофирлар ҳам улар орқаларидан қувлаб кетдилар, куча, маҳалла ва бозорларда одам қолмасдан, аёлу бола демасдан, куп кишиларни милтиқ билан отиб шаҳид қилдилар. Файзосор шайх Муслиҳиддин ҳазратларининг мозорларида паноҳ топган ғарибу бекаслар, кўру чулоқлар, гадою дарвешлар, майибу мажруҳлар — ҳаммалари, киши қолмасдан нобудлик оламига кетдилар.

Мадраса ва саройларда қувлаб одамлар талон-торож қилиниб, қатл этилдилар. Икки томон ҳам тинчиб, қиёматсар можаролар тухтагандан сўнг ҳар бир тоифа

¹ Военный губернатор Туркес. обл. команд. войсками Оренбургского округа, 6 июня 1866 г., № 2596.

² Тарихи жаҳоннамои, 132-бет.

уз уликларини топиб, уларни санаш билан машгул бўлдилар. Мусулмонлардан 2600 киши эркагу аёл, кабиру сағирдан шаҳодат даражасига етиб эканлар ва куффорданд эса, 1200 киши дузах ва жаҳаннам даргоҳига кетган экан. Шундай фожиа ила Хужанд фуқаролари кофирларнинг зулм-ситамига гирифтор бўлдилар. (Хужанд) вилоятининг муътаמידлари минг ажзу дард ила жаноб хон (Худоёрхон) валинеъматга кетма-кет элчи билан хат юбориб, ислом аҳлидан мадад сўрадилар. Жаноб хон узоқ муддат андиша денгизига фарқ бўлиб, кофирларга қарши бирон журъат қилмади»¹.

Бу ерда руслардан 1200 киши улдирилганлиги қайд этилган. Романовский эса, уз ахборотида 5 киши ҳалок бўлиб, 122 таси жароҳатланган, 6 киши дараксиз йуқолган, дейди. Одатдагидек, бу гал ҳам рус аскарларининг талофати ниҳоятда камайтирилган. Чунончи, ҳарбий вазирга берилган ахборотда руслардан 100 га яқин киши улдирилганлиги кўрсатилган. Менингча, бу бир қадар ҳақиқатга туғри келади. Ватан ҳимоячиларидан ҳалок бўлганлар сони 2500 кишига борганлиги айтилган. Уларни дафн этиш учун бир ҳафта вақт кетган. Ярадорлар сони ҳам жуда куп бўлган. Жанг майдонидан 13 туп, куп қурол-аслаҳани руслар улжа олган. Хужанд дарвозасининг калитлари Петербургга юборилди. Улар император кўрсатмасига биноан катта сарой черковида сақланадиган бўлди. 1866 йил 24 майда Хужанднинг босиб олиниши юқори ҳукумат доираларида зўр мамнуният билан қарши олиниб, Пистолкарс, Фавицкий, Кашкин, Абрамов ва Иванов каби ҳарбий бошлиқларнинг унвонлари бир даража кўтарилди. Солдатлар пул билан тақдирланган. Урушни бошқарган Романовский эса, учинчи даражали «Святой Георгий» ордени билан мукофотланди.

Оқжар, Нов ва Хужанд жангларида қўмондонлик қилган ва ғалабалардан мавқеини анча мустаҳкамлаб олган Романовский 2 июнда Тошкентга қайтиб Туркистон вилоят қўшинларига мурожаат этди:

«Бухорога қарши юришдан Тошкентга қайтиб қўшин ва вилоятни бошқаришга киришганлигимни эълон қилиш вақтида қуйидагиларни барчанинг диққати-га ҳавола этаман.

Аввало, менинг урнимга қолган полковник граф Воронцов-Дашковга чин кўнгилдан узимнинг миннат-

¹ Тарихи жаҳоннамойи, 132-бет.

дорлигимни билдираман. Улкани бошқариш, қуриқлаш, ҳаракатдаги қўшинни таъминлаш жуда мушкул ва оғирлиги юришнинг дастлабки кунларидаёқ яққол кузга ташланган эди. Аммо шунга қарамай граф Воронцовнинг билимдонлик ва ғайрат билан иш юритиши туфайли душманлар ҳеч нарсага эриша олмадилар ҳамда ҳарбий қисмлар ҳеч нарсага муҳтож бўлмадилар. Шаҳар бошқарувчиси старшина Серовга Тошкентни душман хавфидан ва ёмон ниятли кишилардан сақлаганлиги учун ташаккур билдираман. Шунинг каби, бизга энг содиқ кишилар бўлмиш Саъидазимбой ва Шарофга миннатдорлик изҳор этаман. Айни замонда ҳарбий штаб ва обер-офицерлар, солдатлар ва, умуман, ҳамма кишиларга самарали ишлари учун раҳматлар айтаман. Фақат умумий куч ва ғайрат билангина ҳозирги катта натижаларга эришилди»¹. У қўшинни руҳлантириб янги зафарларга чорлашни мулжаллаган эди, албатта. Бу борада унинг иккинчи буйруғини ҳам кўрсатиб ўтиш айни муддаодир. Унда кейинги бир ой мобайнида русларнинг ғалабалари шарҳланиб, Оқжар, Нов ва Хужанд жанглари мақталган².

Амир Музаффар Оқжар мағлубиятидан сунг рус элчиларига Самарқанддан қайтишга рухсат берди. 1866 йил 2 июнда рус элчилари амир томонидан белгиланган Абдул Гаффор қоровулбеги кузатувида Жиззах орқали Тошкентга келдилар. Амир 19 майдаги суҳбат вақтида элчилардан кечирим сўраб, Россия билан дўстлик алоқаларини тиклаш учун воситачилик қилишларини сўради. Амир ушланиб турилган Россия савдогарларини ҳам қўйиб юборди³.

Ўз навбатида, рус ҳукумати 1-форт (Қозоли)да истиқомат қилаётган Нажмиддинхожа бошчилигидаги Бухоро элчиларини ватанга қайтаришга ижозат берди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, Абдул Гаффор қоровулбеги Романовскийга оғзаки равишда амирнинг Нов ва Хужандни Бухоро хонлигига бериш ҳақидаги суровини айтганида, у шундай деган: «Нафақат ҳозир, балки ҳеч қачон Россия хонлик чегарасини биз эгаллаб турган ерлар ҳисобига кенгайтиришга йул қўймайди. Россия ҳеч қачон Нов ва Хужандни, умуман Сирдарёнинг чап қирғоғидан то Қизилқумгача бўлган жойларнинг амир-

¹ Приказ по войскам Туркестанской области, 2 июня 1866 г., № 155.

² Уша жойда, уша бет.

³ Надворный советник Струве директору Азиатского департамента, 7 июля 1866 г.

га дахлдорлигини тан олмаган ва тан олмайди ҳам. Кейинги урушлар амирнинг айби билан содир булгани учун унга ҳарбий харажатларни қоплаш учун урта ҳисобда 80.000 тилла товон (контрибуция) пули тулаш мажбурияти юкланади»¹.

Элчи Абдул Гаффор қоровулбеги Романовскийга амирнинг ва Жиззах ҳокими Оллоёрбек девонбегининг хатларини ҳам топширган. Хатларда асосан рус элчиларининг бушатилиши хусусида гапирилган. Айни бир пайтда, амирнинг Романовскийга совға сифатида зар билан безалган телпак ва тун юборганлиги таъкидлаб утилган².

Романовский узининг амирга ёзган жавоб хатида ҳамма вақт рус элчиларини озод этишни сураганлигини қайд этиб, эндиликда бу масала ҳал қилинганлигидан мамнунлигини билдиради. Аммо ҳамон Россия савдогарларининг ушлаб турилиши узаро тинчлик алоқалари ўрнатилишига тусқин бўлаётганлиги айтилган. Амирнинг чегарадаги беклари Нов ва Оқжарга хужум қилиб тураётганликлари қораланган. Агар бундай ҳаракатлар тўхтамаса янги ҳарбий юриш уюштирилиши билдирилган. Жиззах бегининг хатига эса полковник граф Воронцов-Дашков умумий тарзда жавоб ёзган.

Романовский Крижановскийга йўллаган ахборотида вилоятнинг фойдали қазилмаларини текшириш ва фойдаланишга киришилганлиги ёзилган. Бунга кўра, полковник Татаринов Чимкент тоғларида кумир борлигини аниқлаган ва келаси йили уни Тошкентга қўлаб олиб келиш мумкинлигини билдирган. Северцев ва Николский Қоратоғда ва қисман Тангритоғда (Тяншан) текширувлар утказиб қўрғошин ва темир жинсларини топганлар. Ҳатто Тошкентга олтин намунаси келтирилган³.

Демак, рус ҳукумати улканинг табиий бойликларини узлаштиришга дарҳол киришиб мустамлакачилик сиёсатини бошлаб юборган эди.

Рус давлати Оқжарда амир қушинига зарба бериб Хужандни эгаллагандан кейин ҳам Бухоро билан тинчлик ва дустлик алоқаларини ўрнатишга тайёрлигини такрор-такрор таъкидласа-да, амалда ҳарбий юришлар

¹ Донесение Военного губернатора Туркес. обл. командующему войсками Оренбургского округа, 15 июня 1866, № 120.

² Уша жойда, уша бет.

³ Донесение Военного губернатора командующему войсками Оренбургского округа, 23 июня 1866 г., № 124.

ни давом эттиришни биринчи вазифа қилиб қўйган эди. Рус ҳукумати амир Музаффарга унинг мағлубиятини эслатиб, уни янада бурчакка сиқиб қўйишга интилди.

1866 йилнинг август ойида Оренбург генерал-губернатори Тошкентга келиб дарҳол Бухоро масаласини биреқлик қилишга киришди. Чунончи, у амир номига хат юборди: «Шу кунларда мен қўшинни кўздан ўтказиш учун Тошкентга келдим. Мен Романовскийнинг таклифига мувофиқ сизни хабардор қиламанки, император олий ҳазратлари менга сиз билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва тинчлик битимини тузиш ваколатини берди. Бу хусусда менга берилган император ёрлигининг нусхасини юбораётирман. Умидворманки, сиз яқин орада менинг ҳузуримга — Тошкентга ўзингизнинг ёрлигингиз билан тинчлик шартномасини тузиш учун элчи юборасиз»¹. Амир бу хатни олиб тинчлик шартномасини Крижановскийга етказди. Ҳар томонлама оғир аҳволга тушиб қолган амирнинг бир оддий генерал-губернатор олдида тиз чуқишдан бошқа иложи қолмаганди. Бу унинг ниҳоятда нодон ва ожизлигининг маҳсули эди, албатта. Крижановский Бухоро хонлиги аҳолисига ҳам махсус хат билан мурожаат қилди: «Сизларнинг амирингиз шу йил баҳорида рус солдатлари билан урушишни хоҳлаган эди. Лекин Оқжарда тормор этилди. Ҳозирда мен ҳамма учун фойдали тинчлик сулҳини тузиш, савдони тиклаш, Россиядаги савдогарларнинг Бухорога боришларига руҳсат берилиши ҳақида кўрсатма беришга тайёрлигимни билдирдим. Аммо амир ёмон одамлар сўзига қулоқ солиб, руслар билан ярашишни хоҳламаётир. Шу боис урушни қайта бошлашга тўғри келди. Шуни билдираманки, мен тинч аҳоли билан эмас, балки фақат амир ва қўшин билан жанг қиламан. Ҳар бир одам кучманчими, шаҳар ёки қишлоқда яшайдими, барибир, шунга ишонсинларки, бизнинг аскарларимиз уларни хафа қилмай дўстона муносабатда бўладилар ҳамда сотиб олган молларининг пулини тўлайдилар. Шуни билиш лозимки, агар кимки узининг чинакам фойдасини кўрмай ва тушунмай рус қўшинига қарши қуролланса ва амирга ёрдам берса, ўлимга ва бахтсизликка учрайди»².

Мазкур сўзлар шундан гувоҳлик берадики, рус ҳу-

¹ Оренбургский губернатор Бухарскому эмиру, август 1866 г.

² Уша жойда.

кумати доиралари амир билан халқ уртасига тусиқ солишга уриниб, таклифлар инобатга олинмаса, даҳшатли фожа руй беришини маълум қилган. Романовский Крижановский топшириғи билан амирга хат юбориб 20 кун ичида жавоб олинмаса, уруш қайта бошланишини билдирди.

Амир Садрмир Холиддинов деган кишисини элчи сифатида Крижановский ҳузурига жунатади. Аммо уруш очишга баҳона қидираётган Крижановский юқорида курсатилган Романовский талабларига жавоб қайтарилмаганлиги ва тинчлик сулҳини тузиш учун элчига ишонч ёрлиғи берилмаганлигини танқид остига олиб, 1866 йил 12 сентябрда амирга яна хат юборади: «Сизга қуйидаги қатъий сўзларни маълум қиламан: сиз Қўқон хонлигининг ички ишларига аралашиб, тинчликни буздингиз. Агар сиз Қўқон ишларига аралашмаганлигингизни курсатмоқчи бўлсангиз, у вақтда биз томонимиздан Тошкент эгаллангандан кейин Бухорога олинган Қўқоннинг ёш хони Султон Саъидхонни бизга юборинг. Огоҳ бўлинг, унга ҳеч қандай зиён етказилмасин. Бундан ташқари, тинчлик бўлиши учун сиз олий ҳазратлари қуйидагиларни уз зиммангизга оласиз.

1. Ҳозироқ 100.000 тилла (товон) пули юборинг.

2. Қул остингиздаги жойларда Россия фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган рус карвонбошиси Бухорода бўлсин.

3. Бухоро шаҳарларида Россия фуқароларига молларни қуйиш учун карвонсаройларга эга бўлиш ҳуқуқи берилсин.

4. Карвонлар ва бошқа нарсалардан олинадиган божлар миқдори русларга ҳам сизнинг фуқароларингиз каби бир хилда бўлиши таъминлансин.

Бу шартларга яна шуни қўшимча қиламанки, 10 кундан кейин сиздан талаб этилаётган 100.000 тилла пул ва Султон Саъид Муҳаммадхон берилмаса ҳамда бошқа шартларимизга розилигингиз ҳақидаги хатингиз бўлмаса, уша кун ичида уруш бошланади. Белгиланган муддатда сизга яқинроқ туриш учун Хужанддан ҳарбий юриш қиламан. Агар қаршилик курсатилмаса, урушни бошламайман. Акс ҳолда, қурол кучи ишлатилади. Хотира учун уз номимдан сизга кумуш буюмлар юбораётирман»¹.

¹ Военный губернатор Туркестанской области эмиру Бухарскому, 18 сентября 1866 г.

Шу тариқа, рус ҳукумати Бухоро хонлигига илгариги вақтларда рус элчилари ва савдогарларининг ушланиши баҳонасида ҳарбий юриш уюштирган бўлса, эндиликда Қўқон хонлиги ва товон туланишига доир тутуруқсиз масалаларни рўқач қилиб, тажовузни давом эттирди. Мазмунан Крижановский хатидаги талаблар амалда хонликнинг Россия қарамлигига айлантирилишини амир англаган шекилли, унга жавоб беришни лозим кўрмади. Белгиланган муҳлат ўтиб кетиши рус ҳукумати вакилларига жуда қўл келди. Улар худди шундай булишини сабрсизлик билан кутган эдилар. Романовский 20 пиедалар ротаси ва 600 казак, 28 туп билан Бухоро хонлигига қарши йулга отланди. Қўшинга Крижановский ҳам қўшилди.

ЎРАТЕПА ВА ЖИЗЗАҲДАГИ ЖАНГЛАР

1866 йил 23 сентябрда полковник Воронцов-Дашковнинг ҳарбий қисми Уратепа атрофини текширувдан утказиб унинг икки қатор баланд девори ва миноралари борлигини аниқлади. Девор чуқур хандақ билан қуршалган эди. Шаҳарга жанубий ва шимоли-шарқий бурчагидан ҳужум уюштиришга қарор қилинди. Шунга биноан полковник Мангефейл, полковник Воронцов-Дашков ва ротмистр Баранов бошчилигидаги ҳарбий қисмлар жойлаштирилди. 29—30 сентябр кунлари шаҳар жанубий томондан тўплардан ўққа тутилиб, шаҳар ичида ёнғинлар чиқди. Шу равишда шаҳарга катта шикаст етказилгандан кейин 1 октябрда рус солдатлари ҳужумга ўтдилар.

Уратепадаги душманга қарши олиб борилган жанглар Аваз Муҳаммад Агтор Хўқандий асарида батафсил баён этилган: «Абдулгаффорбек Уратепа вилоятининг ҳокими ва етакчиси эди. У бир қанча жасур ва мард одамларни йул қуриқлашга юборган экан. Йулда икки гуруҳ душман билан тўқнашдилар. Мусулмонлар катта куч билан кофирларга шундай ҳамла қилдиларки, аҳли куффорда тобу тоқат ва сабру сабот қолмади ва келган йулларига қайтиб, минг найранг ила қочиб кетдилар. Ўқтам йигитлар чаққонлик билан кофирларга етиб олиб, пулатсимон найзалар отиб, ёмғирдек ўқ ёғдириб, қушларигача қувиб бориб, қайтиб келдилар. Мусулмонларнинг журъати аҳли куффорга маълум бўлди. Беқарор юракларида сабру тоқат қолмади ва улар пайшанба кунини эрталаб ўз жойларидан кўчиб Кўркат мавзеига

келдилар. Ислом лашкарлари кофирларнинг йулини тусиб, саъйу кушиш ила жанги азим қилдилар. Кофирларнинг ҳарбий қудрати зўрлиги туфайли аҳли ислом мағлуб бўлиб, уруша-уруша орқага қайтдилар. Новкат мавзеига келиб, отларини тухтатиб, яна қаттиқ жангга киришдилар. Ҳар бир мавзе ва қароргоҳ учун бетиним жанг қила-қила Моховзор мавзеига яқинлашдилар»¹.

Демак, жанг даставвал Уратепа атрофларида бўлиб, ватан ҳимоячилари душманни мағлубиятга учратганлар. Аммо пировардида улар яхши қуролланган душман зарбидан орқага чекинганлар. Шунга қарамай, улар ваҳимага тушмай, курашни давом эттиравердилар. Айтиб утиш лозимки, рус манбаларида Уратепа атрофидаги жанглар ва рус солдатларининг мағлубияти хусусида суз юритилмайди. Уларда шаҳардаги жанглар хусусида суз кетганда, кўпроқ рус солдатлари «жасорати»га эътибор берилган. Ватан ҳимоячиларининг қаҳрамонона кураши эса, жуда оз ва юзаки шарҳланган. Рус манбасида таъкидланишича, ҳимоячилар қадам-бақадам жанг қилишиб, баррикадалар қурганлар ва тупларини жойлаштирганлар ҳамда куча юзидаги уйларга аскар қуйганлар². Бу туғрида Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий асарида бирмунча тулароқ фикр юритилганлигини кўриш мумкин: «Аҳли куффор қалъани эгаллаш қасди ила йулга чиқди. Мусулмонлар бир қанча мусулмон мерганларини қалъа атрофига жойлаб қуйган эканлар. Мерганлар баттол кофирлар яқинлашишлари биланоқ уларни атрофларини ураб олиб, тупу туфангни жушу хуружга келтириб, тўрт томондан муҳобатсиз отдилар. Кофирларда тоб-тоқат қолмади ва улар катта зарар кўриб, қаттиқ зарба еб қайтдилар. Кундан кунга жангу жадал кучайиб борарди. Якшанба кечаси жумодул-охир ойининг 4-си ё 5-си кофирлар учта дарвозага одамларни таъйинлаб ўрнаштириб, Муғ дарвозасининг чуқур хандақини хас-хашак билан тўлдириб, шундай кенг жойни бир кечада текис қилиб, узларига йул очиб, тонгни кутиб турдилар. Шу пайт шаҳар аҳолиси ғофил ва ўз аҳлу ҳолига машғул бўлиб, оламдан беҳабар уйқуда ётар эдилар. Бироз вақт ўтгач, саҳар пайтида шаҳар дарвозаларига бир минг-икки минг кишини қўйиб, ўрусларнинг губернатори ва генерали кўпсонли тўда ила Муғ дарвозасида ҳозир бўлди. Тўсатдан узлари текислаган

¹ Тарихи жаҳоннамои, 133- бет.

² «Современное обозрение», 1867, № 5.

йулдан утиб, шаҳар дарвозасидан кириб туг санчигини Муғ қалъасига ўрнатишни буюрди. (Муғ қалъаси) шу вилоят ҳокимининг жойи эди. Кофирларнинг қолган лашкари шаҳарга ҳар бир дарвозадан фирқа-фирқа, туб-туб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб қичқириб, шовқин-сурон кўтариб кирди ва оламини тус-туполонга кўмиб бозорга яқинлашдилар. Аҳли ислом мусулмонлик ҳамиятини дилга жойлаб Садди Искандардск туриб жанг қилардилар. Улар уз юртининг ҳокими Абдулғаффорбек кофирлар келиши биланоқ жуфтакни ростлаганини эшитиб, заиф ва бемадор бўлиб, қочишни мулжал қилдилар. Одамлар хилват жойларга яшириниб, кофирлар назаридан махфий бўлдилар. Қишлоқ ва саҳродан шаҳарга келган аҳоли жангга тушиб урусларнинг тўпу туфанглари сочган оташ балосидан нобуд бўлиб, шаҳодат даражасига етуб, охират оламига кетардилар. (Уруслар) уч соатга яқин вилоятни талон-торож ва аҳолини қатл қилиб, замона мардумига омонлик бермадилар. Шу даҳшатли жанг жараёнида мусулмонлардан саккиз мингдан кўпроқ киши кофирларнинг туфанг ва шамширлари тигидан ажал топди. Кофирлардан ўлганларнинг сони беш мингдан ошиб дузах оташига сазовор бўлдилар. (Уруслар) куч ила Уратепа мамлакатини уз қўлларига олдилар»¹.

Куришиб турибдики, муаллиф воқеани жонли изоҳлаб, қимматли маълумотларни келтиради. Буларга кўра, Уратепа ҳокими Абдулғаффорбекнинг қочиши² ватан ҳимоячиларини «заиф ва бемор», яъни руҳсизлантириб қўйган. Бу камдек, «баъзи бедин ва дунёфуруш молпараст уламо, оқсоқоллару арбоблар бирлашиб озгина пул-маблағ, деб одамларни қонидан қўрқмай қалъа дарвозасини кофирларга очиб берганлар»³.

Рус манбаларида эса, жангларда ватан ҳимоячиларидан 2500, солдатлардан 17 киши ҳалок бўлганлиги қайд этилади. Аваз Муҳаммад уларни 8000 ва 5000 киши ҳисоблайди. Менингча, душманга тегишли кейинги рақам жуда ошириб юборилган. Улардан 217 киши ярадор қилинган эди. Босқинчилар 37 туп, куп яроғ-аслаҳа ва бошқа нарсаларни улжа олдилар.

Уратепа жангига бошчилик қилган Крижановский билан Романовский шаҳарнинг босиб олинганлигини

¹ Тарихи жаҳоннамои, 133- бет.

² Абдулғаффорбек оила аъзолари билан Самарқандга борган.

³ Тарихи жаҳоннамои, 132- бет.

зур мамнуният билан Петербургга телеграф орқали маълум қилдилар. Рус солдатлари Уратепадан кейин Зомин қалъасини қўлга киритдилар. Қон тукиш ва вайронагарчиликнинг навбати яна Жиззах шаҳрига келди. Уша вақтдаги жонли гувоҳ Зиновевнинг сўзига қараганда, бутун минтақада Жиззах истеҳкомига ухшаган мустаҳкам қалъа булмаган. У икки қатор маҳобатли деворлар билан қуршалган булиб, кўп миноралар ва шинакларга эга булган. Деворнинг баландлиги 4 метр ва эни 3 метр ҳисобланган. Икки қатор деворнинг ташқи томони ва уртасида сув тўлдирилган хандақлар қазилган. Умуман қаёққа қаралса, шу ерда девор ва хандақ кузга ташланган. Зиновев шундай катта ва мураккаб ишларни амалга ошириш учун тасаввур этиб булмайдиган оғир меҳнат ва куч-қувват сарфланганлигини таъкидлайди¹.

Жиззахда катта қўшин йиғилганди. Ҳимоячилар орасида Искандарбек бошчилигидаги афғон ҳарбий қисми ҳам бор эди². Афғонлар тупдан отишда моҳирлиги билан ажралиб турганлар³. Жиззахдаги ватан ҳимоячиларининг сони 10.000 киши ҳисобланиб, 53 тупи бор эди. Рус аскарлари даставвал шаҳарга борадиган сув йўларини бекитиб, Самарқанд ва Уратепа дарвозаларидан ҳужум қилишга киришдилар. 15 октябр куни кечқурун капитан Михайловский 4 пйёда ротаси, 6 туп ва 2 мортир билан Уратепа дарвозасига, подполковник Григорев 4 рота, 4 туп ва 2 мортир билан Самарқанд дарвозаси остонасидан жой олдилар. Бу ҳарбий қисмлар келмасдан олдиноқ истеҳкомдан уша жойда қолдирилган бир гуруҳ солдатларга ватан ҳимоячилари ҳужум қилдилар. Икки томон уртасида қаттиқ жанг бўлди. 16 октябр куни, эрта тонгда ҳам Михайловский бошчилигида ҳарбий қисмга қарши унғ ва орқа томондан ҳужум қилинди. Натижада бир қанча одамлар ҳалок ва ярадор булдилар. Айни бир пайтда полковник Воронцов-Дашков қўмондонлигидаги 2 рота, 200 казак ва 4 туп шаҳарнинг жануби-ғарбий бурчагига ташланади. 17 октябр куни, эрталаб солдатлар Уратепа ва Самарқанд дарвозалари ёнида деворни тешишга муваффақ булдилар. Сунгра душман қўшимча ёрдамга кел-

¹ «Русский инвалид», 1868, № 140.

² Искандарбек Ҳирот ҳокимининг угли булиб, отаси вафотидан кейин тахт даъвогарларининг таъқиби остида қочиб тоғларда 8 йил яшаган. Сунгра у Бухоро амири хизматига утган эди.

³ «Русский инвалид», 1868, № 140.

ган ҳарбий қисмлар қатнашувида шаҳар қалъасига ҳужум бошлади. Бу жангда Михайловский, Григорев, Воронцов-Дашков ва Пистолкарс раҳбарлигидаги солдатлар фаол қатнашганлар.

Шу равишда, қалъа учун шиддатли жанглар авжига миниб рус солдатлари ватан ҳимоячиларидан 6000 кишини қириб ташладилар ва икки минг кишини асирликка олдилар. Куп ўтмай урушга раҳбарлик қилаётган Крижановский қалъада ҳозир бўлди. Аммо бу фожа билан жанг тугамай 2000 минг кишилик сарбозлар 18 туп билан рус ҳарбий лагеридаги солдатларга қарши ҳужум қилди, лекин қалъадаги мағлубият хабари олингач, улар ваҳимага тушиб чекинганлар.

Маҳаллий манбада кўрсатилишича, уруш арафасида шаҳар катталари ва лашкарбошиларнинг йигилишида жангни қайси тарзда олиб бориш хусусида фикр юритилган. Айрим кишилар душманга ҳужум қилиш самарали бўлишини таклиф этган бўлса, бошқалар мудофаада туриш лозимлигини маъқуллаганлар. Аммо бу ғоят муҳим масала жуда суст муҳокама қилиниб, мудофаада туриб урушиш маъқулланади. «Йигинда, — деб ёзади Аҳмад Дониш, — хотинларнинг мажлису маъракаларига ухшаш ҳаммалари баробар гапириб, ғавго солиб, ким нима айтаётганлиги билинмади ва эшитилмади»¹. Шу тарзда, душманга қарши ҳужум қилмасликка келишилган бўлса-да, лекин Искандарбек бошчилигидаги афғон отличлари қалъа ташқарисига чиқиб жанг олиб борганлар. Улар охири чекинишга мажбур бўладилар. Айрим қалтафаҳм кишиларнинг маслаҳати билан гуё душманнинг қалъага бостириб киришига йул бермаслик мақсадида шаҳар дарвозаларининг сиртқи томони тупроқ уйимларига тулдирилиб қўйилди. Оқибатда шундай вазият юзага келдики, қалъанинг ичидаги кишилар қамалиб, сиртдагиси киролмайдиган бўлиб қолди. Бу тўғрида манбада шундай ёзилган: «Жиззах қалъаси дарвозаларини беркитиб, тупроқ билан кумиб қўйилиши йулни беркитиб қўйди. Кириш ва чиқиш йуллари беркитилиб, улим йули очилган эди. Натижада умаро ва навкарлар қалъа ичида маҳбусга ухшаб қолдилар. Шу чоғда рус солдатлари қалъа остига келиб туп-туфанлар билан ҳужум қилиб ва уни ичига кириб ҳар нарсаки кузларига жонли кўринса, шафқатсизларча улдира бердилар, бир қисм кишиларни дарвозалар

¹ Рисола ғ Мухтасар..., 55- бет.

олдига ҳайдаб бордилар. Курқувдан ва чорасизликдан асирларни ҳаммалари бошларини бир-бирларини орқаларига тираб турдилар. 2-3 минг гозий орқасидан рус аскарлари уларга уқ узардилар. Отилган уқнинг ҳар бири 5-6 гозий бошини бир вақтда тешиб утиб 7-сига келганда совуб кучини йуқотарди»¹. Қаранг, инсонга нисбатан шафқатсизлик даражаси босқинчиларда нақадар гайриинсоний бўлган. Аваз Муҳаммад ҳам Жиззахда қаттиқ жанг бўлганлигини уқдириб утиш билан бирга, лашкарбошиларининг нодонлиги туфайли мисли курилмаган қиргинбарот содир этилганлигини ёзади: «Лашкари ислом қалъа ичидан туриб тупу туфангни ишга солдилар. Кофирлар эса, ташқаридан уқ отиб, талотуб билан шаҳарга кирдилар. Мусулмонлар бесаранжом булиб, ҳар томонга паришонлик билан юрар ва нажот йулини қидириб тополмасдилар. Кофирлар мусулмонларни уч томондан тусиб, тупу туфанг зарби ила шундай урушдиларки, улганларнинг ҳисоби йуқдир. Манғит сипоҳидан тахминан 15-16 минг киши ўз сардорлари ила шаҳодат даражасига етган эди. Манғитлар (ҳукумат вакиллари) узларининг журъатсизликлари туфайли шундай балога гирифтор булдилар. Акс ҳолда, шунча одам жасорат курсатганда, кофирларнинг терисини шилиб олардилар. Вилоят ичи аҳли куффорга тулиб кетди»².

Ҳукмдор табақа, яъни манғит лашкарбошилари шу даражада катта имконият ва кучга эга эдиларки, озгина булса-да, жасорат, билимдонлик билан ҳаракат қилганларида, душманни парчалаб ташлашлари турган гап эди. Ҳатто рус ҳарбийлари Жиззахдаги мудофаани куриб ғалабага ҳеч ишонмай турган эдилар³. Хуллас, қушинда ва улар билан ватан ҳимояси учун отланган ўн минглаб оддий кишиларда жанг қилиш истаги ниҳоятда барқ уриб турди. Шунинг учун ҳам улар лашкарбошиларнинг ожизлиги ва сустлигига қарамай жон-жаҳди билан урушдилар. «Шаҳар ҳимоячиларининг, — деб ёзади рус муаллифларидан бири, — қаҳрамонлиги ва қаттиқ қаршилигига тан бериш лозим. Ҳатто қалъадаги бир қисм кишилар урушни давом эттиришга илож қолмаганидан порох омборига киришиб узларини портлатиб юбордилар. Бундай қилиш учун юксак маъна-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Тарихи жаҳоннамойи, 133-бет.

³ «Русский вестник», 1868, № 3—5.

⁴ Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник, сб., 1872, стр. 274.

вият, катта жасорат ва матонат керак булган, албатта»⁴. Жанг вақтида узбекларнинг бошига мисли курилмаган азоб-уқубатлар ва талофатлар тушишига қарамасдан, ҳаддан ташқари сабр-тоқат ва матонат билан русларни ҳайратга солганлар. Ҳатто қаттиқ жароҳатланган ҳимоячилардан йиғи овози ва инграш қулоққа чалинмаган¹. Асирга олинган ҳарбий бошлиқлардан бири Қоровулбекнинг сўзига кура, ҳимоячилар қаҳрамонларча жанг қилиб деворларнинг бузилган жойларини кечаси билан тузатиб турганлар².

Қаттиқ қаршилик ва жангга монанд равишда талофат ҳамда вайронагарчилик ҳам ута даҳшатли булган. Бу ҳолни уз кузи билан курган Зиновев шундай ёзади: «Менинг рўпарамда кўплаб одамлар ва отларнинг мурдаси тоғ каби уйилиб ётибди. Мен бир неча дақиқа кўз унгимда нима гавдаланаётганлигини англамадим. Яқинроқ борганимдагина қаватма-қават ётган одамлар ва отларни кўрдим. Уликлар уймаларидан одамларнинг қулоқлари ёки отларнинг бошлари ёки туёқлари чиқиб турибди. Бундан ташқари, отлар тагида босилиб ётган кишиларнинг инграётганлари ва туришга интилаётганларни кўриш мумкин эди. Уликларнинг сони камида 3 минг кишига боради»³.

Жиззах фожиаси ҳақидаги кўз ёшлари билан уқиладиган маълумотлар бошқа бир рус манбасида ҳам уз ифодасини топган: «Биз Тошкент дарвозаси тарафига одам ва от мурдаларининг орасидан утиб бордик. Мен Жиззахдаги ниҳоятда кўрқинчли манзарани изоҳламоқчи эмасман. Бу дақиқада менинг кўз унгимда инсон юрагини ларзага солувчи кўринишлар бирин-кетин ва тез-тез утиб турди.

Шуни айтиш кифояки, Уратепа қиргини Жиззахда тукилган қонларга нисбатан бир уйинчоқдир, холос. Уратепа қалъасида 4000 киши турган булса, Жиззахдагиси 10000 одамни ташкил этган. Уратепада аҳолининг анча қисми қочишга улгурган булса, Жиззахда дарвозалар тупроқ билан тўсилганлиги орқасида камдан-кам кишилар қоча олди»⁴.

Аҳмад Донишнинг ёзишича, бир қисм одамлар дарвозалар тупроқ уйими билан бекитилганлигидан чиқиш иложини тополмай узларини қалъа деворларидан

¹ «Русский инвалид», 1868, № 140.

² «Русский вестник», 1868, № 111.

³ «Русский инвалид», 1868, № 140.

⁴ Уша жойда, уша бет.

ташқарига ташлаб, қул-оёқлари синган ҳолда Самарқанд томонга кетганлар¹. Асирликка олинган 1500 кишидан 600 таси жароҳатланган эди. Улар уликлар уйимлари орқасида паноҳ топиб тирик қолган эдилар². Ярадор кишиларнинг барчаси оғриққа қарамай, ўзларини шу даражада қаттиқ тутдиларки, «бирорта инграш қулоққа чалинмади».

Русларнинг ўзлари берган гувоҳликларга қура, Жиззахда «қон дарё каби («кровь лилось реками») оққан эди»³. Уларнинг бирининг ёзишича, «солдатлар нима учун биз итларни (ватан ҳимоячиларини) аяшимиз керак, улар бизга шафқат қилмайдилар-ку» дейишган. Мана, солдатлар сизнинг инсонпарварлик ҳақидаги сўзларингизга ҳамма вақт шу тарзда жавоб берадилар⁴. Уз манфаатлари йулида улар гайриинсоний сиёсатни қўлайверганлар. Буни улканинг бошқа жойларида юз берган воқеалар ҳам тула тасдиқлайди.

Крижановский ва Романовский ватан ҳимоячиларини қириш билан бирга, ўз солдатларига шаҳарни талашга ҳам руҳсат берди⁵. «Русский вестник» газетасининг ёзишича, Жиззахда турли-туман бойликлар шу даражада кўп ва қимматли булганки, бунақаси минтақада ҳали рус солдатларининг қулига тушмаган. Улар ҳарбий лагерда сон-саноксиз уюлиб ётарди. Уларнинг орасида ҳар хил қимматли кийим-кечаклар, тилла ва кумуш билан сайқалланган ярог-аслаҳалар, эгар-жабдуқлар ва бошқа буюмлар кўп эди. Кишини ҳайратга соладиган туркман отларини ҳам кўриш мумкин эди. Турк, кавказ ва рус қиличлари бор эди. Жуда кўп отлар қўлга киритилган. Ҳатто бир солдат минг тилла тангаси бор халтача топиб олганлиги ҳақида овозалар тарқалган⁶.

Катта-кичик замбараклар, турли ярог-аслаҳалар Жиззах қалъасидан ўлжа олинди. Рус манбаларида солдат ва офицерлардан 6 киши ўлдирилганлиги ва 92 киши жароҳатланганлиги қайд этилган. Шубҳасиз, бу ерда ҳам кўрилган талофат анча камайтирилган ҳолда берилган.

Жиззахдаги жангда 18 лашкарбошидан, яъни беклардан 16 таси ҳалок бўлди. Улар орасида қул жангида

¹ Рисола ғ Мухтасар..., 56-бет.

² «Русский вестник», 1868, № 111.

³ Уша жойда, № 3—5.

⁴ Уша жойда, уша бет.

⁵ Уша жойда, уша бет.

⁶ Уша жойда, № 2—3.

улдирилган қалъа бошлиғи Оллоёр туқсабо ҳам бор эди. Ватан ҳимоячиларидан улдирилган кишиларнинг сони тахминан 3000 деб қурсатилади. Жиззах уликлар ва ярадорларга тулиб-тошиб, вайронага айланган вақтда Самарқандда Жиззах мағлубияти учун учни душмандан эмас, халқдан олишга киришилди.

«Самарқанд ҳокими Шералибек иноқ, — деб ёзди Аҳмад Дониш, — ғозийларни улдириш ҳақида фармон чиқариб, деди: «Муллаларнинг шумлиғи ва иғвосидан, бош кутаришидан шу урушлар юз берди. Муллалар улдирилмагунича урушлардан қутулиб булмайди. Уларни улдириш ҳақиқий газот ҳисобланади, улар қанчалик кўп улсалар, шунчалик фароғат, тинчлик ва барака кўп қўлга киритилади». Оқибатда кўп мусулмонларнинг қони бекорга тўкилди ва ҳоким ўз мақсадига эришди. Самарқанд аҳолиси хотин ва болалари билан ҳоқимдан ихлослари қайтиб, муллалар ва динни ёқлаб, шаҳардаги аскарларга ҳужум қилдилар. Бунинг орқасида ҳар икки тарафдан кўп қурбонлар берилиб, одам қонидан кучалардаги ариқлар тулиб-тошди. Бундан хабар топган руслар хурсандчилик билан дедиларким: «Улардан қанчалик кўп одам улса, бизга шунчалик катта фойда булади»¹.

Айрим маълумотларга қараганда, амир Жиззахга қўшимча ёрдам беришни ваъда қилган булса-да, лекин Бухорода хотиржам утираверган. У Жиззах душман томонидан босиб олинганидан 3 кун ўтгач, Бухородан Самарқандга келиб, «табиатида ғайрату ҳамият йўқлиги учун Самарқандда ҳам бемаза ва бемаъни амаллар билан шуғулланиб юарди»².

Бу ерда Самарқанд ҳокимининг уюштирган қиргинини ҳисобга олсак, аҳвол нақадар ёмон булганлигини куриш мумкин. Маълумки, Бухорода руҳоний ва зиёлилар намоёндалари амирни қоралаб, қўзғолон кутарган ва «ғазот» қилишга даъват этишган эди. Менингча, амир Оқжар ва Жиззахдаги мағлубиятларининг айбини руҳоний ва зиёлиларга қўйиш учун Самарқанд ҳокимини ишга солган.

1866 йил 1 ноябрда Крижановский Оренбургга, Романовский эса, Петербургга кетдилар. Романовский урнига Мантейфел утирди. 1867 йилнинг баҳорида Сирдарё атрофларида Содиқ Кенесари угли раҳбарли-

¹ Рисола с Мухтасар..., 57- бет.

² Тарихи жаҳоннамойи, 133- бет.

гидаги 2 мингдан ортиқ ватан ҳимоячилари душманга қарши ҳаракатни бошлаб юбордилар. Май ойида Содиқ Сарибулоқ деган жойда урнашиб, ясовул Анчоқов бошлиқ солдатларга ҳужум қилиб, бир неча кишини улдирди ва асир олди. Анчоқов қолган солдатлари билан зурга қочиб қутулди. Сунгра Оқжар почта станциясига ҳужум қилиб, талади ва Бухоро хонлиги томонга кетди.

Маҳаллий манбаларда курсатилишича, «Бухоро амири (Музаффар) Содиқ Тура ибн Кенесари Тураниким, Дашти Қипчоқ салотинларининг авлодидандир, бир неча минг суворий сипоҳ билан Оқмасжид сарҳадини чаповул қилиш (бостириш) учун жунатди. Жавзо (май) ойининг бошларида уруслар ҳам 200 га яқин сарбоз билан Оқмасжид қалъасидан чиқиб, Бухоро чегарасида жойлашган Сарибулоқ мавзеига келдилар. Улардан бир фавж сарбоз ажралиб, Содиқ Тура мулозимлари билан туқнашдилар. Уруслардан 13 киши улдирилди ва 6 солдат асирликка тушди, қолганлари эса қочиб, халос булдилар. Содиқ Тура хушхабар билан асирларни Бухорога жунатди. Узи эса Оқжарга бориб, қайтиб келди»¹.

1867 йил 26 майда Абрамов Янгиқурғондан 17 чақирим масофада кетаётганда, 6000 кишилик Бухоро аскарлари томонидан қуршаб олинди ва уққа тутилди. Душман голиб келиб, ватан ҳимоячилари чекиндилар. Бу билан жанг тухтамади. Янгиқурғондан 7 чақирим нарида 45000 кишидан иборат ватан ҳимоячилари тупландилар. Улар 1000 сарбоз, 8000 туркман, 250 афғон кунгилиларидан, 15000 Бухоро халқидан, қолган қисми «турли жойлардан келган кишилар»дан ташкил топган эди².

Бошқа маълумотларга қараганда, ҳимоячилар 20.000 киши булган.³ Уларга Самарқанд ва Ҳиротда беклари қумондонлик қилганлар.⁴

1867 йил 2 июнда полковник Абрамов ватан ҳимоячиларига ҳужум қилди ва жанг қизгин тус олди. Душманнинг қули баланд келиб, ҳимоячилар Янгиқурғон ва Самарқанд уртасидаги Тошқуприк деган жойга чекиндилар. Шунга қарамай, ҳимоячилар яна Янгиқур-

¹ Тарихи жаҳоннамои, 134 бет.

² «Голос», 1867, № 191; «Биржевые ведомости», 1867, № 179.

³ «Санкт-Петербургские ведомости», 1867, № 191.

⁴ «Голос», 1867, № 191.

гонга ҳужум қиладилар. Улардан 70 киши улдирилади ва жароҳатланади.

Юқорида шарҳланган туқнашувлар юз бераётган вақтда тинчлик сулҳини тузиш ҳаракати ҳам кетаётган эди. Шу мақсадда амир 1867 йилда Крижановский таклифига жавобан Мусабек мирохур деган кишини элчи сифатида Оренбургга жунатган эди. Бу ерга 1867 йил май ойининг бошларида келган элчи амирнинг Уратепа ва Жиззахнинг хонликка қайтариб берилиши ҳамда Сирдарёнинг чап қиргогининг Россия билан хонлик уртасидаги чегара қилиб белгиланиши ҳақидаги суровини Крижановскийга етказди. Куп утмай, Крижановский билан элчи Мусабек уртасида музокаралар ниҳоясига етиб, Бухоро хонлиги билан тинчлик сулҳи тузилди. У қуйидаги шартномаларни уз ичига олган эди:

1. Қуқон хонлиги ерларининг чегарасидан тоғлар буйлаб Қашқар довонининг ғарбий ёнбағригача ва бу ердан Янгиқўрғоннинг жанубигача чўзилган жой Бухоро хонлигига киритилади. Россияга Илонутти тоғ оралигидан то Қизилқумгача ва у ердан Букан тоғларигача ва Сирдарёнинг қуйи оқимигача булган жойлар берилади.

2. Амир беклар томонидан руслар қул остидаги ерларга аскар ҳамда бошқа қуроли кучларни юборишга ва чегара дахлсизлигини бузишга йўл бермасликни, бунга бўйсунмовчиларни Бухоро қонунлари асосида қаттиқ жазолашни уз зиммасига олади.

3. Диний эътиқодидан қатъи назар, Россиянинг барча фуқароларига хонлик шаҳарларида бемалол савдо қилиш ҳуқуқи берилади. Уларга хонликда хоҳлаган вақт мобайнида яшаш ва кўчмас мулкка эга бўлиш имкони берилиб, жиноят содир булган тақдирда чоралар курилади. Уларга Россия фуқаролари сифатида муносабатда бўлинади.

4. Россия савдо аҳлига эркин савдо қилиш ҳуқуқи билан бирга, божларнинг миқдори бухороликлардан олинадиган божларга баробарлаштирилади.¹

Мазкур шартнома император томонидан маъқулланган булса-да, лекин уни узил-кесил ҳал этиш Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил қилиниши муносабати билан тўхтатилди.²

¹ «Военный сборник», СПб., 1871, N 5, стр. 728.

² Уша жойда, уша бет.

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1847—1866 йиллари Рус давлати Қўқон ва Бухоро хонликларига тегишли бир неча шаҳарлар, қишлоқлар ва қўлларни босиб олди. Эндиликда 1865 йили генерал Черняев бошчилигида тузилган Туркистон вилояти босқинчиларнинг минтақада юритмоқчи бўлган мустамлакачилик талабига жавоб беролмай қолди. Айниқса, бу вилоятнинг узоқ масофадаги Оренбург генерал-губернаторлигига бўйсундирилиши катта ноқулайлик ва қийинчиликларни туғдирди. Рус давлатига босқинчилик урушларини давом эттириб, мустамлакачилик сиёсатини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш учун мустаҳкам ва такомиллашган маъмурий тизим зарур эди. Бу масалани ҳал қилиш учун Милютин раҳбарлигида махсус комитет тузилиб, унга Крижановский, Стремаухов, Бош қўшин штабининг бошлиғи Рейден, Черняев, Романовский, Воронцов-Дашков, Гирс, Гутковский, Гейнс ва бошқалар аъзо қилинади.

Масалани муҳокама этиш жараёнида Крижановскийнинг Туркистон генерал-губернаторлигини Оренбургга бўйсундириш ҳақидаги таклифи қабул қилинмади.

1867 йил 2 июлдан бошлаб алоҳида Туркистон генерал-губернаторлиги тузилиб, генерал-адъютант К.П. Кауфман бошлиқ этиб тайинланди. Тошкент унинг пойтахти ҳисобланди.

Туркистон генерал-губернаторлигига Сирдарё вилояти (маркази Тошкент) ва Еттисув вилояти (маркази Верний) киритилди. Яна, Туркистон ҳарбий округи барпо қилинди.

Сирдарё вилоятига Тошкент, Авлиёота, Чимкент, Хужанд, Жиззах, Қозоли ва Перовский уездлари киритилди.

Еттисув вилояти Сергипол, Копал, Верний, Иссиқкул, Тўқмоқ сингари уездларни ўз ичига олган эди.

Биринчи генерал-губернатор Кауфман катта ваколатларга эга бўлиб, унга мустақил равишда ҳарбий юришлар уюштириш ва қўшни давлатлар билан алоқалар олиб бориш ҳуқуқи берилган эди. Император Александр томонидан К.П. Кауфманга берилган ваколатномада бундай дейилган: «Биз Туркистон генерал-губернаторимиз, генерал-адъютантимиз Константин Кауфманга олий ваколатимизни бериш билан узимизни бахтиёр ҳисоблаймиз ҳамда уни ҳар қандай сиёсий, чегара ва савдо

ишларини ҳал этишга, иккала томон фуқаролари учун фойдали музокаралар олиб бориш ва битимларни, шартномалар ёки қарорларни имзолашга, қушни мамлакатларга ишончли шахсларни юборишга вакил қиламиз.

Шу айтилганларга қура, бизнинг вакилимиз тузадиган ва имзолайдиган ҳамма ҳужжатларни маъқуллашни уз номимиздан ва ворисларимиз номидан императорлик сузимиз билан ваъда қиламиз...»¹

Кауфман шу даражада катта мавқега эга эдики, уни туб аҳоли «ярим подшоҳ» деб юритган. Генерал-губернаторлик билан бир қаторда Туркистон ҳарбий округи ҳам тузилиб, унга қумондонлик қилиш ҳам Кауфманга юкланди. Шундан кейин, агар ҳарбий қисмлар илгари «Оренбурглик», «Сибирлик», «Еттисувлик» деб аталган бўлса, эндиликда «Туркистон қушини» деб номланадиган бўлди. Вақт утиши билан бу қушин ҳар жиҳатдан кучайиб ва такомиллашиб борди.

Кауфман улкага келаётганда Оренбургда тухтаб, юқорида номи тилга олинган Бухоро элчиси Мусабек мирохур билан тинчлик сулҳи тугрисида суҳбатлашган эди. У Крижановский тавсия этган тинчлик сулҳига асосан рози бўлган бўлса-да, лекин айрим ўзгаришларни киритди. Масалан, у Янгиқўрғонни Бухоро хонлигига беришни сулҳга қўштирди. Афтидан у бундай йул тутганда амир билан алоқани йулга қўйишни уйлаган. Кауфман Мусабек орқали амирга хат юбориб, ўзининг генерал-губернаторлик лавозимига тайинланганлиги, хонлик билан алоқа боғлаш ваколатини олганлиги ва тинчлик урнатиш учун келганлигини маълум қилди. У амир томонидан тинчлик сулҳига имзо чекиб, муҳр босилганидан кейингина император тасдиқлаши мумкинлигини ҳам билдирди.²

1867 йил 1 сентябрда тинчлик сулҳи Мусабек орқали Бухорога жунатилди. Уша йилнинг декабрида Мусабек Тошкентга келиб, амир сулҳдаги шартларга рози эканлигини Кауфманга билдирди. Бироқ амир бун тасдиқловчи бирорта ҳужжат юбормаганлиги маълум бўлди.³ Шу боис Кауфман 19 декабрда тинчлик сулҳини дарҳол имзолаш, айрим рус асирларини озод этиш ҳақидаги хатни Мусабек орқали жунатиб, акс ҳолда, уруш бошланишини ҳам Мусабекка айтди.⁴ Амир сулҳ-

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. I жилд, II китоб. Т., 1957 йил. 94—95-бетлар.

² Уша жойда, уша бет.

³ «Москва», 1868, № 22.

⁴ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, ф. 715, сп. 1, д. 36, л. 260.

ни расмийлаштириш тарафдори бўлса-да, лекин Бухоро аҳолиси Рус давлатига қарам бўлишга тиш-тирноғи билан қарши бўлиб, урушни давом эттиришга қатъий бел боғлаган эди. Жамоат руҳоний вакиллари бошчилигида амирни урушишга даъват этди. Ҳатто амир «русларни улкадан ҳайдаб чиқармаса, улдирилиши»¹ ҳақида хатлар олди.

Амирнинг қийин аҳволга тушиб қолганлигини бошқа ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Чунки у шаҳар катталари ва нуфузли савдогарларни саройга туплаб, сулҳ тузиш ёки урушиш масаласини муҳокамага қуйдиртирган. Баҳс бир кун мобайнида давом этиб, пировардида, «газот»ни бушаштирмаслик ҳақидаги фикрлар маъқулланади. Амир вазифасини удалай олмаётганлиги, унинг урнига ўглини утқазиб таклифи уртага ташланади.² Умуман, амирга қарши кучлар тобора кучайиб бормоқда эди. Халқ оммаси «амирнинг русларга қарши урушини қатъий равишда талаб қилди».³

Бунинг устига, айрим жойларнинг ҳокимлари амирга қарши очикдан-очик бош кутаришлари аҳволни янада ёмонлаштирган эди. Ҳатто Ғузор ҳокими бўлмиш амирнинг ўгли Абдумалик саркардалар — Худоёр туқсабо қора манғит, Абдулла туқсабо оқ манғит, Иброҳим туқсабо кук манғит ҳимоясида қўзғолон кутарди. Айни бир пайтда, Ҳисор, Денов, Кулоб, Шодмон, Куҳистон, Дабусия, Каттақўрғон, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда ғалаёнлар бўлиб ўтди.

Амир қўзғолончиларга қарши уруш олиб борли ва қаттиқ чоралар кўрди. Масалан, Ҳисор, Шодмон ва Куҳистонда амирга қарши кишилардан 1000 киши осиб улдирилди. Ҳатто амир фармони билан унга қарши бўлган йирик дин пешволари Бухородан ҳайдаб чиқарилди.

Шундай қилиб, амир Музаффар ички томондан уз фуқаролари, сиртдан эса, Рус давлати билан уруш олиб бориб, икки ут орасида қолган. Гарчанд у Рус давлати билан сулҳ тузишни истаса-да, лекин халқнинг қаҳр-ғазаби ва қўзғолонидан қўрқиб, уни расмийлаштирмади.

Кауфман расмий суратда шартноманинг тасдиқланишини, шу билан узини тинчлик тарафдори сифатида курсатишга уринган бўлса-да, лекин амалда шартнома

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, 239-б.

³ Уша жойда, 240-бет.

амир томонидан тасдиқланмай, вақт утишини хоҳларди. Чунки унга ҳарбий тайёргарлик куришга вақт ва урушни бошлашга эса баҳона керак эди. Амалда худди шундай бўлиб чиқди ҳам. Шартномани тасдиқлашга доир музокаралар 1867 йилнинг кузидан то 1868 йилнинг апрелигача давом этиб, ҳеч қандай натижа бермади. Бу хусусда Аваз Муҳаммад Атгор Хуқандий келтирган маълумот диққатга сазовордир: «Шу даври замонда Оренбург вилоятидан то Хуқанду Бухоро вилоятларигача булган ҳудуд рус подишоҳи қулига утди. Шу ерлар бир вилоятга (генерал-губернаторликка) бирлаштирилди ва Русия пойтахтидан Кауфман номли киши волий — амири лашкар этилди. Янги Русия волийси олдинги амири лашкар ва амир уртасида тасдиқланган битимни қабул қилмади, аксинча, уни бузиш йулидан борди. Кауфман Бухоро амирига биринчи шартномадан ҳам огир булган, узи тартиб ва танзим берган янги аҳдномани жуда оз муддатда куриб чиқиш учун юборди.

Агарда Бухоро амири шу аҳдномани қабул қилмаса, урушга тайёр бўлсин, деб шарт ҳам қўйди».¹

Шунинг учун ҳам, деб давом этади муаллиф, «Амир бу аҳднома шартларини ўз давлатига огир билиб, шундай жавоб юборишни буюрдиким: «Русия арбобларининг аҳду фармонлари барқарор эмас экан. Ҳар қайси янгитдан амири лашкар ва волий бўлиб олса, энг аввал, янги аҳдномалар қабул қилишга интилар эканлар. Аҳдноманинг шартлари бизнинг ҳукуматимизга зарари куллий стказади ва кунлар ўтиши ила бизнинг сабр-тоқатимизни тўлдиради. Биз ўз ихтиеримиз ила биринчи тузган аҳдномани бузиб табдил этмаймиз. Агар Кауфман олдин тузилган битимни қабул қилмасдан уни бекор қилишга кушиш этса, унда бузмакор ва аҳдпаймонсиз номини олади».²

Амир «тинчлик сулҳи» шартларини муҳокама қилишни нуфузли кишиларга топширган. Шунда Мусабек бу сулҳ қабул этилгандан кейин рус ҳукумати катта миқдорда товон тулашни талаб қилишини айтган. У битим қабул этилган тақдирда солиқларни купайтириш лозим бўлиб, халқнинг қаҳру ғазабига учраш мумкинлигини уқдириб утади. Бу фикр тула қувватланади ва битим тасдиқланмайди.³

¹ Тарихи жаҳоннамои, 134-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Материалы для описания Бухарской экспедиции 1868 года. 1872—1873. стр. 429.

Шу орада Жиззах атрофларида ватан ҳимоячилари билан душман уртасида туқнашувлар содир бўлди. 1867 йилнинг июлида Нуротадан Содиқ Кенесари бошчилигидаги ҳимоячилар йўлга чиқиб, Жиззах йўлида душман таъқибига учради. Шундан кейин бошқа 1000 кишилик ҳимоячилар ясовул Назаров ҳарбий қисмини қуршаб олдилар. Рус солдатларидан 3 киши улдирилди ва 4 киши жароҳатланди. Уша йилнинг сентябри охирида 1000 кишидан иборат ҳимоячилар полковник Абрамов ва майор Штемпел бошчилигидаги солдатларга қарши Уҳум қишлоғида жанг қилдилар. Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандийнинг маълумотига қура, «Урус аскарларининг сардори Жиззахдан Бухоро ҳудудига кириб, Уҳум қасабасининг ерларигача босиб келди. Бу ерларнинг аҳолиси Бухоро райъяси ҳисобланар эди. Уруслар уларнинг манзилларига ут қуйиб, мол-ҳолларини талон-торож қилиб, Жиззахга қайтиб кетдилар».¹ Шундан кейин ватан ҳимоячилари Уҳум қишлоғига қайта урнашиб олдилар. 1868 йилнинг 7 мартида майор Гриппенберг бошчилигидаги солдатлар Уҳумга ҳужум қиладилар. Душманга қарши минг кишига яқин ҳимоячилар жанг қилдилар. Уларнинг ихтиёрида 11 туп бор эди. Оғир жанглардан сунг душман қишлоқни эгаллаб, яроғ-аслаҳалар, жумладан, 2 тупни ўлжа олди. Руслардан 3 киши жароҳатланди.

1868 йил 31 мартдан 1 апрелга утар кечаси 200 кишилик ватан ҳимоячилари Работ купригида урядник Питерсков бошчилигидаги солдатларга ҳужум қиладилар. Мазкур туқнашувда 3 кишини йуқотган ҳимоячилар чекинишга мажбур буладилар.²

Жиззах уездининг бошлиғи полковник Косовнинг берган маълумотига қура, 1868 йил 15 апрелида Ключевой деган жойдаги рус ҳарбий лагерига Челак беги Умарбек бошлиқ аскарлар туплар ва милтиқлардан уқ ёғдириб, ҳужум қилганлар. Эрта тонгдан то кеч соат 5гача давом этган жангда ватан ҳимоячиларидан куп кишилар улдирилган ва ярадор қилинган.³

Худди шу кунларда Зоминда ҳам бухоролик аскарлар ҳаракат қилгани маълум.⁴

Хуллас, куруниб турганидек, икки томон уртасида-

¹ Тарихи жаҳоннамои. 134 бет.

² «Уральские ведомости». 1868, № 5.

³ Узбекистон Марказий давлат архиви, ф. 725, он. 1, д. 36, л. 239—242.

⁴ Уша жойда, уша бет.

ги алоқалар яна кескинлаша бошлаган. Мазкур ша-роитда амир Музаффар Хива ва Қуқон хонликлариға Россияға қарши курашға ёрдамлашишларини сўраб му-рожаат қилади. Аммо рад жавобини олади.¹ Ноилож қолган амир ҳатто Англиянинг Ҳиндистондаги ноиби Лорд Лоуренс ҳузурига элчи юбориб, Россия тажовузи-га қарши мадад беришини сўраган. Бу сўров ҳам сама-расиз тугалланди.²

Бир сўз билан айтганда, Бухоро хонлиги чуқур сиё-сий инқирозга мубтало бўлган эди. Буни яхши англа-ган К.П. Кауфман қулай фурсатни бой бермасдан Бу-хорога қарши ҳарбий юришни бошлаб юборади.

САМАРҚАНДНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ

1868 йилнинг 18 апрелида К. П. Кауфман Тошкент-дан Жиззах томонга йулга чиқди. Рус манбаларига ку-ра, айрим тошкентлик дин пешволари мустақиллик учун курашда жонбозлик курсатаётган Бухоро уламолари би-лан ҳамнафас эмасликларини изҳор этиш учун «Рус солдатларига янги галаба ва шон-шухрат тилаб» фотиҳа берганлар.³

К.П. Кауфман узининг босқинчилик урушини оқ-лаш мақсадида Туркистон ҳарбий округи қўшинларига қуйидаги мазмунда муурожаатнома йўллади:

«Кейинги вақтларда Самарқандда Россияға қарши Бухоро қўшин тўплаётганлиги ҳақида аниқ маълумот-лар олинмоқда. Самарқандда русларга қарши урушни тарғиб қилаётган ва гуё дин учун курашаётган мутаас-сиблар ёғилиб келиб, Сирдарё вилоятининг утроқ аҳо-лисини галаёнга даъват этмоқдалар. Мен ярим йил мо-байнида музокаралар воситасида тинчликка эришиш учун бор кучимни сарфладим. Бухороликларнинг сулҳ шартномасини узил-кесил қабул қилишни атайин чу-зишга қаратилган найранглариини сезмасликка интилиб, Россия билан Бухоро уртасида тинчлик сулҳини тузиш зарурлигига амирни ишонтиришга кўп уриндим. Мен амир бир неча бор рус қўшинлари билан тўқнашиш-дан узига сабоқ олади, деб уйлаган эдим. Аммо амир қурол кучи билан узининг Урта Осиёдаги мавқсини

¹ «Москва», 1868, N 22.

² «Голос», 1873, N 18.

³ Очерки военных действий 1868 г. в Зарафшанской долине. стр. 189.

тиклашга ҳаракат қилмоқда. Агар Бухоро қушинларининг тупланиши Россияга қарши қаратилган булса ҳамда бизнинг чегараларимизда қурол кучисиз тинчликни таъминлашнинг иложи булмаса, у вақтда қулда қилич билан тинчликка эришиш зарурияти туғилади».¹

Шу тариқа, Кауфман узининг ҳарбий юришини «тинчлик байроғи» билан ниқоблашга уринган.

1868 йил 19 апрелда Кауфман аскарлари билан Сирдарёнинг чап қирғоғига кечиб ўтади. Шу ерда унинг ҳузурига олдинги саҳифаларда номи тилга олинган афғонистонлик Искандарбек уз навкарлари билан келиб Рус давлатига хизмат қилишга тайёрлигини билдиради. Кауфман хоинлик йўлига ўтган Искандарбекни мамнуният билан кутиб олиб, унга ва аскарларига маош белгилайди. Худди шу вақтда руҳонийлар ташаббуси ва ҳаракати билан Самарқандда турли жойлардан келган кўнгиллилар йиғилган эди.


К.П. Кауфман яна мунофиқлик тўнини кийиб, Самарқанд шаҳри аҳолисига «Мурожаатнома» (1868 йил, 22 апрел) юборади. Унда, жумладан, шундай сўзлар бор эди:

«Самарқанд шаҳрининг фуқаролари! Мана, мен б ойдан буён ҳукмдоримнинг рухсатига биноан, сизларга тинчлик ва осойишталик бахш этиш учун ғамхўрлик қилмоқдаман. Оқ подшоҳ урушишни истамайди. Лекин амир менинг яхши ниятларимни тушунмайди ёки тушунишни хоҳламайди. У фойдали тинчлик сулҳини тузиш ўрнига, қушини ва халқини Россия билан урушишга тайёрламоқда. Мен уруш орқасида халқнинг қони тукилишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўраман. Мен зиёни тегмаётган халққа эмас, амирга қарши бораётирман. Чунки оқ подшоҳ одамларга ёмонлик эмас, яхшилик истайди. Агар сизлар тавсия этилган битимнинг қабул қилинишига мени ишонтирсангиз, қон тукилмайди ва қушин қайтариб олиб кетилади. Оқ подшоҳнинг мақсади — тинчликни сақлаш ва уруш қилмасликдан иборатдир. Фурсатни қўлдан берманглар».²

Қаранг-а, рус генерали тасаввурича, Самарқанд аҳли гўеки босқинчи ҳийласига учадиган, озодлик ва иймон нималигини тушуниб етмайдиганлардан. Аслини олганда, душманга қарши курашга отланган худди шу халқнинг ўзи эди-ку!

¹ Уша жойда, 191—192-бетлар.

² Уша жойда, 252-бет.



Самарқанд ҳимоячилари билан рус аскарлари уртасидаги жанг.

24—26 апрел кунлари Кауфман ҳузурига бир гуруҳ Самарқанд беклари номидан элчилар келиб, тез кунда «тинчлик сулҳи»нинг тасдиқланиши ва урушни бошламасликни сурайдилар. Аммо 25 рота, 700 нафар казак, 16 туп, умуман, 3500 кишидан иборат қушинни жангга шайлаб қуйган Кауфман юришни давом эттиравсрди.

Тез орада рус қушинлари Самарқанд билан Жиззах уртасидаги Янгиқургонга стиб борадилар. Шу муносабат билан Самарқанд беги Бобоҳужа амирга хат ёзиб юборади: «Тақсир, мен олган маълумотларга кура, рус аскарлари Янгиқургонда туришибди. Яқин кунларда Самарқандга юришса керак. Бунга қарши қандай чора қуришни буюрасиз? Сизнинг кўрсатмангизга биноан уғлингиз бошчилигидаги қушин Чупонота тепалигига урнаштирилди. Аҳолининг бир қанча қисми қуроллантирилиб, аскарларга қушиб қуйилди. Фуқароларингиз сизнинг келишингизни эрта тонгда қуёш чиқишини пойлагандек кутмоқдалар. Сизнинг ташриф буюришингиз жасоратли қушинингизни руҳлантириши мумкин».¹

Амир бундай тайёргарлик қурилганлигидан мамнун бўлса-да, лекин Самарқандга боришни лозим кўрмай, у ерга Мирза Шамсиддинхужани юборади.

Русларга қарши қушин фақат Самарқанд шаҳрида эмас, балки Челақда (200 пиеда аскар), Жонбулоқ ва Жумабозорда (1000 аскар), Нуротада (Содиқ Кенесари

¹ Уша жойда. 202-бет.

ўгли бошчилигида 2000 қозоқ кўнгиллилари) ҳам жойлашган эди. Самарқанд шаҳрининг ичида эса муллалар масжидлар, бозорлар ва майдонларда йиғилишиб, халқни босқинчиларга қарши курашга чақирардилар. Бироқ Самарқанд беги бу ҳаракат менсиз ҳал этилаяпти, деб Тиллакори мадрасасидаги йиғинга қарши сарбозларини жунатган. Пировардида, тўқнашув юз бериб, ҳар икки томондан одамлар ҳалок бўлган. Бунда, айниқса, муллалар қаттиқ жабрланган. Шунга қарамай халқ душманга қарши жангга тайёр туриш ва Чупонотада куч туплаш ҳақида қарор қабул қилган.¹

Кауфман Самарқанд томон бораётганда Мирза Шамсиддинхўжа элчи сифатида келиб, «тинчлик сулҳи»ни тузиш учун бир кундан кейин янги элчи юборилиши, Кауфманнинг орқага, Янгиқўргонга қайтиши лозимлиги ҳақидаги амирнинг суровини топширади. Кауфман эса хатни ҳам, амирнинг совгасини ҳам олмай, тинчлик сулҳи шартлари амир томонидан амалга оширилмагунча ҳарбий юришини давом эттираверишини билдиради. Рус қўшинлари Тошқўприк ва Оққўргон қишлоқлари орқали Миёнкол водийсига етиб келадилар. Элчи Мирза Шамсиддинхўжа ҳеч нарсага эришолмай қайтгач, амир номидан Садр Нажмиддинхожа элчи сифатида келиб, Кауфманга «тинчлик сулҳи»ни топширади. Аммо бу битим амирнинг ўзи томонидан тузилганлиги учун Кауфман уни инкор этади. Зеро, аслида Кауфман учун гап илгаригидек сулҳ тузишда эмас эди. Шунинг учун ҳам у 1868 йил апрел ойининг охирида Зарафшон дарёсининг атрофига бориб жойлашади. Бу ерларда рус солдатлари билан ватан ҳимоячилари уртасида жанг бошланиб, ватан ҳимоячилари дарёнинг чап қирғоғига чекинишга мажбур буладилар.

Бухоро аскарлари ва халқ кўнгиллилари асосан Чупонота тепалигида 40 туп билан мудофаада турган эди. 1 май куни генерал Головачев бошчилигида Чупонота тепалигига ҳужум бошланиб, икки томондан тупу милтиқлар ишга тушади.

Кауфманнинг шахсан императорга жунатган ахборотига кўра, кейинги воқеалар қуйидагича содир бўлган. У даставвал полковник Пестрашчевскийга шаҳарга борадиган йўлни урганишни топширган.² Полковник 200 солдат билан йўлга чиққанда уққа тутилади. Шу вақтда шаҳардан Нажмиддинхожа бошлиқ элчилар ке-

¹ «Исторический вестник». Таш., XC VII, 1869, стр. 846.

² Ўзбекистон Марказий давлат архиви. 715-ф., 1-руйхат, 36-иш, 300-варақ.

либ, амир томонидан имзоланган тинчлик сулҳини олиб келганликлари ва урушга киришмаслик кераклигини Кауфманга айтадилар. Кауфман эса, Чупонота тепалигидаги купсонли ҳимоячиларнинг олиб кетилиши шарт билан сулҳга рози бўлишини элчига билдиради. Акс ҳолда, уруш бошлаймиз, дейди.¹ Элчи буни маълум қилиш учун бир кишини шаҳарга жунатади. Шу пайтда ватан ҳимоячилари унғ ва чап томондан душманни ўраб олиш ҳаракатига тушадилар. Уларга қарши подполковник Штрандман раҳбарлигидаги 400 отлиқ аскар 4 тўп билан юборилади. Оқибатда душман устун келиб, ҳимоячилар чекинишга мажбур бўлади. Шу орада шаҳардан жавоб олинмаганидан кейин душман кучлари Чупонотани уч томондан ўраб олиш ҳаракатига тушадилар. Тегишли жойларга тўпларни жойлаштириб, улардан ташқари отлиқ аскарлар ҳам шай қилиб қўйилган. Қўшинга шахсан генерал Головачев бошчилик қилган.²

Чупонота тепалигида мудофаада турган ватан ҳимоячиларининг сони айрим маълумотларга кура, 12.000 пиёда аскар, 3.000 отлиқ, 1.500 тўпчидан иборат бўлиб, жами 100.000 киши Ватан ҳимояси учун отланганди³. Уларнинг ярмидан купини кўнгиллилар ташкил этган. Пиёда аскарларнинг бир қисми тепаликнинг тагида, қолган кўпроқ қисми эса тепалик устида жойлаштирилган. Пиёда аскарларнинг ораси ва орқа томонини эса отлиқ сарбозлар эгаллаган. Тепаликнинг урта қисмига 20, бошқа жойларига яна 20 тўп қўйилган эди.

Гарчанд Чупонотада купсонли бухоролик аскарлар ва халқ кўнгиллилари жангга тайёр турган бўлса ҳам, лекин лашкарбошиларнинг нодонлиги ва жасоратсизлиги туфайли душман устун келди. Айниқса, рус солдатларига Зарафшон дарёсидан ҳеч қаршиликсиз кечиб ўтишларига имкон берилиши катта зиён келтирди. Аваз Муҳаммад Агтор Хўқандийнинг ёзишича, ватан ҳимоячилари орасида «тинчлик сулҳи» тузилармиш, деган гап тарқалган. Эҳтимол, бу ишни бир гуруҳ сотқинлар қилган бўлишлари мумкин.

«Кауфман, — деб кўрсатади уша муаллиф, — бир неча муддат Жиззахда туриб, жавзо ойининг бошларида Зарафшон дарёсига яқинлашди. Шу срада амирдан

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Битва русских с бухарцами в 1868 г. и геройская оборона в Самарканде. 1873, стр. 148.

элчи келиб, Кауфман томонидан янгитдан тартиб ва танзим бериб, амирга юборилган аҳдномани олиб кетди. Амир (Музаффар) аҳдномани уқиб, қуйилган шартларга мослаб қабул қилиб Кауфманга жунатган эди. Кауфман элчига айтдиким: «Бугун мен юриш учун энди отга минганман, кечқурун манзилга етсам, аҳд шартлари борасида музокара қиламан». Кауфман яқинлашиб, Зарафшон буйида, Талисиёҳ тепасида бухороликларни кўрди. Кауфман элчига айтдиким: «Сенга 2 соат муҳлат, чопар жунатиб, бухороликларни нариги соҳилга қайтарасан, биз ҳеч қандай тўсиқсиз дарёни кечиб утсак, шу ерда сулҳ ҳақида сен билан гаплашамиз». Элчи чопар юбориб, бу шартни Бухоро амирига маълум қилди, улар шу ваъдага ишониб, уруслар Зарафшон даресидан кечиб утаётган пайтда уларга ҳеч қаршилиқ кўрсатмадилар. Кауфман бошлиқ урус аскарлари сувдан талофатсиз утиб, музокара ва сулҳни кутиб турган бухороликларга тўсатдан ҳужум қилиб, уларга талофат етказдилар. Шундан кейин Кауфман сулҳ таклифини асло қабул қилмаслиги ҳақида қатъий жавоб бериб, элчини қайтарди. Фирибга дуч келган содда элчи маъюс булиб, Бухорога қайтди».¹

Демак, амир ва унинг маслаҳатчиларининг калтабинлиги туфайли лашкар гафлатда қолиб, душманга зарба берадиган қулай фурсатдан фойдалана олмай қолган. Агар душман сувдан кечаётганда унга қарши ҳужумга утилганда галабага эришиш мумкин эди. Шунга айтиб утиш лозимки, Кауфман ахборотларида Зарафшон дарёсида ва Чупонота тепалигида қаттиқ жанглار содир булмаганлиги қайд этилган бўлса-да, аммо бошқа рус манбасида «солдатлар милтиқ ва тўп уқларининг ёмғири остида кўкрагигача сувга ботиб, дарёни кечиб ўтдилар»,² деб ёзилган.

Аҳмад Донишнинг билдиришича, ҳимоячиларнинг туплари бузуқлиги туфайли яхши ишламаган.³

Шунга қарамай, Чупонотада «ҳимоячилар қаттиқ қаршилиқ курсатдилар. Кўп жанглари кўрган кишилар бундай мардонавор курашни ҳеч қачон учратмаганликларини айтганлар. Ҳужум қилинаётган тепаликнинг олди тарафи қизил кийимли сарбозларнинг мурдалари билан қопланган эди».⁴

¹ Тарихи жаҳоннамои, 135-бет.

² Битва русских с бухарцами в 1868 г., 1873, стр. 8.

³ Рисола ё Мухтасар... 59-бет.

⁴ «Уральские войсковые ведомости», 1868, № 43—46.

1868 йил 2 майда сотқин кишиларнинг бошлиқлари — қозикалон, катта оқсоқол ва катта амин шаҳарнинг таслим бўлганини билдириш учун Кауфман ҳузурига келдилар. Буни зур мамнуният билан қабул қилган К.П. Кауфман рус солдатларини шаҳар дарвозасида рус одатига кўра туз ва нон билан кутиб олишни буюрди. Шундан кейин Кауфман бошчилигидаги рус қўшини қозикалон, катта оқсоқол ва катта амин кузатувида шаҳарга киради.

Шаҳар дарвозасини асирликдаги эронликлар очиб берганликлари ва бу ерда босқинчиларга қарши жанг бўлиб, кўп кишилар шаҳид кетганлиги ҳақида маълумот бор.¹

К. П. Кауфман ғалаба муносабати билан Петербурга ахборот юборади: «Сиз император олий ҳазратларини Урта Осиёнинг қадимий ва машҳур шаҳри, узининг шон-шўхрати билан гурурланаётган мусулмонларнинг маркази Самарқанднинг эгаллиниши билан табриклайман».²

Бу ерлардаги жангларда душманнинг 2 кишиси ўлдирилган ва 38 киши жароҳатланган эди.

Уша 2 майда Кауфман шаҳар аҳолисига бемалол савдо-сотиқ билан шуғулланиш ҳамда «масжидларда рус подшоҳининг шаънига хутба» ўқишни буюради.³

3 майда амир Музаффар Самарқанднинг рус солдатлари томонидан босиб олинганлигидан хабар топгач, қаҳру алами шу даражада авжига чиққанки, хабарчини дарҳол дорга осишни буюрган.⁴ У: «Самарқанд қулдан кетгандан кўра, худо жонимни олса яхшироқ бўларди», деб хўнграб йиғлаб юборган».⁵

Рус ҳарбий бошлиқлари ва солдатлари шаҳар биноларига жойлашдилар. Рус рассоми В. Верешчагиннинг бу ҳақдаги таърифи қуйидагича: «Биз ҳаммамиз, яъни Самарқандни забт этувчилар генерал Кауфман изидан бориб, амир саройига жойлашдик; ниҳоятда баланд ва кенг хоналардан иборат асосий бинони генерал, сарой атрофидаги уйларни биз — қароргоҳ аъзолари эгалладик; менинг қадрдоним, генерал Головачев чекига эса, амирнинг собиқ ҳарами тушдики, илгарилари ҳар қан-

¹ *Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим*. «Тарихи Салимий». УзФА Шарқшунослик институтининг қўлезмалар хазинаси, 2016- рақамли қўлезма, 62- бет.

² Уша жойда, 309- бет.

³ Уша жойда, 310—311- бетлар.

⁴ Материалы для описания бухарской экспедиции в 1868 г., стр. 430.

⁵ Уша жойда, уша бет.

дай мард, жасур жангининг ҳам қадами бу ерга етиши амри маҳол эди, табиийки, биз келгунча қушчалар қафаслардан бушалиб, учиб кетишга улгуришганди.

Генерал Кауфман хоналари билан бизнинг уйлари-миз Темурлангнинг машҳур тахт залига туташиб кетганди. Муҳташам сарой айланаси ҳашаматли йулакдан иборат эди.

Турда чиройли бұртма нақшлар билан зеб берилган катта оқ мрамор бұлаги — улугвор тахт — куктошнинг айнаи ўзи турарди. Бу ерга — мана шу саройга бутун Осиё ва Оврупонинг кўпгина жойларидан ҳукмдорлар ҳамда элчилар таъзим бажо этгани ташриф буюришар, тобелик ва садоқат рамзи сифатида қимматбаҳо совгасаломлар келтиришарди. Темурланг (сузма-суз — оқсоқ Темур маъносида) бу тахтда виқор тўкиб утириб, купсонли вассалларини қабул қиларди. Мен кўпинча генерал Кауфман билан ҳозир биз забт этган жойларнинг тарихи, бу ерга келишга улгурган сайёҳлар, китоблар ва ҳоказолар ҳақида фикр алмашган ҳолда залда айланиб юрамдим».¹

Рус солдатларининг бир қисми шаҳар қалъасига жойлашиб, бу ерда 2 туп, 3747 ядро, 533 граната, 101 пуд порох, 30763 дона уқ улжа олдилар.

К.П. Кауфман 1868 йил 3 майда шаҳар катталари, дин пешволари ва, умуман, нуфузли кишилар ишги-рокида қабул маросимини утказди. Бунда бир гуруҳ сотқинлар шаҳарнинг оқ подшоҳ паноҳига олинганлиги ва гуё рус қўшинининг сахийлиги учун К.П. Кауфманга миннатдорлик билдиришиб, халқни оқ подшоҳга содиқ бўлишга даъват этишларини ваъда қилганлар. Улар халқнинг натурал солиқлардан, айниқса, ҳарбий хизматдан озод этилишини сўраганлар.

К.П. Кауфман хоинларга тўнлар кийгизди. Баъзиларини император номидан кумуш медаллар билан мукофотлади. Биринчи медал шаҳарнинг урушсиз таслим бўлишини изҳор этган бир гуруҳ кишиларнинг раҳбари қозикалонга берилди. Аммо қозикалон халқ мени бармоғи билан исломдан қайтган киши сифатида кўрсатади ва таъна қилади, деб медални олишдан бош тортди. Бунга жавобан ҳарбий округ қўмондони шундай дебди: «Яхши. Мен медални чакмонинг устига тақмаслигинга розиман. Лекин уни олиб, буюк оқ подшоҳ тасвири-

¹ В. Версшлагин. 1868 йилда Самарқанд. Рассом хотиралари. («Русская старина». 1888, № 9.) О. Абдуллаев таржимаси. «Шарқ юлдузи», 1991, 4-сон. 187-бет.

ни юрагингда сақлагин. Маълумки, империя таркибида купмиллатли мусулмонлар фароғатда яшаб, уларга узларининг диний эътиқодларида қолиш ҳуқуқлари берилган. Яқиндагина Самарқанднинг оқ подшоҳ паноҳига олинишини сураган сен эмасмидинг?» Шундан кейин қозикалон медални олиб, уни кукрагига тақиб юришини айтган. Медалга сазовор булган бошқа кишилар ҳам уз миннатдорликларини изҳор қилиб, ҳамма вақт уни таққан ҳолда Кауфманга куринганлар. Қозикалон эса кичкина халтачага солинган ва юрагининг устидаги нимчага тақилган медални ҳар гал ҳарбий округ бошлиғи билан учрашганда курсатиб борган. Қозикалон медални ошқора равишда тақиб юришдан қурқанининг сабаби эса аниқ. У халқ газабидан чучиган. Шу боис рус манбаларида халқ шаҳарни ўз ихтиёри билан рус солдатларига топширди, деган сўзларнинг таги пучдир. Буни куп утмай шаҳарда босқинчиларга қарши кутарилган халқ қузғолони ҳам ёрқин исботлайди.

1868 йил 4 майда К.П. Кауфман Самарқанд шаҳри ва атроф аҳолиси номига мурожаатнома ёзади: «Улуғ рус подшоҳининг паноҳида яшашни хоҳловчи турли шаҳар ва қишлоқлар вакиллари қабул қилиб, маълум қиламанки, барча кишилар ўз уйларида ва ерларида яшаб, мол-мулкларидан фойдаланаверсинлар, катта шаҳарларда керагича муфтийлар ва аъзамлар қўйилади. Барча кишилар тинч ва бир-бирларига душманлик этмасдан яшашлари учун оқсоқолларга, қозиларга ва аъзамларга ҳамда муфтийларга генерал-губернаторнинг имзоси чекилиб, муҳри босилган ёзма буйруқлар берилади. Ўзларингизнинг касбларингиз ва савдо-сотикларингиз билан шуғулланаверинглар. Оқ подшоҳнинг ҳукми буйича шарият эскича ўз кучида қолаверади.

Ҳар бирингиз масжидларда оқ подшоҳ ва унинг оиласининг соғлиғини сўраб, дуо қилинглар.

Сирдарёнинг чал ва унги қирғоқларидаги рус ерларида ҳазина фойдасига белгиланган тартибда хирож ва бошқа солиқлар олинади. Агар амир одамлари қишлоқларга келишиб, солиқ тупласалар, у вақтда улар ушлансин ва бошлиқларга топширилсин. Сизларнинг губернаторингиз ва бошлиғингиз қилиб, генерал Головачевни тайинладим».¹

Бу мурожаат эндиликда Самарқандда Россия ҳукм-

¹ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, 715-ф, 1-руйхат, 36-иш, 317-бет.

ронлиги урнатилганлиги ва руслар белгилаган тартиб-қоидалар асосида яшашга даъват эди, албатта.

Шундан сунг Кауфман Самарқанд атрофларидаги жойларни эгаллашга киришади. 1868 йилнинг 6 майда майор Штемпел 6 пиеда рота, 200 нафар казак ва тулпар билан Челаққа ҳарбий юриш қилиб, Бухоро ҳарбий истеҳкомини бузиб ташлайди.¹

1868 йил 11 майда Кауфман Самарқанд босиб олингани муносабати билан Бухоро амири Музаффарга хат йўллайди: «Ҳазрати олийлари! Мен Самарқандни қулга киритганимдан кейин шаҳар ва атроф жойларда тартиб ва тинчлик урнатишга киришдим. Узоқ вақтлардан буён бундан маҳрум этилган улка энди рўёбга чиқмоқда. Шу орада менга Чупонотада сизнинг қўшинингиз билан жанг қилган солдатларимдан ташқари яна қўшимча ҳарбий қисмлар келдилар. Шу боис бу ерда ишларимни тугаллаб, олға юришим мумкин эди. Аммо менинг ҳукмдоримнинг халқларга тинчлик исташини назарда тутиб, сизга яна бир бор тинчлик таклиф этаман. Олти ой муқаддам Оренбургдан сизга тинчлик сулҳини тасдиқлаш учун юбортирганман. Белгиланган муддат утиб кетди. Сизнинг Самарқанд атрофида ҳарбий тайёргарлик кураётганлигингизни эшитиб, Петербургга боришни кейинга қолдириб, Самарқанд сари юришга мажбур булдим. Шаҳарга кириш олдида менинг ҳузуримга элчи Нажмиддинхожа келиб, қандайдир бир шартномани кўрсатиб, менинг ҳарбий юришимни тухтатмоқчи булди. Бироқ бу шартнома мен тасдиқлаган ва элчи Мусабек мирохўр орқали икки нусхада юборилган битимга ухшамайди. Энг муҳими, шартнома бизни Бухоро аскарлари қўраб, ўққа тутаётган пайтда берилди. Мен сизнинг қўшинингиз дарҳол орқага олинишини талаб қилдим. Бу суров инобатга олинганда мен Зарафшоннинг ўнг қирғоғида тинчлик сулҳини тузиш учун келардим. Аммо сизнинг аскарларингиз бизга қараб яна ўқ отдилар, шунинг учун бунга жавобан дарёни кечиб ўтиш ҳақида кўрсатма бердим».²

Шу сатрлардан сунг Кауфман ҳозирги вазият дастлабки «тинчлик сулҳи»га айрим ўзгартишлар киритиш заруриятини туғдирганлигини маълум қилди. Чунончи, чегарани белгилашга доир ўзгаришлар кўрсатиб утилган. Ўзгариш киритилган «тинчлик сулҳи» Катта-

¹ Уша жойда, 421-бет.

² Уша жойда, 340-бет.

қўрғондан юборилган эди. Бу ҳақда суз ўз ўрнида бо-
ради.

11 майда полковник Абрамов бошчилигидаги 6 пие-
да рота ва 200 нафар казакдан иборат ҳарбий қисм
Ургутга йўл олди. Абрамов шаҳардан 4 чақирим масо-
фада Ургут бегй билан музокара утказиб, ҳеч бир нати-
жага келолмадилар. Шундан кейин 12 майда душман
шаҳарга яқинлашгач, ҳимоячилар томонидан уққа ту-
тилди. Айниқса, шаҳар деворининг атрофида душман-
га қаттиқ қаршилик курсатилди. Деворнинг бир қисми
бузилгач, қўл жанги бошланиб кетди. Ҳар 100-150 қа-
дамда баррикада ва тусиқлар қурилган бўлиб, душман-
га қарши уқ ёғдириб турилди. Ниҳоят, 3 соатлик жанг-
дан сунг ҳимоячилар маглубиятга учраб, Ургут рус солдат-
лари томонидан босиб олинди. Бу жангда 6000 ҳимоячи
қатнашиб, 300 киши ҳалок бўлган, 600 дан ортиғи яра-
ланган. Руслардан эса бир киши ҳалок бўлиб, 17 киши
жароҳатланган.

К. Кауфман қўлга киритилган ғалабалар амир Му-
заффарни таслим бўлишга мажбур этади, деган ҳаёлда
1868 йил 11 майда Самарқанддан унга қуйидаги сулҳ
шартларини юборди:

1. Аълоҳазрат Русия император жаноблари ҳукума-
тига мансуб бўлган ерларга аввал руслар томонидан
ишғол этилган Қашқар, Довон, Нурота тоғлари шимо-
лидан ташқари, оқ подшоҳ тобелигига утишни илти-
мос қилган Самарқанд шаҳри ўз музофотлари билан
Россияга киради. Жануб томондан бу улка Шаҳрисабз
тоғлари билан чегараланиб, Зарафшон водийси ва Нур-
ота тоғлари уртасидан утади. Бухоро билан бўладиган
чегара эса, шу сулҳ битими амир жаноби олийлари
томонидан таклиф этилган шартлар билан қабул қили-
ниб, улар ўз муҳрларини босиб қайтарганидан сунг
аниқланади. Шундан сунг чегара ғарб томондан Нуро-
та тоғларининг энг баланд жойидан ва Бухоро худуди-
да жойлашган Нурота қалъасидан утади. Шу ердан Қи-
зилқум саҳроси уртасидан утиб, Букантоғ орқали Янги-
дарё қуйилишигача утади.

2. Ҳамма Рус фуқаролари, қайси динда бўлишлари-
дан қатъи назар, Бухорога ва унинг бошқа жойларига
бориб, савдо қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бухоро
амирининг фуқаролари ҳам илгаригидек Русия импе-
рияси билан савдо қилишларига ижозат берилади.

Амир жаноби олийлари Русия фуқароларини кар-
вон ва барча мол-мулклари билан ҳимоя қилиб, улар-

нинг ўз мулки ҳудудида хавфсизлигини назорат этади.

3. Русия савдогарлари учун Бухоро шаҳарларида ва улар хоҳлаган жойларда ўз молларини сақлаш учун карвонсаройлар қурилишига ижозат берилади. Русия шаҳарларида ҳам Бухоро савдо аҳли учун шундай ҳуқуқ берилади.

4. Савдо ишлари тўғри бориши ва қонуний бож олинишини назорат қилиш учун рус савдогарлари хоҳишларига қараб, Бухоро амирлигининг ҳар бир шаҳрида уларнинг карвонбошилари бўлишига ҳуқуқ берилади.

5. Русия еридан Бухорога ва ёки Русияга шу ердан борадиган товарлардан Туркистон улкасида олинадиган миқдорда, ҳар қандай ҳолатда Бухоронинг мусулмон фуқаролари билан бир хил, яъни молнинг умумий қийматидан 2,5 фоиз миқдорда бож олинади.¹

Куришиб турибдики, Кауфман хонлиқнинг муҳим жойларини тортиб олиб, унинг сиёсий ва иқтисодий томондан салоҳиятига зарба беришни мақсад қилиб қуйган. Амир гарчанд дилдан сулҳ тузишга мойил бўлса-да, лекин халқнинг норозилигидан қўрқиб, уни қабул қилмай турди.

ШАҲРИСАБЗ АТРОФИ, КАТТАҚҮРҒОН ВА ЗИРАБУЛОҚДАГИ ЖАНГЛАР

Босқинчилар 16 майда 14 пиеда рота, 300 нафар казак, 4 туп билан генерал Головачев бошчилигида Каттақўрғонга йўл олдилар. Аммо Каттақўрғон ҳокими Умарбек кучлар тенг эмаслигини ҳисобга олиб, Шаҳрисабзга қочиб қолди. Бу ҳимоячиларнинг руҳини тушириб, қаршилик кўрсатишнинг иложи қолмади. Оқибатда, 18 майда Каттақўрғон руслар томонидан жангсиз қўлга киритилди. Аммо бу ҳол қон тукиш ва «шуҳрат қозониш»га муккасидан кетган солдатлар умидини пучга чиқарган. Бу тўғрида Верешчагин шундай ёзади: «Генерал Головачев Каттақўрғон қалъасини қўлга киритиш учун отланди, мен ҳам жанг манзараларини жилла курси энди яқиндан курайин, деб бу кичик сафарга бирга бордим, аммо чангдан бошқа ҳеч нарсани кўролмадим. Чунки атрофдаги зобитларни ҳаддан ташқари афсуслантирган ҳодиса юз берди — қалъа жангсиз тас-

¹ Мазкур ва кейинги сулҳ шартномаларини Шодмон Воҳид таржима қилган.

лим бўлди. Суворийлар бошлиғи Штордман ишнинг бундай тинч якунланганидан ниҳоятда газабланди ва қалъанинг таслим бўлганлигини билдириб, садоқат изҳор этиб келган элчиларни менга топширинг, уларга довюракликни ўргатиб қўяман, деб генералдан талаб қилди. Отряд оташинлик билан кутган иш қўлдан кетди — мукофотлар, нишонлар ва мартабалар бой берилди, алам қилмайdimи?»¹

1868 йил 21 майда Кауфман Каттакўрғонда Бухоро амирининг элчиси билан учрашади. 23 май куни эса олдинги саҳифаларда қайд этилган «тинчлик сулҳи»нинг узгартирилган қўйидаги нусхасини элчи орқали Бухорога жунатади:

1. Русия императори аълоҳазрат жаноблари ва Бухоро амири жаноби олийлари мулкларининг чегара чизиги жанубда Шаҳрисабз тоғларининг энг баланд жойларидан Зарафшон водийсига туташади, сунгра Каттакўрғон ғарбидан бошланиб, Зарафшон уртасидан ўтади ва Оқтоғ, Нурота тоғлари билан кесишади. Сарҳад кейин Нурота тоғларининг энг баланд чуққиси орқали ўтади. Нурота қалъаси эса Бухорода қолади. Шу ердан бошлаб, яъни Қизилқум саҳросидан то Букантовгача, шунингдек, мазкур тоғлардан Янгидарё этакларига қадар жойлар ҳам Русияга ўтади.

2. Шу чегара чизигидан Шимол ва Шарқ томонда жойлашган ҳамма ерлар аълоҳазрат Русия императори жаноблари тасарруфи ва тобелигига ўтади: шу чизиқдан жануби-ғарбдаги ерлар Бухоро амири жаноб олийлари ихтиёрида қолади.

3. Сулҳ имзолангандан кейин чегара чизиги Бухоро амири жаноби олийлари юборадиган элчи ва Туркистон генерал-губернатори тайинлайдиган ваколатли шахсдан иборат булган махсус ҳайъат томонидан белгиланади; чегарани аниқлаш ҳайъатига Русия императори қўшинидан посбонлар тайинланади. Генерал-адъютант фон Кауфман таклиф қилган ва Бухоро амири жаноби олийлари олган 2-, 3-, 4-, 5- ва 6-сулҳнома шартлари узгартирилмайди.²

Демак, Кауфман чегара масаласига биров узгартириш киритиб, олдинги сулҳ шартларини ҳам кучда қолдирган. Аммо у кейинги сулҳ шартномасига махфий иловаларни қўшиб юборади. Булар тубандагилардир:

¹ 1868 йилда Самарқанд, 177-бет.

² Ўзбекистон Марказий давлат архиви, 715-ф., 1-руйхат, 36-иш, 846-варақ.

1. Бухоро амири жаноби олийлари Русия давлати билан чин дустликда яшаш ва жаноби аълоҳазрат Русия империяси подшоҳи аъзамининг ҳомийлигини олиш учун шу йилдаги жанг харажатларини қоплаш учун 125000 тилла миқдорида товон пули тулайди.

2. 125.000 тилла пул ёки кумуш билан туланади. Ҳар бир тилла 20 танга ҳисобланади.

3. Жаноби олийлари шу шартларга имзо чекканларидан сунг Русияга туланадиган 125.000 тилла ҳисобидан зудлик билан 10 минг тилла ундирилади. 90.000 тилла 1868 йил 23 майдан бошлаб, 30 кун ичида туланиши шарт. Қолган 25 минг тилла кейинроқ бир йил ичида туланиши керак.

4. Бухоро амири жаноби олийлари бекларнинг чега-радан Русия давлати ҳудудига утиб, қароқчилик қилмаслигини назорат этади. Улар Русия ҳукумати билан дустлик муносабатида бўлишлари лозим. Туркистон генерал-губернатори ўз томонидан Русия ва Бухоро билан дустлик муносабатларини кейинчалик иккала ҳукумат ва давлатнинг бахт-саодати йулида ривожлантириш учун ҳамма чораларни кўради.

Шундай қилиб, рус ҳукумати катта ҳажмдаги товонни ундириш билан бусиз ҳам ниҳоятда оғир аҳволга тушган Бухоро аҳлини эзиб ташлашни мулжаллаган. Узи бостириб келиб, бу ҳам камдек, уруш харажатларини талаб қилса, бу ута пасткашлик ва ёвузликнинг яққол намунаси эмасми?!

Шу тариқа, Кауфман Бухоро амирлигига қарашли анча ерларни Россияники деб маълум қилди. Айниқса, Самарқанд ва унинг атрофидаги ерларнинг босиб олиниши амирлик аҳолисининг газабига газаб қушди.¹

Халқнинг норозилиги шу даражада қайнаган эдики, амир Кауфманнинг «тинчлик сулҳи» ҳақидаги талабини имзолашга ботинмади. Зеро, мамлакатда босқинчиларга қарши озодлик ҳаракати ҳануз давом этарди. Чунончи, Шаҳрисабз босқинчиларга қарши курашнинг учоғига айланган эди. Қоратепа қишлоғида Пистолкарс бошчилигидаги рус қушинлари билан Шаҳрисабз отликлари уртасида жанг бўлади. Абрамов бошчилигида ёрдам берганига қарамай, ватан ҳимоячиларининг қули баланд келиб, душман кучлари Самарқандга чекинишга мажбур бўлади.

¹ Битва с бухарцами в 1868 г. и героическая оборона... стр. 10.

Бу воқеанинг гувоҳи Верешчагин шундай деб ёзганди: «Кавказлик жасур зобит Пистолкарс жануби-шарқ томондан келаётган Шаҳрисабз ва китоблик узбек аскарлари тудасини тигга тортиш учун юборилган эди. У қўшинни енгилга енгди, ҳатто барча голиблар каби жанг майдонида тунаб ҳам қолди, аммо манзилга қараб юриши биланоқ душман яна бирлашиб, шундай зарба бердики, таъбир жоиз бўлса, унинг нақд елкасига миниб олиб, Самарқандгача қувиб келди. Генерал Кауфман ва биз қайтиб келаётган отрядни кутиб олиш учун отландик. Шаҳардан ташқарига чиқишимиз билан бизни уққа тутишди, атрофдаги дарахтзорлар орасида шундай қизгин отишма бошландики, қўмондоннинг хавфсизлигини таъминлаш учун ёнимиздаги барча казакларни шу заҳотиёқ қарши ҳужумга ташлашга тўғри келди, биз ярадорларни олиб қайтишга мажбур бўлдик. Оқибатда чекиниш билан яқунланган бояги ғалаба купчилик зобитлар орасида норозилик уйғотди, ботир зобит, учига чиққан маишатбоз полковник Назаров Самарқандга қараб қилинган бу кейинги ҳаракат жуфтакни ростлашдан бошқа нарса эмас, деб баралла гап тарқатгани учун Кауфман томонидан қамоққа олингани ва булажак ҳаракатларда қатнашишдан махрум қилинганлиги ҳақида эшитдим. Ерли аҳоли буни чинакам ғалаба десб уйлаб, хурсандчилигини яшириб утирмади».¹

Шу равишда ватан ҳимоячилари душманни Самарқандгача қувиб келиб, Кауфман қўмондонлигидаги аскарлар билан туқнашган ва уларни ҳам шаҳарга чекинишга мажбур этган. Ҳақиқатни айтган Назаровнинг жазоланиши шуни кўрсатадики, рус ҳарбий бошлиқлари мағлубият ва талофатларини яширганлар. Буни ошқора қилувчилар эса жазоланган.

Айрим маълумотларга кўра, ватан ҳимоячиларининг сони 10 минг киши ҳисобланган. Куп утмай Шаҳрисабз йулида Бобобек раҳбарлигидаги 15 минг кишилиқ қўшин ва халқ рус қўшинлари билан туқнашиб, жанг 5 соат давом этган. Улардан минг киши ва руслардан 5 киши (?) улдирилган. Ҳар икки томондан куп кишилар жароҳатланган. Талофатларга қарамай халқнинг эркесварлиги шу даражада барқ уриб турганки, кишилар жанг қилишдан бош тортмаганлар. 1868 йил 29 майда Каттақўрғон атрофида 30 минг кишидан иборат қўшин

¹ 1868 йилда Самарқанд, 188-бет.

ва оломон русларга қарши жангга кирдилар. Душман бу урушда 80 туп ва 13155 милтиқ уқларини ишлатиб, 7000 кишининг ёстигини қуритди. Аммо бу катта талофатга қарамай, ватан ҳимоячилари 31 майда Каттакўрғон истеҳкомидаги рус аскарларига ҳужум қиладилар. Жанг бир ярим кун давом этгандан кейин, нима учундир, 20 минг кишидан иборат шахрисабзликлар орқага қайтганлар. Ватан ҳимоячиларининг 20 минг кишилиқ қолган қисми ва уларга қушилган оломон душманни тинимсиз уққа тутган. Душман аскарларидан 25 киши улдирилди ва 211 таси жароҳатланди. Ватан ҳимоячиларидан ҳам кўп кишилар ҳалок бўлган. Шундай бўлса ҳам улар ҳужумни давом эттириб, истеҳкомни эгаллаш учун қаттиқ ҳаракат қиладилар. Шу пайтда Кауфман қўмондонлигидаги ҳарбий қисмининг ёрдамга келиши ғалаба арафасида турган ватан ҳимоячиларини руҳсизлантди. Ҳал қилувчи жанг ниҳоятда шиддатли ва даҳшатли ўтиб, кўп кишилар нобуд ва мажруҳ бўлган. Бу фожеа гувоҳининг ёзишича, «кучалар, хонадонлар ва масжидлар уликлар билан тулиб-тошган», ҳимоячилардан минглаб одамлар ҳалок бўлган. Уша гувоҳ шахарлардаги мисли кўрилмаган фожесини «тасвирлашга оҳизлик қиламан», деб ёзади.

Каттакўрғондаги жанглр босқинчиларга қарши курашнинг энг даҳшатлиларидан бири сифатида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам Каттакўрғонга шахсан Кауфманнинг бориши бежиз бўлмаган. У 30 майда 10 пиеда рота, 300 нафар казак ва 6 замбарак билан урушда қатнашган. Кауфман шахарни остин-устин қилиб, минглаб кишиларни қирганидан кейин 1868 йил 2 июнда 18 пиеда рота, 600 нафар казак ва 14 замбарак билан Каттакўрғондан йулга чиқади. У 10 чақирим масофа узоқликда ватан ҳимоячиларининг отлиқ аскарлари турганлигини кўрди. «Улар, — дейилади манбада, — шовқин-сурон билан бир-бирларини ҳужум қилишга чақирардилар. Бутун дашт буйлаб уларнинг овозлари таралмоқда эди. Бироқ айрим кишиларгина ҳужум қилгандай бўлардилар». Афтидан, Кауфман Бухоро томонга юришни режалаштирган. Чунки бу вақтда амирликда навбатдаги жангга катта тайёргарлик кўрилмоқда эди. Чунончи, амир саройда¹ кенгаш утқа-

¹ Усмон асли Сибирдан қочиб келган рус казаси эди. У Бухорода узининг ҳарбий маҳорати билан обрў қозониб, ҳарбий қисмга қўмондонлик қилиб, урушларда узини кўрсатган.

зиб, уруш масаласи буйича маслаҳатлашганида лашкарбоши Усмонбек шундай деди: «Русларга қарши курашни давом эттириш лозим. Кофирларга катта ҳажмдаги товон тулагандан кура, бир томчи қон қолгунча жанг қилиш афзалдир. Бунинг устига халқнинг ўзи ҳам курашишни хоҳламоқда». Бу таклифга барча беклар рози бўладилар. Сардор Низомиддин эса Содиқ Кенесари ўгли бошлиқ қозоқ ватан ҳимоячиларини ёрдамга чақиришни таклиф қилган. Бунга биноан, қушбеги бошчилигидаги ҳарбий қисм Содиқ рус қушини билан жанг қилаётган Хужақўргонга юборилди. У амирнинг таклифини қабул қилиб бухороликларга қушилди.

15 минг отлик, 6 минг пиеда аскар ва 14 тупдан ташкил топган ватан ҳимоячилари Хужақўргон орқали Зирабулоқ тепалигига жойлашдилар. Шу ерда амир Музаффар уларга шундай деб мурожаат қилади:

«Содиқ фуқаролар! Сизларнинг қилаётган ишларингиз учун миннатдорлик изҳор қиламан. Ишонаманки, ғалаба биз томонда бўлмай. Самарқанд ва Каттақўргоннинг қўлдан кетиши биз учун кичик йўқотишдир. Бизлар Темур авлодларимиз, биз ўз ерларимизни қандай қайтариб олишни кўрсатамиз.

Мусулмонлар! Сизлар дин ва Ватан учун қаҳрамонона курашишни кофирларга намоийш этишларингизга ишонаман. Халқ ғалаба кутмоқда. Улар жангдан сўнг сизларни қарши олаётганларида дин ва Ватан учун курашиб, кофирларни еримизда тамомила қириб ташлаганлар, деб айтишсин. Зирабулоқда мардларча ҳалок бўлганларга шонли ёдгорлик ўрнатилади.

Мусулмонлар! Туркистон генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тилани сизларга мукофот тарзида бераман. Сизлар менинг ишончимни оқлашингизга ва самарқандликлар кийимидаги доғни ювишларингизга ишонаман.

Хайр, мусулмонлар, сизларга муваффақиятлар тилайман!»

Мазкур оташин сўзлар туп уқлари садолари остида тутатилган эди.

Ватан ҳимоячилари ҳар куни соат тўртдан пешингача душманга қарши ўқ узиб турдилар. Кауфманнинг буйруғига биноан 1868 йил 2 июнга утар кечаси ҳарбий қисмлар Зирабулоқ тепалигига яқинлашди. Рус қушини икки қанотта тақсимланиб, бирига Пистолкарс, иккинчисига Абрамов қўмондонлик қилди. Головачев эса умумий раҳ-

барликни олиб борган. Шу тарзда уюштирилган душман кучлари 2 июн, эрта тонгда ҳужумга утди.

Бу воқеа шундай кечган:

«Қуёш жавзо ойининг охирида эдики, Бухоро сипоҳи Зирабулоқ мавзеида жамъ бўлуб, Каттақургон қалъасини забт қилишга жазм этдилар. Бу хабар Кауфманга етиб борди. (У) Самарқанддан бир неча гуруҳ сара аскарлари ва тўпу туфанглари билан Бухоро сипоҳига қарши курашмоқ учун Каттақургонга, ундан Зирабулоққа келди. Бухороликлар Зирабулоқ мавзеида Бухоро йулига қушилиб кетган қир тепасида сафланган эдилар. Урус аскарларини Кауфман икки қисмга бўлиб, унг ва чапдан ҳамла қилишди. Бухороликлар жанг курган аскарларнинг тўпу туфанглари отишига тоб бермасдан орқага қайтдилар. Шу муҳорабада ҳозир булган кишиларнинг айтишларича, бухоролик пиёда ва суворийлардан 1000 кишидан купроғи нобуд булган».¹

Гарчанд мазкур маълумотлар умумий тарзда берилган булса-да, лекин ватан ҳимоячиларидан 1000 дан ортиқ кишининг ҳалок этилиши қаттиқ жанг булганлигидан далолат беради. Бу ҳақда рус манбалари ҳам гувоҳлик берган: «Жанг қизиб бухоро йигитлари «Олинлар, қани олинлар» деб бақиршиб, ҳужумга утдилар. Бироқ, уларнинг шовқин-суронларига қарамай, ҳужумлари рус аскарлари томонидан қайтарилди. Улардан жуда куп одамлар ўлдирилди. Қозоқларнинг сардори Содиқ Қаршига, Усмонбек омон қолган аскарлари билан дашт буйлаб Бухорога қочдилар.

Мағлубиятни эшитган амир Музаффар халқнинг нафрати ва қўзғолонидан қўрқиб Бухорога эмас, Қизилқумга жўнади».

Ҳақиқатан ҳам Бухорода халқнинг ғазабига ғазаб қушилиб, амир йулини тўсиш учун Дарвозмозор номли жойга тупланган эдилар. Бу ерда улар амирнинг энг яқин одами Сардор Низомиддинни ушлаб олиб ўлдирмоқчи ҳам бўлдилар. Аммо у бу фожеадан зўрға қутилиб, амирга Бухоро шаҳрига келмай, Карманада бошпана топиши лозимлигини маълум қилган. Бу вақтда амир Қизилқумда уч кеча-кундуз сувсиз яшашга мажбур булган эди.

Юрагини ҳовучлаган амир Карманага келиб кенгаш утказди ва урушни тўхтатиш ҳақида бир қарорга кели-

¹ Тарихи жаҳоннамоин. 135-бст.

нади. «Эндиликда, — деган амир кенгашда, — менга барча қушин ва яроғ-аслаҳаларни оқ подшоҳга топширишдан ва ундан Маккага ҳажга боришга рухсат сурашдан бошқа илож қолмади. Мен улимим яқинлашганлигини ва тақдирим халқнинг қулидалигини сезмоқдаман».

Бинобарин, Зирабулоқ мағлубиятидан кейин амирлик тақдири узил-кесил ҳал қилиниб, амир очикдан-очик таслим бўлганлигини тан олган. Бунга амирликдаги узаро урушлар ҳам сабаб бўлиб, амир гуёки тахтда илиниб қолган эди. Хусусан, Шаҳрисабз, Китоб беклари босқинчиларга қарши уруш бораётган бир пайтда кучларни бирлаштириш урнига амирга қарши бош кутардилар. Бу ҳаракатга Журабек, Бобобек ва бошқа нуфузли кишилар бошчилик қилдилар. Улар босқинчиларга қарши мустақил равишда курашишга аҳд этгандилар. Самарқанддан Карманагача чузилган жойларда истиқомат қилувчи хитой-қипчоқлар ҳам уларга қушилганди. Журабек Кауфманни Зирабулоқдан Бухорога ҳарбий юриш қилса керак, деб уйлаб, Самарқандни озод этишга киришди. Бу вақтда Самарқанд шаҳрининг узиди ҳам босқинчиларга қарши қузғолон кутариш кайфияти сезилмоқда эди. Айниқса, масжидлар ва бошқа жойларда туда-туда булиб турган одамларни руҳонийлар газавотга даъват қилганлар.

Журабек 20 минг кишилик аскар ва оломон билан Кауфман Каттақурғон ва Зирабулоқда турган вақтда Самарқандга юриш уюштиради. Афсуски, маҳаллий манбаларда бу воқеага доир маълумотлар қисқа берилган. «Кауфман, — деб ёзганди Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий, — Зирабулоқда бухороликлар билан урушаётган вақтда минг, хитой-қипчоқ ва Шаҳрисабз кенгаасларининг қабила бошлиқлари иттифоқ бўлиб, куп сипоҳ ила Самарқандга келиб, бу шаҳарни забт этмоқчи булдилар. Улар саройнинг атрофида ички қалъани тўрт томондан босиб олиб, унинг икки дарвозаси — Самарқанд ва Бухоро дарвозасига ҳужум қилиб, мардлик билан саъйи балиг кўрсатдилар. Урусларнинг аҳволи жуда танг булди. Қабилалар иттифоқи яна икки-уч кун иттифоқ ва ижтимоъ ила муҳосарага сабот курсатганида эди, голиб келиб Самарқандни уруслардан озод қилган булардилар. Аммо мовароуннаҳрликларнинг шунча саъйу ҳаракатлари ва меҳнат-машаққатлари натижасиз анжом топди. Бухоро сипоҳининг Зирабулоқда мағлуб бўлганларини эши-

тиб, биринчи бўлиб Шаҳрисабз кенагаслари, кейин эса бошқа тоифалар сабот ва жалодат қадамларини тортиб олиб, муҳосарадан юз угириб, ҳар томонга парижон бўлиб, парокандаликка берилдилар». ¹

Шаҳрланаётган воқеа рус манбаларида бирмунча тўлароқ тасвирланган. Масалан, унинг гувоҳи Верешчагин сўзларига қура, ватан ҳимоячилари Чупонота тепалигига урнашганлар. «Дурбинда ҳам, дурбинсиз ҳам, — деб ёзганди у, — шаҳар узра юксалган Чупонота тепалиги қўшинга тўлиб кетгани аниқ-таниқ кўриниб турарди, милтиқ, найзалари қуёш нурида ярқирарди. Аскарлар орасида отлиқ бошлиқлар айланишиб юришар, чопарлар серҳаракат бўлиб қолишганди. Орамиздаги баъзи ёши катта зобитлар ҳозир қалъага ҳужум бошлади, деган қатъий фикрда эдилар. Бошқалар эса бундай бўлишига ишонмасди, мен ҳам ана шу кейингилар қаторида эдим. Мунозара қилаётганлар ичида қалъа кутволи майор Штемпел, ...Серов ҳамда ... полковник Назаров бор эди».

Бу вақтда шаҳардаги қалъада 500 рус аскарлари турарди, ҳолос.

Ватан ҳимоячилари 27 ва 29 май кунлари шаҳарга ҳужум уюштириб, душманни ҳам қаршидан, ҳам орқадан уққа тутдилар. Пировардида, ватан ҳимоячилари ҳарбий гарнизонни қўришаётган эдилар. Верешчагин жангнинг шундай тасвирлайди: «Мана, Бухоро дарвозаси. Тепадаги майдонда тутун ичида қолган аскарлар душман томонга тинимсиз уқ ёғдиришарди, югуриб борар эканман, ҳимоячиларимиз озлигини кўриб, биринчи дуч келган, уқ еб олиб ётган жангчининг милтигини олдим, чўнтагимни уқ-дорига тулдириб, ҳарбий дўстларим билан биргаликда 8 кун қалъа муҳофафасида турдим. Бу азбаройи қандайдир қаҳрамонлигимдан эмасди. Гарнизонимиз оз сонли эди, шунинг учун госпиталдан эндигина тузалиб чиққан, ҳали кучга кирмаганлар ҳам ҳеч бўлмаса найзалар сонини кўпайтириш учун хизматга сафарбар қилиндики, соғлом одамнинг бир чеккада томошабин бўлиб туриши гуноҳи азим ҳамда тасаввурга сигмаган ҳол эди».

Бинобарин, душман кучлари анча ночор аҳволда бўлиб, ҳар жиҳатдан мағлубиятга учраши турган гап эди. Бироқ ватан ҳимоячилари сардорларининг ожизлиги ва қатъиятсизлиги орқасида уларнинг сони бир

¹ Тарихи жаҳоннамои, 135-бет.

неча минг кўп булишига қарамай озчиликни ташкил қилган душманни тор-мор этиш удаланмаган. Бу бо-рада айниқса Журабекнинг сустиги ҳамда ҳарбий қу-роллари сифатининг пастлиги ўз кучини курсатди. Шун-га қарамай, аскарлар билан халқ оломони катта тало-фат ҳисобига бўлса ҳам, она юртни озод этиш учун ҳужумни тўхтатмади. Бу хусусда ўша Верешчагин шун-дай ёзган: «Биринчи ҳужумни даф қилиб, дарвозани амаллаб ёпиб олдик, душман орқага силжиб, деярли деворларга туташиб кетган уйларга жойлашиб олди ва биз томонга тинимсиз ўқ ёғдиришда давом этди. Улар-даги милтиқлар, табиийки, жуда ёмон булиб, ўқи йи-рик эди, аммо мерганлик билан отишарди. Бунинг ус-тига биз ўқ узиб, мулжалга теккизишга қийналардик. Сабаби улар уйлардаги кичик-кичик туйнукчалар орқа-ли бизни бемалол нишонга олишарди. Биз томонда бундай туйнуклар йўқлиги учун деворнинг нурай бош-лаган бўғотидаги пана жойлардан туриб отардик, тало-фат ҳам шунга яраша кўп эди».

Ватан ҳимоячиларининг кетма-кет ҳужумлари орқа-сида душман аскарларининг сони тобора камайиб, руҳ-сизланиш кучайиб борган. Шунга қарамай улар имкони борича жангни давом эттиравердилар. Ниҳоят, қалъадан тўплардан ўқ ёғдирилиши ва гранаталар ташланиши ватан ҳимоячилари ҳужумларини даф этишда муҳим омил бўлди. Уруш пайтида ўт тушиб қалъанинг бир дарвозаси ва масжид қулади. «Дарвоза ағдарилиб туши-ши биланоқ кучли ҳужум бошланди ва у сурункасига узоқ давом этди. Деярли юзма-юз отишишга тўғри келди. Аҳвол танг булиб, ғала-ғовур, шовқин-сурон кучайиб борди... Қоронғи тушганда қулаган дарвозанинг устун ва тахталари лаҳча чўғ булиб ётарди. Назаров аскарларни қоронғида қуринмайдиган қилиб жойлаштирди. Фақат найзаларгина ялт-юлт қилиб қоларди. Уртадаги замба-рак ва тўпчилар, аланга шуъласида оқ куйлаги билан камзули товланиб турган зобит яққол кўзга ташланиб турарди. Ташқаридаги шовқин-сурон тобора яқинлашиб келаверди. Минглаб ҳирқироқ овозлар «Оллоҳ, Оллоҳ» деб тинимсиз хитоб қиларди. Ниҳоят, олдингиларнинг қиёфаси қуринди. Улар орқадагиларни рағбатлантириб, олға чорлашарди, ҳеч бири ўқ узмасди, қўлларидаги қурол қилич ва калтакдан иборат эди; худди қуй подаси-га ухшаб, дарвоза ва замбаракка ёпирилишди».

Афтидан, ватан ҳимоячиларида ўқ-дори тамом бўл-ганлигидан қилич ва таёқ билан ҳужум қилганлар.

Ватан ҳимоячиларига Журабек ва Бобобек билан бир қаторда амир Музаффарнинг угли Абдумалик Тура ҳам бошчилик қилди.

Ватан ҳимоячиларининг қуршовдаги душманга қарши жанглари 8 кун давом этди. Бизнинг ихтиёримизда уруш қатнашчиларидан бирининг хотирасида келтирилган маълумотлар бор. Улар масалани чуқурроқ ёритишда фойдадан холи бўлмайди. Чунончи, 1868 йил 31 май, кечқурун Бухоро яҳудийларидан айрим кишилар шаҳар атрофида отлик кишилар пайдо бўлганлигини рус ҳарбий бошлиқларига стказганлар. Шунинг учун 1 июн эрта тонгдан бошлаб гарнизон жанговар ҳолатга келтирилган. Ваҳимага тушган савдогарлар дўконларини беркитиб, атроф жойларга кета бошлаганлар. Уша биринчи кун эрталаб соат унда отлик ва пиедалардан ташкил топган ватан ҳимоячилари гарнизон деворига яқинлашиб, туپлардан уқ узганлар. Барон Штемпел 2 рота аскар ва бир туپ билан Хожа Аҳрор дарвозасидан чиққанда атрофдаги боғ ва жарликлардан улар уққа тутилган. Душман бардош беролмаслигини англаб орқага, гарнизонга чекинаётганида кучаларда «найзалар билан қуролланган одамларни» учратганлар.

Демак, шаҳар аҳли ҳам қўзғалган эди. Шаҳарликлар Бухоро дарвозаси томон кетаётган рус аскарларининг орқасидан тош отганлар. Улар дарвозага киришлари биланоқ шаҳрисабзликлар ва оломон шаҳарга бостириб кирган. Ватанпарварлар биринчи галда қалъанинг қабристон томонига ҳужум қилганлар. Бу жойдаги деворни русларнинг учта ротаси ҳимоя қилиб, уқ узиб турарди. Душман туپларини ҳам ишга солиб, шаҳарни уққа тутган. Шу равишда икки томон ўртасида шиддатли уруш бошланган. Ватан ҳимоячилари қалъадаги хонадонларнинг тешикларидан ҳам уқ отиб турганлар.

Улар икки марта қалъа деворига ҳужум қилганлар, лекин уни ёриб киришнинг иложи бўлмай, кўп талофат берилган. Ватанпарварлар порох солинган қопчалар отиб, қалъа дарвозасини ёндиришиб, ичкарига бостириб киришга ҳаракат қилсалар-да, рус аскарлари ёнгинни учуриб ва бу ерга туپларни ўрнатиб, ҳужумни қайтарганлар. Шундан кейин ватан ҳимоячиларининг Самарқанд дарвозаси орқали бостириб кириш учун қилган ҳужумлари ҳам амалга ошмаган. Кетма-кет ҳужумлар кутилган натижани бермагач, ватан ҳимоячилари яна порох солинган қопчаларни отиб, Бухоро ва Самарқанд дарвозаларини ёндирадилар. Руслар Самарқанд

дарвозасидаги ёнгинни учиришга улгурсалар-да, лекин Бухоро дарвозаси шу даражада қаттиқ ёнадики, уни даф этишнинг иложи бўлмайди. Руслар дарҳол ёниб тушган дарвоза урнига тупни жойлаштириб, ундан уқ уза бошлаганлар. Ватан ҳимоячилари ва босқинчилар уртасидаги даҳшатли жанглarning биринчи кунида туб аҳоли томонидан ҳалок бўлганларнинг мурдалари ва отлари қалъа деворлари атрофида уюлиб ётарди. Душман тарафидан эса 2 офицер ва 20 аскар улдирилиб, 58 нафари ярадор бўлган эди.

Кейинги кунларда ҳам ватан ҳимоячилари қалъа деворининг гоҳ у, гоҳ бу томонидан ёриб кириш учун хужум қилиб турганлар. Ҳатто улардан 30 киши душман қаршилигини енгиб, ичкарига киришга ҳам эришади. Аммо руслар дарҳол узларини унглаб, ватан ҳимоячиларини чекинишга мажбур этганлар.

Пировардида, ватан ҳимоячилари бир неча минг кишини йўқотиб тарқала бошлайдилар. Айниқса, Зирабулоқдаги русларнинг ғалабаси ва Кауфман бошчилигидаги аскарларнинг келаётганлиги ҳақидаги хабар олиниши ватан ҳимоячиларининг умидларини сундирди. Биринчи бўлиб Журабек, Бобобек ва унинг қўл остидагиларнинг кетиб қолишлари озодлик курашига катта зиён келтирди. Улар амалда қўрқоқлик ва қатъиятсизлик кўрсатиб, қочган эдилар.

Аммо аскарлар ва халқ оммасининг кўпчилиги шу даражада қаттиқ жанг қилдики, 500 кишидан иборат душман кучларидан 275 таси улдирилди ва ярадор қилинди.¹ Босқинчилар Самарқандда илгари бутун уруш давомида бундай катта талофатга дуч келмагандилар. Агар ватан ҳимоячиларининг сардорлари билимдонлик ва шижоат билан жангни охиригача давом эттирганларида ғалабага эришишлари турган гап эди.

Кейинчалик маълум бўлишича, Самарқанддан К. Кауфманга хабар етказиш учун 7 киши юборилган экан. Йулда уларнинг олтитаси улдирилиб, зўрға тирик қолган биттаси Кауфман ҳузурига етиб боришга муваффақ бўлган.² Бу чопарнинг хабари бўйича К. Кауфман зудлик билан Самарқандга жўнаган. Бу ҳақдаги хабар қалъадаги рус аскарлари томонидан «ура» садолари остида зўр хурсандчилик билан қарши олинди. Энди уруш тугаллангандан кейинги шаҳардаги манзарага бир на-

¹ «Голос», 1868 йил.

² Уша жойда.

зар ташланса, унинг қанчалик фожеали булганлигини куриш мумкин. «Кечга яқин, — деб ёзади Верешчагин, — биздаги аҳволни билгани бошқа дарвозалар олдидан иккита зобит келди. Осойишталик ҳукм сураётгани учун уларни дарвоза ортидаги «хисбон»га, яъни мурдалар қалашиб ётган кучага таклиф қилдим. Қулларидан ушлаб, тусиқдан ташқарига олиб утдим; Назаров, Черкасов ва бошқа зобитлар бизга ҳамроҳ бўлишди. Очиғини айтсам, ҳозирги сукунат юракни сиқиб юборадиган даражада оғир эди. Яқин жойда ит ҳурар, ёниб тамом булаётган уйларда олов чирсилларди; мендан бир газ наридаги қум уюмига шитиллаб теккан уқ бизни кузатиб туришганини англатса, яқинлашиб келаётган овозлар вақт ганиматлигида жуфтакни уриш лозимлигини билдирарди. Бунинг устига қуролланмаган эдик. Қоронғи тушганидан кейин Назаров бизни ҳамлага бошлаб борди; девор ёнидаги уйларнинг ҳаммасини ёндириб, бу гал анчагина узоққа, дастлаб манзил қилганимиз бурчакка бордик, ёнгин шуъласи қаҳрамонлигимизни қамал қилувчиларга билдирадиган даражага етганидан кейин бирорта одамимизни ҳам йуқотмай, қошиб қолишни маъқул кўрдик».

Бу уринда шу нарса аёнки, шахрисабзликлар кетиб, уруш тамом булди, деб ҳисоблангандан кейин ҳам ватан ҳимоячилари уқ узишни тухтатмаганлар. Босқинчилар томонидан шаҳардаги уйларнинг «қаҳрамонлик намунаси» сифатида ёндирилиши ваҳшийликдан булак ҳеч нарса эмас эди, албатта. Шаҳарга ўт қўйиш шу билан тугатилмай, яна кўпгина уйлар ёндириб юборилди.

Рассом Верешчагин шаҳар олдинроқ ёндирилганда хавфсизлик таъминланиб, туб аҳоли бош кўтаролмаслиги ҳақида сурбетларча шундай ёзган: «Бу оддий хавфсизлик учун зарур (ёнгинни) бош қумондон (Кауфман) анча илгари амалга ошириши керак эди. Табиийки, у азбаройи оққунгиллиги туфайли ҳамда аҳолига ортиқча зарар етказмасликни уйлаб бундай қилмаган, оқибатда анча одамимиз қирилди. Бунинг устига қалъадан ажралишимизга сал қолди, мабодо ёнгилганимизда бутун Урта Осиё халқи қўзғалиб кетган буларди».

Верешчагин «оққунгил» деб Кауфманни оқлашга беҳуда уринади. Чунки унинг ижозатисиз қирғин-баротлар ва вайронагарчиликлар қилинмас эди. Зеро, Самарқандни қўзғолон учун жазолашга шахсан Кауфманнинг дахлдорлигини ўша Верешчагиннинг сузлари ҳам тасдиқлайди: «Олижаноб Кауфман кескин чоралар за-

рурлигини мутлақо англаган ҳолда атайлаб Самарқанддан бир неча чақирим узоқликда тунаган. Бу билан купсонли аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар қочиб кетишига имкон қолдирган. Энди булса, шаҳарни росманасига вайрон қилиш, ҳеч кимни ва ҳеч нарсани аяб утирмаслик туғрисида шафқатсизларча буйруқ берганди. Уз ихтиёри билан жазоловчилар тудасига қушилган ҳарбий таъминотчи маъмурлардан бири менга сузлаб берди: «Бир қанча аскарлар билан бир уйга бостириб кирдик, қариб, қоқ суяк булиб кетган кампир бизни «Омон, омон», деб қаршилади. Утирган чиптасининг остида бир нарса қимирлади, қарасак, 16 ёшлардаги йигитча яширинган экан, судраб чиқдик ва, албатта, бувисига қушиб найза тордик».

Демак, қўзғолонда қатнашмай, уз уйида утирган бир кампир билан бола ҳам улдирилган. Шу равишда гуноҳсиз кишиларнинг ҳам ёстиги қуритилгач, бошқа одамларнинг ёлпасига қириб ташланганлиги турган гап. Айни пайтда К.Кауфман халқнинг мол-мулкани талашга ҳам курсатма берган. Булар ҳақида Верешчагин шундай ёзади: «Аскарларга дўконларни талашга рухсат берилганида, у ёқдан нималарни олиб чиқишмади, дейсиз! Улар ерли аҳолининг бири-биридан чиройли ва нафис кийимларини кийиб, тақинчоқларини тақиб, шундай ғалати ҳолатга тушишгандики, кўрган киши кулгидан узини сира тиелмас эди. Бу ерда арзимаган бир-икки сумга этнограф учун бутун бошли хазинага арзийдиган буюмларни сотиб олиш мумкин эди.

Енгин пайтида қанчадан-қанча муъжизалар — куҳна ёдгорликлар, уймакор дарвозалар, устунлар ёниб кетдики, бунинг узи даҳшат!.. Назаров 8 кунлик қамал чоғида бесаранжомлик келтирган куҳна шаҳар билан ана шу тарзда ҳисоб-китоб қилиб, таскин топаётган эди; айниқса, у минорасидан туриб ярадорларимиз ва замбаракларимизга қараб уқ отилган Шердор мадрасасига бутун қаҳру газабини сочганди: «Лаънати масжидлагиларнинг ҳаммасини найзага санчдим», деб мақтанганди кейин у. Мана шу масжидда мен танийдиган мулла хизмат қиларди, гарчи бизга қарата машъум уқ узилган пайтда ҳам иштирок этган, деб зимдан тусмол қилсам-да, унинг тақдирига бсфарқ қараёлмадим. Назаров билан кирганда қатнашган зобитларнинг биридан масжидда одам куп эдими, деб сурадим. «Йуқ, куп эмасди, деб жавоб берди у. — Лаънатилар қочиб кетишибди». Енгил нафас олдим. «Фақат бир кекса мулла-

га дуч келдик. Ишонасизми, у худди мушукка ухшаб кочиб, миноранинг учига чиқиб олди».

— Кейин-чи?

— Кейинми? Албатта, найза санчиб юборишди.

— Уфф!!

Генерал Кауфман куз унгимда аниқ жонланиб турибди, шунча алгов-далговдан кейин у ёнида қурол топилгани учун ушланган ёки бошқа нохуш ишларда гумонсираб қўлга олинган турли-туман одамларни саройда судлаб, жазога ҳукм қиларди. Зобитлар қуршовида сафар уриндигига ястаниб олган олижаноб Константин Петрович Кауфман тухтовсиз папирос чекар ва мутлақо шафқатсиз оҳангда: «Отиб ташлансин, отиб ташлансин, отиб ташлансин, отиб ташлансин!» деган гапни такрорларди, холос».

Демак, уз Ватанининг озодлиги учун қўлида қурол билан курашганлар эмас, балки кузга чалинган ҳар бир ёш-қари қириб ташланди, уйлар ёндирилди, тарихий обидалар ва асрлар мобайнида қўлга киритилган нафис буюмлар йўқ қилинди. Шу тариқа, Самарқанд кейинги минг йилликда икки мартаба, яъни Чингизхон ва чор ҳукумати тажовузи вақтида хонавайрон ва остин-устин қилиниб, мисли қўрилмаган даҳшатли фожеани бошидан кечирди. Ҳатто шаҳар аҳолиси томонидан тинчлик сулҳини тузиш мақсадида юборилган элчи ҳам отиб ташланган.

Генерал-губернатор Кауфман узининг қаҳр-ғазабини одам қони билан ювишга ҳаракат қилиб, минглаб одамлар ёстигини қуритган ва куп уй-жойларни хонавайрон этган шахс сифатида тарихда ном қолдирди.

Амир Музаффархоннинг русларнинг Зирабулоқ ва Самарқанддаги ғалабаларидан кейин тинчлик сулҳини тузишдан бошқа иложи қолмади. Шу боис 1868 йил 23 майда Кауфман томонидан жўнатилган сулҳ шартларига 23 июнда имзо чекди. Бунга кўра Хужанд, Уратепа ва Жиззах Россия империяси таркибига киритилди. Самарқанд билан Каттақўрғон ҳам амирликдан тортиб олинди. Амирликка тегишли жойларда Россия фуқароларига эркин савдо қилишларига, савдо агентликларини ташкил этиш ҳамда уларнинг шахси, мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга доир имкониятларни яратиш амирлик зиммасига юклатилди.

Сулҳда курсатилган 125000 тилла (500.000 сум) товуон пулини тулашга амир рози бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш уринлики, Самарқанд вилоятини амирлик-

ка қайтариш борасида ҳукумат юқори доираларида баҳслар булган. Ҳатто бунга император ҳам розилик берган эди. Бу йул билан улар Оврупо мамлакатлари, чунончи, Англия билан узаро алоқаларни кескинлаштирмасликнинг олдини олишга интилгандилар. Аммо Кауфман турли хийла-найрангларни ишлатиб Самарқандни Россия таркибида қолдиришга эришади. 1868 йилнинг 24 июнида у Самарқанд ва Каттақурғонни уз ичига олган Зарафшон округини тузиб генерал-майор А.К. Абрамовни бошлиқ қилиб тайинлайди.

Амир Музаффар томонидан амирлик мустақиллигини амалда йуқотувчи ва катта иқтисодий талофатларга сабаб булувчи сулҳга қул қуйилиши халқнинг, юқори табақа вакилларининг ҳам норозилиги ва нафратини янада кучайтирди. Шу важдан ҳам унга қарши ҳаракатлар айниқса Шаҳрисабз ва Қаршида авжига чиқди. Амирдан норози кучлар уни ҳокимиятни бошқара олмаганликда ва хонликнинг анча қисмини қўлдан бой берганликда айблаб, чор ҳукуматиға қарши урушни давом эттиришни асосий мақсад қилиб қуйган эдилар. Амирнинг уғли Абдумалик (Катта Тура) Шаҳрисабз ва Китоб беклари булмиш Жўрабек ва Бобобек билан биргаликда тахтға даъвогар булиб бош кутаради. Натижада амир Музаффар Қаршиға ҳарбий юриш уюштиради.

Бу воқеа маҳаллий манбада шундай таърифланган: «Қарши волийси Абдумалик Тура Бухоро хукмдори амир Музаффарнинг катта уғли Шаҳрисабз кенегасларининг улуғлари ва Содиқ Тура ибн Кенесари Тура Аблай Султон юртдошлари ила Бухоро амирлиги ва салтанатиға даъво қилди. У уз отаси амир Музаффарға қарши ҳамлага утиб, жанговар сипоҳни йигди. Бухородан амир Музаффар сипоҳ ва сарбозлар ила уғлининг ҳужумини даф этмоқ учун Қарши томон отланди. Қарши чуллариди Абдумалик билан жанг булди ва Абдумаликнинг сипоҳи пароканда булди. Абдумалик Шаҳрисабзға қочди. Уз уғлини таъқиб қилиб, отаси Шаҳрисабз қалъаларидан булган Чироқчини қуршаб олди. Шаҳрисабз волийсидан уз уғлини талаб қилди. Бу иш охиригача стмасдан туриб, бошқа жойда қўзғолон кутарилди. Абдумалик Тура фармонига биноан Нурота ва Карманани Содиқ Тура олгани хабари амир Музаффар қулоғиға стди. Бу фитна ва ихтилол сабабига қўра, (амир) Чироқчидан орқаға қайтиб, бу даҳшатли ҳодисаларни бартараф қилмоқ учун Самарқанд волийси жинирал (генерал) Абрамовдан ёрдам сўради».



Босқинчилар бош кумондони генерал
Константин фон Кауфман.

Бундан хабардор булган Шаҳрисабз беклари Чироқчидан Шаҳрисабзга, Абдумалик эса Қаршига бориб, русларнинг булажак ҳарбий юришига қарши тайёргарлик куришга киришдилар.

Туркистон генерал-губернатори Кауфманнинг ижозати билан генерал Абрамов 1868 йил 28 июнда 6 рота аскар, 8 замбарак, икки юзлик ракета батареяси билан Қаршига бориб, Абдумалик кучларини тор-мор қилди. Шундан сунг Абдумалик яна Шаҳрисабзга қочади. Шу

равишда амир Музаффар билан генерал-губернатор Кауфман уртасида озодлик учун курашни давом эттиратган ватан ҳимоячиларига қарши иттифоқ юзага келган. Эндиликда босқинчилар амирни ҳимоя қилиш сиёсатини қўллаб, бир томондан, унинг Россияга қарамлигини кучайтириш, иккинчи томондан эса, озодлик курашларини охиригача тугатиш учун қаттиқ интилдилар. Усталик билан олиб борилган бу сиёсат ўз самарасини берди. Зеро, амирнинг хоҳиш-иродаси, ҳомийлигида¹ 1870 йил 13 августда генерал Абрамов қумондонлигидаги 6 рота, 200 казак отлиқлари ва ракета дивизияси Шаҳрисабзга ҳарбий юриш қилди. Бу туғрида манбада шундай дейилган: «Уруслар аскарларини ва туپларини ҳар нуқтага жойлаштириб, қалъани олиш билан машғул бўлдилар. Шаҳар ва қалъага алоҳида-алоҳида ҳамла қилиб, туپга тутишни бошладилар. Кечаси эса, урусларнинг бир неча гуруҳи қалъага юриш қилиб, хандаққа яқин келдилар. Қалъадагилар бундан огоҳ бўлиб, урусларни уққа тутиб, мудофаага утдилар. Урусларнинг яна бир гуруҳи посбонсиз қолган жойдан деворга нарвонлар қўйиб, қалъага кирдилар. Урус суворийлари ҳам Работак дарвозасини йиқитиб, тўрт томондан шаҳарга кирдилар. Қалъа аҳолиси узларини гамандух денгизиде қуриб, турли йуллар билан уруша-уруша чекиндилар. Уруслар йулларида учраган уй-жойларни, кишилар туплаб қўйган ем-хашакларни, захира қилиб қўйган утинларни ёндириб, унинг ёруғида олдинга қараб интилдилар.

Шундай қилиб, тонггача уруслар шаҳарни буткул забт этиб, ўз тасарруфига олдилар. Урушда шаҳрисабзликлардан 500 дан кўпроқ киши шаҳид бўлиб, кўп одам захмдор бўлди. Жангда қатнашган мўътабар кишиларнинг сўзларига қараганда, уруслардан 150 кишига яқин одамлар талофатга учрабди. Аммо 50 та чўян туپ, бир неча пилта милтиқ ва бошқа нарсалардан жуда кўп захира уруслар қўлига утди»².

Хуллас, шаҳрисабзликлар томонидан ҳам душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатилиб, анча одамлар ўлдирилган ва жароҳатланган. Кауфманнинг кўрсатмаси бўйича, Шаҳрисабз ва Китоб амирлик таркибига киритилган. Мағлубиятга учраган Абдумалик Тура эса Урганчда, сўнгра Афғонистонда бошпана топди, кейин Фар-

¹ Тарихи салотини манғития, 98-бет.

² Тарихи жаҳоннамои, 136-бет.

гонага ва у ердан Қашқарга утиб яшади; Маккага ҳам бориб, сунг Ҳиндистонда ўрнашди.

Журабек билан Бобобек ҳам ўзларининг жонларини сақлаш йулларини излаб, пировардида, рус ҳукумати томонига утдилар. Бу вақтда Қўқон ҳукмдори Худоёрхон саройида хонлик чегарасига келиб ўрнашган ўша кишиларнинг тақдири хусусида фикр алмашишган. Чунончи, Муҳаммад Аваз Атторнинг ёзишича, агар уларга Қўқонда бошпана берилса, у вақтда Россия ва Бухоро билан алоқанинг ёмонлашиши мумкин эди... Борди-ю, улар рус ҳукумати вакилларига топширилса, у вақтда «шарманда булиш»нинг аниқлиги кўрсатиб утилган. Саройда шунга ухшаш фикрлар билдирилганидан кейин бекларни Қўқонда иззатикром кўрсатиб, сунгра Қашқарга жунатишга келишилган. Бироқ бу таклиф Журабек билан Бобобекка бир одам орқали билдирилганида улар шундай дейишган: «Биз Қашқарга сафарни хоҳламаймиз. Биз Шаҳрисабздан бу томонга Бухоро амири зулмидан қочиб келдик. Бухоро амири бизнинг кўп улуғларимизни ўлдирди. Бизнинг уртамизда кўҳна адоват бор. Биз Самарқанд жиниралининг (генералининг) олдига бориб, таслим бўлмадик. Чунки у Бухоро амирининг ўнг қўлидир. Агарда унга таслим бўлганимизда эди, эҳтимол, жинирал амирдан пора олиб, бизни Бухоро амирига топширган бўлур эди. Агар Фарғона хони Худоёрхоннинг ўзи бизни авлодимиз ила Кауфман ҳузурига юборса, маъқул эрди. Самарқанд жинирали ва бошқаларнинг воситасисиз ўзимиз Кауфманга таслим бўламиз. Бизнинг мақсадимиз шу. Чунки Русия давлати буюқдир ва низомларида асирлар ва таслим бўлган кишиларни ўлдириш қондаси йўқдир. Буни биз кўп муътабар кишиларимиздан эшитганмиз».

Бу маълумотлар гуё Қўқон хони Журабек билан Бобобекни зурвонлик билан рус маъмуриятига топширган, деган сўзларнинг асоссизлигини кўрсатади. Ҳатто уларнинг қариндошлари ўша бекларнинг илтимосларига биноан Қўқонда қолдирилиб, хазина ҳисобидан маош билан таъминланиб турилган. Хуллас, Журабек билан Бобобек ўз Ватанига хиёнат қилиб, душман тарафига утишни лозим топганлар. Буни инобатга олган рус ҳукумати бирига полковник, сунгра генерал, иккинчисига полковник унвонларини берган. Уларга нафақа ҳам тайинланган.

Шундай қилиб, улар бир томондан, Бухоро амири-



Зарафшон тоглари ҳимоячиси.

га буйсунишдан бош тортиб, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан душманга қарши курашиш ишига катта зиён етказдилар. Иккинчидан эса, узларининг жонларини сақлаш учун Ватанга хоинлик қилдилар. Уларнинг қурқоқлик ва шижоатсизлик кўрсатиб, ватан ҳимоячилари галаба арафасида турганида Самарқандни ташлаб кетишлари ҳам хоинликнинг натижаси эди.

Кауфман 1873 йил 23 сентябрда Бухоро хонлиги билан янги шартнома тузиб, унинг Россияга қарамлигини янада мустақкамлаш ва Россия савдо доираларининг манфаатларини кўпроқ таъминлашга эришди. Шартномада шундай дейилган:

1-м о д д а Русия подшоҳи жаноблари императори аъзам ва Бухоро амири жаноби олий мулкларининг уртасидаги чегара чизиги узгармайди.

Амударёнинг сул соҳилидан бошлаб, Хива ерлари рус мулкига қўшилганидан сунг ҳамда Бухоро амири ва Хива хонининг илгариги гарбий чегаралари, яъни Амунинг сулидаги Холота мавзидан Гугертли туқай томонига борадиган чегара бекор қилинади.

Бухоро амирининг мулкига илгари Бухоро ва Хива чегараси бўлган Амударё соҳилининг сул томони Гугертлидан то Мишоқли туқайигача ҳамда Мишоқлидан бошлаб илгариги Бухоро ва Хива чегараси ва Русия давлати чегарасигача бўлган ҳудуд утади.

2-м о д д а. Хива хонлигидан Амударё соҳилининг сул қисмидаги ерлар ажратиб олингани учун Бухородан шимолдаги рус ерларига борадиган ҳамма қарвон йўллари фақат Бухоро ва Русия ерлари орқали утади.

Ҳар иккала ҳукумат — Бухоро ва Русия уз ерлари ҳудудида қарвонлар ва тижоратни муҳофаза қилиш ус-тидан назорат урнатадилар.

3-м о д д а Амударёнинг Бухоро амирига мансуб бўлган қисмида Бухоро кемалари билан бир қаторда Русия кемалари ҳамда хусусий кемалар учун эркин су-зиш ҳуқуқи берилади.

4-м о д д а Амударёнинг Бухоро давлатига тегишли соҳилларида руслар хоҳлаган жойларда омбор ва бан-дар қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Бу омбор ва бандаларни ҳимоя қилиш ишларини Бухоро ҳукумати уз зимма-сига олади. Бандалар қурилиши учун белгиланган жойлар-ни русларнинг Туркистондаги олий ҳукумати тасдиқ-лайди.

5-м о д д а Бухоро амирлигидаги ҳамма шаҳар ва қишлоқлар рус савдоси учун очикдир. Рус тужжорлари ва қарвонлари амирлик ҳудудида эркин ҳаракат қилиб, маҳаллий ҳокимлар томонидан махсус ҳимоя остига олинади. Рус қарвонларининг Бухоро ҳудудидаги хавф-сизлиги учун Бухоро ҳукумати жавоб беради.

6-м о д д а. Русиядан Бухорога ёки Бухородан Русия-га олиб бориладиган рус тужжорларининг ҳамма мол-лари умумий қимматидан 2,5 фоиз миқдорда бож оли-

нади. Туркистон улкасида эса 1/40 қисм миқдорда бож олинади. Бу закотдан бошқа солиқ олинмайди.

7-м о д д а. Рус тужжорлари Бухородан бошқа қушни жойларга солиқсиз товар олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар.

8-м о д д а. Рус тужжорлари зарур ҳолларда Бухоро шаҳарларида товарларни сақлаш учун карвонсаройлар қуришга ҳуқуқлидирлар.

9-м о д д а. Савдо жараенининг тўғри бориши ва солиқ олишнинг қонуний бўлиши учун ҳамда маҳаллий ҳукумат билан тижорат ишларини олиб бориш учун рус тужжорлари Бухоро шаҳрида тижоратхона очишга ҳақлидирлар. Бухоро тужжорлари учун Туркистон улкасида ҳам шундай ҳуқуқ берилади.

10-м о д д а. Бухоро ва Русия уртасидаги савдо мажбуриятлари ҳар икки томонлама муқаддас саналади ва улар бузилмаслиги шарт. Бухоро ҳукумати савдо ва, умуман, тижорат ишлари одилона бўлишига кафолат беради ва улар устидан назоратни ўз зиммасига олади.

11-м о д д а. Русия тобелари Бухоро фуқаролари билан бир қаторда, Бухорода шарият талабларига қараб, ҳар хил иш ва касб билан машғул бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бухоро фуқаролари ҳам рус мулкларида Русия қонунлари ижозат берган барча фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

12-м о д д а. Русия тобелари амирлик ҳудудида хусусий мулк, яъни уй, боғ, ер сотиб олишга ҳуқуқлидирлар. Бу мулкдан Бухоро фуқаролари билан бир хилда хирож олинади. Шундай ҳуқуқдан Русия империясида Бухоро фуқаролари ҳам фойдаланадилар.

13-м о д д а. Русия тобелари чегарадан эркин утишга доир ижозатномаси билан Бухорога келадилар, улар амирликнинг ҳамма жойларига бориш ҳуқуқига эга бўлиб, Бухоро ҳукуматининг махсус ҳомийлигидан фойдаланадилар.

14-м о д д а. Русия ҳукуматидан ижозат бўлмаган, қайси халққа мансублигидан қатъи назар, ҳар хил кимсаларни Бухоро ҳукумати қабул қилмайди. Агарда Русия тобеларидан қонун йўли билан таъқиб этилаётган бирон-бир жинояткор Бухоро ҳудудида яширинса, бундай кишилар Бухоро ҳукумати томонидан тутиб олиниб, рус ҳукуматига топширилади.

15-м о д д а. Урта Осиёдаги русларнинг олий ҳукумати билан яқин ва доимий муносабатда бўлиш учун Бухоро амири узининг ишончли кишиларидан бирон



Зарафшон тоғларининг куриқчи аскари.

шахсни Тошкентда доимий ва ваколатли элчи қилиб тайинлайди. Бу ваколатли элчи Тошкентдаги амир ҳовлисида амир ҳисобидан яшайди.

16-м о д д а. Русия ҳукумати ҳам уз доимий вакилини амир жаноб олийлари ҳузурда таъминлаши мумкин. (Бухородаги Русия ҳукуматининг вакили Русия ҳукумати ҳисобидан яшайди.)

17-м о д д а. Русия империяси подшоҳига ёқиш ва императори аъзам жанобларининг обрусини кутариш учун амир Сайид Музаффар жаноби олийлари қарор қилади: Бугундан эътиборан Бухоро ҳудудида абадул-абад инсонпарварлик қонунига зид бўлган одамлар билан савдо қилиш бекор этилади. Шу қарорга биноан Сайид Музаффар узининг бекларига шу мазмунда қатъий буйруқ жунатади: агарда Бухоро чегарасидаги шаҳарлардан юқорида зикр қилинган фармонга қарши улароқ Бухоро фуқаролари учун бошқа қўшни давлатлардан қўллар олиб келтирилса, улар билан савдо қилиш хат орқали тухтатилади. Амир фармонига риоя этмай олиб келтирилган одамлар эса ўз ҳужайинидан тортиб олиниб, озод қилинади.

18-м о д д а. Сайид Музаффар чин қалбдан дўстлик ва қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун Русия билан Бухоро уртасидаги шартнома ни ҳамда 5 йилдан буён амал қилиб келаётган 17-моддани Бухоро саодати учун қўлланма сифатида қабул этади. Бу шартнома икки нусхада, икки тилда — рус ва туркий тилларда ёзилди. Тасдиқлаш нишонаси учун Сайид Музаффар ўз муҳрини босди ва уни ўзи ва ворислари учун қўлланма сифатида қабул қилди¹.

Шартнома мазмунидан кўриниб турибдики, Бухоро амири рус ҳукуматининг руҳсатисиз бирор хорижий мамлакат фуқаросини қабул этиб, суҳбатлашиши тақиқланди. Сиртдан қараганда, у аҳамиятсиз кўринади. Аслида эса, унинг негизида амирнинг хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқалар олиб бориши тақиқланган эди. Эндиликда амир амирликнинг фақат ички ишлари билан шуғулланиб, ҳар бир қадамида Русияга содиқлиги ва дўстлигини намойиш қилиши шарт эди. Рус ҳукумати Россиянинг амирликдаги иқтисодий манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор бериб, ўз фуқароларининг фаолиятига кенг йўл очиб берди. Ҳатто улар амирликнинг хоҳлаган жойида мулк эгаси бўлиш ва доимий яшаш ҳуқуқларини олдилар. Қўлларни озод этишга доир моддага келганда айтиб ўтиш лозимки, у шартномада кўрсатилганидек, биринчи навбатда, «императори аъзам жанобларининг обрусини кутариш учун» кўрилган чора эди, холос!

Шартномада чегара масаласида катта узгартириш киритилмади. Бироқ Амударёнинг унги қирғоғидаги Хи-

¹ Рус тилидан Шодмон Воҳид таржимаси.

ва хонлигидан тортиб олинган айрим жойларгина хонликка берилди.

Шарҳланаётган шартнома рус ҳукуматининг амирликда мустамлакачилик сиёсатини тобора кучайтириб бориши учун катта имкониятлар яратди. Бир вақтлар Марказий Осиёда салмоқли ўринни эгаллаган амирлик бамисоли оёқ-қули кишанланган одамга ухшаб, ҳар жиҳатдан сиқилиб ва бугилиб қолди.

Рус ҳукумати томонидан белгиланган чегара асосида амирликда 27 беклик ташкил топди. Масалан, Кулоб, Қургонтепа, Балжувон, Дарвоз, Қоратегин, Ҳисор, Денов, Қабодиён, Бойсун, Шеробод, Чоржуй, Қарши, Чироқчи, Ғузор, Яккабоғ, Кигоб, Шаҳрисабз, Зиёвуддин, Кармана, Хатирчи, Нурота, Бухоро, Қоракул, Қабоқли бекликлари шулар жумласидандир.

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

ХИХ АСРНИНГ 40—60- ЙИЛЛАРИДАГИ ҲАРБИЙ ТУЌНАШУВЛАР

Бу даврда Рус давлати Каспий денгизидан Хива хонлигига борадиган йулларда ҳарбий истеҳкомлар қуриш ва уз таъсир доирасини тобора кенгайтириш сиёсатини юргизди.

Машҳур Хоразм тарихчиси Баённийнинг «Шажарайи хоразмшоҳий» асаридаги маълумотларга қура, 1839-40 йилларда Рус давлати Чучқакул деган жойда ҳарбий истеҳком қуриб, Хоразм устига юришни режалаштираётганликлари ҳақида Хивага хабар келган. Бундай хавfli ҳаракатга қарши Оллоқулихон (1824—1843) Отамурод Қушбеги ва 18 саркарда бошчилигида 8000 кишилик қушинни жунатган. Улар Урганч ва Қизилгунбад орқали Ёмон минг йилқи деган жойга етганларида Муҳаммад Ризо деган ясовул вафот этган. Бу киши йирик саркардалардан бири бўлса керак.

Хива қушинлари йулни давом эттириб, русларнинг Тошқалъа истеҳкомини қуршаб оладилар. Икки томондан бир-бирларига қарши ўқлар ёғдирилади. Аммо ватан ҳимоячилари истеҳкомга қушимча ёрдам келаётгани ва унинг ичидаги душманларнинг яхши қуролланганликларини билиб, беҳуда қурбон бўлмаслик учун орқага қайтганлар. Улар йулда ёрдамга келаётган рус аскарларига дуч келиб, жанг қиладилар. Бироқ, ҳавонинг совуқлиги ва қор ёққанлиги туфайли ватан ҳимоячилари урушни тўхтатиб Хивага қайтганлар¹.

Рус давлатининг Хива хонлигига хуружи Англияни безовта қилиш турган гап эди, албатта. Русларнинг Туркистон улқасини эгаллаши Россия халқаро мавқеининг ошишига олиб келарди ҳамда Ҳиндистонга ҳам юриш қилиш хавфини туғдирарди. Шу боис Англиянинг Ҳиндистондаги ҳукумати Аббат исмли уз элчисини Оллоқулихон ҳузурига юбориб, хонликнинг Англияга қарам бўлиши ва шундагина уни Россия босиб ололмаслигини маълум қилган. «Англия элчиси келтирган нома шундан иборат эдики, — дейилади манбада, — кўп

¹ *Муҳаммад Юсуф Баённий*. Шажарайи хоразмшоҳий. 301—302-бетлар.

вақтлардан бери руслар сиз тарафга ҳаракат қилиб, мамлакатингизни эгаллаш ниятидадир. Уларнинг мақсади тамоми Мовароуннаҳрни, Хоразмни ва Хуросонни эгаллаб, Ҳиндистонга утишдан иборатдир. Русия бир улуг ҳукумат ва подшоҳликдирким, онинг лашкари саноқсиз ва дастгоҳи таърифдан ташқаридур. Онинг озгина бир лашкарига ҳам сизларнинг муқобил турарлик кучингиз йўқдир. Гумони голиб улдирким, яна 50 йилдан сунг (руслар) сизларнинг вилоятингизга эга булур»¹.

Илгари айтиб утилганидек, Оллоқулихон бу таклифни саройдаги нуфузли кишилар билан биргаликда муҳокама қилаётганида шундай деган эди: «Эллик йилгача ким бор — ким йўқ, биз эллик йилдан кейин келур ишнинг андишаси билан бу кун юртимизни қўлдан бермасмиз»².

Муҳаммад Амин вақтида (1845—1855) Хива билан Бухоро хонликлари уртасидаги урушлар ҳар икки томоннинг кучсизланишига олиб келган эди. Бу ҳол Рус давлатига жуда фойдали бўлган.

Маълумки, 1834 йили Каспий денгизининг шарқий қиргогидаги Қайдак деган жойда руслар томонидан Ново-Александровск истеҳкоми қурилган эди. Аммо бу ердаги сувнинг сифатсизлиги ва табиий шароитнинг оғирлиги туфайли рус солдатлари орасида касаллик тарқалади. Шу боис истеҳкомни бошқа жойга қуриш зарурияти туғилди. Шу муносабат билан 1846 йил 12 апрелда Гурев шаҳарчасидан 700 солдат икки кема билан Мангишлоқ яримролига келиб, ҳарбий истеҳком қуришга киришадилар. Бу истеҳком битганидан кейин Новопетровск номи берилади. Мангишлоқ яримролининг Тюқ-қараган деган жойида қад кутарган бу қалъа кемалар тухташи ва шароити жиҳатидан жуда қулай ҳисобланган. Ҳатто у ерда тураржойлар қуриш режалаштирилган³.

Рус ҳарбий истеҳкомининг қурилиши Хива хонлигини ташвишлантирган ва норозилигини уйғотган. Чунончи, Хива хони рус аскарлари Мангишлоққа келиб истеҳком қурганлигини эшитганидан кейин кўп нуфузли кишиларни туплаб, маслаҳатлашган. Узоқ фикр алмашганларидан кейин туркманлар у ерга русларнинг киришларига йўл қўймасликлари лозимлиги ҳамда Рос-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Донесение Оренбургского военного губернатора вице-канцлеру; 16 апреля 1846 г., № 154.

сияга элчи юбориб, норозилик билдириш ҳақидаги қарорга келинган. Қалъа қурилганлиги туфайли унга қаршилик кўрсатишнинг вақти утганлиги ҳам қайд этилган¹.

1846 йилнинг кузида хонликнинг Қиличниеъбой ва Шукруллобойдан иборат элчилари Петербургда шахсан император ва бошқа йирик амалдорлар томонидан қабул қилинган. Элчилар савдога доир масалалар билан бирга Манғишлоқда ҳарбий истеҳком қурилишига қарши хоннинг норозилигини билдирадilar. Рус ҳукумати бу норозиликнинг уринсизлигини айтиб, Хива хони Муҳаммад Амин номига Россия давлат канцлерлари хат ёзади: «Сизнинг элчиларингиз бизнинг ҳукмдоримиз императордан ҳам шуни эшитдиларки, Манғишлоқда қурилган ҳарбий истеҳкомдан ҳеч бир ташвишланмасангиз ҳам бўлади. Бу истеҳкомнинг фақат савдо йулларининг хавфсизлигини ва тинч-осойишталикни таъминлашдан бошқа мақсади йуқ. Маълумки, сизнинг савдо карвонларингиз бу йулдан Астраханга утадилар... Шундай қилиб, сизнинг хавфсирашингиз асоссиз»².

1847 йили Оренбург генерал-губернатори Обручев бошчилигида яна бир ҳарбий истеҳком қуришга киришилди. 16 июнда Оренбург шаҳридан 200 чақирим узоқликдаги Орскдан 5000 рус солдати 4440 от ва 2726 туя билан йулга чиқиб, уша ойнинг охири кунларида Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган Раим деган жойига урнашдилар. Туяларга ортилган юklar орасида кичик кема ва қайиқларни қуриш учун мўлжалланган қурилиш жиҳозлари ҳам бор эди.

Босқинчиларнинг бундай ҳаракатларидан норози бўлган қозоқ султонлари бўлмиш Жонғози Шерғозиев ва Илекий (Эрмуҳаммад) Қосимов минг кишидан ортиқ жангчилар билан душманга қарши отландилар. Улар ёрдам сураб Хива хони Муҳаммад Аминга мурожаат қилдилар.

Аммо рус қўшини ҳеч қандай қаршиликка учрамади. 1847 йилнинг июл ойида Раим ҳарбий истеҳкоми бунёд этдилар. Бу қалъа Хива хонлигига қарашли Жонқалъадан 70 чақирим узоқликда жойлашган эди. Уша йилнинг 23 августида Жонқалъада Хива хонлиги-

¹ Донсенние Оренбургского военного губернатора вице-канцлеру; 30 июля 1847 г., № 1082.

² Письмо Государственного канцлера Нессельрода хану Хивинскому; 26 апреля 1847 года, № 1161.

нинг Хужа Ниёзбек бошчилигидаги қушинлари ҳамда Жонгози Шергозиев билан Илекей Қосимов жангчилари — 7-10 минг киши тупланди. Уларнинг бир қисми Сирдарёнинг унғ қиргоғига утиб, Россияга хайрихоҳлик билан қарайдиган айрим қозоқ қабилаларини жазоладилар ва мол-мулкни таладилар. Раим истеҳкомининг бошлиғи подполковник Ерофеев 200 солдат ва 2 туп ҳамда қозоқ бийларидан Жонхужа бошчилигидаги 700 киши билан ватан ҳимоячиларига қарши ҳужум қилдилар. Бу тўқнашув 1847 йил 23 августда Раим истеҳкомидан 110 чақирим нарида Истак-Сапак қудуғининг атрофида бўлди. Бу ерда рус солдатлари 1500 кишилик ватан ҳимоячилари гуруҳи билан жанг қилди. Натижада ҳимоячилардан 70 киши, душман аскарларидан эса 2 киши ҳалок бўлиб, босқинчилар ғалаба қозондилар. Шунга қарамай, Рус давлатининг тажовузига қарши кураш тўхтамади.

Ноябр ойининг иккинчи ярмида хонликнинг Раҳмонбердий қумондонлигидаги 10 минг кишилик лашкари ва оломон тупланди. Улар орасида Хужа Ниёзбек ва Илекей Қосимовнинг ҳам қушини бор эди. Подполковник Ерофеев 240 солдатни икки туп билан ватан ҳимоячиларига қарши юборди. Қорақумда 27 ноябрдан бошлаб тўрт кун давомида қаттиқ жанг бўлди. Рус қушинининг қули баланд келиб, ҳимоячилардан 340 киши ўлдирилди, душмандан эса 2 киши ўлдирилиб, 6 киши ярадор бўлган. Хонлик ва рус аскарлари уртасидаги тўқнашувлар кейинги йили ҳам давом этди. 1848 йилнинг 6 мартида Сирдарёнинг унғ қиргоғида 1500 кишилик Хива қушини пайдо бўлди. Улар орасида туркманларнинг ёвмуд қабиласи вакиллари кўп эди. Шунингдек, қозоқ султони Жонгози бошчилигидаги ҳимоячилар бор эди. Уларга ёвмуд қабиласининг сардори Абдухолиқ ва Хива лашкарбошиси Хужа Ниёз бош эдилар. Бироқ улар қаттиқ жанг қилишга ботинолмади, чекинганлар. Ҳар икки томон уртасида кичик отишмалар бўлган, холос.

1848 йилнинг 26 майида 2 мингга яқин хиваликлар Ирғиз ариғи бўйлаб чулни текшириш билан шуғулланган рус аскарларига дуч келади. Душман кучларидан 160 солдат, 7 топограф, 15 арава ва 50 туяга ортилган юклар билан олдинги сафда бормоқда эдилар. Улардан бир неча чақирим орқада 100 солдат икки туп билан 500 аравани қуриқлаб келмоқда эди. Буларнинг орқасида эса 200 солдат ва икки тупнинг паноҳида

3000 туя юк билан борган. Барча ҳарбий қисмларга генерал-майор Шрайбер қумондонлик қилган. Ватан ҳимоячилари Ирғиз аригидан кечиб утиб, олдинги сафдаги душман кучларига қарши ҳужум қилади. Бу жанг салкам бир кун давом этади. Ҳимоячилар чулға ут қуйиб, душманнинг ҳаракатига тусқинлик қилмоқчи буладилар. Аммо руслар ёнгинни учириб ва голиб келиб, ватан ҳимоячиларини чекинишга мажбур этганлар. Бу воқеадан бир кун илгари хиваликлар ва туркманлардан ташкил топган 400 ҳимоячи Раим истехкомининг атрофида 100 рус солдати билан жанг олиб бориб, мағлубиятга учради. Улардан 100 киши улдирилди, 6 милтиқ, 29 қилич ва 9 найза улжа олинди, 11 киши асир тушди. Муҳаммад Аминхон Россияга қарши курашиш учун ёрдам сўраб, Тошкентга элчи юборган, лекин бу илтимос бажарилмаган¹.

Хива хонлигига қарши олиб борилаётган сиёсат шахсан императорнинг кўрсатмаси ва назорати остида амалга ошириб борилди. 1848 йил 23 февралда ҳарбий вазирнинг берган маълумотига кўра, император Амударёни ва Орол денгизининг атроф-жойларини текширишни давом эттиришни ҳамда хиваликлар қаршилик кўрсатган тақдирда, қурол билан жавоб бериш лозимлиги ҳақида буйруқ берган².

Хива хонлиги эса Орол денгизи атрофидаги қозоқларни Рус давлатига қарши биргаликда курашишга чақирган. Масалан, Муҳаммад Аминхон ботир Жонхужа Нормуҳаммедовга хат юбориб, «Мусулмончилик бурчига садоқат курсатиб, кофирларга қарши қўзғалиш»га даъват этган³. Аммо у хоннинг хатини рус ҳарбий маъмурларига маълум қилиб сотқинлик кучасига кирган.

Хива хони босқинчиларга хайрихоҳ айрим қабила-ларни жазолаш учун қўшин юбориб турди. 1848 йилнинг 6 мартида 2000 кишидан иборат хиваликлар Сирдарёнинг унги қирғоғидаги қабилаларнинг мол-мулкини талади. Айни бир пайтда хиваликларнинг катта бир гуруҳи Раим қалъасига яқин жойда рус аскарлари билан жанг қилган. Сўнгра улар орқага қайтиб кетганлар.

¹ Донесение Оренбургского военного губернатора Военному министру; 13 июля 1848 г., № 991.

² Донесение Военного министра вице-канцлеру; 23 февраля 1848 г., № 1885.

³ Донесение командующего Оренбургского корпуса Военному министру; 30 марта 1848 г., № 368.

Хива хонлиги қозоқ чулларида узининг мавқеини тобора кучайтириб бораётган Россия билан масалани фақат ҳарбий йул билан эмас, балки тинч йул билан ҳам ҳал этишга уринган. 1848 йил апрел ойида хонлик девонбегиси Бекниёз Маҳрам Оренбург ҳарбий губернатори В. Обручевга юборган хатида шундай деган: «Оренбург ҳарбий губернаторига маълум бўлсинки, сен биз томондан юборилган элчимизга ҳар икки мамлакат уртасида дўстона алоқалар бўлишини, ўзаро ҳурмат ва иззат кўрсатишни ҳамда савдо аҳлининг ҳар икки томонга бемалол қатнашини хоҳлашингни баён этибсан. Уз навбатида биз ҳам уз ҳукмдоримизнинг яхши ниятларини билдириб, ҳар икки давлатнинг дўстона муносабатда бўлишини ва савдогарларнинг ҳар икки тарафга эркин равишда боришларини истаймиз. Аммо сенинг қилаётган ишларинг дўстликка зиддир. Агар сен чинакам дўст бўлсанг, нима учун Мангишлоқда ва Сирдарёда қалъалар қурдинг? Бу жойлардан одамларингни олиб кет, акс ҳолда, худонинг хоҳиши ила иш юритилади.

Бизнинг ҳарбий қисмларимиз душманимиз Жонхужани қувлаганда сенинг аскарларинг бизникилар билан туқнашганлар. Бизнинг одамлар эса хондан кўрсатма йўқлиги сабабли урушни давом эттирмаганлар»¹.

Мазкур хат Хивага савдо иши билан борган Ключарев орқали жунатилган эди. Бу ростовлик савдогарнинг Хивада олган маълумотларига қараганда, Муҳаммад Аминхон қандай бўлмасин Мангишлоқ ва Сирдарёдаги рус ҳарбий истеҳкомларини йўқ қилиш ҳаракатида бўлган. Унинг айтишича, хон қозоқларни Россияга қарши чиқишга даъват этиб турган. Ҳарбий губернатор Обручев девонбегининг хатига тайёрлаган жавобида Мангишлоқ ва Сирдарёдаги истеҳкомлар чулда тинчлик ва осойишталикни, ўзаро дўстлик алоқалари ва савдонинг хавфсизлигини таъминлаш учун қурилган, деб, босқинчилик сиёсатини оқлашга уринган.

Рус ҳукумати Орол денгизи ва Сирдарёнинг табиий шароитини, бойликларини урганишга алоҳида аҳамият берди. Уларнинг хариталари тузилди ва кемалар олиб келинди. Бундан мақсад денгиз ва атрофдаги жойларни узлаштириш ҳамда мустаҳкам урнашиб олиш эди. Бу борада Оренбург ҳарбий губернатори катта ишлар

¹ Донссение Оренбургского военного губернатора канцлеру; 13 апреля 1848 г., № 440.

ни амалга оширди. Айниқса, флот лейтенанти Бутаков бошчилигида қимматли маълумотларни қўлга киритдилар. Орол денгизига «Николай» ва «Константин» кемаларининг туширилиши босқинчилик сиёсатини юргизиш учун янада кўп имкониятлар яратди. Шунинг учун ҳам капитан Бутаков ва унинг ҳамроҳлари шахсан император томонидан мукофотланганлар.

1848 йилнинг август ойида Хива хонлигининг девонбегиси номидан Эшбой Бобоев элчи сифатида Оренбургга бориб, унинг ҳарбий губернаторга ёзган хатини тақдим этган. Хатда алимчуман, адай ва табан сингари қозоқ қабилалари кўп вақтлардан буён хонлик тасарруфида бўлиб, солиқ тулаб келганликлари уқдирилган. Ҳозирда эса уларга Рус давлати эгалик қилмоқда. Хатда ҳамма вақт рус ҳукумати, элчилари дўстлик ва биродарлик ҳақида гапирадилару, лекин амалда бунинг тескараси қилинмоқда, дейилган. Унда агар Россия ҳақиқатан ҳам хонлик билан чинакам дўстликни истаса, у вақтда Манғишлоқдаги ва Сирдарёдаги истеҳкомларини бузиб ташласин, деб айтилган. Керак булса, — деган девонбеги, — биз ўзимиз ўша жойларда қалъалар қуриб, тинчликни ва савдонинг хавфсизлигини таъминлаймиз.

Шу равишда Хива хонлиги рус истеҳкомлари қурилишининг гайриқонунийлиги ҳақидаги фикрни ҳарбий губернаторга етказган эди.

Рус — Хива муносабатларида тўқнашувлар бўлиб, келажакда бутун Туркистон улкасини босиб олишга интилиш аниқ сезилиб турган пайтда Бухоро хонлиги Рус давлатининг сиёсатини қувватлади. 1848 йилнинг сентябр ойида Оренбургга борган Бухоро элчиси Ҳожи Мирза Хайрулла мирохур Хива хони амирдан Манғишлоқдаги ва Сирдарёдаги рус ҳарбий истеҳкомларини йўқ қилишни сўраб Рус давлатига мурожаат этишни сўраганда, у қалъаларнинг қурилиши фойдалилигини, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслигини айтганлиги ҳақида рус маъмурларига ахборот берган¹.

Оренбург ҳарбий губернатори девонбегининг хатига бу гал ҳам ҳарбий истеҳкомлар тинчликни ва савдотик ишларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қурилган, деб жавоб берган.

¹ Донесение Оренбургского Военного губернатора вице-канцлеру; 14 сентября 1848 г., № 1371.

Рус давлати томонидан Орол денгизига кемаларнинг туширилиши Хива хонлигини ташвишлантирган. Зеро, 1850 йили Россияда булган Хива элчиси Ҳожи Оллобердиев ташқи ишлар вазирлигида Россиянинг Орол денгизига юриши хонлик аҳолисининг безовта булишига олиб келиши ва уларни дарҳол тухтатиш ҳақидаги сўровини маълум қилган. Бунга давлат канцлери Несселрод Россияга тегишли ерларнинг Оролга туташлиги ва шу боис денгизда кемалар юргизишга ҳаққи борлигини айтган¹.

Муҳаммад Аминхон рус ҳукуматининг Орол денгизи ҳамда унинг атрофидаги бепоён ерларни егаллаш ва урганишга қаратилган ҳаракатларининг тобора кучайиб бораётганлигидан қаттиқ хавфсираб, русларнинг дўстлик ҳақидаги тинимсиз ваъдаларига ишончи йуқолиб борди. Шунинг учун у 1852 йили Шукруллабой Мискинов бошчилигида 11 кишидан иборат элчиларни юборди. Улар 26 апрелда Оренбургга етиб борди. Бу ерда элчи шахсан Муҳаммад Аминнинг императорга ҳамда девонбеги Бекниёзнинг Оренбург ҳарбий губернатори Перовскийга ёзган хатларини топширди².

Олдинги 1850 йили ҳам Хива элчиси Худойназар Петербургда император билан учрашганда унга хонлик билан дўстлик алоқаларининг тарафдори эканлигини айтган эди. Муҳаммад Амин императорнинг мана шу сузларини уз хатида қуйидагича баён этган: «Сиз, император олийлари, менинг элчимга шундай деган эдингиз: «Менинг хоҳишим хонлик билан фақат дўстлик ва яқин алоқаларни сақлашдан иборат булиб, бошқа ҳеч қандай даъвоим ва талабим йуқ. Мен бирор баҳона билан ҳеч қачон русларнинг Сирдарёнинг жануби-ғарбий томонига утишларига йул қўймайман. Борди-ю, фуқароларимиздан бирортаси у томонга утса ва бундан мен хабар топсам, у вақтда бундай ҳаракатлар мен томонимдан тақиқланади». «Ҳозирда, — дейилган хатда, — биз император олийларининг айрим фуқаролари Сирдарёнинг жануби-ғарбий томонига утиб, текширув ишларини утказётганлиги ҳақидаги маълумотларни олдик. Ахир, бу сизнинг сузларингизнинг акси-ку?! Русларнинг император олий ҳазратларининг айтганларига қарши улароқ қилган бундай

¹ Канцлер Оренбургскому военному губернатору; 31 марта 1850 г., № 1219.

² Донесение Оренбургского генерал-губернатора директору Азиатского департамента; 12 апреля 1852 г., № 70.

ишларидан ҳеч нарсага тушунмай, шахсан императордан бу масала хусусида аниқ жавоб олиш учун Шукруллабойни элчи сифатида юбораётгирмиз»¹.

Рус ҳукуматининг вакиллари элчининг Петербургга боришига рухсат бермадилар, у билан Оренбург генерал-губернатори Перовский суҳбатлашди. Бу киши юқори мартабали амалдорларнинг кўрсатмаси асосида хон хатига жавоб берди. У рус ҳукуматининг ҳамма вақт Хива хонлигига дўстона муносабатда бўлиб келаётганлигини таъкидлаб, бошқинчилик сиёсатини ниқоблашга бор кучи билан уринди. Хонликдан Россия тобелигидаги қозоқ қабилаларини талон-тарож этмаслик ва уларни қузғолон кўтаришга чақирмасликни талаб қилди.

Перовский русларнинг Сирдарёнинг жануби-ғарбий томонига ўтиши масаласига тўхтаб, шундай деган: «Биз бу дарёнинг тўқай босган чап қирғоғининг ҳолатини яхши билмаймиз. Шунинг учун у ерларда бир гуруҳ одамларимиз 29 кун мобайнида текширув ишларини олиб бориб, маълумотлар тўплади. Биз Хива хонлиги узининг Хужаниёз қалъасида қўшин тўплаб, бизга қарам қозоқларга ва Орол (Раим) истехқомига ҳужум қилармиш, деган хабарни олдик. Бу хавфни бартараф этиш учун биз уша жойларни билишимиз керак»².

Элчи Перовский билан суҳбатда Муҳаммад Аминхон русларнинг Сирдарёдан утмаслиги ҳақида Россия ҳукуматининг ёзма розилигини олиш ниятидалигини билдирди. Агар бу талаб инobatга олинмаса, у вақтда бундан буён хонликдан Россияга элчи юборилмаслигини, Хива ва Сирдарё оралиғидаги ерларнинг ҳарбий истехқомлар қуриш учун Туркия ёки Англияга берилишини баён этди. Элчи ўтган йили хон Матшариф деган кишини Эронда истиқомат қилаётган Туркия вакили ҳузурига юбориб, қайд этилган масала бўйича музокара олиб боришни буюрганлигини маълум қилган³.

Бинобарин, Хива элчиси рус ҳукуматининг муносабати ва жавобларидан қониқмай, норозилигини ошқора айтган. Рус ҳукуматининг вакиллари элчининг сўзларини дўқ-пўписа сифатида баҳолаб, унга бепарволик билан қараганлар. Хива хонлигининг қаттиқ қаршилигига қарамай, рус ҳукумати Орол денгизи ва Сирдарё-

¹ Донесение генерал-губернатора директору Азиатского департамента; 6 мая 1852 года, № 83.

² Уша жойда, уша бет.

³ Донесение Оренбургского генерал-губернатора директору Азиатского департамента; 17 августа 1852 г., № 129.

ни ҳар томонлама текшириш, маълумотлар тушлашни давом эттираверди. Масалан, 1852 йил 18 августда Оренбург генерал-губернатори Перовскийнинг берган маълумотига кура, императорнинг курсатмасига биноан Орол (Раим) истеҳкомидан Сирдарёнинг юқори оқими буйлаб чузилган жойларни текширишга, бу дарёнинг унги қирғоғидаги хонликка тегишли қалъаларнинг барчасини йуқ қилишга киришилди. Шу мақсадда полковник Б. Бларамберг бошчилигида 400 солдат уша жойларга жунатилди. Унга Орол денгизи ва Қуқон истеҳкоми оралигидаги Сирдарё буйлаб чузилган жойларни текшириш, агар бу ишга қуқонликлар қаршилик курсатса, жанг қилиш ҳамда имкони бўлса, Оқмасжидни остинустин этиш вазифаси юклатилган.

Сир ва Қувондарё қирғоқларида тахминан 1830 йили қурилган Хива қалъаси Хужаниез ҳам руслар томонидан урганилган. Рус ҳукуматининг юқорида суз борган босқинчилик ҳаракатлари Муҳаммад Аминхонни шу даражада ташвишланттирганки, «қунларнинг бирида жума намозига барча имомларни ва нуфузли руҳонийларни чақириб русларнинг Хивага келмасликлари учун Худои таоло уларнинг юрагини юмшатишини сўраб, дуо қилишга даъват этган. Хон қатнашган бу намозда 270 имом иштирок этган»¹.

1860 йили қорақалпоқларнинг сардори Мулла Маҳмудбий 3 рус кемасининг Орол денгизи буйлаб Амударёнинг унга қўшилиш жойида келаётганини хонга маълум қилган. Баёнийнинг ёзишича, Муҳаммад Аминхон Иноят деган кишини мазкур маълумотни аниқлаш мақсадида юбориб, яроғ-аслаҳа ва аскарларни кемага жойлаштириб, дарё орқали душманга қарши жунатган. Унинг узи эса қолган аскарлар билан дарё соҳили буйлаб денгиз томон юрган².

Муҳаммад Амин Куба тоғига келганда рус кемаларининг байроқлари қурилган. У туллар ва лашкарларни дарё қирғоғида урнаштиришни буюриб, узи тоғнинг тепасига чиқиб қузатган.

Шоҳмурод иноқ, Муҳаммад Мурод қалмоқ ва Абдулла мингбоши сингари саркардалар туллар ва аскарларни кеманинг рупарасига саф торттириб қўйганлар. Ватан ҳимоячиларининг иккинчи қисми эса Ҳаким

¹ Донесение командира Оренбургского корпуса директору Азиатского департамента; 12 ноября 1852 г., № 1664.

² Шажарайи хоразмшоҳий. 311- бет.

оталиқ, Убайдулла иноқ ва Бобобек раҳбарлигида дарёнинг орқа томонидан кемаларга қарши рупара бўлган. Ҳимоячилар кемаларда туриб жангга шайланган эдилар. Кемалардаги руслар хон юборган элчига: «Рус подшоҳи сизнинг подшоҳингиз билан узаро элчилар юбориб, дустона муносабатладир. Шу сабабдан бизлар юртимиз бир деб фаҳмлаб, томоша тариқасида бу ерга келдик. Ҳеч бир кишига даъвомиз йўқ», — деганлар¹.

Хон бу сўзларни инобатга олиб, душманга ҳужум этмасликни буюрди, Хива кемалари рус кемалари ёнидан утаётганида солдатлар ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмай турганлар, сўнгра орқага қайтганлар.

Афтидан, урушиш мақсадида келган рус кемалари ватан ҳимоячилари томонидан қуршаб олинганлиги тўғрисида чеккинишга мажбур бўлганлар.

Рус давлати Қирим уруши (1853—1856) билан банд бўлиб, унинг босқинчилик ҳаракатларини сусайтиришдан бошқа иложи қолмади. Қирим урушидаги мағлубияти русларнинг халқаро мавқеининг пасайиши билан бирга мамлакатнинг узида ҳам инқирозни юзага келтирди. Рус ҳукумати аҳволни ўзбек хонликларининг устидан ғалаба қозониш ҳисобига унглашга киришиб, уларга қарши курашни яна бошлаб юборди. Чунончи, 1856 йили генерал-майор фон Фитингоф 320 пиеда, 300 казак, 3 замбарак, 2 ракета станогли билан Хужаниёз қалъасини босиб олди. Шундан кейин Рус давлати билан хонлик ўртасида қаттиқ тўқнашувлар бўлмади. Чунки рус ҳукумати биринчи навбатда Қўқон, сўнгра Бухоро хонлигини босиб олишни асосий вазифа этиб қўйган эди.

Шу билан бирга, рус ҳукумати ўз элчилари орқали хонликнинг ички ва ташқи аҳволи ҳамда йўллар ҳақида маълумотлар тўплаш ҳаракатларини сусайтирмаган. Бироқ у узининг бу мақсадини рус асирларини озод қилиш, карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш ва савдони ривожлантириш билан ниқоблаб иш юритган. Гарчанд Хива хонлари рус ҳукуматининг ёвуз ниятидан хабардор бўлсалар-да, лекин асирларни озод этиш ҳақидаги баҳонани бартараф қилишга қаттиқ киришмадилар. Фақат Оллоқулихон кўрсатилган масалани ҳал этиб, Россия даъвосига чек қўйишга уринади. Одатда руслар қозоқлар ва туркманлар томонидан Рос-

¹ Уша жойда, уша бет.

сия чегара жойларида қулга туширилиб, асир сифатида хонликда сотиларди. Улар турли соҳаларда қул каби ишлатилган.

Оллоқулихон 1841 йил 18 июлда асирлар хусусида шундай фармон эълон қилган эди: «Хоразмнинг жаннат каби боғларида яшовчи фуқароларимизга, мамлакатимизнинг айрим ҳокимларига, ёвмут, чавдар, туркман қабилаларининг бошлиқларига, барча баҳодир аскарларимизга, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг бошлиқлари ва бекларига ҳамда подшолигимиз қул остидаги фуқароларимизга буюраманки, пайгамбар алайҳиссаломнинг тарихи билан 1256 йил жумадул аввал ойида (1840 йил ёзида) берган буйруғимизни билсинларки, биз буюк рус императори билан сулҳи осойишталик аҳдини тузиб, у билан яхши алоқада бўлишни чин кўнгилдан истаймиз. Бинобарин, шу кундан бошлаб, ҳеч ким рус ҳукмронлиги остидаги ерларга бостириб кирмасин ва рус асирларини сотиб олмасин. Агарда кимда-ким, бизнинг бу олий фармонимизга бўйсунмасдан Россия ерларига ҳужум қилса ёки рус асирларини сотиб олса, бизнинг подшоҳлик қаҳримиздан қочиб қутула олмайди ва тегишли жазосини тортади».

Фармондан маълумки, Оллоқулихон Рус давлати билан дустона муносабат тарафдори булган. Бунинг исботи учун у 416 рус асирини озод қилган ва уларнинг таъминоти учун салмоқли маблаг сарфлаган. Хусусан, ҳар бир кишига бир тилла пул, бир қоп ун, икки кишига биттадан туя бериб, Оренбургга жўнатган.

Оллоқулихоннинг бу тадбири рус ҳукуматининг муносабатини бироз юмшатиб, 1841 йили бош штаб капитани Никифоров элчи сифатида Хивага юборилади. 1842 йили эса подполковник Данилевский элчи бўлиб келади. Бу ҳар икки элчи зиммасига рус асирларини озод эттиришга, дўстлик ва савдо алоқаларининг самарадорлигини таъминлашга доир масалаларни ҳал қилиш юкланган эди.

Полковник Игнатов 1858 йили элчи сифатида офицерлар ва хизматчилардан иборат 100 киши билан Хивага йўл олади. Улар орасида астроном ва шарқшунос олим ҳам бор эди.

Элчи Н.П. Игнатовга қуйидаги топшириқлар берилган эди:

1. Урта Осиёда ҳукм сураётган вазиятни урганиш;
2. Хива ва Бухорода Россия таъсирини мустаҳкам-

лаш, рус савдоси учун қулай шароит яратилишига эришиш;

3. Урта Осиёга Англиянинг кириб келишига йўл қуймаслик ва минтақани Россия томонига оғдириш;

4. Хондан рус кемаларининг Амударё буйлаб сузишига рухсат олиш ҳамда бунга эришилган тақдирда маълумотлар тўплаш учун кемада дарёнинг юқори оқимага, хусусан, Балхгача бориш.

Туркманлар ва қозоқларни Россияга қарши қўзғатмасликни хоннинг зиммасига юклаш вазифаси ҳам қўйилган эди.

Бинобарин, Н.П. Игнатов асосан ҳарбий нуқтаи назардан хонликка жунатилган эди. У ҳамроҳлари билан кемада Қунгиротгача бориб, сунгра карвон йули билан Хивага келган.

Хива хони элчи билан суҳбатда дустлик ва савдо алоқаларини ривожлантиришга доир масалаларга розилик билдирган булса-да, лекин рус кемаларининг Амударё буйлаб сузиши ҳақидаги масала ҳал бўлмайди. Рус кемаларининг сузиб юришига рухсат берилиши хонликнинг босиб олинишини тезлаштирарди, холос.

Афсуски, хонлик тарихига оид маҳаллий манбаларда элчиларнинг фаолиятига доир маълумотлар ниҳоятда қисқа ва умумий тарзда берилган. Масалан, Баёний асарида 1858 йили хон Фозилхўжа исмли кишини Россияга элчи сифатида юборгани ва унинг қайтганлиги уқтириб утилган, холос¹.

Манбада рус элчиси Игнатов «дустлик ва ҳамкорлик изҳори учун Хивага келиб, хонга нома ва совғалар тақдим этди, хон эса элчига меҳрибонлик курсатиб, узларининг «Гандумкон» отлиқ ҳовлиларига тушириб, унга вазифа белгиладилар», — деб ёзилган².

Босқинчилар хонликни хавф остига олиб турган бир пайтда Паноҳбек бошлиқ айрим маҳаллий юқори табақа вакиллари уз шахсий манфаатларини уйлаб, хоинлик қилишгача борганлар. Хусусан, Орол минтақасидаги бир неча беклар Россия тобелигига утиш ҳақидаги хатни русларнинг Орол истеҳкомига юборганлар.

«Бизлар, — дейилган хатда, — уз хонимиздан юз угирдик. Сизлардан илтимосимиз шулким, бир қисм Русия аскарлари ёрдам учун келиб, бизнинг қалъамиз-

¹ Шажарайи хоразмшоҳий, 405-бет.

² Уша жойда, уша бет.

да турсалар, у вақтда бизлар инону ихтиёримизни уларнинг қулига бериб ва сизлар билан бориш-келиш қилиб, ҳимоянгиз остида бўлиб, Русия аскарларининг бир қанча харажатларини уз зиммамизга олардик»¹.

Хатга жавобан 300 рус аскарлари қурол-аслаҳа билан шайланган ҳолда Қунғирот қалъасига яқинлашиб, бир неча кун мобайнида хоин беклар билан муомалада бўлганлар. Аммо Қунғирот аҳолиси русларни уз ерларига қўймай, уларга ҳужум қилиш тараддудига тушдилар. Бундан руслар қурқиб, кемаларда уз жойларига қайтиб кетганлар².

Бу вақтларда Қунғиротда зулм ва қаҳатчилик ҳукм суриб, халқнинг аҳволи ниҳоятда ёмонлашган эди. Бунинг устига ҳоким Паноҳбекнинг хоинлиги ҳамманинг газабини яна қўзғатиб, қўзғолон кутарилишига олиб келган.

Қўзғолончилар Паноҳбекнинг уйини қуршаб, бир неча соат жанг қилиб, сунгра дарвозани синдириб, ичкарига кирганлар. Паноҳбек ва тарафдорлари улдирилиб, унинг калласи қўзғолон бошчиси Бобоҳужа ва сафдошлари томонидан Хивага келтирилиб, хонга тақдим этилган. Бунинг эвазига Бобоҳужа дин пешвоси бўлса керакки, унга шайхулислом унвони берилган.

Сайид Муҳаммадхон (1855—1864) хоинларни ўлимага ёки қамоқ жазосига ҳукм қилиб, Маҳмуд ясовулбошини Қунғиротнинг нуфузли кишилари бўлмиш Бобоҳужа шайхулислом, Паҳлавон Ниёзбий ва Тожимуродбий билан у ерга жунатган. Бу ерда Маҳмуд ясовулбоши хоинларга хайрихоҳлик қилган кишиларни топиб жазолаган³.

Сайид Муҳаммад Раҳимхон (1865—1910) даврида Каспий денгизи бўйларида қозоқлар томонидан русларни асирга олиб, хонликда сотиш бирмунча жонланади.

1870 йил 24 мартда Манғишлоқ манзилгоҳининг бошлиғи полковник Рукин ҳарбий қисм билан аҳволни билиш учун одайлилар қабиласининг ерларига борганида бир гуруҳ қозоқлар билан тўқнашган. Натижада руслардан бир офицер улдирилган ва бир неча солдат асирга олиниб, Хивада сотиб юборилган. Шу муносабат билан Оренбург генерал-губернатори чиқлик қаби-

¹ Уша жойда, 414-бст.

² Уша жойда, уша бст.

³ Уша жойда, уша бст.

⁴ ЦГВИА, ф. 400, д. 1872, л. 56.

ласига мансуб Зойир Турлубековни асирларнинг бушатилишини сўраб Хивага юборган¹. Бу ерда хон уни ҳурмат билан қабул қилиб, асирларни бушатишга ваъда беради ва у билан бирга оталиқ Бобо Эрназар Қобиловни (қорақалпоқ) элчи сифатида Россияга жўнатади¹.

Рус архив маълумотларига қура, 1872 йил 12 мартда элчи Оренбургга келган. Бу ерда элчи хоннинг императорга ва девонбегининг Оренбург генерал-губернаторига ёзган хатларини маълум қилиб, Петербургга бориши лозимлигини билдиради. Аммо Ташқи ишлар вазирлигининг курсатмасига биноан элчининг сўрови рад этилади².

Элчи Оренбург ҳарбий маъмуриятининг вакили билан суҳбатда Россия билан хонлик ўртасидаги чегарага доир масала ҳақида гапирганда, рус ҳукумати асирлар озод қилинганидан кейингина музокара олиб бориши мумкинлигини билдирган³. Элчи эса ҳеч бир натижасиз ватанига қайтган. «Шундан кейин, — дейди Баёний, — Русия давлати тарафидан Давлат Тура ибн Бушай Тура отлик элчи сифатида келди». Бу элчи аслида 1869 йилнинг охирида Туркистон генерал-губернатори К. Кауфман томонидан юборилган эди.

Унинг хонга юборган хатининг мазмуни қуйидагича эди: «Сизни жамоа билан бизлар бурундин дустлик била равиш этиб юрур эрдик. Алҳол, эшитурмизким, бир неча ўғри ва авбошлар биз жамоадин бир неча кишини асир этиб, ул тарафларда сотгон эмишлар. Тавакқуъ (умидворлик) улдуким, бурунги дустликнинг риоясини тутиб, ул асирларни бериб юборгайсиз. Қозонлидан ул тарафи сизнинг ҳаддингиз ва бу тарафи бизга мутааллуқдур. Муңдин сунг асло бир-биримизнинг ҳаддимизга мутаарруз (тажовуз) бўлмай, дўстона сулукни маслук тутгаймиз. Одам авлоди азиз ва мукаррам жамоадурлар. Оларни чорпой (ҳайвон) қаторида бозорга олиб (бориб) сотмоқ ҳеч вилоятда йўқдур. Сизлар ҳам шундоғ ишни этмасангиз яхшироқдур. Бу сўзларни қабул этсангиз, биз жамоанинг боиси миннатдорлигимиздур. Вагарна, мундоғ ишларнинг охири низо ва ҳарбга мунжар бўлур, вассалом»⁴.

Сайид Муҳаммад Раҳимхон девонбеги ва бошқа са-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, л. 75.

³ Уша жой, уша бет.

⁴ Шажарайи хоразмшоҳий, 442- бет.

рой амалдорлари билан элчи қуйган масалани муҳокама қилганда бир гуруҳ кишилар талаб қондирилишини, бошқалари эса қарши чиқиб, асирларни озод этиш Русиядан қўрқошимизни курсатади, дейишган. Хонга кейинги фикр маъқул бўлиб, элчини «қуруқ сўзлар билан қайтарганлар»¹.

Бу вақтда Бухоро хонлигидаги Россия тажовузига қарши айрим юқори табақа вакиллари, хусусан, амир Музаффарнинг ўғли Абдумалик бошпана қидириб Хивага келган. У келиши сабабига тўхталиб: «Отамиз Бухоро вилоятини Россияга бермоқчи бўлдилар. Биз монъе бўлуб, урушга тарғиб этдук. Отамизга бу сўзларимиз хуш келмай, орада ваҳшат пайдо бўлди. Ондин сунг ул ерда турмоқни маслаҳатдин бағоят баъд қўруб, бояқбор чиқиб, бу тарафгаравон бўлдук» деган².

Абдумалик Тура отасига ва Россияга қарши урушни давом эттириш мақсадида Муҳаммад Раҳимхондан ҳарбий ёрдам сўраган. Аммо хон Бухоро амири билан дустона муносабатда бўлиш ҳақида шартнома мавжудлигини руқач қилиб, унинг илтимосини қабул этмаган. Умидсизланган Абдумалик Тура ватанини ташлаб, Эрон тарафга кетган³.

Муҳаммад Раҳимхон юқорида номи тилга олинган Давлат Тура ибн Бушай Тура отлиқ билан Муҳаммад Амин Эшон бошчилигидаги элчиларни Россияга юборган эди. Улар 1872 йилнинг 9 мартда Манғишлоқдаги Орол рус қалъасига келганлар. Элчилар гуруҳи 5 кишидан иборат бўлиб, бошлиғи 45 ёшли Муҳаммад Амин Эшон атоқли дин пешвоси ва хоннинг энг ҳурматли кишиларидан ҳисобланган. Қулмуҳаммад Нурмухамедов эса Манғишлоқ эшонининг ўғли бўлиб, 1868 йилгача отаси билан Қорабўғоз атрофида кўчиб юрган ҳамда рус қўшинига ёрдам берганлиги учун медал билан мукофотланган. 1868 йили Александр фортининг бошлиғи билан чиқиша олмаганлиги учун хонлик яқинидаги ўзининг ерларига кўчиб кетган. У хоннинг маслаҳатчиси ва дўсти ҳисобланган. Элчилик таркибида Юсуф Махсум (26 ёш, элчининг ўғли) ва Суфи Аннақилич сингари кишилар ҳам бўлган⁴.

Муҳаммад Раҳимхоннинг элчилари Манғишлоққа,

¹ Уша жойда, 443-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда. Баснийнинг таърифлашича, Абдумалик Тура ҳуснда тенги йўқ 18 ёшли йигит бўлган.

⁴ ЦГВИА, ф. 400, л. 1872, л. 24.

сунгра Тифлис ва Петербургга боришлари лозим эди. Афтидан, хон Кавказ ҳарбий округи орқали элчиларнинг Петербургга боришларини таъминлашни уйлаган булиши мумкин. Чунки Оренбург маъмурияти доимо Хива элчиларини пойтахтга қўймасликка жон-жаҳди билан уриниб келган.

Элчи Муҳаммад Раҳимхоннинг императорга қўйидаги хатини олиб бераётгани: «Қадим замонлардан буен ҳар икки томоннинг олий ҳукуматлари ўртасида ҳамжиҳатлик ҳукм суриб, узаро алоқалар ошқоралик ва дўстлик асосида мустаҳкамланиб борган эди... Аммо утган йили сизнинг аскарларингиз Челақда, хусусан (Красноводскийда) пайдо булиб қолди. Яқинда уша қушиннинг кичик қисми бизга қарашли Сариқамишга келган ва сунгра қайтиб кетган. Бундан ташқари, Тошкент ва Оқмасжид томонидан қушинлар бизнинг чегарамиздаги Мингбулоқ қудугигача келганлар. Буни улуг княз биладими ёки йўқми, бизга номаълум. Ваҳоланки, биз томондан ҳеч қачон дўстликка зид бундай ҳаракат қилинмаган. Фақат бир маротаба бизнинг қўл остимиздаги қозоқлардан 5-6 довюрак кишилар сиз томонга юборилган, лекин улар бизнинг чегарамиздан нарига утмай, ҳеч қандай зиён етказмай, орқага қайтганлар. Уша жамоадан айрим кишилар сизларнинг 5-6 одамларингизни қўлга туширганлар, лекин биз уларни тортиб олиб, ўзимизда сақламоқдамиз... Агар сиз биз билан дўстона муносабатда булишни хоҳласангиз, у вақтда илгариги чегараларни тан олиш ҳақида шартнома тузинг. Шундагина сизларнинг қолган одамларингизни қайтарамиз. Борди-ю мана шу асирлар бизга душманчилик ҳаракатлари ва чегараларингизни кенгайтириш учун шунчаки бир баҳона булса, у вақтда Худои таолонинг хоҳиш-иродасини адо этишдан бошқа иложимиз қолмайди»¹.

Дарҳақиқат, рус ҳукумати учун асирларни озод қилиш масаласи босқинчилик ҳаракатлари учун баҳона ва ниқоб эди, холос. Буни хонлар яхши англасалар-да, лекин уни узил-кесил ҳал этиб, русларнинг ниқобини йиртиб ташлашнинг аҳамиятини тушунмадилар. Чунки улар сиёсий ва ҳарбий билимлардан анча узоқ булиб, купроқ маишат билан банд булганлар. Буни рус ҳукуматининг вакиллари яхши билиб, пировардида, уларни назар-писанд қилмай қўйдилар. Шунинг учун ҳам ташқи ишлар ва ҳарбий вазирликлар Оренбург ва Мангишлоқ

¹ Уша жойда, 87-бет.

ҳокимиятларига элчиларнинг Петербургга боришларига рухсат бермай, ватанларига қайтариш ҳақида курсатма бердилар. Бундан ташқари, музокаралар олиб бориш учун аввало Хива хонлиги рус асирларини озод этиши ва Русияга нисбатан душманчилик ҳаракатларини қилмаслиги лозимлиги элчиларга билдирилди¹.

Элчилар ҳеч нарсага эришолмай, хонликка қайтиб кетишга мажбур бўлдилар. Россия билан тўғриликча алоқа урнатиб, рус босқини хавфидан қутулишнинг иложини тополмаган Муҳаммад Раҳимхон Англия билан алоқа урнатиш йулларини қидирди. У шу мақсадда Англиянинг Ҳиндистондаги вакили вице-президент лорд Нортброн ҳузурига уз элчисини жунатиб, Россия билан Хива хонлиги алоқаларида воситачилик қилишни сураган². Аммо вице-президент рус асирларини ватанига қайтаришни ва Туркистон генерал-губернаторлиги билан дўстона алоқалар урнатишни элчига маслаҳат берган. Чунки унинг мустамлакачилик сиёсати Россиянинг босқинчилик сиёсати билан ҳамоҳанг эди.

«Ҳиндистондаги ва Ўрта Осиёдаги маҳаллий ҳукмдорлар, — деган вице-президент, — шунини яхши билишлари керакки, улар ҳеч қачон Англияни ҳам, Россияни ҳам алдаб, бир-бирларига қарши қўя олмайдилар. Миллионлаб кишиларни зулм остида ушлаб тураётган, ваҳшийлик қилаётган ва илиниб турган Осиё ҳукмдорларининг тахтини христианларнинг қуроли билан ҳимоя қилишга йўл берилмайди»³.

Бу сўзларни уз саҳифаларида босиб чиқарган «Голос» газетаси уларни шарҳлаб, шундай ёзган: «Демак, лорд Нортброннинг гаплари шунини курсатадики, Англиянинг ҳам, Россиянинг ҳам мақсади битта — у ҳам булса, мусулмон ҳукмдорларига зарба беришдан иборатдир»⁴.

«Ҳозирги воқеаларнинг бориши, — дейилган уша газетада, — Англия ва Россиянинг бир йўлдан боришини тақозо этади. Мусулмон кишиси Россия байрогини Бухоро минораларида, Англияникини Деҳлида курганида у асло такрорланмайдиган утмишини фақат куз ёши билан эслаши мумкин. Эндиликда халифалар, те-мурийлар ва мўғулларнинг (бобурийларнинг) даврлари утди ва ҳеч қачон қайтмайди».

Уша газетада Ҳиндистондаги Англия ҳокими мар-

¹ Уша жойда, 58-бет.

² «Голос», 1873, № 18.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

хум лорд Майонинг қуйидаги сўзлари ҳам босилган: «Кимки, Осиё масаласи буйича Англия билан Россиянинг бир мақсад учун ҳаракат қилишига ўз ҳиссасини қўшса, у вақтда бутун инсоният ҳамда ҳар икки империя халқларининг маданияти ва фаровон ҳаётини таъминлашга хизмат этган бўлади»¹.

Умуман, газета Россия ва Англиянинг биргаликда Шарқ мамлакатларида ҳукмронлигини урнатишга чақирган.

Шундай қилиб, Россия матбуоти ҳукуматнинг босқинчилик сиёсатини тула қувватлаб, «улуғмиллатчилик» гояларини тарғиб этган. Унда Бухоро хонлиги томонидан ҳам Ҳиндистонга элчи бориб, Россияга қарши ёрдам сураганлиги, лекин илтимоси инobatга олинмаганлиги қайд этилган².

Эндиликда узбек хонликлари Англиядан ёрдам олиш борасида фурсатни бой бериб, кечиккан эдилар. Чунки илгариги вақтларда Англиянинг ташаббуси хонлик томонидан инobatга олинмаганлиги Рус давлатининг босқинчилик сиёсати учун анча қулай шароитни юзага келтирди. Эндиликда Россия халқаро доирада унчалик қаршиликка учрамай, режаларини бемалол амалга ошириш имконига эга бўлди. Айниқса, Бухоро амири томонидан айрим овруполикларнинг улдирилиши хонликлар туғрисида ёмон таассурот қолдиргани ҳам Рус давлатига фойда келтирди. Хуллас, қулай халқаро вазият хонликдаги ички низолар ва тadbирсизлик рус ҳукуматига қўл келиб минтақада русларнинг мавқеини ошириб юборди. Чунonчи, рус ҳукумати 1869 йили ҳозирги Красноводск шаҳрининг ўрнида полковник Столетов раҳбарлигида яна бир ҳарбий истeҳком барпо этди. Кавказ ҳарбий округига қарашли бу истeҳком туркманлар ва хонлик мустақиллигига хавф туғдирди. Шу боисдан туркманларнинг жанговар қисмлари билан босқинчилар уртасида туқнашувлар юз берди. Рус солдатлари голиб чиқиб, бир неча туркман овулларини бузиб ташладилар. Купсонли Хива қушини эса Эмбадаги ҳарбий қалъани қуршаб олди. Лекин улар узларининг заифликларини англаб, қайтиб кетдилар.

Эришилган галабалар Красноводскдаги қалъанинг бошлиғи полковник Столетовнинг манманлигини шу даражада кўтариб юбордики, у узбошимчалик билан

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, уша бет.

Хива хонлигини босиб олиш учун қизгин тайёргарлик кура бошлади. Аммо ҳукуматнинг олий мартабали вакиллари Столетовни ҳукуматни менсимаслик ва узбошимчаликда айблаб, вазифасидан четлатдилар. Хива хонлигини тезроқ босиб олиш учун рухсат берилишини К. Кауфман ҳам бир неча бор ҳукуматдан сураган эди. Ниҳоят, 1872 йилнинг декабрида император Александр бошчилигида утказилган махсус йиғилишда хонликни босиб олишга рухсат этилди. У ерга уч томондан, яъни Тошкент, Оренбург, Красноводскдан ҳарбий юриш уюштириш ҳақида курсатма берилди. Бу жойларда 1871—1872 йиллар мобайнида ҳарбий тайёргарлик қизитиб юборилган эди. Чунончи, Каспий денгизи ва хонлик уртасидаги жойларни текшириш ва маълумотлар туплаш мақсадида бир неча бор ҳарбий экспедициялар уюштирилди. 1872 йил 12 сентябрда полковник Маркозов қумондонлигида 1700 кишилик аскар 14 туп билан Мангишлоқ ва Чекишлар деган жойлардан чиқиб, 25 сентябрда Топитогга келган. Руслар йулда Хивадан Атрек томонга кетаётган савдо қарвонини талаб, куп туя ва қуйларни улжа олганлар. Бир рус ҳарбий қисми Хивага борадиган йуллар шароитини ўрганиш учун Жамол қудуғига келганда 600 кишилик Хива отлиқлари билан тўқнашган. Бу тўқнашувда руслар 150 туяни қўлга туширишган. Рус аскарларига 1000 отлик Аҳалтақа туркманлари ҳужум қилганларида улардан куп киши ўлдирилган, босқинчилардан эса 4 киши ўлдирилиб, 6 киши ярадор булган.

Рус ҳарбий қисмлари туркманларни қаршилиқ кўрсатганликлари учун жазолаш мақсадида Ичди деган жойда улардан 1000 қўйни тортиб олган. Шундан кейин полковник Маркозов Қизил Арвотга келиб, қўшиннинг бир қисмини шу ерда қолдириб, қолган қисми билан Аҳалтақа водийсидаги Кож, Зов, Қизил Чашма, Женчи, Боми каби туркман овулларига келиб, 1200 хонадонга ўт қўйган ва мол-мулкларини талаган. Аммо бундай ваҳшийларга муносабат эрксевар туркманларни кўрқита олмади. 1873 йилнинг январида Атрек қирғоқларида босқинчилар билан туркманлар уртасида яна жанг булган.

Рус ҳукумати шу даражага бориб етдики, ҳарбий таъминотнинг бир қисмини очиқдан-очиқ босмачилиқ қилиш ҳисобига тулдиришдан ҳам тоймади. Масалан, 18 рота, 9 туп ва 200 казакдан ташкил топган қўшин Атрек сувидан ўтиб, туркманларнинг 3000 туясини тор-

тиб олади. Бу туялар кейинчалик хонликка қарши ҳарбий юришга жалб этилади.

ХИВАНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ

Ҳал қилувчи ҳарбий юришнинг уч тарафдан амалга оширилиши ҳақидаги қарор 1873 йилнинг баҳорида кучга кирди. Зеро, апрелнинг биринчи ярмида полковник Ломакин қушини Манғишлоқдан йулга отланди. У 14 майда Устюрт орқали юриб, урушсиз Қунгиротни эгаллайди. Полковник Маркозов Красноводскдаги қушин билан Ойдин, Топиатан, Ичди деган жойларни эгаллаб, туркманлар билан жанг қилади. 16 апрелда содир бўлган бу тўқнашувда босқинчилар 200 кишини асир, 1000 қуй ва 5000 туяни ўлжа олиб, халқни хонавайрон этдилар. Аммо Красноводск қушини ҳавонинг иссиқлиги ва сувсизликка чидай олмай, кўп от ва туянинг касалланиб ўлиши оқибатида орқага қайтишга мажбур бўлади. Бошқа йўлдан кетаётган Кавказ ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлар эса, Хива томон юришни давом эттирадилар.

1873 йилнинг 15 феввалида Оренбург генерал-губернаторлиги тарафдан ҳам қушин йулга чиққан эди. Бу ҳарбий қисмлар Оренбург, Орск ва Уралда тайёрланган бўлиб, улар Эмбада бирлашганлар. Уша йилнинг 20 апрелида генерал Верёвкин бошчилигидаги қушин Орол денгизи қиргоғига келиб урнашади. 20 майда улар Қунгиротга келдилар. Бу ерда улар Манғишлоқ ҳарбий қисмлари билан қушилишиб, йулни давом эттирадилар¹.

Туркистон ҳарбий губернаторлигига қарашли жойлардаги қушинлар Тошкентдан, Қозоли ва Перовскдан йулга чиқишлари лозим эди. Жиззах қушинининг бир қисми генерал Головачев бошчилигида 1873 йил 1 мартда Тошкентдан, иккинчи булими 11 мартда Хужанддан чиқиб, Қили ариғида бирлашдилар. Улар билан бирга К. Кауфман ҳам келган эди. Полковник Голов бошчилигидаги Қозоли ва Перовск қушини 6-8 мартда йулга чиқиб, Эркабой деган жойда қушилдилар. Кейин улар Қизил-Кук, Букан тоғи, Учқудук, Томди орқали 12 апрелда Аристонбелга келиб, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳарбий қисмларига қушилдилар.

¹ «Московскис ведомости», 1873, № 155.

Хива хонлигига қарши ташланган рус қўшинининг умумий сони куйидагича булган:

	Рота-лар	Юз ки-шилиқ қўшин	Рақса-станок-лари	Туп-лар	Одам-лар	Отлар	Туялар
1. Туркистон губер-наторлигидан:							
Жиззах қўшини	12	5	4	14	3400	1300	7.000
Қозоли қўшини	9	1	4	8	1.900	350	3.200
2. Оренбург қўшини	9	9	6	12	3.500	1800	5.700
3. Кавказ губернатор-лигидан:							
Мангишлоқ қўшини	12	6	3	6	2.100	650	1.500
Красноводск қўшини	12	4	3	16	2.200	500	2.600
Ж а м и	54	25	20	56	13.100	4.600	20000

Жадвалда кўрсатилган Мангишлоқ йўналишидаги 2100 аскар йўлдан ўз жойларига қайтганлиги ҳисобга олинса, у ҳолда ҳарбий юришда қатнашганларнинг сони 11 мингга яқин бўлиб чиқади. Иккинчи манбанинг кўрсатишича, жаъми 9.000 киши ҳарбий юришда қатнашган¹.

Жиззах ҳарбий қисмида княз Романовский, Қозоли ҳарбий қисмида эса княз Николай Константинович сингари императорнинг яқин қариндошлари ҳам булган. Умумий қумондонлик К. Кауфман зиммасига юклатилган. Қўшинда пойтахтнинг бундай олий даражадаги шахсларининг қатнашиши ҳамда аскарлар сонининг купайтирилиши хонликни ваҳимага солиш учун эди, албатта. Бундан ташқари, йўл шароитининг ниҳоятда оғирлиги ва узоклиги оз сонли қўшиннинг юришини муваффақиятсизлик билан тамомлашига олиб келиши мумкин эди.

Рус давлатининг хонликка қарши ҳарбий тайёргарлик кураётгани ва юришни бошлаб юборганлиги ҳақидаги маълумот Муҳаммад Раҳимхонга маълум эди. Шу боисдан хон «тамоми умаро ва аркони давлатни жаъм қилиб, маслаҳат этдилар. Ҳамма дедилар: «Онинг билан уруш этмаган яхшироқдур». Бу сўз хон ҳазратларига маъқул бўлиб, буюрдиларким, тамоми рус асирларини жаъм қилиб келтурдилар. Йигирма бир киши эрди.

¹ «Инженерный журнал», 1874, № 1.

Оларни Муртазобой Ҳожига топшируб, амр этдилар: «Буларни элтиб губернатурга топшируб, қайтгил». Муртазобой таъзим қилиб, асирларни олиб, Қозоли тарафга юрди. Нуротага борганда Кауфман губернатурга йулиқиб, мулозамат этиб, асирларни топшируб, узр айтди. Кауфман деди: «Аввалда элчи юборганда бу сўзни қабул этмадингизлар, эмди император аъзамнинг амрлари билан лашкар тортиб Хоразм устига юруш этдук. Узрингизнинг фойдаси йуқдур. Ва Муртазобойга ҳам қайтмоқ рухсатини бермай, ўзи била олиб, равона булди»¹.

Демак, хонликнинг бошида қора булутлар пайдо булиб турганда, сарой аҳли душманга қарши курашишни фойдасиз деб билиб, асирларни озод этиш билан хавфни бартараф қилишга умид боғлаган.

Муҳаммад Раҳимхон Кауфман ҳузурига юборилган элчи қайтмаганидан кейин бир оз булса-да кўзи очилиб, душманга қарши қўшин жўнатишга қарор қилади. Хон Муҳаммад Мурод девонбеги қул остидаги узбек ва туркманлардан иборат қўшинга Маҳмуд Ясовулбоши ва Ёқуббой қалмоқ сингари лашкарбошиларни қўшиб, Кауфман келаётган томонга, яъни шарққа жўнатади. Элтузар иноқ билан Бобо Мухторни 6000 аскар билан шимолга — Қунғиротга юборади. 2000 кишилик аскарлар амир Тура ва Муҳаммад Ризо бошчилигида Ҳазораспга жўнатилади. Иноқбек деган кишига биркитилган қўшин эса Хужайлига боради².

Оренбург ва Манғишлоқ ҳарбий қисмлари Қунғиротдан йўлни давом эттириб, Хужайли томонга яқинлашганларида 6000 кишилик Хива отлиқлари бир неча туплар билан уларнинг йўлини тўсишга ҳаракат қилган булсалар-да, лекин қаттиқ жангга киришишга ботинмайдилар. Лашкарбоши Элтузар иноқ Абдулла маҳрам бошчилигида аскарларни юбориш билан чегараланди, холос. Улар билан душманнинг икки ҳарбий қисми ўртасида жанг булиб, ватан ҳимоячиларидан 13 киши улдирилди ва бир неча одамлар жароҳатланди. Бундай кичик тўқнашувлар кейин ҳам содир булди, лекин душман кучлари ғолиб келаверди. Пировардида, Хужайли руслар томонидан урушсиз қўлга киритилди. Босқинчилар бу ердан 18 май куни Манғит томон йўлга чиқдилар. Ватан ҳимоячиларининг айрим гуруҳлари душ-

¹ Шажарайн хоразмшоҳий, 448- бет.

² Уша жойда, 449- бет.

маннинг ҳарбий қисмлари билан туқнашган булсаларда, лекин энгилиб, Мангитга чекинишга мажбур булдилар. Шундан кейин генерал Верёвкин бошчилигидаги қўшин «Мангит йўлуга кириб юруди. Ул вақтда узбакия лашкари мутафарриқ булуб, Иноқбек қўшбеги билан Хивақга қайтиб эрдилар. Ёмут билан човдар иттифоқ этиб рус аскарига муқобил булуб, қаттиг ҳайёхуй била от солуб, бир ҳамлада келиб, Русия аскарига аралашиб, қатл қила бердилар. Русия аскари ҳам гайратга кириб, ноирайи (олов) ҳарб иштёёл топди. Аскарнинг рост тарафига ёмут ҳужум этди. Маймана қойиммақом Ливанжуф (Веревкин) зобитнинг қароргоҳи эди. Ливанжуф саросима булуб, ёвуқ эрдиким, Русия аскари шикаст топгайлар. Икки лашкар аралашиб, жангга мағлуба булди»¹.

Шу равишда, туркманлар душманнинг бир ҳарбий қисми билан жангга устун келиб, улжалар билан Мангитга қайтдилар.

Туркманлар ўзаро маслаҳатлашиб, душманга қарши яна ҳужум қилишга қарор берадилар. Аммо уларни рус солдатлари осонлик билан мағлубиятга учратади².

Русларнинг шиддат билан бостириб келиши юқори табақа вакиллари ваҳимага солиб қўйиши орқасида уларнинг орасида таслимчилик кайфияти тобора ошиб борди. Масалан, Гурлан ҳокими Маҳмудбек бошлиқ нуфузли кишилар генерал Верёвкин ҳузурига бориб, Рус давлатига ихтиёрий равишда буйсунишга тайёр эканликларини маълум қилдилар³.

Шундан кейин генерал «Верёвкин, — деб ёзади Баёний, — Мангит ёвуқида бир улуг авбалиқга келдилар. Верёвкин буюрди: Рус аскарлари ул авбага ҳужум этиб, аҳолини эркагу хотун ва ёшу қарига қарамай, қатли ом этиб, андин сунг утлаб (ёндириб) ул авбани ер била яксон этдилар. Ондин сунг мунинг била ҳам қаноат этмай, Мангит қалъасига ҳамким, бурунроқ аҳолиси келиб қалъани Русияга таслим этиб, омон топиб қайтиб эдилар, ҳужум этиб эркагу хотун ва қариву йигит ва аёлу атфолдин бешиқдаги уғлонларигача қириб, қатли ом этиб, иту эшак ва турлуқ жондор йулуқса ҳам отар эрдилар. Чун жондор қўймай қириб, тамом этдилар, шаҳарни утлаб (ёндириб) чиқиб кетдилар. Бу вақт-

¹ Уша жойда, 454-бст.

² Уша жойда, уша бст.

³ Уша жойда, уша бст.

ларда Русия аскардан бир неча мингбоши (полковник) ва тўрт саркарда ва бир неча зобит ва бир миқдор киши қатл бўлуб, ун беш кишига заҳм етди»¹.

Куруниб турибдики, Мангитда босқинчиларга қарши қаттиқ жанг бўлиб, шаҳар ваҳшийларча хонавайрон қилинган ҳамда халқ ва умуман жонли мавжудотнинг барчаси қириб ташланган. Бу мудҳиш воқеа рус матбуотида ҳам «Мангит жанг билан олиниб, ёндирилди ва хонавайрон этилди», — деб таъкидланган².

Рус матбуотида бир офицер ва 15 солдат жароҳатлангани, Мангитда одамлар хонадонларга урнашиб, уқ отганликлари, умуман, қаттиқ жанглар бўлиб, куп иморатлар ёнгиндан хонавайрон бўлганлиги ва шаҳар талон-торож қилинганлиги айтилган.

Афтидан генерал Верёвкин бундай жаллодлик билан халқ оммасини ваҳима ва қўрқувга солиб, бўлажак қаршиликларни бартараф этмоқчи бўлган. Аммо душман билан тўқнашувлар бўлиб турди. Туркманлар душман аскарларининг кейинги сафдагиларига ҳужум қилдилар, лекин тор-мор этилдилар.

Генерал Верёвкин йўлни давом эттириб, Енгиефга (Янгиариққа) келганда Ганибой ҳовлисида утирган 60 кишини қириб ташлашни буюради³.

Мазмунан бу кишиларнинг бир жойга йиғилиши генералда хавф уйғотган. Йўлни давом эттираётган генерал Верёвкин яна бир ҳужумга дуч келади. Улар бир ерга келганларида «Қўнғирот йигитлари ва туркманлар тўрт тарафдан Русия аскарларига уқ отмоқ бунёд этдилар. Русия аскари бағоят танг бўлиб, ахир йўлнинг бир тарафида бир бог бор эди, деворни йиқиб, ул богнинг ичига кириб, бир қулай ерда тупларни қуюб, хоразмийларга туп отмоқ бошладилар. Хоразмийлар тоб келтура олмай, ҳазимат топдилар. Русиядан бир човуш ва тўрт нафар қатл бўлуб, олти киши заҳмдор бўлди, хоразмликлардан тўрт киши шаҳид бўлиб, куп уйлар тупнинг ўқларидан ут олди»⁴.

Бу вақтда хонликнинг иккинчи томонидан Туркистон губернаторлигининг генерал Головачев бошчилигидаги қўшини бостириб келаётган эди. Бу қўшин 1873 йил 24 апрелда хонлик чегарасидан 30 чақирим наридаги Холота деган жойга урнашади. Бу ерда вақтинчалик

¹ Уша жойда, уша бет.

² «Московские ведомости», 1873, № 155.

³ Шажарайи хоразмшоҳий, 454—455-бетлар.

⁴ Уша жойда, уша бет.



Генерал Головачев.

туриш учун истехком қурилиб, унга Святой Георгий номи берилди. Унинг тепасига рус байроги осиб қуйилади. Кауфманнинг бу иши эндиликда шу ергача булган жойлар Россияники, деган маънони англатарди.

Кауфман бошлиқ қушин 30 апрелда Одамқирилганга етиб келади. Кечаси уларга туркманлар уқ отиб турадилар. Эрталаб солдатларнинг отишмалари орқасида мағлубиятга учраган туркманлардан бир неча кишилар ярадор бўлади. Қушин Холотадан 100 чақирим масофани босиб

ўтаётганида уларни хиваликлар ва туркманлар кузатиб, аҳён-аҳёнда уқ отиб турганлар. Руслар буни писанд қилмай, юришни давом эттириб, Сардобақул деган жойга етиб келган. Шундан кейин душман кучлари Учучоққа келган. Айрим маълумотларга қура, Муҳаммад Раҳимхон Муҳаммад Ниёз девонбегини 1500 аскар ва Муҳаммад Мурод девонбегини 2000 аскар билан русларни Амударёга қўймаслик мақсадида Учучоқ томонга жунатган. Бу ерга яқин жойлашган Сардобақул ёнида 11 майда ҳар икки томон уртасидаги туқнашувда ватан ҳимоячилари анча одамларини йўқотиб, чекинган. Кауфман 13 май эрта тонгда Амударёнинг қуйи оқими буйлаб, Шаҳрихон томонга йўл олган. У Оққамишга келганда Шайхариқ атрофида хонликнинг истехкоми борлиги ҳақида хабар олади. Маълум бўлишича, истехкомда Муҳаммад Мурод девонбеги бошчилик қилаётган 4000-5000 атрофидаги аскар урнашган экан.

Кауфман буйруғига биноан генерал Головачев аскарлар ва туллар билан ҳужумга чоғланиб турганида ватан ҳимоячилари туллардан кетма-кет уқ отганлар. Икки томон уртасида бир ярим соат туллардан отишма бўлгач, Хива истехкоми қаттиқ шикастланиб, куп кишилар улган ва яраланган. Оқибатда ватан ҳимоячилар чекинганлар. Шундан кейин рус қушини Шайхтан утиб, Кауфман Питнак, Ҳазорасп, улар атрофи қишлоқлар аҳолисига хат юборади: «Оқ под... номидан, — деган эди Кауфман, — омонлик

ва афв эълон қиламан. Хонадонларингизга қайтиб, узларингизнинг ишларингиз билан бемалол шуғуллана беринглар, ҳаётингиз ва динингизнинг дахлсизлиги таъминланади. Агар сизлар жойларингизга қайтсангиз, мол-мулкларингизга тегинилмайди ва бутунлигича сақланади. Менинг оқ подшоҳимнинг аскарлари фақат қулида қурол тутиб унга қаршилик курсатганлар билан урушади. Олий ҳазрат императорнинг қўшини тинч аҳолига тегмайди ва хафа қилмайди. Бизнинг қонун ва тартибларимиз шундайдир». Бу хат айрим содда кишиларга таъсир этиб, улар озиқ-овқат маҳсулотларини душманга сотиш билан шуғуланганлар. Аммо бу ҳол куп давом этмади. Девонбеги Матниёз ҳарбий қисм билан Хивадан Ҳазораспга келиб, руслар билан алоқа қилганларни жазолади ва қишлоқлардаги аҳолини Ҳазорасп қалъасига урнашишга даъват этди.

23 май куни Кауфман қўшинга Шайхариқдан Ҳазораспга юришни буюрди. Бу шаҳар атрофидаги боғлардан душманга қарши отилган уқларнинг овози эшитилиб турган. Аммо босқинчилар қаттиқ қаршиликка учрамай, Ҳазораспни эгаллайдилар. Айни бир вақтда генерал Верёвкин қўшинлари Манғитдан чиқиб йўлда кетаётганида, 22 майда 10 минг кишилик хиваликлар уларга ҳужум қилган. Оқибатда ватан ҳимоячилари енгилиб, ортларида 200 ўлик қолдириб чекинганлар.

Душман кучлари икки тарафдан тобора Хива шаҳрига яқинлашгани сари бу ерга келаётган қочоқлар сони ҳам ортиб бораверган. Бу хусусда Баёний шундай ёзади: «Хон ҳазратлари фаришон бўлуб, буюрдилар: дарвозаларни маҳкам этиб, эл қамал булсунлар. Аммо Хивақда Бешариқ ва Наймон, Қулон, Қорабоғ ва Шату, Қиёт ва Қўнғирот, Дурмон ва Чоткупрук, Қўшкупрук ва Уйгур, Хонобод ва Зай, ҳосили калом тамоми Хивақ атрофидан элчи келиб, қамалиб эрдилар. Яна Руссияга итоат этган, масалан, Фатанг, Ҳазорасп, Урганж, Хонақоҳ, Гурлан, Хужайли ва Қўнғиротдин ҳам Руссия итоатидан буюн тулғоб, қочиб аҳли аёллари била Хиваққа келганлар бағоят куп эдилар. Дарвозаларни маҳкам этиб, орқаларни туфроқ билан кумуб, истехком бердилар»¹.

Бинобарин, девор билан қуршалган шаҳар қочоқларга тулиб-тошиб, вазият анча оғирлашган эди. Шуб-

¹ Уша жойда, уша бет.

ҳасиз, қочоқлар ҳимоя ва бошпана излаб пойтахтга ёпирилиб келганлар. Аммо бу ерда уларнинг ишончи ва умидини оқлай оладиган куч йуқ эди. Саросимага тушган Муҳаммад Раҳимхон Кауфман ҳузурига элчи юбориб, таслим бўлишга тайёрлигини маълум қилганида, у ижобий жавоб беришдан бош тортиб пойтахтда хоннинг узи билан юзма-юз масалани ҳал этажagini билдирган.

Баёнийнинг ёзишича, хон шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир дарвозага алоҳида бошлиқ тайинлаган. Масалан, Муҳаммад Ризо Турани Урганч, Султонғозий Турани Қумёсқа, Иноқбекни Ҳазорасп, Абдуқодир Турани Тошоёқ, Раҳимбердибек Оллоберди Турани Шайх дарвозаларига бошлиқ қилиб тайинлаган¹.

Хон Худоёр қушбеги, Раҳматулла ясовулбоши ва Абдулла маҳрамни қушин билан душманга қарши юборди ҳамда Маҳмуд ясовулбошини чавдар, куклон, қорадошли ота ва олэли навкарлари билан Ғовиқ деган жой орқали жунатган.

Айтиб утиш лозимки, рус ҳукумати сув йули орқали ҳам хонликка қарши қушин юборган эди. Орол флотининг бошлиғи капитан Ситняковга Қозолидан чиқиб, денгиз буйлаб имкони борича Амударёнинг юқори оқимигача кўтарилиб бориш лозимлиги буюрилган. У кемалардаги матрослар билан 1873 йил апрелининг охирларида Амударё оқимларидан бири булмиш Улуғдарёдаги Хива фортига ҳужум қилиб, бузиб ташлаган. Жангда Хива аскарлари томонидан душманнинг уч аскари улдирилган, тўрттаси ярадор қилинган. Шундан кейин капитан Ситняков кемаси Амударёнинг юқори оқими буйлаб 60 чақирим масофада сузганда бир қозоқ келиб, генерал Верёвкиннинг ҳарбий қисмини курганлигини айтади. Бу хабарга ишонган капитан Ситняков қозоқ кузатувида бир офицер ва 12 матросни хат билан генерал Верёвкин ҳузурига юборган. Кейин маълум бўлишича, қозоқ хонликнинг кишиси ҳисобланиб, матросларни бошқа бир хилват жойга олиб бориб, барчасининг калласини танасидан жудо қилдирган. Хиваликларнинг кўрган чоралари орқасида рус кемаси йулни давом эттиролмай орқага қайтган.

Рус ҳукумати Хивага қарши ҳарбий тайёргарлик кўраётган вақтлардаёқ Бухоро амири Музаффар қулидан

¹ Уша жойда, уша бет.

келганича бу ишда ёрдам беражаги ҳақида Кауфманга махсус хат билан мурожаат қилган эди. У хатида шундай деган: «Элчингиз, статмаслаҳатчи Струве Россиянинг Хива билан алоқасини батафсил гапирди. Мен бундай дустликни ифодаловчи хабарнинг маълум қилинишидан ниҳоятда хурсанд булдим. Албатта, уртамиздаги дўстона муносабатлар сизнинг дустингиз — бизнинг дустимиз ва сизнинг душманингиз бизнинг душманимиз булишини тақозо қилади. Мен яхши тушунаманки, агар Хива Россия билан тўғри муносабатда булмаса, у вақтда унга қарши қурол ишлатишга тўғри келади. Бундай ҳол юз берса, мен имкони борича бу ёрдамимни амалда курсатишга тайёрман.

Сизнинг элчингиз бизга шуни тушунтирдик, оқ подшоҳнинг ерларидан Хивага уч тарафдан йул боради: улардан бири Каспий денгизидан, иккинчиси Қозолидан, учинчиси — оқ подшоҳнинг ихтиёридаги бизнинг еримиз Амударёдан утади. Сизга батафсил жавобни статмаслаҳатчи Струве орқали юбораётирман. Содиқ дуст ва қўшни сифатида сиздан илтимос қиламанки, менга ўзингизнинг фикрингиз ва ҳарбий юриш вақтини олдинроқ маълум қилингки, фуқароларимни хотиржам қилиш ва сизга ишончли кишиларимни юбориш имкони туғилсин»¹.

1871 йил 15 майда юборилган мазкур хатдан аёнки, амир ўз ватанига ва халқига хиёнат қилиб, босқинчиларнинг ишончини қозонишга ва уларнинг олдидаги мавқеини мустаҳкамлашга астойдил интилган. Рус аскарлари эса икки томондан Хива шаҳрига тобора яқинлашиб келавердилар. Хусусан, генерал Верёвкин қумондонлигидаги Оренбург — Мангишлоқ ҳарбий қисмлари 26 майда Хива атрофидаги хоннинг боғига урнашдилар. Бундан уч кун илгари Муҳаммад Раҳимхон ўз элчиси орқали ҳужумни тухтатиш ва сулҳ тузишни генерал Верёвкиндан сўраган эди. У Хивада русларнинг меҳмон сифатида кутиб олинишини билдирган. Аммо Верёвкин хоннинг таклифларини инобатга олмай, юришни давом эттирди. Муҳаммад Раҳимхон урушни тухтатишни сўраб, Муҳаммад Латиф қозини Кауфман ҳузурига қуйидаги мазмундаги хат билан юборган:

«Кауфман генерал губернатурнинг маълумлари булсинким, бизлар бурундин сиз жамоа билан дуст эрдук.

¹ ЦГВИА, ф. 400, д. 1872, л. 70.

Алҳол ҳам ҳамул дустликда собитқадамдурмиз. Бу булгон бир миқдор урушлар ҳам бизнинг хоҳишимиз била булгон эмасдур. Туркман жамоаси бир ғаюр халқдурлар. Оларга даҳл этманг, десак ҳам қабул қилмай, бундоғ ҳодисаларни барпо қилдилар. Эмди таваққуъ улдирким, мундоғ ишларни эътибор этмай, бурунги дустликни душманликға мубаддал этмағайлар. Хуш келубдурлар. Бизга бир неча кун муҳлат бергайлар. Токим, аларнинг шонларига лойиқ зиёфат асбобларини муҳайё қилгаймиз ва кунглимиз тилаганча меҳмоннавозлик умурин тақдимга еткургаймиз ва муҳлат муддатида қадам ранжа қилиб келиб, бизнинг ҳовлимизга тушиб, бизга миннат қуйгайлар, вассалом»¹.

Бинобарин, хон таслим булганлигини маълум қилиб, босқинчиларни меҳмон сифатида пойтахтга тақлиф этган. Аммо Кауфман уни рад қилиб, Хивага яқинлашиб келаверди. Муҳаммад Раҳимхон Кауфмандан ҳам, Верёвкиндан ҳам рад жавобини олгач, нима қиларини билмай, қочиш тараддудини кура бошлади. Бу ута хавфли вазиятда Хива шаҳридаги аҳволни Муҳаммад Баёний шундай таърифлаган: «Вақтеким, Головачов шаҳарга туп отмоқ бошлади, шаҳар аҳли ҳам қалъанинг хокрезиди туриб, Русия аскарига туп ва милтиқ отар эрдилар. Русия тупининг кунфоралари қалъанинг устида ёрилиб, баъзи жойларни ўт ола берди. Муҳаммад Мурод девонбегининг Қутлимуродбий отлиғ ўглига ҳам уқ тегиб, шаҳид булди. Хон ҳазратлари саросима булиб, Амир Тура ва Иноқбек ва Муҳаммадмурод девонбеги ва Ёқуббой ғайриҳумни чақириб, маслаҳат этиб, юртни Русияга таслим этиб, сулҳ қилмоққа қарор бердилар. Ондин сунг бу мазмунда нома езиб, Элтузар Иноқни элчи қилиб, Кауфманнинг тарафига юбордилар. Ондин сунг хон ҳазратлари кўрдилар, тупларнинг ўқлари қалъани хароб этиб борадур. Муҳаммадмурод девонбеги ва Юсуф маҳрам ва Абдусаттор сайис ва Абдулло банги била узлари Урганч дарвозасидан чиқиб, қалъа каноридан ғарб тарафга юруш этдилар, токим Русия аскарининг атрофларида юргон узбекия ва тарокима тавойифидан киши топиб, шояд олар била навъи мудофаа эта олсалар, этгайлар. Ёнларида булардин бошқа ҳам бир миқдор навкар отлилари бор эди. Мулло Ориф алайҳур-рахманинг живори шарифларига ча бориб, атрофни жустужу қилдуруб, киши топа олма-

¹ Шажарайи хоразмшоҳий, 456- бст.

дилар. Ондин сунг ноилож булуб Тошоёқ дарвозасига келиб, яна шаҳарга кирмоқчи бўдилар, Абдулқодир Тура киргузмади»¹.

Бу ерда Баёний кўрсатганидек, Хивага биринчи бўлиб генерал Головачев эмас, балки генерал Верёвкин бошчилигидаги Оренбург — Мангишлоқ солдатлари бос-тириб кирган. Бундан қатъи назар, Баёнийнинг маълумотларидан кўриниб турибдики, босқинчилар шаҳар атрофида турганида Муҳаммад Раҳимхон мудофаа уюштиришга қодир эмаслигини яққол кўрсатган. У кўпроқ жонини сақлашни уйлаган. Буни кўриб турган халқ оммаси унинг атрофига жипслашмади. Буни яхши англаган хон шаҳарга киритилмаганидан кейин Сиржали деган жойга, сўнгра Маҳмуд мазорига борганида ёвмуд қабилаларига тегишли бир гуруҳ унинг мол-мулкини таламоқчи бўдилар. Мана шундай хатарли ва ҳалокатли вазият юзага келган пайтда ёвмуд Оқ Салоҳ менгли олий сардорнинг угли Сари Сардор келиб, улардан хонни ҳимоя қилиб узига қарашли Замаҳшар деган жойга олиб кетган.

Бу вақтда Хивада узаро чиқишмовчилик ва тахт учун кураш қизиби, бир гуруҳ юқори табақа вакиллари душманга қарши курашни уюштириш ўрнига хоннинг акаси Амир Турани ҳокимият тепасига утқазадилар.

Бу масала бўйича Баёнийнинг сўзига бир қулоқ солайлик: «Вақтеким, хон ҳазратлари шаҳардан чиқиб кетдилар, Амир Тура, филҳол, Аркка келиб хон бўлди ва эгнига гулнор чакмон ва бошига жиғали телпак кийиб, тахтда ултурди. Уч-турт дарвозабону табақачи ва бир неча баққолу қассоб кириб, хонлик муборак бўлмай, деб фотиҳа бердилар. Амир Тура, филҳол, Муҳаммад девонбеги била Паҳлавон мирзабошини тамоми афродлари била тутуб келтурмакка амр этди. Амирнинг кишилари оларнинг жустижулариди яурдилар. Ул вақтда фуқаро ҳужум этиб, ур ҳавлига бориб, қулфни синдириб, дарвозани очиб, уз ҳовлисида қамоқда бўлган хоннинг укаси Отажон Турани чиқардилар. Отажон Тура отланиб, жиловиди бир неча шотир билан Урганч дарвозасига борди. Ул кун Раҳматулла ясовулбоши Аркка келиб, Амирни куриб, салом берди. Амир деди: «Хон қочиб, юртдан чиқиб кетди. Ондин сунг улуғ-кичик жамъ булуб бизни шундоқ этдилар». Раҳматулла ясовулбоши бошини ирғитиб, Амирнинг юзига

¹ Уша жойда, уша бст.

қараб: «Аввал душманнинг дафъин этинг, ондин сунг не булурман, десангиз муносиб булур», деб чиқиб кета берди»¹.

Мазмунан, Раҳматулла ясовулбоши босқинчиларга қарши жанг қилиш тарафдорларидан бўлганки, Амирга аввал босқинчиларни бирёқлик этишни, сунгра тахт тугрисида фикр юритиш уринли бўлишини айтган. Бу вақтда Муҳаммад Раҳимхон томонидан Кауфман ҳузурига юборилган элчи Элтузар иноқ қайтганида Амир Тура уни уз номидан элчи сифатида боришни ва тахтни эгаллаганлигини билдиришни буюрган. Элчи Амир Туранинг сулҳ тузиш ҳақидаги таклифини маълум қилиши керак эди. Кауфман элчининг гапларига қулоқ солиб, Муҳаммад Раҳимхон билан сулҳ тузишини ва уни олиб келишни айтган. Шундан кейин элчи Хивага бориб, буни Амир Турага билдирганида у укаси Отажон Турани чақиртириб, иккови Кауфман ҳузурига борганлар. Улар қандай бўлмасин, тахтни уз қўлларида қолдириш учун уринганлар. Амир Тура Кауфманга шундай деган: «Сизнинг келганингиз бизнинг ҳақимизда бағоят яхши бўлди. Муҳаммад Раҳим юртни бошқара олмай ва юртдан парвойи бўлмай давоми айшу ишратга машғул эрди. Мен онга давом насиҳатпарвар эдим. Сузларимга қулоқ солмай, уз маслаки ноҳамворидин айрилмади ва бу биродарим Отажонни ҳам бегуноҳ уйга (қамоққа) солди. Алҳол, қочиб кетди. Онинг қайга кетганини билмаймиз. Улуғ-кичик йигилиб, бизни шундоғ этдилар. Эмди сиздан илтимосимиз булдурким, бизлар била сулҳ қилиб, юртни бизларга топшуруб, вилоятнинг обод бўлмоғига сабаб бўлгайсиз»².

Кауфман биз фақат Муҳаммад Раҳимхон билан сулҳ тузамиз, борди-ю у қайтмаса, у вақтда сизлар билан келишамиз, деб жавоб берган. Бундан саросимага тушган ака-ука Амир Тура ва Отажон Тура Хивага қайтганлар.

Шу орада душманга қарши кураш тарафдорлари 28 майда эрта тонгда шаҳарни қуршаб олган генерал Веревкин аскарларига қарата тўплардан ва милтиқлардан ўқ отганлар. Матмурод девонбеги босқинчиларга қарши курашнинг бошида турган. Хусусан, у душман ҳали Хива шаҳрига яқинлашмасданоқ 3-4 минг аскар ва 2 тўп билан Холотага келиб, урушга тайергарлик курган. Бу ерда унга

¹ Уша жойда, 458-бет.

² Уша жойда, 459-бет.

қозоқ ватанпарвари Содиқ Кенесари уғли ўз аскарлари билан қушилган. Аммо у душман кучларининг устунлигини англаб, жангга киришмай, Хивага қайтган¹. Бу ерда у шаҳар мудофаасига қаратилган ишларга бошчилик қилган. Бу вақтда шаҳарда 2000 отлик ва 3-4 минг пиеда аскар шайланиб турганлар. Уларнинг орасида ёвмуд қабиласидан ҳам одамлар кўп булган².

Хива девори атрофидаги жанг қизгин тус олиб, ватан ҳимоячилари қаттиқ қаршилик курсатиб турганлар. Шу пайтда генерал Верёвкиннинг чап кузига уқ теккан ва сафдан чиққан. Унинг урнига полковник Саранчев тайинланган. У Ломакин ва Скобелев сингари офицерлар билан биргаликда урушни давом эттирган. Шу вақтда шаҳардан бир нуфузли киши элчи бўлиб келиб, тинчлик сулҳини тузишни таклиф қилади. Унга қуйидаги шартлар айтилиб, қайтишга рухсат берилади:

1. Жанг уч соат муддатга тўхтатилади. Шу вақт ичида шаҳарда қуролсизланиш утказилиши ва яроғ-аслаҳалар топширилиши лозим.

2. Генерал Верёвкиннинг тинчлик сулҳини тузишга ваколати бўлмаганлиги учун Кауфман ҳузурига элчи юбориб, масалани ҳал этиш керак.

3. Агар уч соат мобайнида бу шартлар бажарилмаса, у вақтда яна шаҳарни ўққа тутиш бошланади³.

Белгиланган уч соат утгач, шаҳардан элчи келиб, туркманлар итоатдан буйин товлаётганлигини рўкач қилиб, муҳлатни эрта тонггача чузишни сўради. Аммо рус аскарларининг қумондони буни инобатга олмай, бир соат давомида шаҳарни тинимсиз ўққа тутди, лекин элчиларнинг қаттиқ қистови орқасида ҳужум яна уч соатга тўхтатилади. Шу пайтда Кауфмандан ҳужум этмаслик ҳақида буйруқ олинади. Уша жангларда руслардан 5 офицер, 45 солдат улдирилди ва 15 одам ярадор бўлди. Ватан ҳимоячиларидан ҳам кўп кишилар шаҳид бўлдилар.

Хивадан, хусусан, мудофаа деворининг устига урна-тилган тўплардан ва девор туйнукларидан ўқлар отилиб турди. Шу боис 29 майнинг эрта тонгида қаттиқ отишмалардан сўнг душман кучлари девор ва дарвозани тешишга эришганлар. Скобелев бошчилигидаги сол-

¹ Санкт-Петербургские ведомости, 1874, № 115.

² Уша жойда, уша бет.

³ «Туркистон тўплами», 86-жилд, 40-бет.

датлар дарвоза тешигидан кириб, уч тўпни жанг билан қулга киритганлар. «Биз, — дейилади рус манбасида, — Хивага киришимиз биланоқ қабристон томондан хиваликлар ёввойиларча бақириқ-чақириқлар билан бизга ташланди. Шу орада дарвоза ағдарилди ва шаҳарга замбараклар киритилди. Бир неча отишувлар ва 2 ракета отилганидан сунг куча душмандан тозаланди»¹.

Ҳазораспдан йулга чиққан генерал Головачев бошчилигидаги қўшин Кауфман қумондонлигида 29 майда эрталаб Хива атрофидаги боғларга етиб келди. Бу ерга Муҳаммад Раҳимхоннинг тоғаси Сайидамир Улумар бир гуруҳ нуфузли кишилар, шу жумладан, Отажон Тура, Кауфман ҳузурига келишиб, Хивани топшириш ва сулҳ тузиш ҳақидаги суровларини айтадилар. Кауфман улар билан биргаликда йўлни давом эттириб, шаҳар атрофига етишганда Оренбург қўшини уларни тантанали равишда қарши олади. Кауфман эса рус солдатларининг қаҳрамонлиги ва ботирлигини мақтаб, галаба билан табриклайди².

Кауфман Хиванинг буйсундирилганлигини тантанали равишда нишонлашни соат 2⁰⁰ да ташкил этишни буюрган. Мана шу вақтда хон саройининг майдонида қўшинларнинг барча турлари саф тортиб, бирин-кетин Кауфман қаршисидан ўтганлар³. Шу тариқа, Хива хонлиги ҳам тор-мор этилиб, ўз мустақиллигини йўқотди.

Кауфман буйруғига биноан солдатлар Хивага туташадиган йўлларни эгаллаб, хавфсизликни таъминлаш чораларини курдилар. Хусусан, 3888 киши ва 16 тўпдан иборат Туркистон генерал-губернаторлиги ҳарбий қисмлари Ҳазорасп ва Хонқа йўлини, 1457 кишини ўз ичига олган Манғишлоқ ҳарбий қисмлари Янги Урганч йўлини, Оренбургнинг 2304 кишилиқ аскарлари 8 тўп билан Ғазавот йўлини назорат остига олиб турдилар.

Кауфман Амир Тура ва Отажон Тура сингари тахт даъвогарларини эмас, балки Муҳаммад Раҳимхонни ўз урнида қолдиришни лозим топиб, хат орқали унинг Хивага келишини сураган. Хон бу таклифни қабул қилиб, 2 июнда Хивага қайтди ва Гандумконда истиқомат этаётган Кауфман билан учрашди. Улар уртасидаги суҳбат қуйидаги тарзда борди:

К а у ф м а н — Хон, мана, куриб турибсизки,

¹ Уша жойда, уша бет.

² «Артиллерийский журнал», 1875, № 9.

³ Уша жойда, уша бет.



Хивалик жангчи.

ниҳоят биз бундан уч йил илгари ваъда қилганимдек, сизни зиёрат қилиш учун келдик.

Муҳаммад Раҳимхон — Тугри, бу Худои таолонинг хоҳишидир.

Кауфман — Бундай эмас, хон. Бунга сизнинг узингиз сабабчи булдингиз. Агар сиз бундан уч йил илгари менинг масалаҳатимга куниб, адолатли талабла-

римни қондирганингизда мени бу ерда кўрмаган булур эдингиз. Бошқачароқ қилиб айтганда, менинг айтганларимни қилганингизда ҳеч қачон Оллоҳнинг хоҳиши булмас эди.

Муҳаммад Раҳимхон — Мен сиздек ярим подшоҳни кўришим улугки, уни ҳеч бир нарсага алмаштиролмайман.

Кауфман (жилмайиб) — Сизни ишонтираманки, мазкур ҳодиса иккимизни ҳам мамнун этади. Энди асосий масалага ўтайлик. Сиз нима қилмоқчисиз? Қандай режаларингиз бор?

Муҳаммад Раҳимхон — Буни ҳал этишни сизнинг донишмандлигингизга ҳавола қиламан. Менинг хоҳишим битта — Буюк оқ подшоҳнинг хизматкори бўлишдир.

Кауфман — Жуда яхши. Агар хоҳласангиз, унинг хизматкори эмас, балки дўсти бўлишингиз мумкин. Бу сизнинг узингизга боғлиқдир. Буюк оқ подшоҳ сизни тахтдан маҳрум этишни истамайди. У фақат узининг қудратини исботлашга ва унга яхши муносабатда бўлишга даъват этади, холос. Бунга энди узингиз ҳам ишонч ҳосил қилгандирсиз. Буюк оқ подшоҳ шу даражада улугворки, сиздан уч олишни эп кўрмайди. У сизга узининг қудратини намоён этиб, сизни кечирिशга тайёр ва муайян шартларни қўйган ҳолда тахтда қолдиради...

Шундан кейин уз вақтида мамлакат тақдирини уйламай иш юритган, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ута заиф хон ғайридинлар олдида шармандаларча тиз чуқиб, уз саройига қайтган. У хонлик тақдири қил устида турганида хотиржамлик ва бепарволикка берилиб, амалда уз халқига хиёнат қилди. Бунинг устига, бир гуруҳ нуфузли кишиларнинг хоинлиги ҳам душман галабасини тезлаштирди.

«Хоразм халқи, — дейди Баёний, — марди ва мубориз жамоа эрдилар. Бир неча ватан хоинлари уз мақсадларини ҳосил этмак учун мундог хасоратни оларнинг бошларига келтурдилар. Агар тамоми Хоразм аҳолилари якдилу якжиҳат бўлуб, итифоқ ила Русия аскарига муқобил бўлуб, уруш этсалар эрди, эҳтимоли йўқдирким, Русия аскарлари оларга зафар топа олғайлар, мундан бурун беш навбат келиб, асло зафар топа олган эмасдурлар»¹.

Дарҳақиқат, агар хоразмликлар билимдон ва тад-

¹ Шажарайи хоразмшоҳий, 460- бет.

биркор давлат арбоби ва лашкарбошилар томонидан бошқарилганда душманни енгишлари турган гап эди. Умуман, душманга қарши урушлар стратегия ва тактика нуқтаи назаридан эмас, балки пала-партиш равишда олиб борилган.

Рус лашкарбошилари хон саройида тинтув утказдилар. Бу ҳол маҳаллий ва рус манбаларида деярли бир мазмунда шарҳланган. Масалан, Баёний уни шундай тасвирлайди: «Кауфман келиб Аркка кириб, тахти хоразмшоҳийда ўлтурди. Бошқалар атрофида сандалларда бомаротиб ўтирдилар. Чингизий туралардан Назархонким, хон ҳазратларига қиз бериб, қариндош булган эрди, келиб ҳарам саройининг эшигини маҳкам этиб, эшик олдида ўлтуруб, ҳарамга киши кирмоқдан монёв бўлди. Ёқуббой Кауфманнинг олдида хизмат этиб, анвойи моъқулоти машрубот ва оқсами меважот топа бериб, ҳозир бўлуб турди. Кауфман икки соатдан сунг Головачевни талаб этиб, беш булак аскар билан Арк ичидан ва Арк олдида қоровул тариқасида турмакга тайин этиб, гарандуқ била ҳамроҳ бўлуб, генерал Веруфкиннинг аҳволини сурамак учун кетди.

Головачев хазинани очдуруб, хазинага кирди, бир сандали бор эди. Головачев кўруб деди: «Бу имфератур саройида туратургон шоҳи сандалларга ухшашдир. Ҳамоноким, имфературдин ҳадя тариқасида бу ерга келгандур». Яна музайян бир сандалким, Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони аввалиннинг замоналарида тузатилмиш эрди. Яна бир нечта темур орча кўрдилар. Ҳаммалари ҳоли эрди. Магар, бирининг ичи тўла танга эрди. Яна бир зинпуш кўрдилар. Олтин ва зумрад била мурассаъ (зийнатланган) эрди ва бир миқдор мурассаъ қиличлару ханжарлар ва милтиқу таппончалар бир неча олтун чопулгон покиза улуг милтуқлар бор эрди. Ва бир неча навиход олтиотар бор эрди. Яна ун икки туфанг ила бир хилефишанг ва фишанг тулдуратургон олатлар бор эрди. Ва бир англизи олтиотар бор эрди ва англиздан келган бир нома бор эрди. Яна бир уйда уч юз мужаллад ёзма музайян китоблар бор эрди ва чоройнаву совутлар ва дубулгалару қуллуқу тизлиқу ўқ-ёйларнинг ҳаммасига мутасарриф бўлди, чун ҳаммаси мурассаъ ва мужавҳар ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербургга юборилди... Мунинг сунги куни Русия аскарининг бир жамоа Аркка кириб, қолган аҳмолу асқолни тарож этдилар»¹.

¹ Уша жойда, 461-бст.



Хивадаги жанглардан бирида.

Шундай қилиб, босқинчилар саройдаги барча қимматли нарсаларни ва 300 қулёзма асарни талаб, Петербурга олиб кетганлар. Қолган нарсаларни эса солдатлар талашиб олган. Шу равишда Муҳаммад Раҳимхон шилинган саройда ўз фаолиятини Россиянинг вакили сифатида қайтадан давом эттирди.

Кауфман хонликда турли сабаблар билан қулга туширилган ва қул сифатида ишлатилаётган кишиларнинг дарҳол озод қилинишини талаб этди. Хон бу кўрсатмани дарҳол амалга оширди.

Кауфман Матниёз девонбегини ўзига яқин тутиб, хонликдаги аҳвол ҳақида қимматли маълумотларни олиб турган. Унинг чақимчилиги сабабли Муҳаммадмурод (Матмурод) девонбеги ва Раҳматулла ясовулбоши хавфли шахс сифатида Сибирга сургун қилиш учун Қозолига жўнатилган¹.

Кауфман Муҳаммад Раҳимхон, айрим маҳаллий нуфузли кишилардан ҳамда рус офицерларидан иборат бошқарув идорасини — девонни жорий этди. Девон полковник Иванов раислигида бир неча бор йиғилган.

1873 йил 12 августда хоннинг Гандумкон боғида Кауфман сулҳ шартларини Муҳаммад Раҳимхон диққатига ҳавола қилди.

1. Хон Умумроссия императорининг итоатли хиз-

¹ Уша жойда, 466- бст.

маткорлигини тан олиб, Урта Осиёдаги олий рус маъмуриятининг рухсатисиз шартномалар тузмайди.

2. Хонлик ва рус ерларининг орасидаги чегара Амударё ҳисобланиб, унинг ўнг томонидаги қирғоқлари Россияга утади.

3. Рус кемаларининг Амударё бўйлаб сузишлари учун барча имкониятлар яратилади.

4. Руслар Амударёнинг чап қирғоғидаги қулай деб топилган жойларда кемалар тўхтайдиган бандарларни қуришга ҳақлидирлар.

5. Русларга дарёнинг чап қирғоғида савдо омборлари қуришга рухсат берилиб, улар муҳофазаси хонлик зиммасига юклатилади. Хонликнинг барча шаҳарлари русларнинг савдо қилишига очиқ бўлиши керак.

6. Рус савдогарлари барча божлардан озод этилади. Бундан ташқари, улар ҳамма шаҳарларда савдонинг боришини кузатиб туриш мақсадида узларининг ишончли вакиллари тайинлаш ҳуқуқига эгадирлар.

7. Россия фуқароларига хонликда кучмас мулк солиқ олишга рухсат берилади.

8. Хонлик ҳукумати Россиядан узбошимчалик билан келувчиларни қабул қилмасликни ва рус жиноятчиларини топширишни ўз зиммасига олади.

9. Хонлик зиммасига 2.000.000 сўмлик товонни 20 йил давомида тўлаш мажбурияти юкланади. Ундан ҳар йили 5 фоизини тўлаб туриш белгиланади. Биринчи тўлов 1873 йил 1 декабрдан бошланади. Шу асосда биринчи икки йилликда 100.000 сўмдан, кейинги икки йилликда 125.000 сўмдан товон халқдан солиқ олиш ҳисобига Россия хазинасига юборилди.

Сулҳ шартлари Хива хонлигининг мустақиллигини барбод этиш билан бирга бусиз ҳам ниҳоятда оғир шароитга тушиб қолган халқнинг ҳаётини янада ёмонлаштирди. Хонликни вайронага айлантирган ҳарбий қисмлар 1873 йил августнинг биринчи ярмида уз жойларига — орқага қайтдилар.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

ХУДОЁРХОН ВА РОССИЯ ТАЖОВУЗИГА ҚАРШИ ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ

Рус давлати Бухоро ва Хива хонликларига қарши уруш олиб бораётган йиллари Қўқон хонлигида чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда эди. Бу вақтларда хонлик ерларининг ярми Рус давлати томонидан босиб олинган бўлиб, унинг чегараси асосан Фарғона водийсидан иборат эди. Аввалги саҳифаларда кўрсатилганидек, Худоёрхон сиёсий жиҳатдан ута кўрлиги, кўрқоқлиги ва шахсиятпарастлиги орқасида русларнинг ҳам, халқнинг ҳам кўз унгида ўз обрўсини тўккан эди. У қандай бўлмасин, тахтни сақлаб қолиш учун Рус давлатига таянишга, унга ўзини яхши кўрсатишга қаттиқ тиришди. У рус ҳукумати вакилларига содиқлиги ва ҳар қандай хизматга тайёрлиги ҳақида бирин-кетин хатлар ёзиб турди. Ҳатто Россия билан хонликни бир давлат дейишгача борди. Масалан, у бу хусусда 1869 йил 18 апрелда Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятига шундай хат ёзган: «Сизлар томонга қочиб утган сарбоз Турсунқулов билан юборган самимий хатингизни олдим. Сизга нисбатан булган дўстлик туфайли мазкур сарбозни кечириб, сарпо кийгиздик ва хурсанд қилдик. Чунки у бегона давлатга эмас, балки Қўқон билан бир давлат — Россияга, яъни бир мамлакатга қочган»¹.

Демак, Худоёрхон ўз вақтида хоинлик қилиб, душман тарафига утган кишини афв этиб, бу билан Россияга содиқлигини изҳор этган. Айниқса, унинг «бир давлат» ҳақидаги гаплари Рус давлатининг итоаткор хизматкорига айланганидан далолат беради.

Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятининг Худоёрхонга юборган жавоб хатида унинг сўзларидан мамнун бўлганликлари уқдирилган².

Худоёрхон Россия паноҳида тахтада утиришни ва айшу ишрат қилишни афзал кўрди. «У, — деб ёзган эди Ибрат, — Русиядан хотиржам бўлиб, вақтини уйин-кулпу билан утказуб, қуш солмоқ ва купкари чопмоқ йўлла-

¹ ЦГВИА, ф. ВУА, д. 6814, л. 9.

² Уша жойда, 10-бет.

ринда булуб, уламо ва фузало насихатларига амал қилмай, жабру зулм тарафига утиб турганида, раияту халқ (ундан) юз угирди»¹.

Худоёрхон давлат манфаатлари ва тақдирини уйламай, Россияга орқа қилиб, кунглига нима келса, шуни қилаверган. Шу боисдан маҳаллий ва рус манбаларида хонни қораловчи маълумотлар серобдир. Уларда Худоёрхон тенги йўқ очкуз, молпараст, ута шафқатсиз ва зolim сифатида тасвирланади. «Худоёрхон, — деб курсатилади манбада, — куп бадавлат булиб, хотинларни купайтиришга хирс қўйган. Кайфу сафони, роҳатни ва тинчликни яхши курган. Халқнинг фойдасига иш юритмаган... Мамлакатнинг турли томонларида бир нечта боғларида гуллар орасида кайфу сафо қилиб ётган, бедана, каклик ва хўрозларни уриштириш билан шуғулланган. Масхарабозлар ва ҳофизлар ҳамда маъносиз ўйинлар билан умрини ўтказган.

Молу дунёга ҳаддан зиёда хирс қўйган ва ўзининг хазинасини бойитиш учун куп солиқлар солган»².

Худоёрхон давлат харажатларини камайтириб, шахсий бойлигини орттиришда ҳеч нарсадан тоймаган. Оқибатда маъмурият вакилларининг таъминоти ночор ҳолга тушиб қолган. Хон хоҳлаган ер, қишлоқ ва овулни тортиб олиб, уз мулкига айлантирган. Унинг виждонсизлиги шу даражага борганки, уз пири ва эшони Миён Соҳиб ҳазратнинг Шоҳойим исмли хотинини зурлик билан хотинликка олган³.

Унинг ўзи «куп ёмонтабиатли киши булиб» ёқтирмаган кишиларини қаттиқ жазолаган ва халқнинг муҳаббатини қозонишни хаёлига ҳам келтирмаган⁴.



Генерал М. Д. Скобелев.

¹ Исхоқхон Жунайдуллоҳожа угли (Ибрат), Фаргона тарихи. Мерос, Т., 1991, 310-бет.

² Аҳмад Заки Валидий. «Худоёрхоннинг сунгги кунлари». УзФА Шарқшунослик институти, инвентар рақами 15743, 7—8-бетлар.

³ Уша жойда, 9-бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

«Худоёрхоннинг мана шундай ишлари ва разил ахлоқи халқ, беклар, сипоҳийлар, бойлар ва уламоларнинг норозилигини чақирган»¹.

Худоёрхон солиқ турларини кашф этишда ва уларни ундиришда тенги йуқ устаси фаранг булган. Масалан, бир бог хашакдан, бир пиела сутдан, унта тухумдан, масхарабозлардан, айиқ уйнатувчилардан, дукон қоровулларидан олинадиган ва бошқа хилма-хил солиқларни кашф этган².

Худоёрхон барча нарсалардан солиқ туплаб, катта бойлик орттирган. Бу ҳақда рус манбалари ҳам далолат беради: «Солиқлар олинадиган буюмларнинг турлари жуда кўп булиб, улар имкони борича барча нарсалардан олиниб, халқ том маънода шилинган. Ҳатто камбағаллар келтириб сотадиган қамиш, шох-шабба, янтоқ ва шунга ухшаш нарсалардан солиқлар ундирилган. Кейинги вақтларда тоғлардан ариқлар орқали оқиб келадиган сувларга ҳам солиқ солинган. Фақат нафас олинаётган ҳаводан солиқ олинмаган, холос. Бу ҳол хонга қарши норозиликнинг асосий омилларидан бири булган эди»³.

Худоёрхоннинг қаттиқ зулми ва адолатсизлиги, оғир иқтисодий ҳаёт ҳамда унинг Россиянинг хизматкорига айланиши халқ газабини қўзғатди. Шунинг учун хонга қарши халқ билан биргаликда сарой ҳарбийлари ва амалдорлари, руҳоний ва савдо вакиллари ҳам бош кўтарди. Бунда узбеклар, қирғизлар ва тожиклар фаол қатнашиб, ватан хоини Худоёрхонга ва Рус давлатининг тажовузига қарши курашдилар. Бу ҳаракатнинг юзага келишида қирғиз Мулла Исҳоқ мулла Ҳасан угли ҳам муҳим урин эгаллаб, Пулатхон номи билан шуҳрат қозонган эди. Мулла Исҳоқ тахминан 1844 йили туғилган. Унинг отаси Мулла Ҳасан уқимишли киши булиб, Марғилондаги Оқмадрасада мударрислик қилган. Мулла Исҳоқ даставвал Қўқондаги Тунқаторда, сунгра отаси ҳузурида таълим олган. Бир неча йил утгач, яъни 1867 йили Фарғонадаги Сухга келиб, уз қабиладошларининг яйловида 2 йил яшаган, сунгра Уҳндаги масжидда имомлик қилган. Куп утмай у Андижон шаҳрига бориб, масжидларнинг бирида имомлик қилган. Айни бир пайтда тамаки савдоси билан шуғул-

¹ Уша жойда, уша бет.

² «Вестник Европы», 1875, кн. 10, ст. 744.

³ «Известия русского географического общества», СПб, 1876, т. XII, стр.

ланиб, Тошкентга қатнаб турган. Бу ерда Мулла Исҳоқ хонликнинг нуфузли кишиларидан бири қурамалик Абдумумин оталиқ билан дўстлашиб, Тошкентга келади. Хонликнинг сиёсий курашларида фаол қатнашган ва кўпни курган Абдумумин кўп воқеаларни гапириб бериб, Мулла Исҳоқнинг сиёсий онгини уйғотади. Бу вақтда, яъни 1872 йили Шердодхоқ бошчилигидаги бир неча қирғизлар Самарқандга боришиб, Қўқон хони Олимхоннинг невараси Пулатбекни тахтга ўтқозиш



Генерал А.К. Абрамов.

ҳақидаги мақсадларини баён этадилар. Бу ишни амалга оширишда қирғиз қабилалари бевосита ёрдам беришлари маълум қилинади. Аммо тахт учун курашларда буваси Олимхон ва отаси Иброҳимбек ўлдирилганлигини эсдан чиқармаган Пулатбек таклифни қабул этмайди. Шундан кейин Шердодхоқ Тошкентга келиб, Абдумумин оталиқ хонадонидида меҳмон бўлиб, Пулатбекнинг рози бўлмаганлигини сўзлаганда Мулла Исҳоқ унинг номи билан тахт учун курашишни зиммасига олган. Шу равишда Мулла Исҳоқ Пулатбек, яъни собиқ ҳукмдор Олимхоннинг невараси сифатида сиёсий курашга киришади. У халқнинг Худоёрхон зулми ва Рус давлатига қаршилигини яхши англаган ҳолда ҳаркат қилиб, Наманган уездининг шимолий қисмидаги, яъни Косон ва Нанай оралигидаги Қутлуқ Саъид қабиласининг ёрдами билан атрофига 500 кишини туплайди. Шу равишда Пулатбек бошчилигидаги қўзғолон бошланган эди. Айтиб ўтиш лозимки, бу вақтгача Маъмир Мерганов бошчилигида Андижон уездида қирғизлар ва Маъмун Шоумурзоқов раҳбарлигида Чотқолда қўзғолонлар кутарилган эди. Улар хон аскарлари томонидан бостирилган. Пулатбек бошчилигидаги халқ ҳаракати уша қўзғолонларнинг давоми эди.

Наманган шаҳрига Абдураҳмон офтобачи бошчилигидаги ҳукумат қушини келганида Пулатбек тўқнашувдан қўрқиб, чекинишни лозим топди. Аммо Косонда хон аскарлари билан тўқнашувда мағлубиятга учради. Абдураҳмон офтобачи унинг кўп сафдошлари ва қўзго-

лон қатнашчиларини ўлдирди ҳамда асир олди. Пулатбек бир гуруҳ кишилари билан Чотқол тоғларига қочишга улгурди. У 1875 йилнинг бошларида Чотқолдан чиқиб, Қўқон атрофидаги Лайлакка келиб, 200 кишини туплади. Уша йили июлнинг биринчи ярмида Пулатбек Ўзганда кутарилган қўзғолонга бошчилик қилиб, хонликка катта хавф туғдирди. Уларга қарши хон Иса Авлиё, Абдурахмон офтобачи ва Саримсоқ эшикоғаси бошчилигида 4000 кишилик аскар юборган. Бироқ 1875 йил 28 июлда бу йирик амалдорлар қўшин билан қўзғолончилар томонига утиб, бирлашганлар. Худоёрхоннинг угли Андижон ҳокими Насриддинбек 5 минг кишилик қўшин билан уларга қўшилган. Хонликнинг асосий ҳарбий қисмлари ва лашкарбошиларнинг қўзғолончилар томонига утиб кетиши Худоёрхон тақдирини ҳал этган омил булди. Уша кезлари хон билан суҳбатлашган Г. Вайенбергнинг сузича, Худоёрхон «қўзғолончилар русларга қарши курашишни» мақсад қилиб қўйганлигини айтган. Қирғизларнинг газот байроғи остида бош кутарганликлари ҳам шундан далолат беради. Бу хусусда Кауфман ҳам 1875 йил 15 сентябрда ҳарбий вазирга ёзган хатида гапириб: «Бутун Қўқон аҳолиси бизга қарши очикдан-очик бош кутарди», — деган. Эндиликда Худоёрхоннинг Россия кучларига таянишдан бошқа иложи қолмай, ёрдам сураб Кауфманга мурожаат этди. «Шу кунлардаги оғир ва бахтсиз пайтларда, — дейилади унда, — менинг Мулла Иса Авлиё, Абдурахмон парвоначи ва Холназар парвоначи сингари энг ишончли кишиларим қўшин билан душманларим — қирғиз қўзғолончиларига қўшилдилар ҳамда менга қарши урушмоқчилар.

Мен ҳамма вақт сиз, олий ҳазратларидан дўстлик ва ёрдам кутиб турганлигим боисидан бу гал ҳам мени эътибордан четда қолдирмагайсиз. Шахсан ўзимни ва Қўқон хонлигини улуғ император жанобларининг ихтиёрига топшираман ҳамда қўшинни тўплар билан биргаликда имкони борича тезроқ Қўқон шаҳрига юборишингизни сўрайман»¹.

Худоёрхон узил-кесил узини ҳам, бутун хонликни ҳам бутунлай босқинчилар оёғи остига ташлади. У шу даражада ишончни йўқотган эдики, фурсатни ганимат билиб, қочишга қарор қилади. «Охир ул-амр саксон ароба куч хазина ва ойимлар, бекалар, етти ароба тан-

¹ Память о Фергане. 1901, стр. 17—18.

га» билан 1875 йил 22 июлда йулга чиқади¹. Унинг ёнида 4000 пиёда ва 2000 отлиқ аскар, 68 туп борган. Бироқ Қўқондан 10 чақирим юрганларидан кейин мазкур қўшин хонни ташлаб кетган. Хон 500 аскар билан йўлни давом эттирган. Қўқондан ҳарбий қисмлар Худоёрхонни тутиш учун кетидан қувган ва тўқнашувлар оқибатида хон аскарларидан 8 киши улдирилган, 9 киши ярадор қилинган. 1875 йилнинг 7 августида Худоёрхон Хужандга келгач, Тошкентдаги рус ҳарбий маъмурияти ишончини қозонган кишилар, хусусан, Саъидазимбой воситачилигида генерал-губернатор билан қандай муомалада бўлиш ҳақида маслаҳат сураб, бир кишини унинг ҳузурига 6 минг танга ва хат билан жунатган².

Бу киши Саъидазимбой ҳузурда бўлиб, хатни берганда у бир нуфузли рус амалдорининг уйига пул билан борган. Бу амалдор Худоёрхон Кауфманга «Ман юртимга боруб, мамлакатни тинчитиб, ўрнумга ноиб қўйиб, сўнгра борурман», деса фойдали бўлади, деган. Аммо хон Тошкентда Кауфман билан учрашганида бунинг ўрнига, «Мени императорни кўриш учун юборишингизни сўрайман», — деганини ўзи билмай қолган. Губернатор бунга розилик билдириб, йулга отланишни айтган ҳамда қиличининг учини секин ойнага уриб қўйган. Нима учун бундай қилганлигининг сабаби номаълумлигича қолган. Шунда нуфузли кишилардан бири хонга: «Э-вой, қани ул қанча ҳаракатлар илан (Тошкентдан) топган сузларимиз, нимага демадингиз», — деганида у: «Уша сузлар дилимда такрор эрди, аммоки, мани тилим муҳолифат этди, тилим хуб дегандин кейин билдим», — деган. Яна, хон «Иш қўлдан кетатурган бўлганда кишини ўз аъзойи жавораси ҳам муҳолиф бўлур экан, ўзим ҳам ҳайрон бўлдум»³, — деган.

«Шундан кейин, — дейди воқса гувоҳларидан бири, — ҳаммамиз бирдан хафа бўлдук. Йиги-сиғи, кўз ёши бўлди. Ушал кун генерал-губернатор дарҳол қоғоз буйруқ чиқарди: «Эртага хон Уринбургга жўнасун», деб. Хон тақдирга тан қўймай, эмди, маслаҳати ҳаракат бўлди. Хонни раъйи бекзодлар ва оймиларни Тошкентда қўйиб, кетмоқ маъқул бўлмади, на учунки, анда ишончлик одам бўлмади. Туркистонда ўзларига қараган эъти-

¹ Фаргона тарихи, 310-бет.

² Уша жойда, 316-бет.

³ Уша жойда, 317-бет.

модлик кишилар булгани учун аҳли аёлларни Туркистонда қўйиб кетмоқ муқаррар бўлди.

Эртаси қиёмда жунадук. Хон илан етмиш киши эди. Мундан Атобек нойиб қўлида юз эллик адад сипоҳлар ҳам бор эрди. Тошканддан жунаб, бир қунуб Чимкандга бордук. Анда бу хафаликларимиз устига хон Атобек нойибга бир нима, деди. Нойиб хонга бир нима, деди. Гина ва афсус тўғрисида бир-бирлари ароз бўлуб, жамиъ юз эллик сипоҳни олиб, Атобек нойиб Чимканддан Хўқандга қайтди. Хон қолган кишилар билан жунади. Туркистон борилди. Хон Мусо Али мингбоши ҳавлисига тушти. Бекзодалар ва аёлга алоҳида ҳавли тайёрлаб бердилар. Анда хон беш кун туруб, аҳли аёллар билан видолашиб, Туркистондан жунадук. Маҳрамлар билан бирга эдук. Туркистондан чиқуб, бир Қулунсурон деган ерга борилди. Анда етиб, эртаси хон маҳрамларга жавоб бериб, айтдики: «Ҳар қайсиларингни аҳли аёлларинг бор, бизни бошимиздаги тақдирга узимиз мубтало, сизлар овора бўлманглар, деб ҳар қайсиларимизга бирмунчадан танга берди, фотиҳа берди. Бизлар қайтдук»¹.

Куришиб турибдики, Худоёрхоннинг тақдири золимлиги, калтафаҳмлиги ва она юртга хоинлик қилганлиги туфайли жуда фожеали бўлди.

1873 йили полковник Скобелев ҳарбий вакил сифатида бир неча солдат билан Қўқонга юборилган эди. У билан бирга ҳарбий топограф Реднев ва ташқи ишлар вазирлигининг вакили Вейнер ҳам борган. Улар Худоёрхон билан бирга Хужандга қайтишга мажбур бўлган эдилар.

Руслар фойдаси тегмайдиган булганидан сўнг Худоёрхонни тақдирлаш у ёқда турсин, халқ ҳисобига тушлаган хазинасини ҳам тортиб олди ва ўзини Оренбургга сургун қилди. Хонни бу ерга Мулла Маъруф додхоҳ, Қосим тўқсоба, Жамил хазиначи, Муҳаммад шарбатдор, Хурсанд ва Муллача (ҳар иккаласи қул), Мирзобой сагир ва Тожи маҳрам деган кишилар кузатиб борганлар.

Худоёрхон Қўқондан чиқиб кетишидан олдинок юқори табақа вакиллари тахтга унинг ўғли Насриддинни ва бошқа номзодларни утқазिशга киришган эдилар. Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги гуруҳлар Насриддинни тахтга утқазिशга муваффақ бўлдилар. Бу хон

¹ Уша жойда, 318-бет.

Туркистон генерал-губернаторлиги билан гуё яхши алоқаларни урнатиш мақсадида Кауфманга хат юборган. Бунда у ўзининг тахтга ўтирганлигини маълум қилиш билан баробар, дўстона алоқада бўлиш ҳақида сўз юритган. Аслида эса, у Рус давлатининг тажовузига қарши кучларни туплашга уринди. Хусусан, у Бухоро амирига қуйидаги мазмунда хат жунатган: «Отам урнига тахтга ўтирган мен сизга маълум қиламанки, ҳозирда дин ҳимояси учун курашга отланган шаҳар ва дашт аҳолиси катта куч-ғайрат билан бош кутарди.

Она-Ватанга муҳаббат ва содиқлик ҳамда дин учун кураш шунча куп одамларни бир жойга жамладики, сон-саногни Худодан бошқа ҳеч кимга маълум эмас. Мени Андижондан келтиришиб, кофирларга қарши курашишни зиммамга юкладилар. Биз тахтга эга бўлдик, шаҳар ва дашт аҳолиси бизни хонлик либоси билан зийнатлади. Ҳозирда кофирлар утадиган ҳар бир йулга ҳарбий қисмлар юбордик. Шахсан мени узим ҳам кофирларга қарши курашиш мақсадида беҳисоб қўшин билан йулга чиқдим.

Олий ҳазрат! Сизни отам урнида ва исломнинг йирик ҳукмдорларидан бири сифатида кўриб, узимизни ишларимиз ва эзгу мақсадларимизни изҳор этмоқдаман!»

Сайидалихужа Абдусаттор Маъзум угли томонидан амирга топширилган мазкур хатдан аёнки, Насриддинхон Бухоро хонлигини ошкора булмаса-да, унинг ҳаракатларига хайрихоҳлик билан қарашга чақирган. Абдурахмон офтобачи ва Иса авлиё ҳам Бухоро амирига ўша мазмундаги хатларни юборган. Насриддинхон ва унинг атрофидаги Абдурахмон офтобачи бошлиқ ҳокимият вакилларининг юргизган сиёсатини белгилашда Тошкент аҳолиси ва нуфузли кишиларга, жумладан, Саъидазимбойга юборилган мурожаат ҳам диққатни жалб этади: «Мана 12 йил утдики, — дейилган унда, — лаънати руслар Хужанд, Тошкент, Уратепа ва Самарқандни босиб олишиб, дин шуъласини учирдилар ва исломга зиён келтирдилар. Шунинг учун барча мусулмон аҳли урушни муқаддас бурч, деб ҳисоблайди. Худоёрхон булса, руслар билан дўстона муносабатда бўлиб ва куп совғалар юбориб, хатога йул қўйган эди. У бизнинг динни қаттиқ ушлаш ҳақидаги насиҳатимизга кирмай, оқ подшоҳга берилди, ислом динидан қайтди ва қалбаки оқ подшоҳга ёпишиб олди ҳамда бизни орамиздан чиқди. У буларни ҳаммасини шахсий манфаат-

ларини уйлаб қилган эди. Шундан кейин барча руҳонийлар ва хизматчиларнинг вакиллари, ҳамма катта-кичик одамлар бир ёқадан бош чиқариб, келишмовчиликларни бартараф этган ҳолда, хоннинг катта ўғли Саъид Муҳаммад Насриддинни тахтга утқаздилар. Бизни давлатимиздан 3 лак, яъни 300.000 киши чиқади ва бу билан биз катта кучга эгамиз. Биз, катта-кичик ҳаммамиз ҳамда ҳар бир киши алоҳида курашишни муқаддас бурч деб билиб, бир киши қолгунга қадар жанг қиламиз ва Худонинг марҳамати ила ғалабага ишонамиз.

Агарда ҳозир сизлар бу хатни олганингиздан кейин мусулмон динини ҳимояси учун муқаддас урушни хоҳласангизлар, у вақтда бир жойга тупланиб, урушга тайёр турунглар».


Абдурахмон офтобачи ва Мулла Иса Авлиё имзоси билан битилган хат шуни кўрсатадики, хонликдаги халқ ҳаракати Рус давлати ва унинг тарафдори Худоёрхонга қарши қаратилган озодлик кураши ҳисобланган. Аммо шуниси таажжубланарлики, уша хатларнинг муаллифлари амир ва Саъидазимбойнинг Россиянинг содиқ тарафдорлари эканини била туриб, уларни ёрдам беришга даъват этганлар. Амир ва Саъидазимбой эса хатларни Туркистон генерал-губернаторига топшириб, Россияга содиқликларини яна бир бор намоён қилганлар.

Шу тарзда, хонликдаги ватан ҳимоячилари сардорларининг четдан ёрдам олишга қаратилган умидлари пучга чиққан эди.

1873 йил 31 июлда Кауфман Насриддинхон хатига ёзган жавобида Худоёрхон билан тузилган 1868 йилги шартномани ва дўстлик алоқаларини бузмаслик шarti билан унинг хонлик мақомини тан олишини билдирган. У Насриддинхоннинг Рус давлатига қарши қаратилган ҳаракатларини яхши билса-да, лекин вақтинчалик хон билан муросага боришни лозим топган.

РУС ҚЎШИНЛАРИНИНГ БОСҚИНЧИЛИКЛАРИ ВА ХОНЛИКНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Қўқон хонлигидаги халқ ҳаракатлари ва Худоёрхоннинг қочиши орқасида юзага келган оғир вазият рус ҳукуматига қўл келди. Бу вақтда Ёттисувда турган Кауфман дарҳол Тошкентга қайтиб, хонликни босиб олиш чораларини кўрди. Бу орада, яъни 1875 йил 6 августда ватан ҳимоячилари Тошкент тарафга юриш қилиб, Оҳан-



Турақурғон қалъаси.

гарон дарёсидаги Облиқ қишлоғини эгалладилар. Улар 8 августда Тошкент билан Хужанд ва Ғратепа оралиғидаги почта бекатларини эгаллаб, 16 русни асирликка олдилар. Савдогар Исаевнинг ойна заводига ут кўйилди. Бундан хабар топган Кауфман Сирдарё вилоятининг губернатори Головачевга ҳарбий юриш бошлашни буюрди. Головачев ҳарбий қисм билан Тошкентдан 60 чакирим узоқликдаги Тилов қалъасига борди. Бу вақтда 5000 кишилик ватан ҳимоячилари Облиқ қишлоғидан Тиловга ҳужум қилишга тайёрланмоқда эдилар. Ҳар икки томон ўртасида қисқа отишмалардан сўнг ватан ҳимоячилари тоғ томонга чекинганлар.

Тошкентда Кауфман Биринчи Туркистон ўқчи батальони, Оренбург кўшинининг тўртта отлиқ тўпчиларини, 100 казак аскар ва бошқа ҳарбий қисмларни Қўқонга жўнатган. Бу вақтда ватан ҳимоячиларининг айрим гуруҳлари Хужанд атрофларида почта бекатларини ёндирганликлари ҳамда қўқонликлар Нов қишлоғини эгаллаганликлари ҳақидаги маълумотлар Тошкентга келиб турган. 5000 кишилик қирғизлар Сирдарё орқали утиб, Қурама уездига қарашли Самгар қишлоғини эгаллаганликлари туғрисида ҳам хабарлар олинган. Шу боис Головачев Гарновский бошчилигидаги ҳарбий қисмларга Хужанд томонга юришни буюрган. Қўқонликлар Тошкент атрофидаги Паркентга ҳужум қилармиш, деган овозларга жавобан у жойга 1875 йил 21 август кечаси полковник Скобелев раҳбарлигидаги аскарлар юборилган.

Ҳақиқатан ҳам Қўқон хонлигидаги ватан ҳимоячилари руслар босиб олган Тошкент ва Хужанд чегараларига бостириб кириб, душманга зарба беришга уринганлар. Головачев аскарлари Оҳангарон минтақасидаги Облиқ-Тилов атрофларида қўқонлик ҳимоячилар устидан ғалабага эришганлар.

1875 йил 13 августда Кауфман йўлга чиқиб, Пискентга келганида подполковник Нолдедан 9 август кунини Хужандга ҳужум қилган ватан ҳимоячилари тор-мор этилганлиги ҳақидаги хабарни олган. Шу воқеа маълум бўлдики, Абдурахмон офтобачи Маҳрамда куп куч туплаб, уша кунини Хужандга уч томондан ҳужум уюштирган экан. Хусусан, Қўқон йўлидан 10-15 минг кишилик ва Самгар томонидан 6-10 минг кишидан иборат ватан ҳимоячилари ҳужум қилганлар. Қўқонликлар Хужанднинг Нов дарвозаси тарафидан бостириб кирган эдилар. Аммо барчаси душман томонидан орқага суриб ташланган. Шунга қарамай, Хужанд хавфдан холи бўлмаганлиги учун уезд бошлиги подполковник Нолде шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш чораларини кўрди. Бу орада ватан ҳимоячилари шаҳарга яқинлашиб келдилар. 12 августда уларга қарши полковник Саримович 4 рота, 100 казак, артиллерия дивизиони билан юриш қилиб, чекинишга мажбур этган. Шундан кейин у Қистакўз деган жойга жойлашган. Сунгра у Абдурахмон офтобачининг 16 минг кишилик қўшинига ҳужум қилиб, уларни Қўқон йўли бўйлаб қувлади. Куп утмай Тошкентдан Хужандга қўшимча ҳарбий қисмлар етиб келди. Бир пайтда Кауфман ва Головачев бошчилигидаги қўшинлар Хужандга бораётганда Мирзаобод станциясида Қўқон отлиқлари қуринган. Улар душман аскарлари қуриниши биланоқ Самгар қишлоғига қочганлар. Уларнинг кетидан юборилган полковник Скобелев солдатлари Самгарга борганда 4 минг кишилик ҳимоячилар у ердан Маҳрам қалъасига қайтганлиги маълум бўлган.

18 август кунини Кауфман қўшин билан Хужандга борган. Бундан олдинроқ полковник Ефимович бошчилигидаги 200 казак артиллерия дивизиони билан Самарқанддан келган эди.

Умуман, Кауфман Қўқон хонлигига қарши қурашиш мақсадида ҳарбий қисмларни Хужандга туплайди. Бу ерда 16 рота пиёда аскар, шу жумладан, битта сапер ротаси, 20 туп, 900 отлиқ солдат ва 8 ракета станоклари жамланган эди.

1875 йил 20 августда Кауфман уша қушин билан Хужанддан чиқиб Қуқон йули буйлаб юрди; 40 чақирим йул босгандан кейин Маҳрам истехқомига дуч келиб, уни босиб олишга киришди. Бу қалъа шимолдан Сирдарёга, жанубдан эса айрим жойлари боғларга бориб тақалган. Унинг уруш олиб бориш мумкин булган гарб томони эса, сув тулдирилган зовур билан қуршалган. Умуман, истехқом етарли даражада мустаҳкамланган булиб, 15 минг кишидан иборат ватан ҳимоячилари шайланиб турган. 1875 йил 22 августда шахсан Кауфман қумондонлигида қушин Маҳрамнинг орқа томондан ҳужум бошлади. Шу вақтда ватан ҳимоячилари душманни ҳам орқадан, ҳам чап томондан қуршаб олади. Душман томонидан тинимсиз ёғдириб турилган туп уқлари ватан жангчиларига яқинлашиш ва тўқнашиш имконини бермади. Шундан кейин босқинчилар ҳужумга утди. Уларга қарши ватан ҳимоячилари 10 тупдан уқ узиб турган. Бунга қарши душман 12 тупдан уқ ёғдирган. Шу равишда ҳар икки томондан жанг кетаётганида Кауфманнинг буйруғига биноан генерал Головачев артиллерия воситасида ҳужумга утган. У қаттиқ жанглардан сунг Маҳрам дарвозасини бузиб, ичкарига бостириб киришга муваффақ булган. Бу ерда босқинчилар 16 туп, қуп яроғ-аслаҳа, порох ва озиқ-овқат маҳсулотларини улжага олдилар. Ватан ҳимоячилари эса дарёга чекиндилар, лекин жуда яқин масофадаги душман кучлари уларни уққа тутиши орқасида жуда куп одамлар ҳалок булган. Сунгра полковник Скобелев бошчилигидаги 500 солдат Маҳрам боғларида пистирмада турган ватан ҳимоячиларига ҳужум қилиб, 2 тупни улжага олиб, уларни Қуқон йули буйлаб 10 чақирим жойгача қувиб борган.

Маҳрамдаги мағлубият хонлик тақдирини узил-кесил ҳал қилган омиллардан бири ҳисобланади. «Маҳрамдаги галаба, — дейилади рус манбасида, — узининг ута билимдонлик ва ажойиб равишда қулга киритилганлиги орқасида Қуқон хонлиги аҳолисига қаттиқ таъсир этиб, уни тинчителишда ва ақл-ҳушларини йиғиб олишда муҳим урин тутди. Бу галабанинг аҳамияти яна шундан иборатки, Маҳрамда ҳаракатларнинг сардорлари ҳамда бизга қарши қаратилган барча кучлар ва маблағлар тупланган эди. Зеро, Маҳрамда Абдурахмон офтобачи томонидан тупланган кучлар сони бизнинг маълумотимизга қура, 30000 кишини; қипчоқларнинг кўрсатишича эса, қипчоқлар ва қирғизлардан ташкил

топган фақат отлиқларнинг узи 50.000 одам ҳисобланган. Абдурахмон офтобачининг узи жангда қатнашган булса-да, лекин шериклари билан бизнинг уқимиз етмайдиган жойда турган. Биз устун келиб, қуқонликлар қочганларида Абдурахмон офтобачи ҳам биринчилар қатори жуфтакни урган эди. Маҳрамда асосан шаҳар ва қишлоқлардан келтирилган одамлар катта талофат куриб, оз кишиларгина уйларига қайтдилар. офтобачининг қигчоқ ва қирғизлардан иборат отлиқлари бизнинг уқимиздан узоқроқ турганлар ва отлари чопқир булганлиги учун қочишга улгурдилар. Маҳрамдаги ғалабамиз бутун хонлик буйлаб таралди»¹.

Демак, Маҳрамдаги жангда Абдурахмон офтобачи ва сафдошлари урушга яхши тайергарлик курганлар, лекин жанг вақтида раҳбарликни урнига қўя олмай ожизлик қилганлар. Натижада уз ҳолига ташлаб қўйилган ватан ҳимоячиларидан фақат 3000 отлиқ омон қолган, холос².

Ибрат ҳам Маҳрамдаги жанг ҳақида тухталиб: Абдурахмон офтобачи «Русияга урушмоқчи бўлуб, Маҳрамга боруб, андин Хужандни мухосара қилмоқ бўлуб, ҳеч иш қилмай, неча минг одам дарёга кетиб, Маҳрамдан қочиб, Марғинонга кетди», — деб ёзган эди³.

Демак, босқинчилар неча минг одамларни Маҳрамда дарёга чўктирган ёки қириб ташлаганлар. Улар Маҳрамда 39 тўп, 1500 турли қурооларни, порох, 1910 пуд ун, 837 пуд гуруч, 3200 пуд жужори, 224 от ва бошқа турли нарсаларни улжа олдилар. Булардан ташқари, солдатлар қўлга туширилган куп тўпларни Сирдарёга ташлаб юборганлар.

1875 йил 23 августда Кауфман Маҳрамдаги ғалабани императорга телеграмма орқали маълум қилган. Буни император мамнуният билан қарши олган.

Маҳрамдаги мағлубият Қуқон хони Насриддинхон ва унинг атрофидагиларни саросимага солиб, хон дарҳол Кауфман номига қўйидаги хатни элчи Фозил Аҳмад Махдум Аъзам ва Мулла Муҳаммад Иса авлиё орқали юборган:

«Жаноби олийлари! Бизнинг отамиз билан тинч ва дустона равишда яшаб, ҳар икки ғомон халқи хотиржам эди. Менинг падари бузрукворим шариатга қар-

¹ Военные действия против кокандцев в 1875—1876 г. по официальным донесениям; СПб, 1876, стр. 32.

² Уша жойда, уша бет.

³ Фаргона тарихи, 311-бет.

ши янги тартибларни қўлаб, халқни ҳар томонлама эзди ва уни шу даражада ёндирдики, бурнидан тутун чиқарди. Буларнинг ҳаммаси қўзғолон кўтарилишига ва отамни тахтдан маҳрум этилишига олиб келди. Сиз яхши биласизки, Мулла Абдулкарим мироҳур орқали сизга юборилган хатга узоқ вақт жавоб олмадик. Биз йуллар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли жойларга қўшин юборган эдик. Сизнинг Мулла Абдулкарим мироҳур орқали юборган хатингиздан хайрихоҳлигингиз ва шартлар инobatга олинган тақдирда хонлигимизни тан олишингизни билдик. Дустлигингиз ва яхши ниятларингизга ишонган ҳолда шартларингизнинг ҳаммасини қабул қилиб, хат ёзмоқчи бўлиб турганимизда Қорахитойда (Тиловда) икки қўшин уртасида туқнашув бўлиб, улардан бирида (қўқонликлар) чекинишга мажбур бўлганлар. Биз дарҳол Муллаҳожо Мирза Карим орқали сизга ўзимизнинг дуслгимиз ва исёнларни тухтатилганлиги ҳақидаги хатни ёзишни буюрган эдик. Аммо кеча Маҳрамдаги Худонинг хоҳишига кўра содир бўлган воқеани эшитдик. Биз исённи бостиришга кўп ҳаракат қилдик, лекин уддалай олмадик. Шунинг учун ҳам Мулла Абдулкарим билан юбориладиган хатни жўнатишнинг иложи бўлмади. Сизнинг барча шартларингизга розилигимизни ва қипчоқ исёнчиларининг қилган ишларига узримни ўз ичига олган хатимни Фозил Аҳмад Махдум Аъзам орқали ясатилган икки от ва икки бўқчадаги совғалар билан юбормоқдаман».

18 рус асири ҳам элчи орқали Кауфман ҳузурига жўнатилганди.

Насриддинхон бир кичкина ҳарбий губернаторга қанчалик ялинмасин ва унинг олдида тиз чўкмасин, барибир, сўровлари инobatга утмади. Чунки рус ҳукумати Қўқон хонлигини сақлаш ниятида бўлмай, уни тамомила тугатиш ҳаракатида эди. Шунинг учун ҳам Кауфман хон совғаларини олмади ва хоннинг ўзи келиб бўйсунити лозимлигини элчига билдирди. Эндиликда рус ҳукумати учун номигагина тахтда утирган Насриддинхон билан юқори даражада алоқа юргизишга асос ва зарурат йўқ эди. Кауфман, айниқса, Маҳрам ғалабасидан сунг хонликнинг тамомила тор-мор этилишини яхши биларди.

Бу вақтда хон ва унинг атрофидаги сарой амалдорлари Қўқон мудофаасини мустаҳкамлаш, душманга қарши курашиш чораларини кўриш ўрнига таслим бўлиш-

га тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Зеро, 1875 йил 29 августда Кауфман катта қўшин билан Қўқон шаҳрига келганда Насриддинхон бошлиқ нуфузли кишилар «халқ номидан туз ва нонни қабул қилишни ҳамда ҳукмдор императордан халққа раҳм-шафқат» сураганлар.

Кауфман бу суровни мамнуният билан инобатга олди ва Қўқон шаҳрини урушсиз эгаллаганлиги туғрисида императорга телеграмма жунатди. Петербургда бу хабар хурсандчилик билан қабул қилинди. Кауфман уша телеграммада бутун Наманган беклигини Сирдарёнинг унги қирғоғи билан Россияга қўшишга рухсат берилишини ҳам сураган эди. Император агар бу тadbир келажакда чегара хавфсизлигининг олдини олиш имконини туғдирса, уни амалга оширишга ижозат берди.

Кауфман бутун шаҳар буйлаб қўшини билан утиб, сунгра Қўқон атрофидаги ҳарбий лагерга келган. Уни бу ерга Насриддинхон намоишкорона кузатиб қўйган. Кауфман вазият тақозосига кўра Насриддинхон билан вақтинчалик мурося қилиб, Маҳрам қалъасини унга қайтариб берган. У Марғилон, Шаҳрихон, Андижон, Уш ва Наманганга хат тарқатиб, нуфузли кишиларнинг Қўқонга келишларини суради. Мазкур жойлардан Русияга буйсуниш борасида маҳаллий нуфузли кишиларнинг муҳрлари билан розилик хатлари келтирилган бўлса-да, лекин улардан биронтаси узи келмаган. Улар Кауфманнинг иккинчи мартаба юборган суровини ҳам инобатга олмай, шахсан келишни лозим топмаганлар. Бу шундан далолат берадики, улар бошқинчиларга дилдан қарши бўлган. Бироқ, Россия билан Қўқон хонлиги ўртасида қарийб 25 йил мобайнида олиб борилган урушлар мобайнида қўрилган катта талофатлар хонликни ҳар жиҳатдан заифлаштирган эди. Бошқача айтганда, жанг қилиш нияти бору, лекин таянадиган мустаҳкам раҳбар ва куч йўқ эди.

Кауфман мана шу ниятнинг ўзини ҳам хавфли ҳисоблаб, 1875 йил 5 сентябрда Марғилонга қараб юрди. Бу вақтда Марғилонда Абдураҳмон офтобачи бошчилигидаги ватан ҳимоячилари бор эди. У душманга қарши туришнинг фойдаси йўқлигини англаб, Марғилонни ташлаб кетади. Кауфман 8 сентябрда Марғилонга келганда айрим юқори табақа вакиллари ватан ҳимоячиларидан қолган 9 тўпни «ўзларининг итоат этганликлари» белгиси сифатида унга топширганлар. Кауфман полковник Скобелев бошчилигидаги 600 казак, 1 ракета батареяси, 2 тўп ва 2 рота пиёда аскарни Абдураҳ-

мон офтобачининг орқасидан жўнатган. Душман кучлари Маргилондан 68 чақирим нарида жойлашган Мингтепага яқинлашганда Абдурахмон офтобачи бошлиқ ватан ҳимоячиларининг тарқалиб кетганлиги ва тоғларга қочгани маълум булади. Рус аскарлари ватан ҳимоячиларининг кетишга улгурмаган охириги қисмлари билан тўқнашадилар. Шу тариқа, босқинчилар анча хавфли ҳисобланган ватан ҳимоячиларидан қутулгач, Кауфман Насриддинхонни чақириб сулҳ лойиҳаси билан таништиради. Бунга кўра, Сирдарёнинг унғ қирғоғидаги жойлар Россия империяси таркибига кириши ҳамда ҳарбий харажатларни қоплаш учун рус ҳукуматига 600 минг танга товон тўлаши лозим эди. 1875 йил 23 сентябрда Насриддинхон Кауфманга ўз хатини топширади: «Ярим подшоҳ! Сизга қуйидаги суровларни маълум қиламан: воқеалар (қўзғолонлар) бошланган вақтларда мен офтобачининг қистови туфайли ихтиёримсиз хон булганман. офтобачи қўл остида ёмон одамларнинг кўплиги туфайли ҳеч нарса қила олмаганман. офтобачи ўзбошимчалик билан ҳарбий юриш қилиб, Маҳрамдан қочгандан кейин мен Мулла Абдулкарим орқали юборилган (сизнинг) хатингизни олишим биланоқ мамнуният билан розилигим ва содиқлигим ҳақидаги хатимни совғалар билан Эшон Фозил Аҳмад Махдум Аъзам ва Иса авлиё орқали юборганман. Сиз бу томонга юрганингизда ва тухтаган ҳар бир жойингизда имкони борича ўз хизматимни адо этдим.

Мен сиз билан учрашганимдан кейин сизнинг доно сузларингизни тушундим ва тамомила тинчландим ҳамда сизга булган умидим кундан-кунга ортиб борди. Мен сизнинг ваъдаларингиз ва эътиборингизни барчага тарғибот этганимда халқ қаноат ҳосил қилди.

Мен жума куни сулҳ шартлари билан танишдим. Мени гуноҳкор дейилиб, товон тўлаш белгиланган. Шартноманинг айрим моддаларини бажаришга ожизлигимни англаб, илтимосимни ёздим. Мен сиздан мамнунман ва хурсандман ҳамда сизга миннатдорлигимни изҳор қиламан. Менга халқни бошқариш қийин, шу боис берган ваъдамни ўзгартириб, мени ва халқнинг тақдирини ҳал этишни сиз ярим подшоҳнинг ихтиёрига топшираман».

Насриддинхон узини шу даражада ожиз ва ёлғиз сезганки, хонлик тақдирини тамомила Россия қўлига топширишга қарор қилган. Айниқса, уни товон масаласи қаттиқ ташвишлантирган. Чунки хазинани Ху-

доёрхон олиб кетганлиги туфайли ҳукуматнинг чўнтаги қуруқ эди. Товонни қашшоқлашган халқдан туплашнинг ҳеч иложи бўлмаган. Кауфман хоннинг хатининг четига: «Мен Насриддинхондан шартноманинг бажарилишини сўраганимда у менинг ишонадиган одамларим йўқ, атрофдагиларга эса таяниб бўлмайди», деб жавоб берганлигини ёзиб қўйган.

Кауфманнинг ўзи ҳам товон ундиришнинг имкони йўқлигини англаб, уни тўлашга зўрламайди. Оқибатда 23 сентябрда Сирдарёнинг ун қирғоғининг Россия таркибига киритилиши масаласи буйичагина ҳар икки томон шартномани имзолади.

1875 йилнинг 26 сентябрида Кауфман Наманганга келиб, унинг ён-атрофига қўшин билан жойлашди. Бу вақтда Кауфман Абдурахмон офтобачи ва Пулатбек бошчилигида Андижон шаҳрида, атроф-жойларида катта куч тупланганлиги ҳақидаги хабарни олди. Рус манбасида дейилган: «Андижонликлар шаҳарнинг ун иккита катта кучасида турли нарсалардан тўсиқлар ўрнатганлар. Андижон ҳимояси учун шаҳарликлардан ташқари қишлоқларнинг аҳолиси ҳам келган. Шаҳар ҳимоячиларининг сони 60-70 минг кишидан иборат бўлиб, уларга Абдурахмон офтобачи бошчилик қилган. Пулатбек эса 15 минг қирғиз билан русларга орқа тарафдан зарба бериш мақсадида шаҳар чеккасига ўрнашган»¹.

Пулатбекнинг кейинги фаолияти ҳақида шуни айтиб ўтиш лозимки, у ўз атрофига қирғизлардан ташқари енгилиб қочган Қўқон аскарларини ҳам тўлаб, анча куч йиққан. Унинг тарафига қипчоқ ва қирғизларнинг Уродали, Бутабек, Бағишбек, Мулла Йўлдош, Исфандиёр, Мирзақул, Ёрмат, Эшмат, Амалиш оғаси, Шомирза, Умарбек, Ҳасанбек Сулаймон удайчи, Абдумўмин сингари атоқли кишилари ҳам утган. Улар Насриддинхон ватанни сотиб Россия тарафдори бўлгани учун Пулатхонни Андижоннинг Бутақора қишлоғида хон деб эълон қилдилар.

Андижоннинг озодлик кураши марказига айланиши босқинчиларни қаттиқ ташвишлантириши турган гап эди, албатта. Чунончи, Кауфман дарҳол генерал Троцкий бошчилигида 1400 кишилик қўшинни 4 ракета станогига ва 8 тўп билан Андижонга жўнатган. Улар 29 сентябрда Андижондан 6 чақирим узоқликдаги жойга бориб ўрнашганлар.

¹ Военные действия против кокандцев в 1875—1876 гг., стр. 53.

Биринчи октябр куни генерал Троцкий ўз қўшини полковник Скобелев, Миллер-Закомелский ва барон Аминов бошчилигида уч қисмга бўлиб, шаҳарга ҳужум қилишни буюрган. Улар шаҳарга яқинлашганда Пулатхон отликлари ҳужумга утган, лекин душман тўпларидан отилган ўқ ёмғири остида ҳужум қайтарилган. Полковник Скобелев ва Аминов бошчилигидаги қўшин шаҳарга кетма-кет ўқ отиб, бостириб киради. Улар шаҳардаги ҳоким саройини ишғол этган вақтда Миллер-Закомелский солдатлари ҳам етиб келган. Шундан кейин ватан ҳимоячилари билан душман кучлари ўртасида қаттиқ жанг бўлган. Жангда бевосита қатнашган рус ҳарбий хизматчисининг сўзига қараганда, солдатлар ҳоким саройини эгаллаб, унинг атрофидаги уйлари бузиб ташлаганлар. Ҳатто ҳимоячилар қаршилик кўрсатган айрим хонадонларга тўшлар отиб, хонавайрон қилинган¹.

Душманга қарши уйлarning томларидан, тўсиқлар ортидан, дарахтлар орасидан ва бошқа жойлардан ўқлар отилган. Солдатлар қаердан ўқ отилган бўлса, ўша жойни тўшлардан ўққа тутган. Ҳоким саройи ҳам босиб олинган. Шундан кейин генерал Троцкийнинг кўрсатмасига биноан шаҳар ёндирилиб, харобага айлантирилди. Уша 1 октябр куни соат 2 да душман аскарлари шаҳар яқинидаги лагерларга қайтиб, дам олган. Икки соатдан кейин Скобелев раҳбарлигидаги 200 казак, 6 тўп билан келиб, шаҳар халқини янада қаттиқроқ жазолаш учун уни уч соат мобайнида тинимсиз ўққа тутди.

Уруш 6 соатга чузилиб, ҳимоячилар қаттиқ жанг қилганлар. Бироқ душман устун келиб, жуда кўп одамларни қирган, кўп уй-жойлар хонавайрон бўлган. Бу ҳам камдек, генерал Троцкийнинг ваҳшийлиги авжига миниб 2 октябрда ҳам шаҳарни тўшлардан ўққа тутқазган. Шунга қарамай, ҳимоячилар қаршилик кўрсатишни тўхтатмаганлар.

Босқинчилар Фаргона водийсининг энг йирик ва ривожланган шаҳарларидан бири ҳисобланган Андижонни узоқ вақтгача қаддини кутара олмайдиган даражада остин-устин қилиб ташладилар. 1-2 октябр кунлари Андижонга тўшлардан жаъми 226 снаряд отилган эди. 1875 йил 3 октябрда генерал Троцкий Андижондан Наманганга кетиш йўлида ватан ҳимоячилари би-

¹ «Артиллерийский журнал», стр. 818.

лан туқнашган. Бундай туқнашувларда қатнашган, деб куп қишлоқлар ёндирилган. Қанчадан-қанча одамлар ҳалок булган, хонадонлар вайронага айланган. Айрим маълумотларга қараганда, Андижонда шахсан Скобелев бошчилигида 20 минг киши улдирилган.

Шу тариқа, Троцкий ва Скобелев яхши қуролланган қўшин билан халқ лашкарларини бирин-кетин қираверган. Генерал Троцкий қўмондонлигида ҳаракат қилган қўшин жангларда 12 киши йўқотган, ярадорлар сони 59 кишини ташкил этган.

Босқинчилар икки ярим ой ичида тўплардан Ҳимоячиларга қарши 387 снаряд отганлар. Шу вақт ичида 150 милтиқ, 144 тўп, 32260 тўп уқи, 1092 граната ўлжа олганлар. Бу Ҳимоячилар учун жуда катта талофат эди.

Генерал Троцкий Наманганга яқинлашганда Пулатхон лашкари билан туқнашиб, қўзғолончиларни мағлубиятга учратган. Пулатхон қочиб кетаётганда отдан йиқилиб, оёғи синган. У курашни давом эттиришга аҳд қилиб, Асакага урнашган. Бу ерда Пулатхон афрофига 12 минг киши тўпланиб, улар бирин-кетин бир неча галабага эришадилар. Чунончи, Пулатхон халқнинг бевосита ёрдами билан Ўш, Андижон ва Марғилонни эгаллайди. Бу ҳол Насриддин мавқеини катта хавф остида қолдиргани учун у Марғилоннинг собиқ беги Султон Муродбек бошчилигидаги аскарларни Пулатхонга қарши юборган. Бироқ бу бек ҳужум қилишдан қўқиб, Файзобод қишлоғига урнашди ва қирғиз қўзғолончиларининг айрим гуруҳлари устидан галабага эришди. Бу жангларда асир олинган 30 нафар қирғиз Қўқонда хон томонидан дорга осилади. Бу вақтда Пулатхон томонидан Марғилон беги лавозимига тайинланган Валихон 20 минг киши билан Файзободга ҳужум қилиб, Султон Муродни тормор этади. Куп кишилар улдирилади, Султон Мурод эса Қўқонга қочади.

Бу фожеалар юз бераётганда Қўқон шахрининг узида ҳам Насриддинхонга қарши кучлар бош кўтарган эди. Халқ нафрати ва қаршилиқка учраётган Насриддинхоннинг тақдири хавф остида қолади. Шу боис у 9 октябрда уч соатлик жангдан сўнг шошилишч равишда Хужандга қочади. Афтидан, хонга қарши курашга Уратепанинг собиқ беги Абдулғаффорбек бошчилик қилганки, у тахтни қўлга олади. Шундан кейин ҳам Қўқонда тартибсизлик ва зўравонлик ҳукм сураверди.

1875 йил 16 октябрда Кауфман Наманганга генерал Скобелев бошчилигида 14 рота, 500 казак, 4 ракета станогги ва 16 тушдан иборат ҳарбий кучни қолдириб, Хужандга кетган. У Наманган беқлигининг Россия империяси таркибига киритилганлигини эълон қилиб, хонликка яна бир бор қақшатқич зарба беради. Скобелев бу вақтда Наманган булимининг бошлиғи этиб тайинланганди. Водий халқи қанчалик азоб-уқубатлар, мисли қурилмаган қирғинларни кўрмасин, барибир, озодлик курашидан воз кечмади. Аксинча, хонликнинг турли жойларида галаёнлар кўтарилди. Ҳасан Қалла бошчилигида Янгиқўрғон ва Бачқир қишлоқларининг аҳолиси Қўқон шаҳрига бостириб кириб, хон саройини таладилар ҳамда Султон Муродбекни тутиб, Пулатхонга жўнатдилар. Бу ерда унинг калласини танасидан жудо қилдилар. Файзобод жангида ғолиб келган Валихон ўз атрофига янги кучларни тушлаб, Наманганни босқинчилардан озод этишни режалаштиради. Марғилонликлар, қирғизлар ва бошқа қишлоқларнинг одамлари Балиқчи томон йўл олганда, Валихон улар билан биргаликда Қорадарё атрофида Скобелев солдатларига қарши жангда мағлубиятга учради. У Марғилонга келганда ҳалок бўлганларнинг оилалари унга ташланадилар. Пировардида, жазодан кўрққан Валихон шаҳардан қочиб кетади. Бу урушда руслардан бир киши улдирилади, 10 киши яраланади. 1875 йилнинг 18 октябрида полковник Пичугин Ашобага бориб, қўзғолончилар билан жанг қилиб, қишлоқни бутунлай харобага айлантиради. Бу урушда уч босқинчи улдирилиб, 11 босқинчи жароҳатланади. Қўзғолон қатнашчилари қаттиқ жазоланадилар.

Сирдарёнинг унги қиргоғида Наманганнинг собиқ ҳокими Ботир Турабек ҳам атрофига одам тушлаб, босқинчиларга қарши бош кўтарди. «Бул тарафда, Наманганда, — деб ёзади Ибрат, — Ботура деган киши чиқиб, эски сипоҳлардан йигиб, муҳораба қилмоқ бўлуб, уч-тўрт минг одамни жамлаб, Турақўрғонни ғарб тарафидаги Сарсончап деган қирға аскар йигиб уламолар сўзларига қулоқ солмай ҳаракатда эрдилар»¹.

Ботир Тура қўли остидагилар Хужанд ва Наманганни бир-бирига боғловчи йўлда Святополк-Мирский бошчилигида 20 солдат қуриқлаб кетаётган юк ортилган босқинчилар транспортига ҳужум қилиб, уларни битта қолдирмай улдирганлар.

¹ Фарғона тарихи, 311-бет.

Скобелев 1875 йил 23 октябрда Турақўрғон қўзғолончиларини енгиб, кўп одамларни ўлдирди. Айниқса, қўзғолонда фаол қатнашганлиги учун турақўрғонликларнинг купчилиги улимга маҳкум этилади. 23—27 октябрда Турақўрғонда бўлиб ўтган тўқнашувларда босқинчилардан 6 киши ўлдирилди ва 50 киши, жумладан 3 офицер ярадор қилинди.

Бу пайтда Наманганда босқинчиларга қарши кайфият зўрайган эди. Шу боис барча аҳоли қочиб келган Ботир Тура тарафига ўтган. Шундан кейин унинг раҳбарлигида ҳимоячилар Наманган шаҳри биқинидаги рус ҳарбий қисмига ҳужум қилдилар. Бундан хабар топган Чустдаги Скобелев шошилинич равишда қайтиб, 26 октябрда Наманганга келиб, эртаси куни ватан ҳимоячиларига қарши ҳужум бошлади ва шаҳарнинг бир қисмини остин-устин этди. Унинг фармонида биноан шаҳар шу даражада қаттиқ уққа тутилдики, ҳимоячилардан 8800 киши ҳалок бўлди. Улар орасида ярадорлар сон-саноқсиз эди. Бу гал ҳам босқинчилар ўзларининг ваҳшийликларини яна бир бор намойиш қилдилар. Аммо бундай қиргин-баротлар халқни озодлик курашларидан қайтара олмади.

Босқинчилар кўрдиларки, «халқ ани атвори бузук, бекор галва бўлур, буни босмоқ учун хабар чиқардики, эрта отув буладур, кўчага бала чиқмасун, деб. Эртаси бирдан чиқуб, кўчада кўрунганни отмоқ бўлдилар. Ҳамма қоч-қоч бўлуб, куп мусофирлар хонақоҳ масжидда эрдилар, кўча одамлари анда кирганда арқодан кириб, куп кишиларни отдилар. Ул вақтда ҳеч ким уламою уқалони сўзини олмай, ҳар ким ўз олдида маст кишидек, узига бир иш қиладурғон кўрунуб, Намангон кўб бефойда ҳужум остида турганда уламолардан қози мулла Турсун Муҳаммад Охунд отланиб чиқиб: «Эй мусулмонлар, сизларга нима бўлди, ояту ҳадисга қаранглар, китобларда бу қилган ишларингни савоб демайду, бизда подшоҳ йўқ, асбоб йўқ, бул ғазот эмас», — деб панду насиҳат қилсалар, мастдек муштни кутарган, тўқмоқ ва чуянбош кутарган жуҳалолар бирдан: «Урунлар, бул киши Русиядан ришва (пора) олган!» — деб Қозикалон домлани отдан йиқитиб, шаҳид қилдилар. Муни кўрган уламолар бу фуқароларни алҳол кўюб юбордилар»¹.

Бу ерда маълум буладики, айрим руҳонийлар, хусу-

¹ Фарғона тарихи, 313-бст.

сан, қозикалон хон ва қурол-аслаҳаларнинг йуқлигини рукач қилиб, халқни беҳуда қаршилик курсатишдан қайтармоқчи булганлар. Афтидан, бу билан улар бекорга қон тукилишининг олдини олмоқчи эдилар. Лекин халқда ватанпарварлик туйғуси шу даражада кучли булганки, улар қурбон булишга ҳам тайёр турганлар, қуролсиз булсалар-да, жанг майдонида ўлишни афзал курганлар.

Руҳонийлар озодлик ҳаракатининг ғоявий кучи ҳисобланиб, халқ оммасини курашга отлантиришда муҳим урин тутганлар. «Хуқанд шайхулисломни билан қозикалон, — дейди Аҳмад Заки Валидий, — русларга қарши халқни урушга даъват ва тарғиб этдилар. Натижада уларни қамоққа олдилар. Кауфман шундан сунг шайхулислом ҳам, қозикалон ҳам деган нарсалар булмасун, деб фармон берди»¹.

Кауфманнинг руҳонийларга қарши бундай фармони ҳеч бир самара бермай, халқ улар таъсирида ватан мустақиллиги йулида жонини фидо қилдилар. Руҳонийлар Худоёрхон тахтни ва, умуман, мамлакатни уз ҳолига ташлаб қочаётганида ҳам олдинги сафларда туриб халқни қузғалишга даъват этиб турган эдилар. «Шаҳарнинг тор кучаларида, лойдан ясалган деворлар орасида (юрган халқ), — дейди ўша муаллиф, — сув тошқинидаги седдек тулқинланиб, шовуллаб оқиб, нима қилишларини билмасдан ҳайрон эрдилар. Муллалар бозорларда ҳам шаҳарнинг у томонидан бу томонига чопиб, «Битдик, хонимиз ўрис томонга ўтди, элимизга русни киргизди», деб ҳар ерда одамларни туплаб, нутқлар ирод этиб, халқни хонга қарши қузғатдилар»².

Ҳатто қузғолончилар Худоёрхон қочаётганда уни бчақиримгача қувлаб борганлар, лекин қаттиқ қаршиликка учраб, орқага қайтганлар.

1875 йил ноябрининг охирида Пулатхон Асакадан чиқиб, Марғилонга урнашади. Бироқ бу ерда куп кишини улдиргани сабабли мавқеи анча пасайиб кетади. Афтидан, у купроқ хонлик мақомининг қалбакилигидан норози булган гуруҳларни шафқатсизларча жазолаган. Пулатхон ўзи томонидан Андижон ҳокимлигига тайинланган ва кейин унинг сохта хонлигини фош этган Шомирза додхоҳ, Ёдгор додхоҳ сингари сафдошларини ҳам улдиртирган. Пулатхон Қуқон хонлигининг шарқий қисмида ҳукмронлик қилиб, босқинчилар би-

¹ Худоёрхоннинг сунги кунлари, 24-бет.

² Ўша жойда, 14-бет.

лан буладиган урушга тайёргарлик куриб борди. Ўз навбатида, Намангандаги ҳарбий қисмнинг қумондони ва узининг ватан ҳимоячилари устидан қулга киритган галабалари учун генерал унвонини олган Скобелев булажақ жангга ҳозирликни жадаллаштирди.

Пулатхон бошчилигидаги қўзғолон таъсирида Панжикентда ҳам озодлик кураши майдонга келган. Уларга қарши генерал Афимович қумондонлигида капитан Арндаренко ва майор Абгралли қул остида икки ҳарбий қисм юборилган. Ҳар икки томон уртасидаги қонли тўқнашувда руслардан 4 киши ўлдирилиб, 25 одам ярадор қилинди. Ярадорлар орасида 3 офицер, ўлдирилганларнинг ичида эса 1 офицер бўлган. Бу талофатлар қаттиқ жанг бўлганлигидан далолат беради. Босқинчилар ватан ҳимоячиларининг ҳаракатларини шафқатсизларча бостирганлар.

1875 йил 25 декабрда генерал Скобелев Наманганда 4 рота, 40 казак ва 10 туп, Чустда 2 рота, 20 казак, 6 туп, Оқжарда 2 рота, 100 казак ва 2 туп қолдириб, 2800 киши ва 12 тупдан иборат қўшин билан Андижонга йўл олади. «Шундан кейин Скобелев, — дейилади рус манбасида, — Норин дарёси орқали Қорадаренинг унги қирғоғи бўйлаб қипчоқларнинг энг катта қишлоғи Пойтуғача борди. У кета туриб, йўлнинг икки томонидаги Ўзган шаҳрини ва дарёнинг чап қирғоғига қочиб кетган аҳолининг қишлоқларини ёндириб, йўқ қилиб ташлади. Шундан кейин генерал Скобелев Қорадарени кечиб ўтиб, 1876 йил 3 январда узининг барча ҳарбий қисмларини Андижондан 5 чақирим масофадаги Мирравот деган жойга ўрнаштирди. Бу вақтда Андижонда Абдурахмон офтобачи 20 минг қуролланган халқ лашкари, 5000 сарбоз ва 10 минг отликни тўплаганди».

Душман томонидан ўт қўйилган жойлар орасида Хужабод, Луғумбек, Сармоқ, Оқмозор, Қайрабат, Янгизбоқ, Калонқишлоқ, Қораянтоқ ва Маси ҳамда бошқа қишлоқлар бор эди. Генерал Скобелевнинг буйруғига биноан полковник Миллер-Закомелскийнинг ҳарбий қисми Чулуму ва Мадрасайи офтобачи қишлоқларини ёндирганлар.

Шу тариқа, босқинчилар утган йўлларини қонга ботириб, ўт қўйиб, ёндириб, ваҳшийлик қилганлар. Генерал Скобелев 4-7 январ кунлари Андижон шаҳрини стратегия нуқтаи назаридан урганиб, қўшинни Оқчақмоқ тепалигига жойлаштирди. Сунгра 8 январда ҳужумга утган ҳарбий қисмлар шаҳар маркази ва Гултепани эгал-

лаб, зудлик билан бу ерга туплар урнатганлар. Руслардан 2 киши улдирилган ва 7 киши, жумладан, бир офицер ярадор қилинган. Ҳимоячилар эса жуда куп одам йўқотган. Абдурахмон офтобачи ҳимоячиларнинг катта қисми билан Асакага қочган. Қўшин 9 январда қаршиликка учрамади, лекин халқ буйсунганлигини изҳор этмагани учун шаҳар эрталабгача тўплардан уққа тутилди. 10 январда эса қўшин Урдага ва Гултсепга жойлаштирилди, 11 январда шаҳар вакиллари келиб, таслим булганликларини маълум қилдилар.

Демак, босқинчилар билан ҳимоячилар уртасида қаттиқ жанглар булиб утганки, шаҳардагилардан «ниҳоятда куп одам улдирилган». Андижон шаҳрида Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги курашнинг мағлубиятга учраши юқори табақа вакиллари орасида умидсизлик кайфиятларини туғдирган. Оқибатда шаҳарни душманга топширишга мажбур бўладилар. 1876 йилнинг 13 январида генерал Скобелев Асакага яқинлашиб, уни ҳар жиҳатдан урганади. Руслар 18 январда 2 рота пиеда аскар, 240 отлик, 500 казак, ракета батареяси ва 4 тўп билан Асаканинг ҳимоячилар урнашган шарқий томонини ва ўрдани тўплардан уққа тутадилар. Сунгра солдатлар ҳужумга ўтиб, тепаликдаги ҳимоячилар қаршилигини енгиб, чекинишга мажбур этадилар. Босқинчилар Марғилон йулида чекинаётган ҳимоячиларнинг ортидан ҳужум қилиб, 800 кишини улдирадилар. Бу мағлубият юқори табақа вакилларини шу даражада ваҳимага туширганки, 20 январда Абдурахмон офтобачи узининг 12 сафдоши, шу жумладан, Ботир Тура, Исфандиёр, Холиқул Парвоначи, Нормухаммад додхоҳ ва бошқалар ҳамда 700 йигити билан Скобелевга таслим булади. Яқиндагина босқинчиларга қарши халқ курашининг бошида турган Абдурахмон офтобачи генерал Скобелевга халқ Пулатхонни ута шафқатсизлиги, куп кишиларни улдирганлиги учун ёмон кўриши ва уни тутишда ёрдам беражаги ҳақида гапирган. Кейинчалик Скобелевнинг тавсиясига мувофиқ ихтиёрий равишда таслим булганлиги ва уруш вақтида русларга нисбатан «ваҳшийлик» қилмагани учун император унга полковник унвонини беришга рухсат этган. Генерал Скобелев куп одамларни улдириш ва шаҳарни вайрон қилиш билан бирга, андижонликларни товон тулашга мажбур этиб, 33 минг сўмни дарҳол ундирган. Бунга ватан ҳимоячиларининг қаттиқ қаршилик кўрсатганлари ҳам сабаб булган эди, албатта.

Абдурахмон офтобачининг мағлубиятидан кейин анча тинчланган Насриддинхон 1876 йилнинг 21 январида Қуқон тахтини қайтадан эгаллаш учун Маҳрамдан йулга чиқиб, Найманча қишлоғига келганда унга Пулатхон тарафдори сифатида Қуқон ҳокими урнида турган Абдуллабек раҳбарлигидаги аскарлар ҳужум қилганлар. Хон 200 кишисини йуқотиб, Маҳрамга чекинган. Аммо 23 январда хон тарафдорлари Абдуллабекни енгиб, Насриддинхонни Қуқонга таклиф этадилар ва Насриддин 29 январда тахтга утиради.

Бу рус ҳарбий маъмуриятининг раҳнамолигида бўлган, албатта.

Пулатхон Андижондаги мағлубият ва Абдурахмон офтобачининг душманга таслим бўлганини эшитиб, унинг ака-укалари ва келинини улдиртиради. Айни бир пайтда штабс-капитан Святополк-Мирский, унтер-офицер Ф. Данилов, яна 8 кишидан иборат рус асирларини улимга ҳукм этади. Генерал Скобелев ватан ҳимоячиларининг асосий қисмларига зарба бергач, Миллер-Закомелскийга 600 казак, ракета батареяси, 2 рота пиеда аскар ва 4 туп билан Марғилонга Пулатхонга қарши юришни тайинлаб, Наманганга жунайди. Ҳарбий қисмнинг штаб бошлиғи лавозимида кейинчалик ҳарбий вазир бўлган капитан Куропаткин турган. Бу қўшин 1876 йилнинг 27 январида Андижондан Марғилонга йулга чиққан. Айни бир вақтда рус ҳарбий бошлиғи ихтиёрий равишда қуролларни топшириш ҳақида Марғилон аҳолисига хат юборган. Бу вақтда Марғилонда Пулатхон қўл остида купмингли ватан ҳимоячилари тупланган эди. Шу боис у босқинчиларга қарши жанг қилиш имконига эга эди. Бироқ у рус қўшинининг келаётганини эшитиб, 5000 отлиқ ва қисман пиеда аскарлар ҳамда 5 туп ва 200 туяга ортилган юклар билан Учқурғонга кетган. Бу ерда шуни айтиб утиш лозимки, Пулатхон ҳарбий ва давлатни бошқариш ишларидан беҳабар бир оддий киши эди, холос. У минглаб одамларни уз отрядига тушлашга эришган бўлса-да, лекин уларни етарли даражада бошқара олмади. У кўпроқ зўравонлик ва қўрқитиш воситасида иш юритганлиги учун мавқеи вақт утиши билан пасайиб борди.

Рус қўшини Пулатхоннинг изи билан юриб, 1876 йилнинг 28 январида Учқурғонни қўршаб олди. Сунгра улар тўсатдан ҳужум қилиб, у ерга бостириб кирдилар. «Девордан биринчи бўлиб, — дейилади рус манбасида, — капитан Куропаткин кирди. Ҳурдада Пулатхон-

ни қутқариш учун жонини тикканлар билан қўл жанги бўлди. Бу вақтда 300 солдат 4 туп билан етиб келиб, дарҳол жангга ташланди. Пулатхоннинг кучлари сочилиб кетди. Бу жангда 5 мис туп, куп қурол-аслаҳа ва Пулатхоннинг мол-мулки, хазинаси ўлжа олинди». Пулатхон эса Олой водийсига қочиб, Дараутқургон деган жойга ўрнашди, аммо бу ерга Қоратегин ҳокими хужум қилиб, Пулатхоннинг охириги кучларини тор-мор этди. Шундан кейин Пулатхон бир гуруҳ ишончли кишилари билан Чавай деган жойга қочди. Бу ерда у қўлга олиниб, рус ҳукумати вакилларига топширилди. Бу ишни амалга оширишда унинг ашаддий душманларидан бири Мирзақул жонбозлик курсатди.

Пулатхон қўзғолонининг бостирилиши пойтахт Петербургда, хусусан император томонидан мамнуният билан қарши олиниб, унинг қатнашчилари мукофотландилар.

1873—1876 йиллари Қўқон хонлигидаги ўта даҳшатли урушлар, кўпдан-кўп одамларнинг қаршилиги, шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон қилинишидан сўнг халқ оммасининг тинкаси қуриди ва қашшоқлашди. Ҳаётнинг барча тармоқлари издан чиқиб, мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар ҳукм суриб, қайғу-алам, кўзёшлар ҳамда қонлар бамисоли дарё каби оқди. Мана шундай оғир шароитда ҳам халқ Ватан мустақиллиги учун курашдан воз кечмади. Аммо уларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, узаро низою курашлар ҳамда ҳарбий техника ва ҳарбий билимнинг пастлиги мағлубиятга олиб келди. Бир гуруҳ маҳаллий амалдор табақа вакиллари эса бошқа иложини тополмай, Россия ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Улар халқ номидан қалбаки ёзма мурожаатларни уюштиришиб, Россия ҳукмронлигига розилиklarини намоёиш этдилар. Ҳатто айрим жойларда «тантанали» учрашувлар уюштирилди.

Хонликда содир бўлган кейинги воқеалар пайтида генерал-губернатор Кауфман Петербургда эканлиги учун унинг ўрнида вақтинчалик генерал Колпаковский турган эди. 1876 йил 5 февралда бу қумондон Кауфманнинг Қўқон хонлигини Россия империяси таркибига киритиш ва Қўқон шаҳрига ҳарбий юриш қилиш ҳақидаги телеграммасини олади. Шунга биноан Хужанд, Андижон ва Тошкентдан ҳарбий қисмлар Наманганга жунатилади. Генерал Скобелев қўшин билан Намангандан чиқиб, 7 февралда Қўқон шаҳрига яқинлашиб, Насриддинхонни ўз ҳузурига чақиртиради. Сўнгра 8

февралда шаҳарга бостириб кириб, хон урдасини эгаллайди. Душманга қарши уруш тарафдорлари қамалади ва 29 туп қулга олинади.

Эртасигаёқ Насриддинхон ва унинг ҳамроҳлари Тошкентга юборилади. Бу воқеадан куп утмай бошқа ҳарбий қисмлар ҳам Фарғонага келади.

1876 йил 15 февралда генерал Колпаковский Қуқонга келади. Бу тўғрида генерал-губернаторликнинг расмий газетаси шундай ёзганди: «Собиқ Қуқон хони Саъид Насриддин ва Абдурахмон офтобачи Тошкентга жунатилганидан кейин 14 февралда генерал-лейтенант Колпаковский император олий ҳазратнинг курсатмасига биноан Қуқонни эгаллаш ва уни рус тобелигига утказиш ҳамда Фарғона вилоятини ташкил этиш учун Хужанддан Қуқонга жунади.

Собиқ хонлик аҳолиси генерал Колпаковскийни хурсандчилик билан қарши олди. Колпаковский барча аҳолига императорнинг хонлик халқларини Россия тобелигига ва умум бир оилага олиш ҳақидаги марҳаматини ҳамда бундан буён улар тенг ҳуқуқларга эга булишларини эълон қилди. У халқни уз машғулотлари билан шуғулланишга даъват этиб, рус ҳукумати тинчлик ва барқарорликни таъминлашини билдирди. У савдода, деҳқончиликда ва ҳунармандчиликда муваффақиятлар тилаб, тенг ҳуқуқ ва адолат булишини ваъда қилди ҳамда подшоҳ ҳақида дуолар ўқишни сўради.

Генерал Колпаковский 15 феврал, соат икки яримда Қуқон девори ёнига келган эди. Шу вақтда генерал Скѐбелев барча ҳарбий қўшинлар билан уни қарши олган. Колпаковский саломлашиб, қаҳрамонлик учун рус аскарларига миннатдорлик билдирганидан сунг савдо аҳли, ҳунарманд ва оқсоқоллардан иборат шаҳар вакилларига шаҳар ва, умуман, Фарғона водийси рус ҳукуматига буйсундирилганлигини билдирди. Шундан кейин тўп овозлари остида Колпаковский от устида, штаб аъзолари кузатувида шаҳарга кириб, сарой майдо-нида қўшин парадини утказди. Сунтра қўшин Колпаковский орқасидан хон саройига кирди»¹.

Газета саҳифасига битилган мазкур сатрлардаги «халқнинг хурсандчилиги» ҳақидаги сузлар мутлақо асоссиздир, албатта. Буни юқорида шарҳлаган жанрлар яққол курсатиб турибди. Бундан ташқари, Қуқонга минглаб солдатларнинг киритилиши ҳам халқнинг норозилиги туйфайли эди.

¹ Туркестанские ведомости. 1876, № 8.

Рус ҳукумати булажак хавфнинг олдини олиш учун Насриддинхон ва Абдураҳмон офтобачини нафақа билан таъминлаб, Россияга сургун қилди. Хусусан, Насриддинхон Владимир губерниясига юборилди. 1876 йил 1 мартда Пулатхон Марғилонда дорга осилди, руслар учун хавfli кишилар эса ҳибсга олинди. Босқинчилар мамлакатга ўзлари бостириб кирганлари ва урушни ўзлари бошлаганларига қарамай, ҳарбий харажатларни ундиришга ҳаракат қилдилар. Масалан, Кауфман Пулатхонга ён берганлиги учун Марғилон беқлигига 125000 тилла (500 минг сум) товон солган эди.

Умумлаштириб айтганда, хонлик халқлари мустақиллик ва озодлик учун қулидан келганича жонларини фидо этдилар. Аммо ҳар жиҳатдан яхши қуролланган босқинчилар ғолиб келиб, водийни вайронага айлантирганлари ҳолда Қўқон хонлигини тугатдилар. Янги ташкил топган Фарғона вилоятига водийнинг шаҳарлари, қишлоқ ва овуллари киритилган эди. Қули қонга беланган генерал Скобелев вилоятнинг ҳарбий губернатори лавозимига тайинланди.

Гарчанд хонлик тугатилган бўлса-да, лекин қирғизлар озодлик курашларини давом эттиравердилар. Масалан, 1876 йил мартда Марғилон уездига қарашли Ғулжа ва Шоҳимардонда минг кишилиқ қирғизлар бош кутариб, Худойкулни хон қилиб сайладилар. Уларга қарши полковник Королков бошчилигида ҳарбий қисм юборилди. Қорақияда булган жангда қўзғолончилар душман томонидан тор-мор этилди. 1876 йили Олой қирғизлари икки марта капитан Куропаткин ва Скобелев ҳарбий қисмларига ҳужум қилганлари маълум. Уша йили рус ҳарбий қисмлари бошқа қирғиз қўзғолончилари билан ҳам туқнашиб, уларни мағлубиятга учратдилар. Пировардида, қирғиз галаёнлари ҳам тамомила бостирилиб, улар Россияга буйсундирилди.

Қўқон хонлигидан кейин навбат туркманларга келди. Мустақиллик учун қаҳрамонона курашган бу халқ узининг жасорати ва мардлиги билан катта шуҳрат қозонди. Руслар жуда қийинчилик билан 1881 йили Ашхободни ва 1884 йили Марв водийсини эгаллади. Улар бутун таркман элини қонга белаб, ваҳшийликларини изчиллик билан давом эттирдилар.

1895 йили Помирнинг Россиянинг Марказий Осиёдаги чегараси сифатида белгиланиши унинг босқинчилик ва талончилик режаларининг охириги нуқтаси ҳисобланади.

ХІХ АСР ОХИРЛАРИ — ХХ АСР БОШЛАРИДАГИ РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШЛАРИ

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА МУСТАМЛАКА ЗУЛМИ

Рус ҳукмронлиги урнатилгач, Туркистонда миллий давлатлар йуқ қилиниб, улканинг сиёсий-маъмурий тизими Россия манфаатлари нуқтаи назаридан шакллантирилди. Олий ва урта бошқарув лавозимлари рус ҳарбийлари қулига топширилиб, тубжой халқлар вакиллари фақат ижрочи сифатида қуйи лавозимларга тайинланди. Гарчанд бу борада сайлов тартиблари жорий этилган бўлса-да, лекин Рус давлатига содиқ кишиларгина амалга утқазилган. Масалан, волост (булис) раҳбарлиги ва қишлоқ оқсоқоллигига сайланган шахслар шулар жумласидандир. Бундай ҳол Туркистон губернаторлигига қарашли ерларда ҳукм сурган эди. Россиянинг минтақадаги асосий таянчи бўлмиш бу губернаторлик Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятларини ўз ичига олиб, пойтахти Тошкент шаҳри ҳисобланган.

Ўз навбатида, вилоятлар уездлардан ташкил топган. Чунончи, Сирдарё вилоятига: Тошкент, Чимкент, Авлиёота, Қозоли ва Перов; Фарғонага: Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон ва Ўш; Самарқандга: Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон ва Хужанд; Еттисувга: Верний, Копал, Лепсин, Жаркент, Пишпак ва Пржевалск; Каспийортига: Ашхобод, Красноводск, Манғишлоқ, Марв ва Тажан уездлари киритилган. Вилоятларни ҳарбий губернаторлар, уездларни бошлиқлар бошқарган.

Шу тарзда Туркистон генерал-губернаторлигига ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистоннинг талай қисми қараган. Унинг аҳолисининг умумий сони тахминан 5,5 миллион ҳисобланиб, ўзбеклар салмоқли уринни эгаллаган.

Аҳоли сони Бухоро хонлигида 3 миллион, Хивада эса 500-700 минг кишидан иборат бўлган. Бу жойларда ҳам ўзбеклар кўпчиликни ташкил қиларди.

Гарчанд Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида эски давлат тузуми сақланган эса-да, лекин улар амалда рус давлатининг мустамлакалари бўлиб, том маънода миллий давлатлар эмасдилар. Ҳар иккала хонлиқнинг ҳукм-

дорлари босқинчилар томонидан қўғирчоққа айлангирилган кишилар эди.

Рус ҳукумати Туркистон улкасини уч қисмга булган ҳолда мустамлака буговида ушлаб турарди. Улкани бу тарзда парчалашдан мақсад узбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва қорақалпоқларнинг бирдамлигига ва катта бир оилага бирлашишларига йул қўймасликдан иборат эди. Худди шу мақсадни кузлаган ҳолда, босқинчилар миллий низо уруғларини сочиб турдилар. Улкада рус тилига давлат мақоми берилиб, миллий тиллар бурчакка сиқиб қўйилди. Оқибатда рус тилини тарғиб қилиш ва ўрганиш зарурияти тобора кучайди. Улкада рус-тузем мактаблари очилди ва уларнинг сони тобора ортиб борди. Уларда Россияга содиқ кишиларни тарбиялаб, етиштириш вазифаси қўйилди.

Рус ҳукумати руслаштириш ва улугдавлатчиликка асосланган сиёсат юргизди. Бу ҳақда 1870 йили Россия халқ маорифи вазирлигининг курсатмасида: «Тубжой халқларни руслаштириш маорифнинг асосий вазифаси булмоғи лозим», деб таъкидланганлиги ҳам гувоҳлик беради. Шунинг учун рус ҳукумати имкони борича миллий тил ва миллий маданиятни ривожлантиришга онгли равишда тўсқинлик қилиб, мактаблар ва мадрасалар таъминотига маблағ ажратишни хаёлига ҳам келтирмади.

Бироқ, маҳаллий савдо аҳли ва бошқа тоифадаги уз ватанига содиқ кишилар мактаб-мадрасаларни қўллаб-қувватлаб турдилар, янги мадрасалар қурдилар. Рус ҳукумати эса маҳаллий аҳоли учун бирорта мактаб, урта ва олий ўқув юрти бунёд этмай, жон-жаҳди билан улка бойликларини узлаштириш учун барча имкониятлардан фойдаланди.

Маълумки, ислом дини кўп асрлар мобайнида жамият маънавиятининг асоси булиб келаётган эди. Дин пешволари ҳар қандай оғир ва даҳшатли шароитларда ҳам олдинги сафларда туриб, умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилганлар. Улар халқни босқинчиларга қарши курашга отлантиришда муҳим ўрин эгаллаб, мустақиллик ва динни сақлашга қаратилган барча чораларни кўрганлар. Уламоларнинг бундай ватанпарварлиги Рус давлатининг тажовузлари вақтида ҳам ёрқин намоян булди. Шу боис рус ҳукумати вакиллари дин пешволарини энг хавфли душман ҳисоблаб, улар мавқеига қаттиқ зарба беришга интилдилар.

1877 йили Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори генерал Скобелев Кауфманга шундай деб ёзганди: «Маҳаллий халқнинг орасида хоннинг амалдорлари ва, айниқса, руҳонийлар сингари бизнинг душманларимиз куп. Биз келганимиздан кейин улар фақат собиқ мавқеларинигина эмас, балки яхши ҳаётни таъминловчи имкониятлардан ҳам айрилдилар. Ушна тоифадаги кишилар уз жамиятининг руҳи ва заиф томонларини яхши билганликлари учун аввалги тартибларни тиклаш мақсадида халқни русларга қарши отлантиришга қодирдилар».

Рус маъмурияти буни яхши англаб, руҳонийларни сиёсатдан четлаштириб, фаолиятини чегаралади, қаттиқ назорат остида тутиб турди. Улар вақф ерларини қисқартириб, руҳонийларнинг иқтисодий манфаатларига анча зиён етказдилар. 1886 йилги «Туркистон вилоятини бошқариш» ҳақидаги янги низомда давлат ерларини вақф ва бошқа аҳолига тегишли ерлар ҳисобида кенгайтиришнинг қонунийлаштирилиши катта норозилик уйғотди. Рус ҳукумати ўзига мустақкам таянч барпо этиш ва ҳукмронлигини мустақкамлаш мақсадида рус шаҳарлари ва посёлкаларини қуришга алоҳида аҳамият берди. Натижада Россиянинг турли жойларидан Туркистон улкасига кучиб келувчи кишилар сони тобора ошиб борди. XIX асрнинг охирига келиб, улкага урнашган русларнинг сони 197420 кишига етди. Улардан 95941 таси шаҳарларда ва 101479 таси посёлкаларда яшаган. 1906 йилгача фақат ҳарбий хизматни утайдиган казакларга Еттисув вилоятида 752197 десятина, Сирдарё вилоятида 159561 десятина, Фарғона вилоятида 9925 десятина, Самарқанд вилоятида 22907 десятина, Каспийорти вилоятида 10318 десятина ер берилган. Булардан ташқари, рус деҳқонлари катта ҳажмдаги ерлар билан таъминланган. 1917 йилги маълумотга қура, улкадаги русларнинг сони 750 мингга етиб, улардан 400000 киши шаҳарда ва 350000 киши посёлкаларда яшаган. Улар билан бирга бир неча ун минг ҳарбийнинг истиқомат қилгани ҳисобга олинса, у вақтда руслар сони бир миллиондан ошиб кетади. Руслар Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон, Фарғона, Наманган ва бошқа эски шаҳарларнинг ёнбағридаги жойларда урнашганлар. Булардан ташқари, Ашхобод, Красноводск, Перов, Қозоли, Янги Марғилон, Верний, Пишпак, Копал ва бошқа рус шаҳарлари мавжуд эди. Руслар, айниқса, «Янги Тошкент», «Янги Марғилон» (Фарғона) сингари

шаҳарларнинг асосий аҳолиси эдилар. Оренбург — Тошкент оралигидаги темир йул бекатларида (станцияларда) 51 минг рус яшаганлиги маълум.

Руслар Бухоро ва Хива хонликларига ҳам урнашиб бордилар. Когон ва Термиз сингари жойларда уларнинг алоҳида тураржойлари юзага келди.

XX аср бошларида темирйул ва саноат тармоқларининг ривожлантирилиши орқасида улкада руслар сони кўпайиб борди. 1916 йилга келиб, масалан, Тошкентдаги биргина «Рус шаҳри» аҳолисининг сони 60 минг кишига етди. Бу ўша давр учун катта рақам эди, албатта. Бу уринда бутун Туркистон улкаси сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг тақдири ўша «рус шаҳри»нинг қўлидалигини ҳисобга олинса, масала янада ойдинлашади.

Руслар унумдор ерлар ва ҳукумат имтиёзларидан фойдаланиб, хужалиklarини анча мустақкамлаб олганлар. Уларнинг турмуш даражаси ўзбек деҳқонлариникига нисбатан анча баланд булган. Чунончи, 1917 йили улар ихтиёрида 1.114.173 бош қорамол бор эди. Улкада мусулмончиликка мутлақо тўғри келмайдиган чўчқачилик ҳам ривожлантирилиб, 1916 йили улар 100 минг бошни ташкил этган.

Темирйўллар, саноат корхоналари, савдо-сотикдан олинадиган даромадлар ҳам асосан рус ҳукумати ва капиталистларининг чўнтагига тушган. Зеро, улкадан пахта, ипак ва бошқа маҳсулотларнинг деярли ҳаммаси хомашё сифатида Россияга юборилиб, у ердан тайёр моллар келтирилган. Бунинг орқасида Туркистон улкаси Россиянинг хомашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланди.

Шу сабабли руслар тажовузларининг дастлабки йилларида бошланган мустақиллик учун кураш Туркистонда Россия ҳукмронлиги даврида ҳам тўхтамади, давом этаверди. Бу ҳол 1892, 1898 ва 1916 йилларда кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатларида ўз ифодасини топди.

1892 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛНИ

Пахтачилик ривожлантирилиб, улканинг хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилишининг салбий оқибатлари шаҳарлар аҳолисига ҳам таъсир этмасдан қолмасди, албатта. Мантиқан пахтачиликнинг ўсиши ҳунармандчилик, тўқимачиликнинг янада кенг қўлоч ёйишини ва газламаларнинг кўплаб

ташқи бозорга олиб чиқилишини тақозо қиларди. Ёки булмаса, улкада тўқимачилик саноати ривожлантирилиши лозим эди. Бироқ пахтанинг деярли ҳаммаси Россияга олиб кетилиши ва у ердан газламаларнинг тобора куп миқдорда келтирилиши хунармандчиликка катта зарба берди. Чунки маҳаллий газлама корхоналарининг маҳсулоти фабрика газламалари билан рақобатга бардош бера олмади. Купсонли тўқувчилар ва бунга боғлиқ булган хилма-хил хунармандлар хонавайронликка учради. Шу тарзда шаҳар аҳолисининг талай қисми оғир аҳволга тушиб қолди. Бундан ташқари, қишлоқларда бир парча ерларидан ҳам маҳрум этилган деҳқонлар шаҳарларда тирикчилик дардида изгириб юрардилар. Бу ерда мардикорлар ва бошқа турли ишлар билан шуғулланадиган кишилар оз эмасди.

XIX асрнинг 80—90-йилларида оғир вазият генерал-губернаторликнинг пойтахти — Тошкентда ҳам юзага келди. Бу вақтда шаҳарнинг эски қисмида 100 минг киши яшамоқда эди. Мустамлакачилик сиёсати бу шаҳардан бутун улка буйлаб тарқалгани учун айнан шу шаҳар мустамлакачиликнинг азоб-уқубатларини ҳам биринчи навбатда тортарди. Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори Гродековнинг тан олишича, 1887 йилдан бошлаб шаҳар халқидан олинадиган солиқнинг миқдори купайган. Шунингдек, ҳукумат томонидан вақф ерларининг қисқартирилиши норозилик уйғотган¹.

1891 йили Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятининг аҳолиси маъмурият вакилларининг ер масаласида юри-таётган нотўғри сиёсати ҳақида императорга шикоят хатини юбордилар: «Ер улчовчилар ва уезд бошлиқлари томонидан ҳар бир ер эгаси, агар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжати булмаса, у вақтда жамоа аҳли билан бирга солиқ туланиши ҳақида кўрсатма олинди. Бундай ерлар жамият ерларига айлантирилиб, солиқни якка ҳолда тулаш тақиқланар эмиш. Яйловлар ва пичанзорлар орасидаги қаровсиз ётган ерлар ҳамда тўқайзорлар давлатники булиши керак эмиш. Яна, тоғ бағридаги лалмикор ерлар ҳам давлат ихтиёрига утказилар эмиш. Ваҳоланки, улар қадимдан қишлоқларники эди. Бизнинг бошлиқларимиз масалани шундай ҳал қилади: бир киши бир десятина ерга эга булиб, экин етиштиради, агар шу ернинг уртасида ма-

¹ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, Ц-1-ф., 31-руйхат, 33-иш, 21-варақ. Миллий-озодлик ҳаракатлари буйича бир гуруҳ ходимлар маълумот туплашда иштирок этганлари учун миннатдорлик изҳор этаман.

бодо 100 кв. саж. чакалакзор майдон бўлса, уни девор билан урашга ва давлатга утказишга мажбур қилади. Булардан ташқари, қамишзорларни ҳам давлатники деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, бу ердаги қамишлардан куп одамлар фойдаланиб, буйра ва бошқа нарсалар тукиб, муайян даражада даромад оладилар».¹ Шу равишда тошкентликлар уз хатида ҳукуматнинг ер хусусидаги сиёсатига қарши норозилик билдирганлар. Аммо халқнинг бундай даъвоси маъмуриятни газаблантириб, ҳукуматга қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланди. «Шунинг учун ҳам, — дейилади уша хатда, — биз рус адвокатини тайинлаб, дардимизни баён этмоқчи бўлганимизда, бошлиқлар волост оқсоқолларини ишдан олдилар, бизга ишончли вакил танлаш ва шикоят қилишни тақиқлаб, Сибирга сургун этиш билан қурқитдилар».² Шуниси диққатга сазоворки, маҳаллий аҳолининг манфаатлари рус адвокати Никитин томонидан ҳимоя қилинган. Афтидан, хатни Никитин ёзган, шу боис у улкадан ҳайдаб чиқарилган. Аммо унинг фаолияти ва императорга ёзган хати фақат Тошкент вилоятидагина эмас, балки бутун улкада катта таассурот қолдирди. Бундан тинчсизланган генерал-губернатор Вревский ҳарбий вазирга ёзган хатида адвокат Никитиннинг фаолияти халқнинг қўзғалиши учун сабабчи бўлиши мумкинлиги ҳамда Никитинга берилган ишонч қоғози амалда рус маъмуриятининг ҳаракатларига қарши қаратилган варақа эканлиги баён этилган.³

Ҳақиқатан ҳам, адвокат Никитиннинг бевосита ердамида тузилган ҳукуматнинг ер сиёсатини қораловчи хат жамоани қўзғатиб юборди. Куп утмай Тошкентнинг 12 минг кишилик аҳолиси томонидан ҳукм сураётган тартибларни қораловчи хат генерал-губернаторга топширилди. Бу хатни тузишда қатнашган Муҳаммадхужа Аҳмаджонов деган киши Оренбургга сургун қилинди.⁴ Чор ҳукумати халқнинг қаттиқ норозилигига қарамай, давлат ерини кенгайтиришга қаратилган сиёсатини юргизаверди. Бу ерларнинг муайян қисми Россиядан келган кишиларга берилди. Вревский юқорида тилга олинган хатида шундай деб ёзган: «Маҳаллий аҳолига тегишли ерлар русларни ўрнаштириш учун берилганлиги норозиликни қўзғатаётганлиги қўзга таш-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 25-бет.

⁴ Уша жойда, 13—19-бетлар.

ланмоқда. Россиядан кишиларнинг келиши давом эта-
верса, келажакда ҳам норозилик булишига шубҳа йуқ».¹

Вревский янги солиқларнинг жорий этилиши орқа-
сида солиқлар миқдори олдингига нисбатан 100 фоиз-
га ошиб, халқ газабини қузғатганлигини ҳам уқтириб
утган.² Оқибатда Тошкентда оғир шароит юзага келиб,
халқнинг чидашга бошқа тоқати қолмади. Шундай муш-
кул вазиятда шаҳарда вабо касали тарқалганлиги маъ-
лум бўлди. Айрим маълумотларга кура, 1892 йил 1 июнда
Жиззах уезида вабо касали пайдо бўлгани қайд этил-
ган. Шу муносабат билан вилоят ҳарбий губернатори-
нинг фармонида биноан Сирдарёнинг чап қирғоғидаги
Чинозда, Тошкентдан 65-70 км. узоқликдаги жойда ме-
дицина пункти очилди. Бу ерга вабо касалига чалинган
бир неча киши ётқизилди. Уша йилнинг 7 июнида эса
Тошкент шаҳрида вабо касали борлиги маълум бўлди.³
Рус маъмурияти вабога қарши чоралар ишлаб чиқиб,
ҳаётга татбиқ этиб борди. Унга кура, вабодан улган
кишиларнинг мурдаларини врачнинг рухсатисиз дафн
қилмаслик лозим эди. Мурдаларни шаҳар ичидаги эс-
ки мазорларга қўймасдан, чеккароқ жойда очилган ян-
ги қабристонларга кўмиш тавсия этилди. Аммо врач-
лар ва ҳамширалар етишмаслиги орқасида мурдалар
3-4 кун мобайнида ҳавонинг иссиқлиги туфайли сасий
бошлади. Аёлларнинг мурдаларини ҳам рус эркак врач-
лар кўздан кечирганлар, албатта. «Туб аҳолининг суз-
ларига қараганда, — деб ёзади муаллифлардан бири, —
санитарлар орасида турли касбдаги офицерлар кийи-
мини кийган ёшлар полициячилар билан биргаликда
«пушт-пушт» дейишиб, маҳаллий аҳолининг уйларида-
ги аёллар яшайдиган хоналарга киришган. Улар тоза-
ликни назорат этиш баҳонасида ота-оналарининг ҳузу-
рида аёллар ва қизларга турли уринсиз қилиқлар қи-
лишган»⁴.

Мурдаларни ювиш ва купчилик бўлиб қабристонга
олиб бориш тақиқланади. Гарчанд курилган маъмурий
чоралар имкони борича вабони даф этишга қаратилган
бўлса-да, лекин уларни амалга оширишда купгина қу-
полликлар ва зуравонликларга йўл қўйилди. Ҳаётда дин
ҳукм суриб турган бир пайтда мурдаларни ювмаслик ва

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, 25-бет.

³ Обвинительный акт прокурора Сырдарьинской области П. Рейенбата; см.: ЦГА Узбекистана, ф. Ц-1, оп. 31, д. 30, л. 165.

⁴ Терентьев М. История завоевания Средней Азии, 3-том, стр. 73.

бир неча кун сақлаш ҳамда ота-боболар мазорини беркитиш ўша пайтда давр шароитига жуда зид ва гуноҳдай бўлиб қуринарди.

Ҳукуматнинг вабога қарши кўрган чоралари зулм ва адолатсизликдан сабр косаси тўлиб-тошган шаҳарликларнинг бош кутаришига туртки бўлди. Айни бир пайтда гуё врачлар сувга оқ кукун ташлаб заҳарлаганлари, шу сувни касалларга ҳам бериб, уларни ўлдираётганлари ҳақидаги миш-мишлар аҳволни янада кескинлаштирди. Бу хусусда манбада шундай дейилади: «Доктор Чинозда касалини суриштирмай беморларга дори бермоқда ва бу уларни дарҳол ўлдирмоқда, деган сузлар Тошкентда юрибди. Шаҳар миршаби савдогарларга мурдаларни кафанга урамаслик ва ҳеч қандай диний расм-русумларсиз кумиш ҳақида кўрсатма берган».¹

Умуман айтганда, вабо касалининг ваҳимаси, турли миш-мишлар шаҳар ва атроф жойларни қўршаб олиб, кишилар газабини қўзғатди. Чунончи, 20 июнда шаҳарнинг Себзор даҳасидаги Хонақоҳ масжидида халойиқ тўпланиб, ораларидан 3 вакил сайлаб, норозиликларини шаҳар бошлиғига маълум қилишни буюрди. 22 июнда шаҳар оқсоқоли Муҳаммад Ёқуб ўша вакилларни чақириб, уларни миш-мишларга ишонмасликка ундади. Ўша куни Шайхонтаҳур даҳасидаги Таллак масжидида кишилар йиғилишиб, шаҳар бошлиғи номига хат ёздилар: «Биз мурдаларни янги мазорларга дафн этишга қарши эканлигимизни ва эски мазорлардан фойдаланишни давом эттиришимизни шаҳар бошлиғига маълум қилишликни мингбошидан ва катта оқсоқолдан сураган эдик. Чунки мурдани янги қабристонларга олиб бориш қийинчиликлар туғдиради. Аммо шу пайтгача бунга жавоб берилмади».²

Шаҳар аёллари ҳам Туркистон генерал-губернаторига хат ёзишиб, уз норозиликларини изҳор этган эдилар.³

Бутун воқеанинг жонли гувоҳи шаҳар бошлиғи С.В. Путинцевнинг тергов вақтида берган курсатмаси масалани янада ойдинлаштиради: «Июн ойининг бошларида, — деган у, — вабо касалининг тарқалишига қарши қаратилган чоралар турли мулоҳазаларни юзага келтириб, халқда уларга нисбатан ишонч қолмади. Ҳатто

¹ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, Ц-1-ф., 31-руйхат, 30-иш, 170-варақ.

² ЦГВИА, ф. 400, оп. 1, д. 1569, л. 32.

³ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, Ц-723-ф., 1-руйхат, 3-иш, 220-бет.

врачлар вабо касалига йулиққанларни азоб-уқубатлардан тезроқ холи қилиш мақсадида махсус кукун бериб улдирмоқдалар, деган овозалар тарқалди. Шунингдек, руслар Анҳор аригидаги сувни заҳарлаб, туб аҳолини қирмоқчи, деган сўзлар эшитилиб турди. Бундан ташқари, маҳаллий халқ вабо касали билан ўлганларни шаҳар ичидаги мозорларга кўмиш тақиқланганига қарши бўлдилар. Шаҳар чеккаларида очилган мозорларда мурдаларнинг махсус белгиланган киши томонидан ювилиши, жаноза ўқилиши ва дарҳол дафн этилиши кўрсатилган эди. Аммо мурдани купчилик билан мозорга олиб боришга рухсат берилмади».¹

Чор маъмуриятининг вабога қарши чоралари диний ақидалар ва умуман, маҳаллий шароитни ҳисобга олмай амалга оширилишининг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ бўлди. Айрим маълумотларга кўра, ҳар куни вабодан 100 атрофида одам ўлган². Расмий маълумотда эса, 7-24 июн давомида 64 киши вабога чалиниб, 43таси улгани қайд этилган³. Афтидан, маъмурият вакиллари узларини масъулият ва жавобгарликдан холи этиш ниятида шундай маълумот берган. Вабо касалига қарши қаратилган чоралар халқнинг оғир сиёсий, иқтисодий шароитини янада кескинлаштириб, бамисоли «оловга керосин» қуйгандай бўлди. Аммо ўлкадаги рус маъмурияти вакиллари диққатни кўзғолоннинг асосий сабабларидан чалғитиш учун уни маҳаллий юқори табақа вакиллари мансаб учун олиб борган курашларнинг маҳсули сифатида тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Шу муносабат билан бу масалага тўхташ айни муддаодир.

Бу даврда Тошкент шаҳри Себзор, Шайхонтаҳур, Бешоғоч ва Кукча каби турт даҳадан иборат бўлган. Ҳар бир даҳада биттадан оқсоқол, қози, мингбоши, юзбоши ва миршаблар хизмат қилган. Улар халқ томонидан «сайланган»⁴. Вилоят ҳарбий губернатори катта оқсоқолни тайинлаган ва унга барча даҳаларнинг оқсоқоллари буйсундирилган. Уз навбатида, катта оқсоқол шаҳар бошлиғи бўлмиш Путинцевга буйсунган. Куп йиллар мобайнида Эски шаҳарда катта оқсоқолик лавозимини Иноғомхўжа Умархोजиев эгаллаган. «Бу киши аввал Шайхонтаҳур даҳасида оқсоқол, сунгра 20

¹ Уша жойда, 12-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, Ц-1-ф., 3-руйхат, 30-иш, 167-бет.

⁴ Уша жойда, 169-бет.

йил мобайнида шаҳар бошлигининг уринбосари, яъни катта оқсоқол сифатида хизмат қилган./ Иноғомхужа Путинцевнинг ишончини қозониб, бир неча маротаба улка раҳбариятининг мукофотларига сазовор булган. Шубҳасиз, у туб аҳоли орасида катта обру ва нуфузга эга булган кишидир. Бунинг исботи учун шуни далил тарзида келтириб ўтиш лозимки, одатда бошлиқлари устидан шикоят қилишга мойил халқдан унга қарши икки маротабагина ариза тушган, холос. Улардан бири Иноғомхужанинг узи очган ва сургун қилинган жиноятчидан, иккинчиси эса, Чимкент уезидаги қозоқдан эди. Бу қозоқнинг ёзишича, 1891 йили Иноғомхужа pista кумири билан савдо қилувчилардан пора олган экан. Вилоят ҳарбий губернатори Гродеков бу шикоятни аниқламай, 1892 йил 21 майда Иноғомхужани мансабдан четлатиб, урнига Шайхонтахур оқсоқоли Муҳаммад Ёқубни тайинлаган»¹.

Натижада Иноғомхужа ва унинг тарафдорлари узларининг мавқеини йўқотганликлари учун халқни Муҳаммад Ёқубга қарши қузғолон кутаришга даъват этган эмиш. Шу равишда қузғолон сабаблари икки гуруҳнинг мансаб учун курашига йўйиб юборилди. Бу ҳақда сўз яна кейинги саҳифаларда ўз ўрнида бўлишини таъкидлаб, айтиб ўтиш лозимки, қузғолон юқорида қайд этилганидек, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий асосларга эга эди. Аммо бундан қатъи назар, маҳаллий юқори табақа вакиллари орасида ўз Ватанининг мустақиллиги ва озодлигининг тарафдорлари йўқ эмас эди. Улар қузғолонда фаол қатнашган булмасаларда, лекин унга хайрихоҳлик билан қараганлари бор эди.

Шаҳар катта оқсоқоли Муҳаммад Ёқуб вабога қарши қаратилган чораларни амалга ошириш ишига бошчилик қилиб, халқнинг газабига учраган. Чунки у қаттиққўлик билан иш юритган. Унинг сузига қараганда, 23 июнда, ҳайитнинг биринчи кунинда шаҳарнинг Жомеъ масжидида эрта билан соат 5 да ҳайит намози ўқилганидан кейин Путинцев келиб, халққа мурожаат қилган: «Халқнинг орасида, — деган у, — вабога қарши курилайтган чоралар хусусида нотўғри фикрлар юрибди. Ҳозирда бунга шаҳар катта маблағ сарфламоқда. Айтилган чоралар вабонинг тарқалиб кетмаслиги ва халқнинг фойдаси учун қилинаётир»².

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, Ц-723-ф., 1-руйхат, 3-иш, 12-бет.

Бу сўзлар тобора кескинлашиб бораётган вазиятни юмшатиш мақсадида айтилган, албатта. Путинцевнинг узи Жомеъ масжидидаги учрашувни шундай тасвирлайди: «23 июнда эрталаб соат 5 да Жомеъ масжидига келдим. Бу ерда мен тупланган ниҳоятда куп одамларни кўрдим. Масжидда ва атрофдаги кучаларда 10 минг киши тупланган эди. Менинг ҳузуримда ҳайит намози ўқилди. Шундан кейин мен халққа қарата рус тилида сўзладим. Менинг гапларимни рус тилини яхши биладиган Кукча даҳасининг оқсоқоли Иброҳимбек таржима қилиб турди. Бу киши илгари менинг таржимоним эди. Менинг ўзим ўзбекчани билганлигим учун таржима аниқ қилинаётганлигини сезиб турдим. Аҳолини байрам билан табриклаб, турли миш-мишларнинг асосизлигини ва барча ишлар халқнинг фойдаси учун қилинаётганлигини таъкидладим. Курилаётган чоралар тўфайли касаллар камаяётганлиги, агар рус ҳукумати ёмон ниятда бўлса, 27 йил илгари улкани босиб олаётганда барча ерли халқни қириб ташлаши мумкинлигини айтдим»¹.

Йигинда Шайхонтаҳур қозиси Шарифхужа халққа энди «кўриб турибсизларки, вабога қарши қандай чоралар кўрилмоқда, шунинг учун барча миш-мишлар нотўғридир» деган. Кейин Шарифхужа Жомеъ масжидида Путинцев, Муҳаммад Ёқуб ва тўрт даҳанинг оқсоқолларини меҳмон қилади. Бу ерда Муҳаммад Ёқуб чақимчилик қилиб, маҳаллаларда, хусусан, Себзор даҳасида норозиликлар бўлаётганлигини Путинцевга билдиради. Шаҳар бошлиғи кетгач, Себзор даҳасининг оқсоқоли Комилбек бошлиқ олдида айтган сўзлари учун ноқулай аҳволда қолганлигини хафа бўлиб Муҳаммад Ёқубга билдирган. Бунга жавобан Муҳаммад Ёқуб маҳаллаларда мурдалар текширилмасдан ва беркитилган ҳолда шаҳар ичидаги мазорларда кўмилаётганлигини билдириб, ҳужжатлар тузган ва бошлиқларга маълумот бериб турган. Унинг бу хатти-ҳаракатлари халқнинг нафрати ва газабини кўзгатиб, унинг обрусини туккан. Бундан ташқари, Муҳаммад Ёқуб шаҳар атрофидан, яъни қишлоқлардан келган мардикорлар ва «қора ишлар» билан шуғулланувчи кишиларни суриштириб утирмай касалхонага ётқизаверганидан ёки ушлаб тургани сабабли улар шаҳардан кетаверган. Бу ҳол ҳам мардикорларнинг Муҳаммад Ёқубга нисбатан нафратини

¹ Уша жойда, уша бст.

уйғотган. Шу орада Иноғомхужанинг ишдан олинишидан норози бўлган кишилар Муҳаммад Ёқубни қоралашга ўтганлар. Умуман айтганда, эзилган ва таланган халқ биринчи навбатда Муҳаммад Ёқубдан уч олишга аҳд қилади ва бош кутаради. Қўзғолон Себзор даҳасида бошланади. Муҳаммад Ёқубнинг сузига қараганда, аввало 2000 кишилик оломон унинг уйига борган¹.

Оломон олдида Эшон Азизлар (Зайниддинхон), Одил Қосимхужа ва бозор оқсоқоли Зиямуҳаммад Исамуҳамедов борганлар².

Қўзғолончилар Муҳаммад Ёқубни уйдан топа олмагач, Янги шаҳарга — маҳкама томонга йўл олганлар. Бу ерда Муҳаммад Ёқуб ва Путинцев калтакландилар. Катта оломон бақирӣқ-чақирӣқ билан шаҳарнинг ана шу икки амалдорига ўз норозилиklarини изҳор этиб, маҳкамани тошбўрон қиладилар. Муҳаммад Ёқубнинг таърифлашича, маҳкамага яқин кўчада оломон унга тош отганидан кейин боши, елкаси ва бели жароҳатланган ҳолда маҳкама ичига қочиб киришга муваффақ бўлган³. Оломон маҳкама ҳовлисига бостириб кира бошлаганда Муҳаммад Ёқуб шу ердаги маҳкама котибининг уйига кириб яширинади. Ташқаридан «Оқсоқолни бер! Уни улдираимиз!» — деган сўзлар тинмай эшитилиб турган. Котибнинг хотини Муҳаммад Ёқубни шкаф ичига, унинг соқчиси Сайфуллани эса стол тагига яширган. Шу вақтда қўзғолончилардан бир гуруҳ кишилар котибнинг уйига кириб, оқсоқолни улдиришларини айтганлар. Аммо улар оқсоқолни топа олмаганлар.

Маҳкамада қўзғолончилар Путинцевга ҳам ҳужум қилганлар. Узининг курсатишича, воқеа шундай содир бўлган: «Собор кўчасида менга Муҳаммад Ёқуб ва соқчилар қушилишди. Шунда миршаблар оломоннинг рус (янги) шаҳарига келаётганлиги ҳақида хабарни келтирдилар. Иқон кўчаси бўйлаб Воронцов кўчасига чиққанимда оломоннинг Самарқанд кўчасига келаётганини кўрдим. Мен оломонга яқинлашдим, лекин улар Воронцов ва Самарқанд кўчалари кесишадиган жойда мени қўршаб, Муҳаммад Ёқуб устидан шикоят қилмоқчилигини гапирдилар. Муҳаммад Ёқуб оломонни тўхтатишга кўп ҳаракат қилди. Шунда унга оломон томондан тошлар отилди ва у отга миниб қочди. Орқасидан бир гуруҳ қўзғолончилар қувиб кетдилар. Мени

¹ Уша жойда, 78 бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, уша бет.

қуршаб олган бир гуруҳ қузғолончилар билан Урда бозори томонга юрдим, лекин оломоннинг шаҳар маҳкамаси ҳовлисига бостириб кирганлигини эшитиб, орқага қайтдим. Бу ерда Муҳаммад Ёқубнинг борлигини англаб оломонни тусиш мақсадида дарвоза олдида туриб олдим. Сунгра мен оломондан Муҳаммад Ёқубнинг айби нимада, деб сўрадим. Улар қичқирган ҳолда оқсоқол мурдаларни дафн этишга рухсат бермаётир ва ариқлардаги сувларни заҳарлашда врачларга кумаклашмоқда, деб жавоб бердилар. Айни бир пайтда «Бизга оқсоқолни беринг, уни урамиз!» — деб бақирдилар. Мен оломонни тинчлантиришга ҳаракат қилдим, лекин шовқин-сурон туфайли сузларимни эшитишнинг иложи бўлмади. Шу орада маҳкама ҳовлисининг бошқа тарафидан одамлар киришиб орқамдан тортди, олди тарафдан оломон сиқиб келаверди. Шу равишда мени орқага, ҳовли томонга итариб киришди. Мен маҳкама хонасининг эшиги олдидаги майдонга чиқдим. Бу ердан оломонни тинчитишга уриндим, лекин «Оқсоқолни беринг, улдирамиз!» — деб бақирди. Бу талабга «Оқсоқолни бера олмайман, чунки у ҳукумат фармонини ижро этган», деб жавоб бердим. Шунда оломон тарафидан «Агар у оқсоқолни бермаса, у вақтда унинг ўзини улдирамиз», деган овозлар эшитилиб турди. Шу пайтда оломон мени ҳовлининг ўртасига итариб борди ва дуппослади, сунгра тошбўрон қилишди. Мен йиқилганимда қузғолончилардан тўрт киши устимга ётишиб ҳимоя қилишди. Аммо танимнинг беркитилмаган жойларидан уравердилар. Натижада бошим, унғ қўлим ва қовурғаларим жароҳатланди»¹.

Шундан кейин бир муддат ҳушидан кетган Путинцев ўзига келганида тепасида оломон турарди. Улар ундан дарҳол врачларнинг шаҳардан олиб кетилиши ва сувларни заҳарламаслик ҳамда мурдаларни кўмишга рухсат этиш ҳақида тилхат беришини қатъий талаб қилдилар².

Путинцев бунга рад жавобини бергач, оломон уни исканжага олди. «Айниқса менга, — дейди Путинцев, — қаттиқ тиқилинч қилиб урмоқчи бўлган уч киши булди. Уларнинг бири лабида тиртиғи бор 20 ёшли йигит эди, иккинчиси уша ёшдаги ва энди соқоли ўсиб чиқаётган қотма ўспирин, учинчиси эса, қизғиш рангли куйлақда-

¹ Уша жойда, Ц-723-ф., 1-руйхат, 3-иш, 12-бет.

² Уша жойда, 13-бет.

ги бақувват одам эди. Бу успирин менга: «Агар бизнинг талабларимизни қабул қилмасанг, сени улдирамиз», — деб муштумини кутарди. Бошқа бир новча одам «Уртага чиқ, халқ талабларига розилигингни айт», — деб бақирди¹. Шундан кейин оломон яна шовқин-сурон кутариб, Путинцевга ёпишади. Лекин уни қузғолончилардан турт киши ҳимоя қилиб, маҳкамадаги хонасига киритиб қўйишади. Бу хонага ташқаридан тошлар отилди ва уларнинг бири Путинцевнинг биқинига тегди. У хонадан айвончага чиқиб, оломонни тинчйтишга уриниб кўрди. Куп ўтмай солдатлар ва маҳкама атрофида истиқомат қилувчи руслар сўйил ва бошқа нарсалар билан келишиб қузғолончиларни калтакладилар. Уларнинг ҳужумига бардош бера олмаган қузғолончилар турли тарафга қочдилар. Оломон Урдадаги бозорчага етганида ҳарбий губернатор солдатлар билан етиб келди. Губернатор «воқеани назорат қилишни уз зиммасига олганлиги ва Эски шаҳарга боражагини билдирди»².

Бир гуруҳ қузғолончилар Муҳаммад Ёқубнинг уйига боришиб, мол-мулкини таладилар. Улар унинг уйини ёндириш учун ҳаракат қилсалар-да, улгуролмадилар. Аммо унинг Қорасув ариғи ёнидаги боғини ёндириб ташладилар³.

Шаҳар маҳкамасидаги оломоннинг хатти-ҳаракати хусусида унтер-офицер П.Е. Алексеевнинг маълумоти масалани янада ойдинлаштиради: «Мен Воронцов кучасида шаҳар бошлиғи Путинцевнинг орқасидан Романов кучасидан чиқаётган оломоннинг кузатиб кетаётганини кўрдим. Оломон орқасидан маҳкамага келганимизда Путинцев ва маҳкама аъзоси Новгородскийни оломон ураб олганлигининг гувоҳи бўлдик. Улар оломон билан ўзбек тилида муомала қилмоқда эдилар. Оломоннинг олдинги сафида оқ соқоли ва салласиз бир кекса одам кўпроқ гапирмоқда эди. Бу кекса киши Путинцевнинг кўкрагидан итариб, маҳкама ҳовлисига киритишга ҳаракат қилмоқда эди. Оломоннинг бошқа қатнашчилари ҳам Путинцев ва Новгородскийни ҳовлига итардилар. Мен оломонга яқинлашаётганимда бир ўзбек таёқ билан оёғимга уриб ерга йиқитди ва узи кўздан ғойиб бўлди. Оломон Путинцевни ҳовли ичига киритган вақтда мен бошқа томондан у

¹ Уша жойда, 20-бет.

² Уша жойда, Ц-723-ф., 1-руйхат, 3-иш, 43-бет.

³ Уша жойда, уша бет.

ерга кирганимда ўзбекларнинг маҳкама идорасига тош отиб, синдираётганликларини кўрдим. Менинг куз унгимда улар Путинцевни урдилар ва ерга йиқитдилар. Аммо у маҳкама хонасига қочиб киришга муваффақ бўлди. Унинг боши қонга беланган бўлиб, шапкаси йуқ эди. Ўзбеклар очиқ ойнадан Путинцевга тош отардилар. Мен очиқ ойнадан Путинцевнинг қилич яланғочлаб, орқасидан кирган ўзбекларни қўрқитаётганлигини кўрдим»¹.

Куриниб турибдики, қўзғолончилар ниҳоятда ғазабланган ҳолда шаҳар бошлиқлари ва бинони тошбурон қилганлар. Агар қўзғолончиларнинг орасидаги айрим кишилар ўртага тушиб Путинцевни ҳимоя қилмаганида унинг ўлдирилиши турган гап эди. Бу кишилар унинг қатл этилишининг фожеали оқибатларини уйлаб шундай қилганлар. Ҳақиқатан ҳам, борди-ю, руслардан бирор киши ҳалокатга учраганда борми, у вақтда бунинг баҳонасида қўзғолончилардан юзлаб кишилар солдатлар томонидан қириб ташланиши турган гап эди. Путинцевни ҳимоя этганлардан бири янги шаҳар маҳалласида яшовчи, мардикорлик билан шуғулланувчи Исамухаммад Рустамбоев деган киши бўлган. У маҳкамадаги воқеани шундай таърифлайди: «Мен келган пайтда оломон Путинцевни шаҳар маҳкамасининг олдида тошбурон қилмоқда эди. У ерга йиқилганида мен уни гавдам билан тусиб: «Мусулмонлар, нима қиляяпсизлар, эҳтиёт булинглар, сизларни деб бутун Тошкент ҳалок бўлади», — деб бақирдим. Путинцев урnidан туриб, маҳкамага юраётганида оломон ва мен ҳам орқасидан юрдик. У хонага яқинлашганида эшикка суяниб ҳеч кимни утказмасликка ҳаракат қилди. У мени яхши одам экансан, исминг нима ва қайси маҳаллада турасан, деб сўради. Мен оломондан қўрқиб исмимни айтмадим. Шу вақтда хонада Холтой деган киши ҳам одамларни тусиб турарди. Оломон мени ҳам ура бошлади, сиёҳдонни отдилар ва Путинцев хонасига қочдим. Бу ерда мени стол атрофида кишилар қувлаб юришди. Ниҳоят, уларнинг орасидан қочиб, кучада турган руслар орасида яшириндим. Солдатлар келиб, оломонни ура бошладилар, мен қўрқиб уйга кетдим»².

Рустамбоевнинг гувоҳлик беришича, Мусабойвачча (ёки Исабойвачча), Калмуса, Муҳаммаджон, Юнус-

¹ Уша жойда, И-723-ф., 3-иш, 1-руйхат, 44-бет.

² Уша жойда, 118-бет.

бойвачча ва Тошболта деган кишилар катта гайрат кўрсатишиб, Путинцевни тошбурон қилишда қатнашганлар¹.

Гувоҳ сифатида тергов берган Н. Галкиннинг сузига қараганда, оломоннинг олдинги сафида от минган қора соқолли 22-23 ёшли бир йигит юриб, қўзғолоннинг бошлиғи сифатида гавдаланиб турган². Галкин ҳам оломоннинг руслар томонидан калтакланганини тасдиқлайди³.

Солдатлар томонидан оломон маҳкама ҳовлисидан суриб чиқарилганидан кейин «руслар ўзбекларни калтаклашни давом эттирдилар, губернатор эса, уларга тегмасликни буюрди. Аммо ўзбеклар унинг узига ҳам тош отганларидан кейин у русларга: «Ўзбекларни уринглар», деб бақирди. Шундан кейин руслар ўзбекларга ташландилар ва уравердилар. Шу вақтда айрим ўзбеклар ушланиб, маҳкамага олиб борилди. Руслар ўзбекларни Ўрда бозоригача қувиб бордилар. Улар бу ердан тарқалиб кетдилар»⁴.

Бинобарин, қўзғолончилар вилоят ҳарбий губернаторининг кўрсатмасига биноан оддий рус кишилари томонидан калтакланади. Менинг раҳматли Шорасул (1840—1950) бувамнинг хотирасига кўра, руслар ва солдатлар оломоннинг орқасидан қувлаб келаётганида, одамлар шошиб қолганларидан узларини Ўрда сувига ташлашга мажбур булганлар. Оқибатда вилоят ҳарбий губернатори Гродековнинг кўз унгида кўп кишилар ҳалок булган. Қўзғолончиларнинг орасида калтак ва тошлар зарбидан жароҳатланганлар ҳам кўп булган. Оломоннинг ҳукм сураётган тартиблар ва зулмга қарши кураши шаҳар маҳкамасида уз ифодасини топди. Бу ерда шаҳар бошлиқларига ҳужум қилдилар. Маҳкаманинг ва хизматчиларнинг хона эшиклари, деразалари ва жиҳозлари бузиб ташланди. Оломон турли ҳужжатлар, китоблар ва бошқа нарсаларни йўқ қилдилар⁵.

Вилоят прокурорининг кўрсатишича, қўзғолоннинг олдинги сафларида борган кишилар «қашшоқлашган ёш йигитлар»дан иборат булган⁶.

Қўзғолонга боғлиқ кейинги воқеалар ҳам фожеали.

¹ Уша жойда, 119-бет.

² Уша жойда, 37-бет.

³ Уша жойда, 38-бет.

⁴ Уша жойда, 43-бет.

⁵ Уша жойда, уша бет.

⁶ Уша жойда, уша бет.

«Урдадан, — дейди уша Алексеев, — ҳарбий қисмлар губернатор бошчилигида Эски шаҳар томонга йул олдилар. Шундан кейин Урдада яна уша халқ оломонидан одамлар тушланди ва бу ерда мен бошқа руслар билан куча буйлаб кетаётганимда бизга хонадонлардан тошлар отилди. Биз куча атрофидаги хонадонларни текширдик. Биз ва полиция тамба билан беркитилган эшикни бузиб очганда уйнинг томида 4 киши турган экан. Улардан 3 таси томдан сакраб қочдилар, биттаси эса пичоқ билан полицияга ташланди. Бир солдат унинг қулига уриб пичоқни туширди ва ўзини томдан пастга улоқтириб юборди»¹.

Шу равишда солдатлар куча ва хонадонларда қузғон қатнашчиларини ушлаб ва калтаклаб, ҳибсга олдилар. Бутун шаҳар йиғи-сиғи қилиб, мотам тутди. Миршаблар «жиноятчилар»ни излаб, изғиб юрдилар.

Айни бир пайтда губернатор Гродеков, Путинцев ва бошқа шаҳар катталари солдатлар билан Эски Жува бозорига келадилар. «Бу ерда, — дейди Путинцев, — губернатор солдатларга Жомеъ масжиди билан Хужа Аҳрор мадрасаси уртасидаги кучага жойлашганлиги ҳақида хабар олинган эди. Ҳақиқатан ҳам оломон масжидга уша кучалардан яқинлашиб келди. Мен бу ерда солдатлар борлигини билдириб, оломондан тарқалишларини сураганимда, уларнинг орасидан кичкина соқолли ва муйловли бир йигит чиқиб: «Бизни заҳарлаётганларида, қандай қилиб тарқаламиз», — деб гапира бошлади. Мен бу йигитнинг маҳкамадаги галаённинг фаол ташкилотчилариданлигини танидим ва солдатга уни ушлашни буюрдим. Солдат бу йигитни ушлаб олганда, оломон чекина бошлади. Шу онда уша йигит: «Мусулмонлар, мени ёлғиз ташлаб қаёққа қочаяпсизлар?» — деб бақирди. Шундан кейин оломоннинг кўпчилиги қайтиб, бизга тош отдилар. Сўнгра улар ушланган йигитни озод қилиш мақсадида солдатга ташландилар. Бу вақтда, губернатор ва командир Федоров солдатлар орасида турардилар. Шу онда солдатларга «Тайёрланинг» деган буйруқ берилди, йигит эса рўпарадаги кучага қочишга улгурди. Худди шу пайтда солдатлар оломонга қарши уқ уздилар ва улар қоча бошладилар. Улардан 5 киши йиқилди, улар жароҳатланди ёки улдирилди. Иккинчи марота-

¹ Уша жойда, И-1-ф., 31-руйхат, 30-иш, 170-бет.

ба ҳам уқлар отилди. Ҳаммаси булиб, 7 ёки 9 киши ерда ётарди»¹.

Уқ узилишидан олдин бир офицер оломонга «Тарқалмасанглар отиб ташлаймиз», — деганда қўзғолончилардан «Мана, отиб ташла», деб кукрагини тутганлар бўлган². Қўзғолонда аёллардан бири: «Одамларни захарлаб улдирмоқдалар», — деган. Бу далил қўзғолон ўз бағрига аёлларни ҳам тортганлиғидан далолат беради³.

Шу тарзда ҳеч қандай бир арзигулик қуроли бўлмаган халқ ваҳишийларча уққа тутилди. Иккинчи ёппасига уқ узишдан кейин яна уқлар отилди ва сунгра губернаторнинг буйруғи билан тўхтатилди. Оломон қочди. Кейин қўзғолончилардан 10 киши улдирилганлиги маълум бўлди⁴.

Губернатор Гродеков ва Путинцев бозорга киришиб, кунчилик растасида тўхтадилар. Бу ерда ҳеч ким йўқ эди, лекин узокроқда одамлар тушланиб турарди. Бу ерга келган Путинцев оломонга «Тарқалинглар» деб буюрганида, бир одам, мулла бўлса керак, ўртага чиқиб: «Шаҳарда ҳар куни юзлаб одам улмоқда, маъмурият эса кимлар вабодан улганлигини аниқлашга улгурмаётир. Шу боис мурдаларни тўхтатмай кумишга рухсат беринглар» деган⁵.

Путинцев бунга жавобан ҳар ҳафтада бор-йўғи бир неча кишигина улаётганини айтган. Уша сўзлаган одам ва яна бир неча киши ушланади. Пичоқчи маҳалласида яшовчи ва гувоҳ сифатида сўроқ қилинган унбоши Қосимхўжа Алибоев сўзича, шаҳар маҳкамасидан кейин оломон Урда кўпригидан утиб, кўчаларда турган. Унинг кўрсатишича, Урдани Эски Жува бозори билан боғловчи катта кўчада жойлашган Саъидқарим Азимбоевнинг ҳовлисида касалхона бўлган. Унинг атрофида эрталаб соат 10да оломон тушланиб, Мирзабойвачча Мирсалимбоев, Усмон қассоб, Азиз Қассобов ва ямоқчи Искандар Чуқурбоев «Биз Муҳаммад Ёқубни улдирдик, уйини таладик, углини қўлга олдик, агар сизлар чиндан ҳам мусулмон бўлсаларингиз дўконларни ёпинглари ва Шайхонтахурга боринглари»⁶, деб бақирганлар. Шу вақтда шаҳар бошлиғи Путинцев ва ҳарбий губер-

¹ Уша жойда, И-723-ф., 1-руйхат, 3-иш, 21-бет.

² Уша жойда, 65-бет.

³ Уша жойда, 28-бет.

⁴ Уша жойда, 161-бет.

⁵ Уша жойда, 262-бет.

⁶ Уша жойда, 261-бет.

натор солдатлар билан бирга келишиб, касалхона атрофида турган оломонга қарата мурожаат қилиб, тарқалишни талаб этганлар. Губернатор агар аҳоли шаҳар бошлиғидан ёки оқсоқоллардан норози бўлсалар, у вақтда шикоят ёзсинлар, уларнинг уринларига бошқасини тайинлаймиз, деган. Шундан кейин губернатор ва бошқалар йўлни давом эттирганлар. Аммо «оломон, — дейди Қосимхужа Алибоев, — тарқалмай, аксинча, губернатор ва солдатларнинг орқасидан бордилар. Мен Жомеъ масжидининг яқинидаги болохонага урнашиб олганлигим учун ҳамма нарса куришиб, сузлар эшитилиб турди. Искандарбек ва Азимбойвачча яна пайдо бўлиб, губернаторнинг шаҳар бошлиғи ва оқсоқолларни алмаштириш ҳақидаги ваъдасига «қулоқ солманглар, ишонманглар, ахир, бундай ваъдалар кўп бўлганку», — деб бақирганлар. Калхужа оломон орасидан отилиб чиқиб, шаҳар бошлиғининг отининг жиловидан тортди. Путинцев эса, уни қамчи билан урди. Искандарбек ва Азимбойвачча «Шаҳар бошлиғини ушланглар» деб оломонга мурожаат қилганда, қўзғолончилардан бир нечаси унинг отига ёпишдилар ва тошлар отилди. Шунда «Ўқ узилсин» деган буйруқ эшитилганда, Азимбойвачча халққа: «Қўрқманглар, милтиқларга қуруқ порох ва пахта солинган», — деб бақирди. Уқлар отилганидан кейин оломон тарқалди, Азимбойвачча ва Искандарбек отда қочиб кетдилар»¹.

Демак, қўзғолончиларнинг бир қисми шаҳар маҳкамасидан чиқиб, Урда билан Эски Жува ўртасидаги кучада (ҳозирги Навоий) вилоят ҳарбий губернатори ва солдатларга дуч келган. Афтидан, бу учрашув қўзғолончилар Муҳаммад Ёқубнинг ҳовлисини талагандан кейин қайтаётганида содир бўлган.

Эски шаҳар бозорида солдатлар томонидан бир неча кишининг улдирилиши ва жароҳатланиши билан қўзғолон ниҳоясига етди. Вилоят губернатори Гродеков солдатларни турли жойларга юбориб, қўзғолончилардан 60 кишини ҳибсга олдиртирди. Уларнинг орасида нуфузли кишилар ҳам бор эди. Рус маъмурияти қўзғолонни биринчи навбатда бир гуруҳ юқори табақа вакиллари бўлинига қўйишга ҳаракат қилиб, унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий заминларини пардаламоқчи бўлди. Шу нақтай назардан қораланганлар орасида Эски шаҳарнинг собиқ оқсоқоли Иноғомхужа Умарҳо-

¹ Уша жойда, 262-бет.

жиев ва унинг угиллари Саъидахмаджу ва Турсунхужа, Шайхонтахур даҳасининг қозиси Шарифхужа Поччахужаев ва унинг угиллари Орифхон, Ҳасанхон, Маъруфхон, Ашрафхон, оқсоқол Шермуҳаммад Қулмуҳамедов, Боқижон Дадажонбоев, Усмонхужа Иноятхужаев бор эди¹.

Ҳарбий губернатор Гродековнинг фикрича, уша ҳибсга олинган бир гуруҳ нуфузли кишилар «яқинда ўз лавозимидан четлатилган Иноғомхужа бошчилигида қўзғолоннинг айбдорлари ҳисобланган. Иноғомхужа мансабини сақлаш мақсадида шахсан ўзи ва яқин одамлари орқали халқ орасида вабо касалига қарши қаратилган чоралар ҳақида турли миш-мишларни тарқатишга даъват этган»².

Ҳарбий губернатор Эшон Азизлархужани ўзининг 30 кишидан иборат отлиқ муридлари билан шахсан қўзғолонга бошчилик қилганини уқтириб ўтган³. Айни бир пайтда Туркистон генерал-губернатори шаҳар бошлиғи, даҳаларнинг барча оқсоқолларини ҳамда қозиларнинг ҳаммасини лавозимидан четлатди. Миршаблар руслардан ёки бошқа шаҳарларда яшовчи туб аҳоли вакилларидан тайинланадиган бўлди⁴.

Вилоят губернатори Гродеков ўзининг Туркистон генерал-губернаторига йўллаган хатида қўзғолон учун бутун шаҳар аҳолисини жазолаш мақсадида Урдадан Эски Жува ва Жомеъ масжидигача уланадиган иккита катта кучани улар ҳисобига қуришга дарҳол киришишни суради. Уларнинг фикрича, бундай йўл русларни булажак хавфлардан сақлар эмиш⁵. Афтидан, Гродеков тор ва қийшиқ кучаларда ҳарбий ҳаракат қилиш ва воқеани кузатиш оғирлигини даф этмоқчи бўлган. Эски шаҳар оқсоқоли лавозимига одатдагидек ўзбек эмас, рус кишиси тайинланди.

Шу тарзда, қўзғолон баҳонасида Эски шаҳарни бошқариш бевосита рус амалдорининг қўлига ўтказилади. Гродеков имкони борича қўзғолон сабабларини маҳаллий юқори табақа вакилларидан қидириш ва бу билан унинг асл моҳиятини ниқоблаш учун уларни кўплаб камаш ва жазолашга киришди. Шаҳар даҳаларининг оқсоқоллари, қозилару ва миршабларни ёппасига ман-

¹ Уша жойда, И-723-ф., 1-руйхат, 4-иш, 58-бет.

² ЦГВИА. ф. 400, оп. 1, д. 1569, л. 10.

³ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, И-1-ф., 31-руйхат, 30-иш, 44-варақ.

⁴ ЦГВИА. ф. 400, оп. 1, д. 1560, л. 14.

⁵ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, И-1-ф., 31-руйхат, 30-иш, 22-варақ.

сабдан бушатишнинг ташаббусчиси ҳам Гродековнинг узи эди. Аммо Сирдарё вилояти прокурори П. Е. Рейенбат Гродековни қонунни бузишда айблаб, бир неча маротаба унинг узига ва генерал-губернаторга тушунтириш хатлари ёзди. У қўзғолонга дахлдор бўлмаган кишиларни ҳибсга ололмаслигини ёки ушлаб туролмаслигини баён этиб, уз фикрида қаттиқ туриб олди. Аммо Гродеков буйруғи билан шаҳарнинг бир неча савдогарлари ва нуфузли кишилари, хусусан Бадалмуҳаммад ҳамда Боқижон деган кишилар қамалдилар. Прокурор тергов натижасида далиллар бўлмаганлиги учун уларни озод қилди. Гродеков эса, бунга қаршилик курсатиб, «агар исён буйича бир неча ун кишини, икки-уч эшон ва Иноғомхўжа жазолансалар, бутун жаҳон олдида шармандагарчилик булади»¹, деган.

Бу сузларнинг маъноси шундан иборат эдики, қанчалик куп юқори табақа вакиллари жазоланса, шунчалик қўзғолоннинг сабабларини уларга йўйиш ва Россия «қудрати»ни намоёйиш этишга эришилади. Гродеков бу ишга шунчалик берилиб кетдики, генерал-губернатор Верёвкинда ҳам норозилик уйғотди. Чунки қўзғолонга алоқаси бўлмаган кишиларни ҳибсга олиш ва тергаш қизиб турган вазиятни кескинлашишга олиб келиши аён бўлиб қолди. Шу боисдан Верёвкин Гродековга йўллаган хатида уз фикрини қуйидагича баён этади: «Рус маъмурияти томонидан йўл қўйилган хатолар ва меъёридан ортиқ қаттиққўллик улқада бизнинг мавқеимизни мустаҳкамламайди, аксинча келажақда русларнинг туб аҳоли билан алоқаларига зиён келтиради. Мен жазолашга қатъий адолат юзасидан қарашнинг тарафдориман. Фақат полиция ва прокурор аниқлаган, 24 июн воқеасига бевосита дахлдор ва айблари исботланган кишиларгина жазо олишлари лозим»².

Шундан кейин Гродеков ва Рейенбат уртасидаги тортишувга чек қўйилиб, айблари исботланмаган айрим юқори табақа вакиллари озод этилди. Аммо рус маъмурияти ва прокурор Иноғомхўжа, Шарифхўжа ва бошқа нуфузли кишиларга айбдор сифатида қаттиқ ёпишиб олдилар. Ваҳоланки, улар қўзғолонда бевосита қатнашмаган эдилар. Улар вабога қарши чоралар ҳақидаги сузларни тарқатишда ва халқни қўзғолонга даъват этишда айбландилар. Иноғомхўжа бу ишларга зимдан

¹ Уша жойда, И-1-ф., 31-руйхат, 30-иш, 11-бет.

² Уша жойда, 138-бет.

бош-қош бўлган ва вазиятдан фойдаланиб, Муҳаммад Ёқубнинг урнига утиришга ҳаракат қилган киши сифатида қораланди. Прокурорнинг айбномасига кура, Иноғомхужа бундай гайриқонуний хатти-ҳаракатлари орқасида қўзғолон кутарилишига ва бунинг оқибатида шаҳар маҳкамаси ва маъмурият вакилларига хужум қилинишига сабабчи бўлган. Шу боис, у бутун воқеанинг асосий йўлбошчиси сифатида гавдалантирилди¹.

У Аҳмадхужа Абдурашидхожиев ва Ёқубхужа Юсуфхожиев сингари яқин кишилари орқали ташвиқот ишларини олиб борганликда ҳам қораланди. Бу икки киши ҳам қўзғолон кутарилишига ҳисса қўшганлар қаторида ҳибсга олинган эди².

Қўзғолон қатнашчиларидан 93 киши айбдор сифатида тергов қилиниб, улардан 57 киши қамоқда ушланди.

1892 йилнинг 15 декабрида, соат 11да суд ҳукми эълон қилинди. Иноғомхужа 57 ешда бўлиб, 1868 йилдан буён Сирдарё вилояти ҳарбий-граждан бошқармасида хизмат қилган, 1884 йили шаҳар бошлигининг кичик ёрдамчиси ва 1887 йили Эски шаҳар катта оқсоқоллигига тайинланган. У яхши хизматлари учун Станислав тасмали кумуш медал, икки олтин медал ва биринчи даражали «Фахрий тун» билан мукофотланган. Суд ҳукми билан Иноғомхужа барча мукофотларидан маҳрум бўлди, шу билан бирга, Иркутск губерниясига 4 йил шу ердан силжимаслик шarti билан сургун қилинди. У яна 12 йил давомида Сибирнинг бошқа вилоятлари ва губернияларида туриши керак эди. Умумлаштирилганда сургун муддати 16 йилга борган³.

Шайхонтаҳур даҳасининг 75 ешли қозиси Шарифхужа Поччаҳожиев ҳам кумуш ва олтин медаллардан маҳрум этилиб, 3 йил муддат билан Астрахан губерниясига сургун қилинди⁴.

Суд Аҳмадхужа Абдурашидхожиев, Зиямуҳаммад Исамуҳаммедов, Азимбойвачча Мирсалимбоев, Искандар Чуқурбеков, қассоб Азиз Қассобов, Муҳаммаджон Ғайниддинов, Мусақори Қассобов, Тошмуҳаммад Туйчиевни осиб улдиришга ҳукм қилди⁵. Булардан ташқари, 25 киши турли муддатлар билан қамоққа ҳукм этилди.

¹ Уша жойда, И-723-ф., 1-руйхат, 2-иш, 62-варақ.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 59-бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

⁵ Уша жойда, уша бет.

Суд ҳукми шаҳар ва улкада вазиятни янада кескинлаштириб, норозиликни кучайтириб, хавф туғдириши мумкин эди. Шу боис генерал-губернатор улим жазосини бир кишига умрбод сургун ва бошқаларни 15-20 йил муддат билан қаторгага алмаштирди. Иноғомхужанинг соғлиғи ёмонлиғи туфайли сургун қамоқ билан алмаштирилди.

Суд ҳукми билан Муҳаммад Ёқубнинг таланган 1400 сўмлик мол-мулки ҳамда суд ҳаражатлари — 216 сўм Иноғомхужа, Шарифхужа ва бошқа бир гуруҳ қаттиқ жазоланган кишилардан ундириладиган бўлди¹.

1893 йил 16 мартда шахсан императорнинг розилиғи асосида қўзғолоннинг олдини ололмаганликлари учун Гродеков ва Путинцев лавозимларидан олинди². Путинцев ўрнига Тошкент уезди бошлиғи полковник Твритинов тайинланди³.

Чор маъмурияти гарчанд вабога қарши чоралар қўрган бўлса-да, лекин амалда уни даф этишга етарли эътибор бермади, оқибатда Тошкент шаҳрида юзлаб кишилар унинг қурбони бўлдилар. Чунончи, 1893 йил 7 июн — 9 август орасида ўзбеклардан 1438 киши касалланиб, 1389 киши ўлган, руслардан эса 407 киши оғриб, 213 киши вафот этган. Жами 1835 касалдан 1602 одам ўлган эди⁴.

1891 йили шаҳарда 58 эски мазордан 33 таси ёпилиб, 25 таси қолдирилган⁵.

Вабо касали Фарғона водийсида ҳам пайдо бўлиб, ундан 10.277 киши вафот этган. Улка бўйича ҳисобланганда, ўлганлар сони 11.879 кишига боради. Бу ўз даври учун катта фожеа эди. Агар чор ҳукумати етарли маблағ ажратиб, тегишли чораларни изчиллик билан қўрганда бунчалик катта йўқотиш бўлмас эди.

Қўзғолоннинг акс-садоси бутун улкага, хусусан, Фарғона водийсига ҳам тарқалиб, вазият кескинлашди. Шу боис фақат Тошкентда эмас, балки Фарғона вилоятида ҳам ҳарбий ҳолат жорий этилиб, назорат ва таъқиб авжига минди⁶.

Гарчанд қўзғолон бостирилган бўлса-да, лекин у мазлум халқнинг рус ҳукуматининг мустамлақачилик сиё-

¹ Ўзбекистон Марказий давлат архиви. И-723-ф, 1-руйхат, 2-иш, 90-бет.

² ЦГВИА, ф. 400, оп. 1, д. 1569, л. 59.

³ Уша жойда, 14-бет.

⁴ «Туркестанские ведомости», № 32, 1892, 11 август.

⁵ Уша жойда, 1892, 10 ноябр.

⁶ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, 1-ф., 3-руйхат, 88-иш, 15-бет.

сати ва миллий зулмига қарши қаратилган кураши сифатида учмас из қолдирди. Шунинг учун ҳам рус маъмурияти мамлакатда ҳамда чет давлатларда унинг моҳияти ва йўналишини бошқачароқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилди. Масалан, ҳукуматнинг расмий газетаси бўлмиш «Туркистон ведомости»да шундай ёзилганди: «Ватандошларимиз ва хорижий мамлакатдаги дўстларимизга шуни маълум қилишимиз мумкинки, қўзғолон кутарганликлари учун жазоланганлар том маънодаги сиёсий ва давлат жинойтчилари эмас, балки маъмуриятнинг айрим ҳолларда қўлаган тартибларига қарши бош кутарган кишилардир. Бу оломон томонидан тасодифан содир этилган жинойт сиёсий тусга эга бўлмай, туб аҳолининг партиявий курашининг маҳсулидир. Унинг юзага келиши қисмангина вабога қарши қаратилган чораларга боғлиқдир.

Шуни такрор айтамикки, қўзғолонда Ўрта Осиёдан ташқарида уйланганидек, ҳеч қандай сиёсий йўналиш йўқ»¹.

Хуш, шундай экан, нима учун рус ҳукумати қўзғолончиларга қарши ўқ узди ёки бўлмаса куп кишиларни ўлимга ва узоқ муддатли қамоқ жазоларига ҳукм қилди?

Жавоб шуки, бунга қўзғолоннинг айнан мустақилликни тиклашга қаратилган сиёсий йўналишга эгаллиги сабаб бўлган. Шу боис у улкадаги кейинги миллий-озодлик ҳаракатларининг юзага келишига ҳам таъсир кўрсатган.

1898 йил: ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ

Пахтачиликнинг ривожланиши, улканинг Россиянинг хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланиши айниқса Фарғона вилоятида халқни ҳар жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйди. Булар ҳақида аввалги саҳифаларда келтирилган маълумотлар ҳам далолат бериб турибди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қўзғолонларда руҳоний ва бошқа юқори табақалар вакиллари қатнашдилар ва хайрихоҳлик билдирдилар. Бу табиий ҳол эди, албатта. Чунки улкада миллий давлатнинг тугатилиши, бойликларнинг бегоналар қўлига ўтиши ҳамда ғайридинларнинг зўравонлиги маҳаллий табақа доиралари норозилигини уйғотмасдан қўймасди.

¹ «Туркестанские ведомости», № 51, 1892, 22 декабрь.



Ҳазрат Муҳаммад Али халфа — Дукчи Эшон.

Бундан чор ҳукуматига зур бериб хизмат қилаётган бир гуруҳ кимсалар мустаснодир. Рус ҳукумати даврида олий ва урта ҳокимият лавозимларидан, бойликлардан маҳрум этилган ҳамда уз ватанига содиқ кишилар чет эл ҳукмронлигига қарши курашнинг тарафдорлари сифатида майдонга чиқдилар. Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори Чайковский водийдаги вазиятни шундай таърифлаган: «Буйсундирилганига қадар Фарғона мустақил давлат ҳисобланиб, узининг тарихи, ҳукмрон син-

фи ва бошқарув тузумига эга эди. Уларнинг йўқолганига ҳали чорак аср, янги шароитга мослашиш учун эса бир кишининг умри утгани йўқ. Илгари ҳукмронлик қилган нуфузли табақаларнинг оддий кишиларга айланиш жараёни жуда қийин ва аламли кечмоқда. Шунинг учун тасодифий ҳодисаларнинг юзага келишини назарда тутган ҳолда, туб аҳолини қаттиқ назорат остида тутиб туриш ҳали узоқ давом этади. Айниқса, мусулмон руҳонийларини ва мусулмон уқув юртларининг вакилларини алоҳида назорат остида сақлаб туриш зарур. Чунки улар қонуний ташкилотлардан четда уз ҳолига ташлаб қўйилганлиги учун доимий назорат қилиш имкони йўқ. Янги тартиб-қонунлар орқасида уларнинг фақат жамиятдаги мавқеига эмас, балки вақф ерларидан олинадиган даромадларининг қисқартирилиши туфайли иқтисодий манфаатларига ҳам путур етказилди»¹.

Рус ҳукумати, биринчи навбатда, дин пешволарини энг хавфли душман ҳисоблаб, уларни имкони борича «бурчакка қисиб» қўйишга ҳаракат қилди. Руслар қозилик ва оқсоқоллик мансабидаги кишиларни ҳам «гаҳ деса қўлга қўнадиган» тарзда ушлаш учун арзимаган баҳоналар билан жазолаб турди. Масалан, вабо касали муносабати билан 25 қози ва муфти эски қабристонларни бузмасликни сўраб ариза ёзганларида, улардан бир нечаси лавозимларидан четлатилди. Шундан кейин бир гуруҳ нуфузли кишилар норозилик хати ёздилар. «Хонлар вақтида, — дейилган унда, — қозилар шариат қонунларини билганликлари учун муқофотланганлар. Аммо халойиқ қозиларнинг бекордан бекорга лавозимларидан бушатирилганлигини билмайди. Чунки улар ҳеч қачон шариатга зид ишларни қилмаганлар»².

Ҳарбий губернатор А.А. Абрамов қўзғолон кутарилишидан қўрқиб, агар тартибсизликлар рўй берса, у вақтда қозилар Сибирга сургун этилажагини очикдан-очик маълум қилади³. Айни бир пайтда Қўқон уездининг бошлиғи, агар дин пешволари тартибсизликларда қатнашсалар, мадрасаларнинг ёпилишини ва вақф ерлари тамоман давлат ихтиёрига утказилишини билдирди⁴.

¹ Центральный Гос. архив России в Петербурге, ф. 1282, оп. 3, д. 442, л. 27.

² Узбекистон Марказий давлат архиви, фц-19, оп. 1, д. 332, л. 43.

³ Уша жойда, Ц-19, оп. 1, д. 332, л. 22.

⁴ Уша жойда, 27-бет.

Қозиларнинг шикоятни буйича имзо чекканлардан 10 дан ортиқ киши ҳибсга олинди. Шу биргина шикоятга қарши қўрилган чора Қўқон халқининг норозилигини уйғотиб, оломон тупланга бошлади. Натижада хавфли вазият юзага келиб, қўзғолон чиқиши аён бўлиб қолди. Бундан чучиб кетган губернатор қозиларни ва 8 нафар элликбошини қамоқдан озод этишга мажбур бўлди. Қози мулла Ашурни шикоятнинг ташаббусчиси сифатида Сибирга сургунга жўнатмоқчи эди, аммо вазиятнинг кескинлашиши оқибатида бекор қилинди¹.

Рус маъмуриятининг маҳаллий амалдорларга нисбатан зўравонлиги туфайли уларнинг орасидан халқ га-лаёнларига хайрихоҳлар чиққан эди. Чунончи, уларнинг айрим вакиллари 80-йиллари мустақилликни тиклаш учун курашаётган гуруҳларнинг қатнашчиларига меҳрибонлик кўрсатганлар. Масалан, 1885 йили Навқат бўлисининг бошлиғи Содиқ Қулматов ва Бозорқўрғон бўлисининг катта оқсоқоли Мулла Калон Отанаев «қўзғолон қатнашчиларини беркитганлари» учун уз вазифаларидан олинган². Маҳаллий маъмурият вакиллари-нинг қўзғолончиларга хайрихоҳлигини вилоят ҳарбий губернатори ҳам таъкидлаган: «(Қўзғолон бошлиғи Дарвишхонни) қўлга тушира олмаганлигимизнинг сабаби аҳолининг ва маҳаллий маъмурият вакиллари-нинг ёрдам қилмаётганликларидандир. Маҳаллий амалдорлар уларининг ҳаракатсизликларини ниқоблаш учун турли асоссиз баҳоналарни тарқатиш билан шуғулланмоқдалар»³.

Айниқса, хонлик вақтида мансаб ва имтиёзларга эга бўлган, лекин «руслар келганидан кейин улардан маҳрум этилган» кишилар чор ҳукуматига қарши турганлар⁴.

Улка генерал-губернатори А.Вревскийнинг сузига қараганда, улар осойишталик кунлари жим юрганлар, лекин янги солиқлар солинганда ёки ҳукумат қандайдир чораларни кўрмоқчи бўлган кезларда аҳолини қўзғолон кутаришга даъват этганлар⁵.

Шундай қилиб, мустамлакачилик сиёсати бир томондан халқ ҳаётининг оғирлашишига, иккинчидан, маҳаллий юқори табақа вакиллари-нинг манфаатларига

¹ Уша жойда, 53—54-бетлар.

² Уша жойда, фц-1, оп. 31, л. 9.

³ Уша жойда, фц-1, оп. 31, д. 3, л. 27—30.

⁴ Уша жойда, фц-1, оп. 31, д. 29, л. 31.

⁵ Уша жойда, уша бет.



Қузғолон қатнашчилари ҳибсада.

зарба беришга олиб келган. Бу ҳол халққа ҳам, юқори табақа вакилларининг илғор қисмига ҳам умумий душман — чоризмга қарши бирлашишга замин ҳозирлади. Бу ерда мустақиллик ва озодлик учун кураш туйғулари муҳим урин тутди, халқнинг барча тоифаларининг бир ёқадан бош чиқаришига олиб келди.

Жамият маънавий ҳаётининг асосий йўналтирувчи кучи бўлмиш ислом динининг камситилиши ва унинг моддий асосларининг чеклаб қўйилиши дин пешволарининг ҳам бош кутаришига олиб келди. Асрлар мобайнида ҳукм суриб келган ислом динининг «ғайридин» асирига айланиб қолиши қузғолоннинг энг муҳим омилларидан бири бўлди. Айниқса, намоз вақтида рус императори номига мажбурий суратда хутба ўқитилиши ачинарли ҳол эди. Бинобарин, «ғазот» шиорининг юзага келиши табиий ҳолдир. Шу равишда ватан ва дин озодлиги учун кураш бир-бири билан узвий боғланиб, умуммиллат ҳаракати сифатида гавдаланади.

1898 йил қузғолони Андижон уездига қарашли Мингтепа, Тожик, Қашқар сингари қишлоқлардан бошланди. Бу жойларда Муҳаммадали Халфа Собир ўгли (1856—1898) энг обрўли дин пешвоси ҳисобланган. Унинг отаси пахтани чигитдан ажратадиган халажи ва йиг, яъни дуг, бешик ясайдиган хунар эгаси эди. Демак, Муҳаммадали хунарманд оиласида дунёга келиб, вояга етган. У Дукчи Эшон деб аталган. Эшон деб номланишига шу сабаб булганки, у узининг истеъдоди ва сергайратлиги туфайли қишлоғидаги Султонхонтўра Эшон-



ПРИКАЗЪ

по войскамъ Туркестанскаго военнаго
Округа.

Г. Ташкентъ. Июля 9-го дня 1898 года.

№ 126.

О прова- Туркестанъ: 1) Митълибский Имамъ Магомедъ-Али-Хали-
фа Мулиева-Савари-Бекъ. 2) бывшій Кузюмскій волост-
ной Судъной управителю Мулла Габелъ Назаръ-Артыкъ-Ходжа-Исламъ,
3) Сулейманъ-Араббаевъ, 4) Русланъ-Бекъ-Сатубъ-Алла-
мановъ, 5) Мирза-Хамидъ Усманбековъ и 6) Бабатагъ
Галиевъ, за преступленіе предусмотрѣнное 249 ст.
Уложен. о Наказъ Угол. и Исправ. на основаніи Под-
дѣленія 1881 г. а мѣрѣхъ къ охраненію Государствен-
наго порядка и общественнаго спокойствія, преданы
нашему Туркестанскому военно-Окружному Суду съ примѣ-
неніемъ законовъ въ судѣ и наказаніяхъ установленныхъ
для военнаго времени.

О снѣхъ объявленъ во войскамъ ВЪСОЧАЙШЕ възвѣ-
щеннаго кнѣ Округа.

Подписалъ:

Възводившій войскамъ,
Генералъ-Фельдмаршалъ Дурасовъ.

1898 Округному Штабу.



Кузголончилар устидан чиқарилган ҳукм.

га шогирд тушиб, юсак диний унвонга сазовор бўл-
ган. Дукчи Эшон мол-мулк тушлашга берилмай, назр
ва совгага келтирилган барча бойликларни қашшоқ-
ларга сарфлади. Чунончи, ҳар куни белгилаб қуйилган
жойда юзлаб кишиларга текин овқат тайёрланган.

Дукчи Эшон рус ҳукумати томонидан олиб борилаёт-
ган мустамлакачилик сиёсатини, миллий зулм ва дин-
нинг сиқиб қуйилганлигининг жонли гувоҳи бўлди. У халқ
дардини ва норозилигини яхши англаган ўз Ватанига
содиқ киши эди. Умуман айтганда, Дукчи Эшон оғир
сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароит орқасида бир
парча еридан ҳам маҳрум этилган деҳқонлар, шаҳар
камбағаллари учун умид ва ишонч рамзига айланган.
Буни яхши англаган Дукчи Эшон халқнинг озодлик

курашига бош-қош булишни уз зиммасига олди. У она юртнинг мустақиллиги ва озодлигини тиклашни муқаддас бурч деб билди. У қузғолон кутариш учун айрим тайёргарлик ишларини амалга ошириб борди. Биринчи навбатда, «чақириқ қоғозлари» битилиб, ишончли жамоаларга тарқатилди. Бунда Фарғона вилоятида истиқомат қиладиган барча туб аҳоли вакиллари, хусусан, узбеклар, тожиклар ва қирғизлар Мингтепага таклиф этилди¹. Бундан ташқари, халққа қарата мурожаатнома қабул қилиниб, мусулмонларни кофирлардан халос этиш Дукчи Эшон зиммасига тушганлиги билдирилган ва барча мусулмонлар ёрдамга чақирилган. Мурожаатномага қуйидаги нуфузли кишилар имзо чекканлар:

1. Мулла Аҳмад нойиб Мулла Мирза ўғли.
2. Ҳайитбой Тўқсабо.
3. Орзиқулбой Понсод.
4. Умарбек додхоҳ.
5. Ботир Мингбоши.
6. Соттибой Мирза.
7. Ботир Мингбоши Нормат ўғли.
8. Муҳаммад Иброҳим Тўқсабо.
9. Мулла Ғойибназар Ортиқ ўғли.
10. Алибек Додхоҳ ва бошқалар.

Улар орасида бир қози ва унинг ёрдамчиси, икки булис бошлиғи, 7 кишлоқ оқсоқоли ва Кулин булиснинг уч нуфузли кишиси бор эди². Мурожаатномага жами 14 киши имзо чеккан. Чақириқ қоғозларидан ташқари, айрим режалар ҳам тузилган. Чунончи, қузғолон галаба қилган тақдирда Дукчи Эшоннинг 14 ёшли жияни Абдулазиз хонлик тахтига ўтқазилиши лозим эди³.

Дукчи Эшон атрофидаги ишончли кишилар Туркиянинг ёрдами ва мавқеидан фойдаланиш ниятида Султон Абдулҳамид II (1876—1909) номига хат юбордилар⁴. Аммо бу хат уз эгасига бориб етмайди. Дукчи Эшонга турк султонининг қалбаки жавоб хатини ва совғасини тақдим этганлар ва Дукчи Эшонни унинг асслигига ишонтиришган⁵. Амалда Туркия билан алоқа ўрнатилмаган ва бунга имконият ҳам йўқ эди. 1898

¹ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, Ц-17-ф, 1-руйхат, 331137-иш, 22-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 24-бет.

⁴ Уша жойда, уша бет.

⁵ Уша жойда, фц-723, оп. 1, д. 18, л. 2.

йили «Рус инвалиди»нинг ёзишича, Абдулжалилхужа деган киши Қашқардан келиб, Дукчи Эшонга гуё «турк султони томонидан юборилган хат ва тунни» топширган эмиш, лекин унинг ҳақиқатлиги тасдиқланмаган¹. Уша йили 14 июнда Туркистон ҳарбий округининг штаб бошлиги Н. Белявскийнинг билдиришича, «Турк султонида ҳеч нарса олинмаган»².

Абдужалилхужанинг Қашқарга борганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқланмади. 1899 йили Россиянинг Қашқардаги бош консули Н.Петровский гарчанд Абдужалилхужа шахси билан таниш бўлса-да, лекин унинг Қашқарда топилмаганлигини Туркистон генерал-губернаторига билдирган³.

Бундан ташқари, унинг Туркистон ҳарбий округи штаби бошлиғига юборган хатида шундай дейилган: «Дукчи Эшонга юборилган хат султон фармони эмас, балки хати иршоддир, яъни суфийлик таълимоти буйича узини қутқаришнинг тўғри йули кимга мерос бўлиб қолганлиги ҳақидаги гувоҳномадир. Хужжат, шубҳасиз, сохта, сабаби — Султон пайгамбар ноийби сифатида суфийликда була олмайди. Чунки суфийлик билан муро са қилинади, лекин тан олинмайди. Султоннинг ҳеч кимдан, ҳеч қандай эшондан (муршиддан) хати иршод олган бўлиши мумкин эмас»⁴. Шу равишда хат ва совга Турк султониға тегишли эканлиги исботланмади. Бу масала билан шуғулланган бир муаллиф ҳам «қўзғолонда мусулмон давлатларининг вакиллари қатнашганлиги исботланмади», — деб ёзган⁵.

1898 йили генерал-лейтенант Королков ўзининг ҳисоботида қўзғолоннинг сабабларига тўхтаб, Дукчи Эшоннинг Туркия билан алоқада бўлмаганлигини исботлади. У Туркиянинг ўлкадаги халққа таъсир этувчи кучини қуйидагича тасаввур этган: «Кейинги вақтларда ўлкада бирон мақсад ва ҳужжатга эга бўлмаган Туркия фуқаролари пайдо бўлди. Шунингдек, Туркиядан туркларнинг юнонлар устидан қозонган ғалабасини улуғловчи Константинопол китоблари келтирилмоқда. Ниҳоят, кўриниб турибдики, Дукчи Эшон исёни кўтари-

¹ «Русский инвалид», 1898, № 27.

² Ўзбекистон Марказий давлат архиви, фц-19, оп. 1, д. 5579, л. 109.

³ Уша жойда, 184-бет. Бу ҳақда Н. Петровскийнинг Синцзян вилояти губернаторига ёзган хати ҳам далолат беради. Уша жойда, фц-19, оп. 1, д. 5578, л. 185—187.

⁴ А. Эгамназаров. Сиз билган Дукчи Эшон. Т., 1994, 59-бет.

⁵ Исторический вестник. 1908, № 5.

⁶ Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Фц-17, оп. 1, д. 31137, л. 2.

лишида Константинополнинг таъсири туғридан-туғри бўлмаган бўлса-да, лекин унга яқин доирада бўлган»⁶.

Бинобарин, қузғолон Туркиянинг бевосита таъсири остида кутарилганлиги ҳақидаги фикрлар тахминлардан иборат эди, холос. Аслида, олдинги саҳифаларда курсатилганидек, қузғолон оғир шароитнинг маҳсули ҳисобланиши билан бирга, асрлар оша давом этиб келаётган ахлоқ-одобнинг издан чиқиб бориши ҳам сабаб бўлган. Бу хусусда И.И. Королковнинг ҳисоботида келтирилган, Дукчи Эшоннинг терговда айтган сўзлари диққатга сазовордир. «Мадали Эшоннинг узининг сўзича, — дейилган ҳисоботда, — уни халқнинг одоб-ахлоқи бузилаётганлиги ҳаминиша тинчсизлантириб келган. Гарчи бундай ҳол Қўқон хонлигининг кейинги йилларида бошланган бўлса-да, лекин бунинг учун у худонинг амри билан ҳалокатга учради. Руслар ўлкани урушиб олганидан кейин эса аҳвол янада ёмонлашди. Одоб-ахлоқнинг бузилиши фоҳишалик, ичкиликбозлик, қиморбозлик ва оила заифлашишининг кучайишида ўз аксини топди. Умуман, одамлар орасида шарият талабларига зид ишлар қилиш зўраймоқда. Гарчанд рус маъмурияти халқ билан хушмуомала бўлса-да, лекин закот ва вақф ташкилотларини йўқотди ва Маккага ҳажга боришни тақиқлади. Айни бир пайтда у халқ таълим-тарбиясига эътибор бермади. Эшон бу номаъқулчиликни гуё турк султониغا ёзиб, ундан уртага тушишни ва ҳаётни шарият асосида юргизишни Рус давлатидан сурашни илтимос этган эмиш. Бу билан Эшон рус давлатини худонинг қаҳр-ғазабидан холи қилмоқчи бўлган эмиш»¹.

Афтидан, терговчи рус маъмурияти вакиллари марказий ҳукумат олдида қузғолон учун жавобгарликдан қутқазилуш ва унинг сиёсий йўналишини бўяш мақсадида Эшоннинг сўзларига маъмуриятни мақтовчи сўзларни киритган. Буни Эшоннинг рус тилини билмаслиги туфайли қилиш ҳеч гап эмас эди. Тергов ҳужжатларида ҳам Дукчи Эшоннинг «халқ рус ҳукумати томонидан ҳеч қандай сиқувларни кўрмади, норозиликнинг танҳо сабаби вақф ерларининг давлат қўлига утишида»², деган кўрсатмаси мавжуд. Ваҳоланки, қузғолончилар Дукчи Эшон бошчилигида кофирлар ҳукмронлигини ағдаришни англатувчи «ғазот» шиори билан ҳаракат қил-

¹ Уша жойда, фц-723, оп. 1, д. 18, л. 52.

² Уша жойда, уша бет.

ган эдилар. Бу ҳақда ҳарбий прокурор Долинскийнинг Дукчи Эшон хусусидаги қораловчи фикри ҳам далолат беради: «Дукчи Эшон улкада рус ҳукмронлигини ағда-риш мақсадида қишлоқ ва шаҳар аҳолисини қурол билан бош кутаришга отлангирди»¹.

А. Эгамназаровнинг Мусо Туркистонийнинг асари-дан олган маълумотига кура, 1898 йил 16 майда кечқу-рун бир минг киши қатнашувида кенгаш утказилиб, Дукчи Эшон халққа қарата мурожаат қилган: «Эй, муҳтарам мусулмонлар! Эй, биродарлар! Ҳаммангизга маълумки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, шариатнинг ҳукми жорий, амри нофиз эди. Ҳукуматни Оллоҳ таоло ўзи биладур, кофирларни мусаллат қилди, юртимизга урус келди. Худоёрхон урнига Кауфман, Умархон тахтига Черняев утирди. Фаргона хонлиги ери-да Масков хонлиги — оқ подшо ҳукмрон бўлди. Урус Ватанимизни истило этди, сунгра тилимизга истило қилди. Аста-секин динимизга истило қилмоққа бошла-ди. Биласизларки, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди. Уруснинг келганига 30 йил тулмай, мусулмонлар рибо-га айланди, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз буйнига бут тақадиган бўлди. Хулоса (шулки), шариатимиз хор, мусулмончилик ғариб бўлди. Хурриятимиз ғойиб бўлди, истиқлолимиз маҳв бўлди, узимиз утмас, сузимиз кесмас бўлдик.

Эй воҳ...

Оқ подшонинг номидан янги фармон келди, Нико-лайни, яъни бир уруснинг номини жума намоз хутба-сида хутбага қўшиб уқилсин, деб, ва яна кўчирма сиё-сати ила Ватанимизга мужикларни ерлашгирди, ҳар тарафни тунгиззор қилди. Кубони Федченко, Марги-лонни Горчаков, Симни Искобилиф, Бағдодни Серо-ва, Конибодомни Милников деб, ҳамма шаҳарлари-мизга бирор урус генералининг исмини тақди. Ҳар ша-ҳарда, ҳар қишлоқда бутхоналарнинг қунғироғининг жаранг-журунг овози кўпайди. Банка деган бир рибохо-на қурилди, динимизда йуқ судхўрлик, ҳаромлик ри-вож топди. Ҳамманинг ҳалқуми булғонди, ҳар шаҳарда янги шаҳар деган фисқхона қилди, фисқнинг ҳамма нави ҳозирланди. Мусулмонларни йулдан оздирди. Ак-сар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дуконлари-га, ошхоналарга, қиморхоналарга муштарий бўлди, фо-

¹ Уша жойда, 13-иш, 15-бет.

² *Мусо Туркистоний*. Улуғ Туркистон фожеаси. Мадина, 1979, 107-бет.

ҳишахоналарга урганди, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди»².

Мазкур Ватанга содиқлик туйғулари билан суғорилган сатрлар шу даражада асосли ва ёрқин равишда ифода этилганки, изоҳлашга ҳожат йўқ. Улар қузғолондан асосий мақсад Ватан ва дин озодлигини таъминлашдан иборат бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди. Уларда барчага тушунарли оддий сузлар билан Туркистон улқасининг бошига тушган миллий зулм ва, умуман, мисли кўрилмаган фожеалар уз ифодасини топган. Улқада руслаштириш сиёсатига қарши норозилик билдирилган.

«Эй, мусулмонлар!» — деб сузида давом этган Дукчи Эшон, — буларга узимиз сабаб бўлдик. Бу ҳолимизга Оллоҳ таоло ҳам рози эмас, Расул ҳам рози эмас. Бу асорат ва маҳкумиятга ҳеч ким рози эмас, инс ҳам, жинс ҳам рози эмас. Эй, биродарлар, тек тураверсак, бу кофир яна баттар қилур! Вой, бизнинг ҳолимизга!

Тарихда утган муаззам бир салтанат қургон қаҳрамон паҳлавонлар авлодимиз — бу зиллатга ҳеч қандай зируҳ чидамас. Қани, биздаги шижоат, қани, аждодларимиздаги басолат, сизларга нима бўлди? Муҳаммад динида 400 олимимиз бордир, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси турк, ҳаммасининг исми Муҳаммад. Ҳаммаси ҳанафий мазҳабдур. Бир исмда, бир мазҳабда, бир қабристонда бу қадар олимлари Туркистонни дини тақдимда, дин одамларини етиштиришда на даражада хизматлари сабақат этганлиги ўқувчилар диққатига арз ўландур. Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмагондур. Туркистонликлар ҳар қанча ифтихор этса арзийдур, баҳодур, эй, биродарлар, бизлар шундоқ аждоднинг набираларимиз»¹.

Дукчи Эшон ўзбеклар жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк Туркистоннинг фарзандлари эканликларини эслатиб ўтиш билан бирга, уларни чор ҳукуматининг ҳукмронлиги урнатилганидан сўнг ҳар жиҳатдан орқага кетганликларини ва жамиятда бузилиш содир булаётганини ўқитиб ўтган. Дукчи Эшон уз нутқини давом эттириб, яна дейдики: «Эй, мусулмонлар, эй, худонинг бандалари, эй, пайгамбар уммати! Чин мумин булсангизлар, сизларга жиҳод лозимдур, жиҳод эътиқод, Оллоҳ йулида жиҳод қиламиз, улсак шаҳид, улдирсак гозий бўламиз, жиҳод қилмагунча елкамизга минган бу рудапо урусдан қутулиш йўқ.

¹ Уша жойда, уша бет.

— Эй муминлар, кузингизни очинг! Гафлатдан бедор булинг! Кофирлардан ҳуқуқимизни олайлик!

— Эй биродарлар, ҳурриятимизни олайлик, уз Ватанимиз, уз юртимизда узимиз ҳукумат курайлик. Бунинг учун биздан ғайрат истайдур, ҳиммат истайдур, жиҳод истайдур, фийсабиллоҳ, жиҳод вақти келди»¹.

Демак, Дукчи Эшон халқ ҳуқуқларини, ҳурриятни, яъни озодлик ва мустақилликни тиклаб, миллий давлат куриш учун курашга даъват этди. Мазкур сўзлар ҳазрати Дукчи Эшон оғзидан жаранглаганда кенгашдаги халойиқ Ватан ва дин учун жонларини ҳам, молларини ҳам фидо этажақларини бир оғиздан изҳор этдилар.

Дукчи Эшоннинг киши қалбини тўлқинлантириб, она-юрт озодлиги учун курашга отлантирувчи жушқин ва жанговар сўзлари жамоа аҳлини оёққа тургизди. Чунки унинг сўзлари эзилиб ва ҳўрланиб ётган халқининг юрагидаги дардини ва фикрларини тула ифода этарди.

Дукчи Эшон ва унинг сафдошлари амалга оширилдиган ҳаракатлар хусусида айрим режаларни белгиланган эдилар. Бунга кура, бир вақтда Марғилонда Иноятхон Тура ва Ўшда Умарбек Додхоҳ бошчилигида қўзғолон кўтарилиб, ҳарбий қисмларга ҳужум қилиниши лозим эди. Дукчи Эшоннинг ўзи эса, Андижон шаҳридаги жангга бошчилик этадиган бўлди. Ниҳоят, 1898 йил 17 майда кеч соат 8 да Мингтепада Дукчи Эшон раҳбарлигида қўзғолон кўтарилиб, оломон Андижон шаҳри томон йўл олди². У оқ от минган ҳолда Қўтчи, Барғон, Қорақўрғон, Оқчи, Кулла, Чиговул, Хаканд, Работ, Дархон, Сарикўй, Кўкча сингари қишлоқларни босиб ўтди. Бу ерларда одамлар қўғолончиларга қўшилди. Улар орасида Сусамир ва Норин булисларидан келган қирғизлар ҳам бор эди³. Улар Андижон шаҳрига яқинлашганларида Марғилондан Иноятхон Тура бошчилигидаги бир гуруҳ кишилар келиб қўшилдилар. Чунки етарли даражада куч тўпланмаслиги орқасида Иноятхон Тура Марғилонда қўзғолон кўтаришга эришолмади.

Қўзғолончилар йўлда айрим зolim маҳаллий амалдорларни жазолашга ҳаракат қилдилар. Фарғона вилояти ҳарбий прокурорининг кўрсатишича, қўзғолончилар

¹ Уша жойда, уша бет.

² Ўзбекистон Марказий давлат архиви, 1-17-ф. 1-руйхат. 731137-иш, 17-бет.

³ Уша жойда, уша бет.

Кулла булиснинг қозиси Мулла Йулдошни улдириш учун уйига бостириб кирганлар, лекин у қочишга улгурган эди. Шундан кейин оломон қозининг уйини талон-тарож қилади¹.

Дукчи Эшон минг пиёда ва минг отлиқ оломон билан шаҳар ҳарбий гарнизонига ҳужум қилди. Бу ердаги жангни Андижон ҳарбий гарнизонининг бошлиғи Михайлов қуйидаги тарзда таърифлайди: «Дунг қишлоғи томонидан маҳаллий аҳолининг 1,5-2 мингга яқин оломони тула сокинлик вазиятида лагерга кириб келди. Олдинда отлиқлар, улар олдидан пиёдалар ҳаракат қилди. Улар 20-Туркистон асосий мунтазам батальони 4-ротасининг 42-взводи жангчилари эгаллаган барак ёнига келиб, дарҳол қамал қилишди. Ичкарига ҳар томондан бостириб кириб, ухлаб ётган ҳарбийларни «Ур, ур», деб калтаклаб, суя бошладилар. Маҳаллий кишиларни биринчи булиб баракнинг унғ қанотида турган дневалний, ротанингда оддий аскар Тютин курди. У бениҳоя қаттиқ овоз билан бақирди ва уша заҳоти улдирилди. Нариги қанотдаги дневалний, оддий аскар Масленников, шунингдек, 4-рота навбатчиси Жернов ва 2-рота буйича навбатчи бу ваҳима содир булишидан олдин 3-взводда лампа ёруғида китоб уқиб утирган унтер-офицер Степанов бақирганини эшитгач, бор овозлари билан: «Туринглар! Қуролланингла!» дейишди. Маҳаллий кишилар эса ҳар томондан сакраб тушиб, бир зумда бутун баракни эгаллашди. 4-рота буйича навбатчи ва дневалний уша заҳоти улдирилди, икки рота буйича навбатчи миясидан ва елкасидан бир неча калтак еб, орқага, 5-ротага қочди. Урнидан туриб қўлига қурол олишга улгурган оддий аскарлар ҳам 5-рота томонга утишга ҳаракат қилишди. Милтиқ найзаси ва қўндоғи билан ўзига йўл очган унтер-офицер Степанов 5-рота биносига кириб бақирди: «Петка, одамларни уйғот, бизникиларни сўйишяпти»². Шундан кейин бирин-кетин уйғонган солдатлар қуролланиб, қўзғолончиларга қарши жанг қилдилар. Қилич, ханжар, сўйил, болта билан қуролланган қўзғолончилар ҳимояга ўта бошладилар. Уларнинг қўлида улжага олинган туппунча ва милтиқ билан қуролланган кишилар булиб, душманга қарши уқ узиб турдилар. «Барак олдидаги майдон очилганда,— дейди Михайлов,— ҳарбийлар баракдан 15 қадам нарида турган муллани кўришди. У қўлида Қуръон ушлаб, шам ёруғида кўзини кўкка тикканича нималар-

¹ Уша жойла, и-723-ф, 1-руйхат, 19-иш, 165-бет.

² Ўзбекистон Марказий давлат архиви, и-1-ф., 4-руйхат, 94-иш, 38-бет.

нидир ўқирди. Унинг ёнида қизил ва оқ рангдаги нишон ушлаган ўнга яқин кишилар турарди. Уларнинг ҳаммаси қўлда тўппонча билан аскарларга қарши ўқ узишарди. Аскарларимиз бу кишиларнинг барчасини ўша заҳотиёқ отиб улдиришди. Маҳаллий кишилар ўлган ва ярадор бўлган шерикларини олиб, жуда тез чекинишди. Аскарларимиз патрон етишмаётганлиги сабабли уларни таъқиб қилолмадилар»¹.

Шунга ўхшаш маълумотни Н. Веселовский ҳам баён этади: «Бир маҳал сартлар (ўзбеклар) чекина бошлашди. Лекин байроқ атрофида бир тўдаси қимирламай турарди. Мулла кўк байроқ остида баланд овозда Қуръон ўқир, чекинишни истамас эди. Унинг ёнида баланд буйли йигит байроқ кутариб турарди. Шунда аскар отган ўқ муллани қўлатди. Байроқдор унинг улигини қўлтиқлаб олди, аммо у ҳам улдирилди. Аскарлар сартларни найза ва қўндоқлар билан уришди. Улар эса, ўз қуроллари ва бизнинг қуроллар билан ҳимоя қилишди, аммо муваффақият қозониша олмади»².

Шу тарзда шиддатли жанглардан сўнг солдатлар голиб келиб, қўзғолончилардан кўп киши улдирилди ва ярадор қилинди. Бундай бўлиши табиий ҳол эди. Негаки, гарнизондаги яхши қўролланган 111 кишидан иборат мунтазам қўшинга асосан болта, ханжар ва бошқа оддий нарсалар билан қўролланган оломоннинг бас келиши жуда қийин эди. Шунга қарамай, қўзғолончилар қаҳрамонона жанг қилиб, 22 солдатни улдирдилар, 24 кишини жароҳатладилар. Н. Веселовскийнинг айтишича, жанг майдонида қўзғолончилардан 15 кишининг улиги қолган. Улар кўп улик ва ярадорларни олиб кетганлар ва яширганлар.

1898 йил 19 майда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори қўшин билан Андижонга етиб келди. Шундан кейин Андижон уезди бўйлаб жазо отрядлари кезиб, қўзғолонга дахлдор кишилар калтакланди ва ҳибсга олинди. Шахсан унинг ўзи Андижон қамоқхонасида ётган қўзғолон қатнашчиларини тепкилаб ураверди, оқибатда икки киши чидай олмай ўлди ва бир неча киши қаттиқ жароҳатланди. Қўзғолоннинг таъсир доираси бутун ўлкани, айниқса, Фарғона водийсини қоплаб олди. Қўзғолонда Мингтепа, Асака, Қоратепачи, Қува, Шаҳрихон, Навқат, Оқбура, Булоқбоши, Аравон, Сегазин, Ичкилин, Езёвон, Яккатут, Когот, Сусамир, Кенгқул-

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, уша бет.

Қорагир ва Хаканд сингари Андижон, Наманган ва Уш уездларига қарашли булисларнинг аҳолиси фаол қатнашдилар¹.

Қузғолон қатнашчиларидан мингга яқин киши Андижон ва Етгисув атрофидаги тоғларда яшириндилар. Улар андижонликлар томонидан озиқ-овқат билан таъминланиб турилган².

Қузғолон қатнашчиларидан жамми 777 киши ҳибсга олиниб, тергов қилинди. Куп кишилар калтаклашлар ва қийноқларга чидолмасдан қамоқхоналарда ўлдилар. Терговдан кейин 415 киши суд қилинди, улардан 32 киши оқланди ва 380 киши ўлим жазосига ҳукм этилди. Бир киши умрбод қамоқ жазосига ва уч киши тарбиявий лагерга тортилди. Императорнинг «марҳамати» билан ўлимга маҳкум этилган 380 кишидан 18 нафари (бошқа бир маълумотга кўра 21 киши) осиб ўлдирилди. Қолган 362 киши турли жазолар билан алмаштирилди: 3 киши умрбод каторгага, 147 киши 20 йилга, 41 киши 15 йилга, 1 киши 13 йилга, 1 киши 8 йилга, 47 киши 7 йилга, 4 киши 4 йилга, 15 киши Сибирга сургун қилишга ва 3 ёш болалар тарбиявий қамоққа ҳукм этилдилар³.

Суд Қутчи, Тожик ва Қашқар қишлоқларидан туб аҳолини кучириб, уларнинг хонадонларини ер билан яқсон қилиб, урнига рус посёлкаларини бунёд этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Бундан ташқари, рус маъмурияти Мингтепа ва Андижон шаҳри оралигидаги қузғолончиларга қўшилган 29 қишлоқни йуқ қилиб ташлаш ҳақидаги масалани кутарганлар. Оқибатда Хаканд булисидagi 5 қишлоқ бузиб ташланиб, 700 хонадон йуқ қилинган.

1898 йил 12 июн куни мисли кўрилмаган ваҳшийлик ва фожса содир бўлди⁴.

Андижон шаҳрида мажбурий суратда аҳоли, жумладан болалар тупланиб, уларнинг ҳузурида Дукчи Эшон, Ғойибназар Ортиқхўжа ўғли, Субҳонқул Араббоев, Рустамбек Сотиболдиев, Мирза Ҳамдам Усмонбоев ва Бутабой Ғонбоев сингари қузғолоннинг йирик вакиллари дорга осилиб, шу ерга кўмилди ва текислаб юборилди⁵. Бу мудҳиш воқеанинг гувоҳи бўлиб турган болалар-

¹ «Красный архив». т. 3., стр. 166.

² Ўзбекистон Марказий давлат архиви. ц-19-ф., 1-руйхат, 5579-иш, 55-бет.

³ «Русский инвалид», 1898, № 127.

⁴ Бу ҳақда воқеанинг жонли гувоҳи Фозилбек Отабек ўғли ўзининг «Дукчи Эшон воқеаси» номли рисоласида ишончли маълумотларни келтирган. Улар мазкур ишнинг охирида илова сифатида берилди.

⁵ Ўзбекистон Марказий давлат архиви, ц-19-ф., 1-руйхат, 5579-иш, 88-бет.

нинг орасида қўрқувдан ҳушидан кетганлари ва дардга чалинганлари бўлди. Халқ куз ўнгида қўзғолончиларнинг кўк ва қизил байроқлари ёндирилди. Рус ҳукумати қўзғолончиларни қаттиқ жазолаш билан бирга, Тожик, Қашқар ва Қутчи қишлоқларидаги барча хонадонларни бузиб ташлаб, 680 оила Қақир деган даштга ҳайдади¹. Уларнинг ҳаммасини қириб ташлаш ёки улқадан сургун қилиш ҳақидаги таклифлар айтилган эди. Аммо императорнинг «марҳамати» билан уларга уша даштда урнашишга рухсат берилди. Шунинг учун улар урнашган жойларни Марҳамат дейиш одат тусига кириб кетди².

Тожик, Қашқар ва Қутчи қишлоқларидаги унумдор ерларда эса, Россиядан кучириб келтирилган 200 рус оиласи урнаштирилди³.

Шу тарзда қўзғолон қатнашчилари жонидан ҳам, мол-мулкидан ҳам маҳрум этилди. «Қақирга зурлаб қучирилган юзлаб кишилар, — дейди гувоҳлардан бири, — 2-3 йил мобайнида жуда куп азоб-уқубатлар ва қийинчиликларни бошдан кечирдилар. Улар гоётада машаққатли меҳнат эвазига сунъий суғориш тармоқлари, уй-жойлар ва боғларни янгидан бунёд этдилар. Эндиликда Қақир боғу бустонга айланган. Бироқ кекса кишиларга раҳминг келади. Чунки улар қадимдан отабоболари дафн этилган ва ўзлари туғилиб ўсган жойларни эзилиб юракларида сақлайдилар. Мен уларнинг юзларидаги ғам-ғуссани кўрдим, бахтсиз ва хўрланган ҳолати сезилиб турибди. Менинг саволларимга улар хўрсиниб унчалик хоҳиш билдирмай жавоб берардилар. Уларнинг ҳаммаси 732 киши, ҳар бир оилага бир десятинадан ортиқ ер вақтинчалик фойдаланиш учун берилган эди... Улар куп вақтдан буён азоб-уқубат тортаётганликларини ва наҳотки, буларнинг ниҳоясига етмаслиги ҳақида нолиб гапирдилар. Мен кекса-ёшларнинг қўлларини кўкракларига қўйиб таъзим қилганларини ва бошларидаги оқ сочлари титраётганини кўрдим»⁴.

Чор ҳукумати қўзғолон натижасида ҳалок бўлган солдатларнинг оиласи ва бошқа зиён кўрган кишиларга молиявий ёрдам ташкил қилди: уз даври учун катта

¹ ЦГВИА, ф.400, оп. 1, д. 2698, л. 13.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, уша бет.

⁴ В.П. Салыков. Марҳамат. «Ферганские областные ведомости», 1907, № 105.

маблаг ҳисобланган. 16.095 сўм хайрия пули тушланди. Бухоро хони 1600 сўм юборган эди. Бу маблағлар тегишли кишиларга тарқатилди. Ёрдам пули қўзғолон қатнашчиларининг мол-мулкани мусодара этиш ҳисобига тулдирилиб борилди.

Гарчанд қўзғолон тор-мор этилган булса-да, лекин у узбек, қирғиз ва бошқа туб аҳоли вакилларининг мустақиллик ва озодлик учун олиб борган қаҳрамонона курашларининг энг ёрқин намунаси сифатида тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилди. Унинг энг муҳим аҳамиятларидан бири шундаки, қўзғолончилар, биринчи навбатда, мустамлака сиёсати ва миллий зулмнинг посбони бўлмиш ҳарбий гарнизонни йўқ қилишни мақсад этиб қўйди. Халқ галаёнлари тарихида бундай шиддатли ва камолотга етган ҳаракат камдан-кам учрайдиган ҳолдир. Шунинг учун ҳам Андижон қўзғолони рус ҳукуматини ларзага солиб, кўп ташвишлантирган, ваҳшийларча жазолашга отлантирган.

Камина Сибир архивларида кўп йиллар мобайнида маълумотлар тушлаш билан шуғулланганман. Мана шу иш жараёнида узоқ Тоболскдаги қамоқхонада умрлари чиритилган 1898 йил қўзғолони қатнашчиларига доир айрим ҳужжатларни қўлга киритган эдим. Буларга кўра, уша қамоқхонада қуйидаги қўзғолон қатнашчилари ушлаб турилган:

1. Боев Масоли Исмойил (33 ёшда).
2. Мазнаев Султонқул уста (27 ёшда).
3. Нёъматуллаев Мулла Иззатулла (36 ёшда).
4. Полвонов Мадраим Ғозий (38 ёшда).
5. Абдуқодиров Абдусаттор (26 ёшда).
6. Тожибоев Йулдошбой (23 ёшда).
7. Тошматов Аҳмадали (23 ёшда).

Қамоқхона ҳужжатида курсатилган кишилар «За участие в бунте против правительства», яъни ҳукуматга қарши исёнда қатнашганликлари учун жазоланганлиги уқтириб утилган. Улар энг хавфли кишилар сифатида ниҳоятда қаттиқ назорат ва оғир шароитда ушлаб турилганлиги, шунингдек, маҳбусларга берилган ўлим ҳукми узоқ каторгага алмаштирилганлиги ҳам қайд этилган.

Мен Тоболскда булганимда уша қамоқхонанинг мудҳиш қиёфасини куриб азиз ватандошларимнинг озодлик учун жонларини фидо этганларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛONI

1916 йилги халқ қўзғолони шу даражада кенг куламда ва кучли булдики, унга тенг келадиган озодлик курашлари тарихда булмаган, десак хато қилмаймиз. Бу буюк қўзғолон айрим шаҳар ва ёки вилоятдагина эмас, Туркистоннинг деярли барча жойларини қамраб олади. Унда узбеклар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, уйғурлар фаол қатнашдилар. Унинг акс-садоси бутун Россия империяси буйлаб таралди.

Хуш, қўзғолонни келтириб чиқарган сабаблар нималардан иборат эди?

XX аср бошларида ҳам минтақада самодержавие, яъни зуравонлик сиёсати тула ҳукм суриб, маҳаллий халқларнинг аҳволи гоят мушкул эди. Шунинг учун ҳам Россия «халқлар турмаси» деб бежиз айтилмаган.

Рус ҳукумати ва капиталистлари Туркистон аҳолисини талаш йулида ҳеч нарсадан тоймадилар. Улар пахтадан олинадиган даромадларни ошириш учун ўлкада пахта яккаҳокимлигини зур бериб урнатишга ҳаракат қилдилар. Оқибатда пахта, ипак ва бошқа хилма-хил ноз-неъматлар Россияга тобора кўп миқдорда олиб кетилди. Рус капиталистлари Туркистонда арзон баҳода қўлга киритилган пахтадан тайёрланган газлама ва кийим-бошларни қиммат нарҳда пахтакорларнинг узига сотишни давом эттирдилар. Бу эса капиталистлар даромадларининг икки томонлама ва бир неча баробар кўпайишига олиб келди. Шўрлик деҳқон эса, бир бурда нонга зор булди. Ўлкада чоп этилган «Окраина» газетасининг 1896 йилги сонларидан бирида қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Рус саноати эҳтиёжини қондириш мақсадида пахтачиликнинг ривожлантирилиши саноат эгаларидан узга ҳеч кимга фойда келтирмади. Пахта арзон баҳода олиниб, Русияга юборилди. Шу пахтадан тайёрланган маҳсулотлар у ёқдан ўлкага келтирилиб сотилиб, катта фойда курилди. Мавжуд пахта майдонларини қисқартириб, меъёрида экиш ҳақида жўшиб гапирилди-ю, пахтани экавердилар».

Чор ҳукумати маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ ва тўловлардан катта даромад оларди. Натижада уларнинг буйнидаги қарз миқдори ошгандан ошиб борарди. Чунончи, пахтакорларнинг давлат ва хусусий банклардан 1912 йилдаги қарзлари 156 миллион 712 минг сумни ташкил этди. Шундан 80 миллион 979

минг сўм пул Фарғона вилояти пахтакорлари зиммасига тушган эди. Қарздорлик деҳқонларни бир парча еридан маҳрум қилган, хужалигини хонавайрон этган. Бир овруполик олим маҳаллий деҳқон турмуши ҳақида шундай ёзганди: «Деҳқоннинг уйи ва хужалиги шу даражада харобки, бу абгор турмушни бирон-бир жойда кўрмаганман. Рузгорларида икки-уч темир асбоб, икки-уч сопол идиш бор, холос. Уйнинг бир бурчагида йиртиқ, яғир босган бир неча кўрпа-ёстиқ пала-партиш уюлиб ётарди. Деҳқонлар чуйкаб кетган кўкрагини очиқ қолдириб, яғир яктак устидан йиртиқ чопон кийишади. Аёллар ва болалар ҳам йиртиқ кийимларда юришади. Машаққатли меҳнатдан сўнг улар куч-мадор тушлаш учун атала ёки жўхори, ё бугдой, ё арпадан гўжа тайёрлаб, қатиққа аралаштириб ичишади. Улар кўпинча уша овқатни тановул қиладилар ва мудом машаққатли меҳнат билан банддилар».

Пахтачиликнинг ривожланиши деҳқонларни мана шундай гоят ачинарли кун кечиришга мажбур қилиб қўйганди.

1914 йили бошланган Биринчи жаҳон уруши Россиядаги барча миллат ва элатларнинг бошига купдан-куп азоб-уқубатлар ва ташвишлар солди. Халқ хужалигининг издан чиқиб кетиши империяда очарчилик ва қашшоқликни гоят кучайтириб юборди. Бу ҳол айниқса Туркистон ўлкасида кўзга ташланди. Рус ҳукумати ва капиталистлари уруш кетаётганлигини рўкач қилиб, ўлка аҳолисини янада қаттиқроқ талаб, зулмни кучайтирдилар. Улар беш панжаларини оғизларига тиқиб иш юритдилар. Оғир иқтисодий вазиятга қарамай, рус ҳукумати Бухоро (Когон, Қарши, Термиз), Фарғона (Кўқон, Наманган, Андижон), Еттисув (Арис — Бурнас) темирйўлини қурди. 1916 йили Фарғона темирйўли қурилиши битказилиб, ишга туширилди. Бундан мақсад ўлканинг деҳқончилик маҳсулотлари ва табиий бойликларини Россияга янада кўп олиб кетиш эди. 1914—1916 йилларда 41 миллион пуд пахта, 3 миллион пуддан ортиқ пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гўшт, 474 минг пуд балиқ, 70 минг от, 12797 туя, 270 арава ва 1344 утов, кўп миқдорда қуруқ мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари Россияга жунатилди. 1914 йили Еттисув вилоятида 14 миллион сўмлик қорамол, 1915 йили Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан бир миллион бош қўй олиб кетилгани маълум. Ўлкада ғалла етиштириш ва чорвачилик орқага кетди. Россиядан

галла келтириш ҳам анча камайди. Оқибатда рус галласига умид боғлаб, пахта экаверган узбек деҳқони жуда кийин аҳволга тушиб қолди.

1916 йили Фаргона вилоятининг одатда оладиган галласи 12-14 миллион пудга камайди. Бугун улкада эса бундай етишмовчилик 22 миллион пудни ташкил этди. Озиқ-оқат, кийим-кечак, газлама, қурилиш материалларининг нархи кун сайин ошиб борди. Масалан, газламаларнинг нархи 300-400 фоизга, кийим-кечакларининг нархи 200-300 фоизга, қанднинг нархи 250 фоизга, пойафзалларнинг нархи 300-400 фоизга кутарилди. Фаргона водийсида илгари 50 сўм турадиган отнинг нархи 80-85 сўмга чиқди. Галла ва ноннинг нархлари ҳам ошиб кетди. Булар ҳам камдек, рус ҳукумати солиқ ва мажбуриятларни купайтирди. Ер солиғи 1914 йилдаги 6.859.021 сўмдан 1916 йили 14.311.771 сўмга етди. Бир пуд пахта толасига 2 сўм 50 тийиндан қушимча солиқ жорий этилди.

1915 йилнинг 1 январидан бошлаб туб аҳолидан ҳарбий хизмат утамаганликлари эвазига даромадларидан қушимча 21 фоиз ҳарбий солиқ олиш буюрилди. Уруш туфайли пахтанинг бозор нархи кутарилди. Бундан пахтакорлар бирмунча фойда куришлари мумкин эди. Лекин чор ҳукумати тўқимачилик саноати эгаларининг талабига қура пахта савдосини назорат остига олиб, унинг бозор баҳосини 30-31 сўмдан 24,5 сўмга туширди. Бу деҳқонларга зиён келтирган бўлса, капиталистларнинг қунтагини тулдирди. Твер тўқимачилик саноати 1913—1914 йилларда пахтанинг эски нархидан 1.893.000 сўм фойда курган бўлса, кейинги 1915—1916 йиллари у 9.931.000 сўмга чиқди. Деҳқон оммаси банклар, фирмалар, маҳаллий судхўрлардан оладиган қарзлари орқасида ҳам мушкул аҳволга тушиб қолган эдилар. Айниқса, пахтачиликнинг ривожланиши деҳқонларни янада оғир аҳволга солиб қўйди. «Пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган тадбирий чораларнинг салбий томони шу булганки, — деб ёзади бир муаллиф, — уларни тайёрлаш ва амалга оширишда халқнинг манфаатдор доиралари қатнаштирилмади. Пахтанинг асосий ишлаб чиқарувчиси деҳқонларнинг ва, умуман, пахтачиликка алоқадор бошқа кишиларнинг сўзларига аҳён-аҳёндагина қулоқ солинди, холос. Бу борада савдо-саноат доираларининг аҳволи яхши бўлиб, улар уз талабларини Қуқон биржа комитети ва Москва биржа комитети қошидаги пахта комитети орқали амалга ошириш-

лари мумкин эди. Пахтакор районлардаги деҳқонларга келганда эса, шуни айтиш керакки, улар уюлмаган оммадан ташкил топиб, уз эҳтиёжларини гапириш ва уз манфаатларини ҳимоя қилиш имконидан маҳрум эдилар. Қишлоқ ҳужалик жамиятларини эса, деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя этади, деб айтиш қийин эди, албатта. Вилоят шаҳарларида ташкил қилинган бу қишлоқ жамиятлари йирик ер эгаларини ўзига бирлаштириб, кенг деҳқон оммасидан узоқ эди. Шунинг учун ҳам улар деҳқон оммасининг манфаатларини етарли даражада акс эттира олмасди».

Биобарин, пахтакорларнинг эҳтиёж ва талабларини ҳимоя қилувчи бирорта ташкилот ёки жамият йўқ эди. Пахтакорлар юқори ва қуйи маъмурият, савдо-саноат ва маҳаллий эзувчилар доирасининг емишига айлантирилган эди. Пахтакор устидан юритилган зулм ва азобнинг чегараси йўқ эди. Одатда эрта баҳорда пахтакорлар рузғорида озиқ-овқат, кийим-кечак ва маблағга муҳтожлик ниҳоятда кучайиб, ерни ҳайдаш, уруғлик сотиб олиш ва экин ишларига ҳеч нарса қолмас эди. Айни шу пайтда банклардан пул олган фирма вакиллари пахтакор районларни кезиб, пахтакорлар билан қарзга пул бериш ҳақида шартнома тузаришди. Бу ишни амалга оширишда маҳаллий шароит ва урф-одатларни яхши билган маҳаллий маъмурият вакиллари, даллоллар, чистачи¹ ва аравакашлар воситачилик қиларишди. Ҳар бир фирма вакили биринчи навбатда вилоят ҳокимларини ва оқсоқолларини ўзига оғдиришга уринганлар. Улар бунга эришиш учун зиёфатлар берганлар, совғалар уюштирганлар. «Фирма бўлиш ҳокими ва оқсоқоли билан яхши муносабат урнатиши биланок, — дейилади бир ҳужжатда, — унинг фаолияти учун кенг йўл очиларди. Туркистонда бўлиш оқсоқоли ва ҳокими жуда ғалати шахс ҳисобланган. Одатда, оқсоқолликка бой кишилар сайланган, сайловолди харажатлари баъзида ун минглаб сўмни ташкил қилган, ваҳоланки, оқсоқолга бир йилда бериладиган маош 600 сўмга тўғри келган. Бундай бошлиқ мансабга утириши биланок сарфланган пулларни анча ошиғи билан қайтариб олган. Бу харажатларни ундиришнинг асосий оғирлиги пахтакорлар зиммасига тушган».

Шу тариқа, маҳаллий бойлар ҳам меҳнаткаш омма

¹ Чистачи пахтани деҳқонлардан сотиб олиб, чигитдан ажратиб фирмаларга сотган.

устидан қаттиқ зулм урнатган эдилар. Шунинг учун ҳам улар халқнинг нафратига учраганлар.

Оғир солиқлар, қарздорлик ва қаҳатчилик деҳқонларни ерларидан ва мол-мулкларидан маҳрум булишга олиб келган. Оқибатда мардикорлар ва чорикорлар сони купайиб кетди. Уруш баҳонаси билан ўзбеклар ва бошқа тубжой аҳоли қаттиқ таъқиб остига олинди. Бутун ўлкада вазият гоятда оғирлашди ва кескин тус олди. Бундан қаттиқ чучиган рус ҳукумати зўр бериб туб аҳолини Россияга нисбатан «содиқ» булишга чақириб, «ватанпарварлик» туйғуларини намойиш этишни талаб қилди. Давлатга қарши ҳар қандай хатти-ҳаракат дарҳол бостирилиши ҳақида маъмуриятга кўрсатма берилди.

Чор ҳукумати, капиталистлар маҳаллий ҳокимият вакилларига таянган ҳолда меҳнаткаш оммани мустамлакачилик исканжасида шу даражада сиқдиларки, бунга энди чидашнинг ҳеч иложи бўлмай қолди.

Бундай аянчли ҳолни шоир Завқий шундай таърифлаган:

Қаҳатчилик булди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда.

Улим хавфи ураб қишлоқларимизни,
Не қишлоқу жибаву авлоқларимизни.

Қирилди қанча одамлар вабодан,
Нишона қолмади меҳру вафодан.

Шундай оғир вазиятда 1916 йил 25 июнда рус императори Николай II имзоси билан «Империядаги рус булмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур булган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида» деб чиқарган фармони эълон қилинди¹. Бунга кура, Туркистон ўлкасидаги Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Етгисув, Каспийорти вилоятларидан 19 ёшдан 43 ёшгача булган кишилар мардикорликка сафарбар этилиши лозим эди. Бу фармон бутун

¹ Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник архивных документов, М., 1960. С. 25. Қўзғолон тарихи асосан маъмур тўпламдаги маълумотлар асосида ёзилди.

улка аҳолисини ларзага солди. Чунки мардикорликка асосан камбағаллар олиниши керак эди. Агар улар кетса, аёллар ва болалар боқувчисиз қолиб, ҳалок бўлишлари ҳеч гап эмасди. Шунга қарамай, чор ҳукумати вакиллари подшоҳ фармонининг дарҳол амалга оширилишини талаб қилди. Сабр косаси тулиб-тошган халқнинг қузғолон кутаришдан бошқа иложи қолмади.

Қузғолон даставвал 1916 йил 4 июлда Хужандда кутарилди. Бу ерда тупланган 6-7 минглик халқ полиция идорасини қуршаб, мардикорликка бормасликларини шовқин-сурон билан айтдилар. Халқнинг олдинги сафларида Б. Абдумадаминов, Дадабой Машарипов, Яҳёхон Қори Олимхонов ва Эшонхон Мирза Уринов сингари кишилар бориб, жасорат намуналарини кўрсатдилар. Оломон орасида аёллар ва болалар ҳам бор эди.

Полиция ва солдатларнинг отган уқларидан уч қузғолончи улдирилди ва тўрт киши ярадор қилинди. Бу тўқнашувда оломон солдатлардан қуроолларини тортиб олишга уринди.

Бу воқеадан сўнг Самарқанд вилоятининг бошқа жойларида ҳам бирин-кетин қузғолонлар кутарилди. 5 июлда шу вилоятнинг Ангор, Ургут, Сиёб, Хужааҳроп сингари қишлоқларида халқ бош кутариб, бир неча оқсоқолни калтаклаб, мардикорлик рўйхатларини йиртиб ташлади. 7 июлда Даҳбед қишлоғида қузғолон кутарилиб, булис бошқарувчисининг мирзаси Қобилов улдирилди. Унга Мулла Усмон Абдурасулов, Гадоё Абдуқодиров, Холмўмин Холмуродов, Азизқул Муродов ва Мухтор Ҳафизов сингари кишилар бошчилик қилдилар. Қузғолон қатнашчиларидан 24 киши ҳибсга олинди. 11 июлда Жумабозор қишлоғида 4 минг кишидан иборат оломон тупланиб, мардикор олинишига қарши норозилик билдирди. Уша куни Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонида кўп мингли халқ подшоҳ фармонининг бекор этилишини талаб қилди.

Сангзор булисининг Уснат қишлоғида ҳатто айрим одамлар мардикорга боришдан бош тортиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб бошқа жойларга қочдилар. Масалан, 12 июлда Довул ва Чағмой волостларидан одамлар Бухоро амирлигига утиб кетдилар.

11-12 июл кунлари Ём, Зомин ва Янгиқўрғон қишлоқларида оломон айрим оқсоқолларни улдирди ва мардикорликка бормасликларини айтди.

Халқ қузғолони айниқса Жиззах шаҳрида ниҳоятда

кучли булди. Бу ерда 13 июлда Назар Хужа, Мулла Маҳамат Раим бошчилигида халқ мардикор олиншига қарши бош кутарди. Прокурорнинг айбномасида кўрсатилишича: найза, сўйил, болта, пичоқ, қилич, қисман тўппончалар билан қуролланган ва газабланган оломон 13-17 июл кунларида шаҳар ва унинг атроф жойларида ҳарбий қисмларга, маъмурият вакилларига қарши ҳужум қилганлар. Кўп жойларда улар темирйул изларини кучирганлар, кўприк ва уйларни ёндирганлар, телефон симларини узганлар, темирйул казармаларини ва курилишларни остин-устин қилганлар. Қўзғолончилар Жиззах уездининг бошлиғи полковник Рукин, полиция штабс-капитани Зотоглов, уезд бошқармасининг таржимони Мирза Ҳамдам Зокиржонов, Жиззах шаҳрининг катта оқсоқоли Комил Жумабоев, оқсоқол Мирзаёр Худоёров ва рус аскарлари Ф. Гришенкони улдирилди.

15 июлда Каттақўрғон уездининг Чимбой ва Калқўрғон бўлимларида ҳам галаён кутарилиб, қози Тошгойиб Назаров улдирилди ва икки оқсоқол тошбурон қилинди. 18-21 йил кунлари галаёнлар Самарқанд вилоятининг Минғариқ, Гадойтипмас ва Серғош волостларида кутарилиди. 20 июлда Каттақўрғон шаҳридаги қўзғолон вақтида ҳарбийлар уқидан 5 киши улди ва кўп кишилар жароҳатланди.

Чор маъмурияти Жиззах қўзғолони қатнашчиларини ваҳшийларча жазолади. Шаҳар, кўплаб қишлоқлар ер билан яксон этилди. Шаҳар аҳолиси жазирама чулга ҳайдалди. Бу ерда кўп аёллар, болалар, кексалар мисли кўрилмаган азоб-уқубатларни бошдан кечирдилар. Ҳатто Жиззах фожеаси Петербургда Дума йиғилишида муҳокама қилинди. Дума бу масалани ва, умуман, 1916 йилги қўзғолонни бостиришда чор маъмурияти томонидан йул қўйилган шафқатсизликни текширган Дума аъзоси А.Ф. Керенский, шундай хулосага келган эди: тўб аҳолининг галаёнларини бостириш учун белгиланган жазо экспедицияси ута шафқатсизлик билан ҳаракат қилиб, фақат эркакларни эмас, балки аёллар ва болаларни ҳам қириб ташлаганлар. Уша экспедиция аҳоли турар жойларини шу даражада бузиб ва яксон этдиларки, бунақаси уруш майдонларида ҳам юз берган эмас. (Масалан, Жиззах шаҳри бутунлай яксон қилинган.) Бу ҳол қўзғолончиларнинг эсдаликлари ва халқ оғзаки ижодида ҳам ифода топган:

Тахта куприк бигдимми?
Николай подшоҳ утдимми?
Жиззах шаҳрини вайрон қилиб,
Муродига етдимми?

Ошкади, паловкади,
Томга чиқиб, дод айлади,
Намозгоҳни солдат босиб,
Жиззахни вайрон айлади.

Халқ қўзғолонлари бутун Сирдарё вилоятида ҳам аланга олди. Галаён 11 июл куни Тошкентда бошланди. Эски шаҳар полиция бошқармасига борадиган кучада хотинлар додлашиб ва у ёқдан-бу ёққа чопишиб, мардикорликка болаларини бермасликларини билдирдилар. Уларга эркаклар қўшилиб, шовқин-сурон билан бошқарма идораси томон юрдилар. Бу ерда полицмейстер Мочалов миршабларга идорага кирадиган йулларни тусишни ва ҳеч кимни қўймасликка буюрди. Бироқ 2000-3000 кишилик оломон панжараларни синдиришиб ва миршабларни тошбўрон қилишиб, бостириб кирдилар. Хотинлар «Мардикор бермаймиз!», эркаклар эса: «Бормаймиз, шу ерда уламиз!» — деб бақирдишган. Қўзғолончилардан бири миршаб Йўлдош Муҳаммад қўлидан тўп-понтчасини тортиб олади. Бошқарма идорасининг қоровули Мираҳмад Мирқўшаев маъмуриятнинг тарафини олганлиги учун оломон томонидан ўлдирилган. Халойиқ полиция бошқармасининг мирзаси Трентевнинг бошини жароҳатлаган. Тошбўрон орқасида Себзор даҳасининг маршаби Саид Исмоилжонов, Шайхонтаҳур даҳасининг миршаблари — Тилла Эшмуҳамедов ва Дониёрхўжа Исахўжаев ҳам ярадор қилинади. Аскарлардан уч киши жароҳатланади. Оломон бошқарма идорасини тошбўрон қилиб, унинг дераза ва эшикларини синдиради. Шу пайтда хотинларнинг қўзғолонга қатнашаётганлигини қоралаган Обид уста Азизхўжаев калтакланади. Бу киши шаҳар касалхонасида ўлган. Прокурор айбномасида бу ҳақда шундай дейилган: «Марҳум Обид уста Азизхўжаевнинг укаси 11 июл куни кечқурун касалхонага борганда акаси жон беришдан олдин шундай дейди: «Мен полиция бошқармасининг тагида туриб, шовқин-сурон кутариш ва тошбўрон қилиш, эркаклар турганда, хотинларга муносиб эмас, дедим. Шу ондаёқ кишилар ва хотинлар мени кучага судраб олиб чиқишди. Бу ерда кимлардири биқинимга пичоқ урди».



Тошкент қузғолонида қатнашган оналар.

Қузғолон вақтида подполковник Н.Е. Колесников бир неча мартаба оломонни тинчлантиришга ҳаракат қилади. Аммо улар қаршилик курсатишни тўхтатмайдилар.

Қузғолончилардан бири қулида қиличи билан Н.Е. Колесниковга ташланаётганда у бу кишини туппончадан отиб улдиради. Шундан кейин халойиқнинг қони қайнаб, «Ур» деган овозлар янгради. Оломон орасида Маҳмуд Мирсоатов исмли гимназия ўқувчиси «Миршабларни уринглар», деб одамларни хужумга чақирган. У гимназия кийимида бўлган. Қузғолончилардан Мирқосим Исамухамедов шериги билан телефон симини узган. Оломоннинг бошқарма идорасига бостириб кириш хавфи туғилганидан кейин Н.Е. Колесниковнинг буйруғига кўра уларга ўқ отилди. Натижада 11 киши улдирилди ва 15 киши жароҳатланди. Улганлар орасида Абдусамад Мирсоатхўжаев, Шоюнус Абдукаримов ва бошқалар бор эди. Аёллардан Рузвонбиби Аҳмаджонова улдирилди. Зухрабиби Мусамухамедова ярадор қилинди. Уста Одил Алимбоев, Охунбобо Абдулла Азизов, Мулла Олим Файзибоев, Пулат Мирибоев, Шокир Камолов, Эрназархўжа Икромбоев, Содик Қориев ва бошқа кишилар яраландилар. Бошқарма ҳовлисида юз берган фожеадан куп утмай, Тошкент шаҳар бошлиғи С.О. Кочин етиб келди. У ўзи қўрган воқеани

шундай ёзганди: «Мен полиция бошқармасига келганимда кучада, бошқарма атрофида, қисман ҳовлида эркак ва хотинлардан иборат оломонга дуч келдим. Оломон бир неча минг кишидан иборат бўлиб, уларнинг орасида ўлганлар ва ярадорлар бор эди.

...Полиция бошқармасига борадиган кучада айрим кишилар менга йиғи-сиғи аралаш нималарнидир тушунтиришга, кимларнингдир устидан шикоят қилишга уринардилар. Бу ерда эркаклар ва хотинлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳўрланган ва эзилган кўринарди.

Полиция бошқармасига кирганимда Эски шаҳар миршабларининг ҳаммаси қўлларида тўппонча ушлаб турганликларини кўрдим. Бошқарма биноси ёнида телефон сими узилиб ётибди. Идоранинг ичида гишт ва тош парчаларини, эшик ва деразаларнинг синганини кўрдим. Ҳали ҳарбий қисмлар келмаган эди. Оломоннинг тарқалишини сураб қилинган таклифлар инобатга олинмай, шовқин-сурон эшитилиб турди. Кўп утмай, уликлару ярадорларни олиш ва тиббий ёрдам кўрсатишга киришилди.

Шу пайтда бошқармага ҳарбий билим юртининг отряди ва Тошкент Янги шаҳрининг миршаблари келишди. Кейин ҳарбий қисмлар ҳам келиб, оломонни куча тарафдан ураб олди ва уларнинг тарқалишига муваффақ бўлинди. Қўзғолончилардан бир гуруҳи миршаб Миркомилнинг хонадонига ҳужум қилиш учун Бешоғоч томонга кетишган эди».

Чор ҳукумати қўзғолонни бостирганидан кейин кўп кишиларни қамаб, суд қилди. Ғалаённинг фаол қатнашчиларидан этикдўз Абдурахмон Қаяумсуфиев ва қора ишчи Мирқосим Шомухамедовни осиб ўлдиришга ҳукм чиқарилди. Ишчилардан Тожибой Юнусхўжаев, Ғулом Камолов, Йўлчи Иброҳимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, камбағал деҳқон Муродхўжа Маҳмудалихўжаев, Ёқуб Муродражаббоев ва бошқалар узок муддатли сургунга ҳукм этилди. Гарчанд Тошкент қўзғолони бостирилган бўлса-да, унинг акс-садоси бутун улка бўйлаб тарқалди. Аввало, ғалаёнлар Тошкент атрофидаги жойларда авжига чиқди. 12-14 июл кўнларида Хитойтепа, Тўйтепа, Гишткўприк, Хонобод, Пискент ва Кауфман станцияси (Зангиота)да халойиқ бош кўтариб, мардикорликка бормасликларини маълум қилдилар. 15-16 июлда Вревский станцияси атрофида ва 84-темирийўл разъездида кўпминглик оломон кучага тўпланди. 20 июлда Булат бўлисида 60 минг, Қибрайда 6

минг кишилик оломон мардикорликка қарши бош кутарди.

Қузғолон айниқса Туйтепада қизгин тус олди. Бу ерда халойиқ оқсоқолнинг уйини, идораси ва император Николайнинг суратини ёндириб ташлади. Ҳарбий отряднинг қузғолончиларга уқ узиши оқибатида 20 киши улдирилди ва ярадор қилинди.

Сирдарё вилоятига қарашли Амударё булимида (Қорақалпоғистон) ҳам қузғолонлар кутарилгани маълум.

Қузғолон Фарғона вилоятини ҳам қамраб олди. 1916 йил 9 июлда ғалаён Андижон шаҳрида Жомеъ масжиди майдонида кутарилди. Бу қузғолонга Ҳаким Оқсоқолов, А. Рузибоев, М. Абдукаримов сингари кишилар бошчилик қилдилар. Андижон уезди бошлиғи И.А. Бржезицкийнинг маълумотига кўра, 500 кишилик оломон рус ҳукуматининг сафарбарлик тўғрисидаги фармонига бўйсунмасликларини унга айтганлар. Улар уезд бошлигининг тушунтиришига қулоқ солмай, ундан фармон тўғрисидаги гапларни тўхтатиш ва мардикорликка сафарбар этмаслик ҳақида тилхат беришини қатъий равишда талаб қилдилар. Акс ҳолда, эликбошилар ва бошқа амалдорларнинг ҳаммаси улдирилиши ва уларнинг мол-мулклари талон-тарож этилишини уезд бошлиғига билдирдилар. Бу талабга рад жавоби олингач, қузғолончилар полиция ва ҳарбий отрядга қарши кетмон, тош ва таёқлар билан ташландилар. Бу тўқнашувда ҳарбий отряд томонидан уқ узилиб, қузғолончилардан 10 киши яраланган ва 3 киши улдирилган, аскар ва полициячилардан бир неча киши шикастланган.

10 июлда Олтинкул булисига қарашли Далварзин қишлоғида қузғолончилар булис бошлиғи Муллахонишбек Мулларузибеков ва унинг икки ҳамроҳини улдирдилар. Бунда қишлоқнинг бутун аҳолиси қатнашди. Жазо отряди етиб келган вақтда уларнинг ҳаммаси қишлоқни ташлаб кетгандилар.

13 июлда Андижон уездининг Майгир волостининг Чувама қишлоғида қузғолон кутарилиб, оломон қишлоқ оқсоқоли Ю. Ҳасанбоев, эликбоши Қипчоқбой ва Мулла Йўлдош Султонхўжаевни уриб улдирдилар. Улар амалдорларнинг уйларини бузиб, мол-мулкларини талаганлар.

Қишлоқ оқсоқолининг отаси К. Турақулбоевнинг курсатишича, халойиқ унинг уй-жойларини вайрон қилишдан ташқари, 200 минг сўмлик қарздорлик ҳужжатлари ва векселларни ёндириб ташлаганлар. Қузғолонга

А.Исломов, М.Қосимов, А.Ризоқулбоев, А.Алиев, Т.Турақулбоев, А.Тухтасинбоев, Т.Маманиёзов, П.Абдувалиев, И.Мадраимов, Ж.Полвонов, М.Охунов, М.Оқсоқолов, Д.Темирбоев ва К.Ризоқулбоев деган кишилар бошчилик қилганлар.

Қузғолонлар жазо отрядлари томонидан шафқатсизларча бостирилганига қарамай, тобора кенгроқ тарқалиб борган. Бу борада Чек офтобачи, Миробод ва бошқа қўшни қишлоқларда кўтарилган қузғолонларни курсатиш мумкин. 12 июлдан 13 июлга утар кечаси Чек офтобачи ва Чек Гофир қишлоқларининг 300 кишилик халқи Буваназар Ҳожиев, Ота бойвачча, Қучқор Ғозиқулов, Аҳмадали Абдуносиров, Умарали Сотиболдиев, Умархужа Фармонқулов ва Мамадҳасан Аҳмадхужаев бошчилигида оқсоқолнинг уйига бостириб кириб, уни топиб беришларини оила аъзоларидан талаб қилганлар. Бу вақтда оқсоқол ва маъмуриятнинг бошқа вакиллари Андижон шаҳрида яшириниб олгандилар. Қузғолончилар оқсоқолнинг угли ва бошқа қариндошларини боғлаб, оқсоқолни топиб беришларини, акс ҳолда, уларни улдириш ва уй-жойларини ёндиришларини айтидилар. Ҳатто қузғолончилар оқсоқолни қидириб топиш ва жазолаш мақсадида ўз вакилларини шаҳарга юборганлар. Чек офтобачи қузғолончиларининг бошлиғи атроф-жойлар билан ҳамкорликда курашни давом эттириш мақсадида Хонбоғ, Мадийёр каби қишлоқларга ўз вакили мироб Сотиболдиевни юбориб, қузғолон кўтаришга ва амалдорларни жазолашга киришади.

Қузғолон М.Масаидов, И.Саидбоев, Р.Раимбердиев бошчилигида Донқуйма қишлоғида ҳам бўлиб ўтган. Бу ерда халойиқ қишлоқ оқсоқоли М.Саримсоқовнинг хонадонига бостириб кириб, мардикорлар рўйхатини ва бошқа ҳужжатларни куйдириб, оқсоқолни топиб беришни қариндошларидан талаб қилганлар. Халқ қузғолони Миробод қишлоғида ҳам булганлиги маълум. Қузғолонга Ж.Ортиқов, Р.Шерматов, М.Ҳасанбоев деган кишилар раҳбарлик қилиб, маҳаллий маъмуриятнинг зулми ва адолатсизлигига қарши курашганлар. Маъмурият вакиллари қузғолончиларнинг жазосидан шаҳарга қочиб қутулишга эришганлар.

Норин булисида бўлиб ўтган халқ қузғолонлари ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Бу вилоятнинг Чужа номи қишлоғида Ю.Масодиқов, Х.Ҳожиев, Ш.Қорабоев, Х.Маҳмудбоев бошчилигида оломон таёқ, кетмон ва уроқ билан қуролланган ҳолда оқсоқол Каримбой угли

ва элликбоши Т.Норматбоев хонадонига хужум қилганлар. Бироқ оқсоқол ва элликбоши олдинроқ қочиб улгурган эдилар. Ҳарбий отряд тупланиб турган бир гуруҳ оломонга уқ отган ва икки кишини улдириган.

Халқ қузғолони Норин бўлисининг Хужавот қишлоғида ҳам булган эди. Бу ерда 1000 кишига яқин одам қулига тушган нарса билан қуролланиб, оқсоқолнинг уйини ураб олади. Бироқ қузғолон жазо отряди томонидан тарқатилиб, Т.Абдувоситов, Ж.Қурбошиев, М.Мадаминов, Р.Худойбердиев, И.Диёрбоев, Б.Одилбоев сингари кишилар қамоққа олинади.

Андижон уездининг Капа, Пода қишлоқлари ва Баликчи бўлисларида ҳам қузғолон кутарилиб, оқсоқол ҳамда элликбошилар оломон томонидан улдирилади. Бундай қузғолонлар Жалолқудук, Ҳаққулбод, Избоскан ва Ёрбоши волостларида ҳам булган. Жалолқудук бўлисидаги Суфи қишлоғида маҳаллий маъмурият вакилларида 5 киши қузғолончилар томонидан улдирилган. Бу ишда фаол қатнашган Мамарасулов, Ҳаманов, Суфиев ва бошқа қузғолончилар қамоққа олиниб, судга берилган. Шунга қарамай 14 июлда қузғолончилар Қорасув станциясига хужум қилганлар.

Фарғона вилоятидаги энг йирик қузғолонлардан бири 10 июлда Марғилон шаҳрида бўлиб утган эди. 20-25 минг кишидан иборат шаҳар аҳолиси Ўрда майдонида тупланиб, мардикорликка олишга қарши кутарилдилар. Қузғолончилар мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги фармонни тушунтириш ва амалга ошириш мақсадида сузламоқчи булган полицмейстер подполковник Пахотин ва маҳаллий маъмурият вакиллари гапиришга мутлақо йул қўймай, уларга хужум қилганлар. Полковник Пахотин туппончасини уқталган ҳолда зурга қочиб қутулган. Оқсоқоллар эса майдонда оломон томонидан калтак, кетмон ва тошлар билан уриб улдирилган. Қузғолон вақтида оломон томонидан 8 киши улдирилди. Шундан кейин халойиқ турли томонларга тарқаб кетди. Куп утмай қушимча ҳарбий отряд келиб, Ўрда майдони ва бошқа муҳим жойларни эгаллади. Кун давомида шаҳар буйлаб қузғолон қатнашчилари қидирилиб, улардан 63 киши қамоққа олинди.

Жиннилар қишлоғида эса қузғолончилар билан жазо отрядлари уртасида тўқнашув булади.

Езевон бўлисининг бошқа жойларида ҳам қузғолонлар бўлиб, улардан 36 киши суд жавобгарлигига тортилган. Бу қузғолонларнинг муҳим хусусияти шундаки,

унда хотинлар фаол қатнашганлар. Масалан, Ч.Мадалибоева, Ч.Бадалбоева, М.Охунова, М.Пулатхужаева, М.Умаралиева, Я.Уринбоева, М.Муҳамедова, К.Исмоилова, Х.Рузибоева, А.Норқучқорова, Х.Маъзумова, Ж.Ҳожиева, Р.Аминова, Т.Нажмиддинова, М.Холиқова, Б.Зиёева, С.Зокирова ва бошқалар шулар жумласидандир. Бироқ чор маъмурияти жамоат тазйиқидан чучиб, аёллар устидан олиб борилган терговни пировардида тўхтатган эди.

Халқ қўзғолонлари Қўқон уездининг кўп жойларида ҳам булиб утди. Қўқон шаҳрининг Аравон булисида халойиқ адолатсизлик ва зулмга қарши кўтарилиб, булис ҳокимини калтаклаб улдирган. Бу воқеанинг сабаби ҳақида Туркистон район тартибни муҳофаза қилиш булими бошлиғи М.Н. Волков уз рапортида шундай ёзган: «Қўқон шаҳрида Аравон волост ҳокими Иброҳимнинг улдирилиши унинг халққа қаттиқ зулм утказгани оқибатида содир булди. Булми ҳокими сафарбарлик ҳақидаги буйруқни олиши биланок булим мирзаси Гофир билан маслаҳатлашиб, чақириқ руйхатларига барчани киритиш ва ким пул берса, уни руйхатдан учирришга қарор қилдилар, бу унинг улдирилишига олиб келди.

Тилга олинган мирза Гофирнинг ойлик маоши 25 сўм. Бироқ, кейинги икки йил ичда Қўқон шаҳрида салкам 6 минг сўмга уй сотиб олди, узи уйланди, укасини уйлантирди, бунга 2000 сўмдан ортиқ пул сарфланди. Бундан ташқари, унинг 1000 сўм нақд пули бор. Фарғона вилоят волостлари ҳокимларининг кўпчилиги Аравон волост мирзасига ўхшаш иш юритдилар».

10 июл куни кечаси Янгиқўрган булисининг Шаҳмир қишлоғи аҳолиси М.Азизов бошчилигида оқсоқол Н.Шоюсуповнинг уйини ёндириб юборган. 8 июлда қўзғолон уезднинг Катта Аравон қишлоғида кўтарилиб, халқ элликбоши ва бошқа амалдорларнинг ҳаракатларига очиқдан-очиқ қарши чиқиб, уларни калтаклаган. Бу туполонда бир неча киши ярадор қилинган. Жазо отряди қўзғолончилардан 10 кишини қамоққа олган. Бу вақтда Қайнар булисига қарашли Найманча қишлоғида аёллар иштирокида қўзғолон кўтарилди. 9 июл куни Аравон булисининг Розийглик қишлоғидаги аҳолининг қўзғолони кескин тус олди. Маҳаллий маъмуриятнинг адолатсизлиги ва зулмидан сабр косаси тўлган оломон валост бошлиғи И. Ҳасан-

боев ва унинг ҳамроҳларини уриб улдирадидлар. Қўзғолончилардан бири ҳалок бўлган. Қўзғолонни бостириш учун етиб келган жазо отряди дарҳол халқни қуршаб 316 кишини ҳибсга олган. Бу қўзғолонда 2000 кишидан ортиқ эркак ва аёл қатнашиб, улар Аравон, Калигор, Туркман, Чамашби ва Барзанчи каби қишлоқлар аҳолисидан иборат эди. Қўзғолончиларнинг олдинги сафида К.Рузибоев, М.Аҳмадбоев, А.Тошматов, М.Олимбоев сингари кишилар борганлар. Қўзғолонда қатнашган аёллар «Ўғилларимиз ва эрларимизни минг сўм берилса ҳам мардикорликка бермаймиз», — деб хитоб қилганлар.

Бу воқеанинг эртасига Ганжиравон қишлоғи ва унинг атрофидаги жойларнинг аҳолиси биргаликда бош кутариб, 100 кишилик халқ бўлиб ҳокимининг уйига бостириб кириб, мардикорлик рўйхатини ва уй жиҳозларини ёндирганлар. Оқсоқол эса қочиб қутулган. Жазо отряди 29 кишини қамаган.

Қўзғолон тарихида Найманча қишлоғи аҳолисининг ғалаёни диққатга сазовордир. Бу ерда аёллар жасорат ва уюшқоқлик билан бош кутариб, биринчи сафларда турганлар. Натижада жазо отряди зўрлик билан аёлларни четлатиб, эркаклар билан юзма-юз бўлган. Шунда оломон орасидан отряд бошлиғига қараб тошлар отилган. Бу қўзғолон ҳам бостирилган. 11 июлдан 12 июлга утар кечаси 400-500 кишилик халқ Туда қишлоқ оқсоқоли қулидан мардикорлик рўйхатини тортиб олиб куйдирган. Бу вақтда Риштон қишлоғида ҳам М.Бобохонов, Ш.Ҳожиев, П.Йўлдошбоев каби кишилар раҳбарлигида қўзғолон кутарилади. 500-600 кишилик оломон Қўқон уезди бошлиғи К.В. Мединскийнинг тушунтиришларига қулоқ солмай, бўлиб оқсоқоли М.Жалоловга ташланиб, уни ўлдирмоқчи бўладилар. Бироқ у қутқариб қолинди. Мединский қўзғолончилардан бир неча кишини ушлаб, халқни янада ғазаблантирди. Халойиқ ҳарбий отрядни қуршаб кела бошлади. Мединский ва унинг ҳамроҳлари, шу жумладан, маҳаллий маъмурият қадам-бақадам қуролларни ўқталган ҳолда халқнинг сиқуви остида чекина бошлайди. Бу вақтда қўзғолончиларнинг бир гуруҳи Мединскийни орқа томондан ўриб олади. Шу тариқа, ҳарбий отряд ва маъмурият вакиллари кетмон, тош ва қалтаклар билан қуролланган халқ ҳалқасида қолади. Ҳарбий отряд ўт очганда қўзғолончилардан И.Мадалиев, Б.Парпиев, С.Мада-

лиев яраланганлар. Кузғолон тарқатилиб, 12 киши қамоққа олинган.

Халқ галаёнлари йирик қишлоқлар билан бир қаторда майда қишлоқларни ҳам қамраган. Бундай ҳолларда 3-4 қишлоқ биргаликда ҳаракат қилган. Масалан, Қудаш булисига қарашли Қирққетмон, Бешкалпоён ва Бешкаллабола қишлоқларидаги халқ оммасининг қузғолони шулар жумласидандир. 500-600 кишидан иборат халқ Қудаш қишлоғида тупланиб, булис оқсоқолини улдирмоқчи бўлиб қидирганлар. Элликбоши билан уғлини қалтаклаганлар. Элликбошининг уйини талаб, бузганлар. Ҳарбий отряд томонидан қузғолон қатнашчиларидан 18 киши қамалган.

Қишлоқ аҳолисининг қузғолонлари темирйул ва станциялар, телефон ва телеграф симларини хавф остига қўйган. Шунинг учун ҳам Қўқон жандармерияси бошлиғи темирйулга яқин жойда аҳоли тупланиб, Горчаков станциясини эгаллаш, телефон-телеграф орқали алоқани бузишга шайланаётганликларини Фаргона об-ласт ҳарбий губернаторига билдирганди.

Қузғолонлар бостирилган бўлса-да, лекин улар рус маъмурияти вакиллари мавқеига зарба бериб, довдира-тиб қўйди. «Кейинги кунлардаги галаёнлар, — деб ёзганди Қўқон уездининг бошлиғи Мединский, — аҳоли орасида маҳаллий маъмуриятнинг мавқеини анча пасайтириб юборди. Маҳаллий маъмурият ҳаддан ташқари асабийлашган бўлиб, ўзига ишончли йўқотмоқда. Мусулмон байрамининг биринчи кунда (18 июл) умумий қузғолон кутарилажаги тўғрисида қатъий сузлар эшитилмоқда. Хавфсизликни таъминлаш учун Қўқон шаҳар гарнизонини кучайтириш лозим». Яна, шу ҳужжатда темирйулчилар хавфсизлигини дарҳол кучайтириш лозимлиги таъкидланган.

Халқ галаёни Наманганда ҳам кенг куламда содир бўлди. 9 июлда наманганликлар мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги фармонни тан олмасликларини билдирдилар. Маъмуриятнинг қузғолонни тарқатиб юборишга қаратилган ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермади. Аксинча, халқ оммасининг ҳаракати тобора кучайиб борди. Шундан кейин пулемётлар билан қуролланган ҳарбий рота келтирилиб, халқни қўрқитиш чораси кўрилди. Бироқ қузғолончилар рўйхатларнинг берилишини қатъий туриб талаб қилдилар. Шу тарзда эрталабдан то соат 11 гача шаҳар майдонида қузғолончилар ҳарбий рота билан рупара туравердилар. Шу вақт-

да оломон орасидан «Ур» деган сузлар янграб, халқ ротага ташланди. Солдатлар пулемётлардан уқ узиб, қузғолончилардан 12 кишини улдирдилар, 38 кишини яраладилар.

Наманган уезди бошлиғи П.Р. Крашковнинг кўрса-тишича, ярадор бўлган қузғолончилар уларга «Бу ҳеч нарса эмас, барибир, ўз мақсадимизни амалга ошира-миз!» — деб хитоб қилганлар. Қузғолон вақтида катта ва кичик оқсоқоллар, полиция, умуман, маъмурият ва-килларининг ҳаммаси улдирилажаги ҳақидаги хитоб-лар эшитилиб турган. Қонли қузғолонлардан кейин улар тарқатилиб, исён қатнашчиларидан М.Бойжонов, А.Розикбоев, Б.Мирзаев, И.Халфасв, жами 19 киши қамоққа олинган.

12 июлда уезднинг Уйчи қишлоғида қузғолон кута-рилган. Қузғолончилар Умурзоқ Бобожонов ва Аҳада-ли Хаманбойҳожиев бошчилигида элликбошини уриб улдирганлар. Бу ҳаракатда М.Қаюмов, А.Мухторов, М.Абдурахимов, М.Абдукаримов фаол қатнашдилар. Бу кишиларнинг ҳаммаси қамалди.

12 июлда Олмос қишлоғида эркак ва аёллар бирга-ликда бош кутариб, маҳаллий маъмуриятнинг адолат-сизлиги ва қийноқларига қарши курашдилар. Улар қиш-лоқ оқсоқоли М.Абдурахимов ва ёнидаги ҳамроҳлари-ни калтакладилар. Бу хилдаги ҳаракат Жарқурғон қиш-лоғида авжига чиқди. 21 июлда бу қишлоқда 1000 га яқин одам тўпланиб, маҳаллий маъмурият йиғилган болохонали уйни қуршаб, рўйхатларни беришни талаб қилдилар. Қишлоқ оқсоқоли Тожибой рўйхатларни халқ уртасига ташлашга мажбур бўлди. Бу ҳужжатлар дарҳол йўқ қилинди. Бироқ қузғолончилар бу билан қаноат-ланмай, болохонага бостириб кириб, волост бошлиғи-ни пастга улоқтирганлар. Халқ оқсоқолни калтаклаб улдирди. Шундан кейин оломон унинг уйига бориб, хонавайрон қилиб ташлади. Қузғолон кеч соат 6 гача давом этди. Қузғолонни уюштиришда М.Миркаримбоев, А.Хўжаев, М.Маматқулов, А.Юсупов, И.Ҳожиев, М.Хў-жамбердиев, М.Нурматов, Н.Бердибоев, Н.Ҳожиев, А.Умарбоев, М.Назаров, П.Назарбоев, Ю.С.Айитбоев, М.Райимбоев сингари кишилар жонбозлик кўрсатган-лар.

Уезднинг Пишқурғон, Уйчи, Хўжаобод, Уйғур, Тошқурғон ва Барзанчи қишлоқларида аҳоли бош ку-тариб, амалдорларнинг уйларига ҳужум қилган ва рўйхатларни ёндирган. Уйчи қишлоғида 500 кишилик

халқ элликбошини улдирган. 24 июлда уезднинг Чан-довул қишлоғида катта қузғолон булди. Минг кишига яқин халқ маъмуриятнинг сафарбарлик ҳақидаги тушунтиришларига қулоқ солмай, норозилик билдирди. Улар волост идорасига бостириб кириб, бузиб ташлаганлар. Қузғолончилар полиция ва унинг бошлигини тутиб, руйхатларни тортиб олганлар. А.Дадабоев, М.Ҳожиев, Т.Қаландаров, М.Усмонқулиев, М.Содиқбоев, М.Солиҳов, А.Устақулиев, А.Нормухамедов, Д.Ашурматов, А.Абдурахмонов, М.Каримбоев, Р.Раззоқов, М.Мирсаидов, Т.Қиличбоев, У.Содиқов, А.Шоюсупов, Х.Урозкулов каби 50 нафар фаол қузғолончи судга берилди.

15 июлда уезднинг Чодак қишлоғида кутарилган қузғолон ҳам қизгин тус олган. Купсонли оломон булис ҳокими Мулла Қози Худойбердиевнинг уйига бостириб кириб, уни тепкилаган. Кетмон, таёқ, тош ва болталар билан қуролланган халқ Ш.Тоирбоев, М.Каримов, М.Ашурматов, М.Маратжонов ва бошқа маъмурларни ҳам калтаклаган. Қузғолончилар орасида айрим кишиларда туппонча булган. Қузғолончилар М.Аминовнинг уйи ва боғини хонавайрон қилиб ташлаганлар. Оқсоқолнинг 15 минг сўм пули ва 10 минг сўмлик қарздорлик ҳужжатлари ҳамда 10 минг сўмлик уй жиҳозлари, асбоб ва моллари йуқ қилинган. Оқсоқолнинг узи Уш шаҳрига қочиб қутулган.

Қузғолон қатнашчиларидан 90 киши қамоққа олинди. Ж.Каримбоев, А.Абдураимов, Н.Шодибоев, Ю.Машарипов, Н.Ҳожиев, Ю.Амирматов, С.Полвонов, Б.Қориев, А.Қориев, А.Хужаев, С.Назаров, Н.Жалолов, И.Мухамедов, М.Мадиев, Ш.Тошбоев, А.Жалилов, Н.Насибоев, С.Дониев, И.Устарузиев, Р.Мирзабоев шулар жумласидандир.

17 июлда Юқори Ашт қишлоғи аҳолиси қузғалиб, булис бошлигининг уйини вайрон қилиб, ёндириб юборган ҳамда ўзини уриб улдирган.

Бу воқеада Б.Саримсоқов, Т.Матқулов, М.Мансуров, М.Муминов, А.Шоазизов, Х.Холов, И.Нёмагуллаев, А.Абдуқодиров, И.Мирзаматов, Ф.Ҳамдамов, К.Фозилов ва бошқалар, жамъи 27 киши, катта жасорат курсатган. 25 июл куни халқ оммаси Уйчи булисига қарашли Ёрқурғон қишлоғида қузғолон кутарган. Бу ерда халқ оқсоқоллардан руйхатларни беришни талаб қилиб, уларни тош билан урганлар. Бу воқеадан сунг Т.Холиқов, Б.Мирзабоев, А.Ҳасанбоев, А.Толипов,

Ш.Устабоев, У.Муминов, У.Йулдошбоев, А.Отабоев сингари 20 дан ортиқ киши қамоққа олинган.

Қуйи Ашт қишлоғидаги қўзғолон ҳам анча кучли бўлган. Қўзғолончилар 17 июлда болта, пичоқ, таёқ ва тошлар билан булис бошлиғи Муҳаммад Солиҳ Алим-бобоевнинг идорасини бузиб ташлаб, қаршилик кўрсатган расмий кишиларни улдирганлар. Шундан кейин унинг уйини хонавайрон қилиб, мол-мулкларини ёндирганлар. Шу билан бирга, унинг тоғаси У.Адинбоев калтакланиб, замбилда майдонга олиб борилган. Бу ерда у оломон томонидан улдирилган. Қўзғолончилар бу билан чегараланмай, бошлиққа тегишли дуконларни ҳам бузиб ташлайдилар. Ҳаммаси бўлиб бошлиқнинг 50 минг сўмликдан ортиқ мол-мулкни талаганлар. Қўзғолон давомида К.Хужаев, Ш.Турсунбоев, А.Ҳамдамов, К.Мирзабоев, Н.Полвонов, Б.Хужаев, А.Муллажонов, И.Назаров, М.Мардонов, И.Абдураҳмонов, М.Ҳожиев, П.Аминов сингари кўплаб оловқалблар олдинги сафда курашдилар. Қўзғолонда аёллар ҳам эркакларга мадаккор бўлганлар. Қўзғолончилардан Улугбиби Тошматова, Нуринисо Турсунова, Ҳамробиви Аминова сингари жасоратли аёллар амалдорларни ўлдиришда ва уларнинг уйларини бузишда бевосита қатнашганликлари учун қамоққа олиниб, судга берилган. Бу қаҳрамон аёллар билан бир қаторда қўзғолонга аралашган Тошбиби Муҳаммадсафоева, Барнобегим Бурибоева, Ҳожибиви Носирова, Рухсорабегим Шаҳерова, Иродабиби Мадазимова, Самарбону Шербоева, Тухтанисо Шоюсупова, Шамсинисо Муҳаммаджонғозиева, Бибисаодат Шарипова, Анишбону Мадалиева исмли аёллар қамоққа олиниб, тергов қилинганлар.

Рус ҳукумати улкада қўзғолонларни бостириш учун 14 батальон, 33 казак ҳарбий қисми, 42 туп ва 69 пулемет жўнатди. Жазо отрядлари ниҳоятда шафқатсизлик билан ҳаракат қилдилар. Бу ҳақда генерал-губернатор А.Куропаткиннинг рус императорига ёзган рапортида шундай дейилади: «Сиз, император олий ҳазратлари ва барчага муқаддас ватан ҳисобланган буюк Россия олдида уз содиқлигини унутганлиги, жинойий ишлар қилганлиги учун Туркистон аҳолиси қаттиқ жазоланади».

Қўзғолон қатнашчиларидан уч мингдан ортиқ киши судга берилиб, улардан 347 таси осиб ўлдиришга ҳукм қилинган. Бироқ, вазиятни янада кескинлаштирмастик учун 51 киши қатл этилиб, қолганларига ўлим

жазоси сургун ва қамоқ билан алмаштирилди. Юзлаб одамлар турли муддатлар билан қамоққа ҳукм қилинди. Айрим шаҳар ва қишлоқлар бутунлай вайрон этилди. Куплаб уйлар таланди ва куйдирилди. Айниқса, Жиззах қўзғолончиларига нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлдилар. Бу ҳақда қўзғолон қатнашчиларининг хотиралари орқали тула тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Жиззах ғалаёни иштирокчиси Тура Норбой шундай дейди: «Жазо отрядлари тоғда қочиб юриб, оч қолиб, қишлоқдан овқат олиб келиш учун тушган Мавлон Айтматовни ушладилар. У билан яна, 7 кишини ушлаб, дарахтларга боғладилар. Ун кунгача ҳар куни бир бор калтаклаб, охирида улдириб кетдилар».

Қўзғолон қатнашчиларидан Муқим Урдушев Тошкентга қочиб, сўнгра Жиззахга қайтиб, курганларини қуйидагича сузлаган: «Тошкентдан Жиззахга келдим. Кечаси станцияга етиб, намоз вақтида шаҳарга тушиб кетдим. Йўлда кўп солдатларни кўрдим. Уларнинг ёнида халқдан тортиб олинган қимматли рўзғор ашёлари тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Солдатлар қимматли ипак сузаналар, атлас ва шоҳи кўрпаларни отларига ёпиб қўйибдилар. Ипак газламалар, шоҳи кўрпаларни тупроққа ёзиб, устида ағанаб ётибдилар. Ҳовлига чиқсалар ҳам шоҳи ва атлас кўрпаларни ёпиниб чиқмоқдалар. Бу ерда халқдан талаб олинган мингларча от-моллар ва қўйлар турибди. Оёқ остида босилиб ётган қимматли нарсаларни кўриб, жуда раҳмим келди. Эски шаҳар йўлидан келаётганимда Янги шаҳарга қараб қатор-қатор кетаётган хотин-кизларни кўрдим. Улар мендан «Солдатлар талаб кетган нарсаларни қайтариб бераётган эмиш, деб эшитдик, шу тўғрими», деб сўрадилар. Мен буни кўрмаганлигимни айтдим. Эски шаҳарга тушсам, энг яхши бинолар, маҳаллалар, шаҳар кўчаларидаги тимлар, дуконлар, ошхоналар ва чойхоналар қўйиб, ер билан тепа-текис бўлган. У ерда бойўғли сайрамоқда. Халқ оч ва яланғоч, жуда оғир аҳволда. Бу аҳволни кўриб, кўп ачиндим».

«Бир куни, — дейди қўзғолон иштирокчиси Мамашариф Хусаинов, — шаҳар атрофини солдатлар ураб, ҳар ҳовлига беш-олтитадан бўлиб киравердилар. Одамларни уриб-сўкиб, уйларидан қувиб чиқдилар. Бешикдаги болаларни ечиб олишга қўймадилар. Халқни бозор майдонига тўплаб, ёш ва жинсларига қараб, тудаларга ажратдилар. Атрофларига тўп ва пулемётлар ўр-

натдилар. Солдатлар баъзи одамларнинг қулоқларидан бураб, туп оғзига олиб бориб, кейин қуйиб юбордилар. Баъзилари одамларга қараб, милтиқларини шарқшурқ қилиб қўрқитардилар. Одамлар орасида оқпошшо Жиззах халқини отиб юборди, энди ҳаммамизни отар экан, деган гап тарқалди. Халқни ваҳима босди. Хотинлар ва болалар йиглади. Солдатлар уларни милтиқ қўндоғи билан урдилар. Бир вақтда Янги шаҳардан бир отлиқ аскар чопиб келиб: «Сиз маккор Жиззах халқи подшоҳи аъзамнинг олий фармониغا итоат қилмаганликларингиз учун подшоҳи аъзам сизларни отува буюрган эди. Генерал-губернатор Куропаткин сизларнинг гуноҳларингизни оқ подшодан тилаб олдилар. Сизлар энди бу шаҳарда яшашдан маҳрум бўлдингиз. Сизларни шаҳардан 25 километр нарига сургун қиламиз», — деди. Солдатлар, мингбоши ва полициячилар халқни уч томонга булиб ҳайдадилар. Кун бениҳоя иссиқ, ҳамма ёқни чанг-тузон қоплаган, Эски шаҳарга келадиган сув Янги шаҳардан бўғиб қўйилганлиги учун ҳеч жойда сув йўқ. Бизларни солдатлар югуртирди. Бир ерда тўхтатиб, ҳамманинг ёнини кавлаб, бор пулларини қоқиб олди. Яна югуртирди. Чополмай йиқилганларни милтиқ қўндоқлари билан урдилар. У вақтдаги дод-вой оламини тутар эди. Ёш болалар сувсизликдан юраги қуйиб, ўлиб қолаверди. Ҳомиладор хотинлар туғиб ётибди, солдатлар уларга қарашга йўл бермайди. Солдатлар югуришдан бош тортганларни отдилар. Югуриб кетаётган халқни яна тўхтатиб, қўлларидаги узукларни, қулоқларидаги сирғаларни юлиб олдилар. Шу равишда чўлга етиб боргунча неча жойда текшириб, яхши кийимларигача ечинтириб олдилар. Бизларни шундай азоб-уқубатлар билан шом пайтида Қили чулига олиб бориб, ташлаб қайтдилар. Одамларда овқат ҳам, курпа-ёстиқ ҳам йўқ, ҳамма оч ва сувсиз қолди. Кечаси биз қишлоқларга бориб, овқат олиб келиб, ҳаммага оз-оз улашиб турдик. Бир туп одамлар оч қолиб, касалликдан улдилар. 10 кундан кейин бизга шаҳарга келишга рухсат берилди».

Бу сатрларда асосан қўзғолончиларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғлари чеккан азоб-уқубатлар ҳақида фикр юритилаётир. Қўзғолончиларнинг узларига нисбатан қўлланган жазолар бундан ҳам қаттиқ булган. Бу ҳақда уз кузи билан курганларини Коршунова исмли рус аёли қуйидагича баён қилади: «Тошкент қамоқхонаси ҳовлисида очликдан улган фарғоналикларнинг мур-

даларини қўлаб араваларга солиб қўйилганлигини кўрдик. Сунгра маҳбуслар жойлаштирилган қамокхона ер-туласига тушдик. Бу ерда одамлар шу даражада зич ва қалашиб ётардиларки, оёқ босишга жой топиш жуда қийин бўлди. Бизни эркаклар ва аёлларнинг кир босган, ориқ ва заъфарон юзлари, аёлларнинг ёйилиб ётган сочлари, қўрқув ва шу билан бирга нафрат билан боқувчи кўзлари ҳаяжонга солди. Ёши улғайган бир аёл менинг оёғимни ушлаб олиб, ёш ва ғамга тулган қора кўзлари билан боқиб, нималарнидир гапирди. Бироқ мен тил билмаганлигим туфайли унинг ҳунграб йиғлаган ҳолда айтган сузларини тушунмадим. Мен эски чопонидан бир парча пахтани юлиб олиб чайнаётган бир новча кишини кўрдим. Баъзи одамларнинг уз қўлларини кемираётганларини кўрдим. Маҳбусларнинг қўпчилигининг нафас олишлари сезилмас, афтидан, улар жон бериш даражасида эдилар, маҳбуслар орасида эс-ҳушларини йўқотганлари ҳам бор эди».

Рус маъмурияти эркаклар орасига аёлларни жойлаштириб, тарихда мисли қўрилмаган адолатсизликка қўл урган, ута шафқатсизлик қилган. Қаранг, мустамлакачилар нақадар ёвуз бўлганлар.

Жиззахда қўзғолон кўтарилганлиги рукач этилиб, 2000 гектар унумдор ер Рус давлати фойдасига мусодара қилинди. Шу тарзда деҳқонлар ҳаётнинг асосий манбаи — ердан маҳрум этилди. Қўзғолон ташаббусчилари эса осиб улдирилди. Генерал-губернатор Куропаткин қўрилган жазо чораларининг келажак учун ҳам фойда келтиришини рапортида шундай таърифлаган: «Туб аҳоли шуни яхши билсинки, рус қони тўкилган тақдирда айбдорларнинг осиб улдирилиши билан бирга, уларнинг ерлари Андижон (Дукчи Эшон. — Ҳ.З.) қўзғолони иштирокчиларига нисбатан қилинганидек тортиб олинади. Бу ҳар бир галаёндан кейин қатъий равишда қўлланилаётган тартиб туб аҳолини рус ҳукуматига қарши қурол кўтармасликка мажбур этиши лозим».

Маҳаллий юқори табақа орасида дилида рус ҳукумати ва мардикор олишга қарши бўлган кишилар ҳам йўқ эмас эди. Улар ўз мақсадларини ошкор қилишдан чўчиб, пинҳон равишда иш юритдилар. Масалан, Андижон шаҳридаги энг йирик миллионер Миркомил Мирмўминбоев Қўқон ва Марғилон шаҳарларининг мингбошиларига қўйидаги мазмунда хат юборди: «Шаҳрингиздаги аҳоли ва бойларга мардикорликка қарши чиқишларини айтинг. Россиянинг аҳволи жуда танг, шу-

нинг учун ҳеч нарсадан қурқманглар. Ҳаммангиз бир ёқадан бош чиқариб иш юритсангизлар, мардикор олинишига қарши қўзғолон кутарилиши осон. Ҳозирги вазиятда ҳукумат амалдорларига пул булса бас, ҳамма ишни битирадилар. Мана, мен халойиқни қўзғолонга ундаш ҳаракатим билиниб, текширув утказилганида 150 минг сўм бериб, узимни сақлаб қолдим. Шу боисдан сизлар ҳам хавотирланмай ҳаракат қилаверинглар».

Миркомил Мирмуминбоев бундай хатларни бошқа жойларга ҳам юборганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бироқ юқори табақа вакиллари қурқоқлик ва лоқайдлик қилиб, қулай фурсатдан фойдалана олмадилар. Ҳатто миллий буржуазия ва зиёлилар заиф булганликлари учун узларини утга уришдан чўчидилар. Натижада халқ галаёнларига бошчилик қилувчи куч топилмади. Халқ тош, гишт парчаси, таёқ, болта, темир-терсак ва бошқа оддий нарсалар билан қуролланиб, милтиқ, тўппонча, қилич, пулемёт ва тўплар билан қуролланган империя қўшинларига қарши узлари билганича ва тарқоқ ҳолда кураш олиб борди. Жазо отрядларининг ваҳшийлиги улкада жуда хавfli вазиятни юзага келтирди. Бундан ваҳимага тушган маҳаллий юқори табақа ва зиёлиларнинг айрим вакиллари вазиятни юмшатиш, тинчликни таъминлаш ҳамда қирғин-баротларни тўхтатиш мақсадида мардикор олишга қаратилган фармонни амалга оширишга яқиндан ердам беришга аҳд қилдилар. Ҳатто улар «авом халқ» қўзғолон кутарганликлари учун чор маъмуриятидан кечиритишни сурадилар. Ўзбек тилида чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида рус императорини кўкларга кутарувчи ва мардикорликка бориш ҳар бир кишининг ватан олдидаги бурчи эканлиги ҳақида шеър у мақолалар босилди.

Маҳаллий маъмурият, миллий буржуазия ва зиёлилар бошчилигида «маҳаллий ердам комитетлари» тузилди. Улар мардикорларни тўплаш ва жўнатишга кумаклашиш билан бирга, жамоадан уларнинг эҳтиёжи учун маблағ тўпладилар.

Қаҳатчиликдан ва жазо отрядларининг қирғинларидан ниҳоятда толиққан халқнинг қайта қўзғолон кутаришга ҳоли қолмади. Қулай фурсатлардан фойдаланган рус ҳукумати эса император фармонини амалга оширишга қатъий равишда киришди.

Ўзбек халқи кутарган қўзғолон занжир ҳалқалари каби қардош халқлар галаёнлари билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Чунончи, Қозоғистонда Еттисув ви-

лоятига қарашли Жаркент уездининг аҳолиси мардикорликка боришдан бош тортиб, 1916 йилнинг 11 июлида булис бошлиги ва маъмуриятнинг бошқа вакиллари хибсга олган. Сунгра маҳкама идорасига бостириб кириб, мардикорлик рўйхатларини йўқ қилиб ташлаганлар. Уша қуни Олжоқ булисида халқ: «Шу ерда, ўз еримизда уламиз, лекин ҳеч кимни бошқа юртларга юбормайсиз», — деб шовқин-сурон кутарган. Бундан ташқари, бир овулнинг қозиси ҳукумат вакилига қарата: «Фақат биз эмас, балки Тошкентдан то Семипалатинсккача бўлган жойларда яшаётган барча мусулмонлар мардикорликка одам бермайдилар. Сизнинг фикрингизча, мусулмонлар қўй қушхонага ўзи боргани каби мардикорликка кетаверадиларми, йўқ, асло бундай бўлмайди», — деган.

Верний (Олмаота) шаҳар полицмейстерининг рапортига кўра, 11 булис аҳолиси тўпланиб, мардикор сафарбарлигига қарши норозилик билдириш учун шаҳарга келмоқчи бўлган. Одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб чуллардан тоғларга қочиб кетганлар. 8 июлда Жаркент уезидан Карам қишлоғи оқсоқолининг уйига аҳоли бостириб кириб, остин-устин қилиб юборган. Унинг узини эса осганлар. 11 июлда Норин-Чорин мавзисида 100 кишилик оломон мардикорликка сафарбар этиш ишлари билан машғул бўлган барча амалдорларни қириб ташлашларини билдирдилар ва рўйхатларни ёндириб ташладилар.

6 августда Верний уездига қарашли Самси бекатида қозоқлар қўлларида қурол билан қўзғолон кутардилар. Кишилар очиқдан-очиқ галаён кутаришдан ташқари, гуруҳ-гуруҳ бўлиб Хитой томонга утиб кетганлар. Бундай воқеалар Лепсин, Жаркент ва Пржевалск уездларида ҳам содир бўлган эди. Июл ойининг охирида Қизилбўрк булисининг Жомбек мавзеида қозоқ аёллари ва отлиқ эркаклар мардикорлик рўйхатини тузаётганларга ташланиб, улардан бир нечасини ўлдирганлар. Верний уездига қарашли Жоилмашев булиси аҳолиси мардикорликка бормаслик ва қуролли қўзғолон кутаришга қарор қилишган. Натижада халқ билан ҳарбий отряд уртасида туқнашувлар рўй берган.

Қўзғолон Семипалатинск вилоятида ҳам кутарилди. Уст-Каменогорск уездида қозоқлар ҳарбий отрядга ҳужум қилганлар. Бу олишувларда қўзғолончилардан бир неча киши ўлдирилган ва яраланган. Бундай воқеалар Семипалатинск уездида ҳам содир бўлган. Кукчатовда

халқ ва ҳарбий қисмлар уртасидаги жангда қўзғолончилардан 20 киши ҳалок бўлган. Зайсан уездида қўзғолончилар чор аскарларига ташланиб, улардан бир неча кишини улдирганлар.

Шуни диққатга сазоворки, айрим рус кишилари қозоқларнинг мардикорликка қарши курашларини қўллаб-қувватлаганлар. Масалан, деҳқонлар уюшмаси қуролтойининг раҳбари Селезнев ташаббуси билан қозоқлар Россия императори номига норозилик хати ёзганлар. Бу мактубни Селезнев ўз қўли билан битган. У маъмурият вакиллари ва халойиқ ҳузурида қозоқларнинг мардикорликка олинишига қарши эканлигини очикдан-очик изҳор қилган. Вилоятнинг Қозон-Богорд посёлкасида яшовчи Иван Долматов ва Дормидан Федосов деган кишилар қозоқларни мардикорликка боришдан бош тортишга чақирган.

Халқ ғалаёнлари Оқмулла вилоятида ҳам кучайди. Айниқса, Отбосарда қўзғолонлар қизгин тус олди. 16 июлда пичоқ, таёқ ва бошқа нарсалар билан қуролланган кўпмингсонли оломон маъмурият вакилларига ҳужум қилиб, уларнинг қурол-аслаҳаларини тортиб олган. Улар маъмурий биноларни бузиб ташлаганлар, мол-мулкларни талаб, мардикорлик рўйхатларини ёндиришган. Оломон орасидан «Амалдорларнинг барчасини сўямиз», деган овозлар эшитилиб турган. Халқ Петропавловск уездидаги Қоратов булисидан бошлигини ушлаб, маҳкама идорасини остин-устин қилиб, у ердаги пулларни олишган. 19 июлда Қорабулоқ булисига қарашли Қизил-Қорасув мавзеида аҳоли приставни тутиб калтаклаган. Улар мардикорликка бормасликларини, ҳарбий қисмларга бугдой ва сули ташиш учун от-арава бермасликларини айтганлар. Қўзғолонлар Қозоғистоннинг Урол вилоятида ҳам рўй бериб, амалдорлар ва идораларга ҳужум уюштирилган. Бундай ғалаёнлар Турғай вилоятида ҳам аланга олиб, у ерга бошқа жойлардан ҳам қўзғолончилар етиб келиб, биргаликда ҳаракат қилишган. Минглаб кишилар Турғай шаҳрини салкам бир ой мобайнида қамалда тутган. Мана шу давр давомидаги туқнашувларда қўзғолончилардан 300 киши ҳалок бўлган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Қозоғистондаги қўзғолонларда конларда ишловчи ишчилар ҳам қатнашганлар.

Қўзғолон даврида халқ орасида Алибой Жонгелдиев, Омонгелди Имонов, Саидқули Мендишев, Абдураҳмон



Қузғолон иштирокчиларининг осиб улдирилиши.

Аишев, Мингбоев, Олжон Мағажонов, Боймен Олмонов, Сакен Сайфуллин, Турор Рисқулов, Бекпұлат Ошқашев, Сиет Ниезбеков сингари йулбошчилар етишиб чиқди.

Халқ қузғолонлари бутун Қирғизистон буйлаб кутарилди. 1916 йил 11 июлда Кепин волостида қузғолончилар маъмуриятдан мардикорлик руйхатларини беришни талаб қилдилар. Булис бошлиғи бу талабни бажаришдан бош тортганлиги учун уриб улдирилди. Қузғолончилар руйхатларни ендириб ташладилар. Аммо ҳарбий отрядлар етиб келиб, ғалаённи бостириб, 120 кишини қамоққа олганлар. 12 июлда қузғолончилар Қирғизқурғон булиси оқсоқолининг хонадонига ут қуйиб, мол-мулкени талаганлар. Кейинги кунларда ғалаёнлар Чиндовул овулида содир булган, маъмурият вакиллари эса қочиб қутулганлар.

Бундай халқ ҳаракатлари Қизилжар, Оқйул, Кетмонтепа, Чотқол, Туғузтаро ва бошқа жойларда ҳам кутарилди. Бу қузғолонларнинг юзага келишида таниқли оқин Тухтағул Сотилганов жонбозлик курсатиб, аҳолини чоризмга қарши курашга отлантирган. Қузғолонлар Уш уездининг Хужабод, Булоқбоши, Ажир, Ёсин, Олой, Навқат, Қуршоб ва бошқа булисларида кенг қулоч ёйди. Айниқса, Уш шаҳридаги узбекларнинг ға-

лаёнлари кучли тарзда кечди. Бу ерда ун минг кишилик халқ шовқин-сурон кутариб, Сулаймон тоғи ёнига келишиб, мардикорликка бормасликларини билдирганлар. Узганд узбеклари ҳам галаён кутарган эдилар.

Шимолий Қирғизистон ерлари қузғолонлардан четда қолмади. Аввал одамлар тупланиб, императорнинг мардикорликка сафарбар қилиш ҳақидаги фармонини тан олмасликларини баён этганлар. Чунончи, 11-13 июлда Пишпақда нуфузли кишиларнинг йиғилиши булиб, одамларни мардикорликка юбормасликка қарор берилди. Жумхал, Қоракечин, Жувонариқ, Бурунчин, Ниёзбек, Жуманбой, Жонибек каби волостлар аҳолиси мардикорликка бормасликка ва зарур булса, қулга қурол олиб, курашишга аҳд қилди. Асси деган жойда қузғолончилар ва ҳарбий қисмлар ўртасида тўқнашувлар булиб, ҳар икки томондан кишилар ўлиб, ярадор булганлар. 7 августда Пишпақ аҳолиси «Биз чор маъмурияти зулмига бошқа чидай олмаймиз», «Золимлар бизнинг еримиз ва чорваларимизни тортиб олдилар», деб хитоб қилганлар. Қузғолончилар ашаддий мустамлака вакилларини калтаклаб ўлдирганлар. Дарҳақиқат, чор ҳукумати қирғизларнинг ерларини тортиб олиб, уларни Россиядан келувчиларга булиб берган эдилар. Бу ҳақда Еттисув вилояти губернатори И.А. Алексеев шундай ёзган: «Қирғиз галаёнларининг асосий сабаблари кейинги ун йил давомида уларга тегишли 200 минг десятина ернинг давлат ихтиёрига олиниши бўлди. Урмонли майдонларнинг тортиб олиниши ҳам ёмон оқибатларга олиб келди. Натижада қирғизлар мол боқишда яйлов танқислигидан анча қийналиб қолдилар. Пишпақ ва Пржевалскда Россиядан келган 40 минг хужаликнинг урнашиши қирғизларнинг иқтисодий манфаатларига пурта етказди».

Халқ галаёнлари Тўқмоқ уездига қарашли Тинаев, Нормамбетов, Бойсаидов, Жониев, Шамсин, Бурунчин, Исси Отин, Темур Булатов ва бошқа бўлисларда ҳам кутарилди. Қузғолончиларнинг сардорлари орасида Остемир Тиловқобилов, Одамқул Мойилдаев, Али Турдибоев, Охун Худойберганов кабилар бор эди.

Қузғолонлар Пишпақ уездининг Кунтуй, Узунқир, Дамон, Сартов, Қораболтин, Буланбоев ва бошқа бўлисларини қоплаган эди. Галаёнлар Таласда ҳам руй берди. Август ойининг бошларида Марказий Тяншанда яшовчи қирғизлар чор ҳукуматига қарши кутарилдилар. Бундай ҳаракатлар айниқса Норин водийсида

авжига чиққан. Чунончи, 10 августда Ниезбек, Бурунчин, Кучқор, Абоилдин ва бошқа булисларнинг беш минглик аҳолиси бирлашиб, Столипино деган жойда ҳукумат аскарларига қарши жангга киради. Бу шафқатсиз жангда қўзғолончилардан 100 киши ҳалок бўлган. Ҳарбийлардан ҳам бир неча киши улдирилган ва ярадор қилинган.

Халқ галаёнлари Тўқмоқда қизгин тус олган. Бу ерда куп мингли қўзғолон қатнашчилари 9 августдан то сентябр ойигача ҳарбий қўшин билан тўқнашиб турган. Тошкентдан ёрдамга етиб келган катта ҳарбий куч тазйиқи остидагина қўзғолончилар чекинишга мажбур бўлганлар ва мағлубиятга учраганлар. Бу вақтда Иссиқкўл атрофидаги булисларда халқ галаёнлари бўлганлиги маълум.

Рус ҳукумати Қирғизистондаги халқ қўзғолонларини ҳам ниҳоятда шафқатсизлик билан бостирган. Айрим маълумотларга кўра, жазо отрядлари қўзғолончилардан уч минг кишини улдирган. Бундан ташқари, юзлаб кишилар ярадор қилинган.

Русия подшоҳининг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони туркманларни ҳам қаттиқ газаблантирди. Расмий маълумотларга кўра, мазкур фармон аҳолини ларзага солиб, умумхалқ норозилигига учраган. Чойхона ва одам гавжум жойларда агар бойлар орасидан ҳам мардикорликка олинмаса, катта галаён кўтаришлари ва уларнинг жазоланишлари ҳақида кишилар сузлаганлар. Рус маъмуриятининг тушунтириш ишлари фойда бермай, йиғинларда одамлар «Мардикорликка бормаимиз», деб фармоннинг бекор этилишини талаб қилганлар.

Норозиликлар катта қўзғолонларга айланиб кетди. 1916 йил 7-8 июлда Куктепа мавзеида галаён кўтарилиб, «Бизни шу ерда осиб улдирсанлар ҳам фарзандларимизни бермаймиз» деган сузлар айтилган. Қўзғолончилар оқсоқолни улдирганлар. 12 июлда Ашхобод уездининг Баҳордин овулида аҳоли бош кўтариб, қўзғолон қатнашчиларидан бир неча киши қамоққа олинган. 14 июлда Марв уездининг аҳолиси мардикорликка қарши чиқиб, фармон бекор этилишини сураб, Петроградга элчи юборишга қарор қилганлар. Бироқ, маҳаллий маъмурият бунга йўл қўймаган. 22 июлда эса Сарахсда 4000 кишилиқ оломон бош кўтаради.

Халқ қўзғолонлари бошқа уездларни ҳам қамраб ола бошлайди. Айниқса, Кукарчак, Қурбонказ, Ҳасанкули каби овулларда қўзғолонлар шиддатли тус олди.

Чиқишлар мавзеида вазият 13-18 август кунлари айниқса кескинлашди. 1-2 октябрда Тажан туркманлари бош кутариб чиқдилар. Ҳар икки томондан қурбонлар берилган. Ёвмуд туркман қабилалари орасидаги ғалаёнлар ҳам анча кучли булган.

Хуллас, бутун Туркистон улкасида кутарилган қузғолонлар шафқатсизларча бостирилди.

Шундан кейин 1916 йилнинг 23 августида Куропаткин мардикорликка сафарбарлик тадбирлари ҳақида буйруқ чиқарди. Унда мардикорликка олинадиганлар сони қуйидаги тарзда тақсимланади: Сирдарё вилоятига — 60000, Самарқанд вилоятига — 32407, Фарғона вилоятига — 51233, Етгисув вилоятига — 4300 ва Каспийорти вилоятига 13830 киши белгиланди. Сафарбарлик 1916 йилнинг 18 сентябридан то 1917 йилнинг Феврал буржуа-демократик революциясининг галабасигача давом этди. Мардикорлар Москва, Петербург, Рязан, Тула, Орёл, Смоленск, Пенза, Брянск, Двинск, Нижний Новгород, Қозон, Самара, Перм, Екатеринбург, Оренбург, Киев, Харьков, Екатеринослав, Одесса, Запороже, Керч, Тифлис, Ботуми ва бошқа жойларга урнаштирилди.

Чор маъмурияти белгиланган 200470 киши урнига 123 мингдан ортиқ мардикорни сафарбар қилишга муваффақ булди. Улардан 101.600 киши Россиянинг Оврупо қисмига, 400 киши Сибирга, 7.405 киши Кавказга жойлаштирилган. 10 мингдан ортиқ одам Туркистон улкасида ишлатилди. Мардикорлар ҳарбий ва оддий саноат корхоналарида, конларда, темирйулларда, қурилишларда, урмонлар ва айрим капиталистларнинг хўжаликларида қаттиқ ишлатилди. Улар очлик, хўрлик ва машаққатли меҳнатдан кўп азоб-уқубатларни бошларидан кечирдилар. Улар орасида совуқ уриш, турли касалликлардан ўлганлар ва ногирон бўлиб қолганлар кўп эди. Ўзбек мардикорларининг ҳаёти халқ оғзаки ижодида тасвирланган:

Поездингни жилдирган
Утхонаси билан дунгалаги.
Двинскага кетишди
Мард йигитнинг бир булагии.

Двинскага кетмас эди
Мард йигитнинг бир булагии.
Двинскага кетказган
Николай золимнинг замбарагии.

Двинскага йул булсин,
Қарагайзоринг кул булсин.
Йигитларни қийнаган
Николайинг йуқ булсин.

Сук ошингни ичмайман,
Этигимни ечмайман.
Қора қарагай кесганман,
Ҳеч ҳаққимдан кечмайман...

Мардикорларнинг огир ҳаёти қуйидаги мисраларда ҳам ўз аксини топган:

Унда бордик, шунда келдик,
Пенза деган шаҳрига.
Ярмимиз чор питида қолдик,
Ярмимиз мис конида.

Оёқларимиздан совуқлар утди,
Тухтамас кўздан еш.
Шурпа деб лойқа сув берди,
Бир киши ичолмадик.

Қора нон аччиқ экан,
Уч кунгача ейолмадик...

Ўзбек мардикорлари машаққатли ва огир меҳнатнинг асири бўлибгина қолмай, кураш ҳам олиб бордилар. Улар бир неча маротаба иш ташладилар ва ҳарбий отрядлар билан туқнашган вақтлари ҳам булди. Улар орасида маҳаллий аҳоли билан биргаликда инқилобий ҳаракатларда фаол қатнашган кишилар бор эди. Улар Феврал буржуа-демократик инқилобидан кейин ўз ватанига қайтишга эришдилар.

Умумий хулоса шуки, 1916 йил кўзголони чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати авжига минган кезде юз берди. У миллий зулмга, ўлканинг хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланишига қарши қаратилган эди.

Кўзголоннинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун Туркистон ерларида турли элат ва миллатлар сиёсий онгининг ўсишига олиб келди. Унда аёлларнинг қатнашиши муҳим воқеа ҳисобланади. Бу тарихда камданкам учрайдиган ҳодисадир. Кўзголон кенг қулоч ёйиш билан бирга, шаҳар камбағалларини, деҳқонлар омма-

сини ва рус ҳукумати ҳукмронлигидан норози бўлган айрим юқори табақа вакиллари қамраб олди. Улар улка мустақиллигини тиклашни муқаддас бурч деб ҳисобладилар. Қузғолон рус ҳукуматининг улкадаги кучқудратини заифлаштириб, Феврал буржуа-демократик революциясининг галабасини таъминлаган омиллардан бири ҳисобланади. Унинг ижобий томони яна шундаки, у рус императорининг мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги фармонини ўз вақтида амалга оширишга зарба берди. Натижада мўлжалланган мардикорлар сонининг ярмисинигина жўнатишга тўғри келди. Бу минглаб оилаларни тамомила хонавайрон бўлишдан сақлаб қолди.

Қузғолон ўзбек ва улканинг бошқа халқларининг мустақиллик, озодлик учун олиб борган курашлари тарихида учмас из қолдирди.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқотда маҳаллий ва Россия архивлари манбаларидан, рус матбуоти ва адабиётларидан олинган турли маълумотларни қиёслаш ва умумлаштириш қуйидаги хулосаларга олиб келди.

Биринчидан, қадимги даврларда ҳозирги Туркистон билан Россия оралигида, яъни Днепр ва Қора денгиз қирғоқларидан бошланиб Итил (Волга) ва Ёйиқ (Урол) буйларини ҳамда Сибирни уз ичига олган бепоен ерларда асосан туркий аҳоли истиқомат қилган. Бу жойларда туркий давлатлар ҳукм сурган. Бироқ, туркийларга қушни булган славянлар, шу жумладан руслар милоднинг бир мингинчи йиллигида асосан ибтидоий жамятда ҳаёт кечирганлар. Фақат IX асрнинг охириларида Киев Руси номида биринчи Рус давлати ташкил топди. Шундан кейин рус князлари Қора денгиз ва Волга буйларидаги ерларни босиб олиш ҳисобига уз давлатлари қудратини оширишга ҳаракат қилдилар. Шу боис уша жойлардаги туркий давлатлар билан тўқнашиб турганлар. Маълумки, Туркистон ҳукмдорлари, шу жумладан, хоразмликлар Қора денгиз ва Каспий — Итил савдо йулларини уз таъсир доирасида тутиб туришга ҳаракат қилганлар. Масалан, милоддан аввалги асрларда македониялик Александр Туркистонга бостириб кирганда Хоразм давлатининг чегараси Қора денгизгача бориб тақалганди. Кейинги биринчи минг йилликда Итил (Волга) буйларида Хазар-Хоразм империялари ташкил топган. У жойларда хоразмликлар ва бошқа туркистонликларнинг тураржойлари юзага келган.

Киев Руси номидаги биринчи Рус давлати Хоразмнинг куч-қудрати ва аҳамиятини яхши англаган ҳолда ислом динини қабул этишга ҳаракат қилди. Масалан, X асрда Рус давлат арбоби Владимир бу мақсадни амалга ошириш учун Хоразмга уз элчисини жунатган, лекин у шароит тақозосига кура амалга ошмади. Христианликнинг тарафдорлари устун келиб, у давлат динига айлантирилди. Рус давлати Қора денгиз ва Итил буйларини эгаллашни ҳаётий масала сифатида ҳамisha диққат мар-

казида тутди. Аммо Итил буйларида ташкил топган Хазар, Булғор, Хазар-Хоразм, сунгра Олтин Урда давлатлари куп асрлар мобайнида русларни «бурчакда қисиб» турдилар.

Олтин Урда давлати рус князликлари устидан 240 йил ҳукмронлик қилди. Бироқ, Амир Темурнинг Олтин Урдага қақшатқич зарба бериши оқибатида аҳвол руслар фойдасига узгашиб борди. Чунончи, Амир Темур зарбасидан кейин Олтин Урда давлатининг бели букчайиб, узи заифлашиб қолди. Бунинг устига тахт учун узоқ давом этган узаро даҳшатли урушлар унинг тинқасини янада қуритди. Олтин Урда ҳалокат сари кетаётганида Рус давлати уз мустақиллиги ва озодлиги учун кураш олиб бориш билан бирга, миллий давлатни кучайтиришга алоҳида аҳамият берди. Эндиликда Олтин Урданинг руслар устидан қаттиқ назорат қилишга кучи етмай қолди. Аксинча, унинг узи шу даражада заифлашиб бордики, пировардида Аштархон (Астрахан), Қозон, Сибир, Қирим сингари хонликларга парчаланиб кетди. Шу тарзда, Амир Темур зарбаси оқибатда Олтин Урданинг парчаланиши ва Россия мустақиллигининг тикланишида муҳим ўрин эгаллаган омиллардан бири ҳисобланди. У Туркистонга нисбатан кўпроқ Рус давлатига фойда келтирди. Зеро, руслар XVI асрнинг иккинчи ярмида Аштархон, Қозон, Сибир, кейинчалик эса Қирим хонликларини эгаллаб узининг асрий «ҳаётий масаласи»ни ҳал қилди. Оқибатда Россия Қора денгиз ва Каспий — Волга савдо йулларининг, олтин, кумуш, темир, кумир, азим дарёлар ва урмонларнинг эгаси булиб, «жиққа мойга» ботди. Бу ҳол унинг қудратли империяга айланиши ва жаҳонда нуфузли уринни эгаллашида ҳал этувчи омил ҳисобланди. Рус давлати туркий дунёнинг энг бой ва муҳим қисмини қулга киритиб, уз тараққиётини таъминлади. Менинг назаримда, бу билан Россия турк дунёсининг бамисоли бир оёгини қирқиб олди. Хуллас, Амир Темур Олтин Урдага зарба бериб, узи уйламаган ҳолда, Россия мустақиллигининг таъминланишига имкон яратиб берди.

Русларнинг Олтин Урдага қарашли ерларни босиб олиши билан унинг туркий дунёга қарши тажовузининг биринчи босқичи тугалланди. Уша жойларда куп катта-кичик рус шаҳарлари, посёлкалари, саноат корхоналари, конлар, ҳарбий истеҳкомлар пайдо бўлди. Туб туркий аҳоли камситилди ва бурчакка қисиб қуйил-

ди. Туркийларнинг ривожланишига тўсқинлик қилинди ва улугмиллатчилик сиёсати изчиллик билан амалга ошириб борилди. Эндиликда Россия Туркистонга бевосита чегарадош ва ён қўшни бўлиб қолди.

Иккинчидан, Рус давлати 100 йилдан ортиқ вақт ичида Олтин Урда урнидаги жойларда мавқеини мустаҳкамлаб ва у ерлардаги бойликлар ҳисобига кучга тулиб олгач, турк дунёсининг марказий қисми булмиш узбек хонликларини ҳам босиб олиш ҳаракатига тушди. Масалан, Петр I 1714 йили Шарқий Туркистондаги Еркенд шаҳрига, 1717 йили Хива хонлигига қарши қўлаб ҳарбий қисмларни жўнатди. Асл мақсад — у жойларни босиб олиш эди.

Аммо қалмоқлар қаршилигига бардош беролмаган рус қўшини Еркендга боролмай орқага қайтишга мажбур бўлди. Бекович-Черкасский бошчилигидаги қўшин эса, хиваликлар томонидан қириб ташланди. Аммо Петр I узининг ёвуз ниятидан қайтмай, биринчи навбатда, Қозоғистон ерларини қўлга киритиш лозимлиги ҳақида кўрсатма берди. Буни қарангки, Петр I улимидан унчалик қўп утмай Қозоғистоннинг талай қисми «ихтиёрий» равишда Рус давлатининг қўл остига ўтди. Бу ерда ҳам қўлаб рус шаҳарлари, посёлкалари, саноат корхоналари, ҳарбий истеҳкомлар қурилиб уни руслаштиришда катта ишлар амалга оширилди. Шу равишда, Рус давлати турк дунёсининг бебаҳо бойликларини узида жамлаган яна бир катта қисмини тортиб олди. Оқибатда Россия турк дунёсининг бамисоли иккинчи оёғини юлиб олгандек бўлди. Шу тарзда, XVIII асрнинг биринчи чорагида бошланган Россия тажовузининг иккинчи босқичи Қозоғистонни эгаллаш билан тугалланди.

Учинчидан, XIX асрнинг биринчи ярмига келиб рус давлати Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларини ҳар жиҳатдан урганишга ҳамда уларни босиб олишга алоҳида аҳамият берди. У ерларга элчилар ниқобида маълумотлар тўплаш учун жосуслар юборилиб турилди. Ҳарбий экспедициялар уюштириш ҳақидаги таклифлар буйича муҳокамалар ўтказилди.

1839 йили императорнинг фармонида биноан Оренбург генерал-губернатори генерал Перовский бошчилигидаги кўпсонли қўшин Хива хонлигига қарши жўнатилди. Бироқ бу қўшин қишнинг ўта совуқ келиши, озиқ-овқат етишмаслиги ва турли касалликлар туфайли орқага қайтишга мажбур бўлди. 1840 йили ҳам

хонликка қарши ҳарбий юриш уюштиришга киришилди, лекин шароит етилмаганлиги туфайли қолдирилди.

XIX асрнинг 40—50-йиллари орасида рус ҳукумати Хива ва Қўқон хонликларига қарашли айрим чегара ҳарбий истеҳкомларни босиб олиш ва бузиб ташлаш билан шугулланиб, келажакдаги ҳал қилувчи жангларга замин ҳозирлаб борди. Шу билан Россия тажовузининг учинчи босқичи шакллантирилди.

Туртинчидан, XIX асрнинг 60—70-йиллари мобайнида Россия тажовузининг охириги ҳал қилувчи босқичи руй берди. Бу беҳисоб қонлар, минглаб мурдалар, талон-тарождлар, вайронагарчиликлар ва мислсиз азоб-уқубатларга тулиб-тошган даврда ватан ҳимоячилари мардонавор курашдилар. Душман кучлари ваҳшийларча ҳаракат қилиб, Оқмасжид, Авлиёота, Туркистон, Чимкент, Тошкент, Жиззах, Хужанд, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Наманган, Маргилон ва бошқа жойларни босиб олди.

Бухоро ва Хива хонликлари ҳам мағлубиятга учратилиб, Россиянинг вассалига айлантилди. Сунгра туркманлар ҳам ёвузларча буйсундилди. Оқибатда турк дунёсининг юраги ва ифтихори булмиш Туркистонда Россия ҳукмронлиги урнатилди. Шу тарзда, Рус давлати XVI асрнинг иккинчи ярмидан то XIX асрнинг 80-йилларигача булган 400 йилдан ортиқ давр мобайнида зуровонлик билан Турк дунёсининг салмоқли қисмининг ҳукмдорига айланди. XVIII асрнинг уртала-рида эса, Шарқий Туркистон Хитой томонидан босиб олинди.

Демак, бир вақтлар буюк империяларни бунёд этиб жаҳонга довруғи кетган қадимий Туркистон улкаси вақти келиб Россия ва Хитой уртасида тақсимланди.

Бешинчидан, Россия тажовузларининг галабасини таъминлаган омиллар шулардан ҳам иборатки, Олтин Урда ва узбек хонликларидаги тинимсиз давом этган тахт учун курашлар давлатнинг куч-қудрати синишига олиб келди. Душманнинг устун келишининг асосий айбдорлари Бухоро, Хива ва Қўқон хонларидир. Улар душманнинг бостириб киришини яхши билсалар-да, лекин уз вақтида биргаликда ва ҳамкорликда она юрт учун курашишни уйламадилар. Аксинча, душман билан жанглар содир булаётган вақтларда бир-бирларига ҳужум қилиб турдилар. Бу борада Бухоро хонлиги катта хатога йул қуйиб Қўқон хонлигининг мағлубиятга

учрашини тезлаштириб берди. Ҳатто амир Музаффар Рус давлатининг Хива хонлигига қарши юришида ёрдамга тайёр эканлигини билдирди. Хонлар қўшинни замонавий қуроллар билан таъминлаш, ҳарбий маҳоратни ошириш ўрнига маишатга ва бепарволикка кўпроқ берилиб кетдилар. Улар ўзларининг ҳарбий таълим ва маҳоратдан мутлақо хабарсиз эканликларини ошқо-ра намоён қилдилар.

Улар ўзлари яшаб ва кўриб турган жаҳон тараққиётини назар-писанд қилмай барча соҳаларда, шу жумладан, мамлакат мудофааси хусусида ёшини яшаб бўлган ўрта асрчилик қобиғидан чиқа олмадилар. Бунинг устига, ватан хоинлари ҳам катта зиён келтирди. Айниқса, биринчилар қатори Худоёрхоннинг сотқинлиги ниҳоятда ачинарлидир. Жўрабек ва Бобобек сингари Шаҳрисабз, Китоб бекларининг хоинликларини ҳам унутиш мумкин эмас. Улар ўзларининг шахсий манфаатларини уйлаб уз юртини Рус давлатининг генераллик ва полковниклик унвонлари ҳамда нафақаларига алмаштирдилар. Хоинлар савдогарлар, амалдорлар ва ҳатто дин пешволари орасидан ҳам чиқди. Хонларнинг Англия билан алоқа ўрнатиб Россияга қарши чоралардан бош тортишлари ёки унга аҳамият бермасликлари катта сиёсий хато бўлди. Аммо халқ оммаси улимни буйнига олиб, қўлига нима тушса шу билан душман туплари, ракеталари, милтиқ ва қиличларига кўкракларини тугдилар. Уларда Ватанга содиқлик шу даражада юксак эдики, мустақиллик ва озодлик учун жонини ҳам, молини ҳам фидо қилдилар. Ҳатто ўзбек аёллари ҳам жангларда қатнашганлиги маълум. Афсуски, уларга бошчилик этадиган ақл-идрокли, моҳир лашкарбоши ва жасоратли раҳбар топилмади. Бундан Тошкент жангида ҳалок бўлган Олимқул мустаснодир.

Олтинчидан, Россия ҳукмронлиги даврида улкада миллий давлат тугатилди ва мустамлакачилик сиёсати ҳукм сурди. Миллий тил ва маданиятнинг ривожланишига йўл берилмади. Улка Россиянинг хомашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Маҳаллий аҳоли сиёсий ва инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, қул каби ишлатилди. Бебаҳо бойликлар Россияга тинимсиз жунатиб турилди. Улкада адолатсизлик, зуравонлик ва хурлаш авжига минди. Айни пайтда, уни руслаштириш жадаллик билан олиб борилди. Шу боис Россия тажовузлири вақтларида халқнинг қал-

бига сингиб кетган озодлик гоялари янгидан отилиб чиқди. Бу ҳол 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги умумхалқ ҳаракатларида ўз ифодасини топди. Улар уша олдинги йилларда Россия тажовузларига қарши мардонавор курашларнинг акс-садоси ва бевосита давоми сифатида гавдаланиб мустақилликни тиклашга қаратилган эди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, XX аср бошларида мустамлакачилик ва миллий зулм аёлларнинг ҳам суягигача тақалиб қаҳр-ғазабини авжига миндирган эди. Зеро, улар ҳам эркаклар билан бир қаторда қўзғолонларда қатнашдилар. Ҳатто аёллар Тошкент шаҳридаги қўзғолонни биринчи бўлиб бошлаган ва олдинги сафларда кўкракларини уққа тутган эдилар. Бу ҳолат аёлларнинг сиёсий онги анча устанлигидан далолат берарди. Қўзғолонлар гарчанд мағлубиятга учраган бўлсада, лекин уша миллий озодлик-гоялари ва курашлари асосида совет даврида Туркистон мухторияти ва «Босмачилик» ҳаракатлари юзага келган.

Шундай қилиб, узбек ва улканинг бошқа халқлари салкам 150 йил мобайнида Россиянинг подшо ҳукумати ва совет ҳукуматларига қарши қаҳрамонона курашиб, 100 минглаб асл фарзандларидан ажралди. Кишилар қони бамисоли дарё каби оқди ва обод жойлар харобага айлантирилди. Агар даҳшатли ўтмиш даврларда халқимиз қирилмаганда, ҳозирда Ўзбекистон камида 100 миллион халққа эга бўлган қудратли давлат сифатида гавдаланиб турган булар эди. Начора, бунга афсусланишдан бошқа чора йўқ, лекин тарихдан сабоқ олиш ва фожеали хатоликларга йўл қўймаслик шу куннинг талабидир.

Мана кўриб турибмизки, ота-боболаримизнинг тўққан беҳисоб қонлари беҳуда кетмай, пировардида, 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон ўз мустақиллигини тиклади. Бу тарихий воқеа уша ўтмишдаги миллий-озодлик ҳаракатларининг мантиқий давоми ва буюк самарасидир.

Мазкур асардан кўришиб турибдики, ота-боболаримиз мустақилликни ва озодликни ҳаётнинг рамзи сифатида жуда қадрлаганлар, унинг учун курашганлар.

Келинлар, азиз юртдошлар, бизлар ҳам мустақиллигимизни кўз қорачиғидай сақлайлик, зарурият туғилса унга жонни ҳам, молни ҳам аямайлик! Ватанга содиқлик ва унинг тараққиётини таъминлаш ҳар бир Инсоннинг муқаддас бурчидир. Зеро, «Ватанни севмоқ иймондандир».

ИЛОВА

Мустақиллик ва озодлик учун олиб борилган курашлар орасида тарихда «Дукчи Эшон қузғолони» ёки «1898 йилги Андижон қузғолони» номи билан чуқур из қолдирган миллий-озодлик ҳаракати алоҳида аҳамиятга эга. Бу қузғолоннинг жонли гувоҳи бўлмиш Фозилбек Отабек ўғли 1926 йили қузғолон ҳақидаги хотиралари ва эшитганларини чоп этган. Бу рисола С. Аҳмад, У. Долимов ва Ш. Ризаев томонидан 1992 йили қайта нашр қилинди. Ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи бу ута қимматли маълумотлар рус ҳукуматининг ваҳшиёна сиёсати ва қузғолон туғрисидаги тасаввурни бойитади. Шу боис «Дукчи Эшон воқеаси» китобининг муайян қисмини муҳтарам уқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилдик.

ФОЗИЛБЕК ОТАБЕК ЎҒЛИ

ДУКЧИ ЭШОН ВОҚЕАСИ

ҚАТЛИОМ

Андижондан Марғилонга хабар борган он Фарғонанинг ҳарбий бошлиғи Чайковский 250 нафар аскар билан келиб янги шаҳардан бошлаб қуринган мусулмонларни отмоққа амр қилди. Ушал куни неча минг мусулмонларни беғуноҳ отиб, қонини тукди. Ҳусусан, беихтиёр ва бу воқеалардан беҳабар ишламоққа чиққан деҳқонларни ва меҳнаткаш камбағалларни беҳад-беҳисоб отиб юборди. Неча минг бола етим ва юзларча хотинлар бева қолди. Шундан кейин Андижон ичидаги мингбошиларни чақириб, тезлик билан эшонни қувиб чиқиб, тутиб келмоққа буюрди. Амалпараст мингбошилар ҳар қайсиси неча-неча қуппакларини ёнига олиб, ҳар тарафга эшонни излаб кетдилар.

Қайсиларига йўлда саллалик ва оқ туппилик киши учраса, тутиб, боғлаб, шаҳарга юбордилар.

ОҚ ТҮППИ ИЛА САЛЛА ФАЛОКАТИ

Уша вақтда кимлигидан қатъи назар, оқ түппи кийган булса, истибдод солдатлари «Сеники эшон» деб тутиб урардилар. Еки салла қўйган киши учраса, уни албатта Йикчи эшоннинг муриди гумон қилиб, тутиб, суроқсиз қамар эди. Шунинг учун шаҳар меҳнаткашлари ва расмий фуқаролари ҳеч салласи билан бозорга чиқолмай қолди. Оқ дуппи деган нарсанинг уруғи қолмади. Кимда булса, куйдириб йўқотди. Мингбошиларнинг дунеларастлиги кўзгаб, шаҳарда кимнинг жойи булса, кечаси чақириб бориб: «Сени тутиб бераман, эшоннинг ҳовлисига борган эдинг», деб сиёсат қилиб, бор-йўғини суғуриб олдилар. Порахурлик амалдорлар ичида ниҳоят авж олди. Бечоралар кимга арз қиладир? Бечораларнинг додини сурайдиган киши ҳеч йўқ эди.

Мингбошиларни эшонни тутмоққа юбориб, ҳокимлар қанча аскарларни Мингтепага эшоннинг ҳовлисига жунатдилар. Йулда боргунча ким учраса, отиб ўлдириб, эшоннинг ҳовлисига етиб, дафъатан атрофни ураб, тинтув қила бошладилар. Эшоннинг қочган хабарини эшитиб, хонақоҳида ҳеч ким қолмади, ҳатто бола-чақалари ҳам бошқа жойга қочгон эканлар, ҳеч ким топилмади. Лекин хонақоҳида ҳеч нарса қўймай тамом олиб ва печат қилиб, жунар вақт Мингтепада уч соат отиш қилдилар. Бу уч соат ичида солдатлар ҳовлидан ҳовлига юриб, ким кўринса отиб ўлдирдилар. Муддат битганда, эшонга қарашли нимаики булса олиб, шаҳарга келдилар. Аше жумласидан бир хос сандуқда кўп хатлар бор экан, буни ҳам олиб келиб таржима қилиб кўрсалар, тамомиси ҳар кимдан борган дуойи саломлар экан. Бу дуойи саломлар кимдан булса, дарҳол шу одамларни тутмоққа амр қилинди. Шунинг учун Андижон шаҳридан кўп фуқаролар қамалдилар. Тўрт-беш кун ичида атроф қамоқлардан ва орқа тоғлардан бениҳоят кишиларни тутиб келиб, қаматилди. Қамоқхона тулиб, бошқа жойларни ҳам янғидан ҳибсхоналар қилинди. Бунгача Туркистондаги бор солдатларни йиғиб келдилар. Ҳар кун эски шаҳар кучаларида туп-туп аскарлар юрар эди ва кўрган кишини уриб, чопиб кетар эдилар. Бозордаги катта дуконларнинг кўпини синдириб талаб олар эдилар. Вақт жавзо (май) ойи булгани учун авахталардаги Элатия катталари йўғон ва семиз одамлар иссиглаб, буғилиб ва очликдан ҳар кун ичун тўрт-беш одам улар эди. Бунинг устига, Фарғона губерна-

тори: «Агар эшон тезда тутилмаса, Андижонни уезди билан бирга тамом отиш (қатлиом) қиламан!» деб буйруқ чиқарди ва «Агар шаҳар ва қишлоқ отилмасин дейилсалар, эшоннинг суфилари билан куплашиб тутиб берилсун!» деган буйругини шаҳар ва қишлоқ кучаларининг деворларига ёпиштириб қуйилди. Бу ҳодисадан туққиз кун утиб эди. «Эшон қулга тушди», деган хабар эшитилиб қолди.

ЭШОННИНГ ҚЎЛГА ТУШУВИ

Йикчи эшон қочгандан сунг, Кетмонтепа Элатия ичига қараб қочиб, уч-турт кун тоғлар ичига йул билмай айланиб юриб, охири ёнида уч кишидан бошқа одам қолмай, Арслонбоб атрофларида юрган экан, буни баъзи одамлар кургонлар. Суроғлаб боргучи — Қуқонқишлоқ мингбошиси Қодиркул билан бозор саркори Ёъкуб курбоши деганлар шу Арслонбоб тарафига излаб чиққан эдилар; бошқалар булса, бошқа тарафларга — Қашқар довонигача тусиб боргон эди.

Арслонбоб тарафига излаб юргувчи Ёъкуб курбоши билан Қодиркул мингбошига одамлар эшонни шу тарафда курганларини айтганлари учун Арслонбобга яқин Тошкуприк деган тор йулни тусиб турганларида, эшон уша йулдан бориб, Тошкуприк устида учраб қолгон. Дарҳол Ёъкуб курбоши: «Эй, тақсир! Мен сизни кутиб турибман, ёрдам қилмоқ учун» деб, отдан узини ташлаб куришмоқчи булиб югурган, эшон ҳам отдан тушиб, йиглаб кучоқлашиб куришган вақтда, эшонни кутариб, тагига босиб олган ва одамларни қақариб, боглаб олганлар. Орқасидан уч одамни ҳам тутиб, туртовларини боглаб қуйганлар. Қодиркул мингбоши дарҳол етиб келиб, эшонни куриши билан: «Хотинталоқ! Хаммани хонавайрон қилдинг-ку!» деган. Эшон буларга: «Икковинг улар вақтда жинни булиб улгин! Бизни русга тутиб берган қулларинг билан узингни уриб, суккан оғзинг билан узингни тишлаб улгин!» демақдан бошқа ҳеч гап айтмаган.

Қодиркул мингбоши дарҳол Андижон ҳокимига «Эшонни тутдим» деган хабарни юборган.

Мана бу — эшоннинг тутулган хабари Андижонга етгандан кейин, ҳоким бир тул солдатларни юборди. Унгача булар эшонни аравага уч одами билан боглаб олиб, шаҳарга жунадилар. Йулда, дарёнинг лабида солдатларга рубару келдилар, улар аравани уртага олиб:

«Эшон, эшон» деб милтиқ текизса, Йикчи эшон бошини кўтариб: «Эшон деб чақирма! Муҳаммадали дегил» деган. Бундан бошқа ҳеч нарса демаган.

Қорадарё купригига келиб тўхтаганларида, шаҳар ичида уезд ҳокими хабар қилдики, фуқаролар чиқиб эшонни томоша қилсунлар. Соат ун ва эрта билан булса ҳам, кўриб, ҳеч ким чиқмаганда олиб утиб, янги шаҳарда ҳибс қилинди. Таажжуб шундаки, ҳокимлар ва туралар бу эшондан неча кун ҳаёт турган булсада, бир оғиз ҳам маълумот ва жавоб ололмадилар. Ҳарчанд сиёсат қилдилар ва гап сўрадилар ва бу ҳужум исёнга далолат қилгувчиларни сўрадилар, ҳеч кимни кўрсатмади, мустабид терговчиларни доғи ҳасратда қўйди. Эшонни тутғувчи Қодирқулни эски шаҳар Андижонга оқсоқол қилишди ва ёрдам қилган Ёъқуб кўрбошини Қуқонқишлоққа мингбоши қилиб, неча йилдан буён халқ фойдасига хизмат қилиб келган Холбаҳодир мингбоши урнидан бекор қилинди. Қодирқул мингбоши шаҳарга катта оқсоқол булган ҳамон шаҳарда зур иморат қилиб, бечора халқни ишлатиб, бир ой ичида тамом битирди. Ҳар кун борган қуй ва тортиқ ва ёрдам пулларнинг ҳисоби йўқ эди. Эски шаҳарни тинч сақлаб туриш ихтиёрини тамом бу кишига топширгани учун фуқароларга зулмни беҳад жорий қилди. Биров энгашиб салом қилмаса, тутиб тўхтатмоқни бу киши чиқарди. Бундан урганиб рус амалдорлари ҳам халқни «рукуъ» билан салом ва «сажда» қилдирадиган булдилар. Бечора халқ шапкалик кишининг соясини курса ҳам урнидан туриб сажда қилишга одатланиб қолди.

АСИР БЎЛҒОН ВА ҚАМАЛҒОН БЕЧОРАЛАР

«Эшонга қарашли» деб кимни тутиб борсалар, бесуроғ қаматилар эди. Хусусан, тоғлардан Элатия катталарини ушлаб келиб, ҳарбий бошлиғи ҳар кун беш-олти тасини турмадан олиб чиқиб, уртага ётқизиб калтаклайдилар. Узун қамчи сопидай тут-қайрагоч шохлари билан бандиларни олиб чиқиб, солдатлар уртасида ялангоч қилиб, дунг ётқизиб, турт солдат босиб турадилар. Турти ушал калтаклар билан орқасига урадилар. Агар калтак синиб кетса, бошқасини олиб урадилар. Қирқ-эллик марта урганча «дол» деб турадилар, бундан сўнг овози чиқмай, беҳуш булғондан кейин иккинчисини ётқизадир, бошқалари қараб турадилар. Шу хилда ҳаммасини уриб бўлиб, улгани булса бошқа қўюб, тирик булса, зўр билан юргизиб, турмага олиб кирадилар.

Бир куни сиёсат юзасидан ҳамма шаҳар халқини мингбошилар воситаси билан, асирларни калтаклаганини курсун деб, ҳайдаб чиқилди. Ман ҳам одамлар билан чиққан эдим. Тўғри турманинг олдига олиб бориб, халқни қатор қилди. Кейин турмадан беш кишини олиб чиқиб, уларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйди. Бу бечора бандиларни уртага олиб келиб, бир қанча дашном билан тун-қўйнагини йиртиб, тортиб ешди. Иккитасини милтиқ қўндоғи билан уриб ётқизиб, қўлоғини солдатлар босиб турди. Бунинг устига мўйсафид хоин губернатор Чайковский келди. Бандиларга қараб: «Сизлар подшоҳи аъзам катталигини билмас эдингизларми? Подшоҳнинг ўғли ҳукмида булгон аскарларига шундай муомала қилмоқни ким ургатди?» деб сиёсат қилди ва солдатларга: «Ур!» деб буюрди.

Солдатлар тўплаб қўйгон узун калтаклардан олиб, бирдан савалаб ургали бошлагонда, бечоралар: «Дод!» деб оламни буздилар. Бири: «Эшон билан бирга булмасам-да, тавба қилдим!» деб қичқирди.

Урулганларнинг орқалари ёрилиб, гуштлари узилиб тушди. Ҳушидан кетган вақтда: «Бас, турғаз!» деб эди, солдатлар «Тур», деб бошига тепганда, бири турмоққа қодир булолмади. Иккинчиси «Ё, пирим», деб турмоққа ҳаракат қилиб эди, губернатор «Нима дейди», деб, таржимондан суради, таржимон: «Эшондан ёрдам тилайдир», деганда, газаби келиб: «Ётқизиб, яна ур!» деб буюрди. Янадан урмоққа бошлади, орқасидан гуштлар узулиб тушди. Иккинчи турмоққа қудрати етмагач, солдатлар судраб чиқиб кетган ҳамон ўлди. Бу ҳолни курган бандилар: «Эй, улуг ҳокимимиз, арзим бор, эй, губернатор тўра, икки оғиз арзим бор» деса, ё бир товуш чиқарса, тўрт солдат бўйнига таққан довул ногорасини чалиб юборадилар. Асло сўзни эшитдирмайдилар. Буни кўриб бечоралар бизга қараб йиглаб турар эдилар, шу ҳолда эдики, иккисининг ҳушлари кетиб йиқилишди. Буларни солдатлар судраб кириб, урнига бошқа иккисини олиб чиқдилар. Ҳосили — халқ қошида олти кишини уруб, баъзисини ўлдириб, баъзисини беҳуд қилиб, кейин халққа бирмунча сиёсат қилиб «Подшоҳи аъзамга осий булгонларнинг жазоси шу буладир!» деб жавоб берди ва: «12 киши осийлардан осиладир. Ҳамма халқ чиқиб томоша қилсун!» деди. Халқ бирдан туруб эски шаҳар томон жўнади. Йўлда чиққанларига пушаймон бўлуб, ҳеч кимда сўзламоққа мажол йўқ эди.

ДОР ТАГИДА

1898-нчи мелодий, 15-нчи жавзо эдики, Эшон игти-сошини баҳона қилиб, шаҳар ва уезд (шимолдан Етти-сув, ғарбидан Ёзиебон, жанубдан Водил, шарқдан Қаш-қар довони уртаси)дан икки минг киши қаматилгон эди. Булар ичида аксарият қирғизлар булиб, ўзбек, қо-зоқ, қипчоқ, қорақалпоқ, тожик, уйғур ва бошқалар-дан ҳам «исёнчи»лар деб ушланганлар қуб эдилар. Бу-лардан анчагинаси юқорида айтилганча калтакланиб, урулиб улдирилдилар ва бир қанчасини осиб улдириш учун 8 та дор қурдилар. Бу дорлар 8-9 газ ердан баланд булиб, тепасига ғалтак урнаштирилгон ва ушандан қо-ра арғамча утказилиб қуйилгон эди.

Бир кун эски шаҳардан «Тамом фуқаро янги ша-ҳарга чиқсун, эшоннинг сўфиларидан 8 киши осила-дир», деб, ҳаммани мажбурий ҳайдаб чиқдилар. Муд-даолари фуқарога сиёсат кўрсатмак, уларнинг юрак-ларида қурқинч қолдирмоқ ва истибдод салтанати тах-тида узун замонлар беташвиш барқарор қолмоқ эди. Бу сафар «томоша»га мажбурий чиққанлардан бири ҳикоя қиладириким: «Бизларни бозордан ва маҳалла-лардан катта оқсоқол фармойиши билан миршаблар ҳайдаб, тахминан 500 кишини янги шаҳар крепости (қўрғон) тагига олиб бориб эди: қарасак, адир тарафга 8 та дор қилиб, арғамчиларни тортиб, тайёр қилиб қуйгон экан. Бу ҳолда турмага 50 га яқин солдатлар улан (ашула) айтиб кириб, 5 та мусулмонни ҳайдаб чиқди. Бечораларнинг ранг-руйига асло қараб бўл-майди. Бирини таниб қолдим, янги шаҳарда солдат-хона рупарасида баққолик қилиб утургон Рустамбек деган киши эди. Биз фуқароларни тикилган дорлар атрофига айлангириб кўюб, аввал беш кишини ниҳоят ғазаб билан уртага олиб чиқиб, дорнинг тагига олиб келдилар. Буларнинг ҳолини асло баён қилиб бўл-майди. Бечораларнинг ихтиёри узида эмас, сўзламоқ-қа мажоллари ҳам йўқ эди. Қамалганларига анча кун бўлгон бўлса, овқат емаганлари ҳам маълум эди. Дар-ҳол 5 та хом сурупдан қилинган халта олиб келди-лар. Бир мутакаббир «тура» қўлига ярим тахта қогоз-ни олиб, ниҳоят қовоғини солиб ўқиди. Таржимон шу тариқа таржима қилдики: «Сизларнинг подшоҳи аъзам, импратур муаззам аскарлари бораси қилгон ҳам-ла, ҳужумларингиз ва бу исёнга сабаб бўлган Муҳам-мад Али Эшоннинг импратур аъзамнинг улуг сиёса-

тидан қурқмай қилгон феълига шерик булиб, ёрдамда булгонларингиз сабаб булди. Сизларнинг бешовларингизни ҳарбий суд осиб ўлдирмоққа ҳукм қилди. Алҳол, сизларга шу ҳукм жорий қилинадир», деган ҳамон солдатлар бирдан қиличларини суғуриб, пешоналарига тутиб, ярим соатга яқин ноғораларни чалиб турдилар. Ҳалиги халталарни кийдириб, дорнинг тагига қўйилгон курси устига етаклаб келиб чиқардилар. Бўйинларига дор арғамчисини солиб, оёқ остидаги курсини тепиб юбордилар. Ҳар беши ҳам осилиб қолиб, тахминан икки минут айланиб ҳаракат қила туриб, кейин қимирламай қолишди. Андак тургондан кейин бир духтур келиб, осилиб тургон бечораларнинг қорнига қулоқ солиб, кейин бир нима деб қўйди. Солдатлар келиб, арғамчини бушатиб, уликларни дорнинг ёнига кавлаб қўйилган чуқурга тепиб тушуриб, устига курак билан тупроқ тортиб қўйди. Буларни кумуб хотиржам булгондан кейин, губернатор фуқароларга қараб, оқ подшоҳни бирмунча мақтаб, «импратур аъзам казо ва казо!..» деб, охири: «Бу кўрилган сиёсатни кўрмаганларга баён қилинлар, ҳарким исён қилса, мундан баттар бўлади!» деб халққа жавоб берди. Йулда келатуриб, шулар қаторида осилгон Рустамбек мағазинчи хусусида сузлашиб, бу киши умуман эшонларга беихлос, эшонларни сўймайдирган киши эди. Нечук Йикчи эшонга қўшулгон экан, деб сурағонимизда, бу ишнинг аслидан хабари бор бир киши Рустамбекнинг айби ва гуноҳи солдатларга насия қилиб, пулини қистагонидир, деб жавоб берди.

Бу ҳодиса шундай булгон: Рустамбек неча вақтдан бери янги шаҳарда дукондорлик қиладир. Ҳукуматнинг тура ва солдатларига ойликларини олганча насия мол, овқат бериб турадир. Улар ҳам қачон ойлик олсалар ва пул топсалар, бериб турадирлар. Солдатлардан насия мол олиб, пулини бермоғонлар иккинчи насия сурагонда, Рустамбек бермайдир. Шунга адоват қилиб юргонлардан бири нечаси Рустамбекни тегирмон қилиб тургон жойидан тутиб келиб қамаб, эртасига дуконни очиб, талаб, ўзини «Кеча эшон билан бизларга ҳужум қилгонда таниб қолгонмиз» деб остириб юборадирлар. Булмаса, эшон кирган кечаси тегирмонда анча киши кўрган ва ҳарчанд гувоҳлар кўрсатса ҳам қабул қилинмайдир...

ИСТАРШИЙ ОҚСОҚОЛ

Андижон эски шаҳари учун бирта мингбоши булур эди. Бу мингбошини чор ҳукумати уз буйруғи билан яхши хизмат қиладирғон жобир ва золимлардан тайин қилар эди. Мана шуни «истарший оқсоқол» дейишар эди.

Йикчи эшон солдатларга ҳужум қилиб қочгандан кейин «Қайси мингбоши хоҳ фуқаро булсун, хоҳ бошқа... тутиб келса, Андижон шаҳарига истарший оқсоқол қилинур» деб ваъда берилган эди. Бинобарин, ҳарким амалпараст булса, эшоннинг орқасидан қувлаб кетган ва Қўқонқишлоққа мингбоши булиб турғон Қодиркул ушлаб келгани учун уни шаҳарга катта оқсоқол қилинғон эди.

Эшонни тутиб келгандан кейин ҳукуматдорлар Андижон шаҳар ва уездининг фуқаросидан ниҳоят хавфланган эдилар ва «Эшон билан ҳамма фуқаронинг маслаҳати бир, албатта, булар бир кун эшоннинг орқасидан ҳужум қилсалар керак», деб эшонни неча қабат занжирлар билан боғлагон эдилар. Шунинг учун эски шаҳарни муҳофазат қилиб туриш ихтиёрини катта оқсоқолга бериб, шундай таъкид қилдики: «Эски шаҳарни эҳтиёт билан сақлаб турасан! Эшонга борди-келди қилғон одамлар булса, ҳаммасини суриштириб тутуб берасан! Умумий фуқароларни қайси хил сиёсат билан булса — булсун, Русия подшоҳига тобеъ ва мутеъ қиласан! Русия амалдорлари эски шаҳарга тушсалар, ҳамма фуқарони урнидан туруб, энгашиб салом қилмоққа ургатасан! Дукондор ва распадагилар булса, ҳаммаси булсун, ҳоким, пристав, ҳосили, қайси амалдор булса — булсун, эски шаҳарга тушса, ҳаммалари дуконларининг олдиға тушиб қатор булуб, энгашиб салом қилиб турсинлар! Муллалар ва мударрислар булса шогирдларига Йикчи эшондан шикоят қилиб, уни ёмонлаб турсунлар! Ва мактабдорлар булса, майда болаларга «Эшон осий булди, боғий булди» деган гапларни ургатсунлар! Аълам, муфтилар булса, «Йикчи эшоннинг осий, боғий булғони учун тезда улим жазосига мустаҳиқ булмоғи шариатда ҳам дуруст», деб фатво берсунлар! Адиб ва шоирлар Йикчи эшоннинг тамом қилғон ёмонлиғи ва ҳийлаларини шеър (байт) қилиб газитта юборсунлар! Агар ҳарким бу хусусда қилғон сиёсат жабриндан арз қилса, биз у аризачининг узига жазо берамиз!», деб, қулиға при-

каз ва мандат қилиб берилди ва ҳар кунги воқеаларни эрта билан билдириб турасан, дейилди.

1898-нчи милодийда, ҳануз Йикчи эшон қамоқда турғонда «унга қарашли ёрдамчилар», деб узбек, қирғиз, қипчоқ, қорақалпоқ, қашқарлардан ҳар кун нечасини тутиб келиб, осиб, қанчасини калтаклаб улдириб турадир. Улғонлар урнига атрофдан одамларни тутиб келиб турадир. Шаҳар ниҳоятда бесаранжом бўлиб, хавфда бўлгон вақтда янги тайин бўлгон катта оқсоқол Қодирқул (шаҳар мингбошиси) куча-кучага миршаблар куюб, маҳаллаларга одамлар юбориб, ҳар масжидда, имом бошлиқ тамом қавм ва аҳли маҳаллаларни олдириб бориб, «Беда бозори» деган яланг ва кенг жойга неча минг кишини саф-саф қилиб қуюб, ҳокимдан эшитган гапларини фуқарога айтиб, сузининг охирида; «Агар куча-қуйда ҳоким, пристуф ёки туралар сизларга рубаро келса, дарҳол рукуъ қилиб, салом қиласизлар! Ва расталардан утуб қолса, ҳаммаларингиз дукондан баробар тушуб, мана шу турғонларингиздек қатор бўлуб, растадан утуб кетганча энгашиб, салом қилиб турасизлар! Чунончи, ман саломни сизларга ургатмак учун чақирдим. Мана, мен ҳозир «Ташла!» дейман. Баробар намозда энгашгандек ташлайсиз», деб бир четга бориб, «Ташла!» дея шовқун соладилар. Бечора халқ баробар ҳайит намозида ёки жума намозида рукуъ қилгондек энгашадир. У четга бориб, «Тур!» деганда ҳамма баробар турадир. Яна «Ташла!» деган ҳамон баробар энгашадир. Агарда бирон киши баландроқ турса ёки паст бўлуб кетса, югуриб келиб бу одамни дуппослаб, уруб-тепиб, сукиб, «Баробар тургил», деб танбех қиладир. Яна, «Ташла!» дейдир, халқ энгашадир.

Алҳосил, бечора фуқарони 20 маротаба «Ташла!» деб рукуъ қилдириб, кейин: «Ҳамма вақт шундай баробар энгашиб турасизлар!», деб жавоб берадир. Эртаси яна бошқа маҳалла одамларини имомлари билан чақириб, шу таълимни қиладир. Уртада неча мартаба халқни уруб, юзларига нопок огзидан тупурар эди.

ЯРИМ ПОДШОҲ

Бу таълим ва саждага одат қилдирмоқдан муддао нима десалар, яқин кунларда бу ҳодисанинг устига Туркистон вилоятининг генерал-губернатори бўлгон нобакорким, умумий Туркистон фуқаролари ярим подшоҳ, дер эдилар ва номи А.М. Духовский эди, ҳамма тарадуд шунинг учун экан.

Бир неча кун утгандан сунг «Ярим подшоҳ келадир», деб ҳамма кучаларга байроқ тутуб, шаҳарни неча кунлар зийнат бериб, ҳамма мактаб болаларини вокзалга олиб чиқиб, қатор қилинди (у вақтларда камина ҳам туземной ишколда уқур эдим). Фуқаролар кумуш табокда нон, туз тутуб турғон эдилар. Уез ҳокими умумий фуқароларга хитоб қилиб, «Ярим подшоҳ келиб, вагондан тушган ҳамон ҳаммаларингиз таълим олгонларингиздек баробар энгашиб, ерга қараб турасизлар! Бошларингизни кутаринглар, десам ҳам кутармай туринглар!», деб қуйди.

Истансага чиққан халқ 2 соат куброқ интизорлик тортди. Шундан сунг бирдан поезд кўрунуб қолди ва вагонлари ниҳоят зийнатланган ҳолда келиб тўхтади ва солдат тушуб, қатор булгондан сунг ярим подшоҳ турғон вагондан бир неча ясангон туралар тушдилар. Кейин уша юқорида шакли номубораги баён қилингон генерал ниҳоят қовогини солиб, қаттиқ газаб билан вагондан чиқиб, пастга тушган замон бечора халқ ва мактаб болалари ҳаммаси энгашиб, рукуъ қилиб турди. Вагондан тушуб, уез ҳокими олдига келиб, шаҳардан аҳвол сўради. У «Ҳамма дуо қилмоқда ва тинчлик», деди. Ярим подшоҳ ҳокимдан: «Нима учун халқ бундай энгашиб турадир», деб сўради. Ҳоким: «Жаноб импратор аъзамга юртимиздан чиққан бир эшон жинни бўлиб, билмасдан осийлик қилгани учун бизлар хижолат бўлуб, улуғ ва баланд даражали бош ҳокимимизнинг юзларига қайси бетимиз билан қараймиз, бизларни марҳамат этиб, афв қилиб, подшоҳи аъзамдан гуноҳимизни сўраб олмасалар, муборак бетларига камоли хижолатдан қарай олмаймиз, дейдилар», деб жавоб қайтарди. Ярим подшоҳ дедики: «Гуноҳни қилиб қуйиб, эмдиги хижолат нимадир? Фарғона музофотидан Андижондек бир шаҳарнинг тупрогини осмонга совуруб бормоқ билан подшоҳи аъзам мамлакатларига ҳеч нуқус етмайдир!», деб газабланиб, ҳокимдан сўрадики: «Неча йилдан буён бу жойга ҳокимсиз?». Ҳоким шошиб қолиб: «Турт йилдан бери», деганда: «Турт йилдан буён лоақал ҳар йилда биртадан булгонда ҳам туртта яхши ошно қилмогон экансиз-да, шундай хабарни аввалдан берар эди, токи тадоруки қилиниб, импратор аъзамнинг 23 қаҳрамон угли ўлмас эди. Бунинг учун сени ўрнингдан бекор қилдим», деди (бу ҳокимнинг номи Кайшовский эди). Кейин фуқарога қараб: «Сизлар ҳали осий ва гуноҳқорсизлар. Сизларнинг нон-тузингиз-

ни қабул қилиб бўлмайди!» деди ва бир туп ҳинд ва яҳудийлар ҳам нон-туз ушлаб турган эдилар, шуларнинг олдига бориб, нон-туз қабул қилиб: «Сизлар ҳозирда менга сартлардан кура яхшироқсизлар», деб, аскарлар томон юрди. Биз туземной ишкол талабалари, рус домла билан 150 га яқин болалар тургон эдик, бизларнинг ёнимизга тўхтаб, «Сизлар яхши ўқиб турунглар», деб чунтагидан бир сум пул олди-да, домла қулига бериб, «Ёнғоқ олиб булуб беринг, уйнасунлар ва подшоҳ ҳазратларини дуо қилсунлар», деб аскарлар олдига утиб кетди. Кейин халқ бечора маънос булиб, қўрқуб, тарқалиб кетди.

Мана шунча кунги тайёрлиг ва рукуъларга мукофот учун шунча сиёсатлар қилиб, Андижоннинг тупроғини осмонга совурмоқ билан халқни қўрқутуб, юраklarини ёрди. Мунофиқлар саждасидек, мазлум халқ ва маъсум мактаб болаларининг саждалари «жаноб тура»га қабул бўлмади.

БЕСАРАНЖОМЛИКЛАР

Вақтики, хоинлар бошлиғи Духовский келиб бечора мусулмонларни ўзига сажда қилдириб, кумуш тобоқларга солиб тургон нон-тузларига қарамай: «Андижоннинг тупроғини осмонга совураман, импратор аъзамга Андижондек бир шаҳарнинг тупроғини осмонга совуриб, йўқ қилиш билан ҳеч нуқус бўлмайди, мамлақати камайиб қолмайди!» деган сиёсатларни қилди, буни эшитган халқ қўрқуб, уй ичи рўзгорларини ва бола-чақаларини ҳар тараф қишлоқларга қочириб, бесаранжомликда қолди. Истибдод амалдорлари (элликбошидан тортиб, мингбошигача мусулмон амалдорлари)га «худо бериб», қиладиргон зулм ва таъаддиларига зур баҳона топилиб, шундай жабр-зулм қилишга турдиларки, асло қалам билан таъбирга келтириб бўлмайди. Мингбошига дучор бўлмагон ҳеч бир фуқаро қолмади. Ҳаммани кечалари бир-бир чақириб, сиёсат қилиб борйўғини қоқиб олдилар. Чунки эшонга қарашли одамларни ҳар кун уруб, осиб, отиб тургон вақти эди. Ҳатто маҳалла элликбошилари ҳам мазлум фуқарони: «Мингбошига айтаман, ропурт қиламан!» деб қўрқутуб, ўзларига яраша бирор нарса олар эдилар.

Истибдод асосини маҳкам қилгувчи пристуфлар ва бошқа тура, чиновниклар бўлса, ҳар кун эски шаҳар бозорига тушуб, савлат курсатиб, айланиб юрар эди-

лар. Куча ва расталардаги халқни узларига салом қилдирмоқ балосига мубтало эдилар. Ким салом қилмаса ёки дукондан паства тушуб қул қовуштириб турмаса, дарҳол устига бориб: «...Эшон!» деб кулидаги палка (таёқ) билан бошига солар эди. Мазлум халқ бу хорлик ва разолатни кўриб: «Тавба қилдим, тўра, ман кўрмай қолибман», дер эди; кўброқ тавба қилиб, илтижо қилғонида раҳм қилса, қўяр эди, бўлмаса, палиска чақириб, турмага — қамоққа юборур эдилар.

ҲУҚМ КУНЛАРИ

Эшон ушланиб, ниҳоят ҳақорат ва таққир билан бир қора аравага боғланиб, эски шаҳардан ўтган вақтда ҳамма халқни мажбурий кучага турғузиб қўйдилар. Солдат ва амалдорлар аравани уртага олиб секин-секин юргизиб, ҳар жойда 5-10 минут тўхтаб: «Йикчи эшон шу одамми? Таниғон одамлар бўлсалар, айтсунлар!», деб фуқародан сўрар эди. Эшонни кўрган ҳар ким ерга қарайдир, эшонга қарамайдир. Чунки эшон таниб, сурашиб қолмасун, деб кўрқадир. Уша йилда эшонни бориб кўрмаган одам Андижонда кам қолғон эди. Балки ҳамма кўрган деса булур эди. Золим туралардан кўрқуб, ҳеч ким эшонни танимайди. Кимни тутуб, эшон шуми, деса, билмайман, жавобини айтадур. Куп киши танимаймиз, жавобини бергандан кейин мустабид золимлар хавфга тушуб, бу киши эшон эмасмикан, деб ташвиш қилар эдилар. Охири эски шаҳар истарший оқсоқолига буйруқ қилдиларки, Йикчи эшонни танийдирғон одамлардан 4 кишини чақирсун, эшонни таниб, билиб берсун, деб. Шаҳар оқсоқоли бу буйруқни олғондан кейин, эшонни танийдирғон киши борми, деб шаҳардан киши ахтарди. Ҳеч ким кўрқуб «Танийман», демади. Охири мажбуран тўрт кишини олиб, оқсоқолининг ўзи чиқиб: «Сизларга ҳеч гап йўқ, мен сўраб оламан. Сизлар «Эшон шу одам», деб қўярсизлар», — деди.

Улар янги шаҳарга чиқиб, ҳукуматдор ва амалдорларнинг мусулмонларга ёмон қараганидан кўрқуб, ваҳм олиб, инкор қилиб, бизлар ҳеч вақт эшонни кўрмаган бўлсак нима деб биламиз, эшонни билган одам булса булур эди, деб арз қилдилар. Уез ҳокими: «Сизларга ҳеч гап йўқ, кўрқманглар, ҳарбий судларга «Шу эшоннинг ўзи», деб қўйсангизлар бўладир. Башарти, бу эшон бошқа одам бўлмаса, деб туртовини турмада

эшонга рубару қилгонда, туртови ҳам равшан билиб «Эшон шу киши эди», деб қўйдилар. Кейин буларга жавоб берилди.

Бу чиққан гувоҳлардан бири Мирза Масъуд деган киши эди. У шундай ҳикоят қиладирким: «Бизларни маҳкама олдига олиб бориб қўйгонда, бир неча солдатлар олдимиздан ўтиб, «Сеники эшон» деб тушириб кетадир. Руслар олдимиздан ўтса, ит қараши қилиб, хумрайиб, сукиб утадир. Охири кучада туролмай қўрқиб, маҳкаманинг ичига кириб ултирдик. Бир оз фурсат ўтганда уез ҳокими билан бир қанча туралар чиқиб, бизларга танбеҳ қилдиларки: «Сизлар рост айтасизлар. Агар ёлгондан эшон шу, десангизлар, суд қошида гуноҳкор буласизлар. Рост сузламоғингиз учун аълам домла қасам берадир, деб оқсоқолга, дарҳол бир катта аъламни олдириб чиқинг, деб буурди. Оқсоқол дарров шаҳарга одам (миршаб) юбориб, Мулла Муҳаммад Мусо аъламни ҳайдаб чиқди. Кейин «Аълам келди», деб ичкарига хабар бергани кириб кетди. Бечора аъламнинг ранги учиб, қалтираб, ниҳоят қўрқуб ултирар эди. Ман: «Қўрқманг, сизни бизларга қасам бергали чақирди», деб таскин бердим. Бир вақт яна аввалги туралар чиқиб, аъламни чақириб: «Мусулмон қоидасича буларга қаттиқ қасам берасиз, рост сузларни айтмақлари учун», деб қараб турди.

Аълам домла бизларга тамом қасам алфозлари билан боблаб қасам бердилар. Кейин аъламга жавоб берилди.

Бизларни 5 та туралар бирга бошлаб турмага олиб бориб эди, қарасак, турмада қадам босарлик жой йўқ, ҳавонинг ниҳоят иссиқлигидан турманинг ичи дузах булбуб кетибдур. Бош-оёқларида занжир бор. Қочмоқ у ёқда турсун, турарга мажולי йўқларнинг оёқларига занжир солибдирлар, буларнинг ичидан оралаб ўтиб, бир хонага кириб эдик, Йикчи эшон билан уч киши ултирибдир. Ҳаммалари банд, занжир солингон. Хусусан, эшонни ниҳоят маҳкам боғлабдирлар. Оёқ-буйни, қўли боғлиқдир. Бошида салласи бор, устида малла эски туни бор, ерга қараб ултирибдир. Салом қилиб кириб эдик, ёнимда тургон мингбоши, «салом қилма» дегандек ишора қилиб, нуқуб қўйди. Кейин туралар кириб: «Чўрт эшон!», — деди. Бизларга қараб: «Эшон шуми?» — деб савол қилиб эди, бизлар «Шу», дедик. «Яна тузук қуринглар, галат қилманглар, рост айтинглар!» деб сиёсат қилиб эди, бизлар қўрқуб: «Эшон шу,

бошқа эмас» деганимизда: «Қайси бири, қулинг билан ушлаб курсат!», деди. Ҳаммамиз бир-бир ишорат билан курсатдик. Кейин «Яхши», деб чиқдилар. Эшон асло бизга қарамади. Ёнидағи одамлар ким эканини билмадик. Ҳаммамиз чиқиб, йулда келаётиб, кейин бирини таниб қолдик, олдидагиларнинг бири кутартлик қирғизиялар мингбошиси Чибил булус деган одам экан. Лекин улардан ва эшондан бизларнинг олдимизда гап суралмади».

Музофот губернатори ҳарбий суд билан биргаликда бечора эшонни оғир банд остида уез маҳкамасига олиб кириб, тергов қилғонида маҳкамада мирзабошилиқ қилгучи Мулла Исмоил қулоқ солиб ултургон ва эшон осилгондан сунг шундай ҳикоя қиладир: «Эшоннинг тутулғонидан тахминан 9 кун кейин, эшонга қарашли 15 кишини осиб улдиргандан сунг, эшоннинг узини уез маҳкамасига бир туپ солдатлар ҳайдаб келди. Эшонда юрмоққа ҳам мажол қолмагон, оёғи ва қулига занжир, банд солинган эди. Фаргона губернатори Чайковский мундан бошқа ҳарбий суд аъзоларидан беш киши ва бир қанча аскария туралари ҳозир эдилар. Эшонни ичкарига олиб кириб, уртага ултиргиздилар.

Губернатор қуйидагича савол қилди:

— Сан эшон, император аъзамнинг бутун жаҳонда энг катта ва қадрли ҳам душманларига зафарлиқ бир подшоҳ эканини билиб туриб, нима учун бундай ёмон қасдга киришдинг?!

— ...

(Эшон индамай ерга қараб ултирадир.)

Губернатор:

— Сузла! Жавоб айт! Узунгча бу фёълга киришдингми ёки сани одамлар зурлаб исён қилдирдимми?!

(Эшон сузламайдир, ерга қараб жавоб бермай ултирадир.)

Судлар таржимонга: «Сиз айтинг! Сузласун, булмаса мажбурий сузлатамиз», деганда, таржимон таҳдид, сиёсат қилиб: «Гапга жавоб бергил», деб бир қанча дашном қилди. Охирида: «Ман нима дедим? Фаҳмладингми?!», деганда, эшон йуқ деган жавобни секингина айтди. Губернатор уез ҳокимига қараб: «Бошқа таржимон қақиринг!» — деди. Чунки таржимон Қафқасия мусулмонларидан Ога Беков деган булиб, узи узбекчадан бошқачароқ булғони учун «эшон фаҳмламади», деб уйлади. Унда уез маҳкамасининг адабий таржимони Эшмуҳаммад тура Тошмуҳамедов деганни чақириб, ҳар-

бий суд раиси буюрдики: «Эшонга айтинг, булгон ҳо-
дисани сўзлаб берсун, кимлар эшонни шу ёмон ҳара-
катга далолат ва таргиб қилди?»

Бу сўзларни Эшонга қараб таржима қилди.

Эшон, узум қилдим, деб жавоб берди.

Раис: — Узинг бу хаёлни аввалдан уйлар эдингми
ёки яқинда кўнглингга тушдимми?

Эшон: — Узим ҳар йили шу ойларда бир мартаба 5-
10 кун узумни билмай қолар эдим. Бу йил ҳам қилгон
ишимни билмайман.

Раис: — Сан билан кимлар бирга эди: амалдор,
мингбоши ёки юртбоши катталардан ҳам иштирок қил-
диларми?

Эшон: — Йўқ.

Раис: — Эски шаҳар фуқароларидан ҳеч ким бирга
эдимми?

Эшон: — (Жавоб булмади.)

Раис: — Жавоб бер!

Эшон: — (Жавоб йўқ, сукут қиладир.)

Раис: — Оқ подшоҳни ва унинг амалдор, ҳоким,
пристуфларини дўст тутар эдингми ёки душман тутар
эдингми?

Эшон: — Кугарт тарафидаги мужиклар бечора фу-
қарони кўб хор қилиб, уруб, ер-сувларини тортиб ол-
гонлари учун хафа бўлуб, душман тутар эдим.

Раис: — Мужикларнинг зулм қилгонини узинг кур-
ганмисан ёки одамлар келиб айтдимми?

Эшон сукут қилиб жавоб бермади.

Раиснинг атрофида эликка яқин солдатлар тургон
эди. Уларга қараб: «Ур!» деб буюрди. Тўрттаси югуруб
келиб қулидаги милтиқнинг қўндоғи билан 20-30 ни
солдилар. Эшон ўлтиргон курсидан йиқилди. Яна тур-
ғизиб кўюб: «Сўзла, мужикларнинг зулмини санга ким
хабар қилгон!» — деб савол қилгонда, эшон:

— Алҳамдулилло, алҳамдулилло! — деб қўйди.

Суд: «Нима дейдир?» — деб таржимондан савол қил-
ғонида, Тошматуф, худога шукр қиладир, деди. Суд
раиси яна икки солдатга: «Калтақлардан олиб кел»,
деб буюрди. Солдат югуриб чиқиб, бир қучоқ калтак
олиб келди. Эшонни ётқизиб калтақладилар. Эшон ҳеч
овоз чиқармай беҳуш бўлиб қолгондан кейин солдат-
лар судраб, ташқари олиб, аравага кўтариб ташлади-
лар. Аравага тўртта солдат чиқиб эшоннинг устига ўл-
тириб, тўғри турмага олиб кетдилар ва турма начальни-
гидан хат олиб келиб, суд аъзоларига топширдилар.

Эшон билан бирга келтирилган Чибил булус билан яна икки киши эшонга булгон ҳодисалардан қурқуб ултирар эдилар. Лекин Чибил булуснинг рангидан қурқув асари билинмас эди. Навбат буларга келиб, биринчи навбатда Чибил булусдан савол қилинди.

Суд раиси:

— Санинг исминг нима, қайси жойдансан?

Чибил: — Ман Кугарт тобеъидан, исмим Чибилдир.

Раис: — Неча ёшга кирдинг?

Чибил: — Эллик ёшга кирдим.

Раис: — Неча таноб еринг бор?

Чибил: — Биз қирғизларда ер булмайти. Бизларда от, мол, қуй, эчки бўладир. Биз тирикчилигимизни молдан қиламиз.

Раис: — Қуй, мол ва отларинг қанча?

Чибил: — Минг беш юзга яқин қуй, эчки билан икки юзга яқин от, мол бор.

Раис: — Бу моллар отангдан қолганми ёки узинг топганмисан?

Чибил: — Бу молларнинг ҳаммасини узим топганман. Отамдан қолган нарсаларнинг ҳаммаси ёш вақтимда йуқ булуб кетган эди.

Раис: — Подшоҳи аъзамнинг улуғлигини ва аскарларининг кублигини биларми эдинг?

Чибил: — Билар эдим.

Раис: — Шундай бўлса, нимага Йикчи эшон билан қушулуб мундай беадаблик ва подшоҳи аъзамга зур хиёнат қилдинг?!

Чибил: — Ҳақиқат қилиб қурилинг! Мен эшонга қушулуб шаҳарга келган эмасман. Эшон шаҳарга кирган куни мен Кугартда эдим. Кугарт элларида сўралсун.

Раис: — Эшоннинг шундай ҳаракат қилишидан хабаринг бор эдими?

Чибил: — Озроқ хабарим бор эди. Лекин шаҳарга солдатлар устига юришидан хабарим йуқ эди. Посолкалардаги мужиклар тоғлардаги қирғизларни куб сиқиб, ерларини, от-молларини тортиб олғонидан эшоннинг муридлари қуп жойга арз қилгонларида сўрамай овора қилгани учун аксар қирғизлар йиғилиб, посолкаларга хужум қилмоққа эшондан ижозат олишга борганларида, эшон уларни ман қилиб: «Янаги йилгача сабр қилинглар! Янги йилгача купайиб, иншооллоҳ, узим бош булуб, мужиклар устига газот қиламиз», деган, деб эшитиб эдим. Мундан бир ой утгандан сунг эшоннинг чақириши билан Мингтепага бордим. Эшон билан қурушиб, дастурхон утган

дан сунг, мани хос хужрасига олиб кириб, ғазот қилиш маслаҳатини қилди. Ман қулимдан келганча ман қилдим. Охири эшон: «Янаги йилгача сабр қиламиз», деганда, ман бир йилгача ким бор — ким йўқ, албатта, бу хаел эшоннинг дилидан чиқиб кетса ажаб эмас, деб ўйладим. Лекин шаҳарга киришни айтган эмас. «Атрофдаги мужиклар устига юрамиз», деган эди.

Раис: — Санга мунча маслаҳатни бир йил аввал айтган булса, сан нима учун келиб уез ҳоқимига хабар қилмадинг? Лоақал хат билан маълум қилмадинг?

Чибил: — Кугарт бозоридаги Николский посолканинг истаршинаси Николай деган урусга: «Мужикларингни сал босиб кўйгил, қирғизларга куб зулм қилгонидан улар тўйиб юрибдир. Йикчи эшонга арз қилгон эканлар, у насиҳат қилиб, босиб қўюбдир. Булмаса, йиғилиб ҳаммалари ҳужум қилмоқчи ҳам булгон эканлар», деб айтиб эдим.

Раис: — Мужикларга айтгунча, нима учун дарҳол келиб шаҳар ҳоқимига айтмадинг?

Чибил: — Ман уша Николай бориб айтган булса керак, деб гумон қилдим-да, айтмадим.

Раис: — Санга эшон бу кундан 15 кун аввал нима хат қилгон эди?

Чибил: — «Бизга қарашли буродарларни чаҳоршанба куни хабар қилиб, Мингтепадаги хонақоҳга юборинг, кор-хайр ишимиз бор. Марҳамат қилиб узингиз ҳам бир келсангиз, зиёда хурсанд булур эдик», — деб хат қилгон эди, мен бу хатни эшоннинг Кугартдаги Қосим деган халфасига юборгон эдим. Ўзим боролганим йўқ. Бирор ҳафтадан кейин шундай ҳодиса буллуб қолди. Ҳаммамиз беҳабар қолдик.

Раис: — Сан одамларни тушлаб юбориб, узинг «Яна қолгон одамларни тушлаб турарман, эшон бу тарафга юрсунлар», деб хат қилган экансан. Бу хатда: «Аввал атрофдаги мужикларни босиб, кейин шаҳарга ҳужум қиламиз», деган экансан. Шу хатни ким ёзгон эди?

Чибил: — Бундай хат қилгон эмасман, ёлгон...

Раис саркотибга «Уша хатни ол», деб буюргонда, саркотиб иш ичидан олиб, раис қулига берди. Раис олиб Чибилга кўрсатиб, «Шу хатни танийсанми», деганда, Чибил ҳеч нима деёлмади, хомуш буллуб қолди.

Эшон хуруж қиладургон куни Чибилга қилгон хатининг орқасига Чибил суд раиси айтган гап мазмунини ёзиб, Йикчи эшонга шитоблик суръатда юборгон экан, Эшон хатнинг жавоби келганча турмай, шошиб шаҳар-

га жунаб кетгандан кейин бориб, хонақоҳда қолгон экан. Суд раиси яна куб гапларни сўрағонда, (Чибил булус) сузидан адашиб, ҳеч жавоб бера олмай, аввалги аҳволидан бошқа ва умиди узилганнамо булуб, ҳайратда қолди. Мундан эшон билан маслаҳатда бир экани маълум булуб, суд раиси шу мажлисда уни ётқизиб урмоққа буюрди. Олтита солдатлар бир кутарим калтакни олиб келиб, Чибилни ётқизиб, чунон калтакладиларки, орқасининг тамом гуштлари деса булурлиқ узулиб кетди. Охири «дод» демакка мажולי қолмай, беҳуш булиб, улик суратида йиқилиб қолди.

Буни куруб тургон шериклари ҳам камоли кўрқувдан ҳушларидан кетиб, ётиб қолдилар. Чибилни бир тарафга ташлаб кўюб, бу икки бечоралардан суз сўрамоқ учун ҳарчанд бедор қилсалар булмади. Охири бошига этикларининг пошнаси билан тепдилар, яна ҳеч имкони булмади ва шом вақти булуб, қоронғи тушиб қолгони учун буларнинг учалаларини аравага судраб солиб, турмага юбордилар.

Буларни жунатиб, «Суд ёпилди» деб эълон қилгондан сунг, бир-бирларига уз қилгон зулмлари борасида изҳори хурсандлик қилиб кулуб, ҳукмни кечаси соат унда қиламиз, деб тарқалдилар.

ЎЛУМ ЖАЗОСИ

1898 йил 13 жавзода ҳарбий суд, Фарғона губернатори бошлиқ, эрта билан соат саккиздан кеча соат саккизгача уч маъюбни калтаклаб, беҳуш қилиб жунаб кетиб, кечаси соат унда яна уез маҳкамасига йиғилди. Ҳар қайси тура бир-бирови билан курушар-да, «Вой дод, вой дод», деб калтак еган бечораларни масҳара қилиб кулишар эди. Ултуруб протоколларни уқуб, дафъатан, эшонга қушиб Чибил булуснинг ва яна турт судда ҳақиқат қилмагон одамларнинг номини айтиб, олти кишини эрта соат ун бирда осиб улдирмакка ҳукм қилдилар.

Ҳукмдан сунг ҳаммалари урунларидан туруб «час» бериб, бирмунча гапларни айтиб ултирдилар. Кейин мусулмон мирзони чақириб, таржимон воситаси билан «Эрта билан соат саккизга умумий фуқаролар ҳозир булсулар. Қургон тагида Йикчи эшон осиладир. Ибрат учун кўришлари мажбурий», деб эски шаҳар оқсоқолига зарур буйруқ ёзишга буюрди. Мирзо Исмоил буйруқни ёзиб тургон вақтда суд аъзоларидан бири югуриб чиқиб, тамом мактабдорлар ҳамма шогирд болалар

билан чиқишлари мажбурий, деб буюрди. Иккинчиси чиқиб: «Нима керак, майда болаларнинг зарурлиги йўқ», деб мунозара қилиб қолди. Жавобига: «Еш болалар катта одамлардан кейин қоладургон одамлар буладиргони учун, узун умр қуриб, куб йиллар Русия подшоҳининг сиёсатини айтиб юрадирлар», деганида ҳаммаларига маъқул тушуб: «Бундай булса, иккинчи яна алоҳида буйруқ қилинсун. Тамом мактаб болаларини ҳам домлалари олиб чиқсунлар!» деганда мирзо иккинчи маротаба қаттиқ ва мажбурий буйруқ қилди, бу буйруқни миршаблардан оқсоқолга юборилди. Оқсоқол кечалаб миршабларни бутун шаҳар ичида чопдириб юриб, маҳалла эликбошиси воситаси билан ҳеч кимни ухлатмай, тонг отганга тамом шаҳардаги муаллим, имомлардан тилхат қилдириб олди.

Шаҳарнинг катта оқсоқоли Қодирқул мингбошининг зарби ва сиёсати ниҳоят қаттиқ ва бераҳм бўлгони шаҳар фуқароларига маъруф ва машҳур эди. Имомлар саҳар соат беш-олтида туруб, маҳаллаларидаги қавумларига хабар қилдилар. Мактабдорлар булса, тамом шогирдларига хабар бериб, эрта билан соат саккиз бўлгонда ҳамма фуқаролар ва шогирдлар катта оқсоқол ҳовлисининг олдига ҳозир бўлдилар. Имом ва муаллимлар қурқуб титрар эдилар. Оқсоқол бир имомнинг рубарасига келиб: «Неча қавмингиз билан келдингиз?», деб савол қилиб эди, «Тахминан 35-40 тача киши билан келдик», — деди. Бундан кейин: «Қавмингиз неча уйлик?» берилган саволига сукут қилди. Маҳалла бошлиғи «Тақсир, қирқ уйликмиз», деб жавоб бериб эди, оғзига келган ҳақорат билан дашном бериб: «Қирқ уйлик бўлсанг, 35 киши келадими? Нима учун ҳамма қавмни бошлаб келмадинг!», деб ёнида бўлгон миршабга «Ур», деб буюрди. Миршаб қамчи билан уруб турубдир, бечора маҳалла бошлиғи бошини енги билан тўсуб:

— Тақсир, тавба қилдим, бошқалари қишлоққа ва ҳар тарафга кетган эканлар, топмадик, — деб овоз қилди.

Оқсоқол юртга сиёсат утказиш учун «ур» дардига гирифтор бўлгон ва ким булса булсун, рубара келса урдирмай қўймас эди. Охирида, бу «ур, ур» дардининг касофати билан бир дукондор арманининг бойини уруб қўйди, бу армани бой нафсоният қилиб, сармоядорлар тарафдори бўлгон ҳоким-губернаторларга арз қилиб, судга бериб, охири истибоддод учун қилгон шунча хизмати

мукофотига, ниҳоят, хорлиқ билан урнидан бекор бўлди ва Қўқонқишлоққа бориб, амал ҳасратидан бетоб бўлуб, охири Мажнундек бўлуб, узини узи жароҳат қилиб ўлди. Мустабид ҳукумати бизга эшон ҳодисасида қуб хизмат қилгон эди, деб риоя қилмади. Сармоядор бой арманининг капитал қуввати уни йиқитиб қўйди.

Энди мақсадга келайлик: соат саккиз бўлгонда, ҳаммани қатор-қатор қилиб, мактаб болаларини олдиға солиб, янги шаҳарга тахминан 8000 киши бўлса, 2000 майда мактаб болаларини олиб чиқиб, Тупроққургон олдида, адирнинг тагига қон иси келадирган ва тикиб, сошлаб куйилгон дорларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйди. Ҳоким чиқиб, фуқаронинг кублигини куриб оқсоқолга «Раҳмат» деб, ёш болаларни ҳам дорнинг бир тарафига қатор қилиб куймоққа буюрди. Бир тарафдан жой бушатиб турган ҳолда бир киши: «Ёш болалар қурқарми экан? Одамлар орасига қуйсак, қалай булар экан?», деб мингбошига айтган эди. У бориб ҳокимга айтган экан: «Қурққани яхшироқ. Эсидан чиқмайди. Дорға яқин куюлсун», деб буюрубдур. Мингбоши қелиб, дорнинг қибла тарафидан одамларни ҳайдаб юбориб, ҳамма мактаб болаларини қатор қилиб қўйди.

Бир вақт соат унга яқин эдики, бир туп, занжир билан қул-оёғи боғланган олти кишини уртага олиб, улан айтишиб келди ва дор тагига келтириб, қатор-қатор қилди. Буларнинг олдиға турт табл (ноғора) осган солдатларни қўйди. Уларнинг ичида эшонни икки солдат етаклаб, йигиннинг атрофини айлантириб, «Эшон шу одамми?», деб сураб юрди. Ҳеч ким «Шу киши Эшон эмас» ёки «Эшон» деб айтмади. Айтса, «Сен ҳам борган экансан ёки билар экансан», деб мени ҳам ушлаб қоладилар», деб ҳар ким ваҳимада эди. Аммо туралар бўлса, турт-беш кишини танитмоқ хаёлида эдилар. Халқдан овоз чиқмаганидан газабланиб, бир каттакони охири қаттиқ овоз билан: «Албатта ҳаммаларинг биласизлар, бовужуд айтмайсизлар, исён қилмоқда ҳам сизлар билгансизлар. Шунда айтмай хиёнат қилиб, шунча қаҳрамон аскарларнинг нобуд бўлмоғига сабаб бўлдингизлар. Агарда ҳеч ким танимаса, шу йигиндаги бутун халқни пулемётга тутамиз. Бирор жон қолмайди», — деб сиеват қилиб эди, ҳар тарафдан одамлар узини курсатмай туриб «Шу киши Эшон!» деб қичқиришдилар. Туралар у еқдан-буетқа қараб, овоз қилгувчиларни тополмас эдилар. Шунинг учун яна «Турт-беш киши йигиндан ажраб чиқиб, одамларга қараб «Эшон шу одам», деб курсат

сун», — деганда ҳеч ким журъат қилиб чиқолмай, яна ҳар тарафдан, одамлар орқасидан бошини паст қилиб туриб «Эшон шу одам, Эшон шу», деб овоз чиқаришдилар. Золим туралар бундан уз сиёсатлари ҳадду камолига етганини билиб, бир-бирига қараб кулар эдилар. Халқ булса, дор тагида мунгайиб, буйнини қисиб, йиғлаб турганларни куриб, тоқат қилолмай, секин-секин йиғлар эди. Шу вақт эдики, йигин ташқарисида вой-войлаб, дод-фарёд булиб кетди. Қарасак, осиладирғон одамларнинг бола-чақалари, хотин-қиз, ушоқ болалари экан. Хотинлар «Тул булдиқ!» деб, болалар булса «Етим булдиқ!», деб фарёд қилар эдилар. Бу ҳолни кўрган халқнинг кунгли яна бузилиб, хоинлардан кўрқуб узларини йигидан тўхтатар эдилар.

Қаторда турғон бир кишининг юзини тусуб йиғлаб турғонини губернатор куриб қолди. Қулидан ушлаб уртароққа тортиб: «Нима учун йиглайсан, Эшонга қариндошмисан?», деган саволни сураганда, бечоранинг ранги учиб, бошига улим ваҳми тушиб, камоли кўрққанидан титраб-қақшаб туриб «Кошки подшоҳи аъзам, импратур муаззамга осий булмасалар эди, тинч турсалар эди, подшоҳи аъзамнинг шундай қаттиқ азобиға учрамас эдилар. Бола-чақалари етим булмай, подшоҳ ҳазратларининг давлатларида кун кўрар эдилар. Подшоҳ аъзамнинг улган солдатларига йиглайман!» — деди.

Бир қанча хотинлар ва болалар қақшаб шовқун солиб йиғлаганларида, ноғоралари билан турган солдатлар бирдан ногора чалиб юбордилар. Бу ҳолни кўрган мазлумлар дарду ҳузун билан йиғлай бошладилар. Ҳаманинг кўзи ёш билан тўлди. Ташқарида турган губернатор дод-фарёд қилғувчиларни қамаб қўймоққа буюрди. Дарҳол беш-ун солдат чиқиб, буларни уриб туриб, турмага олиб кирдилар. Ва эшоннинг авлодига қўшиб қўйдилар (Эшоннинг авлоди тамом ушланиб, асир қилиниб, қамалган эди). Буларнинг қамалганини кўргандан кейин ҳеч ким йиги чиқармай турди.

Бу ҳолда бир мутакаббир тўра дор тагига келиб, чунтагидан бир тахта қоғоз олиб, баланд овоз билан уқиди. Таржимон шундай таржима қилди.

ЎЛУМ ФАРМОНИ

«Улуғ адолатли ва қаттиқ қаҳрли подшоҳи аъзамнинг сояи давлатида туриб яшағувчи фуқаролар хиёнат қилиб, исён чиқаришда улуғ император аъзамнинг душ-

манларига галаба қилишга қодир бўлмаслигидан андиша қилмай, Мингтепа қишлоғида турғувчи Муҳаммад Али эшон узига қарашли бир қанча одам билан подшоҳ ҳазратларига осий бўлиб тиг кутариб, Андижон казармасига ҳужум қилиб, 23 та қаҳрамон аскарни шаҳид қилди.

Бинобарин, бу исенчи эшонни узига қарашли одамлари ва муридлари билан ҳукуматдорлар томонидан ушланиб, ҳарбий суд орқали ҳақиқат қилинганида, айбларини иқрор қилиб, уз буйинларига олдилар. Бинобарин, ҳарбий суд эшонни ва унинг муридлари бўлган ушбу беш кишини осиб ўлдирмакка ҳукм қилди. Ҳозирда бу улим жазоси бошқаларга ибрат бўлсун учун ижро қилинур».

Муни эшитган қул-оғи занжир билан боғланган мазлумларнинг бошидан ҳуши учди, ҳеч қаюсида шуур ва ақл қолмаган эди. Бир қирғиз бечора атрофдаги одамларга ойланиб шошилиш билан қарай берди. Бу кишининг куб қараганидан бир айтадурган сўзи бўлса керак ёки авлодига етказадирган бир васияти бўлсамикан, деб гумон қилар эдик. Лекин бу бечора қайси тарафга қараса, уша тарафдаги одамлар юзларини беркитар ва энгашиб ерга қараб турар эдилар. Бечора мазлум куб жовдираб қаради. Ноилож мустабид хоинларга қараб бирдан: «Эй, улуғлар!» деган эди, солдатлар бодратиб ногора чалиб юборди. Бечора тўхтаб қолди. Ногора тўхтаган ҳамон яна, «Эй, халойиқ! Гувоҳ бўлинглар! Ман...» деган ҳамон яна ногора уриб юборди.

Ногора тўхтаган замон яна баланд овоз билан: «Ман ноҳақ осилиб кетаётибман, бу гаплардан ҳеч хабарим йўқ эди, сизлар гувоҳ бўлинглар!..» деб қичқирди. Яна ногора чалиниб, гапи халққа эшиттирилмади. Ногора чалинган вақтда оғиз кўп қимирлаб сўзлади. Лекин эшитиб бўлмади. Бечора ноумид бўлуб Саъдийнинг: «Ҳар қачон одам ноумид бўлса, яъни умиди узулса, тили узаядир, мағлуб бўлган мушукдек итга ҳамла қиладир», деган сўзига мувофиқ узидан умидини узуб, ногора чалиб турган солдатга қараб: «Эй, бадбахт кофир! Тухтат-э! Қилар ишингни қиласан. Ман сузимни мусулмонларга айтиб қолай», деб ниҳоят журъат билан ҳақорат қилди. Золимлар унга қулоқ солмай, яна ногорасини чалиб юборди. Чибил бўлус ҳам: «Ҳой, губернатор, ҳой, ҳоким тура, икки оғиз арзим бор!» деб эди, бунга ҳам ҳеч ким қулоқ солмади.

Шу ҳолда иккитаси йиқилиб, беҳуш бўлиб қолди. Ҳарчанд солдатлар келиб кутариб тикка қилди, тур-

моққа қодир булолмадилар. Бу бечоралар хушларига келганча бир оз тўхтаб турдилар. Эшон булса ҳамма вақт ерга қараб турар эди. Бир оғиз сўз айтгани йўқ ва сўз айтмакка ҳаракат ҳам қилмади. Бу уртада губернатор ҳокимни чақириб, бир сўз сўради. Ҳоким келиб, эски шаҳар катта оқсоқолини чақириб, бир нарса деб қўйди. Катта оқсоқол четга бориб, ўша ерда булган уз мирзосидан «Ривоят нима булди?» — деб сўради. Мирзоси: «Битмаган экан, чала экан, бутун кечқурун битар экан», — деб жавоб берди. Мингбоши ҳокимга: «Ҳозир одам юборайми, олиб чиқсун?» — деб эди, губернатор «Фурсат йўқ» деб, қабул кўрмади. Бинобарин, ривоятга одам юборилмади.

КАФАН КИЙДИРИШ

Эшонни дорнинг тагига олиб келиб, оёғидаги темир кишанни очамиз деб уриндилар, илож булмади, шекилли, болга билан уруб синдирдилар ва бошқа рафиқларининг кишанларини ҳам уриб синдирилди. Кишанларни четга ташлаб, бир шакар қопчани очиб, ичидаги хом сурпдан қилинган 6 та халтани олиб ташлади. Уез ҳокими шу ҳолда катта оқсоқолни чақириб: «Бир аълам топинг, буларга иймон уқутсун!» — деганда, Фахриддин қозини чақириб, дор тагига олиб борди. Қози биринчи эшонга, иккинчи Чибил булусга ва бошқаларига бир-бир иймон уқутди. Ҳушидан кетган иккитаси ҳам саҳал ҳушига келиб қолган эди, буларга ҳам иймон уқутди. Булар уқушга қодир булдиларми, йўқми, маълум булмади. Ҳосили, қози тез-тез бир нарсаларни айтиб, дор тагидан қочмоқ фикрида эди. Бу вақтда Чибил булус узини ростлаб, далиллик ва баланд овоз билан: «У, мусулмонлар! Гувоҳ булунглар, ман ноҳақ кетаётибман. Манга бу ҳокимлар зулм қилдилар...», деб сузлаб туриб эди, ҳоким келиб; «Бас, бас!», деди. Унга қулоқ солмай яна сузлаб туриб эди, икки солдат келиб милтиқнинг қўндоғи билан 4-5 урди, шундан кейин индамай қолди. Бу ҳолда бири келиб дорнинг арғамчиларини тушуриб, сиртмоқларини очиб, тузатиб қўйди. Кейин икки солдат ерда турган халталарни ердан баробар кўтариб, олиб келиб, қатор турган банди асирлар бошига кийим-бошлари устидан кийдириб қўйди. Бечораларнинг оқ халталар ичида нима ҳолга тушгани бизга маълум эмас, ёлғиз оёқларига курунур эди. Дафъатан икки солдат эшонни дор тагига олиб келган

маҳал бошқа шерикларини ҳам етаклаб кетиб турган ҳолда иккиси яна беҳуш булиб йиқилди. Буларни судраб, дор тагига келтириб, унинг остига қўйилган икки погоналик курсига «Чиқ, чиқ», деб эшонни чиқарди. Шу ҳолда кафан ичида бир ўзи қадам қўйиб чиқди ва баланд овоз билан: «Эй мусулмонлар, биродарлар, гувох бўлинглар, мен ноҳақ тухмат билан кетиб турубман. Бола-чақаларим, майда-чуйда кўп эди. Бу ҳоким ва туралар яхши адолат қилмади. Тўғри ҳақиқат қилмади. Дуо қилинглар, шу золимларни...» деган вақтда бир туранинг ишорати билан бирдан сиртмоқларни солиб, курсиларни тепиб юбордилар.

Бу олтита кишидан иккитаси бир-икки буралиб, оғини уруб қимирламай қолди. Бошқалари фириллаб айланиб, буралиб, икки томон дорнинг ёғочига урилиб, ниҳоят қийналиб қўб овора булдилар. Буни кўруб турган ёш болаларнинг қўблари қўрқиб: «Дод, ота, она!» деб йиғлаб юбордилар. 4-5 тасининг ҳуши кетиб қолди ва йиқилди. Болалар турган тараф туполон булиб кетди. Аксар болалар қочиб чиқиб кетдилар. Одамлар булса: «Қўрқди, қўрқди! Болаларни орқага олинглар, юзига сув сепинглар!» деб, туполон қилиб юбордилар. Ҳушидан кетган болаларни дарҳол ташқарига чиқариб, одамлар бошларини уқалаб, машаққат билан ҳушига келтирдилар.

Шу туполон билан ёш болалар аҳволига овора бўлуб туриб, осилган бечоралардан ғофил буллубмиз. Кейин қимирламай туриб қолдилар.

Кейин дўхтир келиб, курсини қўюб, ҳамма осилиб турганлар қорнига бир-бир қўлоқ солиб имтиҳон қилиб, жон чиққан-чиқмаганидан хабардор бўлиб, олтовини кўриб, ярим соатга яқин фурсатда хат ёзиб, губернаторга топширди.

Бу хатни губернатор ўқуб кўруб, дор атрофида турган халқни чақариб «Яқин келинглар», деб ҳаммани яқин келтиргандан кейин, «Болалар қани, болаларни ҳам чақиринг», деб буюрди. Болалардан бир қанча қўрқуб, беҳуш бўлиб, юраги чиққанларини уч аравага солиб, эски шаҳарга тушуриб юборган эдилар. Бошқалари ҳам пиеда шаҳарга тушуб кетган эдилар. Бу хабарни айтганда катта оқсоқол қанча ҳақорат қилиб, хафа қилди ва кимнинг ижозати билан жавоб бердинг, деб сие-сатлар қилди.

Адоватга шундан зўр ва равшан далил булармикан, ёш болаларнинг ўликдан қўрқиши маълум гап. Айниқ-

са, бундай даҳшатли кунда ҳамманинг кўрқиб турганлиги бир тараф булса, онқадарким, болаларнинг кўрқиси яна кўбракдир. Бу аҳволни истибдодчилар билмади дейсизми?

ТАҲДИД (КЎРҚИТИШ)

Фаргона музофотининг эски мустабид хоинларидан бўлган губернатори Чайковский ҳамма фуқароларни эшон осилиб турган дорнинг тегига туллади ва такаббурлик билан туруб, бир тарафдаги тамом солдатларнинг милтигини уқталиб, мусулмонларга қарши тайёр қилиб қўйиб, шу таклифни қилди: «Мусулмонлар! Сизлар кузларингизни очинглар! Сизларнинг подшоҳи аъзам қошида айб ва гуноҳларингиз кубдир. Ичингиздаги Эшонга қушилиб исён қилғувчилар булса, тамом тутиб курсатиб берасизлар. Уларни бола-чақалари билан Фаргонадан уруғларини қурутуб, хонумонлари мусодара қилиниб, иморатлари тўпга тутилиб, ер билан яксон қилинади. Чокандаги авфон боғда зироатчи (агроном) турани ўлдириб, туғларини қонлатиб кетганлари учун шу авфон боғ атрофида булган маҳаллалардаги катта-кичик мусулмонларнинг қонлари билан подшоҳи аъзам аскарлари милтиқларини қонламасалар юраклари совумайди. Албатта, бу иш буладирғон, балки ҳукм қилингон бир ишдир. Чокандликлар узларининг гуноҳларини бизлардан сўрамоқчи булсалар, эшонга бордикелди қилганларни узаро курсатиб бериб, уз ичларини эшончилардан тоза қилишлари керакдир. Шундагина гуноҳлари афу қилиниб, уз жонларини саломат олиб қоладилар. Локин жойлари ва мулклари подшоҳ ҳазратларининг улган солдатларининг бола-чақалари фойдасига олинадир. Сиз, мусулмонлар, бепарволик қилмай, узларингиз исёнчиларни бир ҳафта ичида топиб бериб, тамом қилиб, ўз эътиқод ва ихлосларингизни билдиразиз!

Мана, подшоҳи аъзамнинг сиёсатини кўруб турубсизлар. Қаҳрамон аскарларини ҳам куз олдингизда қурмақда ва қаҳрлик сиёсатини бир оз танимоқдасизлар. Бутун ер юзининг импратурларини уз катталиги билан ларзага солган оқподшоҳга биргина Фарғонадаги халқнинг игтишоси ва исёни билан ҳеч футур келмайди. Балки узларингизнинг ер юзидан йуқ булиб кетишларингизга сабаб буласизлар. Мана, исённинг натижасини кўриб турубсизлар, яна ҳам кўрасизлар. Подшоҳ

ҳазратнинг қаҳр ва ғазабига гирифтор булмоққа сабаб буладиргон феъл ва ҳаракатдан минбаъд сақланишларингиз керак».

Шундан кейин «Сиз фуқарога жавоб», — деб ижозат берди. Ҳамма безиллаб турган эди, бирдан чувиллаб жунай бердилар.

Дорни тикар вақтида дорларнинг тегига одам буйдан пастроқ чуқурлар қазилиб, устига буйра ёпиб қўйилган экан. Бир туп солдатлар келиб, қўлларидаги шофлари билан аргамчиларни кесиб юбордилар. Ҳаммалари ерга чузулуб тушдилар. Кейин бир арава оҳак келтириб, олти кишини икки чуқурга ташлаб, устидан оҳак ташладилар. Ҳар тарафдан тупроқларни тортиб, бирор газ тупроқ тушгандан яна оҳак солиб, ҳосили тупроқни оҳак билан аралаш қилиб, қаттиқ телиб кумдилар.

Жаноза каби расм ул тарафда турсун, кўмишда мусулмон киши ҳам иштирок қилгани йўқ; ёзиб булмайдиргон хорлик ва мазлумият билан кўмилдилар. Кўмилгандан кейин тепасига ҳамма вақт навбатчи солдатлар кўюлиб, қараб турар эдилар ва эшоннинг ва бошқа рафиқларнинг авлодлари ва қавм-қариндошлари келиб, жасадларини олиб кетиш эҳтимолидан сақлар эдилар.

Осилганларни кўрган болалар уйларида неча кун бетоб бўлуб, кечалари чучуб уйғониб, уйқуларида шовқун солиб, туруб кетиб, неча кунларгача ота-оналари ухламай, болаларидан қўрқуб, асраб чиқар эдилар. Бу қўрқув натижасида бир неча болалар ҳалок булдилар. Хусусан, каминанинг кўшним шаҳрихонлиқ бир косиб одам эди. Ун бир яшар Абдуллатиф деган углини мактабга бериб, уқутиб юрган эди. Шу ҳодисада бу бола ҳам қўрққан экан, уйига келиб, неча кунлар чучиб ухлай олмай, озиб кетиб, улиб қолди.

Шаҳар ичида елгиз бу бечора булмай, балки уқуб турган болалардан кублари бу ҳодиса билан вафот топиб, ота-оналарни ҳасратда қолдирдилар.

У бечоралар истибдод жосусларидан қўрқуб, золимлар урнига эшонни қаргар эдилар.

ХАЛҚНИНГ ОВОРАЛИФИ

Фаргона ҳарбий губернатори эшонни осиб, ҳануз мазлумлар жасади осилиб турган вақтда «Улганнинг устига кўмган» дегандек қилиб, умумий мажбурий чиққан фуқароларни йиғиб, қаттиқ сиёсат билан қўрқу-

туб: «Ҳали Андижон халқининг гуноҳи куб, бутун Андижон туфроғини осмонга совураман, халқини тамоман ихрож қилиб, ўрнига ичкари Русиядаги беватан крестьянларни олиб келиб ўрнаштираман ва мол-мулкларини мусодара қилиш билан жазо бераман!» деган турли сиёсатлар қилиб, жавоб бергандан кейин, ҳаммага қаттиқ ваҳима тушди. Шаҳар халқи кўпинча ҳовлиларида чуқурлар кавлаб мол-амволлари ва яхши кўрган нарсаларини кўмиб, оғир асбобларини чуқур ҳовузларига ташлаб, қимматбаҳо гилам ва кигизлари бўлса, узоқ қишлоқларга юбориб, неча кунлар саргардон бўлуб, уйларида ётар учун кўрпа-кигиз қолдирмай, майда ва маъсум болалари билан қоқ ерда ётиб, куб оворалиқ тортдилар.

Неча кунларгача букун отадир, эрта отадир, деб хабар бўлуб, кундузи атрофларга тарқалиб қочиб кетиб, кечаси яна ҳовлиларидан умид узолмай келиб хабар олиб, яна саҳар туруб чиқиб кетар эдилар.

Бечора косиблар ва меҳнати устидан бола-чақа боқадиргонлар уз тирикчиликларини қилолмай, неча кунлар хилват жойларда: «Қачон милтиқнинг овози чиқар экан», деб қулоқ солиб юрар эдилар. Шундай ваҳимали ва хавfli кунларда: Андижоннинг эски шаҳари отилишдан қолибдир, аммо эшоннинг юрти ва қишлоғи бўлган Мингтепани текис қилмоққа куб соддатлар неча адад тўплар билан келган эмишлар, деган дув-дув гап чиқиб қолди.

МИНГТЕПАНИ ТЎПГА ТУТУШ

Дарҳақиқат, бу хабар саҳиҳ ва рост хабар экан, эртасига Мингтепа фуқароларидан баъзилари шаҳарга қочиб кетдилар. Булардан хабар суралса, жавобига айтадирларки: «Кеча вақти бор эди. Баъзилар энди турган эдилар ва баъзилар уринларидан турмаган эдилар, қишлоқнинг жануб тарафидан бирдан тўп (замбарак) ва милтиқ отилиб қолди, туполон бўлуб, уст-бош ололгани олиб, баъзилари майда болаларини кутариб ҳар ким ҳар тарафга қараб туриб кетди», деб, «Бизда нима айб, ахир, биздан келиб гап сўраса керак», деб бепарво турган Мингтепа қишлоқ фуқаролари устига кечалаб бориб, жануб томондан саҳар вақтида тўпга тутуб қолибдилар. Аксар хотинлар бешикдаги болаларини зўрға ешиб олиб қочибдирлар. Баъзилари шунга ҳам қодир бўлолмай, жонларини олиб қочганлар.

Шу паришонлиқ ҳолда баъзи тудаси шимол тарафдан Наманган тарафига, баъзилари ғарб егидан Марғилонга ва бир оз қисми Андижонга қочиб кетишдилар. Кублари Наманган билан Марғилон ва Уш шаҳарларига қочган эдилар. Зероки, уша кунларда Фаргона музофотига қарашли шаҳарлардан Андижонга қараганда уша шаҳарлар тинчроқ қурилган эди.

Мингтепа борган солдатлар уч кун муттасил кузларига кўринган халқни, ҳатто «машқ» деб товук ва итларгача отиб юборган эди. Уч кундан сунг Мингтепа қишлоғининг ичида ҳеч ким қолмагондан кейин солдатлар кириб, талон-тарож қилиб, тамом кўрпа-тушакларни олиб чиқиб, кигиз ва гиламларни Мингтепанинг катта Ййдгоҳ масжидига йигиб, ҳатто коса ва табақларини шу масжидга тулади ва ким булса булсун, атрофдаги қишлоқлардан мингбошиларга қилган буйруғи билан мардикор чақирди. Атроф қишлоқлардан ҳар қайси мингбоши қул остидан 2000 дан мардикор ёзиб, олдириб келди.

Мингбошилар 2000 дан мардикорларни ўзларини олиб бордилар. Мингтепа қишлоғининг тамом иморатларини очдилар. Иморатлар урнидан нима чиқса ва нима нарса топилса, топган мардикорнинг узига берди. Уй эгалари, мингтепаликлар қўрқуб, асло бормас эдилар. Борсалар ҳам мардикорлар қаторида ишлаб келар эдилар. Ҳосили 15 кун одамларни шу ҳолда мажбурий ишлатиб, тамом қишлоқнинг баландлигини пастга олиб, текис, баробар, мусаттаҳ қилиб қўйди. Эшон ҳовлисини булса, 15-нчи кун Андижон ҳокими ва губерна-тури ва қуб туралар бориб, бир қанча землямер (танобчи)лар ва муҳандислар воситалари билан тамом маҳфий ишларини ва гапларини очиб, план қилиб, суратларини олиб, камокан деворлар орасидан қўйилган қувур, трубаларнинг планини қилиб, фуқароларга кўрсатиш учун бостириб чиқариб соттирди.

Эшонда пул, давлат ва хазина қуб эди ва уйларидан бир ерга кўмгандир, деб гумон қилиб, мардикорларга неча кунларгача кавлатиб, ниҳоят овора бўлдилар.

МИНГТЕПАГА МУСТАМЛАКАЧИЛАРНИ ЎРНАШДИРИШ

Мингтепа қишлоқ халқига текислатиб, тамом мусаттаҳ қилгандан кейин уезд ҳокими тўрт-беш ер улчайдирган туралар билан чиқиб, 8 кунда тамом Мингтепани мужикларга чек қилиб улчади. Уртасидан туғри

кучалар чиқариб, кучанинг икки томонидан хоҶа-жойлик иморат тарҳини қилиб чизиб, турт юз эллик хоналик бир посёлка планини тайёрлаб қўйди.

Эшон хонақоҳининг урнини текислаб, черков қилишга қарор қилинди. Бу иш эса мусулмонларни хафа қилмоққа булган бир хусумат эди, булмаса бутхона қиларлик баланд ва соз жойлар ҳам куб эди. Кейин ородан бир ой утганда, ичкари Русиядан ниҳоят куб мужиклар келиб қолди. Буларнинг ҳар қайсиларига қарз ва ёрдам пули топиб бериб, шу Мингтепада тайёр ва план қилиб қўйгон жойларга хона, жой бериб, урнаштирдилар. Лекин буларнинг тамом иморатлари битганча мусулмон деҳқонларини навбат билан мардикорликка олиб келиб ишлатиб турдилар. Уша 1898-нчи милодийда ҳар бир мужик мусулмонлар кузига ниҳоят ваҳималик ва зур қурқинчилик катта одам бўлуб кўрунар эди ва мусулмонлар булардан куб қурқар эдилар! Ёлғиз қишлоқ фуқароси эмас, балки шаҳар халқи, ҳатто савдогарлари ҳам куб қурқар эдилар. Ҳар бири, хоҳ шаҳарда булсун, хоҳ қишлоқда мусулмонлар кузига азроилдек кўрунар эди.

МИНГБОШИЛАР

Чор ҳукуматининг биринчи муддаоси ҳар амалга булсун бойларни қўйиш эди. Ҳатто унинг паст амал ва мансабдорларидан булган маҳалла бошлиқ (элликбоши)ларни маҳаллалар сайлаб берар булсалар, обрулик ва ер-сувлик ва халқ ичида эътиборли одам булсун, деб буюрар эди. Ҳар амалда бойлар булгани учун сармоя тарафдорлари булган мустабид ҳукуматларга ҳар жиҳатдан яқин булмоқлари бадиҳийдир.

Пристуфлар ва ҳокимларнинг бутун деярли овқат ва таъминотлари мингбошиларнинг устига булуб, бир сўмлик нарса олиб берсалар, бечора фуқародан ун сўм қилиб олиш йулини ахтарар эдилар ва чорасини қилар эдилар.

Мазлум камбағал-косиб фуқародан улуг тураларга берган пораларини ун баробар қилиб олмоққа икки жиҳатдан қодир эдилар. Биринчи, умумий халқдан кура сармоя хусусидан кучлироқ булганлари булса, иккинчи томондан, сармоя тарафдори булган эски тураларнинг сармоядор амалдорлар тарафида турганлиқлари эди. Бунинг учун умумхалқни эзишда ва зулм қи-

лишда ҳеч кимдан жирканмас эдилар. Ҳар уч йилда бир маротаба сайловлар булар эди.

Яна шундан булар сайлов утганчагина буйинларини қисиб, бир оз мулла мушук булар эдилар. Бой кишининг бечораларга курсатган озгина буюн қисииши ҳам камбагаллар учун катта обру булуб, уч йил ичида курган зулмлари эсларидан чиқар эди. Бор-йуқларини қоқиб олган туралар сайлов устида: «Бу мингбоши оқподшоҳга яхши хизмат қилди, бизлар розимиз, десалар, узини қайтадан сайлаб кўяр эдилар.

Булар сайланиб, приказ(буйруқ)ни олгандан кейин, қулига тупириб, сайловда сарф қилган мол-пулларини топмоқ учун баҳона истар эдилар. Мана шу баҳона ва излашларга Йикчи эшон ҳодисаси зур сабаб булуб, бечора фуқаро учун куллан зиён ва қўрқинчли булса, амалдорлар ва ҳоким (уез бошлиғи), пристуф ва мингбошилар учун топилмас шодлик бўлди.

Эшон ҳужум қилган кун эртасидан тортиб бир йилгача тамом буларнинг зулми тобора авж олиб, кўб кишиларни хонумонидан ажратдилар.

Бир кишини эшонга қарашли деб қамаб қуйсалар, юқориға ропурти чиққанда, эшон ҳодисаси зулмга катта баҳона бўлгани учун, терговчилар кузига зур иш ва катта жиноят эгаси булуб курунуб, кўб йиллар Сибирга ҳайдалар эди. Бечорани ажратиб олмоқ пайига тушган қавмқариндошлари тамом бор-йўгини сарф қилиб, ҳатто ер ва мулкларини сотиб, терговчиларга пора деб берсалар, натижада яна узларини осиш ёки Сибирга юборишга қарор булар эди. Бу ҳолда ҳам мол кетиб, орқасида қолган авлоди камбагаллик балосига йулуқиб, ҳар ерга борса, гапи утмай муттаҳам булуб, камдастлик ва бечораликка одат қилмагани учун чидай олмай, охири утрилик ва бошқа турли ишларга киришгани кўрилар эди.

ҲАКАНДНИНГ ВАЙРОН ҚИЛИНИШИ

Уез маҳкамасида хизмат қилувчи мирзо бир кун: «Ушбу кун Мингтепани хароб қилиб бўлган солдатлардан «Шаҳарга қайтишда Йикчи эшоннинг юрадургон йулларини икки томондан 15 газдан бузиб борсақ, ҳам кучалар катта бўлиб қолар эди, ҳам ушбу куча юрган одамларнинг хотираларига подшоҳи аъзамнинг исёнчилар ҳақида қиладирган танбиҳи тушуб, сиёсатимиз ян-

гиланиб турар эди», деб ижозат сураган хат келди. Катталар унинг маслаҳатига киришдилар. «Агар эртагача шу гап маъқул бўлиб чиқса, шаҳар ичидан ҳам куп ҳовли ва жойлар бузулуб кетадир», деган хавфли хабарни олиб келди.

Бу ёмон гап қулоқдан қулоққа эшитилиб, шаҳар ичида эшон юрган кучалар четида бўлган одамларга маълум бўлуб, ниҳоят бесаранжомлиққа тушдилар.

Кечалари ухламай, бола-чақалари билан губернатор инсофини тилаб чиқдилар. Эртаси кун яна маълум бўлдики: «Бу гап манъ қилинибдир, лекин Ҳаканднинг* янги шаҳар тарафидаги Авғон боғ деган машхур зироат тажрибагоҳидаги агрономни улдириб кетганлари баҳонаси билан янги шаҳарни кенгайтириш учун Авғон боғ атрофидан шаҳарга келганча тамом бузуб, ҳозирги янги шаҳарча жойини қушар эмиш. Бу ҳисобга қараганда Ҳаканд қишлоғининг ярми энг обод боғистон ва хуш иморат тарафи вайрон қилинар эмиш», деб.

1898инчи йили 25 саратонда бир туп землемер (ер улчовчи)лар Ҳакандга чиқиб, янги шаҳарга зич (қушилган) яқин жойларни Авғон боғдан бошлаб улчаб, байроқ тутиб келдилар. Бу байроқлар Ҳаканд фуқароларининг энг обод иморат ва ҳовлилари ва боғларига туғри келган эди. Айланаси тахминан 5 чақирим жойгача вайрон қилиш аломати бўлган байроқ қурилган эди.

Вайрон қилишга маъмур бўлган туралар тахминан 25 кун Ҳаканд қишлоғида юриб, Йикчи эшоннинг юрган йулини уртага олиб, янги шаҳарнинг кун қуруш тарафини тамоман бузиш учун улчаб, аломатлар қўйдилар.

Бу аломатлар қўюлуб, вайрон қилинмоғи собит бўлгонидан кейин бечора ватан эгалариким, тахминан 500 уйлиқ хона ва боғлар эди, буларнинг ҳаммалари тупланиб, турли-туман аризалар билан Тошкентгача мурожаат қилиб, сиёсат эшитиш ва ғамгинликдан бошқа ҳеч нарса кўрмадилар.

Бир кун буларни губернатор чақириб: «Сизлар ҳеч жойга овора бўлиб арз қилманглар; аризаларингиз қабулга кирмайдур, худога шукр қилингларким, подшоҳ император муаззам сизларнинг жойларингизни мусодара қилиш билангина қўйди. Ҳаммаларингизни қатлиом

* Ўйибор қилган булсангиз, матнда «Қуқонқишлоқ», «Чокан» ва «Ҳаканд» келди. Бош таҳририят ихтиёрида асл манба йўқлиги туфайли аниқликни нашрга тайёрловчилар ҳукмига ҳавола этдик, узгартиришга ботинмадик — Муҳ.

қилиб, бола-чақаларингиз билан ер юзидан қириб юбориш эҳтимоли бор эди. Аммо оқ подшоҳ сизларга иноят ва марҳамат қилди. Энди сизлар 15 кун муддат ичида байроқ тикилган жойлардаги иморат ва боғларингиз булса, очиб, бушатиб қуйинглар! Булмаса, 15 кундан сунг солдатлар орқали тупга тутиб текис қиламиз. У ҳолда иморат ва асбоб-рузғорларингиздан маҳрум қоларсизлар. Ҳам узларингизни подшоҳи аъзам фармониға қаршилиқ қилганлар қаторида кўриб, жазоға мустаҳиқ қилинадир, чиқинглар!» деб ҳайдаб чиқарди.

Шундан кейин бир қанчалари пул туплаб Тошкентга арз қилмоқ учун бир неча одамларни юборган эдилар. Лекин булар қайтиб келгунларича у ердаги ҳокимлар қолганларини чақириб: «Нима учун шу вақтгача очмайсизлар», деб, неча хил дашномлар билан сиёсатлар қилиб турган эдилар. Қайтиб келиб, бош губернатордан қаттиқ сиёсатлар ва дашномлар эшитганликлари ва арзларининг тингланмаганини билдирдилар. Кейин Андижон уез ҳокими буларни, 15 кишини қамаб қўйди. Баҳонаси «Сизлар Тошкентга бориб арз қилибсизлар, гуёки бизларнинг ҳукмимизга норозилик изҳор қилибсизлар!» демак эди. Купчилик бориб, буларни қамоқдан кутқармоқчи бўлганда, бир ҳафта муддат ичида иш бошламоққа тилхат бериб, йиғлаб-йиғлаб қайтишдилар.

Бу кунларда ҳам атроф тоғлар ва қишлоқлардан баъзи мингбошиларга ёки аминларга бир замонда ёмон суз айтилган булса ёки адовати булса, у одамни олиб келиб, аввал бир нарса чиқса — хуб, чиқмаса, дарҳол «Эшоннинг муриди ёки мухлиси эди», ропурт бериб, фалокатга дучор қилар эдилар. Маъмур бўлган туралар уз аскарлари билан чодирларини тикиб, халқ кузида ҳар кун машқ қилиб турдилар. Бир кун тамом фуқарони чақириб, губернатор томонидан берилган фармон қозонини ушлаб туруб халққа шундай амр ва фармойиш қилдики: «Агар сизлар ушбу кундан бошлаб байроқ тикилган жойлардаги иморат ва боғларингизни бузиб, бир ҳафта ичида саранжом қилиб, яланг қилмасангизлар, биз узимиз бузамиз. У вақтда сизлар ҳеч нарсангизга молик бўла олмайсизлар, ҳар нарсаки қулимизга кирса, улган солдатларнинг фойдасига олинадир. Эртдан иш бошласангизлар хуб, то сизлар тамом очиб олиб, яланг қилиб бизга топширганларингизгача узимиз устида турамиз. Шунга кунмасангизлар, узларин-

гизга ҳам Йикчи эшонга берилган жазо бериладир. Шунга нима дейсизлар?» деганда халқ замоннинг қурқинчли вақтидан хавфланиб: «Тақсир туралар! Бизга бу йил фурсат берсангизлар, меваларимиз ва узумларимизни йиштириб, сотиб олсак. Қўлимизга пул тушиб, кейин бир жойга бориб ватан қилиб ултирсак, алҳол, бузуб ол, дейсиз, қандай қилиб шу мева қилиб турган дарахтларни кесамиз?», — деб арз қилдилар.

Золимлар бераҳмлиқни интиҳосига етказиб: «Бог, иморат оқподшоҳнинг қўл остида йўқдир. Унинг ҳукмини бажо келтиришдан бошқа чора йўқ. Эртага бузасизми ёки бузмайсизми? Шунга айтасиз, агар бузмас экансизлар, бу кун биз тўп қуввати ила вайрон қилиб ер билан баробар қиламиз. Узингизни импратур аъзамга қарши бўлган ва ҳукуматга қаршилиқ қилганлар қаторида ҳисоб қиламиз. Гап, шул, ҳайда, ... жўна...!» деб қўвиб юборди.

Мазлумлар йиғлаб-йиғлаб тарқалгандан кейин отарава тарадуд қилиб, эртаси асбоб ва рўзгорларини бушатдилар. Қишлоқнинг четидаги ҳовлиларга ташимоққа бошладилар. Ғоят шошилиш суръатда рўзгорларини ташиб кейин қон йиғлаб иморатларни очиб ташладилар, бу йиғлаб юрган мазлумлар устига туралар ва солдатлар келиб: «Санми, эшон!», — деб масҳара қилар эдилар. Бир деҳқоннинг қўп йиғлаганини бир солдат кўруб: «Нима учун йиғлайсан?», деб савол қилади. У жавобига: «Ҳоким губернаторларнинг бераҳмлигига, биздек камбағал фуқароларни беҳонумон қилганига ва бола-чақаларимиз билан кучада қолганимизга йиғлайман», деганда: «Сен ҳоким губернаторни золим дединг», деб гувоҳ бўлиб ун йиллик Сибирга ҳукм қилиб, бола-чақаларига кўрсатмай жўнатиб юборилгандир.

Мана бу зулм хабарини бошқалар эшитиб, ҳар қанча йиғласалар ҳам бирорта солдат ё турани курсалар, дарҳол ўзларини тўхтатиб, йиғламас булар эдилар. Ҳатто хотин-қизлар ва бола-чақалар вақт танг, фурсат оз қолгани учун баробар кеча-кундуз ишлаб, қўлларига бир ҳафта ичида кирган нарсани ганимат билиб қолди. Шу жойда бир чолнинг йиғлаб турганини хабар олиб турган бир тура кўриб қолиб: «Нима учун йиғлайсан?» деганида у: «Э болам, оқ подшоҳимизнинг ўлган аскарларига, бола-чақаларининг минбаъд кўрадирган кўнларига раҳмим келиб йиғлайман», деб жавоби мунофиқо-

нани берганида, индамай кетгандир. Шу киши ҳозир ҳаёт. Ҳз оғзидан сзилди.

ЎЛИКФУРУШЛАР

Истибдод тарафдорлари булгон оч бурига ухшаган тура ва чиновник-мансабдорларни биз, Туркистон элини зулмнинг қанча нави булса, ушанча нави билан алоҳида-алоҳида азоб бериб, раҳмсизликлар билан ерли халқнинг анжомини ва айбларини зўр жиноят қилиб, қулида бор мол-амлоқларини тортиб олар эдилар. Жиноят қилмаган киши кичкина бир айб билан қамаб қўйилиб, дарҳол миёнча ҳам асрорлари воситаси билан бирмунча пулга басеъ булар эди. Бу ҳол маъруф ва машҳур одатлар қаторига кириб қолди.

Шунинг учун биз Туркистон камбағалларини чор золимлари ҳамиша бир тўхмат билан гирифтор булуб турмоғимизга толиб булуб доимо улумтук излаган ҳужагатдек кўзларини бизларнинг устимизга тикиб ўлтирган эдилар. Йикчи эшоннинг тоғ ва тошдаги, шаҳар ва қишлоқларда ошкор зулм ва қаҳрларига чидамай, жонидан тўйиб қилган ҳужуми зўр баҳона булуб, фуқарони икки тарафдан муддаларининг борича ва қўлларидан келганича эзиб ёмонлиқларини қилдилар. Солдатларини куча ва саҳрода ётқизиб қўйиб, юқорида курсатилгандек, 15 кунгача қимирлаган жонни қўймай отиб турди. Бейхтиёр ишлагашга ва мардикорчиликка, айниқса, қўрт тутган ва вақти бўлгани учун барг кесишга борган меҳнатчи бечораларни тутдек тукиб, уликларини ит, қуш еб кетди. Ҳатто қатиг ва сут сотмоққа кетиб турган маъсум болалар бераҳмлиқ билан отиб ўлдирилди.

Маъсум болаларнинг ота-оналари ўзлари кучага чиқа олмай ёки болаларининг ўлиги устига боролмай, кечалари солдатларни оҳиста чақириб, болаларининг ўлигини топиб бериш учун басеъ қилиб, қўб миқдорда пул бериб, топиб олдиран эдилар. «Пора берилса, уликларни солдатлар оҳиста топиб берар экан», деб қўб кишилар бу йул билан бориб солдатлардан ўликларини сотиб олар эдилар. Бора-бора бу иш тураларга ҳам маълум булуб, булар ҳам мусулмонлар билан кечалари сузлашиб, уликфурушлиқ қилишга киришдилар.

Биз фуқаронинг беғуноҳ ўлганларимиз етмай, ўз

улик жасадларимизни уликларига ит, қуш тегиб, қайси-си қулсиз, қайсиси оёқсиз ва қайси бирисининг юз-кузи йиртиқ ҳолда сотиб олинган. Бундан бошқа қалам билан такрор қилиб булмаслик даражадаги ҳақоратлар тирикларимизгагина булмай, улган она-иниларимизга ҳам теккан эди. Мана бу каби ҳақоратни моддий зиёнимиз ва чор ҳукуматининг Туркистон деҳқонларига қилган моддий ва маънавий адовати ва золимлиги деб ном берсак, ёлгон ёзмагон буламиз.

Мана бу ҳол ҳамма қишлоқлардан кура куброқ Йикчи эшоннинг ватани булган Мингтепа билан янги шаҳарнинг жануб тарафидаги Ҳакандда булгандир. Хусусан, вайрон қилиб, янги шаҳарга кучканча 25 кунга яқин бу зулм ва сиёсат давом этиб турган эди.

ВАЙРОНА ВА «МАРҲАМАТ»

Шақоватпаноҳ туралар, фалокатмаоб ҳокимлар Андихон шаҳрининг боғ ва бустони булган Ҳаканд қишлоғини «Йикчи эшоннинг юрган йули» деб баҳона қилиб, юқорида ёзилгондек, ватан эгаларини милтиқлари билан отиб улдириб, қанча болаларни етим, қанча хотинларни тул қилиб, обод боғ ва бустонлиқ навниҳол дарахтларни илдири билан уз эгаларига кестириб, ишком (валиш)ларни буздириб, ҳатто теп-текис қилдирдилар. Ҳаканднинг текисланган жойини бир қанча солдат ва туралар чиқиб айланиб кўрдики, 25 кун илгариги боғ ва бустонлардан асло нишона қолмаган. Уша кун тездан миршаб ва мингбошиларни чоптириб, тамом Ҳаканд ва шаҳар фуқаросини тўплади ва ҳамма ҳозир булгандан кейин ушбу жойда иморат ва боғлари булган кишилар бир тарафга турсин, деб буюрди.

Бечора фуқаролар: «Биз иморати бузилганлар ҳамон гуноҳқорлармикан? Иморатларимиз вайрон қилинди. Энди ажраб, бошқа алоҳида турмоққа буюриши отиб юбориш учунмикан? Еки қамаб қуярмикан?», деб халқ ичига уриб, юзларини пана қилар эдилар. Бечоралар нима қилсинлар? Маним иморатим бузилган эди, деб ҳеч ким кўпдан айрилиб чиқмади. Шунинг учун бу хил суз бошлади:

«— Эй, мусулмонлар!

Сизларнинг устингизга ёмон қуш соя солгон эди. Император аъзамнинг қаттиқ ва қаҳрлиқ ғазабига туг-

ри келган эдингизлар. Лекин у баланд даражали Туркистон вилоятининг генерал-губернатори сизларни аяб, халқда гуноҳ йук, гуноҳ қилгувчиларни беғуноҳ халқ узи ушлаб курсатиб берди. Айбдорларнинг ҳаммаси жазо ва сазосига етқурилди ҳам етқурилмоқдалар, деб неча дафъа телеграмлар бериб, шафқатли оқ подшоҳ ҳазратларидан сураб олдилар.

Бинобарин, сиз Ҳаканд фуқаролари соғ-саломат қолдингизлар. Энди сизларни куп илтижо билан сураб олган бош ҳокимни подшоҳи аъзамнинг қошида ёлғончи қилмай, ичингизда булган император аъзамга тиг тортган гуноҳкорларни узларингиз курсатиб беришларингиз керак.

Агар курсатиб беришдан ибo қилсангизлар, махфий хат қилиб, тегишли амалдорларга берсангизлар, узлари топиб оладилар. Чунки ойинадан равшанроқ биламизки, сизнинг ичингизда хоҳ катталардан, хоҳ кичиклардан булсун, уша исёнга қушилганлари купдир. Лекин сизлар ҳали ҳам у олампаноҳнинг ғазабларидан қурқмайсизлар. Қурқмаганларингизга далил шуки, то ҳанузгача уз қулларингиз билан бир кишини ушлаб берганларингиз йук. Кимки тутилди, подшоҳи аъзамнинг тузини риоя қилган амалдорлар воситаси билан ушланди. Аммо сизлар уйламангларки, айтмасак, махфий қоладир деб. Бизлар Андижон шаҳари ва уездининг аҳолисини ғалбирдан утказгандек тафтиш қиламиз. Ул ҳолда исёнчиларнинг узи ажралиб қоладир. Бу йул билан топилғонда сизлар ҳам уша исёнчилар қаторидан буллуб, балки исён қилганларни сақлаганингиз учун гуноҳ қилувчидан ҳам қаттиқроқ ғазабга қолсангизлар керак. Мана, энди бу вайрон қилинган жойлар хусусига келсак, аслида у олампаноҳ импратур аъзамга тиг тортгувчиларнинг бир қитъа жойларини вайрон қилиш билан эмас, балки уша шаҳарнинг эли ва уези билан остини устига қилмоқ ва уша шаҳарда асло қимирлаган жонни қуймаслиқ билан булар эди. Андижон шаҳрининг жами уездлари билан Фаргона музофотининг обод ва манфаатлик шаҳарларидан булгани учун ҳам шаҳарнинг куп фуқаролари бу воқеадан беҳабар булганлари бизнинг олдимизда собит булгани учун ман Фаргона губернатори, у баланд даражали ярим подшога куп илтижо қилганим ва сиз аксар халқнинг бу афсуслиқ воқеадан беҳабарликларингиз ва гуноҳ қил-

моқда Йикчи эшон билан шерик эмасликларингизни куп ёзганим учун у баланд даражалик бош ҳоким маним хотирам учун подшоҳ аъзамга ёзиб, эшонни ватани Мингтепа билан Ҳаканднигина қатлиом ва текис қилишга у олампаҳоқ оқподшоҳ ҳазратларининг улуғ ғазабларини ҳаср қилинган эди.

Мингтепа булса тамом бўлуб, ёлғиз номини қолди. Ҳакандга келсак, Андижон шаҳаригагина эмас, бутун Русияга мева етказиб тургон бир обод боғистон ер бўлуб, ҳосиллик жойи мулоҳазасида ҳам куп майда мавали дарахтларнинг нобуд бўлуб кетишини назарда тутиб, яна подшоҳи аъзамнинг улуғ меҳрибонлиги ва шафқатига суяниб туруб Тошкентга — ярим подшоҳ ҳазратларига ёзиб эдим.

У баланд даражали ярим подшоҳ импратур аъзам боргоҳлариға илтижо қилиб, ҳарбий вазир муҳтарамларини иноятли маслаҳатлари билан исёнчилар узаётқан ва охири тўхтаган жойи Ҳакандни бузуб ва сарнугун қилиб, номини олам юзидан йўқотмоқ билан у олий ҳазрат импратур аъзам ғазабларининг шуъласини учуриш билан подшоҳ ҳазратларига манзур қилиб сиз Ҳаканд фуқароларининг ҳам алҳол бузилмайдургон жойларингизни тилаб олдик. Ёлғиз исёнчиларнинг овози етган ва охири тўхтаган жойгача тахмин қилиб, шу хароб этилган жойдан ташқарисини эли билан соғ-саломат сақлаб қолдик. Шунинг учун сизлар доимо у олампаҳоқ оқподшоҳнинг хонадони муаззамлари билан куб йиллар салтанат тахтида иззат билан барқарор бўлмоқлариға ва уртада восита бўлуб тилаб олган у баланд даражали ярим подшоҳ ҳазратлари ва унга қарашли барча амалдорлар ва тўраларининг узун йиллар умр кўруб, йўлбошларингизга соябон бўлмоқлариға дуо қилинг!..

Аммо жойлари вайрон қилинган ва иморат-боғларидан ажралганлар жонларидан ва бола-чақаларидан ажралмаганлари учун доимо шуқр қилсунлар. Шундай жойларидан ажрамоқлариға сабаб бўлгувчи исёнчиларни ҳар жойда ҳам бўлса, кўрсатуб берсунлар. Узларининг ва подшоҳи аъзам аскарларининг учини чиқарсунлар».

Шундан кейин у баланд даражали ярим подшоҳнинг Ҳаканд номини ер юзидан маҳв қилмоққа берган ваъдалари юзасидан бу янги майдоннинг номини нимага қўйсак бўладир, деб мусулмонлардан исм сурайдир.

Амалдорларнинг узлари ҳам тўпланиб, маслаҳат қилиб, улар уртасида икки ном талаши бўлди. Бир тараф бу майдонни кучаларга тақсим қилиб, уртасидан бир катта куча олиниб, номини «Духовский куча» қўямиз, чунки ярим подшоҳ бу жойни сақлаб, элини қатлиомдан олиб қолди, дедилар. Яна баъзилари, алҳол, янги шаҳарнинг узи катта, ҳар қанча одам бўлса, яна кифоя қилади. Хануз бўлмаган кучаларни бўлди қилиб, кейиндан куча бўлмай экин экилуб кетса, ярим подшоҳнинг номи учуб кетадур. Бинобарин, катта экин жойларнинг номини қўйсак бўлади. «Духовский махраъ» бўлсун, дедилар. Мусулмонлар маслаҳатига қараса, булар уртасида анча хил гап бўлуб, бир тараф «Ярим подшоҳ вайрон қилган» («Духовский вайрона») бўлсун, дейди. Иккинчи тараф «Ярим подшоҳ харобаси» бўлсун, дейди. Учунчилари «Духовский майдон» ва туртинчилари «Подшолик» қўямиз, дейди... Баъзилари: яхшиси ва осонгинаси «Вайрона», дея қолайлик, дейдилар. Буларнинг устига мустабидчилар келиб: зинҳор вайрона лафзини қўшманглар, ким «вайрона» деса, иштраф қиламиз, деб манъ қилдилар. Охири «Духовский майдон»га қарор бериб жунадилар. Узбеклар уртасида «Вайрона-вайрона», деб шуҳрат топди. Муниг дафъи учун неча мартаба манъ қилиб, буйруқ қилсалар ҳам бўлмай, то бу кунларгача вайрона исми билан ёд қилинмоқда қолди. Ҳали ким бўлса бўлсун, вайрона деса, дафъатан билинади. Истибодчиларнинг беғуноҳ халқ устига қилган зулмини то бу кунгача равшан кўрсатиб турадур.

Аскарлар Мингтепани халқи билан тўпга тутиб, қари ва ожиз кишилар ва ёш болалари тўпнинг ўқи билан парчаланиб кетдилар. Тамом иморатларини вайрон қилиб ташлаб бўлгандан кейин, тўпга тутмоққа борган солдатларнинг бошлиғи 25 кундан сунг Андижон шаҳрига келиб, губернаторнинг қилган зулми ва ситамининг отини «подшоҳи аъзамга тиг кўтаргувчиларга танбиҳ» қўйиб, ропурт топширди. Бу топширган ропурти эски дафтарлар сақланадурган архивларда бўлса керак.

Йикчи эшон қишлоғи булган Мингтепани гурис-тонга айлангандан кейин ярим подшоҳ ички Русияга бориб, турт юз уйлик мужик талаб қилди ва мужикларга Мингтепа қишлоғини марҳамат қилдик, деб қишлоқ отини «Марҳамат» қўйди. Саратов ва Самара та-

рафлардаги ранг-руйига қараб бўлмайдургон ифлослардан Андижонга тўрт юз уйлик етиб келдилар. Буларнинг ҳаммасини хотин, бола-чақалари билан Мингтепага олиб бориб жойлаштирди.

Бу янги келган «меҳмон»ларнинг атроф қишлоқлардаги мусулмон деҳқонларига қилган зулмлари асло айтилиб битирилмайдирган ва бепоендир. Бу келганлар андак кунда бой бўлуб, қишлоқ фуқаросининг кўпини ўзларига хизматкор қилган эдилар ва Фаргона фуқаросини истисмор қилишда нар хардек шовқун солар эдилар.

ИСТИБДОДНИНГ ЎЛУМИ

Мустабид чор ҳукуматининг ҳарбий тўралари Йиқчи эшоннинг ҳужум қилишидан бир йил кейин аскарларини келган жойларига қайтардилар.

Бир йил утганча ҳадик қилиб, 2500 та таловчи аскарлари ҳамшиша эски шаҳар ва янги шаҳарни айланиб, бечора мусулмонларни ўзларига ёлбортириб, табиатлари хоҳлаган бузғунчиликларни қилиб юрдилар. У вақтда истибдоднинг ҳар бир солдати мусулмонларнинг кўзига «фил»дек қаҳрамон-қотил бўлуб кўрунар эди.

Ҳеч кимда ҳад йўқ эдики, буларнинг раъйини қайтарса. Кўчада кўзларига нима кўринса, қўл солиб, олиб кетар эдилар.

Мулла Аҳмадали деган читфуруш бор эди. Бу кишидан бир солдат келиб, 8 газ чит олган ва пулини бермай кетиб турганда, читфуруш пулини талаб қилган экан, қўлидаги милтиқнинг қўндоғи билан бошини ёриб ва узини палитса орқали бадбахт тўраларга судраб бориб, «Саккиз газ чит олиб, 5 сўм бериб эдим, ошган пулини қайтиб бермай, муттаҳамчилик қиладир ҳам узининг бошини устунга уруб, қонатиб: «Сенинг ҳам улгинг келдими, улсанг сан билан 24 та бўладир. Сизлардан қутулар кун борми?», — деди деб даъво қилганда, у вақтдаги сиёсатлардан юрак олдирган сабабли кўрқуб кетиб: «Эҳтимол, беш сўм берган бўлса, мен саҳв қилиб хаёлимдан чиқарган бўлсам, бу ҳурматли солдат афанди ҳеч вақт ёлғон айтмасалар керак», — деди.

Унда пристуфнинг газаби келиб:

— Оқ подшоҳ ҳазратларининг солдатларини қандай

ёлгончи қиласан! Ҳам унинг ҳақида тухмат қилмоқчи бўлуб, бошингни узинг ёрасанму? — деганда, Мулла Аҳмадали:

— Йўқ, тақсир тура, бошимни бу солдат оғамиз уруб ёрди, наинки киши ўз бошини ўзи ёрса, — деган вақтда, тутқан миршаби:

— Ёлгон айтма, ман ҳам кўрдим. Узинг устунга уриб ёрдинг, — деб ёлгон гувоҳлик берди.

Бунинг гувоҳлиги билан уни уч кун қамаб, читнинг гази йигирма тийиндан экан, 8 танга бўлади; 3 сўм 40 тийин ошиқ пулини ҳам бер, деб олиб бергандир. Бекорга шунча калтак еб, саккиз газ чит билан 3 сўм 40 тийин ёнидан пул тулаб, ҳам 3 кун қамалиб чиқди.

Мазлум халқ узун замонлар тортиб келган хорлиқ ва зорлиқ, зулмнинг натижа ва оқибатини куруб туруб-дирмиз...

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
---------------------	---

РОССИЯ БОСҚИНИ АРАФАСИДА ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

Бухоро хонлиги	11
Хива хонлиги	21
Қўқон хонлиги	29

РОССИЯ ИСТИЛОСИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ

Туркий давлатлар ва руслар	38
Олтин Ўрда, Туркистон ва рус князликлари	42
Амир Темурнинг Олтин Ўрдага берган зарбаси ва унинг оқибатлари	47
Хива хонлигига қарши ҳарбий юришлар	51
Қозоғистонда рус ҳукмронлигининг урнатилиши	67
1839 йил. Хива хонлигига қарши тажовуз	71
Хива хонлигига қарши қайта ҳарбий юриш уюштириш ҳаракати	75

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА РУС ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ УРУШЛАР

Қозоғистон ва Қирғизистондаги жанглар	79
Туркистон ва Чимкентнинг буйсундирилиши	126
Генерал Черняевнинг Тошкентта босқини	141
Иқон жанги	147
Тошкентнинг урушиб олиниши	150
Аҳднома тузилиши ва «Тошкент хонлиги» хусусида	179
Тошкентда бошқарув тартиби	195
Қўқон хонлиги билан Туркистон вилояти ҳарбий губернаторлиги ўртасидаги муносабатлар	201

РУС ДАВЛАТИ ВА БУХОРО ХОНЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ҚОНЛИ ТўқНАШУВЛАР

Хонликдаги вазият	208
Жиззах ва Оқжардаги жанглар	217
Хужанднинг босиб олиниши	231
Уратепа ва Жиззахдаги жанглар	241
Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил топиши	252

Самарқанднинг босиб олиниши	257
Шаҳрисабз атрофи, Каттақўрғон ва Зирабулоқдаги жанглар	268

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

XIX асрнинг 40—60- йилларидаги ҳарбий тўқнашувлар	293
Хиванинг босиб олиниши	313

Қўқон хонлигининг тугатилиши

Худоёрхон ва Россия тажовузига қарши халқ ҳаракатлари	332
Рус қўшинларининг босқинчиликлари ва хонликнинг тугати- лиши	340

**XIX АСР ОХИРЛАРИ — XX АСР БОШЛАРИДАГИ РОССИЯ
ҲУКМРОНЛИГИГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ-ОЗОДИК КУРАШЛАРИ**

Миллий давлатларнинг тугатилиши ва мустамлака зулми	360
1892 йил қўзғолони	363
1898 йил: Дуқчи Эшон қўзғолони	383
1916 йил қўзғолони	400
<i>Хулоса</i>	431
<i>Илова</i>	437

ҲАМИД ЗИЁЕВ

**Туркистонда Россия тажовузи ва
ҳукмронлигига қарши кураш**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998 йил**

Муҳаррир *Б.Эшпулатов*
Мусаввир *А.Баҳромов*
Бадий муҳаррир *Ф.Башарова*
Техникавий муҳаррир *Д.Габдрахмонова*
Мусаҳҳиҳлар *Н.Муҳаммадиева, Ю.Бизаатова*

Теришга 16.07.97 да берилди. Чоп этишга 14.01.98 да рухсат берилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 25,2. Нашриёт ҳисоб-табоғи 23,1. Адади 10.000 дона. Буюртма № 1567. Баҳоси келишилган асосда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

3—60

Зиёев Ҳ.

Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш: (XVIII—XX аср бошлари) // Жамоатчи муҳаррир: М.Саъдий/.—Т. :«Шарқ», 1998.—480 б.

ББК 63.3(5У)+63.3(2)